

**УЗБЕКИСТОН ССР
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

• ТҮРТ ТОМЛИК •



УЛУФ ОКТАБРЬ
СОЦИАЛИСТИК
РЕВОЛЮЦИЯСИГАЧА



ЎзССР ДАВЛАТ БАЛНИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНГ – 1959

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

«**ЎЗБЕК**» УЧИНЧИ ТОМ «**ЗЕҲЗЕ**»



ЎзССР ДАВЛАТ БАШИЧИ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1959

Ўзбекистон ССР
Фочлар академиясининг корреспондент аъзоси
философия фанлари доктори
ВОҲИД ЗОҲИДОВ
таҳрири остида

Редакторлар:
РАҲМАТ МАЖИДИЯ, ПОРСО ШАМСИЕВ.



Ў

ИНСТИТУТДАН

збек адабиёти тарихи материалларидан тузилган тўрт томликнинг бу учинчи томи Захириддин Муҳаммад Бобир ғазаллари билан бошланиб, Комил Хоразмий асарлари билан тугайди.

Бу томда ҳам кўпчилик материалларни шеър, ғазаллар ташкил этади. Шу билан бирга, «Бобирнома» ва бошқа насрда ёзилган асарлардан ҳам намуналар берилди.

Пошохўжа, Ҳувайдо асаридан намуналарни В. Зоҳидов; Бобир, Машраб асарларидан намуналарни П. Шамсиев; Нодира, Ҳозиқ, Фозий, Жоний, Шавқий, Маҳзуна Увайсий, Махмур, Маъдан асарларидан намуналарни А. Қаюмов; Убайдий, Азизий, Бақоий, Мужрим Обид, Гулханий, Фазлий асарлари намуналарини С. Ғаниева; Мажлисий ва Амир асарларидан намуналарни А. Ҳайитметов; Муҳаммад Солиҳ достонидан парчаларни А. Иброҳимов; Нодирани Э. Рустамов; Турдини А. Абдурафуров, қолган ҳамма шоирлар асарларидан олинган намуналарни Р. Мажидий тайёрлаган.





БОБИР





З

аҳириддин Муҳаммад Бобир 1483 йили Андижонда туғилди. Унинг отаси Умаршайх Фарғона вилоятининг ҳукмдори эди. 1495 йили отаси вафот этгач, 12 ёшлик Заҳириддин унинг ўрнига ҳукмрон бўлди. Бобир бутун Мовароунаҳрни марказлашган давлат остида бирлаштиришга интилди. Аммо бир қанча сабаблар, жумладан мамлакатда тўхтовсиз давом этган ўзаро ички курашлар, ҳамда Шайбонийхон бошчилигидаги феодалларнинг ҳужуми бу мақсадни амалга оширишга йўл қўймади.

Бобир гоҳ Самарқандда, гоҳ Тошкент, гоҳ Андижонда бўлди, аммо Шайбонийхон қўшини 1504 йили Андижонни ҳам эгаллагач, оз сонли қўшин билан Афғонистонгага йўл олишга мажбур бўлди.

У Кобил ва Бадахшонда ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1519—1526 йиллар орасида давом этган курашлар натижасида Ҳиндистонни ҳам қўлга киритди ва тарихда «Буюк мўғуллар империяси» номи билан машҳур бўлган давлатга асос солди.

Бобир 1530 йили 26 декабрда Ограда вафот этди. Кейинчалик ўз васиятига кўра унинг сұякларини Кобилга олиб келиб дафн этилди.

Бобир ўзбек адабий тили ва адабиётининг тараққий этишига муҳим ҳисса қўшган талантли шоирдир. Унинг гўзал шеърлари асрлар давомида севиб ўқилиб келмоқда. Бобир ғазаллари ва рубоийлари, маснавий ва туюқлари ўзининг оригиналлиги, мазмундорлиги, чуқур са-мимияти ва юксак бадиийлиги билан ўқувчини мафтун этади.

Заҳириддин Мұҳаммад Бобирнинг мемуар тарзида ёзган «Бобирнома» номли асари Ўзбекистон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихи, адабиёти, этнографияси, географияси бўйича муҳим ва қимматли материалларга бой нодир ва бебаҳо тарихий манбадир.

Бобир дунёқараси ва фаолияти жуда зиддиятлидир. Шунга қарамасдан, адабиёт ва фан, ижтимоий ҳаёт тарихида жуда катта ижобий роль ўйнаган шахслардан биридир.

Бобир асарлари рус, француз, немис тилларига таржима қилингандан кўп мартараб нашр этилган.

Ушбу тўпламда келтирилган Бобир ғазаллари унинг 1917 йил Петроградда босилган тўпламидан, «Бобирнома»дан олинган парчалар ЎзССР Давлат нашриёти томонидан 1948—49 йилларда босилган нашрдан олинди,





“
С

«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

ҒЛИРИНГКИМ жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндур магар бир тор анга.

Эвруулур бошингғау гоҳи юзунгга юз қўяр,
Бу жиҳатдин от эмиш гулпечу гаҳ гулзор анга.

Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар,
Теграси гулзордурким бўлмағай бир хор анга.

Ёғлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш бордуур,
Юз мейнингдек зору юз минг мен киби бемор анга.

Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тифи ғам ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлиғини ёр анга.

Кўнглум истар ёғлиғингни, балки андин бир насим
Етса Бобирға эрур жон бирла миннатдор анга.

* * *

Келтурса юз балони ушул бевафо манго,
Келсун агар юзумни ўгурсам бало манго.

Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур басе
Мехру вафо рақибғау, жавру жафо манго.

Бегона бўлса ақл мени телбадин не тонг,
Чун бўлди ул пари сифатим ошно манго.

Оҳу ёшимдин ортди манга заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манго.

Дардим кўруб муолажада зойиъ этма умр,
Ким жонда дарди ишқдуур бедаво манго.

То ёр кимни истару кўнглина ким ёқар,
Ташвиш бежиҳатдуур охир санго, манго.

Бобир, бўлубтуур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго-манго,

* * *

Чун мени қўймас фалак бир лаҳза васл айёмида,
Тонг йўқ, эй бемеҳр, агар ўлсам фироқинг шомида.

Эй кўнгул, юзин куруб зулфи паришонин соғин,
Шоми ҳижрондин таваҳҳум айла васл айёмида.

Зулфидаким маскан эттинг кўр занахдон чоҳини,
Воқиф ўлғил ким эрурсен аждаҳонинг комида.

Ғунчадек оғзинг ғами кўнглимда гар йўқ, бас недур,
Чок кўнглум ҳайъати гул ғунчаси андомида.

Ернинг пайғомидин топти тани фарсада жон,
Исо эъжози магар музмардуур пайғомида,

Бобир, ул гул зулфи остида эмасдур холлар,
Жон қушин сайд айлар учун доналардур домида

* * *

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму мотам била,
Шоду хуррам бўлмағай наврўз ила, байрам била.

Улки давроннинг аёғидин дамодам қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми жам била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзинким менинг
Улфатим йўқ олам аҳли бирла, бал олам била.

Сендин айру найлагаймен ийд ила наврўзни,
Ою йил күштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афғон, оҳ уруб ҳижронда, Бобир, йиғласанг,
Навҳа туғай, базми ғам аҳли бу зеру бам била.

* * *

Не кўрай тўбини қадди хуш ҳароминг борида,
Не қиласай сунбулни хатти мушкфоминг борида.

Ким Хизр суйин оғизлангай лабингнинг қошида,
Ким Масиҳ алфозидин дегай каломинг борида.

Ошиқингни давлати васлинг била қил муҳтарам
Ҳусн аҳли ичра мунча эҳтироминг борида.

Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани,
Бизни ҳам гоҳи соғин шурби мудоминг борида.

Эй кўнгул, гар ғайр сўзи заҳри қотилдур, не ғам,
Лабларидин шарбати юҳйил-изоминг борида.

Тарки номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро,
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида.

Бобир, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир навоий рост қил мундоқ мақоминг борида.

* * *

Неча расво бўлғамен ишқ ичра шайдолиғ била,
Ҳеч киши кўрмайдуур ошиқ бу расвониғ била.

Ҳар нечаким туттум ўзни порсолиғ таврида,
Бўлдум охир шуҳраи оғоқ шайдолиғ била.

Менки ҳижронингда қон ютмоқ била мұтодмен,
Манга йўқтур ҳеч нисбат айши саҳболиғ била.

Шайх шеърим манъ этар етмай балоғат лутфиға,
Найлагай, ёраб, киши бу пири ноболиғ била.

Бобири бедилни ишқи телбаратса не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

* * *

Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзингни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор,
Ки бир дам ғам емакка арзимас дўнёйи фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму
Сенингдек дард паймоу менингдек дард паймуда?

Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзаи, Бобир,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

* * *

Ҳажр ўлтурди мени англасам эрди мунча,
Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим ўлгунча.

Зоҳидо, дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,
Ҳажр ўти қошида кўрмасмен ани учқунча.

Ул қуёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас
Кавкаби ашк тўкуб бўлсам агар гардунча.

Ҳуснда ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча.

Зиндалар олида ҳайвон суйини кўп ўкасен,
Эй Хизр, борми экин ул су майи гулгунча.

Бобиро, шеъринга гар солса қулоқ ул шоҳинг,
Бўлғусидур сўзунга қадр дури макнунча.

* * *

Ул парининг тифидин қўрқутма мени, эй рақиб,
Ишқида бошимға менинг ҳар не келса, ё насиб.

Эврулуб бошингға, эй ой, қилмишам тарки ватан,
Раҳм қилғил мангаким саргаштадурмен, ҳам ғариб.

Телба бўлмоқлиқдин ўзга чораи йўқтур манга,
Ул пари рӯ ногаҳон ар чиқса уйдин ёсаниб.

Жонда беркитган ўқин чекмак манга ранжедуур,
Қўйғил ул ўқни чекай деб ранж чекма, эй табиб.

Бобиро, ҳаргиз қулоқ шеърингға ул гул солмади,
Гулга не парвоки юз фарёд қилса андалиб.

* * *

Эшигингда бош уармен телбалар янглиғ юруб,
Эй пари, йўл бер висолингфаки кетмай бош уруб.

Сарв қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф,
Ўтқа ёқти боғбон сарви сиҳисин синдуруб.

Ўлтурууб эрди қўпуб кетмакка чун азм айлади,
Ена тиргузди мени, алҳамду лиллаҳ, ўлтурууб.

Топшурууб эрдим кўнгулни ёрға чун бўлди ёр,
Ҳамраҳ эттим хаста кўнглумни худоға топшурууб.

Кўзлари сайд айлар учун телба кўнглумни менинг,
Қоши ёсини кўрууб, кирпик ўқини тўлдурууб.

То сабо зулфини ул гулнинг паришон айлади,
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совурууб.

Бўйнума занжириғам, ё бўғзума тифи ситам,
Ҳарне келса ишқ йўлида турубмен телмурууб.

Мен билурмен кўзи қотил, лаъли жон бахш эрканин,
Чунки, Бобир, ҳажрида кўп йиғладим оғзим қурууб.

* * *

Кимки бўлғай сен киби оламда дилдори анинг,
Ҳар қаён ағм айласа бўлғай худо ёри анинг.

Кўйидин мен арз этармен қолғудектур хотиrim,
Хотиrimни сахласа тенгри нигаҳдори анинг.

Келдим эрса келмади ҳаргиз анинг кўнглига раҳм,
Бордим, аммо бормади кўнглумдин озори анинг.

Ул қуёшдин не осиг чекмак жафоу жаврким,
Майли йўқтур зарраи меҳру вафо сори анинг.

Борғай эрдим ёш ила кўйига найлай, Бобиро,
Ҳар қачон борсам эшигига келур ори анинг.

* * *

Қўнгулга бўлди ажойиб бало қара сочинг,
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг,

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкини эмди бу кун менга сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур очилса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли чу очтинг сочингни Бобирнинг,
Не айб агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

* * *

Олида гўйин кўрунг, илгида чавгонин кўрунг,
Юзида зулфи била гўйи занахдонин кўрунг.

Секритиб елдурганида тавсаниға кўз солинг,
Ейқолиб йўл юруса сарви хиромонин кўрунг.

Ул пари майдон аро жавлонда юз минг ноз ила,
Орқасинда юз менингдек зору ҳайронин кўрунг.

Ишқида жонни маломат ўқиға қилманг ҳадаф,
Қошининг ёсини кўзланг, тири мужгонин кўрунг.

Дерки, Бобир, илтифот айлай санга етган замон,
Манга етгач қошида юз чину ёлғонин кўрунг.

* * *

Гаҳи соғин не бўлди зорларни,
Унутмагил бурунқи ёрларни.

Сени кўрмай йироқдин зор бўлдум,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айрумен хор, эй азизим,
Киши гулдин айрмас хорларни.

Кўзунг bemorimен мендин юмуб кўз,
Яна оғритмагил bemorlarни.

Санга кўнглумни олдурдум жаҳонда,
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Санга бир йўл етар фикриладурмен,
Унутма бир йўли афгорларни.

Сиҳи қадларға, Бобир, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

* * *

Ғунчадек кўнглум менинг гулзэр майли қилмагай
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмагай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлиқ кўнгул гул орзусин қилмагай.

Йўқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмагай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил ҳануз,
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмагай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобир бир замон айрилмагай.

* * *

Бу янглиғ билсам эрди ҳажрнинг муҳлиқ қаро шомин,
Берурму эрдим ўлгунча иликдин васл айёмин.

Жаҳонда айшу ишратдин кўнгул ором топқайму
Киши то кўрмагунча ёнида маҳваш дилоромин.

Кўнгулда ҳасрати ул ойнинг оғзининг чу беҳаддур,
Кўнгул гўёки мундиндур тутубтур ғунча андомин.

Масиҳ анфоси янглиғ жон берур фарсада жисмимға,
Сабо келтурса ногаҳ ҳажр аро ул ёр пайғомин.

Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур, Бобир,
Не учунким келур дамға бўла олмас киши зомин.

* * *

Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон қилғасен,
Хотиримни неча зулфунгдин паришон қилғасен.

Неча еткургайсен эл бошини кўкка меҳр ила,
Неча мени жаврдин ер бирла яксон қилғасен.

Кўнглума дашному таънинг улча мақдур этгасен,
Жонима бедоду зулмунг улча имкон қилғасен.

Манга бормоқ мумкилу келмак санга осондуур,
Ушбу мушкилни манга, ёраб, сен осон қилғасен.

Демаган аҳсанта лафзин, Бобир, ул ёринг сенинг,
Нечаким Ҳассон киби ўзни сухандон қилғасен.

* * *

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳарғиз,
Оёгингга тушуб барги хазондек қанча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориг юзумдин эл танаффурда,
Баҳар ранги биҳамдиллаҳ улусдин ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким ахтари баҳтим топилмайди
Фалак авроқини ҳар неча ким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобир, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ёмон, яхшидин ўткардим.

* * *

Не хуш бўлғайки бир кун уйқулиқ баҳтимни ўйғотсам,
Кечалар тори мўйидек белига чирмashiб ётсам.

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким аларга ишқ ўргатсам.

Ёруқ кундуз, қоронғу кечалар анжум киби бўлғай,
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул ўтини тутратсам.

Кўзум равшанлиғида бўлғай, эй Бобир, басе камлик,
Агар қоши била юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Бори борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобир ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки мен,
Иstab жаҳонни мунча кезиб ёр топмадим.

* * *

Яна кўз уйида маъво қилибсен,
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Яна савдойи зулфунгдин, нигоро,
Мени ошуфтау шайдо қилибсен.

Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен.

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшиниб, эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Софимас жаннатул-маъвони Бобир
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

* * *

Хуршед юзунг бирла букун, эй маҳи тобон,
Даъви гар этар бўлғуси кун сўнгра пушаймон.

Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга мағрур,
Булбул киби мен ғамзадамен, ҳуснунга ҳайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале лолаи худрӯй,
Тор оғзинг эрур ғунча, вале ғунчай хандон.

Гоҳи қулогинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,
Зулфунгни йиғиштурки басе бўлди паришон.

Чун бўлди сочи торига жон риштаси пайванд,
Бобир, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон.

* * *

Сендин нафасе мурод топмон,
Ишқингда кўнгулни шод топмон.

Ишқ аҳлиға илтифот кўрмон,
Ҳусн аҳлида эътиқод топмон.

Қилсам санга ҳар неча тазаллум,
Фарёду фигонки дод топмон.

Фарёдки, дерга ишқ розин
Бир кишини эътимод топмон.

Қошинг ғами шарҳини ёзарға
Кўз қорасидин мидод топмон.

Мен банда жуз инқиёд билмон,
Сен шоҳда жуз инод топмон.

* * *

Қуёшим ҳар сориға азм қилса, зарраи қолмон,
Не учунким агар айрилсам андин кун кўра олмон.

Анингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ юзунггаким,
Қуёшдек найзалар тегса кўзумга кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглумға ўт солди,
Вале мен нотавон ул ёр ишқида кўнгул солмон.

Ибодат вақти бўлса ҳар неча меҳроб ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қилмағунча ерга бош
чолмон.

Ироқу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобир,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.

* * *

Бу кеча кулбамға келди ул қуёшім ёшурун,
Қарнларда келмади ҳаргиз мунингдек кечқурун.

Оғзидек тор фурсати васлию ҳам ҳажри йўли,
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қоронғу, ҳам узун.

То хаёли оразинг тушти кўнгулга, эй қуёш,
Бўлди кўнглум бир ёнар ўту сўнгакларим ўтун.

Бўлди кўнглумда гириҳ ҳасрат анинг тор оғзидин,
Бор магар жисмим менинг тору кўнгул анда тугун.

Олғали жонимни ҳижронға ҳавола қилди ёр,
Қўйма ҳижронға, ажал, жонимни ол тенгри учун.

Сарвдек қадди фироқида фифонимдур баланд,
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур лолагун.

Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳиб камол,
Ишқ аҳли. эмди Бобирни дегайсиз зуфунун.

* * *

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Ғунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг устида
Гул уза оғнар магар ул иккенинг давронидур.

Үқи захмини кўруб ҳар ён танимда эл дегай,
Ким бу кўҳи дарднинг ул лолаи нуъмонидур.

Сел эмасдур ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.

Ложарам бўлғай паришону ҳавои мен киби,
Зарра янглиғ кимки бир хуршед саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобир, кўнглум андек телбадур,
Ким сочи занжиридур ҷоҳи зақан зинданидур.

* * *

Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким ишрат замонидур.

Гаҳи саҳро узори лола шақлидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонидур.

Бино саҳни чаман бўлди мунаққаш ранги гуллардин,
Магарким сунънинг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гуллори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони
Бобирнинг,
Фарибингға тараҳҳум айлагилким анда жонидур.

* * *

Балойи ишқки ҳардам манга жафойидур,
Бу ишқдин кеча олмон ажаб балойидир.

Хати лабиға тутош бўлса, эй кўнгул, не ажаб,
Ки хизр чашмаи ҳайвонға раҳнамойидур.

Ерар бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давойидур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ тут манга, соқийки, хуш ҳавойидур.

Ул ой рақибға бўлди рафиқу Бобирнинг
Рафиқу ҳамдами ҳажринда оҳувойидур.

* * *

Фоғил ўлма, эй соқи, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айш эрур боқи, ол чағир кетур, бот тут.

Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,
Не бўлур экин тонгла, сен бугун ғанимат тут.

Фоғил ўлма давлатта, ўзни солма меҳнатта,
Тенгри берур, албатта, давлат иста, ҳиммат тут.

Хуштуур висоли ёр анда бўлмаса ағёр,
Бўлса васл эътибор давлати саодат тут.

Ғам чириги беҳаддур, чораси будур, Бобир,
Бодани қуюб келтур, жомни ҳимоят тут.

* * *

Олғоли бу кўнглумни ул юз била ул гису,
Кундуз манга не ором, кеча манга не уйқу.

Ҳар ёнғаки азм этсам ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сорики юзлансан ўтрумға келур қайғу.

Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойиши кам кўрган мендек яна бир борму.

Ул юзи қуёш ҳажри, бу сатъ бало дарди,
Кўнглумга урубдур ўт, жонимни қилибдур сув.

Ҳар нечаки муҳлиқдур, дардингни дема элга,
Ким йиғламоғинг, Бобир, бу элга дурур кулгу.

* * *

Олди кўнглумни соғиндимким манга дилдор эмиш,
Билмадим бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч кўрдум ул шамшод қаддин — юз бало,
Оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Илтифот этмаслигин бози хаёл айлар эдим,
Эмди билдимким, анга мендин бу янғлиғ ор эмиш.

Ул пари ишқида йўқ ўлмоқдин ўзга чораи,
Чун ўзи қотил, сўзи муҳлиқ, кўзи хунхор эмиш.

Ҳусн аҳли, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг
Кўнглини сахлар эмиш ҳаркимга ким дилдор эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не яъни мунча ғам,
Ҳусн аҳли чунки, Бобир, дуняда бисёр эмиш.

* * *

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёз фаслида чағир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа мұяссар бўлса бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмагай, Бобир, жаҳоннинг ишрати.

* * *

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма андин яхшилиғ.

Бу замонни нафъ қилсан айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз нетайин бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч оромз жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиқ асрү кўп,
Эмди кўз тутмак не яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобир киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

РУБОИЛАР

Ҳажринг ғамидин оқибат ўлгум, қаро кўз,
Юз ғуссау андуҳ ила боргум, қаро кўз.
Васлинг била қилмадинг иложин, Бобир,
Мушкилки фироқингда тирилгум, қаро кўз.

* * *

Ҳаммомки то маскани жонона эмиш,
Анда парилар ҳуснига девона эмиш,
Ул худ паридур борча мулозимлари ҳам,
Алқиссаки, ҳаммом парихона эмиш.

* * *

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил,
Ё баҳри иноятингда мустафроқ қил,
Ёраб, сангадур юзум, қаро хоҳ оқ қил,
Ҳар навъи сенинг ризонг эрур андоқ қил.

* * *

Аҳбобфа қилсанг гузар, эй ел, ногоҳ
Ул жамъни бу сўзумдин этгил огоҳ:
Сиз кўргандек эсон-саломаттурбиз,
Сиз доғи эсон бўлғайсиз, иншооллоҳ.

* * *

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен,
Бобирни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи,
Алқиссаки; умри жовидоним сенсен.

* * *

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум,
Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум,
Васлинг била бисёр севиндим аввал,
Ҳажринг била оқибат гирифтор ўлдум.

* * *

Мен неча жафоу жавринга сабр этай,
Бир зарра вафоу меҳр йўқ сенда нетай,
Чун бошим сёғингға қўярга ярамас,
Бошимни олиб сёқ етганча кетай.

* * *

Ёд этмас эмиш кишини фурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Фурбатда севунмас эмиш албатта киши.

* * *

Кўнгли тилаган муродига етса киши,
Ё борча муродларни тарк этса киши,
Бу икки мұяссар ўлмаса оламда
Бошини олиб бир сорига кетса киши.

* * *

Азм айла, сабо, ул ғули хандонимға,
Не ғулки қуёшдек маҳи тобонимға,
Етгил, дағи иштиёқ ила Бобирдин
Зинҳор дегил: салом туққонимға,

* * *

Оворалиқ асру хонумондин яхши,
Бир гўша манга икки жаҳондин яхши,
Овора бўлурни яхши эрмас демагил,
Бўлсам агар овора не андин яхши.

* * *

Рафторио қаддиға равоним садақа,
Бир боқишиға икки жаҳоним садақа,
Оғзию белига буду нобудим сарф,
Қўзию лабига жисму жоним садақа.

* * *

Майхона сори гузар, эй жон, қилма,
Ишрат уйини кулбай аҳзон қилма,
Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,
Лаълинг киби бағримни тўла қон қилма.

* * *

Бу даҳр аро гар эҳтимоли бўлса,
Сендек манга ёри лоуболи бўлса,
Ул ёр басе нозику йўқ менда адаб,
Мендин не ажаб агар малоли бўлса.

* * *

Беқайд мену хароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йифиштуур лаим эрмасмен,
Кобулда иқомат этти Бобир дерсиз,
Андоқ демангизларки, муҳим эрмасмен.

* * *

Зулфиға кунгул қўюб паришон бўлдум,
Кўз олдурубон юзига ҳайрон бўлдум,
Чин дей санга, Бобирки ошиқлиқда
Ҳар неки қилиб эдим—пушаймон бўлдум.

* * *

Ахбоб, йифилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,
Чун гардиши чарх будуур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куни ғанимат тутунгиз.

* * *

Бир зулфдин, эй кўнгул, паришон бўлма,
Бир юзга ҳам асрү, зору ҳайрон бўлма,
Мен санга демонки, тарки ишқ эт, лекин
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма.

* * *

Аҳбобға ҳар хатки савод этгайсен,
Бизни даги ул битикда ёд этгайсен,
Мақсадки қосиде агар келса бу ён,
Бир нома била кўнгулни шод этгайсен.

* * *

Қўзум эви юзидин мусаввар бўлди,
Бу важҳ била кўнгул мунаввар бўлди,
Юз шукрки, Бобир киби ошиқлиқда,
Ҳар неки тилаб эдим, мұяссар бўлди.

* * *

Руҳум яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга тани ҳамроҳ оғат бирла,
Руҳумни чу тан эвига келтурдунг пок,
Мундин бори элитма касофат бирла.

* * *

Ғурбат туғи ёпқон рухи зардимниму дей,
Ё ҳажр чиқорғон оҳи сардимниму дей,
Ҳолинг не дурур, билурмусен дардимни,
Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей.

* * *

Бобирни бурун маҳрами асрор эттинг,
Васлингга бериб йўл ўзунгга ёр эттинг,
Охир бординг доғи ани зор эттинг,
Хижрон алами била гирифтор эттинг.

* * *

Юзунг била лабларинг эрур гули мулдек,
Балки юзунг олида эрур гул қулдек,
Бобир киби ишқдин дам урмайдур эдим,
Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

* * *

Эй ёр, сенинг васлинга етмак мушкил,
Фархунда ҳадисингни эшиитмак мушкил,
Ишқингни доғи бартараф этмак мушкил,
Бошни олибон ҳар сари кетмак мушкил.

МАСНАВИИ

Сабо, ул тул ҳаримиға гузар қил,
Менинг ҳолимдиң ул гулға хабар қил.

Саломим еткур ул ороми жонға,
Яна мундоқ дегил ул дилситонға:

«Юзунгни кўрсатиб кўнглумни олдинг,
Олиб кўнглумни, кўздин **мени солдинг**.

Дегил дилдорлиқ мундоқ бўлурму,
Тариқи ёрлиқ мундоқ бўлурму.

Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,
Бу янглиғ раҳмсиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб икки оламдин кечибмен.
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале бордур санга мендин фароғат

Мени аввал ўзунгга ҳамдам эттинг,
Яна билмон нега номаҳрам эттинг.

Сўзунгким Хизр суйидин нишондур,
Вале ул сув киби мендин ниҳондур.

Не яъни мунча биездың сўз ёшурмоқ,
Жафо ойинини ҳаддиң ошурмоқ.

Бирониким бирордун кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгилни олур.

Ажабким мендин, эй дилдор, тўйдунг.
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдунг».

Узатма мунча ҳам Бобир сўзунгни,
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

Агарчи кўп сўзунг бор муҳтасар қил,
Ул ойға сўзунг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким ёшурдунг айтмассен.
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

Сени севмаслигингни жазм этармен,
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ улдур печу тобим.

* * *

Эй пайки сабо, қошимға келгил,
Эшият бу сўзумни доғи билгил.

Елдек етиб ул қуёш қошиға,
Қуюн киби эврулуб бошиға.

Юз ҳасрату иштиёқ бирла,
Юз минг аламу фироқ бирла,

Мендин тобуғида бўйла арз эт,
Сен бу хизматни ўзунгга фарз эт.

Кей, подшоҳи вилояти ҳусн,
Шаъннингда келибдур ояти ҳусн.

Сен ҳусн сарири подшоҳи,
Мен ишқ фақир додҳоҳи.

Ҳажру ғаминг этти зулму бедод,
Эй жону жаҳон фифону фарёд.

Айриғали, эй нигор, сендин,
Айрилди ҳушу қарор мендин.

Кўзумда агарчи йўқ жамолинг,
Кўнглумда дуур вале хаёлинг.

Фикрим бу дуурки сенга етсам,
Зикрим бу дуур сўзунг эшитсам.

Бормади кўнгулдин ул сочу юз,
Ёд эттим аларни кеча-кундуз.

Чун йўқ қошинга кетарга ҳаддим,
Қошинг ғамидин эгилди қаддим.

Зулфунг гириҳига бастадурмен,
Кўзунг ҳавасида хастадурмен.

То оқ юзунг йироқ тушти,
Икки кўзум ичра оқ тушти.

Оғзинг ғамидаки танг дилмен,
Үлмай юрурам не санг дилмен.

Лутф этки хароб бўлди ҳолим,
Раҳм айлаки қолмади мажолим.

Хуш улки юзунгни ёна кўрсам,
Ҳайрон боқибон юзунгга турсам.

Юзунг яна кўрсам эрди, эй жон,
Улсам дағи қолмас эрди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,
Ёдинг била ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар била шод,
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

Маҳжур кўнгулни шод қилмай,
Яхши сўз бирла ёд қилмай.

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр била хитоб этарсен,

Гар ёлгони бўлса зоҳир, эй дўст,
Шарманда бўлурсен охир, эй дўст.

Эй ёр, сен айлама тасаввур,
Ким кўнгилни ўзга қилди Бобир.

* * *

Юз ҳур сифат қошимға келса,
Юз тифи жафо бошимға келса,

Кўнглумда ханўз ўшал вафодур,
Бошимда даги ўшал ҳаводур.

Фикрим ўшалу хаёл ўшалдур,
Дардим улту зори ҳол ўшалдур,

Гар мунда тараддуд этса ойим,
Бу сўзда гувоҳ эрур худойим.

Ҳол ул эдиким ҳикоят эттим,
Гаҳ шукру гаҳи шикоят эттим..

Ҳар неки кўнгулда эрди дедим,
Эмди сендин будур умидим,

Ҳар ишда шитоб қилмагайсан,
Бу тавр итоб қилмагайсан,

Қолғон кўнгулмни олғасен бот,
Олғон назарингни солғасен бот.

Гар яхшию гар ёмон қилурсен,
Дедим санга эмди сен билурсен,

То даҳр дурур саломат ўлғиљ,
Хушлуқ била то қиёмат ўлғиљ.

Хушвақтлиғинг мудом бўлсун,
Давлат санга мустадом бўлсун.





«БОБИРНОМА»ДАН

[Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқиалари]

III

енгри таолонинг инояти билан... сесанба куни рамазон ойини бешида тарих сеқкиз юз тўқсон тўққузда Фарона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум.

Фарғона вилояти бешинчи иқлиминдур. Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур. Шарқи Кошвар, фарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳарлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубларда Ўтроркент битирлар, мўғул ва ўзбак жиҳатдин бу тарихда бузулибтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдо-гирди тоғ воқеъ бўлубтур. Фарбий тарафидаким, Самирқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиши ёғи келолмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдур, шарқ ва шимоли тарафидин келиб бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, фарб сори оқар. Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафидинким, ҳоло Шоҳрухияға машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хили қўйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас. Фарғонанинг етти пора қасабаси бор, беши Сайхун суйининг жануби тарафига, икки шимоли жонибига, жануби тарафидаги қасабалар бири Андижондорким, васатта воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи воғир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм бўлмас. Андижоннинг ношботисидан яхшироқ ношботи бўлмас.

мас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш¹ қўрғонидан сўнгра мундин улуғроқ қўргон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқеъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирап. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалиқ шоҳ-роҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллотур. Бу маҳалла бирла қалъага фосила ушбу хандақтур ва ёқаси доғи шоҳроҳтур. Ови қуши доғи кўп бўлур. Қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур. Эли турктур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам бирла росттур.

Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусоннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур. Элининг орасида ҳусн хили бордур. Юсуф Хожаким мусиқида машҳурдур, Андижонийдур. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур.

Яна бир Ўшдур, Андижоннинг шарқи жанубий тарафиур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси ҳўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хили аҳодис ворид бўлубтур. Қўрғоннинг шарқи жанубий жонибида бир мавзун тоғ тушубтур, Барокӯҳга мавсум, бу тоғнинг қулласида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қўйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққуз юз иккida мен бир айвонлиқ ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин муртафиъдур, vale бу ҳужра бисёр яхшироқ воқеъ бўлубтур. Тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур. Бу руднинг икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Бароқӯҳ тоғи доманасида шаҳр била тоғнинг орасида бир масжид тушубтур, масжиди Жавзо отлиқ. Тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ, себаргалик пурсоя, сафолиқ майдон воқеъ бўлубтур. Ҳар мусоғир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Уш авбошининг зарофати будурким, ҳарким анда уйқуласа ул шаҳжўйдин сув қуярлар.

¹ Шаҳрисабз.

Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичноқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хили яхши тошдур. Фаргона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлик қасаба йўқтур.

Яна бир Марғинондур, Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқеъ бўлубтур, пур неъмат: анори ва ўруги асру кўп хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, «дона калон» дерлар, чучуқлигига зардолу майхушлиғидин андак чошни бор, Самонон анорлариға таржиҳ қиласа бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, субҳоний дерлар, бисёр лазиздур. Ови қуши яхшидур, оқ кийик ёвуқта бўлур. Эли сорттур ва муштазан ва пуршару шўр элдур. Жангаралиқ расми Мовароннаҳрда шойиъдур. Самарқанд ва Бухорода номдор жангараляр аксар Марғинонийдур. Соҳиби «Ҳидоя» Марғиноннинг Рушдон отлиқ кентидиндур.

Яна бир Исфарадур, кўҳпояда воқеъ бўлубтур. Оқар сувлари, сафолиқ боғчалари бор. Марғиноннинг ғарби жанубидадур. Марғинон бирла Исфара ораси тўққуз йиғоч йўлдур. Мусмир дарахтиси бисёр, vale боғчалигида аксар бодом дарахтидур. Эли тамом сорт ва кўҳийдур. Исфаранинг бир шаръисида жануб пушталарнинг орасида бир парча тош тушубтур, «санги ойина» дерлар, узунлуғи таҳминан ўн қарти бўлғай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, пастлиғи баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойинадек ҳарнима мунъакис бўлур. Исфара вилояти тўрт бўлук кўҳпояидур: бир Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сўх, яна бир Ҳушёр. Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонға шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпоялариға келиб, бир йилга ёвуқ танқислиқ била ўткариб, Кобул азимати қилдим.

Яна бир Хўжанддур, Андижондин ғарб сориға йигирми беш йиғоч йўлдур. Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирми беш йиғоч йўлдур, қадим шаҳрлардиндур. Шайх Муслиҳиддин ва Ҳожа Камол Хўжандтиндурлар. Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур. Анори яхшилиқ-қа машҳурдур. Нечукким, «себи Самарқанд» дерлар, ва «анори Ҳўжанд» дерлар. Vale бу тарихда Марғинон анори кўп ортуқдур. Қўргони баланд ерда воқеъ бўлубтур. Сайҳун суйи шимол жонибидин оқар. Қўргондин

дарё бир ўқ отими бўлғай. Қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур, Мунуғил отлиқ, дерларким, бу тоғда фируза кони ва баъзи конлар топилур. Бу тоғда бисёр йилон бор. Хўжанднинг овложи ва қушложи бисёр яхшидур. Оқ кийик, буғу-марал, қирғовул ва товушқони кўп бўлур. Ҳавоси бисёр мутааффиндор, кузлар безгак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, чупчикуқ безгак бўлғондор. Дерларким, ҳавосининг тааффуни шимолдағи тоғ жиҳатидиндор.

Мунинг тавобинидин Қандбодомдор. Агарчи қасаба эмас, яхшигина қасабачадур. Бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдин бу исмға мавсумдор. Ҳурмуз ва Ҳиндустонға тамом мунинг бодоми борур. Хўжандтин беш-олти йиғоч шарқ тарафидадур. Хўжанд била Қандбодом орасида бир дашт тушубтур, «Ҳодарвеш» қа мавсумдор. Ҳамиша бу даштга ел борур, Марғинонғаким шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким ғарбидур, доийим мундин ел борур: тунд еллари бор. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини топа олмай, «ҳо дарвеш», «ҳо дарвеш» де-де ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар.

Сайҳун суйининг шимоли тарафидағи қасабалари (дин) бири Аҳсидур. Китобларда Аҳси кат битирлар. Нечукким, Асириддин шоирни Асириддин Аҳси катий дерлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур. Андижондин ғарб сори тўққуз йиғоч йўлдур. Умаршайх Мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайҳун дарёси қўргонининг остидин оқар. Қўргони баланд жар устида воқеъ бўлубтур. Ҳандақининг ўрнига амиқ жарлардур. Умаршайх Мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқар (и) роқдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк қўргон йўқтур. Маҳаллоти қўргондин бир шаръий йироқроқ тушубтур. «Деҳ кужову дарахтон кужо»¹ масалини ғолибо Аҳси учун айтибурлар. Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, «Мир Темурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқанд (ни) олғон маҳалда Аҳсидин, Бухородин қовун келтүруб бир мажлисда кестурдум, Аҳси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди. Ови қўши бисёр яхши бўлур. Сайҳун дарёсининг Аҳси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўй-

¹ Қишлоқ қайдою, дарахтлар қайда,

лур. Андижон тарафи жангандур. Буру-марал, қирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур.

Яна бир Қосондур, Аҳсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким Андижон суйи Ўштин келур, Аҳси суйи Қосондин келур. Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолиқ боғчалари бор. Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида воқеъ бўлғон учун, пўстини пеш барра¹ дебтурлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Қосон элининг таассуби бор.

Фарғона вилоятининг гирдо-гирд тоғларида яхши яйлоқлари бор. Тобулғу йиғочи бу тоғларда бор, ўзга ҳеч ерда бўлмас. Тобулғу бир йиғочедур, пўсти қизил, асо қилурлар, қамчи дастаси ҳам қилурлар, қушларга қафас қилурлар, тарош қилиб яна тиргаз қилурлар, хили яхши йиғочтур. Табарруклик била йироқ ерларга элтарлар. Баъзи китобларда битибдурларким, «ябруҳуссанам»² бу тоғлардадур, вале бу муддатта ҳеч эшитилмади, бир гиёҳ эшитилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл «айиқ ўти» дерлар, меҳригиёҳ хосиятлик; голибо меҳригиёҳдур, ул эл бу от била айтурлар. Бу тоғларда фируза кони ва темур кони бўлур. Фарғона вилоятининг ҳосили била, агар адл қилсалар, уч-тўрт минг киши сахлаб бўлур...

[Тўққиз юз иккинчи (1496—1497) йил воқиалари]

...Султонали мирзо била кўрушганда андоқ муқаррар бўлуб эдиким, ёз ул Бухородин, мен Андижондин келиб, Самарқандни муҳосара қилғойбиз. Ўшул миод била рамазон ойи Андижондин чиқиб, отланиб Ёр яйлоқ сари келиб, ул навоҳига етканда, мирзоларнинг рўбарў ўлтурган хабарини топиб, Тўлун Ҳожа мўғулни икки-уч юз қазоқ йигитлар била илғор айирдук. Булар ёвук еткан маҳалда Бойсунғур мирзо бизнинг хабаримизни топиб, бузулғон йўсунлук ёнар. Бу йигитлар ўшал кеча кейинларидин кириб қалин кишини ўқлаб олиб, қалин ўлжа келтурдилар.

Биз бир-икки кундин сўнг Шероз қўрғонифа еттук. Шероз Қосим дўлдайда эди. Доруғаси Шерозни сақлай

¹ Мақташ йўли билан айтилган сўз: «олдига қоракўл тери тутилган пўстин» демак.

² Меҳригиёҳ.

олмай, филҳол қўрғонни берди. Шероз Қўрғони Иброҳим соруға уҳда бўлди. Тонгласи ийди фитр намозини ижро қилиб, Самарқанд устига мутаважжиҳ бўлуб, Обёр қўруғига туштук. Ушбу кун Қосим Дўлдай ва Вайс Логарий, Ҳасан набира, Султон Муҳаммад Сайфал, Султон Муҳаммад Дарвеш уч-тўрт юз киши била келиб, мулозамат қилдилар. Сўзлари бу эдиким, Бойсунғур мирзо кўчуб, ёнғоч, биз айрилиб подшоҳ қуллуғига келдук. Охир маълум бўлдиким, булар даъво била Бойсунғур мирзодин айрилиб, Шерозни сахлағали келган экан дурлар. Шероз иши мундоқ бўлғоч, бечора бўлуб келубтурлар.

Қорабулоқ тушканда баъзи кирган кенд кесакка бошсизлиқ қилғон мўгулларни тутуб келтурдилар. Қосимбек сиёsat учун икки-учни пора-пора қилдурди. Тўртбеш йилдин сўнгра қазоқликларда Масчодин хон қошиға мутаважжиҳ бўлғонда Қосимбек ушбу жиҳатдин биздин айрилиб Ҳисорға борди. Қорабулоқдин кўчуб, сув кечиб, Ём тўғрисида туштук. Ушбу кун баъзи ички беклар Хиёбон бошида Бойсунғур мирзонинг кишиси била илик олиштилар. Султон Аҳмад Танбалнинг бўғизига найзалаб йиқтилар. Вале тушмади. Хожаги Мулло Садрким, Хожакалоннинг улуг'офаси эди, бўйниға ўқ тегди, ўшал замон тенгри раҳматига борди. Хийли яхши йигит эди. Отам ҳам риоят қилиб эди, муҳрдор ҳам қилиб эди. Толиб илмлиғи бор эди, луғатни хили билур эди, иншоси ҳам яхши эди. Қушчилиқ ва ядачилиқ ни ҳам билур эди.

Ём навоҳисида эканда шаҳрдин қалин эл бозори ва ғайри бозори чиқиб, ўрду бозор бўлуб, суд ва савдо қилурлар эди. Бир кун намозидигар ғавғойи оми бўлуб, бу мусулмонлар тамом толонға бордилар. Черик забти бу мартабада эдиким, фармон бўлдиким, жамиъ элнинг жиҳотини ҳеч ким сахламай тамом ёндуруб бергайлар. Тонгласи бир паҳра бўлмайдур эдиким, ип учи, игна синигича нима черик илигида қолмади, борчасини эгаларига ёндура бердилар. Андин кўчуб Самарқанднинг шарқий тарафида Хон юртиға тушулди. Самарқанддан уч куруҳ бўлғай, қирқ-эллик кун бу юртта ўлтурулди. Бу юртта эканда неча навбат ташқаридин ва ичкаридин кўнгуллик йигитлар Хиёбонда яхши чопқулаштилар. Бир мартаба Хиёбонда Иброҳим бегчик чопқулашти, юзига чоптилар. Мундин сўнг Иброҳим чопук дерлар

эди. Яна бир навбат Хиёбонда, Пули мағокта Абулқосим Қўйхбур пиёзи тегурди. Яна бир қатла (ҳам) Хиёбонда Тарнов навоҳисида чопқулаш бўлди. Мирзошоҳ қавчин пиёзи тегурди. Мирзошоҳ қавчинни андоқ чоптиларким, бўйнининг ярмиға ёғуқ чопилиб эди, гоятash шаҳраги кесилмайдур эди.

Хон юртида эканда қўрғондагилар фириб била киши юбориб, дедиларким, кеча била Фори Ошиқон тарафиға келингки, қўрғонни берурбиз. Бу хаёл била кеча отланаб Пули мағокға келдим. Бир пора ўбдан йигитларни ва пиёдаларни миод ерига юборилди. Ичкаридин бизнинг пиёдалардин тўрт-беш пиёданни чиқариб эдиларким, воқиф бўлдилар. Хили жалд пиёдалар эдилар. Бирисининг оти Ҳожи эди. Менга кичиктин хизмат қилиб эди. Яна бирини Маҳмуд кўндури сангак дерлар эди. Борчасини ўлтурдилар.

Бу юртга эканда Самарқандтин шаҳр ва бозори ул миқдор чиқиб эдиким, ўрду шаҳри бўлуб эди. Ҳар не шаҳарларда тиласалар ўрдуда топилур эди. Бу муддатта бир Самарқанддин ўзга тамоман қўрғонлар ва тоғ ва туз кириб эди. Шавдор тогининг доманасида Ургут отлиқ қўрғонни бир жамоат беркиттилар. Зарурат бўлуб бу юрттин кўчуб Ургут устига борилди. Тоқат келтуролмай Ҳожа қозини ораға солиб кирдилар. Биз доғи гуноҳларини афв қилдук. Яна Самарқанд муҳосарасига ёндук.

Ушбу йил Султон Ҳусайн мирзо била Бадиuzzамон мирзо орасидағи ниқорлар урушға тортти. Тафсили бу ким, ўткан йил Балх ва Астрободни Бадиuzzамон мирзоға ва Музаффар мирзоға бериб юкундуруб эдилар, нечукким мазкур бўлди, ўшул муддатин бу муддатқача ғалаба элчилар бордилар ва келдилар.

Охир Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй қилдилар, Астрободни иинисига бермоққа ризо бўлмади. Дедиким, менинг ўғлум Муҳаммад Мўмун мирзони хатна қилғонда мирзо анга боғишилабтур. Бир кун Алишербек била мирzonинг орасида бир сұхбати ўтдиким, мирzonинг тез фаҳмлиғига ва Алишербекнинг риққати қалбиға долдур. Алишербек сиррий сўзларни мирзоға гўшаки қилиб айтти. Дағи дедиким, бу сўзларни унугтунг. Мирзо филҳол айттиким, қайси сўзларни? Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади.

Охир оталиқ, ўғуллуқ орасида бу гуфтугўлар анга мунжар бўлдиким, отаси ўғли устига Балх ва Астробод-қа черик тортилар. Гарзавоннинг оёғида Яқчироғ ўлангига қўйидин Султон Ҳусайн мирзо, юқоридин Бадиуззамон мирзо келдилар. Чаҳоршанба куни рамазон ойининг фуррасида Абулмуҳсин мирзо Султон Ҳусайн мирзонинг бирнеча беклари ва бир пора илғори била илгарирак келди. Андоқ уруш ҳам бўлмай, босилди. Қалин ўбдан йигитлари иликка тушти. Султон Ҳусайн мирзо барчасини бўйниға урдурди. Ёлғуз мунда эмас эди, ҳар қачон бир ўғликим, ёғифа юрди, бости. Иликка тушкан навкарларининг тамом бўйниға урдурди. Не қилсун, ҳақ анинг тарафи экандур.

Бу мирзолар андоқ ифрат била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, тенгридин қўрқмай, қилур иши чоғир ичмак эди нашет била; мажлис оролиқ эди инбисот била, муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳарким даст топқай. Неча йилким, Астробод ҳукумати Бадиуззамон мирзода эди, ҳаволи ва ҳавошиси ва йигит-яланги бисёр пурзавқ ва пурзеб бўлуб эди. Қумош тўшаги ва тўпчоқ оти ва олтун ва кумуш олот ва адавоти бисёр бешумор бўлуб эди. Борчасини мунда барбод берди ва қочурди, тоғ йўлиға учраб иниш ва учма ерга йўлуқуб, ўзи ташвиш била бу учмадин тушти. Кўп эли бу учмада зойиъ бўлди.

Султон Ҳусайн мирзо ўғлини босқондин сўнг Балхга келди. Бадиуззамон мирзо Балхга Шайх Али тағойини қўюб эди. Чора қила олмай, кириб Балхни топшуруб. Султон Ҳусайн мирзо Балхни Иброҳим Ҳусайн мирзоға бериб, Муҳаммад Валибек ва Шоҳ Ҳусайн чухрани анинг била қўйди. Ўзи Хуросон сари мурожаат қилди. Бадиуззамон мирзо шикасттин сўнг талатиб олдуруб, йигит-яланги ва яёқ-яланги била Қундузға Хисравшоҳқа торти. Хисравшоҳ ҳам яхши хизматлар қилди. От ва тевадин ва хайма ва хиргоҳдин, балки жамиъ сипоҳийлиқ яроғидин мирзоға ва мирзо била бўлғонларга ул миқдор хизмат ва одамигарлик қилдиким, кўрганлар дедилар, бу яроғ била бурунғи яроқнинг орасида тафовут магар тилла олот ва нуқра олот бўлғай эди,

Султон Масъуд мирзо била Хисравшоҳнинг орасида аниңг беътидоллиқларидин ва мунинг улғаймөқлари-дин ниқорлар ва кудуратлар бўлуб эди. Валини ва Боқини Бадиуззамон мирзога қўшуб, Султон Масъуд мирзонинг устига Ҳисорға юборди. Қўрғонға яқин ҳам кела олмадилар. Атроф ва навоҳида бир-икки қатла ул тараф, бу тарафдин қилич олиштилар. Бир навбат Ҳисорнинг шимол тарафи Қўшхонада Муҳиб Али қўрчи элдин айрилиб келиб, яхши чопти. Оттин йиқилиб ўлур маҳалда яна ул тарафтин зўрлаб халос қилдилар. Бирнеча кундин сўнгра гург оштироқ қилиб ёндила.

Бирнеча кундин сўнг Бадиуззамон мирзо тоғ йўли била Қандаҳор ва Замин-доварға ва Зуннун аргун ва ўғли Шоҳ Шужъо аргунга ўзини торти. Зуннун аргун бовуҷуди хиссат ва баҳиллик яхши хизматлар қилди. Бир пешкаш қўлғонда қирқ минг қўй пешкаш қилди. Бу ғариб воқеоттингурким, ўшал чаҳоршанба куниким, Султон Ҳусайн мирзо Бадиуззамон мирзони босар, ўшал куни Астрободта Музаффар мирзо Муҳаммад Мўмин мирзони босар. Яна бу ажаброқим, Чашоршанба отлик киши Муҳаммад Мўмин мирзони тушуруб келтурур.

[Тўққуз юз учинчи (1497—1498) йил воқиалари]

Боғи майдоннинг орқаси Қўлба ўлангига тушулди. Самарқанд эли сипоҳи ва шаҳри Пули Муҳаммад Чаб навоҳисига қалин эл чиқтилар. Чун бизнинг эл тайёр эмас эдилар, йигитлар тайёр ва мустаид бўлғунча Султонқули ва Бобоқулини тушуруб, қўрғонға элттилар. Бир неча кундин сўнг кўчуб, Қўҳакнинг орқаси Қўлбанинг бўшиға тушулди. Сайд Юсуфбекни ушбу кун Самарқанддин ғиқордилар. Ушбу юртга келиб мулизамат қилдат.

Самарқанддағилар ул юрттин кўчуб бу юртқа келганимизни, ёнди, тасаввур қилиб, кўмаки сипоҳи ва шаҳри мирзо кўпругигача, Шайҳзода дарвозасидин Муҳаммад Чаб кўпругигача чиқиб эдилар. Буюрдуким, бўлғон йигитлар яроғланиб отландилар. Икки тарафдин Пули мирзодин ва Пули Муҳаммад Чабдин эйр келтурдилар. Тенгри рост келтурди, ёғи босилди. Ўбдан бекларни ва яхши-яхши йигитларни тушуруб келтурдилар. Ул жумладин бири Муҳаммад Мискин Ҳофиз дўлдай эди, шаҳодат бармоғини тушура чопиб, олиб келтурдилар. Муҳаммад Қосим набира иниси Ҳасан забирани тушуруб келтурдилар. Мундоқ сипҳои ва эл тониғудек

Ӣигитлардин хили бор эди. Яна шаҳр ятимларидин Девона жомабоффларни ва Қал қошиқни келтурдиларким, жанг-сангда ва ятимликда хира ва саромад эдилар. Фори Ошиқонда ўлган пиёдаларнинг қасосиға буюрулликим, азоблар била ўлтурдилар. Самарқанд элига бу куллий шикаст эди. Мундин сўнг қўрғондин чиқорлари бартараф бўлди. Иш анга еттиким, бизнинг эл Хандақ ёқасиғача бориб, қул ва додак келтуурлар эди.

Офтоб мизонға таҳвил қилди, совуқ тушти. Бори кенгашга кирар бекларни тилаб, кенгашиб сўз мунга қарор топтиким, шаҳар кишиси мунча ожиз бўлуптур. Тенгри инояти била бу кун ҳам бўлса олурбиз, тонгла ҳам бўлса олурбиз! Гашқари совуқта ташвиш тортқунча шаҳрни ёвуғидин қўпуб, бир қўрғонда қишлоқ солмоқ керак. Кетари ҳам бўлса ул маҳалда бетараддудроқ кетар бўлур. Қишлоққа Хожа Дийдор қўрғонини маслаҳат қўруб, қўчуб Хожа Дийдорнинг олидағи ўланга тушулди. Қўрғонға кириб уй ва капа ерларини тайин қилиб, устокор ва муҳассис қўюб юртқа келдук. Неча кун қишлоқ уйлар тайёр бўлғунча ўлангда ўлтурулди.

Бу муддатда Бойсунғур мирзо Турқистонға мутавотир киши (лар) юбориб, Шайбонийхонни қўмак тилабтур. Қишлоқ(уйлари) тайёр бўлуб қўрғонға кирдик. Шайбонийхон Турқистондин илғаб ўшал саҳари бизнинг юртимиз (устига) келиб турди. Бизнинг черикимиз яқин эмас эди. Қишлоқ маслаҳати учун баъзи Работи Хожа (ға) ва баъзи Кобудқа ва баъзи Шерозға бориб эдилар. Бовужуд ҳозир черик кишиси била ясад чиқиди. Шайбонийхон туруш бермай Самарқанд сари ўзини тортти. Самарқанд навоҳисиға борди. Чун Бойсунғур мирзонинг муддаосидек бўлмади, яхши ихтилот қилмади. Неча кундин сўнг ҳеч иш қила олмай маъюс Турқистонға борди.

Бойсунғур мирзо етти ой қабал тортти. Бир умидворлиғи мундин эди, мундин ҳам ноумид бўлди. Икки-уч юз оч уруғи била Қундузға Хисравшоҳға ўзини тортти. Тирмиз навоҳисидин Амуни кечатурғон (маҳалда) Сайд Ҳусайн Акбарким, Султон Мастьуд мирзо (нинг) ҳам уруғи, ҳам муътабар кишиси эди, Тирмиз ҳокими эди, хабар топиб Бойсунғур мирзони(нг) устига келди. Мирзо сувдин ўтуб эди. Мирим Тархон анда сувра борди, кейин қолғон киши қаро партол-мартолни олди. Бойсунғур мирzonинг Тоҳир Муҳаммад отлиқ чуҳраси дағи

иликка тушти. Бойсунғур мирзони Хисравшоҳ даги яхши кўрди. Бойсунғур мирзо чиқғач бизга хабар келди. Ҳожа Дийдордин отланиб, Самарқандға мутаважжиҳ бўлдук. Йўлда акобир ва беклар ва йигитлар (мутақиб) истиқбол (ға) келдилар. Рабиулаввал ойини(нг) охирида келиб аркда Бўстонсароға туштум. Тенгри таоло инояти била Самарқанд шаҳри ва вилояти муяс-сар ва мусаххар бўлди.

Рубъи маскунла С а м а р қ а н д ч а (латиф) шаҳр камроқдир. Бешинчи иқлиминдур. Тули —  (99) разми

нужумий  (56) даража ва дақиқадур; арзи  (40) даража ва дақиқадур. Шаҳр Самарқандтур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғи қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмағон учун б а л д а и м а ҳ ф у з а дерлар. Самарқанд ҳазрати амирулмўминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Тобииндик Қусам бинни Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг тошидадур. Ҳоло мазори шоҳға машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қўргонини фасилнинг устидин буюрдимким, қадам урдилар: ўн минг олти юз қадам чиқди.

Эли тамом сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ ва мутадайийин элдур. Ҳазрати рисолат замонидим бери ул миқдор аиммаи исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским мунча пайдо бўлмуш бўлғай. Шайх Абу Мансурким, аиммаи каломдиндур, Самарқанднинг Мотурид отлиқ маҳалласидиндур. Аиммаи калом икки фирмадур, бирини мотуридия дерлар, бирини ашъария дерлар. Мотуридия Шайх Абу Мансурға мансубдур. Яна соҳиби «Саҳиҳ Бухорий» Ҳожа Исмоил Хартанг ҳам Мовароуннаҳрдиндур. Яна соҳиби «Ҳидоя» ким, ҳанафий мазҳабида «Ҳидоя»дин муътабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғай, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятидиндурким ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур.

Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур. Шарқи Фарғона ва Кошғар, фарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳруҳияким Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз. Кўҳак суйи шимолидин оқар,

Самарқандтин икки курух бўлғай, бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар, Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқандтин бир шаръий бўлғай. Самарқанднинг боғот ва маҳаллот ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч йўлға ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоқ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур ва ғалаба бўлур. Вале икки мева Самарқандтин машҳурдур, себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлари яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур.

Темурбекнинг ва Улуғбек миrzонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркida Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошъёниқ, кўк саройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий иморат тур. Яна Оҳанин дарвозасига ёвуқ қалъанинг ичидаги масжиди жумъя солибтур, сангин, аксар Ҳиндистондин элтган сағтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «Ва из ярфау Иброҳимал-қавоида (ило охириҳи)» андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур. Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдикур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Ферузадарвозасигача хиёбон қилиб икки тарафда терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар. Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур, Нақши жаҳонға мавсум. Мен кўрганда бу боғ бузулуб эди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъага ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуий ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳиштур. Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир миrzонинг ўғли Мұҳаммад Султон миrzо Самарқанднинг тош қўргонида—Чақарда, бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авладидин ҳаркимки Самарқанд-

та подшоҳлиқ қилибтур аларнинг қабри ул мадрасада-
дур.

Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъа-
сининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг
гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз
йўқ деб нишон берурлар. Ушбу мадраса ва хонақоҳга
ёвуғ бир яхши ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомига
машхурдур, ҳарнавъ тошлардин фарш қилибтур. Ҳуро-
сон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўл-
ғай, яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солиб-
тур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ
дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ис-
лимий ва хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворла-
ри ва сақфи ушбу йўсунлуктур. Бу масжидининг қибласи
била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовутдур.
Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тари-
қи била амал қилибтурлар. Яна бир олий иморати Пуш-
таи Кўҳак доманасида расаддурким, зич битимакнинг
олатидур. Уч ошъёнилкатур. Улуғбек мирзо бу расад
била Зичи кўрагоний(ни) битибтурким, оламда ҳоло бу
зич мустаъмалдур. Ўзга зич била кам амал қилурлар,
мундин бурун Зичи элхоний мустаъмал эдиким, Ҳожа
Насир Тусий Ҳалокухон замонида Марофада расад боғ-
латибдур. Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо
оламда етти-саккиз расад беш боғламайдурлар. Ул жум-
ладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким, Зичи
маъмуний андин битибтурлар. Бир Батлимус ҳам расад
боғлабтур. Яна бир Ҳиндустонда рожа Бәкраможит
ҳинду замонида Ўжин ва Даҳордаким, Молва мулки-
дур, ҳоло Мандуға машҳурдур. Яна бир расад қилиб-
турлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндустонда ул
эичдур. Бу расадни боғлағони минг беш юз саксон тўрт
йилдур. Бу ул зичларга боқа ноқисроқтур.

Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида фарб сари беғе
солибтур, Бояи Майдонеа машҳурдур. Бу боғнинг ўр-
тасида бир иморат қилибтур, Чиҳлсугун дерлар, ду
ошъёна, сутунлари тамоми тошдин. Бу иморатнинг тўрт
бурчидаги тўрт манордек буржлар қўпорибтурким, юқ-
риға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом
ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра
қилибтурлар. Юқориги ошъёнининг тўрт тарафи айвон-
дур, сутунлари тошдин. Ўртасида чордара уйдур. Имо-
рат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу

имораттин пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуг айвон иморат қилибтур, бу айвоннинг ичида бир улуг тош таҳт қўюбтур, тули таҳминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғай, арзи етти-саккиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуг тошни хили йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарзи бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар, Хитойдин киши юбориб келтурубтур. Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбазидин лақ-лақ овоз келур, ғарib амридур, ҳечким мунинг сиррини билмас.

Султон Аҳмад мирзонинг замонида ҳам бек ва бекот қалин боғ, боғча солдилар. Ул жумладин, Дарвеш Мұхаммад тархоннинг чаҳорбоғича сафолиқ ва ҳаволиқ ва мадди назарлик чаҳорбоғ кам бўлғай. Боғи Майдондин қўйироқ, баланднинг устида Қулба ўлангига мушраф бир чаҳорбоғ солибтур, тамом бу ўланг оёғ остидадур. Чаҳорбоғда ҳам мартаба-мартаба ерларни сиёқ била тузатиб, яхши норванлар ва сарв ва сафеддорлар тикибтур, хили саромад манзилдур. Айби будурким, улуг суйи йўқтур.

Самарқанд шаҳри ажаб ороста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бirlарига маҳлут эмастур, тавр расмийдур. Хўб нонволиқлари бор ва ошпазликлари бордур, оламда яхши қоғаз Самарқандин чиқар. Жувози қоғазлар суйи тамом Конигилдин келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар.

Самарқанднинг яна бир матои қирмизи маҳмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар. Гирдо-гирдида яхши ўланглари бор. Бир машҳур ўланг Конигил ўлангидур. Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолига мойил, бир шаръий бўлғай. Қора сувким, Обираҳмат ҳам дерлар, Конигилнинг ўртасидин оқар, етти-саккиз тегирмон суйи бўлғай. Бу сувнинг атрофи тамом экиндур, баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, vale тарихларда тамом Конигил битирлар, хили яхши ўлангдур. Самарқанднинг салотини ҳамиша бу ўлангни қўруқ қилурлар. Ҳар йил бу ўлангга чиқиб бир ой, икки ой ўлтурурлар. Бу ўланг-

дин юқорироқ шарқ-жанубий сари яна бир ўланг воқеъ бўлубтур, Хон юртиға мавсум, Самарқанднинг шарқидур, Самарқандтин бир йигоч бўлғай, бу қора сув анинг ораси била ўтуб, Конигил борур. Хон юртида бу қорасув андоқ юқоридин айрилиб келибтурким, ичидаги бир ўрду тушгунча ер бўлғай. Чиқар ери хили тор воқеъ бўлубтур. Бу ернинг сирфасини кўзлаб, Самарқанд муҳосарасида неча маҳал мунда ўлтуруб эдим. Яна бир ўланг Бўдана қўруғидур, Дилкушо боғи била Самарқанд орасида воқеъ бўлубтур. Яна бир Кўли мағок ўлангидур, Самарқандтин икки шаръийға ёвушқай, ғарб сарибур, бир нима шимолға мойил. Бу ҳам тавр ўлангедур. Бир ёнида бир улуг кўл воқеъ бўлубгур, бу жиҳаттин Кўли мағок ўланги дерлар. Самарқанд муҳосарасида мен Хон юртида ўлтурғонда бу ўлангда Султонали мирзо ўлтуруб эди. Яна бир Қулба ўлангидур, бу муҳтасарроқ ўлангдур. Шимоли Қўлба кенти ва Кўҳак дарёси, жануби Боги Майдон ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чаҳорбоғи, шарқи пуштаи Кўҳак.

Яхши вилоёти ва тумоноти бор. Улуг вилоятиким, Самарқанд қаринасидур — Бухородур. Самарқанднинг ғарби тарафи йигирма беш йигоч йўлдур, Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр шаҳр воқеъ бўлубтур. Меваси кўп бўлур ва хўб бўлур, қовуни бисёр яхши бўлур. Мовароуннаҳрда Бухоро қовуница кўп ва хўп қовун бўлмас. Агарчи Фарғона вилоятидин Аҳсининг бир навъ қовуниким, «миртемурий» дерлар, мунинг қовунидин чучуқроқ ва нозукроқ бўлур, vale Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур ва яхши бўлур. Яна «олуи бухорий» машҳурдур. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб, қурутиб табарруклар била вилоятин вилоятға элтарлар. Талин учун бисёр яхши тадовидур. Парвори товуғи ва қози бисёр бўлур. Мовароуннаҳрда Бухоро чоғиридин тундроқ чоғир бўлмас. Мен Самарқандта аввал ичканда Бухоро чоғиридин ичар эдим.

Яна Кеш вилоятитур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йигоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур. Этмак добони дерлар, сангтарошлиқ қилур (эл) тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва тамом томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кештин учун, шаҳр ва пойттаҳт қилурға кўп саъӣ ва эҳти-

момлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна бир ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикроқ пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча тоқи олий оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Қисро тоқидин бу улуғроқтур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи аводдининг мақобири андадур. Чун Қешнинг қобилияти шаҳр бўлурға Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни-ўқ ихтиёр қилди.

Яна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўғулча откур, қўрхонани мўғул тили била Қарши дерлар. Ғолибо бу от Ченгизхон тасаллутидин сўнг бўлғондур. Кам оброқ ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқандтин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, ўн саккиз йиғоч йўлдур. Бағриқаро йўсунлиқ қўшқина бўлурким, қилқуриқ дерлар, Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қарши дерлар.

Яна Хузор вилоятидур. Яна Қармина вилоятидур, Самарқанд била Бухоро орасидадур. Яна Қоракўл вилоятидур. Борчадин поён оброқдур. Бухородин етий йиғоч ғарб-шимоли(да) дур. Яхши тумоноти бор ва Самарқандни ҳам яхши тумоноти бор. Ул жумладин, Суғд тумани ва Суғдқа пайваста туманлардур. Боши йиғоч, оёғи Бухоро, бир йиғоч йўл йўқтурким, кенд ва маъмурга бўлмағай, андоқ машҳурдурким, Темурбек дегандурким: менинг бир боғим бордурким, тули ўттуз йиғочдур. Бу тумонотни дегандур.

Яна Шовдор туманидур. Шаҳр ва маҳаллотқа пайвасттур. Хили яхши тумандур. Бир тарафи Самарқанд била Шаҳрисабз орасидағи тоғ воқеъ бўлубтур, кентлари аксар бу тоғнинг доманасида тушубтур, яна бир тарафи Кўҷак дарёсидур, хушҳаво ва пурсафо, суйи фаровон ва неъмати арzon, хили яхши туман тушубтур. Миср ва Шом кўрган равандалар мунча чоғлиқ ер нишони бермадилар. Агарчи яна туманлари ҳам бор, бу мазкур бўлғонларча эмас. Ушмунча била иктифо қилилди.

Темурбек Самарқанднинг ҳукуматини Жаҳонгир мирзоға бериб эди, Жаҳонгир мирзонинг фавтидин сўнг

(унинг) улуғ ўғли Муҳаммад сultonга берди. Шоҳрух мирзо жамиъ Мовароунаҳр вилоятини улуғ ўғли Үлугбек мирзоға бериб эди. Улуғбек мирзодин ўғли Абдуллатиф мирзо олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди. Улуғбек мирзонинг фавтиниг тарихи шундай воқеъ бўлубтур. Назм:

Улугбек баҳри улуму хирад,
Ки дунёву динро азў буд пушт,
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,
Шудаш ҳарфи тарих Аббос күшт¹

Агарчи ўзи ҳам беш-олти ой беш салтанат қилмади, бу байт машҳурдурким:

Падаркуш подшоҳиро нашояд.
Агар шояд башаш моҳаш напояд.²

Анинг тарихи ҳам бу тавр воқеъ бўлубтур.

Абдуллатиф хисрави жамшедфарки буд,
Дар силки бандагонаш Фаридуну Зардуҳушт.
Бобо Ҳусайн күшт шаби жумъааш батийр,
Тарихаш ин нависки: Бобо Ҳусайн күшт³.

Абдуллатиф мирзодин сўнгра Шоҳрух мирзонинг на-
бираси Иброҳим Султон мирзонинг ўғли Абдулло ми-
рзоким, Улуғбек мирзонинг куёви эди, таҳтқа ўлтурди.
Бир ярим йил, икки йилға ёвук подшоҳлик қилди. Андин
сўнгра Султон Абусаид мирзо олди, ўз ҳаётида улуғ ўғли Султон Аҳмад мирзоға бериб эди. Султон Аҳмад
мирзонинг фавтини сўнг Султон Маҳмуд мирзо Самар-
қанд таҳтига ўлтурди. Султон Маҳмуд мирзодин сўнг
Бойсунғур мирзонинг подшоҳ қилдилар. Тархоннинг гав-
госида Бойсунғур мирзони тутуб, иниси Султонали мир-
зони бир-икки кун ўлтурғуздилар. Яна Бойсунғур мирзо-

¹ Ақл ва илмларнинг денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббосдан шаҳидлик болини тотиди. Унинг ўлим тарихи «Аббос күшт» бўлди (бу жумлани ташкил этган ҳарфларни «абжад» ҳисоби билан рақамга айлантирилса, унинг ўлими тарихини кўрса-
тадиган 835 ҳ. (1449—1450) йил чиқади).

² Отасини ўлдирувчига подшоҳлик муносиб эмас, подшоҳ бўлиб қолгандা ҳам, олти ойдан нарига ўтмас.

³ Абдуллатиф Жамшеддай шукуҳли подшоҳ эди. Фаридун билан Зардушт қуллари қаюрида эди, жумъа кечаси Бобо Ҳусайн унни ўқ билан ўлдириди, ўлмини гарихина «Бобо Ҳусайн күшт» деб ёз. («Абжад» ҳисоби билан 854 ҳ. (1450—1451) йил чиқади).

ўқ олди. Нечукким, бу тарихда мазкур бўлди. Бойсунғур мирзодин мен олдим, мундин сўнгги воқои иъда ўзга кай-фиятлар маълум бўлғусидур...

...Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишер-бек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат юбориб эдим, орқасида туркӣ байт айтиб, битиб юбориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди. Шайбонийхон Самарқандни олғонда, Мулло Бинойни мулозим қилиб эди. Шайбонийхон била эди. Самарқанд фатҳидин неча кундин сўнгра Самарқандқа келди. Қосимбек андин бадгумон бўлуб, Шаҳрсабз сари рухсат берди. Неча кундин сўнг чун фазилатлиқ киши эди, гуноҳи содир бўлмайдур эди, Самарқандға келтурдук. Доим қасида ва ғазал ўткарпур эди. Навода бир амал менинг отимға боғлаб ўткарди. Ўшул аснода бир рубои айтиб ўткарди. Рубои:

Не ғалла маро казў тавонам иўшид,
Не муҳмалу ғалла то тавонам пўшид.
Онроқи на хўрданасту на нўшидан,
Дар илму ҳунар кужо тавонад кўшид¹.

Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим. Биргина турки рубои айтиб юбордим.

Ишлар бори кўнгулдағидек бўлғусидур,
Инъому вазифа бори буйрулғусидур.
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг бердим,
Муҳмалға бўю ғалладин уй тўлғусидур.

Мулло Биной бу рубоининг сўнгги мисраининг қо-фиясини радиф қилиб, ўзга қофия била бир рубои айтиб ўткарди:

Мирзомки шоҳи баҳру бар бўлғусидур,
Оlamda ҳунар бирла самар бўлғусидур.
Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,
Мустъмал агар десам, нелар бўлғусидур.

Ул фурсатта Хожа Абулбарака Фироқий Шаҳрсабз-дин Самарқандға келиб эди. Дедиким, ўшал радиф ва

¹ На егулик ғаллам бор ва на кийинишга ёпинчигим бор. Егулик ва, кийгулиги бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай урина олади?

қофияда айтмоқ керак эди, бу рубоини Хожа Абулбара-ка айтди:

Бу жаврки қилди давр сурулғусидур,
Султони қарам бу узрни қўлғусидур.
Тўкулган агарчи тўлмас, эй соқи,
Тўкулғонимиз бу даврда тўлғусидур...

...Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди¹, балки мусоҳиби эди, кичиклигига ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абусайд мирзо Ҳиридин ихроҳ қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандта эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур.

Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳечким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқут-тайр» вазнида «Лисонут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Ғаройибус-сигар», «Наводируш-шабоб», «Бадойиул-васат», «Фавоидул-кибар» отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Жомийға тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосил калом, ҳаркимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштирибтур. Яна «Мизонул-авзон» отлиқ аruz битибтур, бисёр мадхулдур: йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур. Баъзи буҳурнинг авзонида ҳам янгиубтур, арузға мутаважижиҳ бўлғон кишига маълум бўлғусидир. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур. Баъзи абёти ёмон эмастур, vale аксар суст ва фурутдур. Яна мусиқида яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур.

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва

¹ Султон Ҳусайн Мирzonинг.

тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирида бекнинг саъӣ ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни таври фард ва жарийда ўткарди. Аввойил муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободта ҳукумат қилди, авохир сипоҳийлиқни тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди. Султон Ҳусайн мирзо Астробод черикидин ёнғонда истиқболға келди, мирзо била кўрушуб қўпғунча, бир ҳолати бўлди, қўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласига-ўқ тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол воқеъ бўлубтур:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилгойлар...

[Тўққиз юз ўттуз иккинчи (1525) йил воқиалари]

Ҳиндустон мамолики васиъ ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқиъ бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби шимоли Қобул ва Фазни ва Қандаҳор воқиъ бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш. Султон Шихобиддин Фурийдин сўнг, Султон Фирузшоҳнинг охир аҳдиғача аксар Ҳиндустон Деҳли салотинининг таҳти забтида экандур.

Бу тарихдаким, мен Ҳиндустонни фатҳ қилдим, беш мусулмон подшоҳ ва икки кофир Ҳиндистонда салтанат қилурлар эди. Агарчи кичик-кирим рой ва рожа тоғ ва жангалда хили бор эдилар, vale мұтабар ва мустақил бўлур эдилар. Бир афғонлар эдиким, Деҳли пойтахти аларда эди. Беҳрадин Баҳорғача қобиз эдилар. Афғонлардин бурун Жўнапур Султон Ҳусайн Шарқийнинг қабзида эди. Бу жамоатни пурбий дерлар. Буларнинг оталари Султон Фирузшоҳ ва ул салотиннинг олида саққо экандурлар. Фирузшоҳдин сўнг Жўнапур мамлакатига мусаллит бўлубтурлар.

Деҳли Султон Алоуддиннинг илигига эди. Бу табақа сайдиттур. Темурбек Деҳлини олғонда Деҳли ҳукумати-

ни буларнинг оталариға бериб, бориб эди. Султон Бахлул Лудий афөон ва ўғли Султон Искандар Деҳли пойтахти била Жўнапур пойтахтига қобиз бўлдилар. Ҳар иккни пойтахт бир подшохнишин бўлди.

Иккинчى Гужаротта Султон Музаффар әди. Султон Иброҳим фатҳидин бирнеча күн бурунроқ оламдин нақл қилди. Бисәр муташарриъ подшоҳ әди, толиби илмлиғи бор әрди, ҳадис мутолаа қилур әрди, дойим мусҳаф кигабат қилур әрди. Бу табақани тонк дерлар. Буларнинг ҳам оталари Султон Фирузшоҳ ва ул салотинға шаробдор экандурлар. Фирузшоҳдин сўнг Гужарот вилоятига кобиз бўлубтурлар.

Учунчи Дақанда Бахманилар әди. Вале бу тарихта Дақан салотиниға ихтиёр ва иқтидор қолмайдур әди. Тамом вилоятларни улуғ беклар иликлас әди. Бир ни- маға әхтиёж бўлса, беклардин тилар әди.

Тўртунчи Молва вилоятидаким, Мандов ҳам дерлар, Султон Маҳмуд эди. Бу табақани халжий дерлар. Муни Роно-Санго кофир босиб, аксар вилоятиға қобиз бўлуб эди, бу ҳам заиф бўлуб эди. Буларнинг оталари Фирузшоҳнинг тарбияткардаларидин экандур. Андин сўнгра Молва вилоятиға қобиз бўлубтурлар.

Бешинчи Бангола вилоятида Нусратшоҳ эди. Отаси Банголада подшоҳ бўлуб эди, Сайд эди ва Султон Алоуддинга мулаққаб эди. Мунга салтанат мерос тегиб эди. Ажаб расмединур, Банголада салтанат мероси камроқ бўлур. Подшоҳининг бир муайян тахти бор. Умаро ва вузаро ва соҳиб мансабларнинг ҳар қайси нинг бир муқаррарий ери бордур. Бангола эл қошида ул тахт ва ерлар мұтабардур. Ҳарқайси ерда тобиъ ва мутиъ навкар ва чокар ва жамъи муайян ва муқаррардур. Подшоҳининг наасб ва азли хотири тиласа ҳаркимниң бироннинг ериға, ўлтурғузди, ул ерга тобиъ ва мутиъ навкар ва чокар тамом бу кишининг бўлур, балки подшоҳининг тахтида ҳам бу хосияттур. Ҳарким подшоҳини ўлтуруб, тахтга чиққунча фурсат топса, ул подшоҳ бўлур. Умаро ва вузаро ва сипоҳий ва раият барча анга итоат ва инқиёд қилурлар. Бурунги подшоҳидек подишоҳ ва фармонраво билурлар. Бангола элининг сўзи булдуриким, биз тахти ҳалолхуридуrbиз. Ҳарким тахт устида бўлса, биз анға мутиъ ва мўътоддуrbиз. Нечукким, Нусратшоҳининг отаси Султон Алоуддиндин бурун бир ҳабаший подшоҳини ўлтуруб, тахтка чиқиб, муд-

дате салтанат қилди. Ҳабашийни Султон Алоуддиндин сўнг, ирс тариқи била ҳоло ўғли подшоҳ бўлубтур.

Яна Банголада бу расмдурким, ҳар кишиким подшоҳ бўлди, бурунғи подшоҳларнинг хизоналарини сарф ва ҳарж қилмоғлиқ куллий айб ва ордур. Ҳарким подшоҳ бўлса, яна янги хизона йиғмоқ керак. Хизона жамъ қилмоғлиқ ул элнинг қошида фахр ва мубоҳоттур. Яна бир расм будурким, хизона ва пойгоҳ ва мулк салотинининг жамиъ маунотининг қадимдин муқаррар ва муайян танлари парганалар бордурким, ўзга ерга асло ҳарж бўлмас.

Улуғ мұтабар ва мусулмон ва қалин чериқлик ва бисёр вилоятлиқ бу беш подшоҳ эдиким, мазкур бўлди.

Коғирлардин улуғроғи вилоят ва черик била Бежонгар рожасидур. Яна Роно Сангодурким, бу ёвуқларда ўзининг журъати ва қиличидин мунча улғайиб эди. Асли вилояти Четур эди, Мандов салотинининг салтанати халал топганда Мандовға тааллуқ қалин вилоятқа қобиз бўлди; мисли, Ратанпур ва Сорангпур ва Баҳилсон ва Ҷандирий...

Ҳиндустон аввалғи иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учунчи иқлимдиндур. Тўртунчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур. Фариб мамлакате воқеъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларға боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқеъ бўлубтур. Кобул тавобии гармсерлар агарчи бальзи ишта Ҳиндустонға мушобаҳати бор, баъзида йўқ. Синд сувини ўтгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тариқидадур. Шимолдағи тоғким, мазкур бўлди, Синд дарёсидин ўтгач, бу тоғда Кашмир тавобии вилоятлардур. Агарчи бу тарихда бу тоғдаги вилоятлар, мисли, Пакли ва Шаҳманг аксари Кашмирга итоат қилмас, vale бурун Кашмир дохири экандур. Кашмирдин ўтгач, бу тоғда бениҳоят эл ва улус ва паргана ва вилоятлардур. Бангола ва балки Муҳит ёқасиғача бу тоғда пайваст ҳалойиқдур. Ҳиндустон элидин мунча таҳқиқ ва тафтиш қилилди, ҳечким бу тавойифдин таҳқиқ хабар айтиолмади. Ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини Қас дерлар. Хотирға сттиким, Ҳиндустон эли «шин»ни «син» талаффуз¹ қилур.

¹ «Шин»ни «син» талаффуз қилмоқ — «ш» ҳарфини «с» айтмоқ.

Чун бу тоғда мұтабар шаҳр Қашмирдур, балки Қашмирдин ўзга бу тоғда яна шаҳре әшитилмайдур. Бу жи-хаттин бўла олурким, Қашмир демиш бўлғайлар.

Бу тоғ элидин матоъ нофа, мушк ва қўтоси баҳрий ва заъфарон сурб ва мисдур. Бу тоғни Ҳинд эли «Саво лак парбат» дерлар, ҳинд тили била «саво»—рубъ, «лак» — юз минг, «парбат» — тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай. Бу тоғларда қор ўксумас. Ҳиндустоннинг баъзи вилоятидин, мисли, Лоҳур ва Сиҳринд ва Санбалдин бу тоғда қор оқариб кўрунур. Ушбу тоғ Кобулда Ҳиндукушқа мавсумдур. Кобулдин бу тоғ шарққа боқа борибтур, бирнима жанубқа мойил. Жануби тамом Ҳиндустоноттур. Бу тоғнинг ва бу номаълум улусларнингким, «кас» дерлар, шимоли Тебат вилоятидур.

Бу тоғдин қалин дарё чиқиб, Ҳиндустоннинг ичи била оқар. Сиҳриндин шимол сари боқа олти дарёким, Синд ва Баҳат ва Чоnob ва Ровий ва Биёҳ ва Сатлуж бўлғай, ушбу тоғдин чиқиб, Мўлтон навоҳийсида борча бир ерда қотилғонда ҳам Синд дерлар, Фарб сари оқиб, Татта вилоятининг ичи била ўтуб, Уммонға қотилур. Бу олти дарёдин ўзга дарёлар: Жўн ва Ганг ва Раҳаб ва Гўмти ва Гагар ва Сиру ва Гандак ва яна қалин дарёлардурким, бори Ганг дарёсиға қотилиб, Ганг-ўқ атанур. Шарқ сари оқиб, Бангола вилоятининг ораси била ўтуб Мұҳитқа тўкулур. Борининг манбай ушбу «Саво лак парбат» тур. Яна баъзи дарёлардурким, Ҳиндустон тоғларидин чиқар, мисли, Чанбал ва Банос ва Битви ва Сун, бу тоғларда қор асло бўлмас, алар ҳам Ганг дарёсиға қотилур.

Ҳиндустонда ҳам тоғлар бордур. Ул жумладин бир тоғе тушубтур, шимолдин жанубқа боқа бориптур. Бу тоғнинг ибтидоси Деҳли вилоятида Фирузшоҳнинг Жаҳоннамо отлиқ иморатдиндурким, парчафина тошлиқ тоғнинг устида воқеъ бўлубтур. Мундин ўтгач, Деҳли навоҳийсида парча-парча кичикрак-кичикрак, анда-мунда тошлиқ тоққиналар пайдо бўлубтур. Мевот вилоятиға ета бу тоғлар улуғроқ бўлур. Мевотдин ўтуб, Биёна вилоятиға борур, Секри ва Бори Дулпурнинг тоғлари ҳам ушбу тута тоғлардиндур, агарчи пайваст эмас, Гувалернингким, Колпур дерлар, тоғлари ушбу тоғнинг шуъбалиридиндур. Рантанбур ва Четур ва Мандов ва Чандирий тоғлари ҳам ушбу тоғрагларидиндур. Баъзи ерларда

етти саккиз курух мунқатиъ бўлубтур. Бу тоғлар паст-паст ва дурушт ва тошлиқ ва жангалик тоғлардур. Бу тоғларда қор асло ёғмас.

Ҳиндустонда баъзи дарёларнинг манбай бу тоғлардур. Ҳиндустоннинг аксари вилояти туз ерда воқеъ бўлубтур. Мунча шаҳрлар ва мунча вилоятларким бор, ҳеч ерда оқар сув йўқтур. Оқар суви дарёлардур, баъзи ерларда қора сувлардур.

Баъзи шаҳрларнингким, ариқ қозиб; сув чиқарур қобилияти ҳам бор, сув чиқормайдурлар. Бу неча жиҳаттин бўлаолур: бир бўким, зироат ва боғотиға асло сув эҳтиёж эмас, харифий маҳсулиҳ худ пашкол ёмғури била бўладур. Бу ғарийбтурким, рабиий маҳсулиға агар ёмғур бўлмаса ҳам бўладур. Дараҳтларнинг ниҳолига бир-икки йил сувни ташиб ё чарх била ё далв била сув берадурлар, андин сўнг асло сув бермак эҳтиёж эмас. Баъзи сабзиларга сув берадурлар. Лоҳур ва Дибоннур ва Сихринд ва ул навоҳида чарх била сув берадурлар.

Икки узун ипни чоҳнинг қаддича ҳалқа қилибтурлар, икки илнинг орасига йиғочлар бөғлаб, кўзаларини йиғочларга беркитибтурлар. Бу кўзаларни беркитган ипни чоҳ устидаги чархға солибтурлар, бу чархнинг тийрининг яна бир бошида яна бир чарх қилибтурлар, бу чархнинг қошида яна бир чарх қилибтурларким, ўқи тик турубтур, ўй бу чархни уюргач, парралари иккинчи чархнинг парралариға кириб, ул кўзалик чарх уюрулар, сув тўкулур ерда нов қўюбтурлар, новдин ҳарқаён сув элтарлар. Яна Огра ва Чандвор ва Биёна ва бу навоҳидага далв била сув берурлар. Бу машаққатлиқтур ва мурдорлиғи ҳам бор. Чоҳ ёқасида айри йиғочни беркитиб, айрининг орасида ғалтак тартиб қилибтурлар. Узун арғамчига улуғ далвни бөғлаб, бу ғалтак устиға солибтурлар. Арғамчининг бир учини ўйға бөғлабтурлар. Бир киши ўйни ҳайдамоқ керак, бир киши далв сувин тўқмак керак. Ҳар қатла ўй тортиб, далвни чиқориб, ёнар маҳалда ул арғамчи ўйнинг ўйлиғаким, ўй сийдуқ ва тезаги била мулаввасдур тегиб, яна чоҳқа тушар. Баъзи зироатларға сув эҳтиёж бўлса, кўза била эр ва хотин сув ташиб суюрадурлар.

Ҳиндустоннинг шаҳрлари ва вилоятлари асру бе-сафодур. Бори шаҳрлари ва бори ерлари бир вазълиқ, боғотиға том бўлмас. Аксар ерлари туб-туз воқеъ бўлубтур.

лубтур. Баъзи дарёларнинг ва рўдларнинг ёқаси пашкол ёғинлари жиҳатидин обканлар бўлубтурким ҳар ердин убур ва муур мутааззирдур. Тузларида баъзи ерларда тиконлиқ дараҳт жангали бордурким, паргана-ларнинг эли бу жангларда қузғадаб мутамарридлиқ қилиб, мол бермаслар. Ҳиндустонда оқар сув дарёлардин ўзга камдур. Аҳёнан баъзи ерда қора сувлар бор. Ушмунча шаҳр ва вилоят чоҳ суви била ё ҳавз суви билаким, пашкол ёмғуридин йиғилмиш бўлғай, майшат қилурлар.

Ҳиндустонда мавозиъ ва кентларнинг, балки шаҳрларнинг бузулмоқ ва тузалмаги бир замонда бўладур. Ушмундоқ улуқ шаҳрларким, йиллар анда мутаваттингурлар, агар қочарлари бўлса, бир кунда, бир ярим кунда андоқ қочарларким, осор ва аломатлари қолмайдур. Агар тузалмакка юз қўйсалар, ариқ қозмоги ва банд боғламоги эҳтиёж эмас. Экинлари тамом лалмидур. Элига худ ниҳоят йўқтур, жамъэ йиғилдилар, бир ҳавз ясадилар, ё чоҳ қозидилар. Уй ясамоқ ё том қўпармоқ худ йўқтур. Хас бисёр ва дараҳт бешумор, чирилар қилдилар, филҳол кент ё шаҳр бўлди.

Ҳаийвонотким, Ҳиндустон маҳсусидур, вуҳушдин бир филдурким, Ҳиндустоний «ҳотий» дерким, Колпи вилоятининг сарҳадларида бўлур. Андин юқори шарқ сари боқа борғон сари саҳрои фил кўпрак бўлур. Ул орадин фил тутуб кетуурлар. Карра ва моникпурдин ўттуз-қирқ мавзиънинг иши фил тутмоқдур. Девонға фил ўқ жавоб берурлар. Фил азимул-жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улуқлуғифа ярашадур, қарилаб сотарлар. Ҳарнеча улуқроқ — баҳоси кўпроқ. Андоқ ривоят қилдиларким, баъзи жазойирда ўн қари фил бўлур эрмиш. Бу орада худ тўрт-беш қаридин иқизрак кўрулмади. Филнинг емак ва ичмаги тамом ҳартуми биладур, ҳартуми бўлмаса, тирилмас. Ҳартумининг икки ёнида юқориги энгагида икки улуқ тиши бор, томға ва йиғочқа ушбу тишларини қўюб, зўрлаб йиқитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур. Ожбу тишларни дерлар. Бу тишларнинг ҳинд элининг қошида хили қадри бор. Филнинг туки йўқтур. Ҳиндустон элининг қошида филнинг бисёр эътибори бор. Чериқларида ҳар фавжким бор, албатта бирнече фил ҳамроҳдур. Филнинг баъзи яхши ҳайсиятлари бор: улуқ сувлардин

ва тунд ва тез сувлардин қалин юк кўтариб, осон ўтадур. Яна тўрт-беш юз киши тортар қазон аробасини учтўрт фил осон тортиб борадур, vale бўғузи хили улуктур, икки қатор теванинг бўғузини бир фил ер.

Яна каркдур; бу ҳам улуғ жониворедур, захомати уч говмишча бўлғай. Ул сўзким, ул вилоятларда машҳурдурким, карк филни шох била кўтарур эмиш, ғолибо ғалаттур. Бир шохи бор, бурнининг устида узунлиги бир қаришдин кўпрак, икки қариш худ кўрулмайдур. Бир улуқ шохидин бир обхўра кишти бўлди, яна бир нарднинг тоси бўлди, яна уч-тўрт энлик ҳам шояд ортти экин. Териси бисёр қалин бўлур. Қаттиқ ёй била бағалкушо ва хўб тўлдуруб урсалар, яхши кирса, тўрт энлик кирап. Дерларким, пўстининг баъзи ерларидин ўқ хили ўтар эрмиш. Икки қўлининг қошидин ва икки бутининг қошидин тиҳи тушубтур. Йироқдин ёпуғ ёпқондек кўрунур. Ўзга ҳайвоноттин отқа мушобаҳати кўпактур. Нечукким, отнинг улуқ қорни бўлмас, мунинг ҳам улуқ қорни йўқтур; нечукким, отнинг ошуқ ўрнида парча сўнгаги бўлур, мунинг ҳам ошуқ ўрнида парча сўнгаги бор; нечукким отнинг илгига кўмук бўлур, мунинг ҳам илгига кўмук бор. Бу филдин даррандароктур. Вале онча мутиъ мунқод бўлмас, Паршовар ва Ҳашанғарнинг жанглларида қалин бўлур. Яна Синд суви била Беҳра вилоятининг орасидаги жанглларда ҳам бўлур. Яна Ҳиндустонда Сару дарёсининг ёқасида қалин бўлур. Аксар Ҳиндустон юрушларида Паршовар, Ҳашанғар жанглларида карк ўлтурулур эди. Тавр шоҳлар ураг. Бу овларда ғалаба кишини ва отни шох урубтур. Бир овда Мақсуд отлиқ чуҳранинг отини шохи била бир найза бўйи ташлади. Бу жиҳаттин Мақсуд каркка мулаққаб бўлди.

Яна говмиши саҳройидир. Бу говмишдин хили улуғроқдур. Шохи бу говмишнинг шохидек кейинга боқа ётуқ эмастур. Бу маҳкам музир ва дарранда жонивордур. Ҳиндустонда Сару дарёсининг ёқасида ҳам қалин бўлур.

Яна нилағовдур, баландлиғи отча бўлғай, отдин бир нима иничкароқтур. Эркаги кўктур. Бу жиҳатдин ғолибо нилағов дерлар. Икки кичикрак шохи бор. Бўғизида бир қаришдин узунроқ туки бордур. Баҳрий қўтоска мушобаҳати бор. Тувоги ўйнинг тувогидек айридур. Модасининг ранги бўғу-маралнинг рангидекдур. Шохи

ҳам йўқтур. Бўғзидаги туки ҳам йўқтур. Эркагига боқа тупчоқ вазъдор.

Яна кўтаҳпойдур. Улуқлуғи оқ кийикча бўлғай. Мунинг икки қўли ва икки бути қисқароқдур. Бу жиҳаттин кўтаҳпой дерлар. Мунгузи бўғу мунгузидек шохчалиқдур, vale кичикрактур. Ҳар йил, бўғудек, бу ҳам мунгуз солур. Югурушда забунроқдур. Бу жиҳатдин жангалдин чиқмас.

Яна бир жаиранинг эркаги ҳуна йўсунлуқ кийикдур. Орқаси қора, туки оқ, ҳунанинг шохидин мунинг шохи узунроқдур ва паришонроқтур. Ҳиндустоний «галаҳра» дер. Аслда «голоҳран» экандур, яъни қора кийик, тахифи қилиб, «галаҳра» дебтурлар. Модаси оқдур. Ушбу галаҳра била кийик тутарлар; бу галаҳранинг шохига тузоқнинг ҳалқасини беркитурлар. Оёғифа тўпуқдин улукроқ тошни овизон боғларлар, яъни кийик элтғондин сўнг йироқ кетарига монеъ бўлғай. Андин сўнг ёзи галаҳраси қўруб, муқобаласида қўяберурлар. Бу кийик урушқа ғарийб ҳарисдур, филҳол урушқа киур, шоҳ урушуб, сусуб-сусуб илгари-кейин борурда-келурда ул кийикнинг шохи бу кийикнинг шохига беркитган тузоққа киар. Ул қочмоққа майл қилса, ром кийик қочмас, ғолиба оёғифа боғлағон тош ҳам монеъ бўлур. Бу навъ била қалин кийик тутарлар. Тутқондин сўнг ром қилурлар. Яна кийикларни тутмоққа ром қилурлар. Яна бу ром кийикларни ҳам уйда урушға сўлурлар. Яхши урушур.

Яна Ҳиндустоннинг тоф доманаларида кичикрак кийик бўлур. Арқар ғалчанинг бир йиллиқ тўқлисича улуғлуғи бўлғай.

Яна биргина ўйдур, кичкина ўйдур. Ул ерларнинг улуқ қўчқорича бўлғай. Гўшти бисёр юмшоқ ва лазиздур.

Яна маймундур. Ҳиндустоний «бондур»дер. Бу ҳам пур анвоъ бўлур. Бир навъи улдурким, вилоятларга элтарлар. Лўлилар ўюн ўргатурлар. Дараи Нур тофларида Кўҳи Сағиднинг жар навоҳийсидағи доманаларида ва андин қўйи тамом Ҳиндустонотта булур. Булардин юққори бўлмас. Туки сариқ ва юзи оқдур, қуйруги хили узун эмастур.

Яна бир навъ маймун бўлур, Бажур ва Савод ва ул навоҳийларда кўрулмайдур. Ул вилоятларга элтар маймунлардин хили улуқроқдур. Қуйруғи ҳам бисёр

узундур. Туки оқроқтур, юзи қоп-қорадур. Бу навъ маймун Ҳиндустоннинг тоғларида ва жангалларида бўладур. Ул вилоятларда йўқтур.

Яна бир навъ маймун бўладур, юзи ва туки ва бори узви қопқорадур.

Яна ниюлдуру, кишидин жувзий кичикрак бўлғай. Йиғочқа чиқар. Баъзи муш хурмо дерлар. Муни муборак тутарлар.

Яна бир сичқондурким, килоҳирий дерлар. Бу ҳамиша дараҳтларда-ўқ бўлур. Дараҳтларнинг устида юқори-куйи ажаб чуст ва часпон югуур.

Туюрдин бир товусдур. Пурранг ва пурзеб жониваредур. Андоми ранг ва зебича эмас. Жуссада турнача бўлғай, турнача баланд эмастур. Нарининг ва модасининг бошида йигирма-ўттуз пар бордур, икки-уч эллик баландлиги бўлғай. Модасининг яна зеб ва ранги йўқтур. Нарининг бошида тавқи савсанийдур, бўйни хушранг кўқтур. Бўйнидун қуи орқаси сариқ ва тўтаги ва кўк ва бинафша ранглар била мунаққаш воқеъ бўлубтур. Орқасидаги гуллари кичикрак-кичикрак гуллардур. Орқасидин қуириқ ушбу ранглар била мунаққаш улуғулуғ гуллар қуириғининг учигача бордур. Баъзи товусларнинг қуириғи бирар қулоч бўлур ва гуллук парларининг остида қисқароқ, ўзга қушларнинг қуириғидек, қуириғи ҳам бордур. Бу расмий қуириғи ва қанотлари қизилдур.

Бажур ва Саводда ва андин қуи бўлур. Андин юқори Кунар ва Ламғонот ва ҳеч ерда бўлмас. Учмоқта қирғовулдин ҳам ожизроқдур. Бир-икки қатладин ортуқ учаолмас. Учмоқта забун жиҳатидин ётоғда бўлур ё жангалда. Бу ажабтурким, товус бўлур жангалларда шағол кўп бўлур. Бир қулоч қуириғи била жангальдин жангальға юрур, шағолдин нечук мутазаррир бўлмас экан. Ҳиндустоний «мўр» дер. Ином Абуҳанифа мазҳабида ҳалолдур. Гўшти холи аз маза эмас, дурроҳ гўштира ўхшар, vale тева этидек кароҳати табъ била ейиладур.

Яна тўтидур. Бу ҳам Бажур ва андин қуириғи вилоятларда бўлур. Ёзлар тут пишиғида Нингнаҳор ва Ламғонотқа келур. Ўзга вақтларда бўлмас. Тўти неча навъдур. Кўк бўладур. Бир навъи улдурким, ул вилоятларға элтарлар, суҳангўй қилурлар.

Яна бир навъи бу тўтидин кичикрак бўлур. Муни ҳам суҳангўй қилурлар. Бу жинсни жангалий дерлар.

Бу жинс Бажур ва Савод ва ул навоҳийда бисёр бўлур. Ул мартабадаким, беш минг-олти минг бир хил учар. Бу тўти била ул тўти орасида жуссада тафовуттур. Ранглари худ бирдек-ўқдур.

Яна бирнавъ тўти бўлур. Бу жангалий тўтидин ҳануз кичикрак, боши қип-қизил, қанотларининг усти ҳам қизил бўлур. Қуйруғининг учи икки элликча ер оқ бўлур. Ушбу жинснинг баъзисининг боши савсаний бўлур. Бу жинс сухангўй бўлмас. Мунин Кашмир тўтиси дерлар.

Яна бир навъ тўти бўлур. Жангалий тўтидек кичикрак бўлур. Тумшуғи қора, бўйнида улуқ қора тавқи бор, қанотларининг усти қизил, яхши сўз ўрганур. Хаёл қилур эдукким, тўти ва шорак ҳарне ўргатсалар айтур, ўз бошича маъни тахайюл қилиб, талаффуз қила олмас. Бу фурсатта Абулқосим жалойирким, яқин мулозимларимдиндур, ажаб нима ривоят қилди: ушбу жинс тўтининг қафаси ёпуқ экандур, тўти айтибтурким, «Рўйи маро во кунки, дамгир шудам»¹. Яна бир навбат кўтарган каҳорлар дам олғали ўлтурғонда раҳгузар эл ўтуб борадурлар экандур, тўти дебтурким: «Мардум рафтанд, шимоён намеравид»², вал-уҳдату алар-ровий³. Бовужуд киши ўз қулоги била эшишмагунча ионса бўлмас.

Яна бир навъ тўти бўлур, хушранг қип-қизил. Яна баъзи ранглари ҳам бор. Мушаххас хотирда қолмағон учун машруҳ битилмади. Қизил бисёр хушранг ва хушшакл тўтидур, сухангўй ҳам қилурлар эмиш. Айни будурким, чини синигини мис табаққа тортқондек кўп ноҳуш ва тез уни бор.

Яна бир шоракдур. Бу Ламғонотта бисёрдур. Андин қуйи тамоми Ҳиндустонотта кўп бўлур. Бу ҳам турлуктурлук бўладур. Бир навъи будурким, Ламғонотта кўптур. Боши қора, қанотлари ола, жуссаси чуғурчуқдин бирнима улуқ ва қабороқтур. Сўз ўргатурлар. Бир навъини мино дерлар. Банголадин келтурурлар. Якранг қорадур, жуссаси бу шоракдин хили улуқдур, тумшуғи ва оёғи сариқдур, икки қулогида сариқ пўстлари бор, солиниб турадур. Мунинг баднамолиги бор. Сухангўй қилурлар, яхши айтур ва фасиҳ айтур.

¹ «Менинг юзимни оч, димиқдим».

² «Одамлар кеттилар, сиз кетмайсизми?»

³ Бу арабча жумлани эшистилган сўзга ишонилмаган тақдирида, айтилади: «сўзнинг тўғри-нотўғрилиги айтувчининг бўйнига» маъносида.

Яна бир навъ шорак бўлур. Бурун мазкур бўлғон шоракдин иничкаркатур. Кўзларининг гирди қизил бўлур. Бу жинс сухангўй бўлмас, «вин шорак» дерлар.

Яна бу фурсатдаким, Ганг сувига кўпрук боғлаб ўтуб, мухолифларни қочурдук, Лакнурда ва навоҳийсида бир навъ шорак кўрулдиким, кўкси оқ, боши ола, орқаси қора, ҳаргиз кўрулмайдур эди. Бу жинс ғолибо сўз ўрганмас.

Яна лўчадур, бу қушни буқаламун ҳам дерлар. Бошидин қўйруғиғача беш-олти мухталиф ранги бор, ка-бутарнинг бўйнидек барроқдур. Улуқлуғи кабки дарийча бўлғай, ғолибо Ҳиндустон кабки дарийсидур. Нечукким, кабки дарий, тоғларнинг қуллаларида юрур, бу ҳам тоғ қуллаларида юрур. Кобул вилоятларидин Нижров тоғларида ва андин қўйифи тоғларда бўлур. Андин юқори бўлмас. Ул эл ажаб нима ривоят қилдилар; қиш бўлғоч, тоғ домонлариға тушар, агар учурсаларким, узум боғидин ўтса, яна асло учолмас, тутарлар. Макулуллаҳмдур¹, бисёр лазиз эти бордур.

Яна бир дуррождур. Бу Ҳиндустон маҳсуси эмастур, Гармсер вилоятларида бўлур, vale бъязи жинси Ҳиндустондин ўзга ерида бўлмас учун, муни тақриб била зикр қилдим. Дуррожнинг жуссаси кабкнингча бўлғай. Нарининг орқаси қирғовулнинг модаси рангидекдур, бўғзи ва кўкси қорадур, оқ-оқ туклари бордур, икки кўзининг икки ёнида қизил хатте тушубтур, товре қичқуурким: «Шир дорам шакарак»², анинг унидин масмұъ бўлур, «шир»ни қитдек айтадур, «дорам шакарак» худ дуруст муталаффиз бўладур. Астробод дуррожлари «Бот мени туттилар» деб қичқиур эмиш. Арабистон ва ул навоҳийнинг дурроғи «Бишшукри тадумунниаму»³ деб чорлар эмиш. Модаси қирғовулнинг юзларидек рангликдур. Нижровдин қўйи бўлур.

Яна бир дуррож жинси бир қушдур, «канжал» дерлар. Жуссаси дуррожча-ўқ бўлғай, уни кабкнинг⁴ унига хили ўхшар, vale мунинг уни кўп тездур. Нари била модасининг ранги орасида тафовут камдур. Пуршовур ва Хашанғар вилоятида ва андин қўйифи вилоятларда бўлур, андин юқори бўлмас.

¹ «Макулуллаҳм»— эти ейиладиган.

² «Сутим бор шакаргина».

³ «Шукр қилсанг неъмат фаровон бўлади» маъносида,

⁴ Қа б к — каклик.

Яна пул-пакордур, улуқлуғи кабки дарийча бўлғай, уй товуғи андомлиқдур, ранги ҳам мокиён ранглиқдур, томогидин қуи кўксигача хушранг қип-қизилдур. Пул-пакор Ҳиндустон тоғларида бўлур.

Яна саҳройи товуқдур. Уй товуғи била бу товуқнинг орасида фарқ будурким, бу саҳройи товуқ қирғовулдек учар, яна уй товуғидек ҳар ранг-ҳар ранг бўлмас. Бу товуқ Бажур тоғларида ва андин қуийиги тоғларда бўлур. Бажурдин юқори бўлмас.

Яна чалсийдур. Жуссада пул-пакордектур, пул-пакор мундин хушрангроқдур, Бажур тоғларида бўлур.

Яна шомдур. Улуқлуғи уй товуғича бўлғай. Гайри мукаррар ранглари бор. Бу ҳам Бажур тоғларида бўлур.

Яна бўданадур. Агарчи бўдана Ҳиндустон маҳсуси эмасдур, vale тўрт-беш жинс бўданадурким, Ҳиндустон маҳсусидур. Бир бўданадурким, бизнинг вилоятларга борур бўданадин улуқроқдур. Яна бир бўданадурким, ул вилоятқа борур бўданалардин қисқароқдур, қанот-қуйруғининг қизилроқ ранги бор. Бу жинс бўдана чирдек хайл-хайл учадур. Яна бир бўданадурким, ул вилоятларга борур бўданадин кичикрак, бўғзи била кўксида қораси кўпрак бўлур. Яна бир бўданадур. Бу бўдана Кобулға оз-оз борур. Кичкина бўданадур, қорчадин бирнима улуқроқ бўлғай, Кобулда «қуроту» дерлар.

Яна бир харчалдур улуғлиғи туғдоқча бўлғай, Фолибо, Ҳиндустон туғдоғидур. Гўшти бисёр лаззатлиқдур. Баъзи қушнинг бут эти яхши бўлур, баъзининг кўксининг эти яхши бўлур. Харчалнинг бори эти лаззатлиқ ва хўбдур.

Яна чарздур. Туғдоридин жуссаси бир нима кичикракдур. Нарининг орқаси туғдоридектур, кўкси қорадур. Модаси якрангдур. Чарзининг гўшти ҳам бисёр лазиздур. Нечукким, харчалнинг туғдоққа мушобаҳати бор, чарзининг ҳам туғдориға мушобаҳати бор.

Яна Ҳиндустон бағриқаросидур, ул бағриқародин кичикрак ва иничкарактур. Бағрининг қораси ҳам камдур. Уни ҳам андин иничкарактур.

Яна қушлардурким, сувда ва сув ёқаларида бўлур; ул жумладин: бир декдур, улуқ жуссалиқ жонивордур, ҳар қаноти бир қулоч бордур. Бошининг ва бўйнининг туки йўқтур. Бўғзида харитадек бирнима солиниб турбутур. Орқаси қора, кўкси оқдур. Аҳёнатан Кобулға бо-

рур. Бир йил Кобулда бир дек тутуб келтуруб эдилар, яхши ром бўлуб эди. Гўштни ташлаб берсалар ҳаргиз хато қилмас эди, тумшуғи била олур эди. Бир қатла бир шаш наъл кафшни ютуб эди. Яна бир навбат бир бутун товуқни қанотлари ва патлари била дуруст ютти.

Яна бири сорсдур. Ҳиндустонда бўлғон турклар теватурия дейдурлар. Бу бир нима декдин кичикрак бўлғай, бўйи декдин баландракдур, боши қип-қизилдур. Муни уйда сахлайдурлар, яхши ром бўладур.

Яна мангдур. Бўйи сорсқа ёвушур. Жуссаси кичикрактур. Лаклакдин хили улуқдур, лаклакка мушобаҳати бор, тумшуғи лак-лакнинг тумшуғидин узуроқдур. Тумшуғи қорадур, боши савсани, бўйни оқ, қаноти оладур, жарка қанотларининг устлари ва тублари оқдур, ўртаси қорадур.

Яна бир лаклакдур. Бўйни оқдур, боши ва жамъи аъзоси қорадур. Ул вилоятларға борур лаклакдин кичикракдур. Бу лаклакни Ҳиндустоний якранг дер. Яна бир лаклакдур—ранги ва вазъи тамом ул вилоятларға борур лаклаклардектур. Гояташ, тумшуғи қорароқтур. Ул лаклакдин хили кичикдур.

Яна бир қушдур, уқор била лаклакка мушобаҳати бор. Уқордин тумшуғи улуқроқ ва узуроқдур, жуссаси лаклакдин кичикрактур.

Яна бир улуғ базакдур. Улуғлуғи сорча бўлғай. Иккни қанотининг орқаси оқдур. Баланд уни бордур.

Яна бир, боши ва тумшуғи қора оқ базакдур. Ул вилоятқа борур базакдин хили улуқдур. Ҳиндустон базакидин кичикрактур.

Яна бир ўрдактур, фармпой дерлар, сўна бурчиндин улуғроқдур, нари ва модаси бир рангдур. Ҳашанғарда дойим бўлур, гоҳи Ламғонотқа ҳам борур. Гўшти хили лазиздур.

Яна бир ўрдактур шаҳмурғ дерлар. Қоздин жуввий кичикрак бўлғай, тумшуғининг устида баландлиғи бор, кўкси оқдур, орқаси қорадур. Гўшти мазалиқдур.

Яна бир зимиждур, улуғлуғи бўркча бўлғай. Қора рангликдур.

Яна бир сор бўладур орқаси ва қуйруғи қизил.

Яна Ҳиндустоннинг олақарғасидур, ул вилоятнинг олақарғасидин кичикрак ва иничкаракдур. Бўйнида жуввий оқи бордур.

Яна бир қушдур қарға била аккаға мушобаҳати бор.

Ламғонотта мурғи жангал дерлар. Боши ва кўкси қора, қанотлари ва қўйруғи қизилроқ, кўзлари қип-қизил. Учмоқта ожиз учун жангалдин чиқмас. Бу жиҳатдин мурғи жангал дерлар.

Яна бир улуг шаппарадур, чамагдар дерлар. Улуктуғи япалоқча бўлғай. Боши итнинг кучугининг бошига ўхшар. Дараҳтқақим қўнар хаёли қиладур, бир шоҳни тутуб, сарнигун бўлуб турадур. Farобати бордур.

Яна бир Ҳиндустон аккасидур, мато дерлар. Аккадин жузвий кичикрак бўлғай. Акка оқ-оладур, мато малла оладур.

Яна бир қушқинаидур, улуклуғи сондуғочча бўлғай, хушранг қизилдур, қанотларида озроқча қоралари бордур.

Яна бир қурчадур, қорлуғоч йўсунлуқдур, қордуғочдин хили улукдур, якранг қоп-қорадур.

Яна бир куйилдур, узунлиги зоғча бўлғай, зоғчадин хили иничкаракдур. Тавре ўқур Ҳиндустон булбули бу эмиш. Ҳиндустон эли қошида булбулча ҳурмати бордур. Қалин дараҳтлиқ боғларда бўладур.

Яна бир қушдур шақроқ йўсунлуқдур. Йиғочларға ёпушиб юрур, улуклиги шақроқча бўлғай. Тўтидек сабз ранглиқдур.

Сув ҳайвоноти: бир шери обийдур, қора сувларда бўладур, калсға мушобаҳати бор. Дерларким, кишини ва балки говмишни олур эрмиш.

Яна сесордур, бу ҳам калс вазълиқдур. Тамом Ҳиндустон дарёларида бордур. Гутуб келтуруб эдилар, узунлиги тўрт-беш қари ёвшар эди. Йўғонлиғи қўйча бўлғай. Мундин улуғроқ ҳам бўлур эмиш, ярим қаридин узуноқ тумшуғи бор, юқориғи тумшуғи ва қўйғи тумшуғида иничка-иничка қатор кичик тишлари бор. Сув ёқаларида чиқиб ётадур.

Яна ҳуки обийдур, бу ҳам тамом Ҳиндустон дарёларида бўлур. Сувдин баъкбор чиқар, боши кўрунур-кўрунмас яна сувға чўмар, қўйруғи кўрунуб қолур, мунинг тумшуғи ҳам сесор тумшуғидек узундур ва ушоқ қатор тишлари бордур. Ўзга боши ва танаси балиқдектур, сувда ўйнар вақт мушук йўсунлуқ кўрунадур. Сару сувидаги ҳуки обийлар ўйнар маҳалда сувдин дуруст чиқадур. Бу балиқдек сувдин ташқари ҳаргиз чиқмас.

Яна карёлдур, бу улук бўлур эмиш. Сару дарёсида черик элидин хили қиши кўрдилар. Бу — кишини слур

эмиш. Сару ёқасида эканда бир-икки додакни олибтур. Фозипур била Банорас орасида ўрду элидин уч-тўрт кишини олди. Ушбу навоҳийда мен ҳам карёлни йироқроқтин кўрдум, ўбдан мушаххас кўрулмади.

Яна какка балиқдур. Икки қулоғининг тўғриси икки сўнгак чиқибтур, узунлуғи уч эллик бўлғай, ётқонда бу икки сўнгакни тебратадур. Фарийб тавр ун келадур. Фолибо ул уни жиҳатидин какка дебтурлар.

Ҳиндустон балиқларининг гўшти лазиз бўлур эди ва қилтиғи бўлмас. Ажаб чуст балиқдурлар. Бир қатла бир сувнинг икки тарафидин тўр солиб келдилар, тўрнинг бир тарафи сувдин ярим қаридин кўпрак юқори эди, балиқларнинг кўпраги тўрдин бир қари юқорроқ сачраб ўттилар.

Яна Ҳиндустоннинг баъзи сувларида ушоқ балиқлар бор, бир қатиқ ун ё товуш бўлса баякбор сачраб, сувдин бир қари бир ярим қари баланд чиқадурлар.

Яна Ҳиндустон бақалари, агарчи ўшал бақалардек-тур, vale бу бақалар сувнинг юзида етти-секкиз қари югурладурлар.

На ботот ким, Ҳиндустон махсусидур, бир анбадур. Аксар Ҳиндустон эли «бе»ни беҳаракат талафуз қилурлар, ёмон муталафиз бўлур учун баъзи «нағзак» дебтурлар, нечукким, Хожа Хисрав дебтур:

Нағзаки мо нағз куни бўстон,
Нағзтарин меваи Ҳиндустон¹

Яхшиси яхши бўладур, ғалаба еса бўладур, vale яхшиси кам бўладур. Аксар хом узадурлар, уйда пишадур, хоми хўб ош қатиғи бўладур. Ғўрасининг мураббоси ҳам хўб бўладур. Филвоқиъ Ҳиндустоннинг яхши меваси будур. Дараҳти бисёр болида бўладур. Баъзи эл анбани андоқ таъриф қилиб эдиларким, қовундин ўзга жамиъ мевага таржиҳ қилиб эдилар. Эл таъриф қилғонча худ эмастур. Кордий шафтомуға шабоҳати бор. Пашкол вақтида пишадур. Икки навъ ейилур: бири, сиқиб, пўла қилиб терисини тешиб, сўруб сувини ичарлар, яна бир, шафтомуйи кордийдек терисини аритиб ерлар. Барги шафтому баргига андаке ўхшар, танаси баднамо ва бад андомдур. Бангола ва Гужаротта яхши бўлур эмиш.

¹ «Нағзак»имиз бўстон безаги ва Ҳиндустоннинг энг гўзал мевасидир».

Яна кайладур, араб мавз дер, дарахти хили баланд эмас, балки дарахт деб ҳам бўлмас. Гиёҳ била дарахт орасида бир нимадур. Барги амон қаронинг баргига мушобиҳдур, vale кайланинг баргининг узунлиги икки қари бўлур, яссилиғи бир қариға ёвушур, ўртасида юракдек бир шох чиқар, фунчаси бу шохда бўлур ва улуқ фунчаси қўй юраги вазълиқдур, фунчасининг ҳар барги очилғоч, баргининг тубида қатор олти-етти гули бўлур, бу қатор гуллар кайла бўлур. Ушбу юракдек шох узогон сойи ул улуқ фунчанинг барглари очилиб, қатор кайла гуллари зоҳир бўлур. Ҳар кайла дарахти бир қатла-ўқ бор берур эмиш. Кайланинг икки латофати бор: бир улким, териси осон сўюлур. Яна бир улким, ҳеч донаси ва жирми бўлмас, бодинжондин бирнима узунроқ ва иничкаракдур, хили чучук эмас. Бангола кайлалари бисёр чучук бўлур эмиш. Хили хушнамо дарахти бор, ясси-ясси хушранг сабз барглари яхши кўрунур.

Яна анбулидур, хурмойи ҳиндийни бу от била айтурлар. Реза барги бор, жавзи-буё баргига филжумла ўхшар, vale мунинг барги буё баргидан резароқтур. Хили хушнамо дарахтедур, сояси қалин бўлур. Дарахти хили болида бўладур. Саҳройиси ҳам қалин бўладур.

Яна бир маҳвадур, гулчикон ҳам дерлар. Мунинг дарахти хили болида бўлур, Ҳиндустон элининг иморатлари аксар маҳва йифоцидиндур. Маҳванинг гулидин арақ тортарлар ва гулини мавиздек қурутуб ерлар ва арақ ҳам тортарлар. Филжумла кишмишга шабоҳати бор. Бадмазалиги бор. Гулининг ўли ҳам ёмон эмас, еса бўлур. Бу ҳам саҳройи бўладур. Меваси бемаза бўладур. Донаси улуқроқ, териси юпқа, мунинг донасининг мағзидин ёғ ҳам тортарлар.

Яна кирнидур. Мунинг дарахти агарчи кўп болида бўлмас, кичик ҳам бўлмас. Меваси сариғ рангилиқдур, жигдадин иничкарактур. Мазаси филжумла узумга ўхшар, охирида озроқча бадтаъмлиғи бор, ёмон эмас, еса бўлур. Донасининг териси юпқадур.

Яна жоминидур, барги тол баргига филжумла ўхшар, гирдроқ ва яшилроқдур, дарахти холи аз хуш намолиқ эмас¹. Меваси қора узумга ўхшар, туршроқ мазаси бор, хили яхши эмастур.

¹ «Дарахти чиройли кўринишдан холи эмас».

Яна гумрукдур. Панж паҳлудур. Улуғлуғи ғайнолуча бўлғай, узунлиғи тўрт әллик бўлғай, сариқ пишадур, мунинг ҳам донаси йўқтур. Ҳомроқ узганни кўп аччиқтур. Яхши пишғонининг туршлиғи майхушдур, ёмон эмас, холи аз латофат¹ эмас.

Яна қадҳалдур. Бу ғарийб бадҳайъат ва бадмаза мевадур, биайниҳи қўйнинг қорнидурким, киссадек қориннинг ичи ташқари бўлғай. Мазаси дил очур чучукдур, ичида фундуқдек-фундуқдек доналари бор. Ҳурмоға филжумла шабоҳати бор. Мунинг доналари гирдур, узун эмасдур. Бу доналарнинг хурмодин юшмоқроқ гўсти бор, ани ейдурлар, хили часпандадур, часпандалиғидин баъзи иликни, оғизни ёғлаб ер эмишлар. Ҳам дарахтнинг шоҳида бўладур, ҳам танасида, илдизида ҳам бўлур эмиш. Дараҳтдин гўёқим киссаларни осиб-осиб қўюбтурлар.

Яна бадҳалдур, улуғлуғи олмача бўлғай эди. Ёмон эмас, ҳомлиғида ғарийб турш ва бемазадур, пишиғи ёмон эмас, юмшоқ пишар ва ҳар еридин илик била узуб еса бўладур. Мазаси биҳининг ганда бўлғониға хили-ўхшар, турш-турш яхшиғина мазаси бор.

Яна бийрдур, форсий кунор дерлар эмиш. Бу аввоъ бўладур. Олучадин бир нима улуқроқдур. Бир навъи бўладур, ҳусайни узум андомида, аксари хили яхши бўлмайдур. Бондирида бир бийр кўрдук, хили яхши эди. Мунинг дарахти савр ва жавзода барг тугуб саратонда ва асадтаким, айни пашколдур, барг чиқариб, тар ва тоза бўладур. Меваси далв ва ҳутта пишадур.

Яна карундадур, бизнинг вилоятнинг жикаси йўсунлуқ бута-бута бўладур. Жика тоғларда бўлур. Бу даштларда бўладур. Мазаси мирминхонға ўхшар, мирминхондин чучукроқ ва кам оброқтур. Андин қалъялиқ ош пиширадурлар, мазалик бўладур. Хили қалъяси ривожқа ўхшар.

Яна панёладур, олучадин улуғроқтур, қизил олманинг ғўрасиға шабиҳдур, туршқина мазаси бор, яхшиғинадур. Дараҳти анор йиғочидин улуғроқтур, барги бодом барғига ўхшар.

Яна қалардур, меваси дарахтнинг танасидин чиқар, анжирға ўхшар. Қалар ғарийб бемаза мевадур.

Яна омиладур, бу ҳам панж паҳлудур, ғўзанинг гун-

¹ «Латифликдан холи эмас».

часиға ўхшар, зумухт ва бемаза нимадур. Мураббоси ёмон эмас. Хили пур фойда мевадур. Дараҳтининг яхши ҳайъати бор, бисёр реза баргликтур.

Яна чурунчикур, дараҳти қўҳий эмиш. Бизнинг боғларда уч-тўрт туп бор экандур, сўнгра билдим. Маҳваға хили шабиҳдур, мағзи ёмон эмас, мағзи ёнғоқ мағзи била бодом мағзи орасида бир нимадур. Мағзи писта мағзидин кичикракдур. Чурунчининг мағзи гирдтур, полудага ва ҳалволарға солурлар.

Яна хурмодур. Агарчи хурмо Ҳиндустон махсуси эмас. Чун ул вилоятларда йўқ эди, мазкур бўлди. Хурмо дараҳти Ламғонда ҳам бордур, шохлари дараҳт калласида бир ерда-ўқ бўлур. Барглари шохларининг тубидин учиғача икки тарафида бўлур, танаси ноҳамвор ва бадрангдур. Меваси узумнинг хўшасидек бўлур, узумнинг хўшасидин хили улуғроқ бўлур.

Дерларким, наботот орасида ҳурмо дараҳтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар: бир улким, нечукким, ҳайвонот бошини кесарлар — ҳаёти муңқатиъ бўлур. Хурмо дараҳтининг ҳам боши кесилса, дараҳти қурур. Яна бир улким, нечукким, ҳайвоноттин бенар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дараҳтиға ҳам нар хурмодин шохини келтүруб, тегурмасалар, яхши бар бермас. Бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас.

Хурмонинг бошиким мазкур бўлди, ул паниредин ибораттур. Хурмо панири андоқ бўлурким, шох ва баргининг чиқар ери панирдек оқ бўладур. Бу оқ панирдекдин шох ва барг чиқадур. Шох ва барг узогон сойи барги сабзоқ бўладур. Бу оқ нимани хурмонинг панири дерлар. Тавредур, ёмон эмас. Ул ёнғоқнинг ўл мағзига хили ўхшар. Ушбу панири бўлур ерни заҳм қиласурлар. Ул заҳмга хурмо баргини андоқ қўядурларким, ул заҳмдин ҳар сув келса, бу хурмо баргининг усти била оқадур, баргни кўзанинг оғзиға қўюб, кўзани дараҳтқа боғлабтурлар, ул заҳмдин ҳар сувким ҳосил бўлса кўзада йиғиладур. Агар филҳол ичилса, чучмонрок сувдур, учтўрт кундин сўнг ичилса, филжумла кайфияти бор дерлар. Мен бир навбат Борини сайр қиласурғонда, Чанбал дарёсининг ёқасидағи кентларға сайр қила бориб эдим. Йўлда кўлда ушбу навъ хурмо сувини оладурғонлар учради. Бу сувдин хили ичилдиким, аниг кайфияти маълум бўлғай, кайфияти маълум бўлмади. Фолибо хили ичмак керакким, андак кайфияти маълум бўлғай,

Яна норгилдур, араб муарраб қилиб «норжил» дер. Ҳиндустон эли нолир дейдур. Ғолибо ғалати омдур. Норгилнинг бириси жавзи ҳиндийдурким, қора қошуқларни андин қилурлар. Улуғроғини фижжакнинг косаси қилурлар. Дараҳти биайниҳи хурмо дараҳтидур, ғояташ, норгилнинг шоҳи пурбарграктур. Баргининг ранги ҳам равшанроқдур. Нечукким, ёнғоқнинг тошида кўк пўсти бўлур, норгилнинг тошида ҳам кўк пўсти бор, vale норгилнинг пўсти реш-реша бўладур. Тамом дарёдағи жиҳозларнинг ва кемаларнинг танобини ушбу норгилнинг пўстидин қилурлар эмиш. Кемаларнинг дарзларини ҳам мунинг или била тикар эмишлар. Норгилнинг пўстини артқоч, бир учиди мусаллас уч тўшук ўрни зоҳир бўлур, иккиси руст, бири бўш, андак ишорат била тешиладур. Мағз боғлардин бурун норгилнинг ичи сув бўладур. Бу тўшукни тешиб, ул сувни ичадурлар. Мазаси ёмон эмас, гўёким, хурмо панирини сув қилибтурлар.

Яна бир тордур, торнинг шохлари ҳам бошида-ўқ бўлур, торға ҳам хурмодек кўза боғлаб, сувини олиб ичадурлар; бу сувни торий дейдурлар. Мунинг кайфияти хурмо сувининг кайфиятидик тундроқ бўлур эмиш. Торнинг шохларининг бир қари-бир ярим қаригача ҳеч барги бўлмас, андин сўнг ўттуз-қирқ барг шохининг учиди бир ердин-ўқ ирикроқ панжа урадур. Бу баргларининг узунлуғи бир қарифа ёвшур. Ҳиндистон эли кенг-кенг қулоқларининг тўшукларига ҳалқа бўлмаса, бу тор баргидин ясаб соладурлар. Ушбу тор баргидин қулоқ тўшугига солмоқ учун бозорларда ясаб-ясаб сотадурлар. Танаси хурмо дараҳтининг танасидин яхшироқ ва ҳамвороқтур.

Яна норунж ва лиму машҳур мевалардур. Норунж Ламғонотта ва Бажур ва Саводта кўп бўлур ва хўб бўлур. Ламғонот норунжи кичикрак ва киндилик бўлур, бисёр латиф ва нозук ва сероб бўлур. Хуросон навоҳий-сининг норунжиға ҳеч нисбати йўқтур. Нозуқлугидин-дурким, Ламғоноттин Кобулғачаким, ўн уч-ўн тўрт йиғоч бўлғай, келтургунча баъзи норунжлар хароб бўлур. Астробод норунжини Самарқандагаким, икки юз етмишикки юз саксон йиғоч бўлғай элтарлар. Терисининг қалинлиғидин ва кам облиғидин онча хароб бўлмас. Бажур норунжларининг улуғлиғи биҳича бўлур, суви кўптур ва ўзга норунжларнинг сувидин туршроқтур. Ҳожа Қалон

дедиким. Бажурда ушбу жинс норунжнинг бир дарахтидин олиб санадук, етти минг норунж чиқти. Менинг хотиримға дойим кечар эдиким, «норунж» лафзи муарраб монанддур, ўшандоқ-ўқ экандур. Бажур ва Савод эли норунжни тамом норанг дейдурлар.

Яна лимудур, бисёр бўладур, улуғлуғи юмуртқача бўлғай, юмуртқа андомлиқтур. Илдизини масмум қайнатиб ичса, мазарратини дафъ қилур эмиш.

Яна бир норунж мушобиҳи мева турунждур. Бажур ва Савод эли болинг дейдурлар. Бу жиҳаттин турунж пўстининг мураббосини мураббойи болинг дер эмишлар. Ҳиндустонда турунжни бажурий дейдурлар. Турунж икки навъ бўладур: бири чучук ва бемаза ва дил ошур. Чучук, еярга худ ярамас, магар пўсти мураббоба ярағай. Ламғонотнинг турунжи ушмундоқ дил ошур чучуктур. Яна Бажур турунжалари ва Ҳиндустон турунжалари турш бўладур ва ҳўб туршдурлар. Шарбати бисёр хушмаза ва хуштаъм бўладур, турунжнинг улуғлиғи хисравий қовунча бўлғай. Пўсти қўтур-пўтур ва ноҳамвوردур. Учи иничка ва тумшуқлуқ бўлур. Турунжнинг ранги норунж рангидин сариғроқдур. Дарахти таналиқ дарахт бўлмас, кичикрак бўлур. Ва бута-бута бўлур, барги норунж баргидин улуғроқ бўлур.

Яна норунж мушобиҳи мевалардин сангторадур, ранги ва вазъи турунждекдур, гояташ, мунинг териси сийдамдур, ноҳамвор эмас, жузвий турунждин кичикракдур. Дарахти улуқ бўладур. Үрук дарахтича бўладур, барги норунж баргига ўхшар, ҳўб туршлуғи бордур. Шарбати яхши лаззатлиқ ва хуштаъм бўладур. Бу лимудек муқаввийи меъдадур, норунждек музъиф эмас.

Яна норунж мушобаҳати мевалардин улуқ лимудурким, Ҳиндустонда гулгул лиму дейдурлар. Андоми қоз юмуртқасиға ўхшар, vale юмуртқадек икки боши иничкарак эмас. Мунинг пўсти ҳам сангтора пўстидек ҳамвوردур, фарийб сероб бўладур.

Яна чанбарийдур, норунж мушобиҳидур. Андоми норунждектур, vale ранги сариқдур, норунжий эмас, иди турунж идига ўхшар, мунинг ҳам яхши туршлуғи бор.

Яна норунж мушобиҳи садофилдур, амурд андомликтур, ранги биҳи рангидектур. Чучук бўладур, vale чучук норунжча дил ошур эмас.

Яна норунж мушобиҳи амрадпалдур.

Яна норунж мушобиҳи каранадур. Мунинг улғуғи гулгул лимучага бўлғай. Бу ҳам туршдур.

Яна норунж мушобиҳи амалбеддурким, бу уч йилдин бери эмди назарға келди. Андоқ дедиларким, иғнани мунинг ичиға солсалар эрир, туршлиғидинму экин, ё хосяттиму экин. Туршлиғи норунж ва лимучага бўлғай.

Яна Ҳиндустонда тавре гуллар борду: бир жосундур. Баъзи ҳиндустоний қаджал дейдур, гиёҳ эмас, бутаси соқлиқтур, гулбундин бирнима баландроқдур, ранги анор гулидин ҳануз сабзроқтур, улуғуғи қизил гулча бўлғай, vale қизил гул ғунча бўлғондин сўнг бир-ўқ очилур. Бу жосунким, очилди— ўртасидин яна ҳам ушбу баргидин иничка бўлуб, танадек бир эллик узаб, яна ушбу жосун барглари очиладур. Ҳосил дусунба гул бўладур, холи аз ғаройиб эмас. Даражатининг устида бисёр хушранг ва хушнамо кўрунадур, кўп турмайдур, бир кунда-ўқ пажмурда бўладур. Тўрт ой— пашкол ойларида асру ҳўб ва кўп очиладур, ғолибо аксар йил очилур. Вале бу кўклиг билан иди йўқтур.

Яна бир канирдур, оқ ҳам бўладур, қизил ҳам бўладур. Шафтоли гули вазълиқ панж барга боладур. Қизил канирнинг шафтолу гулига шабоҳати бор. Вале канир гули ўн тўрт-ўн беш гул бир ерда очиладур, йироқтин бир улук гулдек кўрунадур. Мунинг бутаси гулбундин улуғроқтур. Қизил канирнинг тавреғина иди бор, хуш ояндадур. Бу ҳам пашколда кўп ва ҳўб очиладур. Бу ҳам аксар йил топилур.

Яна кеврадур, бисёр латиф иди бор. Мушкнинг айби будурким, хушклуғи бордур, муни «мушки тар» деса бўлур. Бисёр латиф иди бордур. Агарчи ўзининг ғарийб тавр ҳайъати бордур, гулининг узунлиғи бир ярим қариш-икки қариш бўлғай. Вазъи ғарағ баргидек узун барглардур. Мунинг тикони бордур. Ғунчадек тиқилғон ташқариги барглари сабзоқ, тиконликрак, ичкариги барглари. юмшоқроқ барглар бўладур. Ичкариги баргларининг ораларида гулнинг ўртасидағидек нималар бўладур, яхши иди андин келадур. Янги чиқиб, ҳануз тана пайдо қилмоғони эркак қамишнинг бутасига ўхшар. Мунинг барги яссироқтур ва тиконлик, таналиги бисёр беандомдур, илдизлари кўрунуб турубтурс.

Яна ёсуман бўладур оқ, мунинг жамбулий дерлар. Бизнинг ер ёсуманларидин улуғроқ ва иди тезроқ бўладур,

Яна ул вилоятларда тўрт фасл тур. Ҳиндустанда уч фасл бўлур: тўрт ой ёздор, тўрт ойи пашкол, тўрт ойи қиш. Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг истиқболидиндор. Ҳар уч йилда бир ойни пашкол ойлариға зиёда қилурлар. Яна уч йилда қиши ойлариға зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойлариға. Буларнинг кабисаси будур.

Читар, бесок, жашт, осор — тобистон; мувофиқи: ҳут ва ҳамал ва савр ва жавозо.

Совун, бодун, кувор, котик — пашкол; мувофиқи: саратон ва асад ва сунбула ва мезон.

Акҳан, пўс, моҳ, покин — зимистон; мувофиқи: ақраб ва қавс ва жадй ва далв.

Ҳинд эли фусулниким, тўртар ой таъйин қилибтурлар, ҳар фаслда яна иккирар ойни иссиқнинг ва ёғиннинг ва совуқнинг зўри тутубтурлар. Ёз ойларидин икки сўнгри ойким, жашт била осордур, иссиқнинг зўри бу икки ойдур. Пашкол ойларидин икки бурунғи ойким, совун ва бодундур, ёғиннинг зўри бу икки ойдур.

Қиши ойларидин икки ўртадаги ойким, пўс ва моҳдур, совуқнинг зўри бу икки ойдур. Бу эътибор била буларнинг фасли олти бўладур.

Кунларга ҳам от қўюбтурлар: шанба — (соничар); якшанба (итвар); душанба — (сумвар); сешанба — (монкулвар); чаҳоршанба — (будвор); панжшанба — (бриспатвор); одина — (сагирвор).

Нечукким, бизнинг вилоятлар истилоҳида кеча-кундузни йигирма тўрт қисмат қилибтурлар, ҳар қайсини бир соат дебтурлар ва ҳар соатни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳарқайсисини бир дақиқа дебтурларким, бир кеча ва кундуз минг тўрт юз дақиқа бўлғай. Дақиқанинг миқдори тақрийбон олти қатла «фотиҳа»ни, «бисмилло» била ўқуғунчадурким, бир кеча-кундуз секкиз минг олти юз қирқ навбат «фотиҳа»ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлғай.

Ҳинд эли кеча-кундузни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳарқайсини бир гири дебтурлар, яна кечани тўрт ва кундузни тўрт қисмат қилибтурлар. Ҳарқайсини бир паҳр дебтурларким, форсиси пос бўлғай. Үл вилоятларда пос ва посбон эшитилур эди, бу хусусият била маълум эмас эди.

Ушбу маслаҳатқа Ҳиндустаннинг жамъи мұътабар шаҳрларида жамъи муқаррар ва муайяндурларким, кар-

ёлий дерлар, биринждин бир ясси нима қўюбтурлар, улуғлуғи табақча бўлғай, қалинлиги икки элликча бўлғай. Бу биринжни «карёл» дерлар. Бу карёлни бир баланд ерда овизон қилибтурлар. Яна бир тослари боржом соат, аниг қуйиси тушукдур, ҳар гирида бир тўлар, карёлийлар навбат била тосни сувға қўюб мунтазирдурлар. Масалан: кун туғар вақттаким, бу тосни қўйдилар, тос бир тўлса, тўқмоқлари била карёлға бир урарлар, икки тўлса, икки, то паҳр тугагунча. Ҳар паҳрким туганса, аломати будурким, тўқмоқни карёлға ботбот ғалаба-ғалаба қоқарлар. Агар кундуздин аввалғи паҳр бўлса, бот-бот қоққондин сўнг даранг қилиб, бир навбат қоқарлар. Иккинчи паҳр бўлғон бўлса, бот-бот қоққондин сўнг икки қоқарлар, учинчида уч, тўртингида тўрт. Кундузнинг тўрт паҳриким туганди, кеча паҳридин бошлаб ушбу дастур била кечанинг тўрт паҳрини тугатурлар.

Бурун карёлийлар кеча-кундузда паҳр туганганда-ўқ паҳр аломатини қоқарлар эди. Кечалар уйқудин уйғонғонларға уч гири ё тўрт гирининг қоққон уни келса эди, маълум бўлмас эдиким, иккинчи паҳрмудур, ё учунчи паҳрмудур. Мен буюрдумким, кеча гириларини ва булатлуқ кундуз гириларини қоққондин сўнг, паҳрнинг аломатини қоққайлар, масалан, кечанинг аввалғи паҳридин уч гири қоққондин сўнг, даранг қилиб, паҳрнинг аломатини яна бир ҳам қоққайлар, яъни маълум бўлғайким, бу уч гири аввалғи паҳрдиндур. Кечанинг учунчи паҳридин тўрт гири қоққондин сўнг, даранг қилиб, паҳрнинг аломатини уч қоққайлар, яъни маълум бўлғайким, бу тўрт гири учунчи паҳрдиндур, хили яхши бўлди. Кеча ҳар вақт уйғонғонда карёл уни келса, мушаххас бўладурким, қайси паҳрдин неча гири бўлубтур.

Яна ҳар гирини олтмиш бўлубтурлар, ҳарбирини пул дебтурларким, бир кеча-кундуз уч минг олти юз пул бўлғай. Яна ҳарбир пул миқдорини олтмиш қатла кўзни юмуб очқунча дебтурларким, кеча-кундуз икки юз ўн олти минг кўзни юмуб очқунча бўлғай. Бир пулни тажриба қилилди, тақрийбан секкиз қатла «қўулхувалло»ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлдиким, кеча-кундуз йигирма секкиз минг секкиз юз «қўулхувалло» ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлғай.

Яна ҳинд эли вазнларни гавре таъйин қилибтурлар: Секкиз рати бир мossa, тўрт мossa бир тонгким, ўттуз

икки рати бўлғай. Беш моса бир мисқолким, қирқ рати бўлғай. Ўн икки моса бир тўлаким, тўқсон олти рати бўлғай. Ўн тўрт тўла бир сер. Бу худ муқаррардурким, ҳар ерда қирқ сер бир ботмон бўлур, ўн икки ботмон бир мони бўлур. Юз монини бир миноса дерлар. Жаво-ҳир ва марворидни тонг била тортарлар.

Яна ҳинд эли ададни ҳам хўб тайин қилибурлар: юз мингни лак дерлар. Юз лакни куур дерлар. Юз куурни арб дерлар. Юз арбни карб, юз карбни нил, юз нилни падам, юз падамни сонг. Бу ададларнинг тайини Ҳиндустан молининг кўплугининг далилидур.

Ҳиндустан элининг кўпраги кофир бўладур. Ҳинд эли кофирни ҳинду дерлар. Ҳиндулар аксар таносухий бўла-дур. Омил ва мустаъжир ва коргузор тамом ҳиндуудур.

Бизнинг вилоятларда, саҳрова юурўр элнинг қабила-қабила отлари бўлур, мунда вилоят ва кентларда мутавваттин элларнинг қабила-қабила отлари бўладур.

Яна ҳар ҳирфагарким бор, ота-отасидин бери ул ҳир-фани қила келибтур...

Латофатеким, Ҳиндустанда бор — улуқ вилоятдур. Ва олтун ва ярмоғи қалин бўладур ва пашкол ҳаволари бисёр хўб бўладур. Гоҳ куни бўладурким, ўн-ўн беш, йигирма қатла ёғадур. Ёғинларида бир замонда селлар келадур, ҳеч сув ўйқ ерларда дарёлар оқадур. Ёғар маҳаллида ва ёғиб турғон маҳалларида ғарийб яхши ҳаволар бўладур, андоқким, ҳавонинг эътиоди ва латофати андин ўтмас. Айби будурким, ҳаво кўп пурнам бўла-дур.

Ул вилоятларнинг ёйлариға пашкол ўлса, худ ўтуб бўлмайдур, тез бузуладур, не ёлғуз ёй, жиба ва китоб ва раҳт ва матоъға — бориға таъсир қиласадур. Иморат ҳам кўп турмайдур. Пашколдин бошқа ҳам қиши ва ёз яхши ҳаволардур, vale шимол ели ҳамиша қўпадур. Гард ва хок хили бўладур. Ёзлар савр ва жавзода пашколга ёвуқ бу йилда тўрт-беш навбат бисёр тунд қўпа-дур. Андоқким, гард ва хок ул мартабада бўладурким, бир-бирни кўруб бўлмайдур, муни «анди» дейдурлар. Жавзо иссиқ бўладур, vale онча беиътидол иссиқ эмас-тур. Балх ва Қандаҳорнинг иссиғича йўқтур ва имтиодиди худ ул ерларнинг иссиғининг ярмисича бўлғай.

Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар ҳирфагардин беҳад ва бениҳоят кўптур. Ҳар иш учун ва

ҳарнима учун жамъэ муқаррар ва муайяндурким, оталаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар. Нечукким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ му болага била битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Хиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошлиаридин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Огра-да ушбу Ограничинг сангтарошлиаридин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Ограда ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсан бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди. Ҳар ҳирфагар ва ҳар коргардин ушбу қиёс била Ҳиндустонда беҳад ва бениҳоятдур.

Бу вилоятларким, Беҳрадин Баҳорғача ҳоло менинг тасарруфимдадур, эллик икки курурдур, нечукким, бу муфассалидин мужмали маълум бўлғусидур. Бу жумладын сёkkиз-тўқкуз курур рой ва рожаларнинг парганиларидурким, итоат қилиб, қадимдин бу парганотни важҳи истиқомат тариқида тонибтурлар.





МУҲАММАД СОЛИХ





У

лугбекнинг тарбиячиси, васийси Алиф Шоҳ Маликнинг набираси ва Хоразм ҳокими Нур Саидбекнинг ўғли Муҳаммад Солиҳ 1455 йили Хоразмда туғилди. Сарой тарбиячилари қўлида таълим ва тарбия кўргандан кейин, Ҳиротга келиб, ўз даврининг улуғ олими, шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомийда таҳсил кўрди.

1469 йилда, отаси вафот этгандан кейин ўқишни тарқ этиб, Ҳусайн Бойқаро, кейинчалик Бухоро ва Сармарқандда бошқа ҳокимлар саройида хизмат қилди.

Темурийлардан илтифот кўрмаган Муҳаммад Солиҳ, 1499 йилда Шайбоний томонига ўтади, унинг саройида «Амирул-умаро»лик мансаби ва «Маликуш-шуаро»лик мартабасини олиб, сарой шоири ва тарихчиси сифатида гина эмас, амирлик мансабида ҳам хизмат қиласди.

Муҳаммад Солиҳ 1505 йил охири ёки 1506 йил бошлирида Шайбоний томонидан Нисо шаҳрига ҳоким қилиб тайинланади. Унинг бу ерда неча йил ҳокимлик қилгани маълум эмас. Ҳар ҳолда, 1510, 1511 йилларгача яъни Шайбонийнинг Эрон шоҳи Исмоил томонидан ўлдирилганингча ҳокимлик қилиб турган бўлса керак, кейин эса, Бухорога келган ва шу ерда 1534 йилда вафот этган.

Шеъриятга қизиққан Муҳаммад Солиҳ ёшлигидаёқ ўзининг икки тилда ёзган лирик шеърлари билан шудрат қозонди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий («Мажолисун-нафоис»), Заҳириддин Муҳаммад Бобир («Бобирнома»), Сом Мирзо («Тұхфаи Сомий»), Лутфали ибн Оғо-

хон («Оташкада»), Хожа Ҳасан Нисорий («Музаккирул-аҳбоб») каби замонининг машҳур шоир ва адабиётшунослари Муҳаммад Солиҳнинг лирик шеърларига юксак баҳо берган эдилар. Афсуски, унинг на ўзбек тилидаги ва на форс-тожик тилидаги шеърлар тўплами бизгача етиб келмаган. Унинг етиб келган бирдан-бир асари «Шайбонийнома»dir.

Жанр эътибори билан жангнома характерига эга бўлган «Шайбонийнома» 9000 мисрага яқин бўлиб, 76 бобдан иборатdir. Бундан З боби традиция бўйича, «Ҳамд», «Муножот» ва «Наът» IV бобдан XIV бобгача (102 байт) Шайбонийнинг мадҳи берилиб, XV бобдан китоб назмининг сабаби ҳамда воқиаларни тасвирлашга киришилади.

«Шайбонийнома» ўз ичига б йиллик (1499—1505) тарихий воқиани олиб, шайбонийлар билан темурийлар ўртасидаги сулолалар урушини тасвирлайди.

Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Шайбонийнома»сида темурийларга қарама-қарши ўлароқ, Шайбоний ва шайбонийларни мақташ вазифасини ўз олдига қўяди. Бироқ, ўзи айтганидек, Шайбоний юришларида қатнашиб, ўз кўзи билан кўрганларини «назм ила таҳрир» қилгани учун, Шайбоний ва шайбонийларнинг ҳам халқнинг молу мулкини талон-торож қилганликларини, ҳомийсиз кўп одамларни турли азоб-ўқубатлар билан қириб ташлашларини, қишлоқ ва шаҳарларни вайрон этганларини, хотин-қизларни хўрлашларини ва бошқа жабру зулмларини фош этиб қўяди. Аммо, ўзи тасвирлаган бу реалистик воқмалар ўз олдига қўйган мақсадларга тамоман қарши эканлигини сезиб, шу ондаёқ, Шайбонийни «оқлаш»га киришади. Бу фалокатларнинг бош сабабчиси Шайбоний эмас, балки худонинг ҳоҳиши, халқнинг ёмонлиги, уларнинг «дин йўлидан озганлари» учун худонинг қаҳрига гирифтор бўлишларининг натижаси, чунки:

«Темгри қай элники мақхур айлар,
Хон черигин анга мансур айлар»,

деб сохта хулоса чиқаради.

Бу эса Муҳаммад Солиҳнинг адабий ижоди билан феодал синфий позицияси ўртасидаги зиддиятнинг ёрқин ифодасидир.





И

«ШАЙБОНИИНОМА»ДАН

КИТОВ НАЗМИНИНГ САБАВИ

шқ саҳросида мажнун бўлғон,
Дард бирла ичу тоши тўлғон,

Шавқ бозорида савдо қилғон,
Ушбу савдони таманно қилғон.

Ҳажрнинг ўтидин жони куйгон,
Сўзу ғам бирла ниҳони куйгон,

Лақаби Солиҳу ўзи толиҳ,
Нур Сайд ўғли Муҳаммад Солиҳ

Мундоқ айтурки, худодин тақдир:
Чун отам ишига берди тағиیر:

Чиқди Хоразм диёри қўлидин,
Хевақу Кат ҳисори қўлидин.

Тушти андин гузори Марв сори,
Анда соврилди эву эли бори.

Айлади нўш шаҳодат жоми,
Анга нўш ўлди саодат жоми.

Мени гардун ситами қилди етим,
Айлади кишвари ғам ичра муқим.

Хорлиқлар била ўстум бисёр,
Зорлиғлар била күрдүм озор.

Ҳар фалокатки бўлур дунёда,
Ҳеч қойсидин эман озода.

Гаҳ Хуросон аро қилдим манзил,
Гаҳ Самарқандға бўлдим мойил.

Қуюн ойини била саргардон,
Ҳар нечук бўлса, юрудум ҳар ён.

Хизмат эттим бори мирзоларға,
Бандалик андаги доноларға.

Қўрмадим хайре мирзолардин,
Тилади раъе донолардин.

Дедилар барча манга донолар,
Ким: «Адам бўлғусидур мирзолар.

Давлати ол¹. Темур кетгусидур,
Навбат ўзга кишига етгусидур.

Ул киши бордур Шайбоний хон,
Хон Шайбонийдурур Маҳдийи замон.

Ҳоли онинг ери Туркистондур,
Ўзбек элига муаззам хондур.

Хон Абулхайрға фарзанд эрур,
Жоҳининг шохиға пайванд эрур.

Йўжихон ўғлию Чингиз тўруни,
Борича хонлардин аъло ўруни.

Ул олур ушбу вилоятларни,
Кўрсатур элга иноятларни.

Бордур онинг иши қуръон бирла,
Ўлтурубтур неча султон бирла.

¹Ол Темур — Темур авлоди, темурийлар,

Ул бўлуб борчаға жондин мойил,
Ул салотин анга андин мойил.

Бу жамоатни кўрарсен ҳоло,
Тана тирно била бошлаб ғавғо.

Ичадурлар кеча, кундуз бода,
Дину имон соридин озода.

Бир-бири бирла мухолиф борча,
Бир-биридин тақи хойиф борча.

Атодин бордур ўғул нохушнуд,
Атони ўғул этай дер нобуд.

Ато ҳам бордур ўғулдин безор,
Ўлтуур ўғлини йиғлатиб зор.

Сўзлари ерида мазкур бўлур,
Ушбу дафтараро мастур бўлур.

Шаръдин йўқтур аларға парво,
Шаръ сўзини демаслар асло.

Фикр қил, мулкни ким олғусидур,
Қўси иқболни ким чолғусидур?

Қайдаким чодирини тикти нифоқ:
Қолмас ул теграда осори вифоқ.

Мулк илгидин чиқару тахт ила тоҷ,
Тожу тахт аҳлин этарлар ихрож.

Бўлса юз минг киши борча бу тавр,
Эврилур борчасиға охир давр.

Яна бир давр келур тозау хуш,
Иттифоқ аҳлидек усру дилкаш.

Иттифоқ аҳлиға давлат келишур,
Иттифоқ аҳли ҳам они билишур.

Минг киши муттафиқ этса ишини,
Босар албатта, бу юз минг кишини.

Иттифоқ андаю, дину имон;
Зарби шамширу намозу қуръен.

Мулк ул олмаса, ким олғусидир?!

Борча оғоқ анга қолғусидур.

Ақл агар бор санға, иш қила күр;
Бу салотин йўлидин айрила күр.

Ўзиң ул хон қадамиға еткур,
Бошни султон қадамиға еткур...»

Чун бу сўзларни эшигтим филҳол,
Айладим хилват, ўзим бирла хаёл,

Барча маъқул эдию барча савоб,
Туздум оҳангি сафарға асбоб.

Юруб оҳангি Самарқанд эттим,
Юруб ул шаҳрға бот-ўқ ўттим.

Ниятим буки, етиб қўргонға,
Борғамен андин Туркистонға.

Ё агар хон бу сорилар келса,
Банда хон сари азимат қиласа...

Манга ният бу эди, лек худо
Айлагандур манга бу навъ қазо.

Ким, етишганда ўшал қўргонға,
Бандалик айлагамен ул хонға,

Чун етиштим, келибон неча қазоқ,
Борчаси раҳм тариқидин йироқ.

Қаҳр бирла келар, андоғки магар,
Бандадин қўймоғусидурлар асар.

Бир неча ҳамдаму ҳамроҳ манга,
Бор эдилар бори дилроҳ манга.

Борчасини тунадилар, аммо
Манга қўргузмодилар ҳеч жафо.

Ул жамоатки бу иш қилдилар,
Бошима давлат ила келдилар.

Бор эмишлар бориси ўнг қўлда,
Жонвафо бий била қўлдош йўлда.

Жонвафо бий мани кўргач, филҳол,
Кўрушуб айлади ёрона мақол.

Жонвафо бий эмиш ўнг қўлда улуғ,
Анга дўрман улусидин кўп уруғ.

Чун бу сўзлар била ўттум андин,
Хон йўлин жон била туттум андин,

Мени хон оллиға еткурдилар,
Балки жон оллиға еткурдилар.

Мен етишгонда ўшул хон қотиға,
Бошни қўйғонда анинг хизматиға,

Солиб эрди уруш ул қўрғонға,
Солибон валвалалар давронға.

Усру ғавғою қиё-қий эрди
Хай-ҳаю арбада чоқи эрди.

Ўлтуруб эрди ўзи форир бол,
Хай-ҳаю арбада бирла хушҳол.

Эгнида бир зиреҳи довудий,
Зиреҳиға яраша ҳам худи.

Садоғи белида, ёйи қўлида,
Беклари ўнгидан ҳам сўлида.

Бир ёнида басе айлаб жавлон,
Ўлтуруб эрди Қарочин девон.

Ким атолиғ эди ул хонға,
Ҳам мураббий бу шаҳи давронға,

Қўлини лутф била қилди дароз,
Мен тузуб жон аро оҳанги ниёз,

Қўрқа-қўрқа қадамиға еттим,
Бош қўюб, олида шукри эттим.

Айлади лутф, сўруб ҳолимни,
Билди яксар менинг аҳволимни.

Шафақат бирла мени шод этти,
Қайғудин бандани озод этти.

Чун ёниб тушти урушдин ул хон,
Тилади бандани ул шоҳи замон.

Айлади лутфу иноят бисёр,
Айлади расми мурувват изҳор.

Чун анинг шеваси лутфин билдим,
Банда ҳам арзи ниёзи қилдим.

Ул ниёзимни қабўл айлади хон,
Яна бисёр карам қилди аён.

*И момуз-замон Ҳўзор элини олиб, аҳл ва авлодлариға
имон ўргатгонидин сўнг Қаршини қабаб, Боқига уруш-
дин онт бергани.*

Чун Ҳўзор аҳлиға тақдирни худо,
Солди бу навъ бузуғлиқ ўл аро.

Яна хон келди Бухоро сори,
Чериги соғу саломат бори.

Ёз очилғоч, яна озим бўлди,
Қаршининг азмиға жозим бўлди.

Етибон Қаршиға, бўлди сокин,
Айлади ҳукмки: «Тобин, тобин!»

Қалъа давриға олиб малжолар,
Шоху най бирла қолиб малжолар.

Тегра ёним олиб ўлтурусунлар,
Кеча-кундуз урушатурсунлар.

Ҳукм ила барча қабай туштилар,
Қамишу шохға ёпиштилар.

Қўчалар ясадилар қалъа сари,
Бошдин хурраму сарсабз бари.

Қалъа сори қилайн деса гузар,
Қўча гашти қилур эрди лашкар.

Ташқари сабзаю, саҳрою баҳор,
Ичкари жибаю дарди дили зор.

Ташқари лолаи нуъмон очилиб,
Ичкари эл кўзидин қон сочилиб.

Ташқари айшу нашоту суҳбат,
Ичкари меҳнату, ранжу заҳмат.

Ташқари элга уммеди жовид,
Ичкари эл бари жондин навмид.

Ташқари элга ғанимат тушти,
Ичкари элга ўлат ёпушти.

Гоҳ уч юз киши ўлди бир кун,
Гоҳ ўн кент эли бўлди бир кун.

Бўлди андоқ ўлатиким, даврон
Ул ўлатни кўруб ўлди ҳайрон.

Икки ойким қабал эрди анда,
Оз киши қолди ўшул қўргонда.

Қолғани ҳам бари бемор эдилар,
Ғуссаю ғам қўлида зор эдилар.

Сайде бор эди ул қўргон аро
Деди: ул қалъа аро ҳукми худо.

Бир ўттуз минг кишини ўлтурди,
Токи бу ердин ўшул хон турди...»

Ҳеч ким кўрмади бу таври ўлат,
Келди ул қалъаға бир даври ўлат.

Эл қирилди барин охири кор,
Боқи тархон доги бўлди бемор.

Зорлиқ айлади хон ҳазратига,
Ийбориб элчисини хизматига.

Ким: «Манга лутф қилиб, йўл берсун,
Бу ўлатдин мени хон айирсун».

Хон дедиким: «Мен анга йўл берайин,
Жонидин кори жафо(ни) терайин.

Шарт қилсан кетарига мундин
Аҳд қилсан йитарига мундин!..»

Хон сўзин чунки эшикти Боқи,
Деди: «Бор лутфу мурувват чоқи;

Хон агар қилса мурувват, мен ҳам
Айлайн шарт бафоят маҳкам...»

Ҳарами устида шарт айлади ул
Ким: «Қачон хон манга лутф айласа йўл,

Бошим олиб кетайин қўрғондин,
Ҳарна ҳукм ўлса яна ул хондин,

Тутайин ҳукмини жоним бирлан,
Бу ишим барчаға бўлсан равшан...»

Чўн бу шарт айлади Боқи тархон,
Қаршидин келди Бухоро сари хон,

Анга чун бўлди бу янглиғ фурсат,
Қочтию, билди ўзига давлат.

Ҳазрати И момуз-замон ва Ҳалифатур-раҳмон музарифиддин Султон Маҳмуд баҳодирни ўзигақўшуб Ҳисор вилоятига Ҳисравишоҳ устига борғони ва Ҳисрав шоҳни қочуруб, вилоятларидин мол олғони ва Ҳоникахон била Аличахоннинг ало· бўлғонини маълум қилиб, андин мурожиат қилғони

Хонға чун борди хабар Султондин,
Ким етиб келди фалон қўрғондин.

Хони Шайбонийи Жамшид сарир,
Шоҳи нуронийи хуршед замир

Отланур бўлди Ҳисор устига
Андоғи мулку диёр устига

Иибориб ҳукмини султонларға
Ярлиғин тобии фармонларға,

Отланиб Қаршиға озим бўлди;
Зафар олида мулозим бўлди,

Жамъ бўлғунча черик ҳар ёндин,
Келгувчи, борғувчи, ҳар султондин,

Эрикиб Қаршини овлар бўлди;
Қуш била ҳар сори ховлар бўлди.

Қаршининг қушлари бисёр бўлур,
Қушчининг туъмаси тайёр бўлур.

Турнаю қоз фаровон усру,
Жонвар анда намоён усру.

Қирғовул боғларида сонсиз
Қарчиғайнинг соғишидин жонсиз.

Тузида бағри қаролар бисёр,
Ер боғирлаб юрумакдин афтор.

Мурғаки Қарши учун ҳар сори,
Сайдгар илгидин айлаб зори,

Қумрию булбули нолон эрди,
Бир, бир ўз ишида ҳайрон эрди.

Саъвалар борчалари зору заиф,
Мен киби дарду ғам илгига наҳиф.

Ҳар нечук қушки бўлур давронда,
Зоҳиран бор эди борча онда.

Ким Сулаймони замон анда эди,
Яъни ким ҳазрати хон анда эди.

Қайдаким бўлса Сулаймон, ноҷор
Ваҳш ила тайр бўлурлар бисёр.

Ҳудҳуд ул теградин асло кетмас,
Ҳеч турлук сур ила қайтмас.

Бўлур ул теграда ҳар турлук, қуш,
Ясабон борча ўшул ерда қўнуш.

Кабк ила тўтийи шаккархо ҳам,
Балки семурға ила анқо ҳам,

Ҳар сари борса эди ҳазрати хон
Юруб андоқки Сулаймони замон.

Қушлар устига келурлар эрди,
Бошиға соя қилурлар эрди.

Не ажаб, хонни Сулаймон деганим,
Бори оламға ани хон деганим,

Ким анинг ҳукмидадур ваҳш ила тайр,
Ҳам анинг илгидадур шар ила ҳайр.

Ким анинг амридадур деву пари,
Ҳукмида ер юзининг хушку тари.

Хон Сулаймони замондур бешак,
Хисрави олами жондур бешак.

Фояташ, халқ они билмаслар,
Жон била хидматига келмаслар.

Бўлмаса эрди Сулаймон ул хон,
Фақрин айларму эди мунча ниҳон.

Салтанат фақр била кам топилур,
Шоҳга фақр эшиги кам очилур.

Кимки бу маргаба узра етти,
Салтанат била они жамъ этти,

Деса бўлур они хони даврон,
Балки давронда Сулаймони замон.

Бу ҳикоятки битиб, оҳиста
Айладим арз мени дилхаста.

Киши билмас муни ҳондин ўзга,
Кам тушунур киши мундоқ сўзга.

Банданинг сўзларига хон тушунур,
Қуш тилидур, бу Сулаймон тушунур.

Сўз узун бўлди, келай сўз бошиға,
Иш фўзун бўлди, келай сўз бошиға.

Чун гузар тушти шаҳи одилға,
Қаршидин Касби деган манзилға,

Чарх ҳосидға мададкор ўлди,
Ахтари наҳс анга ёр ўлди.

Хон чопиб қуш солотурғон ҳангом,
Йиқилиб оти, қарорди айём,

Хон тушуб ерга, тани бўлди фигор,
Нозанин жисмиға етти озор.

Тану жони бори афгор ўлди,
Эл, аёғи бори нокор ўлди,

Муддате хон қўли озурда эди,
Халқнинг хотири афсурда эди.

Бўлдилар беклари беҳол усру,
Ранжу ғам йўлида помол усру.

Бордилар ўзларидин мискинлар,
Туздилар нолани меҳр ойинлар.

Кўйди бу ғам била Султон Маҳмуд,
Етти гардунга диморидин дуд,

Бўлди бисёр паришон хотир,
Бўлгуча хон эшигига ҳозир.

Они кўргунча саломат ҳосил,
ЛАҳзаи йўқ эди ғамдин ғофил.

Ул маҳалдаки қилиб тавсанлиқ,
Хонга кўргузди фалак душманлиқ.

Шеърлар деди ўз аҳволиға,
Бас муносиб ўзининг ҳолиға.

Дардмандонаю дилкаш борча,
Қобили нағмаи зилкаш борча.

Бири ул шеърларидин будур,
Қўрунгизким, не бало хушгўдур.

Ҳазрати И момуз-замон ва Халифатур-раҳмоннинг дардмандоналиқ ҳолида айтқон абётидур.

Дарди ғам бечора кўнглум сори оқилди яна,
Мени кўруб, ишқ ўти боштин яна келди яна.
Фунчадек кўнглум ғами ҳижронидин қон боғлади,
Муждаи васлин эшишиб, кўнглум очилди яна.
Ҳажр ўтинда нотавон жисмим фироқинг кечаси,
Шамъдек боштин аёқ фурқатда ёқилди яна.
Гезлаб эрдим ишқини элдин ва лекин найлайин,
Ҳолатим Мажнун киби оламға ёйилди яна.
Фурқат отидин йиқилдим; ёр келди сўрғали,
Эй Шабоний, ёр дардингға даво қилди яна,

Банда ул вақт Бухорода эдим,
Йўқи, саҳройи таманинода эдим.

Ким келиб Қаршиға хонни кўрсам,
Ул Сулаймони замонни кўрсам.

Бу таманно била чун отландим,
Тун қотиб, бир-икки кун қотландим.

Касбига еттим эса, андоғилар,
Яъни ул маскану манзилдоғилар.

Дедилар сурати ҳолини манга,
Ким не иш айлади бу чарх анга,

Бу ҳикоятни эшитгач, бисёр,
Хотирим қайғудин ўлди афгор.

Ҳасбиҳолимни битиб ҳазратиға,
Усру таъжил ила бөрдим қотиға.

Чун анинг боргаҳиға еттим,
Етгач-ўқ, ҳазратиға арз эттим.

Ҳасбиҳол ушбуғина матлаъ эди,
Матлаим ушбу икки мисраъ эди:

Қил фидо жонимни гар жисми латифинг хастадур.
Сен саломат бўлки, юз минг жон санга вобастадур.

Чун бу матлаъни эшитти ул шоҳ,
Ҳолату дардидин ўлди огоҳ.

Айлади бандага усру таҳсин,
Қилди алтоғу иноятқа қарин.

Бир-икки кун чу бу сўздин ўтти,
Сиҳчат ул дардларин ҳуркутти.

Йирилиб эрди бори сultonлар,
Данилар бирла бори ўғлонлар.

Чериги жамъ бўлуб эрди тамом.
Хайлдин Қарши тўлуб эрди тамом.

Ушбу ҳолатда этиб келди бирор,
Хасм сўзин этиб келди бирор,

Сўзи алқисса буким, Хисравшоҳ
Бўлубон ўз хатаридин огоҳ,

Жамъ этиб Кундузу Бағлон черигин,
Келтуруб Кашму Бадаҳшон черигин,

Тилатиб барча ҳисор аҳлини
Йиғди ул мулку диёр аҳлини.

Валибекни тилатиб Хатлондин,
Черигин йиғди тилаб ҳар ёндин.

Бир Вали бирла йигилди Боқи.
Разм базмида бўлай деб соқи,

Тўрт оғо-ини жамъ ўлдилар,
Лекин андуҳ била тўлдилар.

Олдилар эрса черикнинг сонин,
Тўқтилар эрса улуснинг қонин.

Қирди дафтарга киши ўттуз минг,
Лек ҳар бирида қайғу юз минг.

Ким нетиб ўзбак ила сончишоли?
Не қилиб кистон ила ёнчишоли?

Чун оға ини била Хисравшоҳ
Тузди ул навъ била хайлу сипоҳ.

Юрагин тўхтатолмай мискин,
Оға иниси била бас ғамгин.

Машварат айладилар тўртталаси,
Фикрини сайдадилар тўртталаси.

Дедиларким: «Уруша олмас биз,
Хон қўлиға туруша олмас биз...»

Қул эдилар бори, не қилсинглар?
Шоҳнинг оллиға не келсинглар?

Бу кенгаш била юруб ул тўртов,
Бўлдишлар ҳар бири бир ғамга гаров.

Бўлди ул тўрт иши рам қилмоқ,
«Чор қул»¹ ўзларига дам қилмоқ.

Ҳеч камлик йўқ эди лашкардин,
Мол ила мамлакату кишвардин.

Лек тенгри солиб эрди қўрқунч,
Жонларини олиб эрди қўрқунч,

Оқибат фикр қилиб бедиллар,
Фикр водийси аро жоҳиллар.

Йибориб Балх сори ажзу ниёз.
Шоҳиға сўз йибориб дуру дароз.

Тиладилар кўмаки усрү қолин,
Ҳар бири ўз ишида ўт — ёлин,

Яна бир элчи Хурросон сори
Йибориб, айладилар кўп зори.

Бохтар сори ҳам элчи йибориб,
Келтуруб андоғи элни эгориб

Балхдин келди Умарбек, бошлаб,
Черигининг ярамасин тошлаб

Тўрт минг Балх чериги эрди,
Чун ўзининг кишисин ойириди.

Ҳиридин келди Латиф бахши,
Сўз уни, бахшилар ичра яхши.

Икки минг турки ироқий бирла,
Олти минг чоғли ясоқи бирла.

¹ «Чор қул» қуръонда «қул» сўзи билан бошланадиган тўрт сурा.

Бохтардин тақи Зуннун келди,
Саркаши фирмәи аркун келди.

Келди беш минг киши онинг била ҳам,
Бўлдилар борчаси ёру ҳамдам.

Келгувчи чун бу хабарларни деди,
Анда кўрган карру фарларни деди,

Мундоқ овозаю бу тавр хабар.
Қилди эл кўнглига филжумла асар.

Лек ул ҳол билға ҳазрати хон,
Ким фигор эрди анга жисм ила жон.

Танида бор эди озор ҳануз,
Бор эди қўйлари афгор ҳануз.

Тикилиб тенгрисига бепарво.
Юруб отланди тилаб фазли худо.

Айлади ҳукмки: «Ҳамза Султон
Юрусун, илгари айлаб жавлон!»

Анга қўшти Жонибек султонни,
Сафдари, саф шикани майдонни.

Ҳожи Фози бий ила Қанбар бий,
Ким эрур ҳар бири бир сарвар бий.

Ул иковни ҳам анга қўшти хон,
Ҳар бири бор эди Пури дастон¹.

Айлади ҳукмки: «Отланғай бот,
Нақду вақт Саййид Аҳмад кўнғрот.

Ҳамза Султонга бориб қушулғой
Ҳайбатидин эл, улус қоврулғой,

Анга пайваста Кўпак қушчи ҳам,
(Ким эрур хонга қадими махрам,)

¹ Фирдавсий «Шоҳнома»сидинг беш қаҳрамони Рустаминг лақаби.

Юрубон илгари иш қилсунлар,
Хасмнинг не қилурин билсунлар!»

Чун буларнинг қавлини айлади рост,
Тенгрининг лутфини айлаб дархост.

Айлади ҳукмки: «Султон Маҳмуд,
Ким эрур мазҳари адли маъбуд,

Юрусун илгари душман сори,
Тиласун нусрату фазли бори.

Анга пайваста Темур Султон ҳам,
Юрусун хасмни айлаб дарҳам!»

Узи ҳам бу икки султондин сўнг,
Бу икки жон била жонондин сўнг

Юруди, ўйлаки айтиб бўлмас,
Юруши васфида тил эврилмас.

Тангибон қўл, аёғини маҳкам,
Тенгри ёди била кўнгли хуррам,

Отланиб келди Хузор устига,
Юруб ул дашту диёр устига.

Ўтубон борди андин Дарбанд,
Ким етилмас эди буржина каманд,

Бир бийик тоғ эди Дарбанд деган,
Ким анга ёр эди Алванд деган.

Тенгри фармони била икки тоғ,
Қилибон иккиси бир ерни ўтоғ,

Бош қўюб иккаласи бир ерда
Юз туман қўҳу камар ҳар ерда.

Ҳар бирининг боши гардунға етиб,
Ҳар бирининг қўли Жойҳунға етиб.

Қоғнинг тоғи алар оллида паст,
Йўлида ер деганинг бир кафи даст.

Тошлар йўлида ҳар бир қўҳи,
Сокини бодияи андуҳи.

Қаровул тоғининг устида аён,
Ўйлаким кўк уза моҳи тобон.

Бор бу тоғнинг устида фалак,
Кўрунур тоғ уза тўн ёйғонтак.

Бир яғоч бор бу икки тоғ ароси,
Қобили боғ аро булоғ ароси.

Чашмалар сўйи равон ҳар ёндин,
Тозароқ оби ҳаёти жондин.

Ул икки тоғнинг оғзида жаҳон,
Санъати қилди ажаб тавр аён.

Бир эшик ўрнатиб ул икки аро,
Ул аро берди улусқа маъво.

Мўл улус кўнглида бу бор эрмиш,
Ким фалон тоғ эшиги тор эрмиш,

Андин ўзбак нетиб ўтгай, ёраб,
Нетак отини юрутгай, ёраб?!

Халқ бу сўз била ҳазрати хон,
Хасмдин қасди учун бўлди равон.

Хасми чун хон қабарини топти,
Кимки, «қоч» деди ҳаводин қопти.

Бўлди дармонда жони бирла,
Енгашиб яхши ёмони бирла.

Қилдилар ажни зоҳир барча,
Бу яроғ кўрдилар охир барча.

Ким урушнинг сўзини қўйғойлар,
Ўлтуруб қалъада, от сўйғойлар.

Чун бу сўз ул арода топти қарор,
Ким қилур бўлдилар ул қавм фирор.

Борди Зуннуну Латиф бахши,
Сўнгидин новаку раъду тахши.

Балҳдин келган улус эв сори,
Қочтилар жон аро ваҳму кори,

Қолди ўз хайли била Хисровшоҳ
Борча рўйи сияҳу мўй сиёҳ.

Бир инисин йиборур бўлди Ҳисор,
Бориб ул хайл била тўлди Ҳисор.

Яна бирни яна бир қўрғонға
Йибориб, мунтазир эрди хонға.

Ким, қачон келса яқинроқ, қочқай,
Фатҳнинг йўлйини хонға очфай.

Вахшда ўлтуруб эрди, ҳосил,
Тенгри они қилиб эрди ғофил.

Ким юруб ҳазрати хони аъзам,
Кесиб ул тоғни шоду хуррам,

Юруди мулки Ҳисор устига,
Халқи беҳангуга мадор устига

Тош маҳаллотини, етгач, олди,
Хасмнинг жони аро ўт солди,

Солиб ул элга ҳазимат усру,
Олдилар молу ғанимат усру,

Буздилар тоқи муқарнас бисёр
Олдилар тожаю атлас бисёр,

Қайси оқ раҳтға урди ўзни,
Ўткариб ҳинд элига сўзни,

Қайси дебойи мунаққаш топти;
Қайси ғоли била мафраш топти,

Қайси хуржун била ҳаржи олди;
Ўзи тушуб, они ўтға солди.

Қайсиға лаъли Бадахшон тегди,
Қайсиға гавҳари раҳшон тегди;

Қайси олтунға урунди анда,
Урунуб, элга кўрунди анда,

Қайси дур топтию қайси гавҳар,
Қилди ороста тожу афсар.

Қайси ферузга била марворид,
Топибон бўлди улус ичра фариид.

Қайси зилучан Кирмони олиб,
Чиқди эл оллида эгнига солиб,

Қайси такя, намади шатранжи
Олибон, кўчти кўнгулдин ранжи,

Қайси яздий алача кўп олди,
Чўлғобон они юкига солди.

Манзил ободию мисрий бисёр,
Қораю оқ олача лайлу наҳор.

Ҳири об оғатиға сон йўқ эди,
Қанд бирла кўнгул усру тўқ эди.

Шиша, шиша сочилиб эрди набот,
Кўза-кўза тўкулуб оби ҳаёт.

Қайсидур оби ҳаёт, анда шароб,
Ким ул элларни қириб, қилди ҳароб.

Бодасиз йўқ эди бир вайрона,
Барча вайроналари майхона;

Риндлар маст чиқиб ҳар ёндин,
Бехабар хондин ҳам султондин.

Йўқ алар кўнглида имон дарди;
Юзлари устида исён гарди.

Кўпраги ўқ ичида бордилар,
Кўпининг ичларини ёрдилар.

Чоғир ичкучи ёрилса, яхши,
Чиркидин даҳр арилса, яхши,

Ичкучиларга бу бўлди аҳвол,
Ким баён айладим, эй нек хисол.

Эмди айтайнин, нелар бўлди яна,
Қилдилар қолғон улусиға таъна.

Сўйдилар борчасини боштин аёқ,
Олдилар борчасидин молу яроғ.

Футаю кўнглак хуфтонларини,
Жуббаю чакман ила жонларини.

Ҳашр элидек борини ур айлаб¹,
Қаҳр ила жонлариға зўр айлаб.

Бирининг бўйнига йип тоқтилар,
Бирининг жонига ўт ёқтилар.

Бирисининг ўтини олдилар,
Захмлик ерларига солдилар.

Бири(нинг) боши чопилди айира,
Бирининг долуси чиқти қайира,

Бирининг бўйни синиб ётиб эди;
Бадани қонға бори ботиб эди,

¹ Ур айлаб — яланғоч қилиб

Кўпраги куфр элидек миллатсиз,
Кўпраги ҳинд элидек суннатсиз.

Қайси қочиб эди, келиб эси ўнг,
Бир қўли илгари, бир қўли сўнг.

Қайси қизин топа олмай ҳайрон,
Қайси хотуни била саргардон,

Қайси инисидин айрилғон эди,
Оҳу фарёду фифон қилғон эди,

Бирига от била тева ғами,
Бирига бода била мева ғами.

Бири ярмоқ ғамидин оҳ қилиб,
Умрининг йўлини кутоҳ қилиб,

Бири оқ раҳтларин ёд қилиб,
Қарориб, кўнглини ношод қилиб,

Қиз: «Ато» деб чекибон вовайлоҳ
Ано: «Қиз» деб, қилибон нолаю оҳ,

На ато ўғлині топти ул дам,
На ўғулға отадин қолди ғам;

Ҳар кишига бўлуб эрди ҳоли,
Бор эди асрӯи ғариб аҳволи.

Ўшул элким бу бало кўрдилар,
Мунча ташвишу жафо кўрдилар.

Яхши ахтарсанг аларни, эй ёр,
Сўзга қайтарсанг аларни, эй ёр,

Кўпраги шаръ сўзин билмаслар,
Жаҳл уйқусидин ойилмаслар.

Кўпраги тенгри йўлида гумроҳ,
Кўпраги дил сияҳу, нома сиёҳ.

Тенгрининг отин оғзиға олмоқ,
Тенгри қуръони сари кўз солмоқ,

Алар оллида басе айб эрди,
Кўпраги кофири берайб эрди,

Нораво иш алар олида раво,
Носазо сўзга кўруб элни сазо.

Қайдаким бор эди бир бад мазҳаб,
Анда эрди атониб ҳуш мазҳаб,

Астрободда турғонлардин,
Баса соридоги қўргонлардин,

Мунда эл жамъ ўлуб эрди баси,
Қилибон дин аро ҳар бир ҳаваєи.

Бириси рафз писанд айлаб эди,
Жаҳл қасрини баланд айлаб эди.

Юрур эрди бири мулҳид атониб,
Ул улус ичра муваҳид атониб.

Бирига дини насир эрди ҳавас,
Бирига гўшай дайр эрди ҳавас.

Алидин ўзгани билмаслар эди,
Жаҳл жомидин ойилмаслар эди.

Барчанинг оғзида «Ҳайдар, Ҳайдар»,
Мункири анда Абубакру Умар.

Кимки, «Усмон» деди, ўлди анда,
Ким «Али» деди, қутулди анда,

Лек алардин Али безор эрур,
Хотири барчадин афгор эрур.

Шоҳ¹ ҳам ўзи айтқон бўлди,
Сўзидин жумла олам тўлди:

¹ Шоҳ — бу ўринда шоҳ Шайбоний эмас, Али,

«Ким менинг дўстлуғумдин бисёр,
Эл томуғ ичра куяр, бўлғай зор».

Ул кишиларки, дегандур ул шоҳ
Бўлубон ҳолларидин огоҳ —

Бу кишилар эмиш, эмди билдим,
Шоҳ сўзига фидо жон қилдим,

Шоҳ пайғамбар айтқон сўздин,
Чиқмас, ўзга чиқариб сўз ўздин.

Деса ҳам сўзни мувофиқ айтур,
Сўзни сўзига лойиқ айтур.

Шоҳ Абубакрға таъзим қилиб,
Кўп тавозеъ била оллига келиб,

Дер эди: «Афзали асҳоб»ани,
«Қидваи — зумраи аҳбоб ани.

Чун юруш қилди жаҳондин Сиддиқ,¹
Олди Ҳаттоб² анинг ўрнин таҳқиқ.

Шоҳ ўлуб ҳамдаму ҳамроҳ анга,
Борча иш кўч аро дамсоз анга.

Қилмади ҳеч анинг бирла хилоф,
Тутмади амридин ўзини маоф.

Чун борур бўлди жаҳондин Ҳаттоб,
Бор Усмонға йиғилди асҳоб.

Анга ҳам айламади шоҳ ниғоқ,
Тузди онинг била ҳам меҳру вифоқ.

То замоники қазо етти анга,
Чархдин тифи жафо етти анга.

Сурди андин сўнг улусқа фармон,
Мустафо ўрнида бўлди султон ,

³ Сиддиқ — Абубакрнинг лакаби.

¹ Ҳаттоб — Үмарнинг лақаби.

Ҳеч қайсиға мухолиғ бўлмай,
Алар айёмида ғамдин тўлмай.

Қилмади дунйи¹ учун ҳеч низоъ,
Балки то қилди бу дунийиға видоъ.

Шоҳ алар бирла бу янглиғ эди ёр,
Фояташ, ҳар неча масхи мурдор,

Шоҳнинг жонибидин душман ўлуб,
Бежиҳат ғуссаю ғам бирла тўлуб,

Минг йил ўтган кишилар бирла мудом,
Кирлишиб, ўзни қилурлар бадном,

Ҳар бири муфсиди ойини вифоқ,
Ҳар бири кўнглида минг йилғи нифоқ

Не мунофиқ эл әмишлар бу эл,
Ўзларин то на демишлар бу эл,

Шоҳнинг руҳи алардин безор,
Шоҳнинг кўнгли алардин дарбор.

Мундоқ эл бўлсалар андоқ, не ажаб?!
Ўтқа қовурсалар андоқ, не ажаб?!.,

Хон черигига мунунгдек ёғи
Ўчира айтса, бўлур боғи.

Тенгри қаҳриға сазовор бори,
Лойиқи тиғу сари дор бори.

Тенгри қай элники мақҳур айлар,
Хон черигин анга мансур айлар,

Халқнинг феъллари айнамаса,
Қонлари нафс ўтидин қайнамаса,

Бермас ул қавмға тенгри тағйир,
Ўзи бу навъ деди ҳайи қадир.

¹ Дунай — дунё.

Гарчи кўп эл бузулиб соврулди,
Барча ўз ерида воқиъ бўлди.

Тош маҳоллоти фатҳ ўлди бу тавр.
Мундоқ эврилди Ҳисор аҳлиға давр.

Аркига қилмадилар парво ҳеч,
Ул сори боқмадилар асло ҳеч.

Ўтуб андин юруди ҳазрати хон,
Қилибон хок ила они яксон.

Юруди рахши мурод устида
Лашкари Шайх Имод устида,

Чериги барча йифилди анда,
Хасмнинг ҳолини билди анда,

Вахшда турғонидин топти хабар,
Вахш оҳанги тузуб, қилди назар,

Чорлатиб жумлаи султонларни,
Тилатиб Рустами дастонларни,

Деди: «Эй, олам аро султонлар,
Чектингиз мулк учун кўп жонлар.

Анга етиб, бу сори қўл увурунг,
Балки еткуча қўлға киюрунг.

Зинҳор, ўлжак учун чоптирманг,
Ёшурун молларин топтурманг.

Олсангиз тенгри демиш бўлса ани,
Бўлур эркин бу черк барча ғани.

Эл бўлур, мол бўлур барча сизинг.
Туз сизинг, тоғ сизинг, ғалча сизинг.

Гар бу сўзларни қулоққа олмай,
Бу ҳикоятга қулоқни солмай.

«Мол» деб, чопса киши, хасм туяр,
Аёғи қочмоқ учун усру куяр.

Ушбу сўзларни дебон ҳазрати хон,
Қилди ярлиғки: «Ой ўлғоч тобон,

Ҳамза Султон била Султон Маҳмуд,
Юрубон, хасмни қилсан нобуд!

Басе қуллуқ қўли бирла турсун,
Ҳар киши ўз йўли бирла турсун!

Шоҳ Маҳмуд ила Темур Султон,
Ўзининг лашкари бирла яксон...

(Хоннинг ўнг қўлидағи) беклар ила,
Размнинг йўлидағи беклар ила,

Жонвафо эрди бирининг оти,
Ким вафодин яратилмиш зоти.

Яна бирини (Ўруғон дерлар
Разм аро Рустами дастон дерлар).

Ҳамза Султон била ҳам сўлдоғилар,
«Юрусун борчал» ўшул қўлдоғилар.

Ушбу ярлиғ била ул султонлар,
Салтанат жисмиға кирган жонлар

Ой туға, қамчи бериб отларға,
Йиғибон сой кишини қотлариға,

Юрудилар ясониб лашкардин,
Ўздилар юки оғир лашкардин.

Хон доғи сўнгларидин дард била,
Хотири тафриқа парвард била,

Юруб олғай деди, аммо эл, аёғ
Қетибон дарди, эмас эрди соғ.

Йўқса, пайваста бу тавр ишладилар,
Езлар чиласию қишлидилар,

Илғабон ўзи юурур эрди хон,
Унг қилур эрди ишини яздон.

Хоннинг илғори мавқуф ўлди,
Фикр бирла ичи онинг тўлди.

Ким не янглиғ юругайлар ул хайл,
Қайси ерларга етишган ул хайл.

Лек ул хайлдоғи сарварлар,
Ким алар ҳукмидадур лашкарлар.

Тунла ўқ ўздишар Оқ қопчиқойин,
Ўзубон юрдилар Оқ қопчиқойин.

Қопчиқой дегани бор тоғи баланд,
Ким анинг эгнига етмас Алванд.

Тонг отиб келди эса, ул йўлда
Кўп талотқон эл эди, бир қўлда,

Кечча ўқ юртов ургон бўлди,
Йўлдоғи халқни бузғон бўлди.

Молини олдурғон улус ҳоли табоҳ,
Бордилар бекларига, тортиб оҳ,

Тил тушурдилар ангаким инак,
Келди яғмосини бошлаб ўзбак.

Бу хабарни эшишиб Хисравшоҳ,
Деди жонига етиб Хисравшоҳ.

Ким: «Валибек юрубон отлансун,
Хабар олмоққа юруб қотлансан!»

Валибекка айтиб бу сўзни,
Жебсариб тутти қочарға ўзни

Чун Вали топти жабар султондин,
Хабари қолмади бошу жондин.

Узин отосига ўқ еткурди
Бот қочурмоқни танимат кўрди

Сиррини халқ аро очти Вали,
Бир қуруқ бошин олиб қочти Вали.

Қочти бошин олиб ул кўрнамак,
Ит сўнгакни олибон қочқантак.

Оғоси ҳам анта тобиъ бўлди,
Мунча йилғи иши зойиъ бўлди.

Кўрмади ҳеч черкининг гардин,
Кўрмасун ҳеч ким онинг дардин.

Тошлади оқ эв ила чодарни,
Тўздурууб хайл била лашкарни.

Қолди соритлари барча ёрда,
Ўзи қочмоқ била ботиб терда.

Қолди бисёр дувулға андин,
Бўлди безор дувулға андин.

Қолди андин ешилиб зону банд.
Ким баҳодирға қилурмен пайванд.

Тушти монглойлиқ бу эрди сўзи —
Ким: «Керакмас манга қочқоқ юзи!»

Қолди бисёр эви ичра қатос,
Ечиши отлиқقا тузармен деб ассоц.

Қолди ўпчин, тақа бекдин усру,
Ким қочяр юқа не ҳожатдур бу?

Қолди бисёр ялов ранг-баранг,
Қаю гулфому қаю маноранг,

Жибасининг кўпи дар банд иши,
Иясидек басе дар банд иши,

Аслаҳа барчаси қашқаб¹ қолди
Қақшабон бек, доги йўлини олди.

Қолди юртида бўлуб ёлар қоқ,
Барчаси отқучи элга мұштоқ,

Яйради найза қамиш боғидек,
Бўялиб қонға бари ёғидек,

Гуғлар қолди чопарға лойиқ.
Хасм юзини ёнарға лойиқ.

Ҳар нақораки бек ўздин солди;
«Шодиёна чолингиз» деб қолди.

Ҳар тарафдин чоқира қолди нафир —
Ким: «Ёғи қочти, на вақти тақсир».

Пешхона била оқ эвга не сон,
Том ҳамон эрди, саропарда ҳамон.

Нақшлар бирла муғаррақ барча,
Қилибон жибаларин шақ барча,

Тунглуги елга бориб оқ эвнинг,
Рўзгори қарабарис оқ эвнинг,

Пешхона дер эди: «Ҳайҳот,
Ким учарға ярамайдур бу қанот!»

Үртаниб қолди бовурҷихона,
Ут тушуб ичига ёна, ёна.

Шониёна бари елга борди,
Хишт елпирдин ўзини ҳорди,

Қўрубон ўз бегидин эвни қўрўқ,
Қота қолди қўруб ул ишни сурўқ.

¹ Қақшаб ўқилиши керак.

Бўлди помол эв ичра жозим,
Бўлубон ўлжа бўлурға жозим.

Қилур эрди ўшул эв ичра гиласи:
«Гард устида қолурмэн» деб ҳам,

Бистари аиш унтур бўлди сўзин,
Муттако доғи йиғиштириди ўзин,

Машраба қолди чоғирдин холи,
Бўлди рангин чоғирдин холи.

Узатиб қолди суроҳи бўйни,
Ёд этар бўлди бирорнинг қўйни.

Кўраки синди пиёла бирла,
Ер қуи эрди ҳавола бирла.

Фисқ бистарлари йиғилди тамом,
Бар тараф бўлди басе шурбу мудом

Қочтилар рофизиу мулҳидлар,
Қолдилар муғбачаю шоҳидлар,

Бек ўзи қочти ва йўлин олди,
Лек асбоби танаъум қолди.

Ҳосилан, ҳар неки бу муддатда,
Йиғибон сақлаб эди давлатда.

Барчасин ташладию бўлди равон,
То саломат чиқора олғай жон.

Чун аниг қочқони маълум бўлди,
Барчаға ҳоли мағҳум ўлди,

Барча сultonлар эли чопқунға,
Бориб эрди тоғ ила ҳомунға.

Лек Маҳмуд деган сultonнинг,
Салтанат шаҳридори жононнинг,

Чериги ўзи била жамъ эрди,
Барча парвонаю ул шамъ эрди;

Ўз кишиси била ўқ отланди,
Ҳасмни қовлағоли қотланди.

Рост юртиға етишгач султон;
Андори эл дедиларким: «Осоң-

Кечиб эркин бу замон Жайғунни,
Ўзди бу орадаги ҳомунни..»

Құпраги бор эди тайёғ анда;
Юртін охтар, не десаң бор анда

Аннг ул борғанин аңглаб султон,
Борғаниға масали қылди равон.

Дедиким: «Борғонидин қайтмасун,
Хеч ким аннг сўзидин қайтмасун».

Ўзга юртига қилиб азми дуҳул;
Чериги ўлжаға бўлди машғул.

Олдилар ўлжа ола олғунча.
Солдилар қўлни сола олғунча.

Ҳар киши ўн жиба олғон бўлди,
Қўтара олмади, солғон бўлди.

Ҳарнаким бор эди, ул манзилда,
Ҳарнаким бор эди ул маҳфилда,

Қўтара олдилар ул хайл они,
Қолди бўлғай қўтара олморони,

Қочуруб ёғини дилҳоҳ билга,
Кеторуб боғини дилҳоҳ билга

Қайтибон ҳазрати Султон келди,
Мунису ҳамнафаси хон келди.

Фатҳу ферузлуқу нусрат ила,
Қилди хон хизматини рағбат ила.

Үзини хон қошиға еткурди,
Вахш суйи яқосида кўрди,

Ўзга хоннинг чериги яхши ёмон
Бўлдилар ўлжа учун барча равон.

Солдилар ўйла ҳазиматки, дема.
Олдилар онча ғаниматки, дема.

Қўй-қўзини суро олмаслар эди,
Ўрдаға еткура олмаслар эди.

Тева лашкарга суруклар келди,
Тевадинг устида юклар келди.

Юклари райт-эди ранг-баранг,
Шаккару қанд ила танг-батанг,

Йилқилар бўлди черикда сонсиз,
Оту ўй тўлди черикда сонсиз.

На араб қолди ва на турку тозик,
На улуғ қолди, на реза на шарик.

Бордилар барчалари яғмоға,
Қолдилар барчалари ғавғоға.

Сурдилар бўлғай қўй уч юз минг
Тевадин кам демасам ўттуз минг.

Оту ўй била тақи ўзга тавор,
Тўрт юз минг бор эди вақти шумор.

Парда сони эмас эрди марқум,
Лек бу чоғлиқ ўлубтур маълум.

Ким черикда неча киши тева от,
Ўлжадин гушгани бўлди исбот,

Борур эрди ани бир қул етибон,
Хираду ҳуш бошидин кетибон.

Бор эди қошида бир турфа каниз;
Е муғулнинг элидин олғон қиз.

Е арабнинг қаро бетликларидин,
Е халажнинг узун этликларидин.

Тевау отки бўлғай моли,
Ҳеч юқдин эмас эрди холи.

Етти маъмур вилоят ҳосил,
Ушбу чопқунға бўлубтур дохил.

Боши Тирмиз, аёғи мулки Ҳисор,
Ародада қайси улусларким бор,

Вахшнинг теграсида бўлғонлар,
Дашти Кўлакка доғи тўлғонлар,

Бир тарафдин дегали Жайҳунни,
Бир тарафдин тутоли тайсунни,

Бир тарафдин дегали шаҳри Сарой,
Етти борчалариға қаҳри худой,

Тўрт дарё бўйида бўлғон эл!
Етти кишвар тузида тўлғон эл.

Барчаси бўлди ҳабоан мансур,
Бўлмасун, ҳеч киши ёраб, мақҳур!

Ул қочиш бирла бориб Ҳисрав шоҳ,
Рост Қундузға бориб топти паноҳ.

Ҳазрати хон қайтиб ул ердин,
Бир неча байт айтиб ул ердин;

Битибон қилди равон ҳар сори,
Сўзини қилди аён ҳар сори:

Будур ул ердағи айтқон абёт,
Ким боридин томадур оби ҳаёт:

*Ҳазрати Имомуз-замон ва Ҳалифатур-раҳмоннинг
ғазалидур.*

Юзунгни кўрдим ул чортоқ ичинда,
Очилмиш тоза гул яфроқ ичинда.

Табассум қилсанг ул ғунча лабингдин,
Дегайсен бол томор қаймоқ ичинда.

Неча гезлодинг, эй раъно ғизолим,
Мени ёндумоғил авлоқ ичинда.

Карам қилгил, кел эмди, эй азизим,
Ўтурғир дидай муштоқ ичинда.

Жаҳоннинг қўзи ҳаргиз кўрмуши йўқ,
На қилди лабларинг сўрмоқ ичинда?

Кел, эй соқий, юкунуб бир аёқ тут,
Манга дилбар билан қишлоқ ичинда.

Манга жавр айладинг, эй бағри тошим,
Қўнгулни сақламай дил тоқ ичида.

Мухолиф Вахшни қишлиб турурда,
Туруш бермай турур турмоқ ичинда.

Черикнинг гардини кўрмай қочибтур,
Масалдур: «Қул қочар урмоқ ичинда»

Шабонийға берибтур нусратин ҳақ,
Қовубмен Хисрав(ин) чақмоқ ичинда.

Чун бу шеър ўлди машҳур анда,
Бўлди лашкар эли маъмур анда.

Хоника хондин бўлди бу ҳабар
Ким: «Иниси била тузди лашкар,

Танбал устига бориб қилди қабал,
Эмди қўргон ичиндадур Танбал,

Дер эмишларки, бу ерни олсоқ,
Нусрату фатҳ кўсини чолсоқ.

Бороли рост Самарқанд сори,
Ким эрур толибимиз халқ бори»,

Яна бу сўз доғи бўлди ногоҳ —
Ким: «Аларға ёр эмиш Хисрав шоҳ.

Хатлари келминш ангаки: эй! сардор,
Биз санга жон била ёрдур биз, ёр.

Борди хон устингга, бўл мардона,
Ким очилғач бу карат Фарғона,

Биз Самарқанд сори борурбиз,
Бир-бир ул мулкни ахтарурбиз.

Маслаҳат бирла ярашибтурбиз...»
Бир-бирилизни қарашибтурбиз...»

Бу хабарларни самоъ этгач хон,
Бўлуб ошуфта, ёнар бўлди равон,

Ўзи давлат била тахтиға ёниб,
Тушти ҳақ нусратиға қувониб,

Борди ўз кишварига ҳар султон.
Ким аларга бериб эрди бу хон,

Хон эмас, нақд Скандардур бу,
Е хилофат била Ҳайдардур бу.

Дуний олмоққа Скандарлиқ этар,
Дин асоси била Ҳайдарлиқ этар.

Бу эрур дунйида мақсуд анга,
Ким етиб дин йўлида суд анга

Охират эвини маъмур этгай,
Онда ҳам ўзини мансур этгай.

Шаръ бўстонига зийнат бергай,
Хорни ким гул этагидин тергай,

Шаръ арбобига айлаб ёри,
Тенгрининг ҳукмини қилғай жори,

Тенгри мақсудига еткурсун они,
Назари лутф била кўрсун они,

Тенгри берсун қўлиға жоми мурод,
Тенгир берсун бари ишига кушод.

Қолмасун кўнлида ҳеч армони,
Бўлмасун ҳасрат ила ҳирмони.

Тенгри қилсун анга бисёр карам,
Қолмасун хотириға ҳаргиз ғам,

Туза берсун бори шуғлини анга,
Тута берсун ини, ўғлини анга.

Ҳар сори қўлин узатса етсун,
Душмани борча улусдин кетсун,

Бу дуоларки, камина қилдим,
Бу дуо бирла қотиға келдим.

Айласун тенгри ижобатқа қорин,
Айтингиз барча ёранлар: омин.





УБАЙДИЙ





У

байдий тахаллуси билан ижод қилган бу шоир Шайбонийхоннинг акаси Мұҳаммад Султоннинг ўғли Убайдуллохондир. У Шайбонийхон ўлгач, таҳтга ўтирган Абулхайрхон ўғли Кўчкинчиҳоннинг ноиби сифатида ҳукумат ишларини бошқарди, 1530 йилда Кўчкинчиҳон ва-фотидан сўнг расмий равишда хон кўтарилиди.

Убайдуллохон шеър ва адабиёт билан ҳам шуғулланди. Шеърларда тахаллуси «Убайдий», «Убайдулло» ва «Қул Убайдий»дир. У бир томондан Яссавий, Боқирғоний асарларига эргашиб, «Ҳикмат»лар ёёса, иккинчи томондан Лутфий ва Навоийларга эргашибди. Убайдий ғазаллари, рубоийлари унинг анча кучлик шоир бўлганини кўрсатади. Айниқса унинг ғазалларининг тили анча сода, халқ вазнида ёзилган айрим намуналар адабиётимиз учун шубҳасиз мухим ҳодисадир.

Убайдуллахон 1539 йилда Бухорода вафот этди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бируний номидаги Шарқшунослик институтида Убайдийнинг мукаммал нодир девони (инв. № 8931) сақланади. Бу девонда Убайдийнинг форсча, арабча ва ўзбекча шеърлари, «ҳикмат», рубоий ва туюқлари йигилган. Бу ерга келтирилган намуналар ана шу девондан олинди.

Азизий — Убайдуллохоннинг ўғли Абдулазизхон 1515 йилда Бухорода туғилди. 1538 йилда Урганч ҳокими бўлди. Отаси вафотидан кейин 1539 йилда хон кўтарилиди.

Абдулазизхон саройида Ҳофиз Султон, Али Убаҳий, Восифий, Мажлисий, Кавқабий, Шайдо, Афсарий каби шоирлар шуҳрат қозондилар. Абдулазизхон уларга ғам-

хўрлик қиласар эди. Шунинг билан бирга ўзи ҳам Навоий, Бобирларга эргашиб шеърлар ёзар эди. У 1551 йилда вафот этди.

Абдулазизхон саройида хизмат қилган шоирлардан Бақоий ҳам Темурийлар саройидаги адабий ҳаракатнинг тақлидчиларидан бири эди.

Азизий ва Бақоий ижодининг намунаси тарзида келтирилган қуйидаги икки фазал Ҳасан Нисорийнинг «Музиккирул-аҳбоб» тазкирасидан олинди.





Ж

«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Еча ғам ўти била куйгай кўнгул ҳижронг аро,
Жон даги ҳайрон бўлуб бу водийи ҳирмон аро.

Новаки мижгонидин кўнгул фигор ўлмай нетар,
Найласун бир нотавоне юз туман пайкон аро,

Ҳусн боғи ичра йўқтур сен киби гулчехрае,
Булбули өшуфта ҳоли мен киби бўстон аро.

Суратин жонимда қилдим ҳам кўнгул лавҳида
нақш,
Тушкали акси жамъли дидаи гирён аро.

Эй Убайдий, шаҳсуворинг зулфи чавгони била
Ҳар тараф чопиб кўнгул гўйин ураг майдон аро,

* * *

Гул сори қилмон навар зебо жамолинг борида,
Кўзга илмон сарвни нозик ниҳолинг борида.

Қилмади ҳусн аҳлиға ҳаргиз вафо ҳусну жамол;
Қил вафо, эй бевафо, ҳусну жамолинг борида.

Истамон ҳайвон сўйин топсам дағи аңжом ани,
Дамбадам жон бергучи ширин зулолинг борида.

Ҳар сари қилса азимат борғил ул дилдор ила,
Қолма зинҳор, эй кўнгул, андин мажолинг борида.

Эй Убайдий, ул париваш васлини қилғил хаёл,
Қылмарил ўзга хаёл, ушбу хаёлинг борида.

* * *

Ошиқ, эрмастур киши, девона, бўлмаса,
Ғам дашти ичра сокини вайрона бўлмаса.

Не, ошиқ, ўлғай ул кишиким, жону, кўнглини,
Ўз дилбариға сарф этиб, афсона бўлмаса,

Келмас ўаига, ошиқи, мадҳуш соқиё,,
Оҳу фифону наъраи мастона бўлмаса.

Бўстон, аро очилмагуси гунчадин, кўнгул,
Гул мавсумида бодаю паймона бўлмаса.

Еам, қулбасида найлагай, эрдинг Убайдий,
Соқию жому мутрибу паймона бўлмаса.

* * *

Бўлмишам ҳайрону билмас ул бути раъно ҳануз.
Водийи ҳайрат аро мен телба саргардон ҳануз.

Жон етибтур оғзима ҳажр илгидин, эй дўстлар,
Мен ўлар ҳолатдаю раҳм айламас жонон ҳануз.

Ханжарининг лоладек бағримда бўлғон ҳолидек,
Тинмайин сувдек равон бўлуб оқодур қон ҳануз.

Қурутуб оғзимни ул гул даврида билмон недин,
Мангә сўнмасдур аёғин соқийи даврон ҳануз.

Эй Убайдий, барчаға бўлди сару сомон; вале
Мен юрурмен телбалардек бесару сомон ҳануз.

* * *

Ёр истамаким, олам аро ёр топилмас,
Топилса дағи мушфиқу ғамхор топилмас.

Ахтарсанг агар бир яратиб икки жаҳонни,
Мендек сенга бир зору гирифтор топилмас.

Хушёр нетарсен тилабон, эй кўзи усрук,
Мастона кўзунг даврида ҳушёр топилмас.

Кўп ёр агарчи топилур сенга валекин,
Жон бергучи мен каби вафодор топилмас.

Дийдор ғанимат турур, эй телба Убайдий,
Дийдоридин айрилмаки, дийдор топилмас.

* * *

Соҳир кўзининг мардумин инсон деса бўлмас,
Ул кофир эрур, они мусулмон деса бўлмас.

Жисмим аро жон ўрнида жононим эрур жон,
Жон деса бўлур муни, они жон деса бўлмас.

Зулфи не ballo зор кўнгулларни йигибтур,
Жамъияти бор асру паришон деса бўлмас.

Мажнундин эрур бесару сомонлиғим ғафзун,
Қошимда они бесару сомон деса бўлмас.

Нодон дема Мажнун ишини деса Убайдий,
Оқил жишини жсаҳл ила нодон деса бўлмас.

* * *

Васлидин навмед этиб кўнглумни маъжур айладинг
Мени расволиғ била оламга машҳур айладинг.

Эндуруб базми висолингға мени маъжурни,
Айш жомидин ҳазин кўнглумни масрур айладинг.

Қилмасам андишаи ҳижрон мени айб этмаким,
Еткурубон давлати васлингға маъзур айладинг.

Меҳмоилиғрасми бирла келиб, эй султони ҳуси,
Ҳажр бузғон байтул-аҳzonимни маъмур айладинг,

Эй Убайдий, ўзга сори қилмадинг ҳаргиз назар,
То ўзингни нозир айлаб, они манзур айладинг.

* * *

Кўрар кўзимсан, эй жону жаҳоним,
Севар ёрим, азизим, меҳрибоним.

Тараҳҳум қилки, бўлди хоки роҳинг
Тани фарсада, жисми нотавоним.

Кўнгул уйин бузар сели сиришким,
Ҳам ўтлуқ нолаю оҳу фифоним.

Сенинг ишқингда Мажнун қиссасидек,
Эл ичра топти шуҳрат достоним,

Убайдийға топилмас олам ичра,
Сенингдек мушфик, эй ороми жоним.

* * *

Кўнглум ғамидин неча қилай оҳу фифон мен,
Девона кўнгул илгида дармондаи жон мен.

Ишқингни нечук яшурайн аҳли жаҳондин,
Ким шуҳраи шаҳр ўлдуму расвои жаҳон мен.

Мендин не қилув эл тилабон ному нишонни,
Мажнун каби олам аро бе ному нишон мен.

Юзлангали кўйинг аро кўнглумга амонлиғ,
Юз шукрки ҳар тафриқаву ғамдин амонмен.

Тавримни дағи не сўрасин, зор Убайдий,
Яхши била яхшию, ёмон била ёмон мен.

* * *

Фурқат туни айёми висолингни тилармен.
Ҳижрон кечаси шамъи жамолингни тилармен.

Ҳайвон суйини Хиэр кўзум қошида қўйса,
Найлай ани, кўзумга зулолингни тилармен.

Гар жону кўнгул қилса талаб холу хатингни,
Мен жоду кўзунг бирла ҳилолингни тилармен.

Тўби қадини кўрмака фирмавс аро кирсам,
Тўбидин ўтуб тоза ниҳолингни тилармен.

Зулфунгға Убайдий каби кўнглумни берибмен,
Жоним қушидек донаи холингни тилармен,

* * *

Бир лаҳза кўнглум ўлмади беғам замонадин.
Тўйди замона мендину мен ҳам замонадин.

Етмай кўнгулга шодлиғ, эй ҳамдамим, етар,
Юз минг ғаму алам анга ҳардам замонадин.

Жамъиятики бор эди кўнглум диёрида,
Ул доғи бўлди бир йўли дарҳам замонадин.

Кўнглум гули бу гулшан аро сўлғали даме,
Умрим ниҳоли бўлмади хуррам замонадин.

Марҳам жароҳатингға, Убайдий, тиларни қўй,
Етмас жароҳат аҳлиға марҳам замонадин.

* * *

Жовидон лаълинг ўлукни тиргузур, эй дилситон,
Васлингга етсам топар эрдим ҳаёти жовидон.

Оразу зулфу қадинг қайғусидин ҳижрон аро,
Жисмим эрур нотавон, кўнглум ҳазин, озурда жон.

Жилвагар боғ ичра асрү гул узорим бўлмаса,
Гул каби йиртиб яқо, булбулдек айлармен фифон.

Айладинг ғам тиги бирла, эй жигар парголаси,
Лоладек бағримни чоку ғунчадек кўнглумни қон.

Эй Убайдий, баҳравар бўлсун нишотингдин улус,
Токи бордур даҳр аро бу чархи хазродин нишон.

* * *

Ишқингда сенинг ғулғула оламға солурмен.
Ишқинг сипаҳи бирла бу оламни олурмен.

То туштум ироқ ҳасрат ила қошу қадингдин,
Ҳажрингда гаҳ икки букулуб, гаҳ узалурмен.

Юз заъф ила итингга яна әргашиб, әй ёр,
Холи борамен, тангри билур, қайда қолурмен.

Бошим оқарибтур менга раҳм айлаки бошдин,
Ишқингни аён этмака әлдин уялурмен.

Қўл қўйма сўнгак бўлган этим узра, Убайдий,
Этимга илик тегса сўнгакдек ушалурмен.

* * *

Шамъ эрур парвонанинг ҳолига гирён ҳар кеча.
Йиғларам они кўруб мен ҳам фаровон ҳар кечаси.

Аҳду паймонни танимас тонгга будур турфаким,
Жону кўнглум бярла айлар аҳду паймон ҳар кечаси.

Кўргали ҳуснавжи узра моҳиттобоним анинг,
Уялиб юзёшурур хуршеди тобон ҳар кечаси.

Анбар афишон зулфининг савдосидин Мажнун бўлуб
Сўзни ўз-ўзумга айтурмен паришон ҳар кечаси.

Тортамен уммад ила ҳар кун фироқи дардини,
Васлидин қилғайму деб дардимга дармон ҳар кечаси.

Айларам бир гул ғамидин нотавон булбул каби,
Тинмайин ҳар лаҳза тонг отқунча афғон ҳар кечаси.

Ҳолима раҳм айламай кўнглим қушин парвонадек,
Эй Убайдий, ўртар ул шамъи шабистон ҳар кечаси.

:

* * *

Неча ул ой жонимизға жавру бедод айлагай,
Ўзгаларни шод айлаб, бизни ношод айлагай.

Кўрсат, эй кўнглум, бориб ўзингни ул дилбарғаким,
Шояд ул соат сени кўргач, мени ёд айлагай.

Оҳким ғам селидин вайрон эрур кўнглум уйи,
Эмди ул вайронани ким бўлғай обод айлагай.

Ишқи иш андоқ қиласай даврингда, эй лайливашим,
Не они Мажнун қила олғай, не Фарҳод айлагай.

Эй Убайдий, йўқтур андоқ дилбари олам аро,
Нотавон кўнглумни ғам қайдидин озод айлатай.

* * *

Сарв қадлар сарвари гулчеҳрадур, ёр-ёр,
Дилраболар дилбари гулчеҳрадур, ёр-ёр.

Гулчеҳралар бирла боғ гулшан эрур, ёр-ёр.
Гулшан аро сиз мудом гулхан эрур, ёр-ёр.

Гулчеҳралар исидин тўлди жаҳон, ёр-ёр,
Бошдин оёқ муаттар бўлди жаҳон, ёр-ёр

Гулчеҳралар қомати тўби эрур, ёр-ёр,
Жаннат аро тўбининг хўби эрур, ёр-ёр.

Сарви саҳийдек бўйи нозик эмиш, ёр-ёр,
Бўйи каби ҳам хўйи нозик эмиш, ёр-ёр.

Меҳрки гулдин аён бўлғусидур, ёр-ёр,
Булбулу гул меҳрибон бўлғусидур, ёр-ёр.

Бир-бирининг қадрини билса керак, ёр-ёр,
Айлагуси шукрини қилса керак, ёр-ёр.

* * *

Қойин эна давлати янга эрур, ёр-ёр,
Иzzatiю ҳурмати янга эрур, ёр-ёр.

Қойин ини янгасин олғусидур, ёр-ёр.
Ой юзингга кўзларин солғусидур, ёр-ёр.

Урса сафойи анинг шайдо бўлур, ёр-ёр.
Фояти йўқ меҳр анга пайдо бўлур, ёр-ёр.

Бир-бирига меҳрибон бўлғусидур, ёр-ёр,
Бир-бири меҳри билан тўлғусидур, ёр-ёр.

Янга мунингдек зариф бўлмас эмиш, ёр-ёр,
Хулқию ҳусни латиф бўлмас эмиш, ёр-ёр.

Қайни ини янганинг қадрини бил, ёр-ёр,
Билиб анинг қадрини шукрини қил, ёр-ёр.

Нуктасига бу сўзнинг етмак керак, ёр-ёр,
Иzzatini яхшироқ этмак керак, ёр-ёр.

РУБОИИЛАР

Дўстнинг узрини қабул этмак
Дўстлуқнинг улуғ нишони эрур.
Кимки қилмас қабул узри аниңг,
Билким ул дўстнинг ёмони эрур.

* * *

Гар уруш тушса ики ҳамдамаро,
Бот аниңг тадбирини этмак керак.
Биридин айб ўлса зоҳир, ул бири
Узр айтиб айбињи ёпмоқ керак,

* * *

Ҳижрон ғамидин кўнгул ичи тўлди яна,
Кўнглум уйи қайғу маскани бўлди яна,
Ҳажр ўлди висол ўрниға толиъ йўқдин,
Найлайки даво дардға юрулди яна.

* * *

Ёрин киши, эй ёр, соғинмасму бўлур,
Маҳжурини дилдор соғинмасму бўлур,
Кўзу қошидин мусоғир ўлғон ёрин,
Эй шўхи ситамгар соғинмасму бўлур?

* * *

Мажнун ишидин улкишиким огаҳдур,
Ушшоқ орасинда Убайдуллаҳдур .
Пайваста жунун аҳли эрур ҳамраҳ анга,
Ул раҳбар эрур аларғаю, ҳам шаҳдур.

* * *

Сарвики юзи гулу қадди раънодур,
Жон мойил ўлуб, анга кўнгул шайдодур,
Эй кимки тиласанг хўблуқ асбобини,
Ул руҳи мужассамда бори пайдодур.

* * *

Сенингдек бу жаҳонда ғамгузорим йўқтур,
Кўрмай сени бир ерда қарорим йўқтур,
Эй ёр, демаки ўзга ёринг бор эмиш,
Ёрим сен эрурсен, ўзга ёрим йўқтур.

* * *

Эй нома, ўзингни васлиға еткура кўр,
Илкини ўпуб, юзингга олиб сурга кўр,
Мен хасталиғимдин кўра олмай қолдим,
Сен бори аниг ҳусну жамолин кўра кўр.

* * *

Эй жон, ғаму дард поймол ўлғусидур,
Ҳамдам сенга ул тоза ниҳол ўлғусидур,
Зинҳор кўнгулни солма ҳижронидаким,
Ҳажр ўлса бу кун, тонгла висол ўлғусидур.

* * *

Ҳар дўстким ул душманингга ёр дурур,
Билким сенга ул ёр эмас, ағёр дурур.
Айланг ҳазар андинким анингдек кишида
Бир навъ хаёлу, бир бало бор дурур.

* * *

Эй шўх, мени ҳуснунгга ҳайрон қилғил,
Ё ишқинг аро бесару сомон қилғил,
Ё еткур аёғингга менинг бошимни,
Ё соя каби ер била яксон қилғил.

* * *

Кўнгул санга, эй ғунчай хандон, берайин,
Кофир кўзунгга дин била имон берайин,
Жонимни агар олур хаёлинг бўлса,
Кел-келки сени бир кўрубон жон берайин.

* * *

Шарҳ айлама дардсизга роҳат қадрин,
Меҳнат кўрган билур фароғат қадрин.
Чекмай аламу оғримайин билмас эмиш,
Умринда киши роҳату сиҳҳат қадрин.

* * *

Бўлмас нима оламда адабдин яхши,
Ҳам роҳату ҳам ғам адабдин яхши,
Йўқтур кўрамен барча сифатлар ораким,
Яхши сифат одамда адабдин яхши.

Т У Ю Қ Л А Ғ

* * *

Кирсанг, эй жону жаҳоним тушгасен,
Лутф этиб кўнглум уйига тушгасен,
Келайин дединг тонг отқач келмадинг,
Бу даги хуштурки, келсанг тушга сен.

* * *

Сўғд ичинда ўлтурубдур ёбулар,
Ёбуларнинг минган оти ёбулар,
Ёбуларнинг илгидин эл тинмади,
Ё булар турсун бу ерда, ё булар.

* * *

Эй муҳиблар жаннат ўлсун дорингиз,
Ёр бўлсун душман учун дорингиз,
Солсангиз йўл байтул-аҳzonим сори,
Бир фақире бор эди деб дорингиз.

ҒАЙРАТНОМА»

Ғайрат агар бўлмаса эр кишида,
Ҳеч маза бўлмас анинг ишида.

Эр кишининг билгуси ғайрат бўлур,
Ғайратининг билгуси ҳиммат бўлур,

Эр кишига ҳиммату ғайрат берур,
Дойим анга давлату нусрат берур.

Ғайрат ўти жон ароким ёқилур,
Тийра кўнгул уйини равшан қилур.

Ғайрати бор одамини эр дегил,
Ғайрати йўқини қаро ер дегил.

Ҳимматию ғайрати йўқдин тунгул,
Эр сонида кўрма они, эй кўнгул.

Жон не керак ҳиммати йўқ кишига,
Кўз не керак ғайрати йўқ кишига.

Ғайрати бор эр кишига banda бўл,
Соя киби йўлида афганда бўл.

Эр киши эр кишини ғайрат тутар,
Бир-бирининг ишига ҳиммат тутар.

Ҳар кишиким ғайрат ила тиф ураг,
Кўрмаганин давлат ила ул кўрагар.

Ёр бўлур ғайрати бор эрга баҳт,
Ҳам олур ул ғайрат ила тоҷу таҳт.

Мулк эшикин очқали ҳиммат керак,
Кунда қилич чопқали ғайрат керак.

Ғайрати йўқнинг йўқ әмиш ҳиммати,
Ҳиммати йўқнинг йўқ әмиш ғайрати.

Ҳилму ҳаё бўлди кишига ҳаёт,
Ҳиммату ғайрат анга икки қанот.

Ғайрати бор илгари ҳиммат тутар,
Ҳиммату ғайрат била элдин ўтар.

Кимки уруж айлади ғайрат била,—
Қўйди қадам садрға ҳиммат била.

Эр кишининг ҳиммати олий керак...
Анга кўра жоҳу жалолий керак.

Ғайрат эмас элга ситам айламак,
Яна ситамгарга карам айламак.

Ғайрати бор одами этмас нифоқ,
Доғи нифоқ аҳли билан иттифоқ.

Ғайрати йўқ одами элни бузар,
Ғайрати бор одами тилни тузар...

Гарчи худодин бори давлат бўлур,
Лек сабаб ҳиммату ғайрат бўлур.

Ғайрат ила топти Убайдий мурод,
Ҳиммат ила хотирини қилди шод.

ҲИҚМАТ

Эй дўстлар, жондин кечиб ишқ этокин тутдум мано,
Ваҳдат майин ичкунча не хунобалар ютдум мано.

Уч юз олтмиш дарё ўта юрмай киши суд айламас
Тўрт юз қирқ тўрт тоғдин ошиб борасидин ўтдум
мано,

Восил мени васлиға ул қилди муродим васл эди,
Юз минг шукур ҳар дам анга мақсудима етдум мано.

Чун мосиволлоҳ кўйида истаб мени топмас киши,
Бас ўзга ерда истангиз ул кўйдин кетдим мано,

Солик топа олмас нишон мендин талаб водисида,
Эй Қўл Убайдий, жон каби истай ани еттим мано.





АЗИЗИЙ





Ҳ

ФАЗАЛ

уш эрди манга бўлса эди ёр мусоҳиб,
Ё бўлмаса эрди анга ағёр мусоҳиб.

Хушдур кишига бўлса агар ёр мусоҳиб,
Гар бўлмаса онинг била ағёр мусоҳиб.

Булбул бошиға келмас эди мунча балолар,
Гар бўлмаса эрди гул ила хор мусоҳиб.

Ёраб, не балодур буки ҳижрон аламидин,
Бормен ғаму андуҳ ила, эй ёр мусоҳиб.

Қўйинг итидек ёри вафодор топилмас,
Қўрдум мени дилсўхта бисёр мусоҳиб.

Бу телба кўнгул бирла, Азизий, не қилурсен,
Гар бўлмаса ул шўхи дил озор мусоҳиб.





БАКОЙ





Х

ФАЗАЛ

З шукрки ҳар бегам ила ҳамдам эмасмен,
Ишқинг ғамидин шодмену бегам эмасмен.

Тангрики мени айлади масжуди малойик,
Бу қадрни гар англамасам одам эмасмен.

Ўзумни жунун силсиласидин десам ул йўқ,
Вар аҳли хираддин санасам ул ҳам эмасмен.

Дайр ичра мени пири муғон айлади маҳрам,
Зоҳид каби ул базмда номаҳрам эмасмен.

Мажнунга менинг телбалигим бор, Бақоий,
Ортуқроқ агар бўлмаса, андин кам эмасмен.





МАЖЛИСИЙ






M

ажлисий — Хоразмдан чиққан ва XVI асрнинг биринчи ярмиларида ижод этган ўзбек ёзувчиларидан бўлиб, кўп вақт Шайбонийлардан Убайдуллахон, сўнг унинг ўғли Абдулазизхон саройида хизмат қилган. Ҳасанхўжа Нисорий «Музаккирул-аҳбоб» тазкирасида ёзишича, унинг талантига Заҳирiddин Муҳаммад Бобир ҳам ижобий баҳо берган. Мажлийсийнинг ўзи «Қиссаи Сайфулмулук»да ёзишича, унинг саройдан узилиб ёки кетиб, оғир аҳволда қолган пайтлари ҳам бўлган. Шундай вақтларнинг бирида у ҳалқ оғзаки ижоди асосида «Қиссаи Сайфулмулук» достонини яратган. Бу асар ҳалқ орасида жуда машҳур бўлиб, сўнгги чоқларгача севилиб ўқилган, Қозонда ва Тошкентда бир неча бор нашр этилган.

Ушбу тўпламда «Қиссаи Сайфулмулук» достонидан намуна сифатида О. Шарафуддинов тузган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (XV—XIX асрлар) га кирган парчаларнинг ўзини берилди.





«ҚИССАИ САЙФУЛМУЛҚ»ДАН

Шоирнинг сўзга киргони.

H

еча кунлар паришон эрди ҳолим,
Йўқ эрди ҳеч кимла қилу қолим,

Мусоғир эрдиму дилгиру пурғаш,
Мусоҳиблар фироқида мушавваш.

Йўқ эрди ҳамнишиним ғайри оҳим,
Худо бўлуб эди дилдору шоҳим.

Ҳаёлида анинг шому саҳаргоҳ,
Юракдин қон ичиб, юз нолаю оҳ.

Фироқида кўзум ёши қурумай
Юрур эрдим кеча-кундуз уюмай.

Тушумда кавкаби толиъ тулуи,
Бўлуб пайдо манга бўлди ружуи,

Жаҳон бўлди манга мисли чироғдек,
Қоронғу кеча бўлди ҳам чироғдек.

Саодатға чу мужда берди фолим,
Яна беҳбудлиға юзланди ҳолим.

Үчуб кеткан чарогим ғайра ёнди,
Кўнгул ғафлатда эрди ҳам ўнди,

Ки ногоҳ бир куни жонон йўлуқти,
Бу мискин бандага султон йўлуқти.

Кўрушти жон келиб бу жисм бирла,
Ки сўрди бандани бу исм бирла.

Дедиким: «Мажлисий, ҳолинг нечукдур?
Фироқ ўтида аҳволинг нечукдур?»

Йигитлик вақти эрди сўз манда,
Бор эрди бир «Гулу Наврӯз» манда.

Қилиб қуллуғ тавозуъ ёр сори,
Боқиб турур эдим дилдор сори.

Тута бердим очиб кўрди ани ёр,
Ўқудио очилди боғу гулзор.

Чу кўрди назм поки турки тил ул,
Мани девонаға кўрсатди бу йўл.

Солиб бошимға юз турлук бу савдо,
Тушуб кўнглумга минг турлук бу ғавғо.

Чиқарди қўйнидин бир достоне,
Не достон бўлғай ул бир бўстоне.

Ичинда минг туман гуллар очилғон,
Латофат баҳридин гуллар сочиғон.

Фаройиблар аниг ичинда бисёр,
Эшитсангиз ажойиб сўзлари бор.

Вале ул форсию наср эрди,
Тақи бу даҳрда ҳам қаср эрди.

Дедиким:—«Мажлисий, бекор турма,
Ки мен шоирду(р)ман деб лоғ урма.

Агар бордур ҳунар илгингда кўрсат,
Ки бу дафтари турки тилга тузат»,

Буюрдиким «Гулу Наврӯз» назмин
Анга мезон қилибон назм қилғин

Чу ёрлиғ эттию турдию кетти,
Кўнгулнинг баҳриға кирдию ботти.

Тилаб ҳиммат муҳаббат ҳайдаридин,
Чу олдим пардани табъим руҳидин.

Бу сўзниг ҳурматин баржой қилдим
Юрагим шавқ тифи бирла тилдим.

Бағир қонини ҳам ерга томузуб,
Қалам чашмасидин сувлар оқузуб,

Қуруғ ерда гулистон сабз қилдим,
Ки ошиқларға бўстон сабз қилдим,

Чу ҳиммат бирла ёрим ёр бўлди,
Хаёл этганларим гулзор бўлди.

Мусоҳиблар кўрубон ёд қилғай,
Бузуқ ерларни ҳам обод қилғай.

Кетур, соқий, пиёла, нўш этоли,
Тақи қайнар қозондек жўш этоли.

Эшигинг ўқуюн бир яхши қисса,
Ажойиб қисай пур дарду ғусса.

Асл достонга қайтиши.

Ривоят қилди рови асли сўзни,
Кўруб Султон Маҳмуд ноҳуш ўзни.

Неча кунлар ажойиб тийра бўлди,
Узори офтоби хира бўлди.

Бор эрди олдида икки вазири,
Латофат бирла йўқ эрди назири.

Деди Султон: «Ажаб ошуфтадурман,
Била олмон нега олуфтадурман.

Магарким ғуссадин савдои бўлдум,
Бу савдо бирла ҳам шайдои бўлдум.

Қилинг бир қисса пайдо овунойин
Ўқуб андин замоне севунойин,

Ки ман эшитмаган бўлғайман они,
Яна ҳам кўрмаган бўлғайман они.

Чу қилдилар анга юз қисса пайдо,
Қабул қилмоди бирин шоҳи шайдо.

Вазирларни тутуб зинданга солди,
Ғазаб қилдию ҳавли жонга солди.

Аларға бўлди зиндан байтул-иҳзон,
Неча кунлар юракдин оқузуб қон.

Чу пайдо қилдилар ушбу ҳикоят,
Қабул қилғайму деб қўрқуб бағоят.

Дедилар: «Бизни зиндандин чиқарғил,
Фалон иқлимга бизни юборғил,

Ривоят қилди мунда бизга бир ёр,
Ки ҳар тансуқ ҳикоят анда бисёр».

Бу сўз бирла аларни шоҳ чиқорди,
Берибон ҳадъялар анда юборди.

Бориб анда, битиб ушбу ҳикоят,
Қилур ишқу муҳаббатдин ривоят.

Кетурдилар ани султон қошиға,
Латофатлик ҳикоят хон қошиға.

Ўқуб кўрдию султон шод бўлди,
Вазирлар ҳам тақи озод бўлди:

Чу берди ҳам яна бисёр неъмат,
Қилур султон бу достон бирла ишрат.

Қилиб ҳар бирига инъом юз ўн,
Яна берди аларға от ҳам тўн.

Вале ул нусха эрди форси наср,
Эрурс ода ҳикоят сўзи ҳам қаср.

Қилибдур Мажлисий бу сўзни пардоз,
Ўқусангиз қилур жон қуши парвоз.

Оғоз карданни ҳикоят

Кел, эй соқийки, ўлтурсун пиёла,
Эшигил қиссаи бу сўзу нола.

Кел, эй шаҳбози жон, парвоз қилғил,
Ки маънилик қанотинг боз қилғил.

Кўнгул майдонига жавлон солғил,
Тақи бир булбули хушхон солғил.

Қўрунг булбул иёчук фарёд қилди,
Қафасда ҳам нафас бунёд қилди.

Деди ул булбули устод ахбор
Сулаймондин турур, тансуқ бу гуфтор.

Кириб олдимға арбоби ривоят
Баён қилдию назм этди ҳикоят.

. Шоҳ Осимийнинг таърифи

Бор эрди Миср элинда подшоҳи,
Ети иқлим уза онинг сипоҳи.

Анинг ҳукминда эрди тўрт юз шаҳр,
Анинг адли эди машҳур дар даҳр.

Отоғон оти Осим ибни Сафвон
Ул эрди етти иқлим узра султон.

Бериб эрди худо жумла муродин
Ёйиб эрди жаҳонға адлу-додин.

Ул эрди подшоҳи жумла иқлим,
Йўқ эрди ҳеч ёнидин хавф ҳам бийм.

Вале бўлмас эди фарзанд онда,
Басе армонда эрди бу жаҳонда.

Бўлуб умри ани тўрт юз етмиш,
Бу фурсатда хаёлига бу етмиш:

Ки менда бир ўғул йўқ ёдгори,
Не бўлгай тахту бахтим корбори?

Чу бу андишадин дилтанг бўлди,
Тафаккур бирла ақли танг бўлди.

Қилиб байтүлҳазан маъво ўзига,
Кўрунмас ул улуғ беклар кўзига.

Ки чиқмас бўлди ул девон қошиға,
Кира билмас анинг беклар қошиға.

Тилак бирла тилак устинда содик,
Тилаки бир ўғулу кўнглинда холик,

Бу ҳолат бирла йиғлаб қирқ кун шоҳ,
Кеча-кундуз дуо бирла чекиб оҳ.

Беклар иттифоқ қилишиб шоҳга кенгаши бергонлари

Кенгашти бир куни беклар тамоми,
Йифилдилар кенгашга хосу оми.

Неча ичкилари кирди қошиға,
Қилиб қуллуғ тавозуз ҳазратиға,

Чу кўрдилар ажаб ҳол бирла шаҳни.
Чекибон жон бирла оҳу-ваҳни.

Бўлубон гул юзи чун каҳрабодек,
Сочи тушуб юзига чун гадодек.

Қилиб бағрини ғам тиги жароҳат,
Қўтёриб кўнглидин айшу фарофат.

Кўрубон барча беклар қолди ҳайрон.
Юраклари бу ғамдин бўлди бирён.

Бариси йиглашиб хон ҳазратиға.
Бари юз қўйдилар султон қатиға.

Дедилар: подшоҳо, ҳол недур?
Эшитолик, десанг аҳвол недур?

Агар сен чиқмасанг, бил, фитна ортар,
Чиқар бир аждаҳо оламни тортар.

Сенинг чиқмағонингдин қисса будур,
Ки ногоҳ тушмагай оламга бир шўр.

Шаҳаншоҳ қилди ҳолини мукаррар,
Вазирлар билдилар сўзни муқаррар.

Дедилар сен чиқиб тахтингда ўлтур,
Йиғиб кулли мунахжимларни келтур.

Берарму, йўқ санга ўғул худованд,
Ўзунгни қилмағил беҳуда дарбанд.

Эшилти шоҳ мақбул ушбу сўзни.
Чиқиб тахт устида кўрсатди ўзни.

Таёниб тахт уза ўлтурди ул шоҳ,
Йиғилдилар мунахжимлар баҳаргоҳ.

Қилиб ҳар қайси ўз илмини такрор,
Тафаҳҳус қилдилар чун сиррул-асрор.

Бўлубон муттафиқ барча бир ўзга,
Кўюбон барча аҳкомин бу сўзга.

Ҳман султонининг қизини бу шоҳ,
Агар олса берар фарзанд оллоҳ.

Эшилиб шоҳ бу сўзни шод бўлди,
Ки бу андишадин озод бўлди...

Шоҳ Осимининг фарзанди бўлғони

Саодат бирла вақти саъд бўлди,
Ҳам ул соат вужуди ҳамл бўлди.

Тушуб давлат саройиға чу султон,
Улуғ тўй этти неъматлар фаровон.

Адо қилди чу шаҳ тўй маҳфилини
Ки воқиф этти шоҳ ўз мажлисини,

Ориғ неъматлару ширау шарбат,
Қилурлар парвариш бонозу неъмат.

Бўлуб эрди ажойиб шоҳзода,
Ани кўрса бўлур шаҳлар пиёда.

Кўруб Осим шукур қилди ўғонға.
Хазина эшигин очти туманға.

Қўюб Сайфулмулук отини онинг,
Кўруб яхши билиб зотини онинг.

Шоҳ Осимийнинг вазири бор эрди, оти Ҳамид эрди. Бир ўғли бўлди, отини Соид қўйди ва ани кўкалдош қилдилар

Бор эрди шоҳ Осимийнинг вазири,
Оти эрди Ҳамиди йўқ назари.

Ҳамиднинг ҳам тақи бир ўғли бўлди,
Анинг ҳусни тақи оламға тўлди.

Отадилар анинг отини Соид
Ки йўқтур Миср ичинда улча шоҳид.

Маликзодага қилдилар кўкалдош,
Энагаларга анинг онаси бош.

Икисини қилурлар парвариш ҳам,
Ки йўқтур мундин ўзга яхши иш ҳам.

Улуғ бўлуб, ўқуб илму ҳунарлар,
Солиб куллий ҳунарларға назарлар.

Ҳамиша хурраму хушҳолу дилшод,
Юрурлар чун ниҳоли сарв озод.

Юрур шаҳзода ўюн бирла машғул,
Ҳавас қилди атоси фикри маъқул,

Қиласини чорбоғи нав ниҳоли
Ки teng етгай мунинг бирла камоли.

Шоҳ Осим ўғлиға чорбог қилдурғони

Чу бунёд этти Осим боғи майдон
Ки Сайфулмулук қилғай онда жавлон.

Ки бунёд эттилар жойи ажойиб,
Солиб тарроҳлар тарҳи ғаройиб.

Қилиб ангиз ҳам бир кўшк олий,
Ки андин бўлмағай ҳам айш холи.

Латофат бирла чун боғи биҳиштдур
Дегайсен тупроғи анбар сириштдур.

Ажойиб чорбоги хўб дилкаш,
Дару девори хўб зебоу заркаш.

Агар бўлса кишининг кўнгли нохуш,
Анга кирса бўлур филҳол дилхуш.

Магарким ул эрур чун боғи жаннат,
Басе хуш бўй эдию жонға роҳат.

Тамом бўлди бу майдон тозау тар,
Анинг ҳар меваси монанди шаккар.

Бўлуб нозук ҳайвонлар хиромон.
Ўсуб шаҳбаргию насринурайҳон.

Осилиб юз туман гуллар ичинда,
Қилурлар нола булбуллар ичинда.

Сузук сувлар оқиб ҳар сори шаршар,
Тўлубон ҳавзлар монанди кавсар.

Тўлуб майдон чу қушлар ғулгулидин,
Хабар берур Ирамнинг булбулидин.

Сайфулмулукка солғон кўшикнинг васфи баёни

Эшитгил кўшикнинг авсофини ҳам,
Ки эй шоир қил онинг лофини ҳам,

Бўлуб тайёр ҳам бир кўшк олий,
Ичинда бўлмағай ҳам айш холи.

Ажаб кўшки латифу хўб ажойиб,
Басе устодлар солғон ғаройиб.

Қилибон хишти рангин заъфарони,
Анинг балчиғидур, заъфар самони.

Неча турлук латофатлар десанг бор,
Малоҳат бирла суратлар десанг бор.

Ажойиб ҳам ғаройиб кўп мунаққаш,
Неча боқсанг боқарсан хўб дилкаш.

Ажаб қасри баланду соф олтун.
Мурассаъ лаъл, маржон, дурри макнун;

Чу ёқуту ақиқу хишт парчин.
Булар бирла иморат бўлди рангин.

Ки парчин хиштдур чун нуқраи хом,
Қилиб мунча такаллуф бирла итмом,

Ки қилғай шоҳзода анда ишрат:
Пари рухсорлар бирла майшат.

Шоҳ Осим ўғлини чорлаб, тўн, юзук бергони.

Фалак ногаҳ бир иш анғиз қилди
Ки Осим меҳрини ҳам тез қилди.

Фалакни кўр аларға не солодур,
Ки ёлғуз ўзича элга балодур.

Мунингдек айш этиб юрурда ногоҳ,
Ки чорлади ани ногаҳ шаҳаншоҳ.

Атосига ғараз ўғлини кўргай,
Севиб анга юзук ҳам тўнни бергай.

Тилади ўғлини келсун кўрай деб,
Ниҳоли сарвға зийнат берай деб.

Эшигач шоҳнинг сўзин маликзод,
Равон бўлди туруб чун сарви озод.

Пари янглиғ топуқчилар қатинда,
Тавозуъ қилдилар шоҳ қопуқинда

Тилаб эди ўз ўғлини қотиға,
Яқиндурким ани суқса жонига.

Келиб ўлтурди Соид ўтрусинда,
Ҳамиша нозир эрди дидасинда.

Аларни кўрди шоҳ, хурсанд бўлди
Дилу жони муҳаббат бирла тўлди.

Буюрди хазначиға хазнани оч,
Фалон сандуқни келтур, қулфини оч.

Қетурдилар анга олтун сандуқ,
Ки бир тўну юзук, ўзга нима йўқ.

Чу тўн бирла юзук ўғлиға берди,
Киши билмас бу тўнда не бор эрди.

Мирохурға буюрдиким фалон от,
Не отдурким дегайсан бир паризот.

Қетурди отнию Соидга берди,
Ки Соидни ўғулдек севар эрди.

Туруб шаҳзода ҳам Соид авилжаб,
Гавозуъ қилдилар хон кўнглин овлаб.

Ижозат бўлди, турди шоҳзода,
Парилар бўлди олдинда пиёда.

Чу шоҳ инъом қилди севарига,
Вале ўт солди онинг кўйларига.

Этиб инъом агарчи қилди хуррам,
Не билсун анда эрмиш юз туман ғам,

*Сайфулмулук ул тўнда бир сурат кўруб, ошиқ
бўлгони*

Ажаб қисса ривоят қилди рови,
Хабар бўлди жаҳонга тўлди жови.

Атосининг қошидин чиқти шаҳзод,
Хиромон тебради чун сарви озод.

Келиб тушти ўзининг манзилига,
Қўшулди ул парилар маҳфилига.

Еқиб машъал чу суратхоналарға
Муҳандислар кириб афсоналарға.

Тамоми ҳужраларда шамъ равшан,
Қилиб ул кўшкни монанди гулшан.

Ичар бода ҳар уйдин уйга юруб,
Юруп фаррошлар йўлини супуруб.

Севиниб ушбу кеча ичтилар май,
Ииқилди ҳар киши ўзини билмай.

Вале шаҳзоданинг кўнглида эрди,
Очиб кўргай бу тўнда не бор эрди,

Ешиб бўқчани, тўнни олди кўрди,
Ки бир сурат кўрубон оҳ урди,

Тура келди яна бир уйга борди,
Яна кўргач ўзидин ўзга борди.

Тафарружлар қилур ул тўнға бисёр,
Неча боқон сари бўлди ғирифтор.

Не тўндурул улки жонининг балоси,
Бўлуб кўнгли бу тўннинг мубталоси.

Бор эрди тўнда бир сурат мунаққаш,
Бўйи бошдин аёғ раъноу дилкаш.

Юзига боқса ул гўё куладур,
Ани кўрган сайи жони куядур,

Эрур ранги рухи гулбарги тардек,
Лаби лаъли анинг шакардек.

Дегайсан оғзидур чун ғунчайи гул,
Юзида тўлғониб ул зулф сунбул.

Қоши ёдек қурлуб ўқ отарға,
Ани кўрганда сабри йўқ этарға.

Хаданг кирпиклари монанди ништар;
Магар сув берди устоди чу ханжар.

Бўйи гулнинг ниҳолидек эгилур.
Бўлуб ҳалқа сочи гўё чигилур.

Ниҳоли сарвдекдур қадди мавзун,
Лаби лаълу тиши чун дурри макнун.

Кўзига боқсангиз — кўзи сузулур,
Бўйи нозик, магар бели узулур.

Кўруб шаҳзода мундоғ сурати хўб,
Юзига юз қўяр оғзини ўпуб.

На суратким балойи жон экандур,
Балойи жон, vale жонон экандур.

Ёқилди ишқ ўти жонига шаҳнинг,
Қадалди меҳр ўқи бағриға шаҳнинг...

Сайфулмулук йиғлаб, отасидин ижозат тилагони

Деди шаҳзода йиғлаб: «Эй жаҳондор,
Менинг учун басе бўлдунг дилафгор,

Оёғинг тўзи кўзум тўтиёси,
Унутилмас бу сурат можароси.

Уятни ўртада ишқ ўти, эй шоҳ,
Учурди номусим шамъини бу оҳ.

Агар шамсуз қамарни арз қилсанг,
Бориб ҳури биҳишт олиб кетурсанг.

Менга ондин ўқун жонон керакмас,
Менга онсиз бу танда жон керакмас.

Ижозат берсангиз ўзум тилойин,
Юруб, истаб, они ўзум бўлойин».

Оноси оҳ уруб, чиқти қошидин,
Яқосин сув қилиб кўзин ёшидин.

Бўлуб Сайфулмулукка ғам мусоҳиб,
Қадим ичкиларини қилди ғойиб.

Бўлуб шаҳзода бу сурат гадоси,
Бўлуб бўстон саро мотам сароси.

Атоси чиқди, ўғли қолди ёлғуз,
Ул ангиз этти бир афғони дилсўз.

Софиниб ҳардам ул суратни шаҳзод,
Чиқарди жонидин юз оҳу фарёд.

Хамин айтур сени қайдин тилойин,
Эрам боғи нишонин не билойин.

Сўроғингни сени кимдин сўройин,
Жамолингни сенинг қайдин кўройин.

Не қилай, кимга айтай ҳолу, дардим.
Сенга тегура олмон рўйи зардим.

Ким элтур бу хабар боғи Эрамға
Ким айтур ҳол дардим ул санамға...

Юрак қоним шаробим, ҳамдамим оҳ,
Бағир бўлди кабобим, машъалим моҳ.

Сенинг ишқинг ўтида май урап жўш,
Бўлур сарви сиҳи фикрингда беҳуш.

Суроҳи ҳасратингда қон йиғлар,
Куяр шамъи тақи ҳайрон йиғлар.

Менинг олдимда чанг бўлди дуто ҳам,
Қилур нолиш менинг ҳолима еб ғам.

Фиғон айлаб рубоби ёд қилур,
Үрар кўксигаю фарёд қилур.

Узотуб бўйини бечора танбур,
Менинг ҳолимга йиғлар нолишин кўр.

Куяр оҳимға уду ҳам мусиқор,
Бўлуб дардимға қонун кўксун йиртор.

Тамоми созлар бўлуб ҳаводор,
Бари юзум кўруб ҳолимға йиғлар...

Бўлуб шаҳзоданинг ранги ҳазондек.
Ақиқий лаблари чун заъфарондек.

Кетиб ақлу қарору сабр ондин,
Кечиб бу тахту бахту бу жаҳондин.

Басе ожиз бўлуб онинг атоси,
Тўкар, кўздин юрак қонин аноси.

Қеча-кундуз бу ғам бирла гирифтор,
Анинг ҳолига аҳли Миср йиғлор,

Анга ҳар ким насиҳат қилса тутмас,
Қатиғдур ишқ, ўгут метиндин ўтмас.

Қишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса,
Гадодур ул агарчи шоҳ бўлса,

Қи бўлмас ишқда ҳам куфр-имон,
Не сабр анда, не кофир, не мусулмон...

Қўнгулга ишқ агар ким зўр қилур,
Бас оқил кўзини кўр қилур.

Вале ошиқ керакким бўлса содик,
Шаҳаншоҳдек муҳаббат бирла ошиқ.

Фироқ оғуси анга шахду шарбат.
Ғаму қайғуси анга айшу ишрат.

Эрур чун ишқ дарёйи муazzзам,
Кира олмас анга ҳар қайси одам.

Муҳаббат баҳри ошиқлар еридур,
Анга кирган тақи эрнинг эридур.

Муҳаббат шарбатин ичкан унутмас,
Анга ҳар ким насиҳат қилса тутмас.

Керак ошиқ чиройи заъфарондек,
Нигори фикрида барги хазондек.

*Шоҳ Осим беклари бирла кенгашиб, ўғлиға сафар ярогин
қизғони*

Чу кўрди шоҳ ўғлининг мизожин,
Насиҳат бирла топмайдур иложин.

Юборай деса кўнгул уза билмас,
Юборса ўтиға ҳам тузга билмас.

Ул охир боғлади бағриға бир тош.
Сузук нарғисларига тўлдуруб ёш.

Кенгашибди беклари бирла ўтуруб,
Деди беклар далиллар ҳам жетуруб,

Ки: «Шоҳи сен тақи мардана бўлғил,
Юрокинг беркитиб шоҳона бўлғил.

Мунингдеклар жаҳонда эрка тушар,
Эсон бўлса эр ўғлиға не пушар.

Ки барча қўйдилар сўзни бу ерга,
Ки мундоқлар тушар ҳар қайда эрга.

Қолин черик тақи бермоқ кераксиз,
Талаб йўлиға юбормоқ кераксиз.

Сафарнинг меҳнати ҳам панд бўлур,
Агарчи топмаса хурсанд бўлур»,

Чу Осим кўрди ҳеч тадбир йўқтур,
Юбормоқдин ўкун дастгир йўқтур.

Деди султон: «Қилинг дарё яроғин,
Керакким сувда ҳам сўрғай сўроғин».

Буюрди тўрт юз кема чопинглар,
Ки ҳар кемада юз ҳужра ёпинглар.

Кетурдилар кема чопқучиларни,
Кемада ҳужралар ёпқучиларни.

Ҳама ишни қилибон эл фаровон,
Ки юз минг халқ тортиб анда кўп жон.

Муқаммал бўлди кулли кема, ҳужра,
Ки бердилар кемачиларга ужра.

Йиғиб келтурдилар дарё лабина,
Муҳит отлиғ чу нопайдо олина.

*Сайфулмулук кема халқи бирла Чин вилоятиға
етишкони*

Аё рови, кел эмди, қил ривоят,
Не сурат бирла ул қилди ҳикоят.

Деди ровики андин тебрадилар,
Кечакундуз кемалар тинмадилар.

Вале ишратларининг ҳеч сони йўқ,
Ки бу қайнар тенгиздин ҳеч ғами йўқ.

Ки юз минг жўш уруб бу баҳр қайнар,
Маликзода балиқ овини овлар.

Кечакундуз ичарлар лолагун май,
Кечакундуз нечук ўткинни билмай.

Кемадин кемага юруб ичарлар,
Газакка балиқ этидин ошарлар.

Суруб маллоҳлар кишини турмай,
Кечакундуз юурулар ҳеч уюмай...

Дедилар:— «Чинда хўб наққошлар бор,
Жаҳонгашта ҳикоят фошлар бор,

Эшитган бўлғай ул савдогар аҳли,
Тақи ул суратин суратгар аҳли»,

Бу сўз бирла Хитойга қўйдилар юз,
Худо қилди иноят елини туз.

Беш-олти ой ўтуб еттилар онда,
Ки ҳеч ташвиш кўрмай бу жаҳонда.

Яқоға тортилар кулли кемани,
Чиқардилар сувдин бори нимани.

Муаззам чатр тикди, яна хиргоҳ,
Чиқибон таҳт уза, ўлтурди ул шоҳ.

Халойиқ тикди чодир неча алвон,
Йироқдин кўрди бу черикни дидбон.

Ошуқуб етти ул Фағфури Чинга,
Дедиким, «Ёғи кирди мулкингизга».

Бу сўздин шоҳи Чин бўлди пур ошўб,
Баси тушди, халойиққа талотўп.

Қилибон қальяларни руст мазбут,
Ясади элчилар юборгали зуд...

*Фағфури Чин шаҳрин түзуб, Сайфулмулукни меҳмон
қилғони*

Қилиб Фағфури Чин мажлис яроғин,
Ясатти шаҳрини ҳам кўшку боғин.

Чиқиб келди, ўзи қилди кўрунуш,
Ани чорлаб деди: «Тахтим уза туш».

Маликзода қабул қилди бу сўзни,
Ясади жўраларни ҳам чу ўзни.

Асоси салтанат кўргузди султон,
Отолиқлар била ҳам бўлди меҳмон.

Бериг суҳбат буларға шоҳ Фағфур,
Келиб бир ҳафта Чин мулкини маъмур.

Қилиб шаҳзода ҳам сиррини изҳор,
Сўруб кулли халойиқдин бу ахбор,

Ки ҳеч ким билмади бу сўзнинг аслин.
Дедилар ким билур Шаҳбол наслин?

Вале бир пир бу шаҳнинг ҳазратина,
Деди шаҳри эрур оти Фатина.

Эшитибманки хўб наққошлар бор,
Жаҳомгашта ҳикоят фошлар бор.

Деди шаҳзодаким неча йироқдур?
Улувлар дерки бир йиллик йироқдур.

Агар туз ел туруб, маллоҳ сурса,
Етар бир йилға тузлук ел бўлса...

*Шаҳзода Фатина шаҳрига юзланиб, кемалари ғарқ
бўлгони*

Кел, эй рови, ривоят қил бу қисса,
Нечук тушти маликзодаға ғусса?

Деди ровики иш бисёр бўлди,
Баси меҳнат била афгор бўлди.

Маликзода қилибон кўч яроғин.
Фатина шаҳриниң солғай сўроғин.

Келиб шаҳзодаким кемага тушди,
Тамом асбобини солди бакишти.

Тамоми халқ кирди киштиларга,
Бўлуб тайёр беклар тузди чарга.

Алар сўнгича маллоҳлар тушди,
Суруб кемани илгари юрушти.

Чу қилдилар кеча-кундуз фароғат,
Кўнгул завқи била ҳеч йўқтур оғат.

Маликзода хаёли бирла хуррам,
Эрур хандону, йўқ кўнглинда ҳеч ғам:

Бу ишрат бирла олти ой борди,
Қоровуллар ҳамиша йўл боқарди,

Ҳасад әлтиб фалак бу давлатиға,
Емонлиқ бирла минди ўз отиға.

Секин тенгиз бузуқлиқ қилди ангез,
Белига боғлади шамшири ҳунрез.

Ҳасад қилиб тақи түфөн қўпорди,
Ки ҳардам бир тараққосин қўпорди.

Қилур ҳардам бир ўзга шарфа ангиз,
Бўлур ҳар шарфада минг заҳри ҳунрез.

Булут гукраб йиғар түфөн қилурға,
Тенгиз қайнаб, тошар ул қон қилурға.

Қоронғу ел қўпуб, дунё бўлуб тор,
Бўлуб дарё юзинда нола бисёр.

Бўлуб кундуз куни ялдо тунидек,
На қаттиқ кун, қиёматнинг кунидек.

Яна боқсанг кўзинга эл кўрунмас,
Илик солсанг сувдин ўзга урунмас.

Тубиндин чайқалур пур шўр дарё,
Кемаларнинг қилур қаддини бир ё.

Кемалар бир-бирига бош урарлар,
Қуян чўкуб, улар сувға тўларлар.

Қадоғлари синибон бўлди пора,
Ки ҳеч ким топмади қочмоққа чора.

Урунуб бир-бисига ўтарлар,
Синиб-синиб сув тубига ботарлар.

Деди рови ўшул тўрт юз кема,
Ўшунда ғарқ бўлди кулли нима.

Чу бўлдилар фано дарё тубунда,
Қўрунмас ҳеч нима дарё юзунда,

Еди покиза ул дарёйи хунхор,
Ки қолмади алардин зарра осор...

*Кемалар ва кулли черики ва асбоблари ғарқ бўлгони,
шаҳзода бир тахта бирла гирдобга киргони*

Вале шаҳзодани ул сунъ сониъ,
Балодин сақладию қилди мониъ,

Тенгиз ким бир замон пур жўш эрди,
Анинг ҳавлинида шоҳ беҳуш эрди.

Ӣӯқ эрди ул замон олдида Соид,
Ёнидин бўлди ғойиб шамъи шоҳид.

Фалакнинг гардиши қилди ишини,
Чу кўрмай борди алар бир-бирини.

Киши билмас кема қайдা бородур,
Худо мундоқ балоларни солодур.

Чу шаҳзода ўзига келди ногоҳ,
Тафарруж қилди дарёға юзин шоҳ,

На эл бору на кема бор, на Соид,
На беклар бор, на сипоҳу на Обид...

*Шаҳзода гирдабдин халос бўлуб, ўн икки жўра бирлан
зангиларга тушгони*

Кел, эй рови, ҳикоят қил бу дастон,
Парихонамидур ёхуд девистон.

Деди рови қилойин бир ҳикоят,
Қулоқ солиб эшитгил то ниҳоят.

Борур эрди маликзода йўлиға,
Қарар эрди тақи ўнгу сўлиға.

Кўярким бир кема тўғри келодур,
Вале билмасдурлар ўғри келодур.

Булар айтур бизинг элдин бўлғай,
Ва ё савдогар аҳлидин бўлғай.

Булар бу фикр бирла шоду маъмур,
Ки иш тушкан эмаслар маст мағрур.

Яқин келдилар эрса кўрдилар пок,
Ёмон дидорлиқ зангийи бебок.

Деди ровики етмиш тан эдилар,
Ки одам еб ҳамон тўймай эдилар.

Чу кўрдилар булардек нуқли мақбул,
Ки бўлдилар булар тутмоққа машғул,

Булар ҳам белни боғлади урушға,
Яроғланиб бари ўтру турушға.

Уруш бўлди баси кўп тўқтилар қон.
Илик тебраткуча худ чектилар жон.

Бари занги туфанг андоз эдилар,
Уруш бобида оташбоз эдилар.

Ки отди зангилар чун зарб зангин,
Қизил қон бирла дарё бўлди рангин,

Ки дарё бўлди чун тутошқон ўтдек,
Тутун бирла ҳаво бўлди булутдек.

Ки бу бечоралар куйдилар аксар,
Куюб кема билан бўлдилар ахгар.

Тутуб шаҳни ўн икки жўра бирлан,
Олиб дурни бу жамъ маҳпора бирлан,

Илик, оёқларини боғладилар,
Аларни ғам ўтиға доғладилар.

Олиб тебрадилар боғлаб ва чулғаб,
Тамом аъзоларини қонга булғаб,

Бор эрди бир жазира ҳақ яратган,
Анинг ичинда зангилар туратган.

Бор эрди чун буларнинг подшоҳи,
Ғаройиб кўп эди занги сипоҳи.

Буларни элттилар, чектилар анда,
Кўнгулга маргни эктилар анда.

Кулубон қаҳ-қаҳ ул зангийи хунхор,
Шукунмай одамидин Одамихор.

Буюрдиким учовни сақлангизлар,
Ки қолғонин семуртуб қоқлангизлар...

Тирик қолғонларини келтурунглар,
Газак қилсун, қизимга әлтиңгизлар.

Әшитиб чун булар ул сўзни шоҳдин,
Умид уздилар охир хаста жондин.

Туруб бечоралар бўлди жигар хун,
Вале шаҳзода деди бўлди шум кун...

Юборди қизига ул уч кишини,
Муҳайё қилдилар занги ишини,

Учовлонки қизига ул юборди.
Аларнинг бириси шаҳзода эрди.

Кетурдилар чу зангинниг қизига,
Кўзи тушти маликзода юзиға.

Кўруб шаҳзодани қиз бўлди ошиқ,
Парини кўрди дев ўзиға лойиқ.

Занги дұхтар үзини ороста қилиб, шаҳзодага келгони

Ки бир кун қиз ўзин орост қилди,
Тақи шаҳзодага бехост келди.

Суроҳила шаробу нуқл бисёр,
Фарофат қилғаю бўлғай харидор.

Юзиға суртубон ул упа деб гач,
Қаро зулфин қаро юзга қўюб каж.

Қозон қаросидин қошиға тортиб,
Қалин гач бирла юзини оқартиб,

Қаро арғамчидин солиб чу сочбоғ,
Солиб ноҷоғ бўйниға ани чоғ.

Қилиб бир-икки қасқонни билазук,
Солиб неча қизил соғурдин узук.

Чу филнинг туйноғидек туйноғина
Қизил суртуб бўяди мисли хина.

Юрур бўлса юрур тева юрушин,
Кулур бўлса кулар айиқ кулушиш.

Ёпилиб филдек икки қулоғи,
Солиниб тевадек остин дудоги,

Кулоқлариға солибон солинжоқ,
Исирға ўрниға солур саримсоқ.

Қийиб эгнига ўрмакдин қаро шол,
Ҳавас бирла игүруб ул маҳу сол.

Бўйини кўрсангиз мисли минори,
Агар оғзиға боқсанг мисли фори.

Анинг ҳар бир қўли шохи чинори,
Тақи бармоқлари дур кўр мори.

Анинг ҳар бир тиши монанди сандон,
Неча қилсам сифат, бор онча чандон.

Тили онинг жаҳаннам ақрабидек,
Юзига боқсангиэ ялдо тунидек,

Чу бурни дур ато-бобоси гўри,
Тўшугидур магар бир эски мўри.

Анинг ҳар бир кўзи мисли узангу,
Қулоқлари анинг эски тебангу.

Бу сурат бирла қилур не хаёли,
«Юзум гулдур, бўюм тоза ниҳоли,

Ки бу оламда бир мендек санам йўқ,
Парилар ошиқимдур, ҳеч ғам йўқ.

Кўрунг мендек санам борму жаҳонда,
Мени кўргач бўлур шаҳзода банда».

Бу талъат бирла келди шоҳ қатиға,
Кириб девлар парилар суҳбатиға.

Туруб шаҳзода ҳам таъзим қилди,
Заруратдин ани такрим қилди.

Олиб занги қизи шаҳни қошиға,
Ёқиндуруким ани сүқса жониға.

Келиб шаҳзодаға чун бўйи нохуш,
Йиқилди сустайиб, ҳам бўлди беҳуш.

Деди чўрилари: «Кўруб сени бил,
Бўлуб ошиқ ўзидин борди билгил».

Бошини олдию тизига қўйди.
Булут юзини ой юзига қўйди.

Қўюб филдек лабини шаҳ лабина,
Олиб гул ғунчасини хартумина.

Сўрар лаъли лабини мисли аждар,
Қучар шоҳи парини деви ҳафтасар.

Димогиға тўлуб бўйи хароби,
Чу бўлди маст шоҳ ичмай шароби.

Хумор уйқусидин уйғотди шаҳни,
Қаро булут олиб қўйнига маҳни...

Упуб дедиким: «Эй жоним нечуксан,
Ки мендин бошқа жононим нечуксан?»

Менинг дардим била ҳолинг нечукдур,
Ки менсиз ғамда аҳволинг нечукдур?..»

Деди шаҳзода: «Сенсиз мен хуш эрдим.
Нигорим ёди бирла сархуш эрдим.

Сенинг дидоринга мен хира бўлдум.
Узумдин бордиму ҳам тийра бўлдум.

Қаронғу юзунг учун бости қайғу,
Мунаввар хотирим бўлди қаронғу.

Ола кўзунг ғами ерга боқузди,
Қаро кўзум сувун ерга оқузди.

Қошингни кўрдиму «ё» дек букулдум,
Кўрубон фордек оғзингни кулдум.

Ийлондек зулфларинг афсун қилибдур,
Мени мунда оёғимни илибдур,

Юзунгни кўрубон ҳайрон бўлубман.
Кета билмай чу саргардон бўлубман.

Кўзунгдин юзу кўзни кунлаюрман,
Менга кўп боқмагил, воллоҳ, ўлурман.

Бу қулнинг бўйнига солма қўлунгни;
Ўзингга тенг этма бу қулунгни...»

Эшитти занги дуҳтар ушбу сўзни,
Ғазаб бирла юзига тикди кўзни.

Келиб қаҳри, туруб чиқти қатидин,
Вале кўнгли хароб ул ҳасратидин.

Дедиким: «Мен сенинг ишинг қилойин,
Сабоҳ, эрта билан бошинг кесойин».

Вале ўлтургали ҳайфи келадур,
Юзун кўруб яна раҳми келадур.

Неча кунлар буюрди ёрғучоққа,
Ҳиял қилса урарлар шаққа-шаққа.

Иликлари қабориб, ёрма тортар,
Кўзидин бодай гулгунлар оқар.

Буюрдиким бу кез ўтун ташисун,
Кеча тонг отқучча отни қашисун.

Янги ойдек букулуб тошир ўтун,
Лаби лаъли қурууб, бўлди жигар хун.

Қилур шаҳзодаға мундоғ жафони,
Қи яъни тўзмай ул қилғай вафони,

Ким ушбу можаро бирла неча йил,
Ташидилар ўтун қуллуқ қилиб бил.

*Сайфулмулук жўралари бирлан кенгашиб, қочиб сувга
киргони*

Кенгашти бир куни бу уч гирифтор,
Ки мунда бўлғуси йўқ бизга ғамхор,

Тирик эрканимизни киши билмас,
Киши бизни тиларга мунда келмас.

Буларнинг илгига ўлмак керакмас,
Бу меҳнат ўтида куймак керакмас.

Эрур ушбу замон фурсат ғанимат
Тақи қочмоқ учун будам ғанимат,

Йиғиб хошок, солни боғладилар,
Қочар йўлии келибон ҷоғладилар.

Кечада бирлан келибон миндилар сол,
Ҳудо деб кирдилар дарёға филҳол.

Тонг отқунча узадилар бу ердин,
Қутулдилар чу занги меҳнатидин.

Неча кунлар кечада-кундуз юрубон,
Ки жаҳд айлаб булар солин суруборон,

Қўрунди бир жазира сабз, хуррам,
Етиштилар юруб бечоралар ҳам.

Ажойиб ул жазира сер неъмат,
Чекиб эрди алар бисёр меҳнат.

Шукурлар қилдилар, турдилар анда,
Ажойиб нималар кўрдилар анда,

Ки кун туғса кумуш, олтун тугодур,
Яна кун ботса олтуналар ботодур.

Яна бисёр сандал,..уд, анбар,
Тақи турлук ёмишлар кўп гавҳар.

Қабул қилди алар ушбу жағира.
Ки қилдишар чу бир ерни ҳазира.

Йигиб турлук емишларни батамом.
Қилиб қишининг яроғини саранжом.

Чу бир қишиш ушбу ерда умр кечти,
Учовлон шираю шарбат ичишти...

*Шаҳзода маймунлар шаҳридин қочиб, яна бир балога
гирифтор бўлгани*

Кел, эй рови, ривоят қил бу гуфтор,
Нечук бўлди маликзода гирифтор.

Туруб оҳ урдию шаҳ йўлға кирди.
Келибон ёлғиз ул дарёға кирди.

Ўзи билмас бу сол қайдада бородур,
Кириб дарёға саргардон ўлодур...

Чу турди ногаҳон бир муҳталиф ел.
Чу чайқаб ҳар сори солин суруб бил.

Нечук бўлса ясалғон хору хошок.
Ешилди бөғлари, бўшоди ҳас пок.

Илик ювди маликзода жонидин.
Юзин ювди кўзуз юрак қонидин.

Бор эрди сув ичинда уд ёғоч,
Кўруб қўюлғону оқу яланғоч.

Ўкуруб ел кетурди урди анга.
Туруб жон ҳавлидин шаҳ минди анга.

Бўшоди солилю банди бузулди,
Қамишлари онинг бир-бир тўзулди.

Ёғочқа чиқиб ўлтурди шаҳ онда,
Мунингдек мубтало борму жаҳонда?

Гаҳи остин боқадур, гоҳи устун,
Магар бўлди тутам ҳас минг олтун.

Ўзини беркитиб бўлди гирифтур,
Еғоч бошида қолди шоҳ ночор.

Кечак юлдуз бари сувда кўрунур,
Бу икки кўк аросинда кўрунур.

Тушар ул бир балодин бир балоға,
Ким учрар кўп балолар мубталоға.

Туганмас дуняда ошиқ балоси,
Ки бўлмасун киши ишқ ибтилоси.

Ичар хунобалар ҳар кунда юз дам,
Анинг тўқлуғидур ҳардамда юз ғам.

Жаҳонда ниш кўрмай нўш бўлмас,
Муродин топмайин ошиқ қувонмас...

Агар юз минг бало келса илакдин,
Юз ўгурман тақи ушбу тилакдин...

Сайфулмулукни дарё ичидан бир қуши олиб учгони

Маликзода чу қолди онда ночор,
Ки бўлди уч кеча кундуз гирифтор...

Қилур эрди маликзода тазаррӯъ,
Иноят бирла бир раҳми таваққуъ.

Қулоқиға садойи келди ногоҳ,
Қўзин очиб юқори боқти ул шоҳ.

Назар қилди ҳавоға шоҳи шайдо,
Кўрарким бир үлуғ қуш бўлди пайдо.

Ёзиб чангалини қуш қасд қилди,
Еғочнинг бошидин шаҳ пайт бўлди.

Ола билмай қўнуб ўлтурди онда,
Эрур қасди анинг шоҳи жаҳонда.

Деди шаҳ неча хуноба ютармен,
На бўлсан бўлайин қушни тутармен.

Қуёйидин ҳавли жон икки оёғин,
Тутуб дедики ичтим марг аёғин.

Қуш уркуб қўптию олдию учти,
Маликзода бу манзилдин кўчти.

Солиниб, қуш оёғида маликзод,
Юқори қуш, қуи дарёйи бедод.

Ёпушуб тишию тирноғи бирла,
Осинибдур тўни-упроғи бирла.

Чу бир кун кеча кундуз учти тоҳир,
Ки бўлди ногаҳон бир тоғ зоҳир.

Етишти тоғнинг тубига ул қуш,
Келибон ошёниға бўлуб тўш.

Маликзода анинг кўрди яроғин,
Тушар-тушмас қўя берди аёғин.

Юқоридан келиб чун ерга тушти,
Ким ул ерга басе қаттиқ ёпушти.

Яшинди бир қоя тубинда маҳкам,
Ғанимни топмади филҳол ул дам.

Шаҳзода бир аждарни ўлтуруб, ҳалос бўлгони

Чу ўтди фурсате ногаҳ бир аждар,
Бўлуб пайдо магар оламни тортар...

Бу аждарга ҳамиша одат эрмиш,
Ки бу қушнинг болосини ер эрмиш.

Кўруб чу қуш йилонни ҳамла қилди,
Йилоннинг оғзидин ўтлар чоқилди.

Бу қушнинг уйига қасд этти аждар,
Кўруб шаҳзода дер оллоҳу акбар.

Келиб аждар ёпушти қуш қироқдин,
Кела билмай фифон айлар йироқдин.

Маликзода кўруб бу ҳолни қушға,
Белин боғлади аждарға урушга.

Бор эрди бир табар-теша белинда,
Кетурган ул зангиларнинг элинда.

Юруб шаҳзодаким, урди белига,
Ки аҳсан ўқуди Миррих алиға.

Кесилди ўртадин аждар қаламвон,
Ки қушнинг душмани бўлди нигунеор.

Чу қуш кўрди йигитнинг зарб дастин,
Тараҳҳумдин кўтарди эмди қасдин...

Шаҳ ул қушни қотидин кетти ботроқ.
Танига тегмади өсиб тирноқ.

Шаҳзода индин кетиб, йўлбарсға учрагони

Шукрлар қилибон шоҳ тоққа тушти,
Магар ул боғ ила бўстонға тушти...

Улуғ тоғлар баҳайбат, босиёсат.
Бўлур тоғларда юз минг турли оғат.

Тутуб йўлни тишу-тирноғи бирла,
Ёпушти тоқға ўн бармоғи бирла.

Чиқиб бўлди теканда тоғ бошиға,
Су бўлуб тошлари кўзин ёшиға.

Қоровулдек қарап тоғу тузини,
Кўрап дарё тутубтур ер юзини.

Вале бир жонибидур дашту саҳро,
Ки бўлмас ондаким бир ёр пайдо.

Келур ҳар ёндин арслонлар товуни,
Йilonлар бирла қоплонлар хуруши.

Дедиким сув темай чўлға киройиқ,
Не ким олдимға келганин кўрайин,

Таваккул қилдию инди вароға,
Чиқар-чиқмасда учради балоға.

Кўрар олинда бир йўлбарс ногоҳ,
Булутдек гукради, ҳозирди ул шоҳ.

Бор әрди бир табар-тешаси бори,
Алинда, зангиларнинг ёдгори.

Деди қочқон била қутулса бўлмас,
Боқиб туруб хотундек ўлса бўлмас.

Эр ўғулким қадам қўйса чу йўлга,
Қадам йўлда керакдур, боши қўлда

Юруди олдиға йўқ бийм зарра,
Очиб оғзини сачраб урди наъра.

Табар-теша била урди энгакка,
Кесиб оғзин, ўтуб бўюн сўнгакка.

Ииқилди олдида ҳайвони ҳарбий.
Тегиб шаҳзоданинг ким даст зарби,

Ки Мирриҳ оғариғи қилди ишиға,
Не тиф урмоқ не қон тўқмак кишиға,

Анинг арқосидин бир ласма тилди,
Ўзининг белига ҳар баста қилди.

Юруди чуст чобук чиқти тоғдин,
Кўтарди меваларни мисли ғодгин.

Юруди неча кунлар дашт-чўлда,
Қуш учмас, қуло тузларда, на йўлда.

Йорур юмшоқ ўёқлари ўюлуб,
Тақи нозик тапонлари сўюлуб.

Янги файдек бўлуб ингичка букулуб,
Йорур ийғлаб кўзидин дур тўкулуб.

Үлум ҳолиға етти шоҳзода,
Кена-қундуз нарур тинмай пиёда,

Шаҳзода бир девнинг чорбоғиға етгони

Кел, эй соқи, кетургил бодаи нор,
Ривоят қилди рови бир хуш ахбор.

Деди рови эшитгил бу хабарни,
Вале кўрсатмасун тенгри заарни.

Қилиб манзил-мароҳиллар басе тай,
Не ерга тегурур ул сонии ҳай.

Қўрунди олдида бир дашт ногоҳ,
Юруб жон ҳавлида етти шаҳаншоҳ,

Ки чиқти даштнинг устига ул дам,
Кўрар олдида бир майдон ҳуррам.

Яқин тушубтуур дарё лабинда,
Оқар қайнар тенгиз аниг тубинда.

Тафарруж қилса жонвор уни келмас,
Тафаҳҳус қилса қушлар уни келмас.

Чу қувват йўқ эди бир зарра танда,
Тиниб пушта уза ўлтурди анда.

Замони тиндию турдию келди,
Дару, деворини кўрдию билди.

Деди мунда башар эрмас паридур,
Агар йўқтур пари, девнинг еридур.

Аниг эшикини кўрди кушода,
Худо деб кирди анда шоҳзода.

Қўрунг шаҳзодани майдонға кирди,
Ки бош ўйнағали мардона кирди.

Қўраким чорбоғи хўбу раъно;
Не турлук мева десанг анда пайдо.

Очилиб гуллару, нозик чечаклар,
Ки чулғониб ниҳол ила печаклар,

Юрубон сайр қилди ҳеч жони йўқ,
Басе раъно чаманким дар жаҳон йўқ.

Тақи ўртасида бир кўшки олий,
Мунаққаш ҳужралардур бори холи.

Ҳавас бирла ясабтур анда бир эв,
Ҳарам қилған эмиш они шаҳи дев.

Эшигига солибтур қуфли олтун,
Мунунгдек ерга келди шоҳ мажнун.

Қалиди йўқ анинг қуфлинин очқай,
Недур уйнинг ичинда они боққай.

Суғурди болтасин қуфлинин урди,
Эшикни очибон ул уйга кирди.

Латиф уй кўрди, лаълу, жавҳар анга,
Неким қийматбаҳолиқ гавҳар анда.

Тақи ўртасида бир кўшк қўрғон,
Тубинда бир мурассаъ тахт қурғон.

*Шаҳзода девнинг уйинда бир қиз кўруб, сўзлашгони ва
ёридин хабар топгони*

Не кўрди шоҳ ул уйда, эшитгил,
Қулоқ солиб, фароғат қилу кетгил.

Ки тахт уэра ётибдур бир нимарса,
Чу шаҳ кўрган эмас мундоғ кимарса.

Олиб чодиршабини очти юздин,
Кўрар бир нозанини жони ширин.

Ётибдур тахт уза бир моҳпора,
Юзин кўргач яқосин қилди пора.

Неча тебратти ул уйғонмади ҳеч,
Басе турди бошининг устида кеч.

Агар ўлук деса анда нафас бор,
Вале тўтиси олдида, қафас бор,

Йилондек печ уруб софи ёнида,
Ки жон бору ҳаракат йўқ танида.

Бошининг устида бир лавҳи олтун,
Басе қилғон бу тажтаға жигар хун:

Дедиким турмоғим ҳикматдин эрмас,
Бу тахта қолса ҳам давлатдин эрмас.

Туруб бу тахтани илкига олди,
Тақи бир пора дур қўйниға солди.

Олиб чиқти эшикка лаҳза турди,
Бу қиз уйнинг ичида атса урди.

Чу боқса ўлтурубтур нозанине,
Ениб кирди; соғинди уйқусини..

Яна тахта бўлубон борди ўздин,
Кўзин юмди тақи қолди сўздин:

Тафаҳҳус қилса бу лавҳ ичрадур банд,
Қилибдурлар аниңг уйқусини банд

Агар ул лавҳани ташқори қўйса,
Турубон ўлтурууб урадур атсан.

Бу кез ташқори отти тахтани шоҳ,
Қўпуб ўлтуруди таҳт устинда ўл моҳ.

Салом этти тавозуъ бирла султон,
Юэига боқтию шоҳ бўлди ҳайрон.

Деди: «Ёраб пари, ё одамидур,
Мунингдек ерда девнинг ҳамдамидур?»

Бўлуб ҳайрон бу қиз ҳам деди ул дам,
Кела билмас парихонаға одам.

Қиз аиди: «Эй йигит сўзла на жонсан,
Басе маълум эрур дилгир жонсан».

Шоҳ айтур:—«Инс, жинсан ё парисан,
Башарсан, ҳурсан ё шаҳ парисан»,

Қиз айтур: «Ҳавл қилма, одамиман,
Заруратдин бу девга ҳамдамиман».

Туруб йиғлаб кўрушти иккаласи,
Вале қўрқар келур дебон эгаси.

Деди шаҳзода: «Мендек зор эмишсан,
Фироқ илгидаги ҳам афгор эмишсан.

Недур ҳолинг манга айтғил саросар,
Ки бўлғайму манга дардинг баробар?

Оting недур қаю ердин бўлурсан,
Сабаб недур келиб мунда туурсан?»

Қиз айтурким: «Сен аввал сўзла ҳолинг,
Эшитайким на берур мужда фолинг»

Деди шаҳзодаким: «Қисса узундур,
Ки девнинг олдида одам забундур».

Қиз айтур: «Дев яна уч кунда келур,
Келиб яхши-ёмон ҳолимни билур.

Келур меъёри етти кунда келур,
Турур уч кун тақи овора бўлур.

Мени ул банд этибдур ҳеч билмон,
Ётурман, эшитурман, сўзлай олмон.

Билурман ҳам анинг келур кунини,
Туарман эшитиб анинг унини.

Ки ўн бир йил бўлубтурман гирифттор
Бу ҳол ила кеча-кундуз бўлуб зор».

Шаҳзода ўз ҳолини ул қизга айтгони

Эшиitti эрса қизнинг сўзини шоҳ,
Ичи куюб, ёлиндек урди бир оҳ,

Деди: «Эмди менинг ҳолим эшифтгил,
Falat эрмастур, эй жон, чин тутгил,

Отамнинг оти Осим ибни Сафвон,
Эзур үл Миср иқлимида султон.

Менинг отим туур Сайфулмулук бил,
Эшитиб ҳолими яхши сулук қил.

Миср иқлимининг шаҳзодасиман,
Ки бир сурат кўруб дилдодасиман.

Енар ўтға солибон хонлиғимни,
Қули бўлдим қўюб султонлигимни,

Анинг оти Бадиъдур бинт Шаҳбол,
Ери анинг Эрам боғи будур ҳол.

Кўкалдошим бор эрди Соид отлиғ,
Орамизда йўқ эрди ҳеч ётлиғ.

Агар кўрмасам эрди бир замони,
Куяр эрдим яна кўргунча они.

Ўн икки йил туур андин жудоман,
Юруб ёлғуз, ғаминда мубталоман.

Қўюб тўфон, чақилиб раъд ҳам барқ,
Ки юз минг чериким анда бўлуб ғарқ.

Қўюб эрди Бадиим кўксума доғ,
Яна Соид қўюб доғ устина доғ».

Наким кўрганларин деди саросар,
Эшитиб йиғлади қиз ҳам баробар.

Ул қизнинг Бадиулжамолдин хабар айтгони

Бадиънинг отиниким қиз эшитти,
Яқосин чок этиб фарёд этти.

Деди қизким: «Иковлонмиз эмукдош,
Эзурмиз бир кеча туққан эгиздош.

Чу ўн бир йил туур айрилғалиман,
Бу аҳволга гирифтор бўлғалиман.

Анинг ҳажрида куяр жисму жоним,
Қаронғудур фироқида жаҳоним.

Неча йиллар анинг бирла юруштук,
Она сутин анинг бирла эмуштук,

Ки ул мандин хабар билмай турур ҳеч,
Мени қўймаслар эрди мунда ҳеч кеч.

Агар учрасанг эрди анда бизга,
Ки тегургай әдим мақсадингизга.

Нетайин, найлайин бечорадурман,
Бу девнинг илгига оворадурман».

Ҳикоят қилдию йиғлоди бисёр,
Анинг бирла тақи ул ошиқи зор...

Деди Сайфулмулук: «Бир фикр этоли.
Бу девни ўлтуруб мундин кетоли».

Малика дедиким: «Не фикр этармиз.
Бу золим илгидин нечук кетармиз,

Ки ҳар фикрики қилсанг ёрдурман.
Сенинг жонинг учун ғамхордурман...»

Халос этти шаҳаншоҳ хоҳарини,
Ки девнинг бандидин гўё парини.

Келибон кирдилар тубсиз тенгизга,
Сурубон солни кечдин кундузга...

Неча кунлар юрудилар емай ғам,
Кўрунди бир жазира сабз хуррам.

Дедилар неча кун мунда туроли,
На келур тенгрининг сунъин кўроли.

*Бу жазираға корвонлар тушиб ўлтургонда, бориб
қўшилғони*

Кел, эй рови, кетур ўйинға қарқаф,
Муғаниилар била чангу уду даф.

Деди рови ривоятдур бу достон,
Ўтуб қиши вақтию бўлди гулистан:

Гулистанда гул очилиб, сочиур,
Бу достондан кўнгул доим очилур,

Гулистан вақтидур бир неча кунлар,
Бу достон тозадур гар ўтса йиллар.

Келиб ишрат яна меҳнат туганди,
Кетиб меҳнат яна давлат уланди.

Қазодин тенгри тақдири била рост,
Етиб бир корвони мунда бехост.

Алар ҳам кўрдилар бу манзили хуш,
Қилиб туштилар анда маҳфили хуш.

Эшишиб унларини шоҳзода,
Йироқдин турубон қилди назора,

Маликзода юруб илғори келди,
Салом айтиб, басе таъзим қилди.

Булар айтур: «Қароқчи бўлмағай деб,
Ки бизни чоғлаголи келмагай деб»,

Ки кўп таҳқиқ қилдилар мудаққиқ,
Булар ҳам англади муъмин таҳқиқ.

Бу ҳам бориб солинди ҳарна борин,
Малика бирла келтурди на борин.

Ўтурдилар қўшулууб, кўнгил тиниб,
Фалакнинг жабр этардин бўйни синиб.

Бу эл кўнглини овлаб сўз қотарлар,
Таажжуб бирла юзига боқарлар...

Чу сўрдилар булар ҳолин баробар,
Булар ҳам ҳолларин деди саросар,

Эшишиб корвонлар ушбу сўзни,
Қилиб тақрир, ёд этти бу сўзни..

Ики-уч кун туруб бу корвони,
Кетурдилар яна кишти равони.

Олиб шаҳзодаларни дармиёна,
Алар ўз мулкина бўлди равона,

Сурубmallоҳлар кунда бу кишти,
Ченаган манзилига ҳам етишти,

Қуруқлуқ сарҳадига етти кема,
Чиқарди халқ раҳти кулли нима...

Яроғлаб корвон икки улуғин,
Суханпарвард хўб соҳиб вуқуфин.

Дедилар шаҳни бориб кўрингизлар,
Қилиб ахбор, севинчи олингизлар...

Бу хабарни маликанинг отаси эшишиб, ўтру чиққони

Эшилти бу хабар шоҳи Сарандил,
Қилибон шаҳрни ойини қандил.

Севиниб ўтру чиқти кулли ўрда,
Тирилди деб ўшул гулбарги мурда.

Рабиулмулк келди пешвози,
Етушти деб яна ул сарв нози.

Буларнинг ҳолатидин қўпти афғон,
Севиниб халқ йиғлар мисли найсон.

Асоси салтанат бирла кетурди,
Сарандил шаҳрининг жонин кетурди.

Мурассаъ қилған олтундин таҳтлар,
Ёзиб турлук қумошу хўб раҳтлар.

Келибон шоҳ Рабиулмулк сингли,
Берубон тўй, хуррам бўлди кўнгли.

Ўтурдилар севунуб шамси ховар,
Севуб айтур аносин жон модар..

Қилиб шукрона тўйи шодиёна,
Олиб Сайфулмулукни дармиёна.

Ўғул ўқуди ул шаҳзодани шоҳ,
Анга топшурди мулкини шаҳаншоҳ...

Бадиуулжамол маликани эшитиб, кўргани келгони

Ривоят қилди рови бу гулистон,
Деди бўлур муаттар эмди бўстон,

Эмукдошим келубдур деб паризод,
Эшитиб бу хабарни бўлди дилшод.

Севар эди ани бас жони бирла,
Туфайл этти ўзин турғони бирла.

Анинг фикрида эди зор афгор,
Кеча-кундуз ғами бирла гирифтор.

Атоси ҳам аноси шод бўлди,
Қизи ғам илгидин озод бўлди...

Малика тақриб бирла шаҳзоданинг ҳолини айтгони

Ки бўлди икки ҳамшира муошир,
Малика қўйди ўз дардини охир.

Бадиъ айтур: «Қил эмди бир ҳикоят,
Ки бўлғай ул ҳикоятда сироят.

Кўнгул очилғудек афсона айғил,
Ки бир афсонаи дурдона айғил».

Малика топди тақрибий ҳикоят,
Ки бунёд эттию қилди ривоят.

Чигалган зулфиға ул топди шона,
Тугунин ешгали бўлди баҳона,

Далил этти шаҳаншоҳнинг сўзини,
Ки очти ул ҳикоятнинг юзини.

Деди: «Бир нозанин шаҳзода кўрдум,
Фарибу бекасу ҳолини сўрдум.

Ниҳолидур, vale ҳоли паришон,
Этур лаб ташна ишқ ўтида бирён,

Жаҳонда сайд этиб чун офтоби,
Куоб хуноба йиглар чун кабоби.

Оти Сайфулмулук ул шоҳи олам,
Анга қул бўлса бўлур жину одам».

Қилиб шаҳзодани бисёр таъриф,
Парию ҳурдин ортурди тавсиф.

Деди охирки: «Эй ёри вафодор,
Сенинг ишқингда эрур ул дилафгор».

Не кўргонин, не қилғонин саросар,
Ўн уч йил жавр чекконин баробар.

Анинг аҳволини аввалдин охир,
Бадиъ олдида шарҳ айлади зоҳир.

Бадиулжамол бу сўзни эшишиб аччиғлангони

Эшишиб шоҳнинг дардини бир-бир,
Мушарраҳ қилди баским яхши тақрир.

Ки шаҳнинг ҳолини қилди нуҳуфта,
Чиройин очти аммо дил шугуфта.

Бадиъ айтурки: «Эй жони жаҳоним,
Налар дерсан манга, эй меҳрибоним?

Санга дедим менга афсона айғил;
Қачон дедим манга жонона айғил?

Бўлуб ошиқ парига одамизод,
Бу ишни қайси оқил қилди бунёд?

Бир айдинг эмди бу сўзни демагил,
Анинг учун ғаму ғусса емагил..»

*Бадиулжамол яшурун бориб, шаҳзодани кўруб ошиқ
бўлгони*

Чу таъриф ўқи кўксина тикилди,
Муҳаббат тухми кўнглига экилди.

Ким ул элдин уялиб ноз қилди,
Вале кўнгул қуши парвоз қилди.

Бу сўз устида кўп қилди далолат,
Малика оқибат бўлди хижолат.

Бошин қўйди малика уйқу бости,
Бадиъ кўнглини ишқ ўтиға ости.

Шаҳаншоҳ ишқи охир зўр қилди,
Парининг кўнглини пуршўр қилди.

Чу ўтти тун ярими уйқуси йўқ,
Фами шаҳзода, ўзга қайғуси йўқ.

Бўлуб эл кўзидин махфий равона,
Ўюқлаб қолди онда ул дугона.

Қўпуб келди кўрай деб тоза гулни,
Юзини кўрди, олдурди кўнгулни.

Ёқиб ишқ ўтини маҳга шаҳаншоҳ,
Эгиб меҳр ўти анга урди бир оҳ.

Ўзидин бордию беҳуш бўлди,
Ки ичмай бода ул хомуш бўлди...

Шаҳзода ташқари чиқиб, Бадиулжамолни топгони

Шаҳаншоҳ мажлиси ҳам маст бўлди.
Суруду созлар ҳам паст бўлди.

Бори уйқу ерига қўйдилар бош
Вале шаҳзода кўзидин тўкар ёш.

Ёта билмай турууб ташқори чиқти,
Юруб уй теграсидин кезди боқти.

Кўрар бир нозанинни маст беҳуш,
Етур нозик бадан, симиин бандогўш..

Келиб кўргач таниди ёри содиқ,
Кўтарди бошини ул шоҳи ошиқ.

Бошин тизига олди, урди бир оҳ,
Ки уйғонмади уйқусидин ул моҳ.

Анинг оҳи дами кўзига тегди,
Кўзининг ёши ҳам юзига тегди.

Ки ногоҳ сесканиб келди ўзига,
Чу ноз ила илик тутти юзига..

Деди кимсен, бу не густохлиқдур,
Пари шоҳига не густохлиқдур.

Агар кўрса сени бир жин баякбор,
Қилур ушбу замон маюб, афгор.

Ки бўлди шоҳ чув жононасикур,
Магарким шамъ ўти парвонасикур».

Чу йиғлаб дедиким: «Шоҳоки зинҳор,
Чу сен ғамхорасен ўзга на ғам бор.

Муродим, мақсадим, кўрар кўзумсан,
Ун уч йилдин бери сўзлар сўзумсан.

Ун уч йилтур сенинг ҳажрингда афтор,
Ғаминг бирла ғарифликда ғирифткор.

Юзумга боқ манинг икки кўзумсан.
Шакар оғзингни оч, шириң сўзумсан.

Эшиккан бўлғасен бу дардимизни,
Раҳм қил, кўр бу рўйи зардимизни».

Сузулуб боқтию қилди табассум,
Қилибон ғунчадек бир-бир тақаллум.

Дедиким: «Одам ўғли бевафодур,
Ҳақиқат бўлмас анда пуржафодур.

Парига одам ўғли бўлса ошиқ,
Ки тупроқ ўт била бўлурму лойиқ?»

Маликзода деди: «Ўртанса тупроқ,
Қилур ўтқа таҳаммул бўлса тупроқ».

Чу кўрди шоҳнинг ишқи ҳақиқат,
Қилибон шарт боғлади муҳаббат.

Муҳаббат бирла ичти шарбати аҳд.
Бири-бирига сўндиilar шакар-шаҳд.

Иликларин солиб бўюнларига,
Фалак этиб ҳасад ўюнларига.

Сўруб дардига дармон лабларидин,
Шифо топти, қўнгул оғриқларидин.

Нечукдин ғофил эрди ушбу гардун,
Муродига етишли ул жигар хун.

Агар маъшуқдин бўлмас ишорат,
Ки ошиққа яна бўлмас башорат.

Агар маъшуқ майли йўқ, билингиз,
Ета билмас анга ушшоқ ҳаргиз...

Шаҳбол қизига тўй яроғин қилғони

Аё рови, кетургил яхши достон,
Бу дафтар охирини қил гулистон.

Деди рови: қиш ўтубон келиб ёз,
Кўнгулда ғам хумори май ичиб ёз,

Кўнгулдин кўтариб Шаҳбол ғамини,
Ясаб, тузаб гулистони Эрамни.

Қилиб ангиз эмди тўй яроғин,
Ясаб эрди сарою кўшк, боғин.

Қелиб Бадиъжамолу ҳам малика,
Эрам боғига ул икки жоника.

Ки Соид ҳам келибон шоҳ қошиға,
Бўлубон мунис ул ёлғуз бошиға.

Чу Шаҳболбону ўғлум деди шаҳни,
Деди мен тўй этарман меҳру маҳни.

Ярогин қилди гүфту тўй бирла,
Кетурди тўй ҳој бирла.

Тикибон боргоҳи хисравона,
Қулоқ эшишмаган бир шомиёна.

Ўтоғ, уй қилибон ул боргаҳни,
Мурассаъ тахтга ўлтурғузди шаҳни...

Кетурдилар шаробу бода рангин,
Газак нуқли кабобу шаҳд ширин.

Йигилдилар паризоду гуландом,
Тутуб соқи наво сози дилором,

Ки бор хушбўй анбар бениҳоят,
Эрам боғи бўлуб ҳушбў бағоят.

Парилар нағмаларни соз қилди,
Кўнгул булбуллари парвоз қилди.

Чалиб созандалар ноз ила созин,
Қилиб нағмага соз овозларин.

Париларнинг ўюни бу мазоқи,
Бўлуб мискин башарларнинг тузоқи.

Буларнинг чархидин бу чархи гардон,
Кеча-кундуз қилур шавқила жавлон.

Фалак урди бу тўйда завқ чархи,
Ўюнчи чархларнинг синди чархи.

Ёқар ҳар кеча тўлун ой машъял,
Тонг отқунча ёнар бу уйда машъял,

Тикиб олтун алам султони довар.
Ураг гулбонг ўшул хуршеди ховар.

Аторид нақш боғлар соз ичинда,
Қилур наққошлиқ овоз ичинда.

Бўлубон Муштари Зуҳраға дамсоз,
Карашма бирла даст андозу пурноз.

Зуҳал боғлаб белин хизматқа қулдек,
Супуруб эшикин ҳар кунда гулдек.

Мусаллаҳ оддида Миррихи хунрез,
Ки тўккай душманиниг қонини тез.

Маишат бирла машғул жинн ҳам боз,
Тафарруж бирла Зуҳра нажм ҳамсоз.

Еб-ичиб неча қунлар шаккару шаҳд,
Қилиб ақди никоҳи меҳр ила аҳд,

Ки охир бўлди тўё элга рухсат,
Бўлуб вақти қўшулса фатҳу нусрат.

Саодат бирла давлат ёр бўлди,
Фарид шаҳзода бархўрдор бўлди.

Тушубон шамси ховар манзилига,
Йжозат бўлди кулли маҳфилига.

Чу хилват бўлди шаҳзода бир уйда,
Йигилди хос маҳрамлар бир уйда.

Энага бирла уй қизларина боқ,
Парилар юзлари гул, туслари оқ.

Йигилиб келдилар гул баргин олиб,
Шаҳаншоҳға сарви симинни олиб.

Энага келтуруб топшурди жонин,
Қабул этти чу шоҳ руҳи равонин.

Муродига етишиб кўнгли тинди,
Фалак кўруб ўёттин бўйни синди.

На хушдур эмгак ичра топса роҳат,
Чу марҳамдур, туташса гар жароҳат,

Ҳасад бирла замона қолди ҳайрон,
Ҳасадхўрнинг юроки бўлди ларzon,

На ҳуш кундурки ғамгии шод бўлди,
Бузуқ кўнгул яна обод бўлди...

* * *

На ҳуш кундур ўшал кун ғам тугона,
Жафокашлар вафо кўруб қувона,

Буюрсун, кўзи, кўкси дилбарининг,
Бори кўрсун вафосин дилбарининг.

Нечукким шоҳ кўрди ёр вафосин,
Вале чекти ажойиб кўп жафосин.

Жафо чекмай кишига роҳат ўлмас,
Агар куймас ўтунға жўш бўлмас.

Чу деҳқон чекмаса жавру жафосин,
Емишларнинг киши кўрмас вафосин.

Жаҳонда жаврлар ошиқ учундур,
Вале, билгил, алар лойиқ учундур.

Саодаттур мувофиқ ёри содик,
Муносиб бўлса ҳушдур икки ошиқ.





ПОШОХОЖА





Абдулаҳобхўжа ўғли Пошохожа (таҳаллуси Хожа, XVI асрда ижод этган. У руҳоний оиласидандир. Узи ҳам бир вақт Балх ҳокими Жонибек ўғли Қистон Ҳора султон (1556 йилда вафот этган) саройида шайхул-исломлик вазифасини бажарган.

Хожа ҳам прозада, ҳам поэзияда катта маҳорат кўргазди, айниқса Низомий, Навоий ва Бобир таъсирида бўлди. Ҳатто ўзининг баъзи асарларини Бобирга баҳо олиш учун юборган. Унинг дунёқараши жуда зиддиятли ва қолоқ, ҳатто айрим реакцион фикрларга ўрин берганиligига қарамай, унинг ижодида ўз даврига кўра илгор қараш ва идеялар устун туради.

Унинг кичик, ибратли ҳикояларни ўз ичига олган «Гулзор» номли асари Шайх Саъдийнинг машҳур «Гулистон»и типидаги асардир. «Мифтоҳул-адл» ҳам сўнгти текширишларда аниқланишича Хожаникидир. Айрим манбаъларда Хожанинг «Мақсадул-анвор» деган асари борлиги айтилса-да, лекин ҳали бизга етиб келган эмас.

Биз бу тўпламда Хожанинг ана шу икки асари «Гулзор» ва «Мифтоҳул-адл»дан намуналар бердик.





«МИФТОҲУЛ-АДЛ»ДАН

ҲИКОЯТ

унлардин бир кун бир подшоҳ бор эрди. Бисёр одил эрди. Бир кун бир вазирина айди: ҳаж тавоф қилмоқға борурман, сан борурмусан? Вазир айди: эй подшоҳим, тахти бўш қўюб Каъбаға борсангиз эл-халойнқ боштоқ бўлмасму, теди. Подшоҳ айди: боштоқ бўлмас, йўқ эрса, манга ҳаж қилғон ҳожининг савобин сотғун олиб беринг, қиёматда ҳожилар бирла тургайман. Вазир «Подшоҳ, учин ҳаж сотғун олмоқ керак» деб истаб юрур эрди, бир кимарсаға йўлукти. [Ул киши] айди: фалон ерда бир зоҳид бортурур. Йигирма қатла Каъбаға ёёғ борибтурур ва тақи ҳаж қилибтурур ва ҳеч кишининг ошин емас, анга боринг. Ул бир ҳаж сотса, подшоҳ учун олинг. Бориб ул зоҳидни подшоҳга олиб келдилар. Подшоҳ айди: эй зоҳид, бир йўли қилғон ҳажингнинг савобин бизга сотурмисан? Зоҳид айди: нега олурсиз? Султон айди: минг қизил танга берайин. Зоҳид айди: минг қизил танга оз турур. Султон айди: эй зоҳид, оз бўлса, ўн минг қизил танга берайин. Зоҳид айди: оз турур. Султон айди: ўзинг на тиласанг тилагил. Зоҳид айди: эй подшоҳим, бир ҳаж на бўлғай, йигирма ҳажимнинг савобини санга берайин, сан бир соат адл қилғонингнинг савобини манга берсанг. Султон айди: эй зоҳид, бир соат адл қилғоннинг савоби на бўлур? Зоҳид айди... бир соат адл қилғоннинг савоби одамларнинг ва паришталарнинг ва ҳурларнинг ибода-тидин ортуқтурур.

Х и к о я т

Кунлардин бир кун, Султон Маҳмуд Газнавий золим эркан. Онинг бир вазири бор эркан Ҳўжа Ҳасан отлиғ; бисёр оқил ва доно ҳам одил. Бир кун Султон Маҳмуд бирла иккилари овга чиқиб борур эрдилар. Ногоҳ шаҳарнинг қироғинда икки бойқуш сўзлашур эрди. Вазир айди они кўруб, оҳ, дариғо, теди, йиғлади. Султон сўрди: не учун йиғларсан? Вазир айди: бу икки бойқушнинг сўзиға йиғларман, теди. Султон айди: не? Вазир айди: ул бир бойқуш бул бойқушға айтатуурким, иккимиз қуда бўлайлик қизингни манинг ўғлумға бергил, тақи қолин не тилар бўлсанг берайин, дер. Ул айтатуур: манинг қизимнинг қолиниға ўн минг бузуғ уй керакдур. Ул айтатуур: агар Султон Маҳмуд тирик бўлса, бир йилдин сўнг юз минг уй десанг ҳам берайин, теди. Ман шул сўзға йиғладим. Султон айди: ман шунингдек золимтуурманким, манинг зулмимдин бир йилда юз минг уй хароб бўлур?! Вазир айди: андоқ эрмиш. Султон айди: не қилмоқ керак? Вазир айди: адл қилмоқ керак ва тақи зулм қилмоқдин тавба қилмоқ керак, тавбадан яхши нимарса йўқтурур. Султон айди: тавба қилсам, олло таоло гуноҳларимни кечарму? Вазир айди: кечар, пайғамбаримиз айтибдурлар: ҳар киши гуноҳдин тавба қилса, гуноҳ қилмағондек бўлур, Султон бу сўзни эшилти эрса, овға бормади, уйига келди, қилғон ишларидан тавба қилди ва тақи ҳаргиз зулм қилмади, адл қилди. Ондин сўнг кундуз адл қилар эрди, кечалар дарвешларнинг либосин кийиб, эшикдин эшикка юрур эрди: қайди бир тул хотун ё бир мискин бўлса, анға эҳсон қилур эрди.

ҲИҚОЯТ

Кунлардин бир кун Луқмони Ҳаким аввал бир қул эрди. Ҳожаси бир кун айди: ё Луқмон, фалон ерга бориб, арпа эккил, фалон ерга бориб, буғдой эккил, теди, эрса Луқмон бориб, арпа эккил деган ерга буғдой экти, буғдой эккил деган ерга арпа экти. Қачонким экин тамом бўлди, эрса Луқмоннинг ҳожаси келди, кўрдиким, арпа ерида буғдой экилмиш ва буғдой ерида арпа экилмиш. Ҳожаси айди: нечун мундоқ қилдинг? Луқмон айди: ман гумон қилдимким, арпа еринда буғдой битар ва буғдой еринда арпа битар, деб, андоқ қилиб эрдим. Тақи Луқмон айди: эй хожа, нечукким ёзук ўрнинда савоб битар, савоб ўрнинда ёзук битар?! Туну кун зулм қилурсан, тақи қиёматда савоб умид этарсан. Ҳожаси бу сўзни эшилти, эрса бир оҳ урди, жамиъ эткан гуноҳларидин тавба ва истиғфор қилди ва ҳам Луқмонни озод қилди.

Эмди билмоқ керакким, ҳар ким бу дунёда не экса, они ўар.

Ҳ и к о я т

Кунлардин бир кун, Султон Маҳмуд Фазнавий Аёзни хослордин зиёдароқ яхши кўрар эрди. Бир кун бир вазири айди: ё Султон, Аёз айтатурким, Султон ҳар вақт манинг қулоғимға сўз айтур бўлса, онинг оғзининг исидин чида бура билмасман, тақи бурнимни ва оғзимни тутарман, деди. Султон айди: ҳоло тонг бирла боқайим, агар рост бўлса, ман билғайман-анға не қилғойман, тегоч бу вазир уйига бориб тунмоч деган ош буюрди, айди: саримсоқни кўп солғайсиз, теди Тақи ўзи ташқари чиқди. Қўарқим, Аёз хос боратурур. Бу айди: Султон боши учун бир замон уйға тушкил, деди. Аёз тушти. Андин сўнг шул буюргон ошни олиб чиқди. Ул, ошдин бир кося ош ичди, ондин сўнг отланиб Султон хизматиға борди. Султон Аёзни кўрди, эрса вазирнинг сўзи ёдига келди. Аёзни чақирди. Аёз енги бирла бурун тутуб келдиким, саримсоқ иси Султоннинг бурниға бормосун, деб. Султон гумон қилди, вазирнинг сўзи рост эркан деб. Бир хат ёзиб муҳр қилиб Аёзниң қўлиға берди, айди: бу хатни фалон шаҳарга олиб борғил, санға харжлик минг олтун берсун. Хат ёзиб эрди: бу хатни олиб боручини сўзлатмайин ўлдургайсан, деб эрди.

Бу хатни Аёз олиб боратурғонда саримсоқ солиб ош берган вазир кўрдиким, Аёз боратурур. Сўрдиким, не ерга борурсан? Айдиким манға Султон фалон шаҳардин минг тилло харжлик учун ғолмоққа! хат берди. Вазир айди: шул хатни манға берсанг, ман бориб, минг тиллони санға келтуруб берайин, ўзунг биласан — манга ҳар на берсанг олурман, мен зиёда кам харж бўлубман, деб

ғадр қилди, эрса Лёзнинг раҳми келиб хатни қўлига берди. Ул вазир хатни олиб ул шаҳарга борди. Ул хатни олиб кўргач, ул вазирни ўлдурдилар, ёнидаги одамлари қочиб Султонга келдилар. Эрса Султон Аёзни чақиртириб сўрдиким, вазирнинг шул айтғон сўзи ростму, этгил, теди. Аёз онт ичти, айтғоним йўқ, деб. Султон айди: ул кун нечун оғиз-бурнунгни тутуб келдинг, деди. Аёз айди: ул кун сизга келур эрдим. Йўлда вазир уйға тушуруб бир коса ош бериб эрди, ул ошнинг саримсоқи кўп эркан, саримсоқ иси сизга келмасун деб оғиз-бурнумни тутуб келдим, деб жавоб берди. Ондин сўнг подшоҳ хушвақт бўлуб, Аёзға сарнолар бериб, от мин-дурууб йибарди.

ҲИКОЯТ

Кунлардан бир кун Искандар Зулқарнайн Ҳамадон шаҳрига келиб хирож талаб қилди. Ҳамадон беги баҳодир эрди, хирож бермади, урушти. Тақи бекнинг оди Доро эрди. Нечаким уруштилар, Дорони енга билмадилар. Искандар айди: не ҳийла қилиб Дорони тутғаймиз? Вазирлар айди: Доронинг бир иноқ қули бор, аларга элчилар йибординг, тақи айтсунлар: сизлар Дорони ўлдурсангизлар, ҳарна муродларингиз бўлса они қилурмиз. Искандар элчи йиборди. Шул сўзни айтиб элчи боргандан сўнг шул хабарни айтибтуур. Ондин сўнг ул иноқ икки қул бир кеча Искандарнинг ёнига келиб ваъдани бир ерда қўюб, ўлдурмақчи бўлдилар. Ондин сўнг Искандарнинг бир оти Зулқарнайн эрди. Яна Искандар айди: сиз иккингиз Дорони ўлдурсангизлар, лашкарда барчадин юқори ўрун беройин, деб ваъда қилди, эрса бу қуллар бош урдилар. Тонглоси икки лашкар бир-бирисиغا саф тортиб рўбарў бўлдилар. Ондин сўнг бу икки иноқ қул Дорони ўлдурууб бошини олиб келдилар, эрса Искандар Дорони буюрдиким яхши қилиб эъзоз қилиб кўмунглар, ондин сўнг Дорони кўмғон ерда икки дор қилинг, бу икки иноқ қулни ўлдурунг, дорға осинг, деб амр қилди. Ул қуллор айдилар: эй Искандар, бизга не ваъда қилиб эрдинг? Одилтуурсан, нечун золим сultonлартек ваъдани бузарсан? Искандар айди: ман ваъдани бузмасман. Доро сизларни мунча йил тарбият қилиб сизларға ўрун берди, шартимга бутунман, вале сизлар хоинтуурсизлар, мунча вақтдан бери Доро сизларни тарбият қилиб асрари, сизларга ўрун берди, анинг

ҳақини билмадингиз, анга ямонлик қилдингиз, ўлдурдингиз. Эмди манинг ҳақимни тақи билмассизлар. Эмди бу лашкарда сизларга юқори ўрун берурман,—дортуур,— ман шартимда туурман, Сизларнинг жазойингиз бу турур.

Х и к о я т

Баҳром гўр отлиғ бир подшоҳ бор эрди. Доим ичку бирла машғул бўлуб ишрат қуур эрди. Ўзининг бир вазири бор эрди. Оти Ростиравшан эрди. Ҳарнаким қилса ул қилур эрди. Подшоҳ ани эътибор қилиб эрди. Ул Ростиравшан халойиқларга зулм қила бошлади. Халойиқ борча қочиб кета бошлади, эл-улусу борчалари торхонди, шаҳарлар хароб, хазинага мол кирмас бўлди.

Бир кун бир элчи келди, айди: эй подшоҳ, фалон бек сизга ёғи бўлди, чирик тортиб келатурур. Баҳром бу сўзни эшилти, эрса ҳайрон бўлди: манинг қулум манга нечун ёғи бўлди. Хазина очтурди, кўрарким моли йўқ, чирик йигилсун теди, кўрарким чириги йўқ. Фикр қилди: бу ишга не тадбир қилойин, теб силсоҳу совтин кийди, отланиб ёзинга чиқти, онча юрудиким, сувсади, узоқдан бир чодир кўрунди, борди эрса кўрарким чодирнинг эшикнида бир итни дорга осиб қўймишлар. Бир киши чиқти, Султон айди: не киши турурсан? Ул киши айди: қўйчи турурман, деб подшоҳни тушурди. Ош келтурди. Султон айди: сусаб турурман. Манга сув бергил. Сув берди. Андин сўнг подшо айди: бу итни нечун осиб турурсан?. Ул айди: бу ит манинг итим эрди, қўйларимни боқар эрди, эрта бирла ўтга олиб борур эрди, кечалар қўноққа олиб келур эрди. Бир кун қўйларимни санадим, эрса кам келди, тақи иккиланчи куни ҳам санадим, яна эксук келди, ажойибға қолдим. Туш вақтда ёлғиз қўйларга келдим, кўрарманким, бир мода бўри келди, бу ит ул бўрини кўрди, ёнига борди. Иккиси жуфтлашди.

Ондин сўнг ит йироқға бориб ётти, ул бўри қўйларнинг аросиға кириб, кўп қўйларни нобуд қилди. Ҳар нечаким қичқирдим ва фарёд қилдим, ит ериндин турмади, охир қўйларни суруб уйға келтурдим. Ва яна хиёнат қилгони учун бу итни дорга осиб ўлтурдим. Они кўруб ўзга итлар хиёнат қилмосунлар деб, дорга осиб қўйдум.

Баҳром подшо бу сўзни эшилти, эрса айди: ажаб эрмас, бу ишлар вазирнинг хиёнатидин келмиш бўлгай, тақи кўнглиға айди: мундин боргандин сўнг вазирни чоқириб сўрашмоқ керак. Ондин сўнг уйға келди, амр қилди вазирни чақиринг, деб. Вазирни олиб келдилар. Амр қилди: зинданга олиб боринг. Зинданга олиб бордилар. Ондин сўнг айди: жамиъ халойиққа жар урдурунгким, вазирга ҳар ким ноҳақдин бир танга берган бўлса икки тангасин олсун, деб амр қилди ва яна сўрдиким, зинданда ҳар неча киши бўлса олиб келинглар, теди. Ондин сўнг зинданда ҳарна бор кишиларни олиб келдилар. Баҳром бирисидин сўрди: неча йил бўлди, зинданда ётурсан? Ул айди: уч йил бўлди. Баҳром сўрди: на гуноҳинг бор эрди? Ул киши айди: тақсир подшоҳим, ман бозиргон эрдим, бу шаҳарга инжу олиб келдим, бир шада инжуни даллолга сотмоққа бердим. Вазир ул инжуни кўрмиш, ондин сўнг мани чоқириб савдо қилиб олди, аниг баҳосин сўроб бордим, эрса мани тутуб зинданга солди. Уч йил бўлди, зинданда ётурман теди.

Баҳром яна биридин сўрди: сан зинданга нечун кирдинг? Ул айди: ман фалон маҳаллада бир бой эрдим, фақирларга ва мискинларга ош, нон, закот ва ушр беरур эрдим. Бир кун вазир мани келтуруб айди: сан на учун мунича ҳарж қилурсан? Бир ерда ганж топғон бўлғайсан. Ман айдим: ганж топғоним йўқ. Ондин сўнг жамиъ молимни олиб ўзумни зинданга солди, эрса икки йил бўлди зинданда ётурман, теди.

Ондин сўнг подшо яна биридин сўрди. Ул айди: ман сизнинг баҳодирингиз эрдим. Манга вазирдан улуфа буюрдингиз. Бориб тиладим, эрса манга бермади. Вазир айди: подшонинг ва новкарларнинг кишилиги манинг бирлатурур. Бир соатда подшони йўқ этабилурман. Инонмасанг ҳоло сани зинданга солдурайин, деб тутуб мани зинданга солдурди.

Алқисса, зинданийлар етти юз киши эркан, шул етти юз кишидин йигирма киши гуноҳлиғ чиқди, ондин бошқалари ҳама бегуноҳ эркан,

Алқисса, буюрдиким, вазирнинг уйиға боринг, дафтарларни олиб келинг. Бориб вазирнинг уйидин дафтарларни келтуруб, боқиб, кўруб ўлтуруб эрдилар, шуларнинг оросидин бир хат чиқти, ўқуб кўрсаларким, саломнома турур. Мазмуни буким, эй фалон подшо, ман вазир Ростиравшандин санга кўп-кўп салом. Баҳром тун-кун ичку ичар, тақи ихтиёри ҳарна манда турур, хазинада мол қўймодим, элнинг яхшиларини йўқ қилдим, ишқа ярамаслари қолди. Эмди бу тарафга лашкар тортиб келиб таҳтни олғил, Баҳромни ўлтурғил, ман санинг вазиринг бўлойин, деган хат ёзиб турур. Ондин сўнг Баҳром буюрди, бир дор ясадилар, вазирни олиб келиб бу дорга осдилар. Ондин сўнг ҳар кишидин зулм қилиб олғони не бўлса, буюрди, ҳисоб қилиб бердилар [Эгаларига]. Тақи ул ёғи бўлуб келатурғон подшоҳ бу хабарни эшигач, ўз юртина қайтдилар, Баҳром гўрга уз қилиб яхши моллар ва яхши нарсалар пешкаш қилиб юборди ва яна айди: мани қўймағон сизнинг вазирингиз эрди.

Эмди, сulton ё бек бўлғон киши вазирига ишониб ғофил бўлмоқ, керакмас. Ва яна подшоҳ ё бек бўлғон киши бир навкарин бир шаҳарга бекликка юборса, яширин ва яна бир фаразсиз кишини ортинча юбормак кепрак, адл қилурму ё зулм қилурму...

ҲИҚОЯТ

Кунлардин бир кун Нўширавони одил Озарбайжон шаҳрида кишисини амалдор қилиб юборди, ул кишига кўп насиҳатлар қилди, айди: зинҳор халойиқға зулм қилмағайсан. Ул вақтда Нўширавон ўн саккиз ёшинда эрди, ул кишини юборди, алқисса ул шаҳарга борғондин сўнг адлу дод қилиб неча вақтлар ўтти, зиёда кўп моллар жамъ қилди, ондин сўнг шайтон оздирди, золим бўлди. Ул шаҳарда бир тул хотун бор эрди, ул хотуннинг бир парча ери бор эрди, ерни ярим йилига бериб ужра олур эрди. Анинг молидин бир йилга тегру тўрт нон кунда бўлур эрди. Ул нонларнинг бирин бериб шамъ олур эрди ва бирин бериб ўтун бирла сув олур эрди. Ноннинг ўзгасини ўз маошига сарф қилур эрди. Бу тариқа бирла рўзгорни кечурниб ютур эрди. Ва ул Озарбайжон шаҳрининг беги хотуннинг ерининг қошинда бир боғ бино қилди... Ул ерни бу хотундин тилади. Хотун айди: Бермасман, бу ер маъга мерос қолғондур ва яна ҳам суви кўптуур ва тақи қўнгшулари яхши одамлардур деб жавоб берди. Ул ҳоким бу ерни куч бирлан олиб ўз ериға қўшти. Ондин сўнг ул хотун ноилож бўлуб ул ернинг пулини тилади. Ул ернинг ҳақин ҳам бермади. Ондин сўнг ул хотун ноилож бўлуб кўнглига айди: Эмди бўлмади, тадбир шулким, мунинг султони Нўширавон турур, шунинг ёнига бориб арз қилмасам бўлмас, деб Мадойин шаҳрига равона бўлди. Алқисса, неча кундин сўнг Мадойин шаҳрига борди, эрса Нўширавон кўшка бормиш эркан, ул хотун айди: эмди Нўширавоннинг келатурғон йўлида ўлтуб шул ерда арзимни айтай деб бир бутанинг паноҳина

ўлтурди. Ондин сўнг Нўширавон бир кийикка қуш солиб эрди, ногоҳ ул кийик бу хотуннинг ўлтурғон ериға қочиб келди, эрса хотун туруб Нўширавонға салом берди, Нўширавон сўрди: Не сўзинг бор? Ондин сўнг ул хотун ҳар на бўлғон воқиаларни бир-бир баён қилди, эрса Нўширавон буюрдиким, бул хотунни бир улоқға миндурууб фалон шаҳарга олиб боринг, ҳар кун хўрок беринг. Тақи айди: юз олтун харжи ҳам берингиз ва яна ҳар қачон ман киши юборсам олиб келгайсиз деб амр килди.

Озарбайжон беги ҳам Нўширавон хизматига келур эрди. Алқисса, Нўширавон ёнига ул бек ҳам келди. Ондин сўнг Нўширавон бир яхши кишини амин қилиб Ozarbayjxon шаҳрига юборди, айди: Фалон даҳада бир тул хотун бор эрди, сўргилким, қайдা борубдур, нечун кетибдур, ҳар на бўлғон воқиаси бўлса, ростин келиб борча беклар ўлтурганда айтиб хабар бергил, деб юборди. Ондин сўнг ул киши ул шаҳарга бориб ул хотуннинг даҳасига борди, сўрди. Қўншулари айдилар: бу хотуннинг бир парча ери бор эрди, шул еридин маош қилиб ўлтурууб эрди, ҳоло ул ерни куч бирла хоким олди, эмди бир ой бўлдиким билмасмиз ул хотун қайдада бормуш бўлгой деб жавоб бердилар.

Ул амин киши бул сўзни эшилти, эрса қайтиб Нўширавон шаҳрига келди. Туш чоғи эрди, борча беклар, амирлар бор эрдилар. Қелиб Нўширавонга салом берди, Нўширавон сўрди: Қайдада эрдинг? Бу амин айди: эй подишаҳим, мани амин қилиб фалон хотуннинг сўзига юбориб эрдингиз, ондин келурман. Ондин сўнг Нўширавон айди: кўргон-билгонингни айгил, деб амр қилиди. Ул амин баёни воқиани борин баёни қилди, Нўширавон айди: эй беклар, Ozarbayjxon бекидин сўринг, не чоғлиғ моли бор эркан. Сўрдилар. Ул айди: бўларнинг ҳамасидин манинг молим зиёдтуур, теди ва яна сўрдилар: мундин борғанда не миқдор молинг бор эрди? Онда айди: молим йўқ эрди. Нўширавон айди: раво бўлғойму онча молинг бўлуб, бир тул хотуннинг бир парча ерин куч бирлан олмоқ, теди. Беклар айдилар: ёмон қилибдур. Ондин сўнг буюрди,— ул хотунни олиб келдилар. Нўширавон айди: бек бирла икиларин сўзларин сўрунг. Сўрдилар, эрса хотуннинг сўзи рост бўлди, эрса ондин сўнг Нўширавон буюрдиким, бекни тириклайн теридин чиқоринг. Бекни тирик теридин чиқордилар. Ондин сўнг этини итларға бердилар. Ондин сўнг ул олгон ерни ва

яна бекнинг боғини ҳамасин юз олтун бирла ул хотунга бердилар, яна ҳам бир киши юборди, ҳар кишига зулм қилиб, молин олғон бўлса, унинг молидин берингиз деб амр қилди. Ондин қолғон молларни дарвешларга сарф қилинг, теди.

Тақи айтибтурларким, қаю хазинага зулмнинг бир оқ-часи кирса ул хазинани йиқмойин қўймас. Тақи, бекларға айди: эй беклар, сизларга икки ой муҳлат бердим, ҳар кимдин зулм қилиб нарса олмиш бўлсангизлар, қайтариб жойига бергойсизлар. Эй беклар, икки ойдин сўнг мунодий қилдурман, ҳар кимдин бир донки зулм қилиб олғон бўлсангиз, сизларни ҳам тақи бу бекдек ўлтуурман, деб амр қилди. Борча беклар уйлариға келдилар, халойиқға мунодий қилдилар: кимнинг кимда ҳаки бўлса келиб олсун, деб. Ондин сўнг Нўширавон айди: бир занжир тузоттуруб келтурунг, бир учин манинг тахтимга боғланг ва яна бир учин тошқорувға боғланг, шул занжирга занглар тоқинглар, тақи ҳар кишиға зулм етса, шул занжирни терпатса, тоинки ман эшитгайман, деб амр қилди, эрса андоқ қилдилар. Кунлардан бир кун занжир тебранди, сұлтон буюрди: чиқиб боқинг, ким турур? Боқтилар, эрса бир қўтур эшак занжирга ўзин уратурур, эшакни қувиб юбордилар, келиб Нўширавонга айдилар: ҳеч киши йўқ эркан, бир қари эшак занжирга ўзин суртур эркан, қувиб юбордук. Нўширавон айди: ул эшак биздин дод истар эркан, эмди бориб ул эшакнинг эгасини икки қўнгшуси бирлон олиб келинг, деди ва яна ондин сўнг бориб сўрдилар, билатурганлар айдилар: бў эшак бўёқчиники турур, ҳар кун мунга тўчлар ва бўзлар юклаб, сув бошиға борур эрди. Эмди бу эшак қари бўлди ва арқаси яғир бўлди, эрса эгаси муни озод қилибдур, ўт ҳам бермойдур, борса уруб қоватурур, эмди оч бўлуб, кўчаларда юргонда ўғлонлар ҳам тош бирла урарлар, деди. Эрса эгаси бирлан икки қўнгшусини бирго олиб келдилар, тақи сўзларни айдилар, тақи Нўширавон икки қўнгшусидин сўрди, рост айттурму? Улар айдилар: рост айттур. Ондин сўнг амр қилди: бу эшакка ҳар кунда икки ботман емни берсун ва тақи бир ахтахона ясасун ётмоқиға, ва агар андоқ қилмаса сизлар келиб манга ойитгайсизлар, агар ойитмасангизлар қиёматда бу эшакнинг гуноҳи сизларнинг бўйнингизда турур, деди. Тақи қабул қилиб чиқтилар.

ҲИКОЯТ

Кунлардін бир кун Султон Маҳмуд Фазнавий түш вақтида ўлтуруб әрдилар. Бир толибул илм йигит келиб салом қилди, тақи айди: эй Султоним, қози элидин дод. (Султон) айди: не қилди? Ул толибул илм айди: отам бир қари киши әрди, ўлди, әрса моли күб қолди. Ман таҳсили илм қылмоқ учун Туркистон вилоятиға бормоқчи бўлуб, минг қизил тиллони бир киссанки ипакдан тўқулғон әрди, онға солиб қозига олиб бориб амонат қўйдум, тақи ул киссанинг оғзиға муҳр ҳам қилиб әрдим. Бир неча вақтдин сўнг таҳсили илм қилиб келдим, әрса қози олдиға бордим, ўшул амонат қўйғон нимарсани беринг деб. Ул, киссани муҳри бирлан чиқариб берди. Уйга бориб ўшул киссани очуб кўрсам мис танга бўлубдур. Ондин сўнг қозидин бориб сўрдум, әрса ул қози айди: ман билмон, манға бир муҳрлик кисса бердунг, олтинму ва ё боқирму, билмойман, муҳрин санға бузмай бердим. Тиласанг, муҳр бузуб олмоғонимга онт ичарман, теди. Эмди сизға келдим, сиз билурсиз. Султон айди: онт берғил. Ул толибул илм айди: эй Султоним, бу қозининг ҳикояти лаклак қушнинг ҳикоятига ўхшар, онға нечук онт берайин, теди. Султон айди: лаклак қушнинг ҳикояти нечуктурур? Ул толибул илм айди: лаклак доим йилон ер эрмиш. Бир кун йилонлар жамъ бўлиб айдилар: бизлар лаклак бирлан муроса қилиб қисмат қилоли: ҳар кунда бир йилон онинг хўрекига берали, ўзгамизға заҳмат бермасун. Борчалари айдилар: андоқ бўлсун. Бир йилонни элчи қилиб лаклак нинг ёнига йибордилар. Лаклак ҳам бу сўзни қабул қил-

ди, онт ичтиким, кунда бир йилондин зиёда емасман, деб. Бир неча кун кечкандин сўнг лаклак болалади, боласа оч бўлди, бир йилонга қорни тўймос бўлди. Бир кун йилонлар инидин чиқиб, ҳама жамъ бўлуб ўлтурур эрдилар. Лаклак учуб борур эрди. Буларни кўруб, ёnlариға келди тақи салом қилди, фикр бирлан туриб эрди, йилонлар келиб борчалари зиёрат қилдилар. Бир соат кечти эрса йилонлар ғофил бўлуб туруб эрдилар, бурнин узотуб беш-олти йилонни тутти, икки тирноғи бирлан икки йилонни тутуб учуб, болаларнинг ёниға келди. Оидин сўнг йилонлар фарёд қилиб, лаклакни кейнидин бордилар тақи айдилар: эй лаклак, сан онт ичиб эрдинг, кунда бир йилондин бошқа йилонға тегмас бўлуб эрдинг. Нечук онтни буздунг? Ул айди: сизлар билурмусизлар, ман ким туурман? Доим ман минора устида ўлтурурман тақи минорадин туруб масжидга сонғурман, гуноҳдин қўрқмасман. Минора бошидин масжидга сонғурғон (нинг) онти бўлурму, теди. Эмди эй Султоним, бироқим қози бўлуб хоин бўлса, эртаю кеч ришва олиб ўлтуррон бўлса, онингдек киши нечук онт ичмас, теди. Бу сўз Султонға бисёр хуш келди. Султон айди: ул киссани манинг ёнимда қўюб борғил, ман бир фикрин қилойин, деб ул киссани олиб қодди, айди: ҳоло санинг сўзинг бирлан бул қозини ўлтурсам, ҳалойиқ айтурлар: қозининг шули учун ўлдурди деб маломат қилурлар, одим ямон бўлур. Толибул илм кетти. Султон бу киссани қўлға олиб бақти, ҳеч бир еринда тешукнинг гумони йўқ эрди. Султон фикр қилдиким, ажаб эрмас, бу киссани тешуб доғи тукутғон бўлса деб гумон қилди. Бу кеча ётиб, эрга турғонда тушакнинг бир еридин пичоқ бирлан ёрди. Ондин сўнг ўзи овға чиқиб кетти. Ондин сўнг фаррош келиб, тушакни йигор бўлди. Кўрсаким, пичоқ бирлан кесилғонтуур. Айди: агар муни Султон кўрса, не қилғоймаң, деб қўрқунчдин. Ондин яхшироқ йўқтууржим, муни элтиб тўқутғоймен, теди. Бир устод тўқуғувчи бор эрди. Анға айди: эй устод, муни андоғ тўқифилким, кеч киши билмосун теди. Ул айди: андоғ қилойин, теди. Беш олтун берди. Ул устод қабул қилди, бир кун ичида тўқуди, фаррошнинг қўлига берди. Фаррош келтуруб тўшакни тўшакхонаға кўйди. Султон овдан келди, кўрдиким тўшак бутун бўлубдур. Фаррошдин сўрди: бу тўшакни ман кесиб эрдим, муни ким тузагти? Фаррош айди: сиз жеткандин сўнг тўшак йигарда кўрдумким, тўшак кесилмиш. Ондин

сўнг қўрқонимдин, бир киши бор эркан, олиб бориб ту-
заттурдум. Султон айди: ул устони эртонг бирла олиб
келғасан. Ажаб бўлур, деб ер ўпти, тақи тонг бирла бо-
риб ул устони олиб келди, эрса Султон айди: эй устод,
бу тўшакни санму тўқудинг? Ул айди: ори, ман тўқудим.
Султон сўрди: бу шаҳарда сандин бошқа ҳеч усто бор-
му? Ул айди. йўқтур. Султон айди: ўз бошинг учун ай-
ғил: қози санға ҳеч кисса тўқуттурдиму? Ул айди: ори.
Султон айди: кўрсанг тонурмусан? Ул айди. тонурман.
Султон ул киссани чиқориб, устоднинг олдиға ташлади.
Устод олиб кўрдиким, ул киссатуур деди.

Султон айди: бориб пулчиларни олиб келинг, деди.
Ондин сўнг бориб пулчиларни олиб келдилар. Султон
алардин сўрди: қози учун мис танга қоқтингизму? Олар
айдилар: ори. Султон айди: тонурмусизлар? Айдилар:
тонурмиз. Чиқариб кўргузди, эрса алар айдилар. шул-
туур. Ондин сўнг буларни бир уйга киргузуб қўйдилар.
Ондин сўнг толибул илм бирлан қозини олиб келдилар.
Султон толибул илмга айди: сўзлоғил, теди. Толибул
илм ҳар не сўзи бор эрди, борчасин баён қилди. Қози
айди: ёлғон айтур. Манға бир муҳрлик кисса берди Бил-
мадим, ичинда не бортурур эрди. Ман тақи муҳрин буз-
мой, ул берғондек ўз қўлига бердум, теди Султон айди:
амонатни хиёнат қилмоғонинг учун онт ичормусан? Қози
айди: ичорман, теди. Султон айди: пулчи устод бирлан
киssa тўқуғон устод гувоҳлик берсалар ўлармусан? Ул
айди: ўларман. Султон айди: пулчи бирла кисса тўқуғон-
ни упданг. Ундадилар. Кисса тўқуғон айди: эй қозим,
киссани ман тўқуб санға бердим. Пулчи айди: эй қозим,
бу пулни ман санға ишлаб бермадимму, сан тонорсан.
теди. Қозиға таваҳҳум бўлди. Султон айди: донишманд-
лардин сўранглар, бу қозиға на кесилур? Донишмандлар
айдилар: ўлум керак. Ондин сўнг Султон ҳукм қилди-
ким, бу қозини дорға осинг. Тақи осдилар. Ондин сўнг
Султон ул толибул илмға буюрдиким, сан қози бўл, теди.
Ул толибул илм айди: ман шунча вақтдан берли илм
таҳсил қилдим худо ризоси учун. Эмди олло таоло ёрла-
қағай... Эмди сан тиласанким, ман қози бўлсом, тақи
ўлсам, имонсиз кетсам, теди. Султон айди: нечук? Ул
айди:

Озарбайжон шаҳринда бир қози бор эрди. Хаста бўл-
ғон эркан. Ман устодим бирлан ул қозининг кўчасидин
ўтуб борур эрдук. Келиб айдилар: қозини сўрмоссизлар-

му? Устодим сўроғоли кирди, эрса ман ҳам бирга кирдим. Қозини кўрдук эрса, қози бизларга қараб йиғлади, тақи калимаи шаҳодат ўқиди, тақи айди: эй устодим, ман ўлсам, мандин ризо бўлунг, теди. Устодим айдилар: эй қози, қўрқмағил, ўлмассан бу хасталикдин, турарсан. Қози айди: не билдингиз, теди. Онда устодимиз айдилар: холо калимаи арза қилдинг, имон келтурдинг, китоб ичинда кўрубманким, қози ришва олса, имон келтурса ўлмас. Тақи ул хасталикдин ўлмай турди. Ондин сўнг бир шароб ичиб, отга миниб борур эркан, оти уркуб, кўтариб ерға урмиш, ул тақи ўлмиш. Ул қози бу дунёдин имониз кетмиш.

Эмди манға қозилик керакмас, деб жавоб берди (толибул илм). Султон айди: қозиларға гўр азоби қотигми бўллур? Ул толибул илм айди: бир кун Куфа шаҳрида амиралмуъминин Али... ёнлариға бир киши келди, айди: ё Али уч йил бўлди экин экарман, ул ер ҳеч ҳосил бермас, теди. Али айдилар: давоту қалам келтурунглар. Да-вот бирла қалам келтирилар. Бир хат ёзиб берди экин экотурғон кишининг қўлига, айди: бу хатни элтуб экиннинг ўрта еринда кўмғил. Элтиб кўмди, эрса ул ер зиёда кўб ҳосил берди. Ул киши таҳсин қолди, ажабтур, теди. Бу хат не хат эркон деб ул ердин очиб ул хатни олиб ўқуди, эрса ёзилмишким, эй ер, бу йил ҳам ҳосил бермасанг, бир золим қози ўлган бўлса, ўликини келтуруб санинг ўртонгда кўмарман, деган хат эркан. Эмди мундин маълум бўлдиким, қозиларни ер ҳам қабул қилмас эркан,— анинг азобидин қўрқор...

Бир золим қозининг ҳукмхонасиининг эшикидин ўтса, қули озод бўлмағай. Тақи айтибдурларким, ит ҳар тунда айтур эрмиш: олло таолога шукурким, мани қози қилмай, ит қилибтуур.

Тақи золим қозининг сўзи кўпдур, аммо эмди мухтасар қилдук.

Эмди, султон ё бек бўлғон жувонмард бўлмоқ керак, нечукким Султон Маҳмуд таҳтга ўлтироқчи бўлғонда вазирлариға айди: бу халойиқقا бу султон кўргилуқ бўлса они севарлар, ман кўрксизман, яноқим расво турур, бурним улуғ турур, халойиқлар мани тиласалар. Вазир айди: эй султоним, сиз молни яғмо қилишини севмасангиз, борча халойиқ сизни севарлар, теди. Эрса жамиъ халойиқ, андоқтуур, деб рози бўлдилар. Ондин сўнг таҳтга минди...



«ҒУЛЗОР»ДАН

ҲИКОЯТ

A

Йтурларким, Искандар Зулқарнайн бир вилоятга етишти эрса айдиким, бу вилоятнинг ҳокимин олиб келингларким, бу вилоятни анға бериб они тарбият қилоюм. Ул вилоятнинг халойиқи айтиларким, бу вилоятнинг бир подшоҳзодаси бортурур. Аммо бир девонаи жулида муйтуурким, гўристон аросида мақом тутубдур. Халқ бирлан асло ихтилоти йўқдур. Искандар аиди: ўшул девонани манға олиб келинг. Бориб девонани чоқирдилар, эрса ул девона келмади.

Қитъа

Манда йўқтур подшоҳлик орзуси даҳр аро,
Ондин ўтуб ҳақ билан машғулман ҳар субҳу шом.
Тарқ этибман мосвони, тангри бирладур ишим...
Халқи оламни келур ери чу гўристон эрур,
Онинг учун гўристонни айлабман мақом

Девонанинг сўзини Искандарга келиб айдилар, эрса Искандар аиди: бориб они сўзлариға қўймай олиб келинг. Бу навбатким бордилар, девона икки ўлукнинг икки сўнгокин икки қўлига олиб келди ва Искандарга салом қилди ва ул ўлукларнинг сўнгокларин Искандарнинг ўнгида қўйди, аиди: бу сўнгокларнинг бириси подшоҳ сўнгокидур, бириси гадо сўнгокидур. Муни фарқ қилғилим, подшоҳ сўнгоки қайсиидур ва гадо сўнгоки қайси туурур. Искандар аиди: эй девона, бу чурук сўнгокни одам нечук фарқ қилурким, бу сўзни айтурсан?. Девона аиди: ўлғондин сўнг подшоҳ бирлан гадонинг ҳеч фарқи йўқ эркан, бас подшоҳликдин мурод не туур, деди.

М а с н а в и й

Қишиким ажал баҳрига бўлди ғарқ,
Шаҳ илаш гадоға йўқ ул дамда фарқ,
Қачонким етишти худодин қазо,
Тенг эрур ўшал дамда шоҳу гадо.

Искандар айди: сани девона дерлар, сан худ оқил
киши эрмишсан. Келғил, бу мамлакатнинг подшоҳлигин
қабул қилғилким, санға улуғ тарбият қилоюм. Девона
айди: манинг қўлимдин подшоҳлиғ келмас. Искандар яна
муболиға қилди эрса девона айди: кўб муболиға қила-
сан, манга тўрт нима берғил, ман подшоҳликни қабул
қилоин. Искандар айди. ул тўрт нимани айтғил, фил-
ҳол санга бeroюм? Девона айди: аввал, бир тириклиқ
берғилким, анинг сўнгидин ўлум бўлмасун; ва яна, бир
йигитлик берғилким анинг сўнгига қарилик бўлмасун;
ва яна бир ғанийлик берғилким, анинг сўнгига фақирлик
бўлмасун; тақи, бир шодмонлик берғилким, анинг сўнги-
дин ғамгинлик бўлмасун Искандар айди: эй девона, бу
тўрт нимани ман бераолмасман, ани ҳақ таолонинг ўзи
берур, андин тилағил... Ондин сўнг Искандар жавоб топ-
мади...

ҲИКОЯТ

Айтурларким, Нўширавони одил бир айвони олий бино қилдиким, анга «Тоқи кисри» од қуюб эрди. Ул айвоннинг олдинда бир қари хотуннинг уйи бор эрди, тақи ул хотуннинг неча сигирлари бор эрди. Ул сигирларнинг йўли бу айвоннинг олдидин эрдиким, ул йўлга мармар тошлар бирлон фарш қилиб эрдилар ва камоли такаллуф бирла зебу зийнат бериб эрдилар. Ҳар кунда ул заифанинг сигирлари ул фаршнинг устидин ўтуб тезаклар эрди. Нўширавон кўнглига ёмон келмас эрди, балки ҳар кунда ходимларга буюрур эрди, ул фаршни артиб юрар эрдилар. Беш-олти йил бу навъ таҳаммул қилди. Ондин сўнг ул заифа ўзи инсофга келиб айдиким, эй Нўширавон, менға не ҳад ва не қудратким, санингдек олий подшоҳнинг айвонининг фарши устинда сигирларимни, ҳар кунда ўткариб, бу қабоҳатни қилғойман. Манинг фаразим санинг адлингни синамоқда эрди, манға маълум бўлдиким, камолиadolat ва инсоният санинг зотингда зуҳур қилибтуур. Эмди муносиб улдурким, манга ўзга ерда уй ва манзил тайин қилғосанким, ман ул манзилга бороюм, санинг дуойи давлатингга машғул бўлойин, деди. Ондин сўнг Нўширавон анга ўзга ерда манзил ва мақом таъйин қилди ва ул заифа кўчуб анда борди.

Маснавий

Раиятга султон эрур посибон,
Раият эрур қўю, султон — шабон.
Шабон бўлмаса қўйдин боҳабар,
Бўридин етар анга ҳардам зарар.

Ҳ и к о я т

Айтурларким, бир кеча Султон Маҳмуд Фазнавий қошиға бир киши келди, додхоҳлик қилиб айдиким, эй султон, бир неча бадкор фосиқлар, тун ярмиким бўлди, манинг уюмға келурлар, манинг бир жувон хотуним бортурур, они фасод қилурлар, манга кўп жавру жафо қилурлар. Оларнинг қўрқунчларидин дам уралмасман, агар дам урсам мани ўлтуурлар. Султон айди: алар ҳар қачон келсалар сан келиб манга хабар бергил, теди, санинг додингни олиб берурман. Бу сўзлар бирлан ул дарвиш умидвор бўлиб уйга борди эрса ул кундин сўнг яна ул фосиқлар ёrim ахшомда анинг уйига келдилар эрса ул дарвиш филҳол ўзини султонга егкурди ва айдиким, ул бадбахтлар келдилар. Султон филҳол машъал равшан қилиб отлониб ул дарвишнинг уйига етишди. Уйининг атрофида кишилар қўюб, ул фосиқларни туттилар. Султон ҳукм қилди, машъални ўчирдилар, ондин сўнг буюрдиким, буларни ўлдууринг. Ўлдуурдилар. Ва яна буюрди, машъални ёқтилар. Султон ўлукларнинг бошларин кетургузуб кўрди...

Қ и т ъ а

Шаҳиким, сиёsatни қилмас шиор,
Онинг ҳеч бир ишида бўлмас мадор.
Сиёsat қиличинки шаҳ қилди тез,
Ситам пешалар неки ҳадди стез.

Ондин сўнг султон айди: дарвеш, ҳеч таоминг бормудурким, очмиз? Филҳол дарвиш нон, сирко олиб келди,

айди: эй подшоҳим, манда ҳозир будур. Султон ул но-
ну сиркодин кўб еди. Дарвиш сурдиким, эй подшоҳим,
бу келғонингда неча ишлар ўтти. Ул ишларнинг жаво-
бини манга ҳал қилғил. Бири буким, бу бадкорларни
ўлдурур вақтда машъални сўнгурдинг, ва бири буким,
аларни ўлдургандин сўнг машъални яна равшан қил-
динг, тақи бу туурким, бу дарвишона нон, сиркони
кўб единг, тақи ул каллан мақтуъларга назар ва та-
фаҳус қилиб, тангрига шукур қилдинг, тақи кўб ухла-
динг? Султон аиди: ўшал куники, сан арз қилдинг, са-
нинг арзингдин сўнг ман ўзим таҳайорда бўлдим, ма-
ним замонимдаким, мундоқ ёмон ишларни ким қила
олғай? Магар манинг ўғлим манга эътимод қилиб мун-
доқ ишни қилғон бўлғой ва шамъни онинг учун, сўн-
дуртдимким, шояд, манинг ўғлим бўлса, анга назарим
тушса, манга ота-ўғиллик меҳри тебрангай ва ани ўл-
дурга олмоғойман, дедим. Бу фосиқларни ўлтургандин
сўнг машъал ёқиб кўрдим, ўғлим эрмас, худоға шукр
қилдим. Тақи бу сўзни сан манга айтгани уч кун бўлди.
Бу уч кунда таом еган эрмас эрдим ва ётолмағон эдим,
уйқу келмади, онинг учин санинг таомингдин кўб оша-
дим ва ҳам ётиб ухладим.

Н а з м

Мусаллам ул шоҳгаким, малики жаҳон
Ки, мискин ғамидин емас ошу нон.
Бу кун бўлса мискин ғамидин ҳазин,
Бўлур тонгла султони хулди барин.

ҲИКОЯТ

Айтурларким, бир жамоат халойиқ бир киштига ми-ниб дарёга кириб эрдилар. Ногоҳ бир мухолиф ел ту-руб, ул киштини дарёга ғарқ қилди. Ул жамоатдин бир киши таҳтага ёбушуб қирғоққа чиқти ва ғарқ бўлмоқ-дин халос бўлди. Ондин сўнг ўзини бир ободонликка ёткурай деб борур эрди. Ногоҳ кўрдиким, йирсқдин бир шаҳарнинг қароси кўрунди. Ул тарафга жаҳд қилиб борғондин сўнг кўрдиким, ул шаҳарнинг жамиъ одам-лари чиқибдурлар ва уни кўргандин сўнг унинг тарафи-га кела бошладилар. Алқисса бу кишини элтиб ҳаммомга кијоруб, подшоҳона либослар кийдуруб, отга миндуруб, ўнг-сўлиндин беклар ва аркони давлат кўрунуш қилиб, элтиб, таъзим ва такрим бирла таҳт устида ўлтургизди-лар. Тақи подшоҳона ош келтуруб, шулонлар тортди-лар. Ондин сўнг аркони давлат ва беклар ҳарам сари ишорат қилдилар. Ул киши таҳтдин тушуб, ҳарамга мутаважжиҳ бўлди. Эрса соҳиб жамол қизлар истиқ-бол қилиб, таъзим ва такрим бирла элтиб, бир хуршид-ваш заифа қатиға келтурдилар. Ул заифа ҳам камоли хулқ ва инсоният ва мулояматлиғ бирла ихтилот қилди.

Назм

Гар ёр ўлуб толиъу баҳт ўлса мададкор,
Гулруй ҳам оғуш, пари чеҳра бўлур ёр.
Боғ ичра бўлур ғунча даҳонлар била ҳамдам,
Ризвон киби очилур анинг юэзига гулзор.
Бедағдаға ҳосил бўлур анга бори мақсад,
Бегуфтгу шунуд ўлур онинг ҳар иши тайёр.

Ҳосилким, бу кеча ҳарамда бўлди, тонгла девонхона га чиқти, эрса дастур бирлан умаро ва аркон-давлат кўрушка келиб, одоб хизматини бажой келтуруб, бу кун яна бир ҳарамга ишорат қилдилар. Бу ҳарамға киргач, ондағи соҳиб жамоллардин ҳам яхши ва хуброқ қизлар ўтру келиб, иззат ва икром бирлан яна бир гулрухнинг қошига элтиб ўлтурғуздилар.

Назм

Ҳардам бу чаманда очилур бир гулираъно,
Ҳар гўшада юз ноз қилур лолайи ҳумро.
Ҳар лаҳза қилур булбули хушгўй наволар,
Ҳардам очилур ғунча киби тўтийи гўё.

Бу кеча ҳам бу ҳарамда фароғ-айш бирлан истироҳатға машғул бўлди. Ва алас-сабоҳ яна девонхона га чиқти, эрса ўшул қоида ва қонун бирлан умаро ва аркон-давлат тариқайи хизматкорлик бажой келтуруб, яна ҳарамга ишорат қилдилар. Анда ҳам юз турлук зеб ва зийнат бирла гулрӯҳлар ва анбар мўйлар истиқбол қилиб, элтиб бир гулрӯҳнинг қошида ўлтурғуздилар. Ҳосилким тўртинчи ҳарамга ишорат қилғонда бориб кўрди, бир ҳурилиқойи ёри соҳиб жамол, некухисол, фархунда фол, ноз маснадида сарафroz ва ҳусн тахтида сарвноздек бўлуб ўлтурубдур. Аниг бирла ихтилот қилиб, ҳамоғўш бўлғанда суҳбати бисёр хуш келди. Андин сўрдиким, эй ёри азиз-дилпазир ва эй дилрабойи ногузир, ман фақир киши эрдим, ўз ҳожатим учун бир жамоа ҳалойиқ бирлан бир киштига миниб, сафар ихтиёр қилиб эрдим. Ногоҳ мухолиф ел киштини гарқ қилиб эрди. Ул жамоа барча ҳалок бўлдилар ва ман саломат қутулуб, бу диёрга туштум эрса бу турлук давлат манга мұяссар бўлди. Ҳеч билмасманким, бу не ҳолдур. Бу мушкулни манға ҳал қилғил. Ул пари чехра аиди: бу ҳалойиқнинг дастури будурким. ҳар йилда санингдек бир ғариб кишини подшо қилурлар ва тарихини ёзиб сақларлар. Йилким тамом бўлди, эрса ул кишини киштига солиб, бир жазирайи бордур, элтиб, ул жазирада қўярлар. Тақи келиб, борча ҳалқ чиқарлар шаҳардин, дағи истарлор: ҳар қайдаги бир санингдек ғарибни топтилор эрса келтирурлар. Дағи они яна бир йилғача подшоҳ қилурлар. Ҳар йилда буларнинг дастури бутурур.

Н а з м

Ул ёр пари чеҳраға қилғач ани изҳор,
Очти шакар оғзини дағи айлади гуфтор.
Дедики, бу асрорни сўрдунг эса мандин,
Шарҳи била бу сирни баён айлайин, эй ёр:
Бу даҳр аруси киби ҳар йилда эрур, бил,
Васлимда бирор шоду, фироқимда бирор зор.
Ҳар йилда бирор бизга ўлур дилбари жони,
Йил бўлғоч ушул боруру, келур яна дилдор.
Неча бу жафони чекалинг ҳалқ ғамидин.
Борбиз бу жафо дардига ҳар йилда гирифтор.

Андин сўнг ул киши айттиким, бу бир йилда бу кишиниким подшоҳ қилурлар, анинг ҳарна қилғон ҳукмини эшитурлар ё йўқ? Ул гулчехра аиди: бали ҳар ҳукмким қилса, қабул қилурлар, йўқ темаслар. Бу сўзни эшиткач, сабоҳ девонхонага чиқти ва умаро ва аркондавлатни чарлади ва аиди ул жазираким, ҳар йилда подшоларни элтиб солурсизлар, ул жазирада бир шаҳри бино қилурман, маслаҳат недуур? Умаро дедиларким, ҳукм ва ёрлиғ сизнинг турур, ҳарна ҳукм қилсангиз турурбиз. Филҳол ҳукм қилдиким, меъморлор ва устолар бориб ул жазирада бир шаҳри-мақбул бино қилдилар. Андоғ эҳтимом қилдиларким, олти ойда ул шаҳрнинг қалъя ва бозор ва эвлари тамом мукаммал бўлди. Андин сўнг мухтариқот бирла хазойин ва дафойин ва ҳарамларни дафъя-дафъя ул шаҳарга йиборди. Уч ойда ҳар матоъки бор эрди, бу шаҳардин ул шаҳарга йиборди. Тақи ўзи ҳам уч ойғача интизор тортиб ўлтурур эрди: қачон йил тамом бўлғайким, бу ҳалқ мани ул жазираға элтиб солғайлар. Ҳосилким, йил тамом бўлди, эрса ўз дастурлари бирлан ул кишини киштига солиб, элтиб ул жазираға солдилар, эрса бориб бир шаҳри мақбул, дилпазирга тушди. Барча ҳалойиқ ўтру келиб, юз шавқзавқ бирлан ани элтиб, маснади айш фароғ устида ўлтурғуздилар ва то тирик эрди, ул гулруҳ паричеҳралар бирлан умр ўткарди.

Ғ а з а л

Ҳақиқат аҳликим, чекти бу олам ичра меҳнатни,
Ўшал меҳнат била охир топар жоҳ ила давлатни.
Бу давлат кетмасун мандин, деган оқил киши,
шаксиз,
Баси олий тутар уқбо саранжомида ҳимматни.

ҲИКОЯТ

Айтурларким, султон Санжари Мозий Марв шаҳрида бир айвон бино қилди. Бағоят рафеъ, дилпазир эрди. Аммо анга лойиқ бир ситун керак бўлди, ҳеч ердин қараб топмас эрдилар. Охир бир хотуннинг ҳавлисидин дараҳт топтиларким, ул айвонга ситун бўлмоққа муносибдур. Ул хотунга айдилар: бу яғочни сотғил. Ҳарчанд қилдилар ул хотун бермади. Келиб султонга айдиларким, бир қари хотуннинг бир яғочи бор эркон, зиёда муносиб эркон, ҳарчанд қилдук бермади. Султон амр қилдиким, хазинадин заркаш тўн келтуринг, яна ҳам бир табақға ёрим тилло ва ёрим танга қилиб олиб келинг. Андоқ қилдилар. Султон айди: бу заркаш тўнни ва бу тилло бирлан тангани олиб ул хотуннинг олдига боринг, шояд ул яғочни берғой. Аркони давлат андоқ қилдилар эрса ул хотун хушвақт бўлуб айтди: султонга керак бўлса, ул яғочни кесинг.

ҚИТЪА

Султонки, адл бирла қилур ҳалқ аро маош,
Ҳар неким истаса анга ҳосил бўлур равон.
Гар нақди жон тиласа тариқи ҳусн била,
Филҳол сарф этарлар анга ҳалқ нақди жон.
Ҳар кимки, бу сифат била бўлса жаҳон аро,
Шаксиз онинг нисори эрур жон ила жаҳон.

Ҳосилким, ул яғочни кесиб келтуруб, ул айвонда қўйдилар, эрса бағоят писандида ва хўб ва марғуб ярошли. Султоннинг муборак хотирига қабул тушти. Айттиким,

бу яғочни олтунпуш қилинг, айвонни ҳам зарнигор қилинг. Алқисса айвон тамом бўлғондин сўнгра султон ҳукм қилдиким, бори халойик келиб тамошо қилсунлар-ким, атроф акноф-оламга шуҳрат қилгайлар. Ҳалқи олам борча ул айвоннинг тамошосига келдилар эрса ул қари хотун ҳам султон берган заркаш тўнларни кийиб, ул айвоннинг тамошосига келди, эрса кўрдиким, анинг яғочини олтун бирлан қоплабтурлар. Ул хотун ул яғочнинг ёнига келиб айдиким, эй яғоч, ўзингнинг ростлиқнинг дин¹ ўзингни ҳам тиллопўш қилдинг, мани ҳам тиллопўш қилдинг...

Қ и тъ а

Ҳар кимки, ростлиқни қилди шиор ўзига,
Бунёди илан ҳар иши бўлди жаҳонда маҳкам.

Қ и тъ а

Алифдек агар рост бўлсанг мудом,
Сенга олам ичра топилмас назир.

М а т л а ъ

Гар алифдек рост бўлсанг, бол ичинда тут мақом,
Лом алифдек бўлсанг эгри бўл бало ичра мудом.

¹ Б у е р д а — тўғрилик маъносида.

ҲИКОЯТ

Айтурларким, Нўширавони одил адолат қилу масла-
ҳати учун ҳукамо бирлан бекларни жамъ қилди ва айт-
тиkim, раият бирлан не турлук маош қилсоқ муносиби
давлатдур? Беклар айттилар: агар улуғ подшоҳ бўлур-
ман тесонг нўкарға кулли риоят қил ва лашкарни қав-
вий қилиб раиятдин тангани кўб олиб нўкарга берғил,
то душман санга зафар топмасун. Абу Заржумҳур ҳак-
ким айдиким, беклар, сизлар ғалат водига тушубдур-
сизлар. Раиятга зулм қилиб танга олиб нўкарға бер-
сангиз онинг бирлан нўкар кўб бўлмас, онинг учунким,
бир йил зулм қилурсиз ва ё икки йил, ондин сўнг раи-
ят жало бўлурлар ва вилоят номазруз қолур ва сизлар-
ға ким нимарса берур ва кимдин нимарса олурсизлар.

Ҳукамо бирлан беклар аросида низоъ бўлди эрса
ҳаким аиди: эй Нўширавон, бекларинга амр қилғилким,
овга чиқиб шикор қилиб, санга сайд қилганларни кел-
турсунлар, тақи манға ҳам ҳукм қилғил, ман ҳам сайд
қилиб санга келтуройин, ондин сўнг мулоҳиза қилғилким,
алар кўб сайд келтурурларму ва ё ман кўб келтурур-
манму.

Нўширавон ҳукм қилдиким, бориб шикор қилинг ва
манға ҳар тушканларни олиб келинг. Беклар жамоа-
жамоа бўлуб отлондилар, тақи ул кун кўб сайд олиб
келдилар ва яна тонгла ҳам бедастур отландилар, эрса
тунокун ҳужум бўлган сайдлар ҳаммаси уркуб кетибдур-
лар, бу кун ҳеч сайд қилаолмодилар ва ноумид келди-
лар. Ҳаким дона элтиб дом солиб эрди ва ҳар кунда
дастурлиғ сайдин келтурур эрди ва ҳеч кам бўлмас эр-

ди. Ондин сўнг айттиким, агар адл қилсанг ушбу дона ва домдек доимулмудом танга санға келур ва хазина тўлуғ бўлур ва агар зулм қилсанг, бир кунда ушбу беклардек тамом элни уркутурсан, тақи андин сўнг ҳеч нима топмассан ва кимдин ёрмоқ олурсан?!

Маснавий

Раяятни тадбир ила ром қил,
Адолатла ҳар ерда ором қил.
Раятга адл қилсанг маош,
Кам ўлмос сахо сүфраси ичра ош.
Чиқорғил раиятни ғам чоҳидин,—
Ёнмоғойсан онинг дуди оҳидин.
Стамкаш агар оҳ чекса саҳар,
Куяр оҳининг ўтидин баҳру бар.
Эшик ёлма мазлумнинг юзиға,
Кўзунг оч, қулоқ сол онинг сўзиға...

Хикоят

Айтурларким, Сулаймон пайғамбарға бир киши бир оз оби ҳаёт келтурди. Сулаймон пайғамбар ул оби ҳаёт сувини ичмоқ учун жамъ халойиқ бирлан вуҳушу туорни, барчани чақириб маслаҳат қилди, эрса бутимор деган қуш келмади. Сулаймон айтдиким, ҳайвонларнинг зийракроқи оттур, они йиборинг, олиб келсун. Ондин сўнг отни йибордилар, эрса келмади. Ондин сўнг Сулаймон айтди: ҳайвонларнинг касифроқини йиборингким, итдур. Ондин сўнг итни йибордилар, эрса бутимор қуш итка қўшулуб келди. Сулаймон айтди: сабаб не эрдиким, ҳайвонларнинг зийракроқини йибордим, онинг сўзи бирлан келмодинг ва ҳайвонларнинг касифроқини йибордим, аниг сўзи бирлан келдинг? Бутимор айтди: ё расулалло, от вафо даштида ўт ўтлоғон эрмасдур ва ит вафо даргоҳидин кеткон эрмас. Онинг учун итнинг сўзи бирлан келдум. Сулаймон айди: бир ичкулик оби ҳаёт келтурубдурлар. Они ичарга рағбат қилурман, маслаҳат нетуурур? Бутимор айди: ё расулалло, бу сув бори қариндошлоринг ва хайли ҳашаминг етар бўлса, иссонг бўлур, ва агар ёлғиз иссанг, ўзинг ёлғиз қолгунгдур, ёру биродар ва хайлу ҳашаминг бориси фоний бўлғусидур. Алардин айрилиб, санинг тириклигингдин не фойдадур, пушаймон бўлгунгдур. Сулаймон айди: бу сўзни манға ҳеч ким айтмади, эмди сандин эшилтим. Маъқул айтурсан, деб ул сувни ичмади.

К и т ъ а

Тириклик ёру дилдор ила хуштур,—
Тириклики нетарсан бўлмаса ёр?!
Ўлук сонида кўр, тема тириктур
Кишиким, йўқ анга ёри вафодор.
Киши ёлғуз жаҳонда бўлмади шод,
Нечаким бўлса оламда намудор...

ҲИКОЯТ

Айтурларким, бир киши бир чибчуқни бир қафасга солиб сақлаб эрди: Бир кун ул чибчуқ айди: эй киши, мани бу қафасга солиб сақлабсан, соқлоғондин санға ҳеч бир фойда йўқдур. Агар мани озод қилсанг, санға уч панд берайким, ондин санға кўб фойдалар бўлгай. Ул киши айди: ул пандлар қайси деди. Чибчуқ айди: аввал улким, ҳар нимарса қўлингдин чиқса, анинг учун қайғу емағил. Ва яна маҳол сўзни асло қабул қилмағил. Эмди мани йиборғил, яна бирин айтуман. Ул киши йиборди, эрса учуб бориб, бир яғочнинг шоҳасида қўнди, тақи айди: ажаб нодон киши эркансан, манинг қорнимда йигирма мисқол лаъл бор эрди. Ул лаъл қўлингдин чиқти, теди, Ул вақтда ул кишига баси изтироб тушти ва пушаймонлар қилди, эрса чибчуқ айди: ҳоло ман санға насиҳат қилмадуммиким, нимарса қўлингдин чиқса, онинг учун қайғурмағил! Ман эмди қўлингдин чиқтим, пушаймонлик не фойда қилур? Ва яна буким, ман ўзум йигирма мисқол эрмасманким, йигирма мисқол лаъл манинг қорнимга не турлик сифар? Эмди чун манға мундоғ яхшилик қилдинг, яна бир пандим буким, бу яғочнинг тубида бир кўзача танга бортурур, они олиб харж қилғил деди. Ул киши дарахт тубини қозди эрса бир кўзача танга чиқти. Они олғоч, чибчуқ учуб кетти.

Назим

Икки иш қўймас бани одамда даҳр ичра мажол:
Бир — таассуф ўткон ишка, бир — доғи амри маҳол.
Одам эрсанг кўб таассуф ема ўтган иш учун
Демагил сўзни маҳолу чекмағил андин малол.

ҲИКОЯТ

Айтурларким, Искандари Зулқарнайин бир вилоятга етишти, кўрдиким, суруқ-сурук қўйлар юурурлар, чубони йўқдур ва суруқ-сурук тевалар юурурлар, сорбони йўқ, суруқ-сурук йилқилар юурурлар, йилқибони йўқтур. Борча қўйлар ва тевалар ва йилқилар ҳаммалари барабар эрдиким, бир-бirisидин зиёд ва ё кам эрмас эрди. Ва яна боғларда мевалар пишиб туруб эрди, боғбони йўқ. Искандарнинг лашкаридин ҳар кишиким бу моллардин олиб ва ё мевалардин олиб еса дарҳол ўлар эрди. Искандар бу ҳолни кўргач ҳукм қилдиким, ҳеч бир киши бу моллар ва мевалардин олмасунлар ва яна бир кишини бу вилоятнинг шаҳрига юбордиким, бориб кўргилким, бу вилоятда не ҳол бортурур. Ул киши ул шаҳарга борди эрса кўрдиким, бозори ораста ва тузук, ҳар нимарсадин ул дўконларда фаровон турур, аммо дўконларнинг эгаси йўқдур. Зиёда тараддуд қилиб кўрди, эрса бир киши ҳам топмади. Андоқ ҳайрон бўлуб юруб эрдиким, ногоҳ бир киши йўлуқти, эрса ул кишидин ёурдиким, бу дўконларнинг эгаси қайда борибдурлар? Ул киши айттиким, халойиқлар борчалари бир маъбадхонага кирдилар... Ул киши бул кишини бошлаб ибодатхонаға элти эрса ондин сўнг ул киши Искандарнинг келғонин ул қавмга билдурди. Филҳол ул халойиқ ибодатхонада чиқиб, подшоҳини бошлоб, пешкашлар бирлон Искандарнинг хидматига келдилар. Искандар алардин сўрдиким, бу не ажаб ҳол туурким, сизларнинг молларингида нигаҳбон йўқтурур ва яна борча молларингиз бир-бirisидин кам ва ё зиёда эрмас ва яна буким, ҳар

кишиким, сизларнинг амволларингиздин олдишар, дарҳол хаста бўлдилар? Мунинг кайфиятини манға маълум қилинглар. Ул ҳалқнинг подшоҳи айдиким, бизнинг аромизда агар бир киши муфлис бўлса, баримиз йифи-либ ул кишини мол жамъ қилиб мол ва амвол ва жамиятда ўзлоримиз бирлан баробар қилурмиз. Ўл жиҳатдин бизнинг аромизда ўғри ва авбош бўлмас... Искандар айди: манинг бу жаҳонгирлиғимдин мурод бу эрконким, сани кўрдум, кел, эмди манинг бирлан бирга бўлгилким, бу оламнинг ёрисин санга беройин. Ул подшоҳ айдиким, манинг ҳавсалам ва таврим мундин ортуқ мамлакатга тоқат келтурмас, агар мундин ортуқ мамлакатга ҳоким бўлсан забт қилолман, манға мундин ортуқ таклиф қилмағил, деди, эрса Искандар ҳам они қабул қилди.

Маснавий

Қимдаким инсоф ила авсоф бор,
Ҳак бўлур икки жаҳонда анга ёр.
Муфлису дармондаларға қил карам,
Токи бўлғойсан жаҳонда муҳтарам.
Кўнглингни умид бирлан рост қил,
Журм ила исёнингни дар хост қил...

ҲИКОЯТ

Айтурларким, Султон Санжари Мозийнинг отаси Султон Малик подшоҳ эрди. Ва аниг отаси Олп Арслон эрди. Султон Маликшоҳ Исфаҳон вилоятига сайр қилмоқлир учун чиқиб эрди. Бир мавзуъда тушуб кеча анда сокин бўлғонда Султоннинг қуллари ул кеча бир қари хотуннинг бир сигирин ўғурлаб, сўюб ер эрдилар. Сабоҳ ул хотун хабардор бўлдиким, сигирин Султоннинг қуллари сўюб ебдурлар. Ондин сўнг ул хотун қўлиға бир асо олиб, Зиндаруд деган кўпрукни тутуб турдиким, Султоннинг гузари ул кўпрукдин эрди. Чун Султон ул кўпрукнинг бошиға келди, эрса ул заифа фарёд қилди, айди: эй Олп Арслоннинг ўғли, бу кун бу кўпрукнинг бошида манинг додимни берғил, йўқ эрса, тонгла сирот кўпругининг бошида сани туткумдур. Султон отининг жиловини тортиб туруб айдиким, не до-динг бордур, айтғил, теди. Ул заифа айди: манинг бир сигирим бор эрдиким, авқотим аниг арқосидин ўтар эрди. Бу кеча санинг қулларинг ўлдуруб ебдурлар. Ул қуллардин манинг додимни олғил. Султон айди: бир сигирга ўн сигир беройин, рози бўлғил. Ул хотун айди: йўқ, манинг додимни улардин олиб берғил. Яна Султон айди: йигирма сигир беройин. Хотун қабул қилмади, ва алқисса Султон саксон сигиргача бермоқчи бўлди, қабул қилмади. Ондин сўнг Султон ул кўпрук бошиға тушуб ўлтурди, ҳукм қилдиким, қулларни топиб келтурунг, деб. Дарҳол топуб келтурдилар эрса амр қилдиким жаллодға аларни пора-пора қилсун ва ҳар порасин бир дарвозада оссун. Жаллод андоқ қилди, ва яна ул заифага саксон сигир ҳам бериб хушнуд қилди.

Қ и т ъ а

Зиҳи, саодату давлатки хисрави айём
Ки лутф этғали мазлум сари қилса назар...
Жаҳонда ушбу сифат бирла гар маош этса,
Шафөй ўлур анға маҳшар кунида хайри башар.

Алқисса Султон бу турлук адлу дод бирлан ул заиға лутф қилғондин сўнг бир неча фурсат ўткач, тақдири илохий ва қазойи раббони етишиди ва Султон Маликшоҳ фоний дунёдин боқий оламға риҳлат қилди. Ул заиға хабар топтиким, Султон вафот қилибдур ва шул кечаси еридин турууб, бошин яланғоч қилиб, оқ сочин ёйди ва фарёд қилди ва фифон кўтарди ва айди: эй худоё, Султон Маликшоҳ манга адл қилиб эрди, анга раҳмат қилғил. Айтурларким, ул кечада Исфаҳон шаҳрининг тамоми халойиқлари туш кўрдиларким, Султон Маликшоҳ биҳишт ичра сайд қиллатурур. Сўрдиларким, не амал қилдингки, биҳиштга кирдинг? Султон айдиким, бир қари хотунга адл қилиб эрдим, анинг учун худойи таоло мани бу давлатға сазовор қилди...

Х и к о я т.

Айтурларким, Сулаймон алайҳиссаломга пашша келиб елдин шикоят қилди, айди: ел жиҳатидин бир лаҳза бу оламда фароғат била учолмон, ризқимиз учун бисёр ташвишға қолибмиз. Ел санинг фармонингдатурур, ҳукм қилғилким, бизға мазоҳим бўлмасун. Сулаймон алайҳиссалом айдилар: сан сўзингни арз қилдинг, эмди елдин сўрағайлукким, ул не сўз дер. Елни чақирдилар. Ел келгач, пашша қочиб кетти, ҳар неча қарадилар, мавжуд бўлмади. Сулаймон алайҳиссалом айдилар: адолат қоидаси бутурурким, додхоҳ муддаю муддао алайҳ иккисини баробар турғузуб суромоқ керакдур, ҳар сўзлари бўлса бир-бир айтгойлар, то ҳоким аларнинг сўзин билиб ҳукм қилгой.

Ф а з а л

Бўл адолат маснади узра Сулаймони замон,
Токи сандин мустафиз улғай бари аҳли жаҳон,
Гар Сулаймондек бўлуб ҳалқ ичида қилсанг маош,
Билки, фармонингда бўлур олам ичра инсу жон.
Гар рафиқ ўлса бу тавфиқу муюссар бўлса адл,
Шаксиз ўлур ул кишининг манзили боғи жинон.
Яхши авсоғ ила қил ушбу жаҳон ичра сулук
То санинг авсофинг ўлғай олам ичрг достон.

ХИКОЯТ

Айтурларким, бир киши бир муршид қошиға келиб айттиким, эй шайх, мандин журм ва хато кўб воқеъ бўлибдур, эмди манға тавба ва инобат бергил. Шайх айдиким, санинг кўнглинг бир ҳавзга ўхшар ва айға беш ариғдин лой сувлар кириб, тақи ул ҳавзни тийра қилурлар. Агар ул ариғларнинг йўлларин боғлосанг ва бу ҳавзга тийра сувлар кирмаса, ондин сўнг санға тавба ва инобат берарман, йўқса тавбанинг санға ҳеч фойдаси йўқдур. Ул киши сўрдиким, ул беш ариғ қайси-лардур? Шайх айди: бир ариғ — кўзингнинг йўлидурким, мусулмонларнинг аҳли аёлига хиёнат бирлан боқмағайсан. Яна бир ариғ — оғзингнинг йўлидурким, андин ёмон, ҳаром нималарни емағайсан. Яна бир ариғ — иликларингдурким, кишини ноҳақ уруб, моллорини олмағайсан. Яна бир ариғ — оёқларингнинг йўлидурким, онинг бирлан номашруй йўлларға бормагойсан, мисли бўзахона ва шаробхона ва мафсақа. Яна бир ариғ — қулоқларинг йўлидурким, ғийбат сўзларни эшитмагайсан. Ул киши айди: эй шайх, йўллардин қайтиб, боғладим. Ондин шайх ул кишига тавба ва инобат берди, ва оз фурсатда ул киши ул тариқ бирлан сулук қилди, эрса соҳиб камол муршид бўлди.

Маснавий

Халқға алтоғни кам қилмоғил,
Ҳеч кишига жавру ситам қилмағил.
Айла худонинг ғазабидин ҳазар.
Солма кишининг ҳарамига назар.

Фахш сўзин оғзинга олма мудом,
Шумлар ила доги ичма ҳаром.
Мафсақалар кўйига қўйма қадам,
Бўлма алар таври била муттаҳам.
Фийбати бад кўйига солма қулоқ,
Доим ўшал тоифадин бўл йироқ...
Муршид ила бирга бўлу мўътақид,
Айла иродат йўлида жаҳду жид..,

ҲИКОЯТ

Айтурларким, Шайхи Баҳлул девона алайҳи раҳма бир кун Ҳорунар-Рашид халифанинг девонхонасиға кирди. Кўрдиким, халифанинг ўзи ҳарамта бормишдур, кўришга чиқмойдур. Ул девона бориб халифанинг тахти устиға миниб ўлтирди. Ясовуллар Шайхи Баҳлулни тонимас эрдилар. Шайхни тушкил, деб бошиға таёқ бирлан урдилар. Шайхнинг бошидин қон оқаберди. Ушбу ҳолда Ҳорунар-Рашид ҳарамдин чиқиб келди. Кўрдиким, Шайхнинг бошидин қон оқатуур, Шайх тахтнинг устида кулуб ўлтурубдур. Ҳалифа Шайхнинг қошиға адаб ва таъзим бирла келди ва айди: эй Шайх, сизға не бўлди ва не учун мундоғ куласиз? Шайх айди: ман бир соат санинг тахтингда ўлтурдум, эрса уруб бошимни ёрдилар. Санким, йиллардурки бу тахтнинг устида ўлтурубсан, санинг ҳолинг не бўлғой деб кулафман. Шайх бу сўзни дегач, ҳалифа зор-зор йиглади ва Шайхнинг аёғига тушуб узроҳлик қилиб, таъзим ва икром бирлан узотти...

Х и к о я т

Айтурларким, Искандар Зулқарнайн зулматга кирмакка борғонда ҳукм қилдиким, ҳеч киши манинг чириким билан қари киши олиб келмасун ва тамоми чирик халқи йигит кишилар бўлсун. Бир йигитнинг бир қари отаси бор эрди. Ҳарнеча отасига айдиким, сан турғил, чирикка бормоғил, отаси айди: ман сандин айрила билмасман.

Қ и т ъ а

Сан каби фарзанддин айрилмоқим имкон эмас,
Жон сану, жондин жудолик айламак осон эмас,
Чун бўлубман хастау зору заифу нотавон,
Нотавонға зулм қилмоқ лойиқи эҳсон эмас.

Ҳосилким, ул йигитка зарурат бўлди, гарчи хилофи ҳукм ҳам бўлса, отасини бир сандуқға солиб, ул сандуқни тевага юклаб, олиб кетти, ва ҳарқачон чиқарса, ёшурун чиқарур эрди, то ул вақтгачаким зулмотға еттилар. Искандар ҳакимлар бирлан умаро ва аркон-давлатларни йиғиб маслаҳат қилдиким, бу зулмотға не турлук қилиб кириб чиқармиз, теди. Ондин сўнг борлари фикр била бўлуб, не турлук кириб чиқарни билмадилар. Ондин сўнг Искандар айди: бу чирикда ҳеч бир қари киши борму эркан, ондин сўрасак, шояд ул қари киши тажриба билан бу ишнинг тадбирини билғой эрди. Умаро ва аркон-давлатлар барча айдиларким, сиз ҳукм қилиб эрдингизким, ҳеч қари киши келтурмасунлар. Ул жиҳатдин бу чирикка қари киши келтурмадилар. Искан-

дар айди: яхши мулоҳиза қилинглар, шояд келмиш булгай. Жарчилар чирикнинг атрофида жар урдилар, эрса ул йигит айди: агар Искандар манинг гуноҳимдин ўтса, манинг бир қари отам бордурким, ҳарнеча қилдим, мандин айрилмади. Они ёшурун келтурубман. Ҳукм бўлса они олиб борурман, деди. Бу хабарни Искандарга айдилар, эрса филҳол ул қари кишини Искандарнинг қошина келтурдилар, эрса Искандар анға кўб илтифотлар қилиб ондин сўрдиким, бу зулмотга на турлук кириб бўлурким, яна чиқа олғоймиз? Ул қари киши айди: эй подшоҳим, андоғ кирмоқ керакдурким қулунилуғ кисреклар пайдо қилмоқ керакдур, ондин сўнг қулунларини... лик ерда боғломоқ керакдур ва онасини миниб қоронғуликка кирмоқ керокдур,— ул кисреклар қулунлари учун сизларни қоронғудин... ликга олиб чиқорур. Искандарга бу сўз маъқул бўлди. Ондин сўнг кисрекларга миниб қулунларини ташқарида боғлаб зулмотга кирдилар ва яна саломат чиқтилар.

Қ и тъ а

Ҳеч ким устодсиз топмос жаҳонда иззу жоҳ,
Нечаким хашмат била Искандари даврси эрур.
Ҳарнеча бўлса қаломи комили устоди фан,
Ўз бошин қирқорда доим ожизу ҳайрон бўлур.

«Гулзор» китобининг хотимаси

Кел-е ақду хираднинг нуқтадони,
Эшит мандин ҳақиқат достони.

Ки тартиб айладим бир неча гуфтор,
Эрур оти бу гулшан ичра «Гулзор».

Қадам эҳсон йўлида қўю, ҳайр эт,
Бу гулзор ичиға кир, доғи сайр эт.

Териб ҳардам латофат гулларини,
Тамошо қил анинг булбўлларини.

Эрур ҳар гўшада қумриси нолон,
Ки бор тўтилари ҳам шаккар афшон.

Юур юа ноз ила кабки тазарви,
Хиромон жилва айлар онда сарви.

Шукуфа ҳар тарафдин кўрсатур юв.
Қалур ул боғ аро кечани кундуз.

Биҳіф беҳбудини онда билиб жазм,
Чамандин ўзга ерда қылмади азм.

Анор ўз шохидин кўрсатса рухсор,
Чаман бўлур хижилу доғи гулзор.

Кўб эрур бу чамани зебу зайни.
Ки бордур доғи соҳиби, ҳусайнин,

Қачонким айласа тўти такаллум,
Ани кўруб қилур ғунча табассум.

Чекибдур ишқ йўлида баси дард,
Анинг учун эрур зардолиси зард.

Юени гулзор аро кўрсатса раъно,
Бўлур савсан анинг васфида гўё.

Чу нилуфарнинг эрур ишқ-печон,
Анинг учун бўлубтур ноз ҳандон.

Агар шаҳ деса анда олмани тут,
Халойиқ олма олур, доғи шаҳтут.

Кўрунур олуболу онда яксон,
Ки гўё, лаълу маржондур намоён.

Ҳазон толмас бу гулзор ичида йўл,
Узатмасдур анга ташвиш учун қўл.

Агар кезса бу гулаор ичра яксар,
Урар мушти била они санавбар.

Желибон тутмоғой деб анда маскан,
Қилур гул ғунчасини онда кастан.

Кирап андиша қилса онда ҳардам,
Ёғоч бирла урар сарв они маҳкам.

Хабар осибини кўргач ўзига,
Урар панжа билан онинг юзига

Гар этса орғувон сори назора,
Сочар онинг сори юз минг шарора.

ФАЗАЛ

Қундуз авқотим санинг ҳажрингла нолон кечадур,
Кечалар зулфунг каби ҳолим паришон кечадур.

Анбарин зулфунг хаёлидин кўзумға эй пари,
Йилу ою соату кун бори яксон кечадур.

Улки жондин кечадур шамъи-висолингни кўруб,
Ваҳ на хуш вақту на хуш соат, на осон кечадур.

Хожа янглиғ нола қил зулфи ғамидин кечалар,
Ким маҳалли нолаю фарёду афғон кечадур.

ҚИТЪАЛАР

Раият эрур мевалик яғоч,
Сўв берсанг анга, мева берур санга.
Солур мевасину бўлур барг рез,
Хазон елидек қилса анга жафо.

* * *

Ойнинг ҳар нечаким зоти касифу тийрадур,
Меҳр агар анга назар солса бўлур бадри мунир.
Заррадек жисмимга ул хуршидваш солса назар,
Заррадек жисмим бўлур хуршид янглиғ бе назир.

* * *

Ҳар неча бўлса тикан мужиби ташвишу зарар,
Гул била бирга узуб бошқа тикарлар ани бот.
Гарчи тол шохчасидин мева намудор ўлмас,
Чун набот ила қўшулса бўлур ул доғи набот.

* * *

Нечаким қадру шараф топти жаҳонда жоми жам,
Бўлур ул жоми сипехр оллида бешак сарнагун.
Қайдаким чибчук малаҳни кўрса бўлур шоҳбоз,
Лек шаҳбоз оллида бордур малаҳдин ҳам забун.

* * *

Ой десам юз қатла ойдин яхшироқ юзи аниңг,
Шаккар илан шаҳддин ширин эрур сўзи аниңг.
Бир назарда душмани бадҳоҳни айлар мутъи,
Ишваю ноз ила гар боқса қаро кўзи аниңг,

РУВОИИЛАР

Норунж сўйи базм ичида мўл бўлмас;
Ҳар шўра ниҳол қобили гул бўлмас.
Юз минг йил агар фароғ ила тутса мақом,
Ҳаргиз чаман ичра зоғ булбул бўлмас.

* * *

Сойилдин эвурма юз, дахи иҳсон қил,
Дардига табиблар каби дармон қил.
Оlam аро ҳарна мушкиле тушса санга
Лутф айлаю мушкил ишларни осон қил.

• М А С Н А В И Й

Қимки санинг айбингни айтур санга,
Шафқат ила лутфу карам қил анга.

Дўстунг улдур, ани тахқиқ бил,
Ҳарна деса, сўзини тасдиқ қил.

Улки демас ҳак сўзину яширур,
Макру ҳиял бирла қошингда юрур....

Қилма анга марҳамату илтифот,
Қим йўқ анинг ҳеч ишида сабот.

Рост сўз ар табъинга келса ёмон,
Дема ёмонки, эрур ул нўши жон.

Бу оламдин вафойи кўрмадим ҳеч,
Тириклиқдин сафойи кўрмадим ҳеч.

Чу фонийдур бу гардуни мудаввар,
Ки бўлғусидур охир олам абтар.

Бу дамким, бордур умримда боқий,
Бўлой дедим бу базм, аҳлина соқий.

Қилиб тартиб бир неча ҳикоят,
Ҳикоят аҳлидин айлай ривоят.

Ва гар яхши, ёмон ҳам бўлса боре,
Ки биздин сўнгра бўлғой ёдгоре.



ТУРДИ





III

урди XVIIасар иккинчи ярми ўзбек адабиётидаги прогерссив йўналишнинг кўзга кўринган намояндаларидан биридир.

Шоирнинг таржимаи ҳоли, ҳаёти, туғилган ва вафот этган йиллари тўғрисида ишончли маълумотларга эга эмасмиз. Шунингдек, у яратган асарларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган ёки ҳозирча топилмаган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўл ёзма фондида Турдининг 17 шеъри (ғазал ва мухаммаслари)ни ўз ичига олган кичик бир тўпламигина маълум.

Бу тўпламга кирган асарлар, асосан, сатирик характерда бўлиб, шоир яшаган даврда ҳукмронлик қилган Субҳонқулихон (1680—1702) ва унинг давлат аппаратининг зулмига, мавжуд тузумдаги адолатсизлик ва зўравонликка, хон амалдорларининг ўзбошимчалиги ва авж олган порахўрликка бўлган танқидий муносабатини акс этдиради. Бу асарлар, айни замонда, Турдининг биографиясини ҳам белгилашда бизга бирмунча маълумот беради.

Турди ўз асарларининг баъзиларига Фарофий тахаллусини қўйган. Шоир халқ оғзаки ижодидан, мақол ва иборалардан ўринли фойдаланади, тили содда.

Турдининг ижоди, айниқса, унинг сатирик характердаги асарлари, кейинги давр адабиётимизнинг вакилларига ижобий таъсир кўрсатди.

Биз ушбу намуналарни тайёрлашда юқорида кўрсатилган Турди асарларининг тўпламидан фойдаландик.

ФАЗАЛЛАР

Тор кўнгуллук беклар, ман-ман деманг, кенглик
Тўқсон икки бори ўзбак ютидур, тенглик қилинг.

Бирни қипчоқу хитою, бирни юз, найман деманг,
Қирқу Юз, Минг сон бўлуб бир жон ойинлик қилинг.

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,
Бир ўнгурлук, бир тиризлик, бир яқо, енглик қилинг.

Қим қўюбдур, уҳдайи ўз мулкунгиздин чиқмайин,
Икки, уч, тўрт даъвосин этмакни кўтаҳлик қилинг.

Мардлар майдон чекиб, рангин кўтариб захмлар,
Сизга йўқ, ул жавҳару юзга упо-энглик қилинг.

* * *

Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк,
Фитнаи авбош, зулму куфру түгёндур бу мулк.

Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор,
Мутлақо кирдори хайли кофиристондур бу мулк.

Дур аҳду танг чашму бесару яъжуҷ вазъ,
Мухталиф мазҳаб гуруҳи ўзбакистондур бу мулк.

Нақди жон берсанг топилмас истасанг бир зарра
айш,
Меҳнату андуҳни сўрсанг, фаровондур бу мулк.

Жойи ислому мусулмонлиғ, Фароғий, истама,
Пойтахти кишвари Субҳонқулихондур бу мулк.

* * *

Куяр тил шаммаи гар ҳолатимдин айласам тақрир,
Гирибон чок ўлур этса қалам дарди дилим таҳрир.

Шаби ҳижрониминг поёни тай ўлмаз, тойири гардун
Маҳу хуршед ўлуб икки қаноти айласа шабгир.

Тулуи субҳдин навмед, минг тунлар яқо йиртиб,
Саводи шоми ғамдин сори бахтим хомаи тақдир.

* * *

Танаъумнинг надоматсиз, тамошонинг талаҳұфсуз,
Жаҳон истаб юрурда күрмадим бир тан таассуфсиз.

Ҳақиқатбингадур жузву кулу ҳар зарра бир хуршед,
Гүҳарни билма холи қатрадин, ҳар ҹаҳни Юсуфсиз.

Тафаккур вартасинда маҳв ўлуб кирдим жаҳон сори,
Ҳарифи топмадим оламда йўқлуқдин такаллуфсиз.

* * *

Бошима бир кўҳи ғам бир от коҳу емидин,
Бир қўнгул юз пора йўқлўқ заъфий ваҳму
биймидин.

Қад букуб, бўйнум эгиб, тегди оёқларга бошим,
Аҳли дунё пойбўси хизмату таъзимидин.

Дил—кабобим, қон—шаробим, ашки ҳасрат—
нуқли базм,
Етти қассоми азалнинг хизмати танъимидин.

* * *

Қатраям ноғиз, аммо зоти қулзум Турдиман,
Келтуран амвожға баҳри талотум Турдиман.

Қирқ, Юз, Минг ақраболар этдилар мандин нуфур,
Не бало, баҳти қарою толии шум Турдиман.

Риштадек минг печу тоб чашми сўзондин ўтар,
Бовужуди эътибори чашми мардум Турдиман.

* * *

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,
Дил мулкини бир гўшай чашм айлади яғмо.

Туфроғда жон битса раводур, на ажаб гул,
Чўх сарви сиҳи этди ниҳон кўзлари шаҳло.

Ҳар қанда ғами дўсти дилпорани истар,
То субҳ, яқо йиртмади меҳр ўлмади пайдо.

* * *

Ўзбак¹ ўғли ўқуса тафсир ила мишкотни,
Рўз савму шаб қиём афзун этиб тоотни;

Етса торожи ҳаводис, жамъ ўлуб авбоша дер:
«Саҳмгин солиб сурон ур, молин олғил сортни».

Бир пиёда кўрса шатранжи бисоти даҳрда
Зулму жавр айлар муҳайё, соз этиб лучмотни.

Дер: «Қачон ўз шавқим ила мұтакиғ
масжиддаман,
Илтизом эттим бу иш ночор йўқдин отни».

¹ Шоир бу термин остида кўчмөнчи ҳарбий — феодалларни назарда тутади.

* * *

Мусулмон билма асло ҳеч мазҳаб йўлида ўзбак,
Буларнинг куфрига билиттифоқи жумла йўқдур
шак.

Не мазҳаб, қайси дин ўз мулкин ўзи хароб этгай?
Эрурлар муфсидул-арз аз азал бу фирмай бадрак.

Атолур ҳожи кофир Макка бориб ҳаж қилиб
келса,
Ки ҳаргиз ўзга бўлмас ҳақ йўлин юрган билан
эшшак.

Кўруб зоҳирда они шайху сўфи эътиқод этма,
Кириб масжидга чиқмак бирла қўймас гўнг
емакни сак.

ОТ ВА ИНЬОМНИНГ КЕЧИКИШИ ҲАҚИДА

Аё мири валиниамийи кироми от инъоми,
Юзини кўрмага ҳасратда бўлдум эшитиб номи.

Не ёлғуз от эди уммид юз инъом, иҳсондин,
Ки нобуда хаёли шаҳдга ширин эдиг коми.

Не гардига етишдим, не боқиб кўрдим қаросини,
Саманди умрдин, боди нафасдин тез экан гоми.

Била олмон бу дулдул рахши Рустам ё паризоди,
Ки одам ўғлига ром ўлмаган, не ерда ороми?

Шарофат адлу иҳсон, бовужуди касрати куфри,
Қолиб Нўширвон Ҳотамнинг оламда неку номи.

Ҳазора қалъасинда жамъи хосу ом аросида,
Забони пурдурап борингдин эшитдим бу пайғоми.

Ўшал тарихдин ўн ой ўтуб йилга қадам қўйди.
Ки не оғозини билдим яқин, маълум анжоми.

Мени(нг) озода бошимни гирифтори тамаъ
қилдинг,
Мудомат бермас ўлсанг нега бердинг „ваъдаи
хомиг“

Неча елдим, югурдум бўлмади хосияти маълум,
Қуруқ овозай инъоми маҳзу от бадноми.

МУХАЙМАСЛАР

Ед мандин ким берур: яхши замонлар кўрдиман,
Ринд сархайлию хуш айши дамодам сурдиман,
Ҳалқаи ушшоқда базму мажолис қурдиман,
Мушти хокам давру давронлар(ни лекин) кўрдиман,
Хуш димоғ этган майи софи ҳарифлар дурдиман.

Қилмадим шукронай, солдурди туфроқ ошима,
Қолмади жуз дарду ғам ҳамдам, мусоҳиб қошима,
Ҳақ ўзи раҳм айлағай оҳи саҳар кўз ёшима,
Тафриқа тошини ёғдурди замона бошима,
Хонумон овора селоби ҳаводис сурдиман.

Нозили ҳукми қазо ҳеч ким раду манъ этмади,
Барча бўйнига солан бу риштани қатъ этмади,
Аҳли ҳоле топмадим бошдин бало дафъ этмади,
Кулфати гурбатни турлук суннати рафъ этмади,
Хору бекадрамки мундин отиниб, жабрандиман.

Воқифе йўқ, бу мусофирилиғда мандин не ўтар.
Баски юз кўйи била рўзи келиб, рўзи кетар,
Ўзмағай мундин балою бўлмагай мундин батар,
Ақраболар сухбатимдин ор этар, қошин чатар,
Салб дилларда, назарларда кариҳ сипринидиман.

Яхши вақтлар ёд этиб (ундин кетиб, мундин қолиб),
Ҳарза тифли ашкдек айни назарлардин солиб,
Носара дирҳам сифатлиқ рад қилиб, қўлга олиб,
Даста фарсуда, юзи қайтиб, оёқларда қолиб,
Кўхна тиги таҳ-батаҳ ғам занги тутғон кундиман.

Оҳ бу умри кироми сарфи ғафлат айладим,
Ғуссаи беҳуда асбоби надомат айладим,
Билмадим ўз айбими халққа мазаммат айладим,
Шукр шаҳдин билмадим, куфрони неъмат айладим,
Захми ниши рўзгор аҳлини талху тундиман.

Ҳукм жори, сўз қабули, бир дури даргўш эдим,
Аҳли давлатлар билан ёру ҳариф, ҳамдўш эдим,
Ҳой-ҳойи базмларда шаҳд нўшо-нуш эдим,
Хуш замонлар Юз қазони бошида саржуш эдим,
Бу замон явғон қозон остида қолғон юндиман.

Чархи дун қилди манга жавру жафолар беҳисоб,
Гардиши даврон берур ҳар лаҳза юз минг печуюб,
Ҳар сори елдим-югурдим сув сониб мавжи сароб,
Ташна лаб, гарди кудурат зери пойинда хароб,
Баҳри давлатдин йироқ гардан шикаста мўндинман.

Қасрати йўқлуқ, тамаъ кеттирди қадру қийматим,
Юз сариғлиқ ерга урди обрўю иззатим,
Файдин изҳори матлаб айлади дун фитратим,
Ақл зойил, умр кам, беш ўлди, дарду меҳнатим,
Давлат урган пушти пою, баҳти (қаро
суприндиман).

Ман кимам, гумному нокому жаҳон овораи,
Дийда намноку гирибон чоку бағри пораи,
Ноқабули марҳами, носур битмас ёрай,
Бекаси, мушти хаси, бир бандай бечораи,
Собирам, рози қазо, тийри балоға кўндинман.

Хешман, дарвиш мискин, мустаҳиқ девонадин,
Баҳраманд эт илтифоту ҳиммати мардонадин,
Сан туруб лойиқмидур, қилмоқ, тамаъ бегонадин,
Қиблагоҳ; мандиқ икроҳ этма ер майхонадин,
Жуш пур хум соғ майсан, ман ғубору дурдиман.

Юз фарозидин озиб, тушдум нишиби қирққа,
Хавфу бийму ваҳм аросинда қариби қирққа,
Дона деб побаст ўлуб, доми фириби қирққа,
Вой, юз мингвой, юз бўлдим фириби қирққа,
Ҳокими Диззах¹ мутиу пайрави журқундиман.

¹ Диззах — Жиззах.

* * *

Даври умримда бало боғлаб, қазо пайваста саф,
Собирам, рози русуми пайрави аҳли салаф,
Шокирам, кониъ дами йўқлуқ тақаллуф бартараф,
Келди ийд, обилаи ғам жинси ҳозир нақд каф,
Кулбай эҳзонима сўзи жигардин бўйи таф.

Рўзи аввал дарду гамдин хилқати обу гилим,
Пора-пора бағриму қондин яротилғон дилим,
Роҳи селоби ҳаводисга мақомим, манзилим,
Ҳеч йўқ ғайри пушаймонлиқдин ўзга ҳосилим,
Умрни ғафлатда этган, моли форатға талаф.

Рахнаи девори тандин умр рахшин сакратиб,
Тезрави боди нафақдин гоҳи кўз юмдум ўтуб,
Ғарқ ўлдум домани беҳосили соҳил бўлуб.
Қатраи найсони селоби сиришкимдин ютуб,
Айладим қути кўнгул баҳринда монанди садаф.

Не оёқ, не бошиға етдим, саропо истадим,
Қолдим икки йўлнинг ўртасида ҳамро истадим,
Базм бир саргарм ҳой-ҳойи урдо истадим,
Ҳалқаи доираи ушшоқда жо истадим,
Айдилар: қаддингни чанг эт, пўсти жисмингни даф.

Реша-реша пой истидлолдиндур доманим,
Оҳ бетаъсир фарёду фифоним, шеваним,
Қасрати заъф этди жисми нотавон парвизаним,
Ун-ун ўлди устухон, ҳеч ерда етишмас уним,
Тиги оҳимдин лаби хоҳишгарим ўлди асаф.

Оҳ бу ҳасрат асоси кўҳна коҳи бесукун,
Водий дорул-ғуруру маскани макру фусун,
Ҳеч билдингму на элтдилар келиб сандин бурун,
Қўймағил омодаи тонглоға, сарф этгил букун,
Молу дунёдур насиби ворису ёқим талаф.

СУБХОНҚУЛИХОН ТҮҒРИСИДА ҲАЖВИЯ

Жойи осоийиш эмас ҳечкима бу кўҳна равоқ,
Ёғдуур бошимиза санги жафо, гарди фироқ,
Йўқолиб расми вафо, бўлди ҳама бошу оёқ,
Мулқдин адлу карам кетти, келиб кийну нифоқ,
Яхшилик қилма тамаъ, зулм ила дўлди оғоқ.

Фитнаю шўр ҳама рубъ ила маскун дутди,
Хўблар маснадини сифла била дун дутди,
Таҳ-батаҳ кўнглуми бу фикр била хун дутди,
Жойи шаҳбозлари қарғаю қуэғун дутди,
Ҳамнишин ўлғали шунқор ила доим япалоқ.

Шоҳ ҳамбазм ўлуб хожасаролар¹ била ёр,
Ҳукм баръакс суруб бўлди ёмонлар сардор,
Хор ўлди уламою фузало, шайху кибор,
Кўрингиз юрт иши топти на ерларга қарор?
Хон жилови икки бадракка тегиб бўлди иноқ.

Иҳтиёрин барининг қўлиға қуллар олғай,
Ҳар бири айш ила қонуни танаъум чолғай,
Мулкнинг неку бади маслаҳатини қилғай,
Одамизодалари қадрини қайдин билғай,
Бири нокас, бириси етими Идрис тўқмоқ.

Фуқаро бошига етти бу қалин шум қуллар²,
Ҳамдами шоҳ бўлуб, аҳли таҳаккум қуллар,
Қани бир эрки чиқиб айласа маъдум қуллар,
Отларин лавҳи қаламравдин эдиг гум қуллар,
Солса бу (аҳмаку) гуҳдамлари бўйнинг тузоқ.

¹ Хожасаро — илгари қул бўлиб, кейин ўз хизматлари билан хонлар ишончини қозонган, сарой амалдорлари даражасига етишган шахслар.

² Қуллар — шоир бу термин орқали хожасароларни назарда тутади.

Шоҳлиғ улдурки, анинг ҳукму сўзи бир керак,
Адл бобини қуруб, рост нишон тир керак,
Рострав, дини дуруст, пешаси тадбир керак,
На муханинас сифати, сурати тағйир керак,
Сурати марду хотундек ясатиб қошу қабоқ.

Не адолат бўлур ул шаҳда эса лўли зой.
Ҳамдами Бойлоқу кенгаш бегиси хожасарой,
Мардлик йўқдур анга ким қарасанг сарто пой,
Шоҳнинг хизматин этиб турадур саккиз ой,
Тошканд мулкида илғор этиб зору қашоқ.

Ҳукмидур жумла либосию ишидур амали,
Сўзибур бетагу фармону нишони жаали,
Мумсику сифлаю дундурки бағоят қабали,
Анга ўхшарки қолон бурунғиларининг масали;
«Ёғ ишқордин олуру қора сувдин қаймоқ».

Бидъату зулм анинг хилқату асли зоти,
Юртни бузди ҳавола била таклифоти,
Олди бу расми барот ила бу тасдиқоти,
Вор мундин шарафи мурдашўю исқоти,
Тўра ўғли ичида йўқ мунидек истиҳқоқ.

Қани бир хисрави одилки анга дод этсам,
Сўрса аҳволими, ғам хирманини бод этсам,
Доми меҳнаткададин мунглими озод этсам,
Ким бузулғон дили вайронани обод этсам,
Айласам бўси адаб, шоҳ қўюб қайда оёқ...

Эй юзи қаро, кўзи кўр, қулоғи кар беклар,
Билингиз бу сўзими панд саросар, беклар,
Айлангиз пайрави шаръи паямбар, беклар,
Сизга даркор бу юрт, эй гала — занғар беклар,
Бу қадим нақл әрур: «Эл работу тўра қўноқ».

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Ғасб ила молин олиб, қўймадингизлар битини,
Қамчилар доғ солиб бўюнға, тилиб бетини,
Ёрдингиз заҳрасини (ичидан) олиб ўтини,
Бўлмади кам бу раият бошидин ҳеч таёқ.

Кўр парвоначидур, кўри саги — (кўпрак) рў,
Доддоҳи дула мағзобаю бир машки сабў,

Сойирун-нос силюҳиси ўлуб қирчанғу,
Тинмай итдек юрадур дарбадару кўй-бакӯ,
Олиғидин : қумалоқ¹

Беклар ўлди ҳаромзодалари нософи,
Бемаҳосил, гала номард, қалин наддофи,
Егани ҳаққи етим, мадрасалар авқофи,
Буларинг олдида бордур бўрининг инсофи,
Бу аламдин кетайин бош олиб мулки Ироқ.

Бу шаҳинг асрида кўп сифлаю бангилар бек,
Турк оймоқ, арабу ғалчаю соқчилар бек,
Бузуқи, кайдио, қуллуқчию сўзчилар бек,
Бегу бегзода қолиб, илқичи, қўйчилар бек,
Тутди тупориу ҳам жетти эшикдин тўбичоқ.

Оалар хасталар амволини зулм ила бағадр,
Шуҳра топди ҳама бад асллар, чун моҳи бадр,
Бадгуҳар асл раиятлар ўлуб хожай садр,
Бу шаҳинг даврида кўп нокасу дун топди қадр,
Рўйкор келди қалин бангию қилчи қалтоқ...

Сендин² уммид (буким) ҳақ йўлиға юргайсен,
Аҳдинга росих ўлуб, бир сўзинга турғайсен,
Бу замонда борини бир кўз ила кўргайсен,
Турдининг ҳолини сен лутф ила сўрғайсен,
Қадрдан мири писандида каримул-ахлоқ.

Хон эшигида киши қолмади бир соҳиби фан,
Бор бир неча сўқум кайди маҳзи гардан,
Келмас қўлларидин иш ҳама ошхўр, ғарзан,
Үйда бир эр Хушика³ эрди
Бу замон охирида душмана ўлғон тўғаноқ...

Етмадим ҳеч ера бу қофия паймолиғдин,
Дод, юз дод, ғариблиғ ғами танҳолиғдин,
Кўрмадим манфаати беҳуда савдолиғдин,
Йўқ (сўққа бошимдин) ўзга манга дунёлиғдин,
Кош ул ғарзанлар солса қуруқ сўзға қулоқ.

¹ Нуқта жойлари ўқилмади.

² Бу ўринда шоир Ҳўжанд ва Үратепа ҳокими Раҳимбийга му-
рожгаёт қиласиди.

³ Х у ш и к а — Субхонқулиҳонbekларидан бири.

³ Нуқта жойлари ўқилмади.

Худпарастлар солиб эгнида қабо заркашни,
Солиниб, ваъда била кейнида бир аш-ашни,
Гаҳ югуртуб бу қуруқ даъвида минг маш-машни,
Порани қайсиға топай бу қалин (паст) қашни,
Етмас ҳечбирина гар улашсам..

Осиё новасидек рост этиб бўғузини,
Тўлдириб ашрафи (ила девори) дарзини,
Топмадим буқаламун кайдилари тарзини,
Аждаҳодек порага турмиш очиб оғзини,
Юртдин йўқ хабари барчасининг фикри тамоқ.

Барчаси пораю ришватға ўлуб бад омуз,
Халқ қўлиға тاماъ бирла тикиб доим кўз,
Йўқ мурабби менга хон эшигида бир дилсўз,
Сўзламас менинг, учун юзи қаролар бир сўз,
Тиқайнин ҳар бирининг оғзига бир-бир қўмалоқ.

«Шукрким дорул-амон манзилиму маъвойим,
Олами сел агар тутса баланддур жойим,
Давлату хожасаролардур манинг симойим,
Олами сел агар тутса баланддур жойим,
Арк ичин маҳкам этиб айладим ўзимга ётоқ».¹

(Холга) боқмай қилурлар тўралик айлаб чикка,
Бор девонбеги бил (пўкан) отолиқ пукка,
Чиқса гар душмани пурзўр ўгурурлар чикка,
Булар уммидига охир (ўтуурлар тикка),
Қуюшқонни кўтариб юртга үрурлар шатароқ.

Макру талбис била зуҳду сафо пеш тутуб,
Маргдин бехабару нашъу намо пеш тутуб,
Зарни жамъ айламага ҳирсу ҳаво пеш тутуб,
Ҳақ ишини унутуб, кори риё пеш тутуб,
Жой улдурки ҳама олами олғай қалмоқ.

Қилма беҳуда ҳавою ҳавасу чуну чанд,
Тўғри йўлни тиласанг уз бу саройдин пайванд.
Фақр кўйинда гадо нонига ўлғил хурсанд.
Ўзингдин сўнграги фарзандинга берғил панд:
«Ема зинҳор бу тезак, ўрсанг ўроқ ила бошоқ».

¹ Бу бандга шоир «Аз забони хон» (Хон тилидан) сарлавҳасини қўйган.

Гар Сулаймон сифат оламни олиб, зери нигин,
Кетгунг оқибатул-амр солиб зери замин,
Дер қазо кунда қулоғингга ба овози ҳазин:
«Сан зиди ғофилу роҳат талабу марг гузин,
Умрдур кўтаҳу, афсус, vale матлаб узоқ».

Фуқаро бўлди бу шоҳ асирида кўп зору наҳиф,
Зулмдин бўлди раият эликим, хору заиф,
Соли тарихини этдим чу хираддин таклиф,
Деди: «дин» бошдин оёқдин тушуб «ислом заиф»
Даври Субхонқули жобир, умароси япалоқ.

Ҳеч бу меҳнаткададин айш сўроғи тилама,
Ич бағир қони билиб бода аёғи тилама,
Баски бу тийра дарунларда ҷароғи тилама,
Икки кун фурсати дунёда Фароғий тилама,
Жойи осойиш эмас ҳечкима бу кўҳна ражоқ.

ДАР МАЗАММАТИ СИРОХИГАРИ

Умр шуд талаф бағафлат дар вартаи сипоҳи,
Мўйи сағид кардам уммеди лутфи шоҳи.

Чизи бакаф наёмад, ҳосил зи нақди дунё,
Аз сим ашки ҳасрат, аз зар чу ранги коҳи.

Аз хор-хори матлаб тули амал зи мансаб,
Фикри маҳолу ботил дар шому субҳоҳи.

Шарманда зин ду кирдор шуд дину дил дар озор;
Инкор дар авомир, маъруф дар маноҳи.

Гуфтам шавам зи хосон, гардам бари зи омон,
Афтодаму надонам аз жоҳ то бачоҳи.

Шуд умрҳо саропо гаштам бари зи омон,
Аммо чи суд дидам аз ин ҳама сипоҳи.





МАШРАБ





M

ашраб — ўзбек адабиёти тарихида лириканинг ажойиб намояндаларидан бири бўлиш билан бирга, ҳозиргача етарли ўрганилмаган мураккаб ва қарама-қаршиликли ижодий кучлардан биридир.

Машраб—шоир Бобораҳимнинг ҳам тахаллуси, ҳам умум ҳалқ ўртасидэ машҳур бўлган лақабидир. Бобораҳим Машраб 1657 йили Андижонда камбағал оиласада туғилди. Унинг ота-оналари 1672 йилда Андижондан Наманганга кўчадилар. Бу ерда 15 ёшли Бобораҳимни Мулла Бозор охун деган катта бир эшон тарбиясига топширадилар, у 25 га киргунча эшон қўлида хизмат қилади.

Бобораҳим бу эшон қўлидан чиқиб, Қашқарга жўнайди, у ерда ўша вақтнинг машҳур эшони Оппоқхўжа хизматида бўлади. Мулла Бозор охуннинг топшириғи юзасидан Бобораҳим Оппоқхўжа қўлида 7 йилгacha мурид бўлиб хизмат қиласди. Эшон билан Машраб ўртасида зиддият бошланади. Эшон Машрабни қаттиқ жазолаб, даргоҳидан қувлайди. Бундан кейин Машраб дарбадарлик билан кун кечиришга, ҳатто қаландарлик йўлига ўтади. У Ўрта Осиёning кўп шаҳар ва қишлоқларини, Балх ва Ҳиндистон каби ўлкаларни кезиб юради. У ҳалқ орасида катта шуҳрат қозонади.

Машраб, бир томондан, диннинг баъзи моментларига тил тегизган ва диндорларнинг қабиҳликларини, иккиюзламачиликларини фош қилган бўлса, иккинчи томондан, у ўз ижодида қисман, диний мавзуларга ҳам ўрин берди.

Машраб ҳукмронларни ҳамда ислом руҳонийларини зўр жасорат билан фош қилгани, ҳатто ҳақорат қилгани ва ўз даврига кўра илфор ғоялар ифодалагани учун аштархонийлар сулоласининг охирги хони Абулхайрхон замонида, уламоларнинг фатвоси ва Балх ҳокими Маҳмудбий Қатағоннинг ҳукми билан 1711 йилда дорга осиб ўлдирилди.





«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Б
у тани хокийниø руҳи равонни на қилай?
Бўлмаса қошимда жонон бу жаҳонни на қилай?

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Қолғон Иброҳимдин ул эски дўконни на қилай?

Урайинму бошима секкиз беҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?

Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошкоро бўлмаса сирри ниҳонни на қилай?

Аршиннг кунгурасин устиға қўйдум оёгим,
Ломакондин хабар олдим, бул маконни на қилай?

* * *

Ишқ мазҳабида тоату тақво чидаёлмас,
Тасбиху сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрсаки ул дилбари раъонни баякбор,
Бетоқат ўлуб, айшу фароғат чидаёлмас.

Адҳам сифати кирса киши фақр йўлиға,
Осойиш ила хайру саховат чидаёлмас.

Арбоби муҳаббатға етиб бўйи санамдин,
Ақли кетибон, сабру қаноат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал шўх лиқосин,
Зуҳду варау кашфу каромат чидаёлмас.

Девона қилур ишқу санам васли чу Мажнун,
Номусу ҳаё, айбу қабоҳат чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила хайру сахо қил,
Ишқ мазҳабида обу таҳорат чидаёлмає.

* * *

Дунёға келиб лойиға билмай ботақолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қотақолдим.

Кўрдум мен ани душмани руҳи тан экандур,
«Ло»ўқи била икки кўзига отақолдим.

Майхонаға кирдим, билақолдим куяримни,
Масжидға кириб, зоҳиди яхдек қотақолдим.

Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг,
Минг тақвини бир шишаи майға сотақолдим.

Ваҳдат майинни пири мӯғон илгидин ичтим,
Мансур киби дорға бошимни осақолдим.

Девоналиғим шуҳрати оламға тўлубдур,
Бир жилвасиға икки жаҳондин ўтақолдим.

Айб айламангиз Машраби беҳудни, ёронлар,
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўтақолдим.

* * *

Ногаҳ кўрӯбон маҳви жамолинг бўлақолдим,
Ойдек юзингга боқтиму ҳайрон бўлақолдим.

Ўтдек туташиб, куйди юраким била жоним,
Парвона бўлуб, ўтқа ўзумни урақолдим.

Юз ғамза била чиқти санам майқадасидин,
Барбод урубон дин ила жаннат сотақолдим.

Кўрдумки ажаб ишвагару дилбари танноз,
Девона бўлуб, ишқида ўтдек ёнақолдим.

Дийдори жамолини қўруб, ишқ йўлида,
Гул-гул ёнибон маҳви тамошо бўлақолдим.

Машраб бошиға солма ўшал кунғами дилдор,
Шайдоси бўлуб они, ҳушумдин қолақолдим.

* * *

Эй мени нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бу кўнгул бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан?

Неча кундур бу кўнгул муштоқи дийдоринг эрур,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сени, ғунча даҳоним, қайдасан?

Ҳолимиз беҳад ёмондур, келмадинг ҳолим сўраб,
Эй менинг хуш меҳрибон, ороми жоним, қайдасан?

Қўзларим кўрмас бўлуб, қолдим бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чиқти бу оҳу фифоним, қайдасан?

Ташна лабдур, Машрабо, бўлди юраким ҳам
кабоб,
Фурқатингда, эй менинг оҳу фифоним, қайдасан?

* * *

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Девонайи шўрида бу жонингни фидо қил,
Кокули анинг белига чулғона келибдур.

Юз жонинг агар бўлса ани йўлида кўргил,
Жонона била кўзлари мастона келибдур.

Жонингни фидо айлагил, эй хастай Машраб,
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.

* * *

Оқ юзунгда холу хат кўз кўрмагайди кошки,
Кўнглима юз доғи алам қўймагайди кошки.

Ишқ бир оҳ айлагач, кетти футур дин уйидин,
Бодани беғаш кўрубон ичмагайди кошки

Чун Наманган шаҳридин парвоз айлаб мурғи руҳ,
Донаи холин кўрубон қўнмағайди кошки.

Ёр жилва бирла боқти руҳу жон бўлди кабоб,
Ушбу ҳодисни бошига солмагайди кошки.

Айрилиқнинг дардидин эмди ўлар бўлдум магар,
Ушбу доғи айрилиғни кўрмагайди кошки.

Кошки жонимни олса, доғи ҳасрат қўймаса,
Доғи ҳасратдин фароғим олмағайди кошки.

Машрабо, ёр хизматини айла жону дил била,
Ушбу даврон ҳам ганимат — олмағайди кошки

* * *

Кўзумга гардиши ашкимки луълудин хабар берди,
Жунун дарёси урди мавж, бир Мажнун асар берди.

Таҳайор оламининг нардбони ҳам тасалсулдур,
Паёми жилваи найранг ҳар жоя назар берди.

Ки ҳар соатда бир бўстон, бир боғи дигар пайдо,
Ки лаззоти дигар ҳам боғу бўстонлар самар берди.

Ҳақиқатдин чиқон ҳар ёш Уммон бирла Жайҳундур,
Ки ишқ савдогарига ушбу дарёлар гузар берди.

Ки қадри кўзига ғарқ бўлди оғаҳлик нишони ҳам,
Ки кўҳи Қоф бўлди ушбу бошлар ҳам шарап бўлди.

* * *

Наманган шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим борму?

Фариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қозондек қайнабон тоштим,

Бу фоний дунёдин кечтим, мени йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, русуми ишқдин ғавғо,
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Туарарга тоқатим йўқтур, юарарга ҳолатим йўқтур,
Юракда ишқ ўти кўпдур, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Наманганда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Бу мискин зор Машрабни, киши ҳолини билмайдур,
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

* * *

Кўнгулда заррача дунёнинг меҳри бўлмайин менда.
Сени деб икки оламдин кечиб, безора Машрабман.

Ўлуб кетсан, сенинг дардинг сўнгактин кетмагай асло,
ЛАҲАД ичра фифон айлаб, ўзум бечора Машрабман.

Анодин қай куни туғдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,
Муҳаббат доғида ўртаб, ўзум сайёра Машрабман.

Муҳаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўқ,
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.

Бошимға минг бало келса, тилармен васлини, зоҳид,
Бошим кесссанг тиёрим йўқ, деган дийдора Машрабман.

Халойиқлар мени қавлар, ёмон деб, ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халқ аро расволигимни ҳеч киши билмас,
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мени девона Машрабға муҳаббатдин баён айланг,
Намозу рўзадин фориғ бўлуб маккора Машрабман.

* * *

Муҳаббат ўтиға бағрим куюб, бирёна йиғларман.
Висолингиз тилаб, эй нозанин, жонона, йиғларман.

Умидим бодаи лаъли лабингдин жоми май ичсам,
Фигону нола айлаб бардари майхона йиғларман.

Сияҳ зулфунг менга зуннор, бўлдум кофири ишқинг,
Бўлуб расвойи олам сокини бутхона йиғларман.

Гаҳи булбул дарағғонман, гаҳи чун қумри нолон ман,
Гаҳи чуғзи паришондек, ватан вайрона йиғларман.

Аё лайлившим бир ғамзай нозинг била ўлдур.
Фироқинг даштида Мажнун ила ҳамхона йиғларман.

На ҳожат менга дашту тоғ аросида ватан қилмоқ,
Агар бўлса бу йўлда жазбаи девона йиғларман.

Жамолинг парғави оламға тушти, барча ўртанди,
Куюб, Машраб, мисоли ул пари парвона йиғларман.

* * *

Агар ошиқлиғим айтсам куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баен қилсам тақи ул хонумон ўртар.

Қишига ишқ ўтидин зарраи етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат юрак-бағри чунон ўртар.

Мени бехонумон тинмай куюб-ёндим фироқингда,
Оting тутсам, нигоро дебқи, завқидин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, сени васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларим ниҳон ўртар,

На қаттиқ кун экан, жоно, висодингдин жудо бўлмок,
Мени оҳим тутуниға замину осмон ўртар.

Бу дард ила ҳароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Ғаминг бошқа, алам бошқа, юракимни фифон ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳарким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

* * *

Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,
Хўблар ичида маснаду жоҳ айлаганинг хўб.

Бир бокираи ҳуру пари ҳусниға таржих,
Ишрат саманиға минибон ҳайдаганинг хўб.

Паргор бўлуб гавҳари дарёи муҳаббат,
Бир нуқтаи жон гавҳар аро боғлаганинг хўб.

Парҳиз айлама, зоҳид, май нашъасидин ҳеч,
Эй ошиқ мастона азалдин қилмаганинг хўб.

Гар бод масал чарх уруб Машраби мискин,
Мастона қаро кўзга нигоҳ чекмаганинг хўб.

* * *

Кўрунди кўз қаросига магар хайли паризоди,
Шафақ тутти жаҳонни келди ё бир қадди шамшоди.

Чароғон бўлди дунё ё магар келди мени ёрим,
Биёбон бўлди боғу бўстони хуррам ободи.

Ҳужуми ғам қилиб барбод келди бир насими хуш,
Магар озода ёрим, дўстлар, ишқ қилди бунёди.

Магар ул шоҳи хоқон қатлима лашкар қилиб келса,
Юраким чок этиб айлай ани олдида ҳам доди.

Баҳористон бўлди ранг-баранг гуллар бўлуб пайдо,
Хазон этмак учун, дўстлар, илоҳий келмагай боди.

Неча йиллар ётибман қор, ёмғур устина ўт еб,
Паризодам, маликам қилмади ҳечбир сени ёди.

Ариғ йўлға ўзунгни ол, Машраб, ўтти умринг, лек
Муроду мақсадига етмагай ҳаргиз хароботи.

* * *

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Үт ёқти жаҳон мулкина ғавғо қилайин деб.

Машшота била жилваға кўргузди ўзини,
Мендек нечани ошуфтаю шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парданни очти,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Мастона саманд секратиб келгач шаҳи хунрез,
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

Қўп йилда бу қул хизматини қилмади баржо,
Келдики ғазаб бирла чу расво қилайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хушҳол бўлуб кет,
Қонимни мени лолаи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,
Ғавғойи қиёматни ҳувайдо қилайин деб.

* * *

Латофатлиғ бу боғ ичра бўонг сарви хиромондур,
Бу жонни қумриси тинмайки, дойим шўру афғондур.

Кўзунг жаллоддур, қошинг ҳилолу кипригинг ханжар,
Лабинг лаълу даҳонинг ғунчай садбарги хандондур.

Сен эй зоҳид, менинг дарди дилимни ҳеч билмассан,
Юрагимга назар қилсанг тамоми захми пайкондур.

Биҳишт ичра қадам қўймамки йўқтур ваъдаи васлинг,
Ки сенсиз менга бул жаннат мисоли нори сўзондур.

Ки сенсиз найлайин ушбу жаҳонни, эй вафодорим,
Азоби қабр ҳижрон дардидин албатта осондур.

Умиди кўп эди ранжур қилди ишқ Машрабни,
Агар мақсадига етмай ўлса, вовайло, на армондур.

* * *

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум,
Бир бути хушхиром учун ошиқи дарбадар ўзум.

Қуюнга, эй санам, бориб навҳау нолалар қилиб,
Шому саҳар фифон қилиб, ҳофизи хуш асар ўзум.

Жоми майи луоб ичиб, мажнуни бенаво бўлуб,
Нозу карашмалар қилиб, Лайлийи ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдурууб, бедили навҳагар ўзум.

Васлинги истаб, эй санам, кечаву кундуз мудом,
Ёр деди саҳарда топ, дояни саҳар ўзум.

Олимни нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шуҳрати шеър бобида, Машраби мұтабар ўзум.

* * *

Малаксан ё башар ё ҳуру ғилмонсан билиб бўлмас,
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, мاشаққатсиз ҳунар
бўлмас,
Риёзат тортмағунча ёр васлиға етиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсен, ажаб шўхи ситамгарсен,
Чароги ҳусну ҳўйингдин кўнгулни ҳам узуб бўлмас.

Юзунгнинг офтобини кўруб ҳайрон бўлуб қолдим,
Фалакға қўл узотиб шамси анварни олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун булбули шайдо,
Бу гулни ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Қел, эй Машраб, агар ошиқ бўлубсен бўлмағил ғофил,
Бу ғафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

* * *

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлиқ билан,
Охир умрум ўтти, сад афсус, нодонлиқ билан.

Бир гули шодим очилмай баҳти гул жоним аро,
Ҳайф умрум оқибат ўтти паришонлик билан.

Баски илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлиқ билан.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлиқ билан.

Рост сўз айтсанг аларға зарра қилмаслар қабул,
Куфр айттинг деб урарлар неча озорлиқ билан.

Машрабинг ҳарбир сўзи дур гавҳари қийматбаҳо,
Этма бу сўзларни ҳар нокасға нодонлиқ билан.

* * *

Зол дунё устина бир турки заррок ўлтуур,
Тарки дунёдин уруб дам завқи тарек ўлтуур.

Қиблау меҳроб бир замонда хотирдин чиқиб,
Чун зару сийм иштиёқи мум ила лок ўлтуур.

Боги найранги баҳорон шўри туфон бирла хуш,
Ханда этган гулларини шаш жиҳат хок ўлтуур.

Ишқ аро тушкон гириҳлар базми торожи жаҳон,
Зоҳиди худбинни охир фашу мисвок ўлтуур.

Булҳавасни мағзи йўқдур, пўстдур беиътибор,
Маънипарвар одамини ишқу идрок ўлтуур.

Дайр фаҳмлар хонақаҳни ошиқи пусидалар,
Чун савоби вирду аврод базми дардиқ ўлтуур.

Хатту холи оразидур мушкилоти масъала,
Қийлу қол беҳудаға нечаки кўпроқ ўлтуур.

Дайр бўстонида Машраб зарра йўқтур фоида,
Ошён эт аршу курси анда бебок ўлтуур.

* * *

На савдолар боша солдинг бу савдолар туганмазму,
Ки банд эттинг аёғларни яна бандлар ёзилмазму.

Паёми васл эшитибман юрарман шаҳрдин шаҳра,
Саги даргоҳ бўлғонлар бу саглардин қутулмазму.

Сари зулфиға банд бўлғон жаҳон даври тасалсулдур,
Ки асбоби жаҳон торин бирисидин узулмазму.

Ки ишқ дарёсиға банд солмоғинг бисёр мушкилдур,
Ки тоқи рўйи олам садди роҳ этсанг сурулмазму.

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин, сен,
Агар бир дилни сен бузсанг юзар каъба бузулмазму.

Жунунни қўзғат, эй Машраб, булар маҳкуми таҳқиқдур,
Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфи тугулмазму.

* * *

Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқида куйган парвоналарга.

Мендин дуолар, сендин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларга.

Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсен,
Қилғил назора бечораларга.

Машраб деган қул кечти жаҳондин,
Бошин қўюбон остоналарга.

* * *

Ул дилбари раъноға мен ёр бўлай дерман,
Май берса манга андин бир қатра тотай дерман.

Жаннат била алвонни ҳам кўшку саройини,
Гар бўлса харидори бир пулга сотай дерман.

Тоат қилибон зоҳид ошиқға қилур таъна,
Бир ўқ била зоҳидни андин йўқотай дерман.

Кўз ёшими жўш бўлди дўзах ўтидин Маънраб,
Ишқинг ўтида тошлаб, дўзах қурутай дерман.

* * *

Бир боқишингга жумлаи жонона тасаддуқ,
Шаҳло кўзунга оқилу девона тасаддуқ.

Пардани агар очсау, дилбар манга боқса,
Жоним берайин йўлида ҳамхона тасаддуқ.

Ул соқи бўлуб сунса аёғини қўлумға,
Ғамзаларидин соғару паймона тасаддуқ.

Лаъли лабидин журъаи майни тилаб олдим,
Дур тишлариға гавҳари якдана тасаддуқ.

Юсуф сифат ул жилва қилиб чиқса қошимға,
Мен ўргулайин, каъбау бутхона тасаддуқ.

Жонингни агар бер деса ул дилбари раъно,
Жоним берайин йўлида мардана тасаддуқ.

Мижгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,
Кўксум берайин йўлида ҳайрона тасаддуқ.

Гулгун кийибон чиқса ўшал дилбари раъно,
Мажнун бўлайин, ўргулайин ёна тасаддуқ.

Машраб сари зулфунг тарасанг рашки келадур,
Зулфунг торидин боди сабо шона тасаддуқ.

* * *

Тирикликда жудо бўлғон киши ёрини кўргайму,
Фироқи ҳасратига сарғариб то кўрмай ўлгайму.

Куюб бирён бўлуб ҳайрон висолингни тилаб топмай,
Баҳор айёмида бўлбул киби гулға қўшулгайму.

Нечук бедодлиг иш бўлдиким, сендин жудо бўлдум,
Оқорғон кўзларимга давлати дийдор бўлгайму.

Ман айтурман күнгүл узғил, бу күнглум күнгүл
Күнгүл айтурки, эй нодон, күнгүл узсам узулғайму.

Кел эй соқий, қадаң сунгил, бүлайин масти
Иноят бўлмаса сендин тўкулган коса тўлғайму.
мустағрак,

Сени ишқингда, эй дилбар, ки менда қолмади тоқат,
Яна ишқингда оҳ урсам гузори ёр бўлгайму.

Азалдин ошно бўлмак тақдири худо, Машраб,
Бу ҳижрон илгидин, эй дўстлар, жоним қутулғайму.

* * *

Ҳечкима маълум эмас ҳоли паришоним мени,
Осмонни пора қилди тийри афғоним мени.

Мен нечук шод этмайин бу хаста кўнглумни букун,
Келди ҳолимни сўраб жона жононим мени.

Кўҳи ғамдин келди бир тош тегди оғзимга мени,
Мустафодек синди охир икки дандоним мени.

Эй ситамгар, келгили эмди шаҳид этгил мени,
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним мени.

Ноз-истигно билан келиб мени ҳолимни сўр,
Телмурууб доийм йўлунгда чашми гирёним мени.

То бакай жавру ситам бирла юарсан, эй рафиқ,
Чиқти Машраб ушбу ғамдин бу азиз жоним мени.

* * *

Чун қўлум бирла аёғим боғламоқ ҳожат эмас,
Ман ўлумға розиман, чун тургали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,
Баски одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас.

Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун оромиға бир лаҳзай соат эмас.

Лашкари хунрез бўлса сабру ором қайда бор,
Мажнуни девоналардин шоҳфа роҳат эмас.

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас.

МУРАББА

Булбулдайин ким фарёд этарман,
Ишқ дафтарини бунёд этарман.
Кўнгулларимни ман шод этарман,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд
Ишқингда қилдим юз оҳу фарёд.
Утти нигорим чун сарви озод,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди тутти ёқомдин,
Бағримни тилғил пайкони ғамдин,
Минг доду фарёд ушбу ўлумдин,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксумға ёнди,
Қўз ёшим оқиб бағримға томди,
Ғафлатга қолғон Машраб ўёнди,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

МУҲАММАСЛАР

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Телмуруб йўлида қолдим шоҳи бадху келмади.
Неча келди шум рақиблар, ул пари рў келмади,
Дардидин ўлдум, vale дардимға дору келмади.
Мен шаҳиди ишқ бўлдум қатраи сув келмади.

Оҳ-вовайло, фариблиқ шаҳрида кўп хорман,
Гар олур бўлсанг бу жоним ол, санам, безорман,
Пардани юздин кўтаргил, ой юзунгга зорман,
Соқиё, тўйғунча май бер, неча кун хумморман,
Барча мажлислар гули зулфи суманбў келмади.

Ташна лаб ўлдум ғамингда, меҳрибоним, қайдасан?
Оҳ уруб йиғлаб юрубман, жонажоним, қайдасан?
Изласам йўқтур маконинг ломаконим, қайдасан?
Барча сирримни билурсан, нуктадоним, қайдасан?
Юз туман савдоси тушти маслаҳатгў келмади.

Ичу тошим ғамға тўлди, ғамгусорим, келсано,
Ҳарна қилсанг, сен ўзинг қил, дилфигорим, келсано,
Жумла шаҳларнинг улуғи, номдорим, келсано,
Марҳаматлик подишоҳим, тождорим, келсано,
Дилни зангорин кўргурга ойинарў келмади.

Зоҳидо, Машрабға дединг: «Масжид ичра қўй қадам!»
Фашидин қилдим ибо, ҳеч урмадим мен анга дам,
«Ўлтуруб меҳробда,— деди,— хотирингни айла жам!»
Турфа ишдурким кўрунг масжидға кирмиш дарду ғам,
Неча кун зоҳид бўлуб, кўнгулга бир «ҳу» келмади,

* * *

На ғурбатларни чектим чархи бебунёд дастингдин,
Давом мотамда ўттум, бўлмадим дилшод дастингдин,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Чаманнинг булбули беболу парман, ошёним йўқ,
Мисоли чуғзек вайроналарда ҳам маконим йўқ,
Азизимдин жудодурман, бошимда соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Дилимнинг қуввати, руҳи равонимдин аюргилар,
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин аюргилар,
Кўзумнинг равшани ул меҳрибонимдан аюргилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Бу оламда менингдек дил паришон ўлмасун ҳечким,
Кўзи ҳам телмуруб, чўлларда сарсон ўлмасун ҳечким,
Халойиқ дийдасига торикистон ўлмасун ҳечким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

Илоҳий, менга еткургаймусан хуршеди матлабни,
Саодат вақтида баҳтимға чун иқболи кавкабни,
Илоҳий, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳарқайда борсам дод этарман, дод дастингдин.

* * *

Зиҳи расволигим оламға солди шўрушар танҳо,
Наҳанги нуҳ фалак дарёси бўлди алҳазар танҳо,
Нигорим бирла мен йироқдурман халқи бар танҳо,
Қаландарман жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо
Чу симурғ киби парвоз айладик беболу пар танҳо.

Биҳишт айвонида мен ҳуру ғилмон орзу қилмай,
Сотарга дину дунёни ривожин орзу қилмай,
Яна Руму Хитой божу хирожин орзу қилмай,
Шаҳи рўйи заминни тахту тожин орзу қилмай,
Гадойи фақр бўлдум сайр этарман баҳру бар танҳо.

Дили тифи ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум,
Муҳаббат даштида овора бўлган халқни кўрдум,
Жунун туғён этибдур ҳар бириси бехабар танҳо.

Бугун маҳмур учун пири муғон олдига бош қўйдум,
На шайх олдига бордим, на бараҳман сўзига кирдум,
Йўлунгда гаҳ йиқилдим, гоҳ турдум, гоҳ ўлтурдум,
Сени кўргунча, эй нозукбадан, тенгрига топшурдум,
Мени мундоғ мусоғир айлади даври қамар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасига суҳбати маъшуқ,
Муяссар бўлмаса маҳрам саройи хилвати маъшуқ,
Вужудингни адам қилмоғлиғингдур миллати маъшуқ,
Йўқ этгил ўзлугунгни келмагай то ғайрати маъшуқ,
Киши маҳрам бўлолмас ёриға бўлмас агар танҳо.

МУСАДДАС

Эй муғбача, марғублуғунг ҳаддин ўтубдур,
Овозаи ҳуснунг ҳама оламни тутубдур.
Машшотай тақдир сени хўб безатибдур,
Юз жилваи олам сенинг олдингда фарибдур.
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат.

Ҳуснунг варақиға ёзилиб турфа ажаб хат,
Ёким ясамишлар ичида лаълу забарждад,
Юз шевай ноз ила агар нек, агар бад,
Рафтординг ила қомати дилжўй хушқад.
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат.

Гул хипча белинг ларза қилиб айласа жилва,
Юз йўл била ҳар ранг мақом олгуси парда,
Бир лаҳзада юз ўлтурубон қўйгуси ханда,
Ҳар кимки кўрур бўлса ани бўлғуси банда.
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат.

Эй дилбари раъно, менга жон қолмади ҳаргиз,
Кўнгул олибон қўлиға ҳеч билмади ҳаргиз,
Ошиқ киши ким куйди чунон ўлмади ҳаргиз,
Девонаи Машрабга вафо қилмади ҳаргиз,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо жонима роҳат.

МУСТАЗОДЛАР

Бу хаста вужудимни мени ўртади бир йўл
ул зулфи паришон.
Ул гул юзининг шаклида мен волайи булбул,
ул ғунчай хандон.
Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни, нечуксен,
ул орази гулгун.
Юз ваъда қилиб турмади бир ваъдага бир йўл,
ул ваъдаси ёлғон.
Парвона бўлуб ишқ ўтида куйса бу жоним,
кўп мунча аlamдин.
Утларни ёқиб келса менинг хонама ул кун
ул оташи жавлон.
Ишқинг ўтиға куйди на қилсунки бу жиссим,
йўқ сабру қарорим.
Овозай ҳуснинг-ла солиб олама гулғул,
ул ҳусни фаровон.
Сенсиз на қилай ушбу жаҳон ичра бу жоним,
сен менга кераксан.
Айтур алами қилса қабул ул маҳи тобон,
жоним анга қурбон.
Ҳарнеча маҳаллар бўлубон рози дил айтдим,
девонаи Машраб,
Бераҳм экандур ўзи келмади қошимға
ул золими даврон.

* * *

Айтай сенга дарду аламим, олими доно,
фикр айла ўзунгго.
Оҳим сари менга эшитиб бир боқа кўргил,
Эй дилбари якто.
Оламда менингдек сенга ҳайрон бўла йўқтур,
англа муни, дўстлар.
Девоналиғимни кўра-кўра бути раъно,
мен мажнуни шайдо.
Ошиқлик иши қийин экан ўлмак ишидин,
ҳайрона бўлубман.
Гул ишқида қонлар томадур ушбу кўзумдун,
мен булбули шайдо.
Бошимға агар қанча бало келса сен учун,
сендин кечарим йўқ.
Қойдин кечайин, кўнглуму меҳрим сенга кўпдур,
мен ошиқи расво.
Девона бўлуб ишқ ўтиға куйса ажаб йўқ,
қилмаки маломат.
Машраб ўзини этти фидо ёр учунким,
дилу жон сенга гўё.





САЛОХИЙ





«ГУЛ ВА БУЛБУЛ»ДАН¹

(1740. йилда ёзилган)

Сабо чун гул ҳаримиға улашти,
Жаҳон оро жамолиға етуشتни.

Деди: «Эй гул кезиб келдим жаҳонни,
Таниб дунёда яхши, ҳам ёмонни.

Бор эркан даҳр аро бир марғзори,
Чаманзори, ажойиб лолазори,

Етуштум эрса ногаҳ бир гузарга,
Ажойиб бир нимарса келди кўзга.

Суман бирла бинафша, боз сунбул,
Буларга зор экан бечора булбул.

Таажжуб қилдиму турдум замони,
Баногаҳ бошлиди булбул фифони.

Қошиға бордиму, айдимки: «Булбул,
Санга лойиқ эмас насрину сунбул,

Гули савсан булар янглиғ чечак ҳам,
Кира қолмас булар учун ема ғам».

Сени таъриф қилдим ул чаманда,
Баён эттим сифотинг анжуманда.

¹ О. Шарафиддинов томонидан тайёрланган хрестоматиядан олинди.

Сенинг ишқингда бўлди зор булбул,
Ўзига вирд этиб айтур: «гулу гул».

Бу сўздин гул очилиб бўлди хандон,
Нашоту айш этарди боғу бўстон.

Сабо топди маҳални айтди: «Эй гул,
Санга шеъри юборди хаста булбул».

Чу гул хандон бўлубон бетаҳаммул,
Ажаб лутфи билан айтурки: «қул, қул».

Тузуб нағма билан савти амални,
Сабо олдида қўйди бу ғазални.

Қилиб таъсир гулга бу ғазалдин,
Битибди шеър булбулға ҳавасдин.

Гул булбулға айтгони

«Аё булбул тилар бўлсанг висолим,
Суғорғил кўз ёшинг бирла ниҳолим,

Йироқдин қилмоғил сен ишқбози,
Ёвуқ келгил кўрар бўлсанг жамолим.

Сенга маълум бўлмас анда туруб,
Мени мундоғлиғим, ҳусну жамолим.

Ўзунгни қилмағил расво, мени ҳам,
Ки ҳаддин ошти, эй булбул, жамолим.

Жаҳон ичра грифторим тўладур,
Вале тушти санга меҳру хаёлим».

Гул сабони юбориб, булбулни келтургони

Гули ҳамро юборди ул сабони,
«Олиб кел деб» гадои беновони.

Бали, ишқ ичра ошиқ бўлса содик,
Бўлур маъшуқ ошиқ ҳам мувофиқ:

Сабо гул шеърина бунёд қилди,
Эшитти булбулу фарёд қилди,

Туташти ўт ичига бенавони,
Бошин қўйди аёғина сабони.

Деди: «Эй маҳрами рози ниҳоним,
Етушти чиқмаға бу ҳаста жоним,

Мени дардимға эмди айла дармон,
Гар ўлсам қолмағай кўнглумда армон»

Сабо айдики: «Эй дил ҳаста булбул,
Сени келсун деди қошимға ул гул»

Севинди булбулу парвоз қилди,
Борурда бу ғазал оғоз қилди:

«Биҳамдиллаҳ агарчи зор бўлдум,
Муҳаббатдин борурда ёр бўлдум.

Қизил гул фурқатидин зор, ноchor,
Тонг отқунча кеча бедор бўлдум.

Мени бечорайи маҳзуни мискин,
Фаму дарду балоға ёр бўлдум».

Булбулнинг гулга етушгони

Чу булбул гул диёриға улашти,
Тану жонига бошдин ўт туташти.

Қелиб кўрди гулистон ичра булбул,
Кўруб булбулни гул, очилди кокул.

Деди булбул ўшал дам: «Шукр лиллаҳ,
Ки бўлдум гулистаним бирла ҳамраҳ».

Хаёл этти қутулдум деб балодин.
Фаму зулму ситамдин ҳам жафодин.

На билсун анда улким юз жафо бор,
Батахсис улки, гулдур ҳамдами хор,

Гулистон ичра ногаҳ кирди булбул,
Тикан бирла икавлон ўлтуруб гул.

Тиканнинг дардиға бечора қолди,
Бошини олдию оворғ бўлди.

Неча кун гулдин ул бегона бўлди,
Чунон ишқ аҳлиға афсона бўлди.

Яна бир гўшани кошона қилди,
Ўзини ғам билан ҳамхона қилди.

Булбул тикандин рашик этгони

Бўлуб рашкин тикандин булбули зор,
Бу ердин кетти топти жони озор.

Неча кун кетти булбул гул қошидин,
Тўкубон дурру маржон кўз ёшидин.

Учуб булбул неча кун қилди парвоз,
Куюб ҳажр ўтиға бўлди ҳам оғоз.

Жаҳонни чарх уруб кезди неча кун,
Ададсиз дард ила ҳадсиз чекиб ун.

Неча кунлар юруб булбул қилиб сайдир,
Чаманзори жаҳон ичра қилиб тайдир,

Баногаҳ етти булбул бир чаманга,
Келиб тушти гулистони суманга.

Назокат гуллару ишқи печаклар,
Гули зебою ранго-ранг чечаклар.

Гули раъною савсан бирла райҳон,
Гули насрин ила аббоси хандон,

Гулистони Эрамдек гул ва гулзор,
Дегайсан боғи жаннат турфа гулзор.

Мунунгдеклур кўрарсан боғи жаннат,
Баҳоридурки, йўқтур анга заҳмат,

Чаман ичра қезиб сайрарди булбул,
Чаманда гуллар ичра тушти ғулғул.

Тамошо қилди булбул бир гулистон,
Чаманнинг саҳнини чун чархи гардон.

Кўруб гулларни булбул қилди фарёд,
Гулистони Эрамни айлади ёд.

Гули қаҳқаҳга булбул бўлди шайдо,
Кулуб қаҳ-қаҳ карашма қилди пайдо.

Жамолин кўрсатибон қилди жилва,
Фарид булбулға юз минг нозу ишва.

Лаби ғунча очилиб урди қаҳ-қаҳ,
Бу боисдин дедилар гули қаҳ-қаҳ,

Деди булбул кўзидин оқузуб ёш,
Гули қаҳ-қаҳ аёғига қўюб бош:

— «Сўруб ҳолимни раҳм эт, қилма кўп ноз,
Вале нозингга жон берсан тақи оз.

Манга сен бўлмасанг, жоним керакмас,
Сенингдур гулшану кўюнг манга бас,

Мени кўнгул хушум, сарви равоним,
Жамолинг роҳату ороми жоним».

Сабо қизил гул қошиға келгони

Етиб келди сабо вақти саҳаргаҳ,
Қизил гул қошида турди назаргаҳ,

Кўтарди гул юзидин пардасини,
Юборди ҳар тарафға гул сасини.

Очилди гул фараҳнок ўлди ул дам,
Жамоли бирла гулшан бўлди хуррам.

Сабони кўрди гул олдида турмуш,
Адабдин гул оёғига бош урмуш,

Деди гул: «Эй сабо, сен қайда эрдинг?
Неча кундур йўқ эрдинг эмди келдинг?»

Сабо айди: «Юруб оламни кездим,
Муҳаббат мұхаббат қандин эздим.

Юурдим боғ аро чун бўлса гулзор,
Очиб парда, қилиб гулларни бедор».

Тавозуъ бирла гул олдида турди,
Адаб бирла сабо булбулни сўрди:

— «Гулистон аҳлининг сен подшоҳи,
Жаҳоннинг гуллари санга сипоҳи.

Аё гуллар аро соҳиб жамолим,
Жаҳон боғи аро нозик ниҳолим.

Аё гуллар шаҳи сен, эй қизил гул,
Қаю ул ошиқинг бечора булбул?

Қаю ул булбули мискин навойинг?
Йозунгга зор бўлған бенавойинг?

Жамолингга ажойиб ошиқ эрди,
Муҳаббат ичра ёри содиқ эрди.

Қаю ул булбули саргашта ошиқ,
Сенинг ишқингла бўлған хаста ошиқ?

Хўб эрди бўлса ул булбул қошингда,
Ҳамиша соябон эрди бошингда.

Саҳарлар дард бирлан сайран эрди,
Нучук жони аро ишқинг бор эрди.

Хуш илҳон булбулунг кетмиш қошингдин,
Кетибдур шаън ила шавкат бошингдин,

Магар билмам тикандин етти заҳмат,
Ваё сен қилдинг анга соз заҳмат?

Қизил гул сабоға ақволини айтгони

Деди гул: «Эй сабо, ҳолимни айтай,
Туман минг дард ила сирримни айтай.

Менинг ичимда юз минг дарду ғам бор,
Ғамим айтурға менда йўқду ғамхор.

Эшитгил, эй сабо, бирдам сўзумни,
Ки, қилсан пора-пора мен ўзумни.

Ки, эй боди сабо, хуш келдинг, эй ёр,
Санга фош айлайн ҳар навъ асрор.

Манга булбул неча кун бўлди ҳамдам,
Висолимни қилиб дардига марҳам.

На бўлди билмадим кетти қошимдин,
Фироқи кетмади ҳаргиз бошимдин».

Деди гул: «Эй сабо, тангри учун бор,
Кетур булбулни сен зинҳор, зинҳор,

Агар топсанг сабо маҳзун қулумни,
Олиб кел ҳамдам айлаб булбулумни».

Деди гул: «эй сабо ҳайҳот, ҳайҳот,
Топиб булбулни келтургил манга бот.

Чу булбул кеткали ҳолим паришон,
Жудолиқдин юраким таҳ-батаҳ қон.

Софиндим андалиби беновони,
Топар ором кўнглум кўрсам они.

Будур ҳолим мени, эй пайки маҳрам,
Манга қил булбулумни ёр, маҳрам».

Деди: «Булбулки, кўнглум меҳрибони,
Муҳаббат гулшанининг комрони.

Бу гулшан сенсизин зинданни ғамдур,
Манга бергил келиб ғамдин омони,

Чаманда сайр этиб ҳаргиз жаҳонда
Тополмайсан менингдек дилрабони».

Сабо булбул қошиға боргони

Чаманда бор эди бир яхши сунбул,
Қўнуб шоҳиға сайрап эрди булбул,

Сабо булбул қошиға келди кўзлаб,
Гаҳи чап чарх уруб, гаҳ рост ўйнаб.

Кўзи булбул сари тушти баногоҳ,
Чекар булбул фифону нолау оҳ.

Кўруб булбул ани пайки сабо деб,
Сабо бирла кўрушти:— Марҳабо,— деб.

Сабо айдики: «Эй шўрида булбул,
Олиб келгил деди ул нозанин гул,

Салом айди санга¹ ул нозанин гул,
Келиб кўрсун деди саргашта булбул.

Тутуб гул этагин қилғил наво сен,
Бу янглиғ ерда бўлма мубтало сен.

Ёмонлар суҳбатида бўлма ҳаргиз,
Аларнинг суҳбатидур фитна ангиз.

Эшит, ножинс бирла қилма суҳбат,
Етар андин сенга кўп ранжу меҳнат.

Ёмонлар суҳбатида турма, қочгил,
Аларнинг суҳбатидур заҳри қотил,

Аё булбул, бўлур суҳбат муассир,
Ёмондин бўй олур бу нафси кофири.

Ғанимат бил неча кун суҳбати гул,
Етарсен мақсадингга, хаста булбул.

Неча кун қил қизил гул бирла суҳбат,
Топарсен бўясасидин юз муҳаббат.

Сени гар этса ул гул бўсаси масти,
Фигонингни баланд қил, қилмоғил паст.

Анинг олдида йиғлаб сайрағайсен,
Юракинг ишқ ўтиға доғлағайсен.

На хуш сармоядур ошиққа гиря,
Саҳарлар жўш урур ҳам сўз сина...

Кўзидин ишқ ила гар оқузур ёш,
Ажаб йўқтурки маъшуқи урап бош».

Сабо булбулға деди:— «Боракаллоҳ,
Бўлубсен ёр ағёриға ҳамроҳ».

Деди булбул: «Аё эй маҳрами роз,
Манга бўл, эй сабо, бир йўла дамсоз.

Қелибсен ёрдин, эй пайки маҳрам,
Жароҳатлиқ ярога айла марҳам,

Қулоғинг сол эшитғил арзи ҳолим,
Бу кун ишқ ўтиға ўртанди жоним,

Эгам тақдираға бордурму чора,
Бу фурқат бирла бағрим пора-пора.

Ишимдур ҳар чаманда нола қилмоқ,
Юраким чок этиб паргола қилмоқ.

Тиканнинг рашки қилди зор сарсон,
Тутубдур жоним ичра таҳ-батаҳ қон.

Нечукдур борғоним гар бўлса ул хор,
Жароҳатлиқ ярога етса озор.

Менинг учун замони айласанг сабр,
Санга сирримни айдим, сен эмас ғайр.

Ададсиз дарддин мен бенавомен,
Висолидин жудомен, бир гадомен.

Саломим бер, дегил булбул чаманда,
Қизил гул зори ул байтул-ҳазанда».





ХУВАЙДО





Ҳ

увайдо номи билан шеър ёзган ва кенг омма орасида маълум бўлган шоир Ҳўжа-Назар Фойиб-Назар ўғлидир. У, XVIII асрда яшаб ижод этди. 1780 йилда вафот этди.

Ҳувайдо Фарғона водийсидаги Чимёнда дунёга келган. Мактаб ва мадраса таҳсилини олгандан сўнг ўзи мактаб очди, узоқ йиллар давомида дарс бериш билан машғул бўлди.

Ҳувайдонинг шеърлари тўпланган «Девон»и бўлиб, бир неча марта тош босмада нашр ҳам қилинди. Энг эътиборлиси шоирнинг набираси ташаббуси билан Шоҳмурод котибга ёздирилиб, нашрга тайёрлатилиб 1909 йилда чиқарилганидир. «Девон»нинг мана шу нусхаси Истамбулда ҳам нашр қилинган.

Ҳувайдо шеъриятнинг Шарқда традиция ҳолига кириб қолган деярли ҳамма асосий шаклларида ижод этди: фазал, маснавий, рубоий ва ҳоказо.

Ҳувайдонинг қатор асарларининг тили жуда содда, мазмундордир, иборалари ва фикрлари ўйноқи ҳамда жўшқиндир. Шоирда фантазия ва рангбаранглик зўрдир Ҳувайдонинг дунёқараси кўп жиҳатдан жуда мураккаб ва зиддиятлидир. У деярли ҳамиша осмон билан ер орасида иккиланади: гоҳ ердан хафа бўлиб осмонга юз ўгиради, осмонда осудалик, ҳақиқат, баҳт топмоқчи ва топгандай бўлади, гоҳо яна ер гўзаллиги; реал ҳаёт жозиҳаси уни ўзига тортади, ерга туширади, ер билан чамбарчас боғлайди. У, бир нафас ҳам шод яшамаганлигидан золим фалакнинг зулмидан фарёд билан зорланади,

Бундай ҳолат Ҳувайдо яшаган даврдаги ҳоким ғайри инсоний ва жуда зиддиятли шароитларда бутунлай табиий эди.

Ҳувайдо ижоди ва дунёқарашидаги мураккаблик, зиддият унинг маснавийларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Биз бу ерда бошқа асарларидан намуналар бериш билан бирга, маснавийсидан отанинг ўз ўғли ўлимидан қилган фарёди ва чеккан алами ифодаланган, яъни реал инсоний ҳиссиётлари тараннум қилинган парчани келтирамиз.





«Д Е В О Н»Д А Н

Ф А З А Л Л А Р

Боф аро кўрсатмадинг гулдек жамолингдин манга,
Шаммаи еткурмадинг бўйи висолингдин манга.

Айладим қаддинг ниҳолини нишон дил боғида,
Тегмади бир меваи навбар ниҳолингдин манга.

Водийи ғамдин келибман ташналаб Мажнун каби,
Бермадинг бир қатраи оби зилолингдин манга.

Сурмаи чашм айласам топмам изингни гардини,
Бўлмади ҳаргиз муяссар поймолингдин манга.

Бул Ҳувайдоға муяссар бўлса дунё мулкати
Айтадур: ўзга керакмас зулфу холингдин манга.

* * *

Бир бузуқ вайронадур ул уйдаким ёр ўлмаса,
Ёр ила обод эрур ул уйда ағёр ўлмаса.

Гоҳ кўрунуб, гоҳ қочар ошиқларин қўйдургали
Ишқ лаззат бермағай дилбарки айёр ўлмаса.

Ошнолиқни узуб ёр андин айлар ихтиroz
Ул кишиким ёридин бирдам хабардор ўлмаса.

Кўп бало ўқин отар ошиқ сари, ошиқ эмас
Кўксин очиб ёрини олдида тайёр ўлмаса.

Бўлмағай оҳу фифон тонг отқўча бедорлик,
Ошиқи дилхастани ёри ситамкор ўлмаса.

Еб ётиб ором ила ошиқлиғи бекор эрур,
Чарб ширин еб ичардин кимки безор ўлмаса.

Аввал ўзунг қил амал, сўнгра насиҳат элга де,
Эй Ҳувайдо, сўзлама санда амал бор ўлмаса.

* * *

Арзимни айдим боди сабоға,
Еткурса ҳолим ул дилрабоға.

Қылса худойим күнглиң мулойим,
Раҳм айлагайму ман мубталоға?!

Қилғайму хайрин ўз қўли бирла,
Борсам кўйига мискин гадоға?

Деди рақиблар ёрға ёмонлаб,
Солди жудолиғ найлай ароға.

Кўнглумда йўқтур зарра гумоним,
Кимки ёмондур солдим худоға.

Ҳолимни айтсам ёrim инонмас,
Эмди қиубман явмулжазоға.

Ёрсиз кишини фирдавси йўқтур,
Сўйдим санамни қолдим балоға.

Душманларининг нозу ниамда
Парвариш айлаб солди ғиноға.

Дўстини ёrim ранжу аламда
Кўйди эл ичра жавру жафоға.

Мискин Ҳувайдо сабру таҳаммул
Айлаб, ҳамиша йиглар худоға.

* * *

Раҳм айласангчи девоналарға,
Ишқингда бўлған афсоналарға.

Айлаб жудолиқ, эй ҳамнишиним,
Қилдинг жафолар ҳамхоналарға.

Кўйдурма жоним рашк ўти бирла,
Очиб юзунгни бегоналарға.

Сажда қиласи деб, шириң, бутимға,
Бордим сўроғлаб бутхоналарға.

Майгун лабингдин бир бўса бергин,
Синсун хумори мастоналарға.

Ҳардам тилярман ҳусни камолинг,
Үруб бошимни остоналарға.

Ёндор, куёйин хилват ичинда,
Шамъи жамолинг парвоналарға.

Ишқингни ганжи вайрон кўнгулда,
Қўйсанг туарму кошоналарға.

Эй майфурушим, бир коса май бер,
Қелди Ҳувайдо майхоналарға.

* * *

Кўрмай эй дилбар, юзунгни, бўлди аҳволим хароб,
Раҳм этиб келсанг на бўлғай хаста жонимни сўроб.

Ҳоли bemору ғариб сўрмак савобдур беадад
Эрмиш, эй ёрим, санга ҳаргиз керакмасму савоб?

Сояи ғамда қолибман, кулфатимдур беҳисоб,
Тегмади ман заррани бошиға ҳаргиз офтоб.

Толиу бахти забундурман нетай, эй дилрабо,
Келмади оё нечук сан деб мани ҳолим сўроб.

Оҳ урсам сақғи гардунға тегар оҳим ўти,
Шиддатидин ўт чиқиб айлаб садо йиғлар саҳоб.

Қил ҳазар оҳим ўтидин, эй нигори нозанин,
Бўлса жўш оҳимға еру кўк қилмас ҳеч тоб.

Неча йилдурким, ниgoro, оstonang ёstonib
Супуруб мужгон билан, septim kўzum ёshidin ob.

Қилмадинг ҳеч лойиқоти хизматим, эй моҳ руй,
Ори-ори боқмадинг бир йўл олиб юздин ҳижоб.

Эй Ҳувайдо, юрмадинг сан бир дами беғам бўлуб,
Хотиринг бўлди саранжом оқибат бўлғунг туроб.

* * *

Қошимдин ўтти санам нози ошиқона қилиб,
Кўнгулга ўтини солди ёшни равона қилиб.

Баҳор мавсими унди кўзумни қони билан,
Баҳор дашти уза лолалар нишона қилиб,

Ҳамиша қон ютаман ғунчадек бўлуб хомуш,
Куларман элга баси дардини ниҳона қилиб.

Ҳазор мартаба йиглаб кўйи сори бордим,
Қошимға чиқмади ул уйқуни баҳона қилиб.

Мани ғариби ситамкашни куйдуруб дилбар,
Кўзумдин ўтти бу дам кокилини шона қилиб.

Софинса ёр жамолин Ҳувайдойи мискин,
Борур кўйинга ани ўт сўраб баҳона қилиб.

* * *

Қўл солиб келди санам бир-бир босиб,
Белиға ханжар ҳамойилдек осиб.

Айдим, эй, жоним тасаддуқдур санга,
Бош керак бўлса, ризоман ол кесиб.

Улдуур бўлсанг мани бечорани,
Зулфи занжиринг билан ўлдур осиб.

Хоҳ ўлдур, хоҳ куйдур, эй пари,
Қилмагил аммо юзингдин бенасиб.

Кулди, айди: «Бу кеча хилватдаман,
Шум рақиблар билмасун, борғил бусиб».

Бул Ҳувайдони кўрунг бебахтни,
Борғоли қўймас рақиблар йўл тўсиб.

* * *

Шаҳсуворимни кўрунг, келди ёмон аччиғланиб,
Форат айлаб бузғали кўнглумни мулкин отланиб.

Кўп ғазаб бирла келибдур ошиқин ўлдурғали,
Қоши ёсини кўруб мижгон ўқини кезлатиб.

Турфа жаллоди париваш раҳмсиз, қаттиқ кўнгул,
Олди жоним қобизул-арвоҳ янглиғ кучланиб.

Ўлтуурурға келди ёрим бошим узра ҳой-ҳой,
Ғамзасин жаллод этиб, кирпик қиличини олиб,

Турфа айёри ситамгар ошиқин куйдурғали,
Қош қоқиб, кулууб боқиб, турфа қилиқларни қилиб,

Эй Ҳувайдо, қочмағил қилди жафо бисёр деб,
Ошиқ эрсанг ҳар жафосини кўттар турма ёниб.

* * *

Қошингга сажда қилдим мисли меҳроб,
Қаро зулфингга қўйдим жонни чирмоб.

Кўзингни ғамзаси тири балойи,
Сипар қилсан анга жон тутмағай тоб.

Хаданги кирпикнгдур ханжари тез,
Қўёр ҳардам мани қонимға булғоб.

Нигоҳинг мисли оҳуий рамида,
Ёниб бир боқишингдин бўлди дил об.

Юзунг гул, лабларинг лаъли Бадахшон,
Сўзунг ширинлиғи найдин олур об.

Даҳонинг ғунчайи гул, тишларинг дур,
Қадингдур сарв, рафторинг эрур об.

Алифдек қоматингни, эй нигорим,
Саломинг лом алифдек солди тўлғоб.

Санингдек нозанинга бул Ҳувайдо,
Нучук жон бермасун, эй дурғи ноёб.

* * *

Сани дардингни айтурман саҳроларда уруб фарёд,
Урарман ерга бошимни, дебон, эй ёр, сандин дод.

Азиз умрум адo булди, сани бир келмади раҳминг,
Яқин бўлдум ўлурға, келмадинг, эй кўзлари жаллод.

Манга эмди, аё кўнглум, умиди шодлик йўқдур,
Кетарман доғ ҳасратда бу дунёдин ўлуб ношод,

Қутлуғум йўқдуур дардингдин асло мунда, эй ёrim,
Жамолингни кўруб жаннатда ғамдин ўлмасам озод.

Қиёмат кун яқом йиртиб қўпорман дод деб гўрдин,
Қилурман эл аросида сани дардингни айтиб дод.

Юзунгни кўрмасам жаннат ичида, эй дилоромим,
Қилур оҳим ўти саккиз биҳиштни куйдурууб барбод,

Ғазаб айлаб Ҳувайдони агар солсанг тамуғ ичра,
Фигону нолама дўзах чидолмай айлағай фарёд.

* * *

Ошиқи содиқни қилған оҳу афғони лазиз,
Ишқ ўтида куйган элни бағри бирёни лазиз.

Куйдуму ёндин фироқинг ўтида, эй нозанин,
Раҳм қил ман хастага, эй лаъли хандони лазиз.

Жаннату ҳуринг керакмасдур манга то кўрмасам
Гул юзингни анда, эй кўйи ғўлистони лазиз.

Ҳажр саҳросида ман ҳайрону сарсон ташна лаб,
Қатраи тутма дариг, эй обиҳайвони лазиз.

Эй сабо, еткур саломимни ўшал жононаға,
Бир-бир айлай рози дил, эй шарҳи ҳижрони лазиз.

Истадим арзу самовоти улодин то сари,
Хоша лиллаҳ ўлса сандин ғайри жонони лазиз.

Қўп пари ишқу ҳавосида Ҳувайдо бор эдим,
Топмодим сандин ниғоро, ғайри бир жони лазиз.

* * *

Аё, эй шомима шамъи шаб афруз,
Сани ишқингда қилдим жонни дилсўз.

Юрубдурман сани деб телбалардек,
Ёмон, яхшиға кулгу ҳам бўлуб сўз.

Халойиқлар аро шармандалардек
Бўлуб, элга боқарга манда йўқ юз,

Мани кўргач, кулар ҳар қайси мавжуд,
Маломатлар қилибон кеча, кундуз.

Балоларға дучор ўлдум сани деб,
Аё, эй дилбарӣ ширин, қаро кўз.

Сани ишқинг мани кўнглумда бўлса,
Ғамим йўқ кулли олам қилсалар сўз.

Бўлур кўрсам тажаллои жамолинг,
Манга ҳар кун баҳору иди наврўз.

Фалакни куйдуур ҳимматли ошиқ
Саҳарларда уруб оҳи жигарсўз.

Ҳувайдо бир кишини дўст тутай дер,
Анинг беҳимматидин ёт бўлур ўз.

* * *

Бир куни олдимға келди дилбари айёр ўзи,
Қош қоқиб кўнглумни олди турфа ширинкор ўзи.

Сўз қотиб бегоналардек ўзини ташлаб йироқ,
Элни ғофил айлаган кўп оқили маккор ўзи.

Гаҳ кўрунуб, гаҳ кўрунмас, гаҳ чиқар олдимға ул,
Кўрунуб юз шева бирла ошиқин алдар ўзи.

Гоҳ маствугоҳ бехуд гоҳ телба, гоҳ соғ,
Айлабон бошимға солди турфа мушкил кор ўзи.

Гоҳ зоҳид, гоҳ фосиқ, гоҳ кофир айлабон,
Ошиқи бечораға боғлатғучи зиннор ўзи.

Ҳар жафову жавр қилса, эй Ҳувайдо, қочмағил,
Сабру тоқат айласанг олдинға келғай ёр ўзи.

* * *

Қаю ишга қадам қўйсам манга андин зиён бўлди,
Мани бетолим, эй дўстлар, кўп имтиҳон бўлди.

Юзум шўру йўлим қаттиғ, эрурман турфа бетолеъ,
Кима ман меҳрибон бўлсан, манга номеҳрибон
бўлди.

Суюб жону дилимдин кимга қилдим ошнолиқни,
Узуб ул ошнолиқ оқибат манга ёмон бўлди.

Ҳама эл баҳтидин илгига олса хок зар бўлди,
Мани илгимдаги зар шул замон туфроқ ҳамон бўлди.

Гулистонлар аро қирдим, илик сўндим олай деб гул,
Кўрунг бетолим: гул хори синамга синон бўлди.

Хувайдо айлади золим фалакни зулмидин минг дод
Манга қолғонда ул золими чарх каж равон бўлди.

* * *

Қимга бориб дод этай зулми фалакдин додни,
Уқмағай аҳли замона нолау фарёдни,

Айб этманг оҳ урсам, ман нечук оҳ этмайин,
Шод ҳарғиз топмадим ман хотири ношодни.

Хизр тамъир айлади девори вайрони таним,
Бу нечук Хизри эрур, вайрон қилур ободни?!

Бу ажаб сайди эрур жодугару ҳам дилфириб
Ким, ани сайёди бўлса ўлтурур сайёдни.

Баҳр кўрдум ҳуққада оқу қаро жонвор анга,
Нул уруб бир-бир тугатти баҳри нав бунёдни.

Эй Ҳувайдо, тут ғанимат бу нафасни, шод бўл,
Тўтира берсанг бузулғой рухсайи озодни.

* * *

Ичарға бода саҳар мавсими чаман яхши,
Навоий мутрибу хуш мажлис, анжуман яхши.

Сузуб пиёлаи майни, йиғилса ишрат эли,
Сунарға муғбача май косаи Хўтон яхши.

Хуш ўткар умри азизинг жаҳон ғамини емай,
Май ич, тириклик аро сиҳҳати бадан яхши.

Кишиким ичмаса майни тирик эмас, ўлган,
Анингдек одамиға гўр ила кафан яхши...

* * *

Хеч кишига сўзламасдим дод этдурди фалак,
Кўп халойиқ олдида фарёд этдурди фалак.

Арзи ҳолим эткудек бир ёру ҳамдам топмадим,
Шод кўнглумни, нетай, ношод этдурди фалак.

Ман ғарибу хастани ҳардам фироқ ўти билан
Куйдуруб, кўкка кулум барбод этдурди фалак.

Солди кўнгул сайдига ҳар лаҳза ғам шаҳбозини,
Ғамни ман бечораға сайёд этдурди фалак.

Эй Ҳувидо, бўлма қул бу чархи кажрафторға,
Лаҳзада юз шевалар бунёд этдурди фалак.

* * *

Баногаҳ силкиниб чиқса нигори қирмизи кўнглок,
Солиб ўт хайли одамға, қилиб оламни оташнок,

Самоу чарх уруб парвона янглиғ жумлаи олам,
Садо қилғай кўруб ҳайҳай заминдин то сари афлок.

Саҳар боди насимидек гузар қилса гулистондин,
Кўруб гуллар бўяб қонға юзу бағрини қилди чок.

Ўшал шўхи пари пайкар агар ўтса мазоримдин,
Ҳаёти жовидон топқум агар сад сол бўлсам хок.

Латофатлиқ жаҳонсўз, дилбарн раъно Ҳувайдони,
Олибдур ақлу ҳушумни, деманглар анда бор идрок.

* * *

Дуняни кездим, юруб дардимға дармон топмадим,
Арз этарға дод деб бир адли султон топмадим.

Бошидин юз ўргулуб ҳам олдида қурбон бўлуб,
Жон тасаддуқ килмағунча ёрға жон топмадим.

Тан сизиб оқти судек, бўлдум чу лахти устихон,
Ковладим доғи жигарни, қатраи қон топмадим.

Игнада чаҳ қозлоғондин онча мушкил кори ишқ,
Токи жондин ўтмағунча кори осон топмадим.

Эй Ҳувайдо, ишқ дарди турфа қаттиғ бедаво,
Йирломоқ дил ўргамакдин ўзга дармон топмадим.

* * *

Туну кун айлабон гунох, қилмағон ҳеч савоб ўзум,
Парвариш айлабон бадан, қилғучи хўрду хоб ўзум.

Дунё ишиға чустман, тоат ишиға кўб лаванд,
Журм ишиға далир ўлуб, кўб қиласман шитоб ўзум,

Элни кўзича зуҳд этиб, еб ичибон канорада,
Зарра ҳарому шубҳадин қилмағон ижтинос ўзум.

Суратим авлиё қилиб, кашфу каромотим ўқуб,
Содда дилон аро кириб қилғучи кўб қибоб ўзум.

Тонгла худони олдида кўрсатур эл савобини,
Манда гунаҳдин ўзга йўқ, на берурам жавоб ўзум?

Фазлиға олса раҳм этиб кўхи гунаҳни йўқ қилур,
Адлиға олса қаҳр этиб журмиға йўқ ҳисоб ўзум.

Раҳмат агар қилур мани лойиқ раҳмати ду-ман,
Гар ғазаб этса ул магар мустаҳки азоб ўзум.

Бўлсанг Ҳувайдо одами, фаҳму фаросатинг қани,
Яхши-ёмонни билмағон таънаи пиру шоб ўзум.

* * *

Шу бу дунёга чун келдимки, бўлдум ғам била ҳамдам,
Замони урмадим кўнглумни хуш айлаб дами беғам.

Кўзум ёши қурумайдур, равондур кечаю кундуз,
Оқар кўксум уза жори бўлуб чун чашмаи замзам.

Тонг отқунча соғиш айлаб кўзумни уйқуси йўқдур,
Куларман зоҳиран ялга vale кўнглум эмас беғам,

Кўрунглар, эй мусулмонлар, мани ҳолим учун йиғлоб
Кийибдур осмонлар ҳам туну кун жомаи мотам.

Гаҳи ёлғиз кириб уйға ўзум ҳолимга йиғлайман,
Куларлар маслаҳатдин гаҳ бўлуб эл олдида беғам.

Деганлар баъзини беғам, бу сўзки турфа ҳайронман,
Билолмасман нечук одам бу дунёдин ўтар беғам.

Кишиким билмаса дарду муҳаббат ишқ бобидин,
Ани бешак билинг ҳайвон, агарчи сурати одам.

Ҳувайдо турмағил ўз ҳолинга шому саҳар йиғла,
Жамоли ёрға лойиқ эмасдур дидай бенам.

* * *

Сани ишқингдин, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум,
Халойиқға бўлуб кулгу, баси афсоналор бўлдум.

Қилур таъна кўруб ҳарким мани ҳолимға, эй моҳим,
Бу элни оғзида ҳар гўшада афсоналор бўлдум.

Ҳама қавму қариндошим мани қўрса қилур номус,
Баридин юз ўгурдум, бир йўли бегоналар бўлдум.

Сани илкингдин, эй дилбар, муҳаббат жомини ичсан,
Ўшал кундин бери билмай ўзум мастоналор бўлдум.

Шабистон ичра, эй ёrim, жамолинг шамъини кўрдум,
Бошингдин ўргулуб ҳар субҳидам парвоналар бўлдум.

Висолинг излабон, дилбар, Ҳувайдойи ғариб мискин,
Гадолардек сўраб элдин юруб оворалар бўлдум.

* * *

Юракда дард кўб дафтарга сифмайдур агар битсам,
Қани бир дардманд олдида йиглаб ҳоли дил айтсам.

Юраким қон бўлуб оқти десам ҳечким инонмайдур,
Нетай, дастур йўқ, кўксум ёриб бағримни кўрсатсам.

Ичим тўлди ғаму ишқа, бўлубман турфа дилгири,
Агар ҳиммат қилурман бош олиб Руму Яман кетсам.

Маломат бир сари, ғам бир сари жонимни ўртайдур,
Кетибдур тоқатим эмди ўзумни ғамға ўргатсам.

Тушубман кишвари ғамға, мани додимға ким еткай,
Нечук ҳасрат, нечук бедодликдур ғам била ўтсам!

Қириб дайр ичра ул муғбачадин бир коса май ичмай
На ҳасратдур, Ҳувайдо, дунёдин армон била кетсам!

* * *

Қўнгулда дард кўб, айтурға бир маҳрам тополмасман,
Кетарға бош олиб чўллар аро ҳамдам тополмасман.

Юраким ғуссага тўлди, кишим йўқ этколи ҳолим,
Нетай дард эткудек бир дардманд одам тополмасман.

Қуларлар қаҳқаҳа айлаб, нечук беғам кишилардур,
Қуларға бир замони хотири беғам тополмасман.

Кечакундуз оқар ёшим кўзумдин жолалар янглиғ,
Яқомни кўксум узра бир замон бенам тополмасман.

Жароҳат бўлди бағрим тифи ҳасрат бирла ман найлай,
Юруб излаб табиблардин анга марҳам тополмасман.

Мусибатхонадур дунё, нечук одам юур беғам,
Ўзумни, эй Ҳувайдо, лаҳзаи беғам тополмасман.

* * *

Ёр деманглар, дўстлар, эрур бу жонимға бало,
Бир қараб олди кўнгулни дилбари қоши қаро,

Ақлу ҳушим олди, кетти телба айлаб эл аро,
Ваҳ, нечук офат эрур солди манга бу можаро.

Ғамза ўқи бирла дилбар қоши ёсини кўруб,
Синани садпора айлаб этти бағримни яро.

Ман нечук тоқат қиласай мундоғ жағолик ёрға,
Ҳасратида оҳ уруб бўлди алиф қаддим дуто.

Кўрмадим оламда мундоғ дилбари золимсифат,
Е фарангизодадур, билмам эрур қандоғ бало.

Эй Ҳувайдо, ёрнинг дардида йиғлаб зор-зор,
Кўчаю бозорларда қилмоғил шарму ҳаё.

* * *

Нигора, санга жон бермай бўлурму манга жон пайдо,
Кулуб айдики, жон бермай бўлур жонон қачон пайдо?

Жафою жавр чекмай ким бўлубдур ёрга восил,
Жафосин чекмагунча бўлмағай бир парча нон пайдо,

Эшигингда ётибдур пушта-пушта күштайи ошиқ,
Санингдек бўлмағай ошиқкуши соҳибқирон пайдо.

Ажаб қаттиғ кўнгуллуксан, келиб ошиқ сари раҳминг
Демасссан бул ғариф кўйимаро бўлди қачон пайдо,

Кўруб оинада навбар хатингни бўлмағил мағрур,
Мабодо бўлмағай бу сабзайи хатға ҳазон пайдо.

Кўюнгдин келмас, эй ёрим, насими ошноликдин,
Юракда бўлмағунча ғунчадек зардобу қон пайдо.

Кўнгулнинг боғида меҳринг гулини парвариш қилдим,
Бўлурму ҳеч гул, эй нозанин, бебоғон пайдо!

Хувайдойи ғарибинг ҳасрату дардинг била йиғлаб
Қилур ҳар субҳидам булбул каби оҳу фифон пайдо.

* * *

Боқсам бу жаҳонда ҳамада дарду алам бор,
Ҳар одамининг кўнглида бир зайлда ғам бор.

Ғамза ўқи бирла дилбар қоши ёсини кўруб,
Бу пайки дилим дедики, ғамсиз киши кам бор.

Кўб хатти ҳаваслар ўқур эрдим бу кўнгулда,
Синдуруди ажал эмди давоту на қалам бор.

Минди бу қора, оқ буроқ устига умрум,
Илғоб борадур, турғоли ҳар они надам бор.

Бўлмади жудо бир-биридин шодию ғам ҳеч,
Бу жисми азизим ичидаги ҳар ду баҳам бор.

Оре, ўтадур ушбу тариқа била умрум,
Тақдири азалдин била олмом на рақам бор.

Сад сол бино қилсанг агар уй била ҳам боғ,
Ер қўйнидин ўзга санга боғу на ҳарам бор.

Дунёда Ҳувайдо, нафаси урмади шоди,
Ҳайҳот анинг бағрида кўб хори ситам бор.

* * *

Шиддати оҳим ўтидин гунбази аҳзаринг куяр,
Шамсу қамар била яна жумлаи ахтаринг куяр.

Чиқса танимни учқуни, тушса жаҳонни мулкига,
Ваҳшу таюру деву жин, мӯъмину кофиринг куяр.

Ғарқай ўтдуур таним, келма, табиб, қошима,
Носури ғамни ёрғоли қўлдаки ништаринг куяр,

Қуштай тифи ишқман, келма қошима, қотило,
Чиқса шарораи нафс сайф ила ҳанжаринг куяр.

Кий деманг, эй жунун эли, манга қулоҳу жандани,
Оташ эрур таним манинг, далки қаландаринг куяр.

Қелмадинг, эй ҳумойи бахт, бошима соя солғоли,
Биргаҳ отарман оҳ ўқин, бол ила ҳам паринг куяр,

Қумрии хаста дил бу кун сарв уза нола қилмоғил,
Нолаи оҳи сўзима сарву санубаринг куяр.

Бўлса қиёмат, ул куни дардинги айтибон сани.
Йиғласам эл аросида, дўзаху маҳшаринг куяр.

Ҳур ила жаннатинг нетай, анда юзингни кўрмасам,
Хаста Ҳувайдо оҳига ҳавз ила кавсаринг куяр,

* * *

Дарди йўқ бедард кишилар дард қадрин на билур?
Дунёда номард кўпдур, мард қадрин на билур?

Заъфарон бўлди чиройим ёр учун, эй дўстлар,
Билмаганлар бу чиройни зарни қадрин на билур?

Жон узуб жонни улодим кокули жононага,
Раҳми йўқ бефаҳмлар пайванд қадрин на билур?

Оз эрур жононаға сарф айласам ман молу жон,
Қилмаған нодон киши жўмард қадрин на билур?

Йиғлади ҳарчанд Ҳувайдо билмади эл қадрини,
Тушмаган дарде бошига бодард қадрин на билур?

* * *

Йигитликда май ичмаклик нахуш бахту саодатдур,
Қарилик мавсими меҳнат, йигитлик вақти роҳатдур.

Гулистон мавсими бўлди, май ичмакни ғанимат бил,
Тириклик кўб эмас, бир кўз юмуб очкунча соатдур.

Кел, эй соқи, кетур жоми паёпай бодани соф эт,
Юрутгил косаи даврон, бу дамлар ҳам ғаниматдур.

Дафу танбуру бенай бода ичмак ончи хўб эрмас,
Қил, эй мутриб, ғазалхонлик, букун айёми ишратдур.

Гулистанлар ароси баргларни ёстаниб ётиб,
Тамошои чаман айлоб, май ичмак хуш назокатдур,

Тирикликни ғанимат бил, май ич, умрингни хуш
ўткар,
Тепиб ўт дунё молини, ҳама ранжу фалокатдур.

Ҳувайдо, тавба қилма бода ичмакдин қаридим деб,
Май ичмаклик қаригандагизойи руҳу роҳатдур.

* * *

Бевафо ёрға кўнгул берган киши одам эмас,
Меҳнату жавру жафо андин замони кам эмас.

Доимо ранжу машаққат ул кишини бошида,
Борча бўлғой шоду хандон, ул қиши бегам эмас.

Тил учида гал бериб айтур санга «дилдорман»,
Заррағам келса бошингға лаҳзаи ҳамдам эмас.

Рози дилни айтмагил ҳар кимни сан маҳрам билиб,
Бўлмаса, аҳли муҳаббат дардинга маҳрам эмас,

Эй Ҳувайдо, бевофани ёр деб берма кўнгул,
Оқил эрсанг сан агар, ушбу насиҳат кам эмас.

+ + *

Ой юзунгни нуриға шамъи шабистон ўхшамас,
Кўзларингни шўхиға Мирриху Чўлпон ўхшамас.

Силкиниб, бир-бир босиб кирсанг гулистоңлар аро,
Қоматингни нахлига сарви хиромон ўхшамас.

Гар табассум айласанг гулшандаги гуллар аро,
Лабларингни рангиға гулбарги хандон ўхшамас.

Кокилингни бўйиға шарманда эрур мушки Чин,
Тишларингға гавҳари дарёйи Уммон ўхшамас.

Бул Ҳувойдоға боқиб бир-бир такаллум айласанг,
Нарму ширин сўзингга тўтии хушон ўхшамас.

* * *

Қаро кўзунг қароши на балои баҳайбат эмиш,
Қароқчилик мўралаши бил айни давлат эмиш.

Кўруб чу зулфу хатингни Ҳўтандоғи оҳу
Емай чу сунбул ўтини, ҳануз хижлат эмиш.

Кўзунг қаролиғини рашигини қилиб лола,
Анингки бағри қародурки, доғи ҳасрат эмиш.

Тишинг эрур дури шаҳвор, лабларинг ғунча,
Сўзунгни тотлиғи гўёки ширу шарбат эмиш.

Ниҳоли жаннат ичинда қадингни бе бадалин
Кўруб фариштау ризвон ҳануз хижлат эмиш.

Юрушинг оби равону табассуминг ғунча,
Ёниб-ёниб мўралошинг ғизоли ваҳшат эмиш.

Кўруб сани бу сифатда Ҳувайдойи мискин,
Нечукдин ўлмасин ошиқ, тамоми лаззат эмиш.

* * *

Зоҳидо, савму салот эттим дею кўб урма лоф,
Беҳтарини тоат улдур бўлса нафсингға хилоф.

Ваҳ на хуш давлат эрур ором бирла туну кун,
Үлтуурсан уй ичида чилла бирла эътикоф.

Ваҳ мани бошимға тушти, на қилай, савдои ишқ,
Айтаберсам заррасиға тоқат этмас «Қуҳи қоф»,

Бехуду мастона юрмишман ўзимни билмайин,
Кимни кўрсан Хизр деб, илгин тутуб қилдим тавоф.

Бир садо чиқти қадаҳдин: ёрни кўр майда деб,
Кўра олмассан деди то этмогунча майни соф,

Айтаберсам қоф то қофи жаҳонга сиғмагай,
Эй, Ҳувайдо, оҳу сўзи «айн», «алиф»у «шин»у «қоф»,

* * *

Эй маҳи номеҳрибоним, нолаи зоримға боқ,
Ҳам ҳазон яфроғи янглиғ зард руҳсоримға боқ.

Лолаю гул бирла хунолуд бўлди навбаҳор,
Демагил ерни юзини, чашми ҳунборимға боқ.

Эй сани ишқингда, жоно, лаҳза-лаҳза қон ютуб,
Ғунчадек кўқсумдаги зардоб ила хоримға боқ.

Хеч золим тобмади мазлум оҳидин амон,
Қил ҳазар, эй нозанин, оҳи шараарборимға боқ.

Эй ки дебсан бул Ҳувайдони манга беэътиқод,
Эй маҳи номеҳрибоним нолаи зоримға боқ.

* * *

Нигорим, ой юзингта хўб ярашур донаи холинг,
На деб хол узра хол айлаб ясанмак бўлди ашғолинг.

Кўзунг ҳам сурмасо бўлғоч жамолинг зийнати ортти.
Кўруб ушшоқлар бўлди куюб олдингда помолинг.

Лабингни тотлиғи қанду асални шаънини бузди
Ки, гўё бол лабидин томди ўхшор шаккарин болинг.

Бошингдин ўргулой ёrim, санингдек нозанин йўқтур,
Тушарму мунча олий хўблуқ бобида иқболинг.

Чу ишқ бозорида, жоно, чиройинг раҳтини ёзсанг,
Кўруб Юсуф, Зулайҳо бўлғуси олдингда даллонинг.

Қуюб кулдек фано бўлған Ҳувайдойи ғарибингни
Қелибон демадинг, оё, нечук, эй ошиқим, ҳолинг.

* * *

Ногаҳон гулзор аро ёрим менинг,
Сайр айлаб кирса дилдорим менинг.

Десалар, ёринг юзи монанди гул,
Ушбу сўздин келгуси орим менинг.

Қаддини қилдим мушобиҳ сарвға,
Ор этар ул шўх рафторим менинг.

Қиймату қадри ушалди мушкни,
Кокил афшон ўлди ул морим менинг.

Эмди ул маҳ ишқи бирла бўлди дер,
Бул Ҳувайдо йигламоқ корим менинг.

* * *

Нигоро, ой юзунгни шавқи бирла баски ҳайронинг,
Бўлубдур бул ғариби мустаманди дил наришонинг.

Эшикингда юрӯдум неча йил қуалуқға бел боғлаб,
Ғуломи зар ҳаридинг бўлмади бир кечада мөҳмонинг.

Кўнгул бердим санга бошимга тушти кори душворинг,
Жамолинг кўрмагуича бўлмағай ҳеч кор осонинг.

Кўнгул майдонида тош кўб, нигоро, ўқ отар бўлсанг,
Мабодо синмағай тошқа тегиб ўқ бирла лайконинг.

Кулуб боқиб қошимдин барқ раҳшондек ўтар бўлсанг,
Боингдин ўргудуб қилғай эдим жонимни курбонинг.

Гадодурман, тамаъ айлаб келибман остоинингга,
Лабингдин бўсаи йўқму гадоға хайру эҳсонинг?!

Сулаймон тахтини найлай, нетай Жамшид жомини,
Хувайдойи ғарибинг бўлса гар кўйингда дарбонинг.

* * *

Ман бўлурман рўзи ид ҳайрони рухсоринг санинг,
Жон фидо қилмасму ошиқ кўрса дидоринг санинг?!

Кокилинг бир тораси ақлимни олди чирмашиб,
Дину дил барбод қилди зулфи зунноринг санинг.

Жилва бирла ноз айлаб, тўлғониб қилсанг салом,
Ваҳ мани девона қилди қадду рафторинг санинг.

Усмаю энглик уфо қўймак на ҳожатдур санго,
Офтобу маҳ эмасму акси рухсоринг санинг?!

Қоматингни этсалар чун тўбидур ё сарв деб,
Ушбу сўздин, эй санам, келмасмудур оринг санинг?!

Бул Ҳувайдо этадур: сандек гули бехорани
Топмадим асло қилиб ман сайр гулзоринг санинг.

МУСАДДАС

Муҳаббатингда чекиб ун давом йиғлайман,
Чу абр, эй шаҳи олий мақом, йиғлайман.
Сиришк жёри этиб мисли жом йиғлайман,
Қадинг ҳавосида чун шамъи шом йиғлайман,
Куюб фироқинг ўтида мудом йиғлайман,
Фамингни заҳрин ичиб талҳком йиғлайман.

Фироқ раҳравидин ким манга ета олди,
Юракни ҳуви саҳаргоҳ ҳавосидин ёзди,
Ки ҳажр оташида ким манингдек ўртанди?!
Жигар кабоби суйидин кўзим сори томди,
Ёшим равона қилиб ҳармақом йиғлайман,
Чаман қуши каби бошлаб калом йиғлайман.

Фамингни нақдини жон жавҳариға сотқум йўқ,
Чекиб ҳазор жафо бир вафо ушотқум йўқ,
Ўзумни ҳеч амал айлабон юпотқум йўқ,
Бўлуб чу мори сияҳ ҷоқти ҳажр, ётқум йўқ,
Кўзумға уйқуни айлаб ҳаром йиғлайман,
Ҳамиша мунтазир ўлуб чу дом йиғлайман.

Кўзумни нури фузун оразинг сабоҳатидин,
Сўзунгни жон топаман зимнию сароҳатидин.
Мудом қон ютаман лабларинг малоҳатидин,
Ғариб жонға тегиб дард ғам жароҳатидин,
Кўзумға қон тўлубон субҳу шом йиғлайман.
Фигону нола қилиб, эй киром, йиғлайман.

Ҳамиша қон ютаман ғунчаваш дудоғингда,
Чу булбули саҳари ҳасрати саноғингда,
Бу навъ умид илаким жон берай аёғингда,
Жунун даштини кездим сани сўроғингда,
Юракда доғи жунун лолафом йиғлайман,
Қуюн каби туман айлаб хиром йиғлайман.

Юракда қолмади ҳолат сани суюб, эй дўст,
Ғубор бўлди бу жисмим куюб, куюб, эй дўст,
На жавр, васл майин ичмасам тўюб, эй дўст,
Қўонг дариға Ҳувайдо бошин қўюб, эй дўст,
Ётиб ҳам ой или ҳам йил тамом йиғлайман,
Малол келтурубон хосу ом йиғлайман.

МУСАММАН

Эй ноз қаламравини шоҳи,
Иқлими карашма каж кулоҳи,
Жаврингда мани гадойи роҳи,
Аҳволини айладинг табоҳи,
Чиқти фалак узра дуди оҳи,
Сансан бу жаҳонда додҳоҳи,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Эй зулфи бинафша хатти райҳон,
Жавру ситамингда бағримиз қон.
Хор илгида чокдур гирибон,
Фам шоҳида булбулам хуш илҳон,
Чун тӯтийи рози шаккаристон,
Муштоқ лабингда дерман, эй жон,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Бу гардиши даври зол гардун
Жоми тарабимни қилди вожун,
Чашминг фитанила зору, мафтун,
Фикри зақанингла бахти вожун,
Зулфунг сияҳи ила кунум тун,
Ёди даҳанингла ўлдум акнун,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Сан меҳри сипеҳри нил сиймо,
Ман ҳажри ғамингда ношкебо,

Сан гулшан аро баҳор перо,
Ман нарғис анго қиласан тамошо,
Сан хисрави маснади таманно,
Ман хастай бистари тавалло,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Сан дилбари қирмизи қабо пўш,
Ман хуни дилим била ҳамоғуш,
Сан жом қўлингда май қилиб нўш,
Ман рашк майи-ла маству мадхўш,
Сан ғайр сўзини айлаюб гўш,
Ман шефтани қиласан фаромўш,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

То волаи сарви-сар баландам,
Қумри каби зору дардмандам,
Хун хўрдаи лаъли нўшхандам,
Ишқ ўтиға гўйё спандам,
Фурқат била неча мустамандам,
Занжири жунунға пой бандам,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Ройинг на қадарки ноз ила хў,
Тутмуш дурур, эй нигори маҳрў,
Ман доғи ниёз аро камоҳў,
Ойини вафодан ўлман айрў,
Юз жавр эда гар сипеҳр минў,
Ҳам жонға етурса тиги абрў,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Ҳасрат била жисми нотавоним,
Инжилди чу мў, чиқиб фифоним,
Кўз манзари узра меҳмоним,
Монанди таним ичиди жоним,
Эй тахти вужуда комрсним,
Ҳошо ўла ғайр, меҳрибоним,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

Кўюнгда эрур гадо Ҳувайдо,
Султони сариру жо Ҳувайдо,
Васлинг талабида то Ҳувайдо
Ўзлукни қиласан фано Ҳувайдо,
Шавқинг била ошно Ҳувайдо,
Завқ аҳлиға муқтадо Ҳувайдо,
Ор этма асиру мубталодин,
Дардинг била тун кун ошнодин.

РУБОИИЛАР

Эй орази гул, лаъл лаби оби ҳаёт,
Сандин нўла, гар топса дил анжоми ҳаёт?
Гулзори жаҳон ичра санингдек йўқтур
Десам на ўлур, дилбари ширин ҳаракот?!

* * *

Май ичмакима лаъли париваш боис,
Нолонлиғима орази дилкаш боис,
Аҳбоб паришонлиғима сўрса сабаб,
Ман этаман: ул зулфи мушавваш боис.

* * *

Ҳайрон ўламан орази моҳим кўргач,
Ҳам шефта сунбули сиёҳни кўргач,
Софинмишам андоқки, самандингни изин,
Ўпкойман агар жалолу жоҳин кўргач.

* * *

Меҳрингни магар кўрдиму девонайи субҳ,
Очилди табассуми-ла дандонайи субҳ,
Фош ўлди букун жаҳон-жаҳон асрори,
Ёраб, ким экан жаҳонда ҳамхонайи субҳ.

* * *

Васлинг талабида субҳ то шом, эй шўҳ,
Жаҳд ила етолмадим чекиб гом, эй шўҳ,
Яъни талабингда ул қадар жаҳдим бор,
Симоб каби йўқтуур ором, эй шўҳ.

* * *

Гулзор керак йўқ, манга гул рўйинг бас,
Гулзор юзунгиз манга монанди қафас,
На айб, бу боғ ичра юзунг олида
Гар айламасам биҳишт боғини ҳавас.

* * *

Тоб ичра тушуб тан ила жоним сансиз,
Роҳатда эмас руҳи равоним сансиз,
Боғ ичра кириб сарви равонға асло
Қўз солмағум, эй сарви равоним, сансиз.

* * *

Баҳор мавсумида хуш айшу ишрат эмиш,
Пиёла сунки, бу дам, соқиё ғанимат эмиш,
На ул қадаҳки, садои хуммомри келтурғай,
На ул пиёлаки, лабрез оби ҳасрат эмиш.

* * *

Юзунг узраки чу хатти ғубордур ул кат,
Бинафша ёки ҳамиша баҳордур ул хат,
Юзунг биҳиштдин ортуқ, нўлур ҳатингни десам,
Биҳишт боғи аро сабзавордур ул хат.

* * *

Бу фасли шароб айшу ҳамдам яхши,
Махбуби пиёланўш журрам яхши,
Гулзор очилиб сақнида мутриб бирла
Андуҳи дилингни айламак кам яхши.

* * *

Базм этмака боғ ила баҳорон яхши,
Май ичмака мавсими гулистон яхши
Булбулсифат олдида фифон этмакка
Бир орази тул, лаблари хондан яхши.

* * *

Ғам дағъи учун соғару саҳбо яхши,
Ҳамсуҳбат анга надими доно яхши,
Бу базм агар онлар ила топса вужуд,
Май сунгали бир соқийи барно яхши,

МУСТАЗОД

Кўрдум туно кун кўчада бир моҳлиқони,
Хуснидин ани қўнглум уйи топти зиёни,
Айдим: «эй пари, қайда борурсан жадал айлоб?»
«Шўхим, на сўрарсан, на ишинг бор бу замони?»
Ман ўргулайин дедим аё моҳи париваш,
«Ким қўйди сани сўргучи» деб берди изони,
Билдим, бор экан анда рақиб олдида бисёр
Хилватка кириб сўкти, манга қилди насиҳат:
Эл олдида бегонасиғат очма забони».
Бошимни аёғига қўюб ўптиму айдим:
Мандин кечурунг эмди бу кун ҳар на хатони»,
Ошиқ иши риндон иши, эй хаста Ҳувайдо,
Билсам бор экан ишқ элинни турфа забони,
Ачиғланиб айтур:
Хайрон бўла қолдим.
Рахшон бўла қолдим.
Андин ҳазар айлаб,
Шодмон бўла қолдим.
Гирён бўла қолдим.
Риндон бўла қолдим.

[М А Р С И Я]

...Аё ўғлум, жигар бандим, қулунум
Ғарибликда сенга келди бу ўлум.

Мани излаб келиб ўлган ғарибим,
Йигитлик туъмасидин бенасибим.

Атосининг ҳузурин кўрмай ўлган,
Муроду мақсадина етмай ўлган.

Туман минг ҳасрату армонда қолғон.
Камолига етишмаю йиқилғон.

Сани эмди худога топшурубман,
Худонинг ҳукмига рози бўлубман.

Анонгдур мунтазир, йўлга қараб зор,
Сани келгай дебон ул зор-афгор,

Вафотингни анонг охир эшитгай,
Санинг дардингни айта-айта ўлғой.

Бу сўзни айтибон кўп йиғлоди зор,
Яқосин қонга булғаб, чашми хунбор...

Ўшул дамда эгиз фарёд қилди,
Ўқубон бу ғазални ёд қилди:

Эмди излаб топмагайман, қайдасан, жоним болам,
Қўргали келдим юзингни, моҳи тобоним болам,

Ул қиёмат даштида кўрсам сани бўйнинг қучуб,
Бузгуси маҳшарни онда оҳ-афғоним болам.

Йиғлаю ман ҳам ўларман бу ғариблик шаҳрида,
Ул манинг жонимга келган, офати жоним болам.

Бу ўлум ҳақдур ўлар борча, манга куймак будур,
Вақтига етмай хазон урган гулистоним болам.

Юракимнинг ҳолати қетти нетай дардинг билан,
Сўзлагунча қолмади бир зарра дармоним болам,

Үлгуча айтсам адо бўлмас санинг дардингни ман,
Ҳеч туганмас ҳасратингдан оҳ-афғоним, болам,

Бир масал бордур қадимдин: «Яхшига бўлгай
завол»
Эй жувони беназир мумин мусулмоним балам.

Ҳар замон ёдимга тушсанг, қичқуурман дод деб,
Етмағай эмди санга фарёду афғоним болам.

Ер юзини навбаҳор этти деманглар лолазор,
Қатра-қатра ерга томган кўздағи қоним, болам.

Айтадурлар баъзиларким, кам бўлур, ғамни унут,
Бўлмағай ҳаргиз унут бу доғи ҳижроним, болам.

Билмас эрдим илгари ман бу ғариблик дардини,
Эмди ғам бошимга тушди билдим, эй жоним болам.

Юракимнинг қуввати, кўз равшани, жоним эдинг,
Ҳам уюмининг зийнати бир кеча меҳмоним болам.

Эй болам, ман қайси дардингники айтиб йиғлайн,
Бенишон эрди йўқолғон хонавайроним болам.

Ниятим, қадрим ушолди, на қилай, эй дўстлар,
Зийнатим ҳам ҳурматим олдида султоним болам.

Эй санинг дардинг билан ўлсам халойиқ қўйсалар,
Куйдурур гўру кафани оҳи сўзоним болам.

Қолмади сабру қорорим, тоқатим ҳам бўлди тоқ,
Нолишимдин нола айлар байтул-иҳzonim болам.

Бандаи бечораман, келмас қўлимдин ҳеч илож,
Эмди йўқ сабр айламакдин ўзга дармоним болам...
.

«РОҲАТИ ДИЛ» АСАРИДАН

Сафар қилди баногаҳ уч биродар,
Ағо эрди бириси эрди додар.

Бир эрди ҳам ато бирла аноси,
Ки бир туққон эди ҳар уччаласи.

Борурлар эрди айлаб сайри саҳро,
Тамошолар қилиб ҳам чўлу дарё,

Дучор бўлди аларга йўлда бир ганж,
Худо берди дедилар бизга беранж.

Дедилар эмди уч ҳисса қилолик,
Ичиб-еб фотиҳа бирла булолик.

Учови дедилар бу сўзни маъқул,
Аларни меҳри дунё айлади гўл.

Чу ҳарким ҳиссасига бўлса рози,
Эмасдур ҳеч ҳожат бизга қози,

Инисига аголари буюрди,
Ани бир пора зар илкига берди,

Таваққуф қилма эмди, айла суръат,
Олиб келтур дедилар бизга неъмат.

Иниси йўлга кирди, бўлди ночор
Борур эрди югуруб суйи бозор.

Ағолари чу ганж олдида эрди,
Аларнинг кўнглига дунё югурди.

Деди дунё: ани ултурмак авло
Ики ҳисса қилибон олмак авло.

Деди дунёки, они ултурунглар,
Бўлуб иккисини бегам олинглар.

Икови ўлтуралик деб кенгашти,
Алар кўнглига дунё ҳирси тушти.

Инисин ўлтурарин кор қилди,
Пичоқ, аргомчини тайёр қилди.

Яна дунё югуруб мунга келди,
Ани кўнглига мундоғ фикр солди.

Деди: эй баччаи беақлу нодон,
Олурсан деди бас моли фаровон,

Икковини баякбор ўлтуурсан,
Тамоми ганжни ёлғуз олурсан.

Аларни ўлтуурга қилди ангиз,
Нечук ёлғуз иковин ўлтурай тез.

Ўшал дам кўп хаёлу фикр қилди,
Кўнгўлда кўп бу ишни зикр қилди,

Солой эмди таом ичига оғу,
Егандин сўнг ўлур булғай икову.

Алар ўлса қолур бўлғай ўшал ганж,
Манга бўлгай мусассар ганжи беранж.

Таом ичига ул дам заҳр солди,
Аларни элтибон олдига қўйди.

Муни тутти ўшал дам иккаласи,
Бошин кести инисини ағоси.

Инисин ўлтуруб дилжамъ бўлди,
Таомларни алар олдиға қўйди.

Моҳазарни қилиб ул дам тановул,
Вафосиз бевафога бўлдилар гўл.

Вафосиз дунё учун тўқтилар қон,
Замон ўтмай алар ҳам бердилар жон.

Билинг, чандон кишидин қолди бу ганж
Вафо қилғон эмас ҳеч кимга беранж.

Мунингдек нечаларни ўлтуруубдур,
Аларнинг қониға илкин ювубдур...

Талаб қил маънавий ганж, эй биродар,
Вагарна сандин авло.gov ила хар.

Талаб қил, бўлса ганжи безиёни,
Санга бўлғай чу умри жовидони.

Киши бўлмаса маънидин хабардор,
Ани одам дема, де нақши девор...

* * *

Кетар бил андин инсофу диёнат,
Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат,

Анинг кўнглига тушгай кўп тараддуд,
Олай дер дунё молин илкига зуд.

Йигинса молу мулкат мисли Қорун
Кўзи тўймас, қиласай дер боз афзун.

Бу дунёдин кетар дунёга тўймай,
Кўзининг уйига то хок тўлмай.

Илоҳи, сақлағил мундоғ балодин,
Қутулғаймиз бу янглиғ можародин...





УМАР БОКИЙ





XVIII ва XIX асрларда Хоразмда ҳам Навоий ижодига қизиқиш жуда ривож топади. Навоийни ўрганиб ва унга эргашиб бу даврда Хоразмда жуда кўп талантли шоирлар етишиб чиқади, Навоий асарларининг луғати тузилади.

Умар Боқий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини анча содда тилда насрда ифода қилган.

Умар Боқий томонидан насрда ёзилган «Фарҳод ва Ширин» Навоий текстига жуда яқин, аммо «Лайли ва Мажнун»да бир оз четга чиқиш бор. Масалан, Умар Боқийда Лайлининг отаси олим, мактабдор деб кўрсастилади.

Ўзининг бу иши билан Умар Боқий Навоий асарларини оммага етказишга ва насрда адабий тилнинг ривожига хизмат қилган.

Умар Боқийнинг ҳар икки асари ҳам («Фарҳод ва Ширин» 1909, «Лайли ва Мажнун» 1910 йилда) Тошкентда тош босмада нашр этилган, шу ҳодисанинг ўзи унинг иши самарали бўлганидан, шундай бир асарга катта эҳтиёж бўлганлигидан дарак беради.

Биз бу ерда «Фарҳод ва Ширин» дан айрим парчалар келтирамиз.





«ФАРҲОД ВА ШИРИН»ДАН

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва аҳли таҳқиқалар андоғ ривоят қилибдурларким, Фарҳоднинг дарду сўзи Шопурға таъсир қилиб, ёғдек эриб, сув бўлди. Ва айди:—Ман ул вилоятга бошлаб борсам, мақсадга еткайсан,— деб шаҳзодани бошлаб, Арман тарафиға равон бўлдилар. Даشت-бадашт, кўҳ-бакўҳ, биёбон-бабиёбон тай-қилиб юрур эрдилар. Неча вақтда Арман вилоятига еттилар. Шопур айди:—Ул тушунгизда кўрган вилоятга етдук. Атроф вилоятни сайд қилинг, деб икки-уч кун сайд қилдурди. Барча ойинада кўрган ерлари тамом ёдига келди. Андин ул даншта келдилар. Бир гуруҳ халойиқ кўрунди, яқин келдилар, шаҳзода ул ойинада кўрғонини тамом ёдига келтурди ва айди:

— Эй мандек меҳнатга мубтало бўлған ва эй мандек ранжу машаққатга гирифтор бўлған ва эй мандек бало тошини бошига ёғдурғон ва эй мандек фироқ ўтида куйган ва эй мандек ҳижрон шамолида соврулғон жафо-кашлар, на учун мундоғ қаттиғ ишға қадам қўйдунглар ва мундоғ маҳкам тошқа илик урдунглар?— деб сўради.

Булар айдилар:

— Бу вилоятни Арман вилояти дерлар. Бу вилоятни (нг) подшоҳи наасабда Фридунға етар, аммо таҳт салтанатда Жамшиддин ортуғроқдур. Агарчи бошида тож ўрун топмас, аммо тождор халқ оёғида ўрун тутарлар. Агарчи белида камар ер топмас, аммо заррин камарлар олдида ер ўпарлар. Отини Маҳинбону дерлар. Бисёр шаҳарлардин хирож олур. Ани бир ҳамширазодаси бордур, ҳусн ва жамолда баркамол. Ани талъатидин ою кун

равшанлик топар. **Маҳинбону** ани бисёр эъзоз ва икромлар қилур. Бу тоғни машриқ тарафида «Айнул-ҳайёт» деб бир чашма бордир; гоҳе бу тоғ бирла ул чашма бошиға бориб, гулчехралар бирла мажлис ороста қилиб, тамошо қилур. Ул париваш бир иморати олий қилдурмоқни ихтиёр қилмиш ва ул ерда асло сув йўқ эрди. Бу чашмадин сув чиқариб олиб бормоқни ихтиёр қилмиш. Бу сабабдин мундоғ қаттиғ ишға биз бечораларни буюрмуш. Ул чашма бирла иморатни ораси уч фарсангдур. Бу тошқа илик ургонимизга уч йил бўлди. Эмди юз қарича ерни ариқ этибдурмиз. Бу тариқ бирла барчамиз икки минг йил умр кўрсак, Рустамга ўн баробар қувватимиз бўлса ҳам тамом бўлмас,— деб бисёр нола ва тазарруъ қилдилар. Фарҳоднинг кўнгли мумдек эриб, ўзига айди:

Ҳунарни асраб на қилай охир, тупроққа олиб боруманми?— деб барча табар ва тешаларини йиғдурди. Темурчиларни келтурдилар. Ул табар ва тешаларини уч, тўртини бир қилдурди. Қорандин ўрганган тариқаси бирла пўшида сув берди. Табар бирла тешани рост қилдилар. Эртаси ишқа муқайяд бўлдилар. Ер ва тоғлар ларзага келди. Қуввати бозу бирла табарни қўллариға олиб, андоғ ишладиларким, қаттиқ тоғлар олдиларида мум бўлди. Халойиқлар ҳайрон бўлуб, бисёр шукр ва сано этиб, таҳсин ва офарин қилдилар. Бу халойиқлар уч йил қазифан ариқдин ортуғроқ ва кенгроқ қазди. Бу воқиани **Маҳинбонуға** баён қилдилар. **Маҳинбону** ҳайрон бўлуб, Ширин қошиға кирди, бу воқиани баён қилди. Ширин ҳам ҳайрон бўлди ва айди:

— Ҳақ таоло камоли қудратидан бизга мундоғ меҳмон насиб қилмиш, биз буюрмай хизматга бел боғламиш. Биз ҳам қўлимиздан келишича пеш келиб, бошидин жавоҳирлар нисор қилғоймиз, деб бисёр хушвақт бўлуб, бориб тамошо қилмоқни ихтиёр қилдилар.

Ҳар тарафға тамошоға чиқса тўрт-беш юз парирў, сунбулмўй сийминбадан қизлар хизматида борур эрди. Охирул-амр бир мунча парирўлар **Маҳинбону** бошлиқ Ширин кабкдек хиром қилиб, товусдек жилва кўргузуб, офтобдек, тулуъ қилиб, қамардек сайрға кириб, ситоралардек атрофини қизлар қуршаб, Фарҳод тарафиға равон бўлдилар. Фарҳодга яқин еттилар, кўрдиларки ул йигит халойиқ айтканидек ариқ қазар. Яқин келиб тамошо қилдилар. Ул йигитнинг жамолидин нури ҳақиқат

тобондур. Қад ва қомати сарви хиромондек, қуввати бозусидин Рустам пашшадек кўрунур. Маҳинбону била Ширин таҳсин ва офарин қилдилар. Ғунчадек оғизлари тўтийи шакаристон ва булбули ҳазордостондек такалумға келиб дур афшонлик бирла айдилар:

— Эй қуввати бозуда ягонайи даврон ва эй забардастлик бобида офати замон ва эй шакл ва ҳайатда барчадин тоқ тушкан ва эй сифатинг васфидин барча ҳалқға иштиёқ тушган шаҳбози баландпарвоз, ғоибона бизни хизматмизга бел боғлаб, мурувват бирла мундоғ мушкил ишларни осон қилиб, мундоғ сифатлар ошкора қилибсан. Неча йиллардин бери бу ишга ожиз эрдук, ўз йўлунгча осон қилибсан. Мундоғ иш қилғанингға минг йил узрҳоҳлиқ қилсоқ тақобул бўлмас ва агар та мом олам ганжини бошингдин нисор қилсоқ ҳам баробар келмас,— деб дилнавозлиқ қилиб, бошидин бир та боқ жавоҳир сочтурди. Ширинни мундоғ фасоҳат бирла шакар афшонлиқ қилғани Фарҳодға таъсир қилиб, барча аъзосига ларза тушуб айди:

— Манга мундоғ ширин сўз бирла дилнавозлиқ қилғонингға жон фидо қилғудек бўлдум. Магарким, мани мундоғ овора қилғон маъшуқи жонгудоз сенму?—деб бу байтни ўқуди:

На англайким қаю маҳрӯ әкансан,
Ичим қон айлаган сенму әкансан?
Мени ғурбат аро бечора этган,
Диёру мулкидин овора этган,
Чиқиб жоним ўтидин бўлғач огоҳ,
Юзунгни кўрмай ўлсам оҳ, юз оҳ!—

деб турууб эрди, ногоҳи шамол келиб ул паривашни ниқобини очти. Фарҳоднинг кўзи тушди, ул ойнада кўрган паривашни таниди. Оҳ тортиб, ҳуши димогидин чиқти. Улукдек йиқилди. Маҳинбону бирла Ширин ўлди деб хаёл қилдилар, дариф ва афсус едилар. Ҳалойиқлар бу воқиаға ҳайрон бўлдилар. Аммо Фарҳоднинг ишқ ва муҳаббати Ширинға таъсир қилди. Ширин оҳ тортиб, ниқоб ичинда зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлади. Бу аснода Шопур Фарҳодни бошиға келди. Фарҳодни бoshини қучогига олиб, зор-зор йиғлаб, бу байтни ўқуди:

Бас эрмас эрди ғурбат дарду доғи,
Ки ўчи бежиҳат умринг чироғи,

Вафо йўлида бу манзилға еттинг,
Ки бир кўрмакда жон таслим эттинг.
Камолу фазл ила илгингдин афсус,
Ҳаёу ақл ила ҳуснунгдин афсус.
Замиру ройи покингдин дариғо,
Фифони дарднокингдин дариғо.

деб, мундоғ дилсўзлуқ бирла байт ўқуб, «Қошки сани кўрмағай эрдим ва мундоғ дардға қолмағай эрдим»— деб зор-зор йиғлади. Шопурнинг шундоғ дард бирла йиғлағони Маҳинбону бирла Ширинга ажаб таъсир қилиб, булар ҳам зор-зор йиғлаштилар. Охиуламр Шопурддин сўз сўрдилар. Шопур Фарҳоднинг ҳолини баён қилди. Улар ҳам Фарҳодни мундоғ ҳолиға паришон бўлиб, ани сандуққа солдилар ва отға юкладилар. Ул отни бир парипайкар муштари саодат каниз етаклаб, эъзоз ва икром бирла ўрдаға олиб бордилар. Бир тахт узрасида қўйдилар.

Уч кунидин кейин тун яримида Фарҳодға жон кирди. Ҳушиға келиб кўзини очти. Кўрдики, бир тахти мурассаъ узра ётибдур. Ҳайрон бўлуб андеша қилди. Ширин бирла сўзлашқони ёдиға тушуб билдики, ул маҳбуби жонфизони кўруб беҳуш бўлмуш. Улар шафқат бирла мунда олиб келмишлар. Бисёр хижил бўлуб, камол ҳурмат бирла манга мундоғ икром қилибдурлар, агар хизматларида жон фидо қилсан доги камлик қилур, тақобул бўлмас, деб оҳиста қўпуб чиқти. Яна ул тоғقا бориб, табар бирла тешани қўлиға олиб ишға муқайяд бўлди. Андоғ диловарлик кўргуздики, илгаригидин ўн баробар зиёда тошға табар урди. Теша зарбиндин тоғлар ларзага келди.

Бу аснода Шопур ўрнидин турууб Фарҳодни топмади. Дарҳол излаб тоғ тарафиға равон бўлди. Бориб ул тоғда топти.

Аммо Ширинни бошидин аёғигача Фарҳодни оташи ишқи туташмиш эрди. Фарҳодни гойиб бўлғонидин хабар топиб, излатиб ҳар ёнға киши юборди. Зоҳирида айттур эрди:—«Мундоғ ишға ожиз бўлғонда хақ таоло ўзи камол қудратидин мундоғ кишини бизга насиб қилди. Мундин ўзга киши ҳаргиз бу ишни қилолмас эрди. Да-риғо андин ҳам маҳрум қолдуқ. Агар шул меҳмонни тобсақ, яхши пеш келғоймиз»—дер эрди. Аммо кўнглида муҳаббатдин пеш келмасликға чора тобмас эрди. Охи-

рул-амр Фарҳодни излаб, борғон ҳалқ, ул тоғда илгаригидин ҳам зиёда ариқ қазиб юрубтур, деб хабар бердилар.

Ширин кўп хушвақт бўлуб, хабарчиларга инъом ва эҳсон берди. Кўнглида Фарҳодни ҳусн ва жамолини бориб тамошо қилмоқға бисёр орзуси бор эрди. Аммо яна борсам мани кўруб, беҳуш бўлуб йиқилур, деб ўйлар эрди. Маҳинбону бот-бот бориб, ҳол-аҳвол сўруп келур эрди ва яна Фарҳодни ҳол-авсофини Шопурдин сўрар эрди. Шопур поклик ва хўблик бирла жавоб айтур эрди. Маҳинбону мундоғ поклиғин ангдаб, ман фарзанд қилсан, деб кўнглидин кечурди.

Фарҳодни кўнгли маҳбуби ёди бирла ўрганиб, фироқ даштида кўзларидин дарёлар равон бўлуб ариқ қазар эрди. Ногоҳ тошлар орасидин тупроқ чиқса ожиз бўлур эрди. Аммо, тошқа чопсалар қўроғашунча назариға келтурmas эрди. Илгариги устодлари барчаси Фарҳодни тешаси йўнғон тошни кўруб офарин ўқур эрдилар. Бу тариқа бирла чусту чолок иш қилтур эрди.— Бу умид бирлаки, бот фурсатда бу ариқ тамом бўлса, тамошоға ул париваш келғай, муборак жамолин яна бир кўруб, шакар афшон сўзларини яна бир эши туб жон фидо қилсан нечук армондур. Ва агар келмаса ҳам, хизматимни эши туб, ризолик қилгой,— деб кеча-кундуз асло ором олмай иш қилур эрди. Бот фурсатда ариқни тамом қилиб еткурди. Ул ариқни бир уни париваш ётадургон ўрдани олдиға борур эрди ва яна ул ерда тошни ковлаб, бир катта ҳавз қилди. Ул ҳавзни атрофида сайд қилғудек ер ясади ва яна ул ерда бир улуғ тош бор эрди. Ани баландлиги икки терак бўйи бор эрди. Ани тепасини ковлаб, бир равоқ ясади ва анча покиза ҳужралар қилди. Ул равоқ бирла ҳужраларни томларини тош бирла ороста қилди.

Шопур ани атрофиға нақш ва нигорлар қилди. Ва яна барча пари-пайкар канизаклар суратини тортди. Аларни оёғида ожиз ва инкисорлиқ бирла Фарҳодни суратини тортди. Мундоғ ороста қилиб тамом қилдилар.

Эрса Фарҳод Айнул-ҳаёт чашмасиға сув очғани равона бўлди. Тамом вилоятни ҳалқи тамошо қилғали келдилар. Гўё ер юзини одам тутти. Фарҳод ғамгин бўлуб, Шопур бирла борур эрди. «Ул париваш тамошо учун бир келса, жон фидо қилсан. Агар келмаса, мұхаббат фироқида тириклиқ таркин қилсан», деб кўзларидин дарё-дарё ашики равон бўлди. Ушбу ҳолда кетиб борур эрдилар. Аммо Ма-

ҳинбону ҳамиша Фарҳодни бошидин жавоҳирлар сочиб борур эрди. Охирил-амр Айнулҳаёт отлиф чашмага етдилар. Фарҳод андак дам олмоқ баҳонаси бирлаки, мабодо ул париваш келурмукин деб, ўлтурди.

Бу аснода Фарҳодни ариқни тамом қилиб, ҳавз ва равоқ қилғонини ва турфа нақш ва нигор этканини ва Фарҳодни сув очғали кетганини Ширинға хабар қилдилар. Дарҳол Ширин Маҳинбонуга от чоптурдики, ман борғунча сувни очмағай. Дарҳол Маҳинбону Фарҳодға бир соат сув очмай турсун деб киши юборди. Дарҳол Ширинға от кетурдилар. Бу оғати замон ва ягонайи даврон сувора бўлуб, ҳамма тобиълари бирла етиб келди. Аввал ҳавз бирла равоқни тамошо қилиб, таҳсин ва оғаринлар қилиб андин ўтуб, Фарҳод қазғон ариқ тарафиға равон бўлдилар.

Бу аснода Маҳинбону бисёр насиҳатлар қилиб, Фарҳодға айдики, ўзунгни тўхтатғил. Бу орада бир гард намоён бўлди. Маҳинбону Ширинни келурини Фарҳодға айтди. Фарҳодни аъзоси ларзага келди. Барча ҳалойиқни қуғладилар. Ширин ниқоб бирла етиб келди. Маҳинбону Фарҳодға «дарҳол сувни очғил» деди. Фарҳод шўридалик бирла сувни очғали турди. Ширин келиб бисёр таажжублар бирла тамошо қилиб турди. Фарҳод сувни қўя берди. Бир-икки тегирмон сув равон бўлди. Ширин бошлиқ барчалари оғарин қилиб, сувдин илгари борали, деб тез равон бўлдилар. Аммо сувдин илгари ўтолмадилар. Фарҳод бирла Шопур ҳам равон бўлди. Гам даштида ҳайрон ва ҳижрон аламида саргардан борур эрдилар. Ногоҳ Ширинни оти лойға ботди. Фарҳод от бирла кўтариб, устига олди. Отдин ҳам тезроқ беҳудона югуруб, олиб бориб ул равоқни олдига қўйди. Барча ҳалойиқлар оғарин қилдилар. Ул сув келиб, ҳавза кирди. Андин чиқиб, барча ариқларга равон бўлди. Ҳалойиқлар мазкурни кўруб шод бўлдилар. Бу ариққа «Наҳрул-ҳаёт» ва ҳавзға «Баҳрун-нажот» от қўйдилар.

Охирил-амр барча ҳалойиқ тамошодин фориг бўлуб, манзилларида қарор олдилар. Фарҳод бирла Шопур бир гўшада макон қилдилар. Ул гўшада ҳижрон фироқида ғамгин ётар эрдилар. Маҳинбону фаросат била маълум қилдики, Фарҳодни муҳаббати Ширин кўнггулида барқарор бўлмуш, яқиндурки, тарки ҳаёт қилғай, деб тафаккур бирла айди:— Бу иккисини бир ерда рўбарў қилғайман, шоядки Ширинни кўнглиға таскин бўлғай

деб Ширинға киши чиқарди. «Бу ариқ қазмоқ андиша-сіда бисёр лол әрдүқ, ҳақ таоло ўз камол құдратидин бизға баҳту давлат берди, ва яна бизға мундоғ кишини насиб құлди. Одам фарзандини құлдидин бу навъ иш келмас әрди. Мунинг құввати бозусидан муродимиз ҳо-сил бўлди. Мундоғ кишига қанча қылсоқ дөғи оз әрди. Агар хазина бирла дафинани қабул қилмайдур. Анга бир мажлис бино қилсак, бошидин лаъл ва жавоҳир соч-соқ» деди.

Ширин бу сўзни эшитиб бисёр шодмон бўлиб қабул құлди. Ул замон меҳмондорлик асбобига буюрди. Дар-ҳол от бирла қўй сўюб Фарҳодға киши юсрди. Үрданি ойинабандлық құлдилар. Борғон кишилар Фарҳодни то-пиб, Маҳинбону салом ва паёмларини еткурдилар. Фар-ҳод шоду ҳуррам бўлуб, Шопур бирла равон бўлди. Бу-ларни эъзоз ва икром бирла равоққа олиб чиқтилар. Маҳинбону истиқболға чиқиб, ичкари олиб кирди. Ўзи таҳтда ўлтуруб, Фарҳодға курси қўйдуруб берди, Шопур ҳам ёнида ўлтурди. Ҳофизлар олдида яна ўн қиз қатор ўлтурдилар.

Муғаниилар аниңгдек лаҳн пардоз,
Ки жонлар пардадин рақс айлаб оғоз.
Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Барн ҳам сарв қомат, ҳам гуландом,
Маҳинбону камол изҳор айлаб.
Дақойиқдин савол изҳор айлаб.

Ул қизлар пиёланни гардиш құлдилар ва ул ўн қизнинг отлари бул туур:

Дилорому Дилюрою Дилюсо,
Гуландому Суманбўю Сумансо,
Паричехру Паризоду Париваш,
Парипайкар, зиҳи ўн исми дилкаш.

Ва ҳар бири илму донишда беназир ва ҳусну жамолда баркамол әрди. Бу қизлар бу байтни ўқуб, Фарҳод бирла Шопурға тутар әрдилар.

Н а з м:

Юзунгни хуни жигар бирла шусту шўй қилиб,
Назора қылгил ўшал юзга чашми пок била.
Жаҳонга берма кўнгул, эй гурусна рўй ҳарис,

Кўзингни тўйдуур айём мушт хоқ била.
Карашма бирла ҳалок айлади мени ул шўх,
Яна на шеваларинг бор экон ҳалок била.

Пиёла даргардиш қилиб, барчалари бир-бирларини танимадилар. Бу тариқа бирла тун яримғача мажлис ороста қилдилар. Аммо Фарҳод Ширинни висоли майдин маст-мустафроқ эрди. Тун ярим бор эрди. Ширин юз минг ноз истиғно бирла шевалар кўргузуб, гулдек очилиб, сунбулдек сочилиб, оёқ тутғали турди, Фарҳодга етти. Эрса ул ўн қиз Ширин бирла Фарҳодни бошларидин жавоҳирлар сочдилар. Бу тариқа бирла юз минг нозу карашмалар қилиб, Фарҳодға оёқ қўюб, олдида ўлтуруб, Ширин бу байтни ўқуди:

Ке эй зори балокаш ошиқим мансиз нечукдурсан?
Ки бу жавру ситамға лойиқим мансиз нечукдурсан?

деб, пиёлани қўлиға олиб, сани ёдинг била нўш қиласай, деб нўш қилди. Фарҳод филдек маст бўлуб, бу байтни ўқуди ва таъзим бажо келтурди:

Эй соқийи гул узори маҳваш,
Жону жигаримга тушти оташ.
Тутғил манга лаб-балаб қуюб жом,
Бу ташналигимдин ўлсун ором.

Ширин яна бу байтни ўқуб, Фарҳодға аёқ тутди:

Адо фаҳмо эмас ҳолимдин огаҳ деб гумон этма,
Муни билким сани ёдингға келтурган мани оҳим.—

деб париваш яна пиёлани тўлдуруб Фарҳодға тутти. Сани ишқингда гардун пиёла сибқорурман, деб нўш қилди. Пиёлани Ширинға бериб бехудона оҳ торти ва ерга йиқилди. Ширин Фарҳодни бошини уқалади, Фарҳод ўзига келмади. Бу ҳолат Ширинға таъсир қилди, ул ҳам бир оҳ тортиб бехудона Фарҳодни ёниға йиқилди. Аҳли мажлислар Ширинни олиб чиқиб-ётқуздилар. Андин Фарҳодни яна бир ерда ётқуздилар. Бир кечакундуз деганда Фарҳод ҳушиға келди. Мажлисдаги воқиалар тамом ёдиға келди. Бисёр хижил бўлуб, оҳиста ўрнидин қўпуб, ўз ерига равона бўлди.

Аммо Ширин ҳам ҳушиға келиб Фарҳодни топмади. Кўнглидаги дарди илгаригидин сад чандон зиёда бўлди.

Неча вақт мундоғ ўтти, эрса Ширинни муҳаббати кундин-кунға зиёда бўлди.

Маҳинбону бу воқиаға бисёр тангдил эрди. Ширинни ишқ ва муҳаббати таъсир қилиб, иочор бўлуб, Фарҳодни поклиғидин гоҳи мажлис тузуб анга висол майидин мұяссар қилиб масти лояқил қилур эрди. Ушбу тариқа бирла неча вақт ўтти. Аммо тақдирға тадбир қилғоли бўлмас! Худой таолони тақдиди буларға ишқ ўтида куймак ва хижрон сарсаридаги соврулмоқ эди...

Аммо аҳли таҳқиқлар андоғ дебдурларки, мағриб вилюятида Хисрав деган бир подшоҳ бор эрди. Асолати на-сабда Кисрой набираси эрди. Отаси Хурмуз эрди. Мағриб заминда ҳама вилоят Кисройни фармонида эрди. Пойтахти Мадойин шаҳаридаги эрди. Кисройдин Хурмузға, Ҳурмуздиги Хисравға қолиб эрди. Тахт-салтанатда беназир эрди. Аммо бир ўғли бор эрди, тахт-салтанатга лойиқ әмас эрди. Ул жаҳатдин аҳволи паришон эрди. Ихтиёр қилдики хотун олғойман, шояд ҳудой таоло подшоҳликга лойиқ фарзанд бергайй. Токи ўзумдин кейин қолиб, тахт-маснадимда барқарор бўлғой деб, бу андиша бирла ҳар тарафға киши юборди. Агар манга лойиқ хотун бўлса, хабар айтинг деди.

Бу аснода Шириннинг соҳиб жамоллиғи тамом оламга пур бўлди. Фарҳод бирла мундоғ асрорлари ҳам тамом ҳалойиқа ёйилди. Охирил-амр, Ширинни бисёр таъриф бирла Хисравға еткурдилар. Хисравда ҳам ғойибона иштиёқ пайдо бўлди.

Бу аснода ҳар тарафға юборғон кишилари ҳам келиб, Ширинни таъриф қилдилар. Хисравға завқ пайдо бўлди. Ночор ўзи бормоқни ихтиёр қилди.

Вазири айди:— Аввал бир донишманд киши юбсрғаймиз, бориб сўзлашиб келғай. Анга боқиб маслаҳат қилғаймиз. Бу сўз Хисравға мақбул бўлуб, бир доно киши юбордилар. Неча вақтда Арман вилоятиға етти. Хисравдин элчи келибдур, деб Маҳинбонуға хабар қилдилар. Маҳинбону аркени давлатни ороста қилиб, элчига киши чиқорди. Элчини икром бирла олиб кирдилар. Аввал Хисравнинг салом ва паёмини еткурди. Сўнгра фасоҳат бирла элчилик сўзини айтти.

Маҳинбону андиша бирла тамом эшитиб ўлтурди. Сўз тамом бўлғоч, «кенгаш бирла жавоб берурмиз», деб элчини элчихонаға чиқардилар. Ўзлари вазирларни йиғиб маслаҳат қилдилар.

Барча умаролар ҳам бизға Хисравдек киши насиб қиласа нечук йўқ дегаймиз, андин беҳроқ кимни топқаймиз, деб бисёр шодмон бўлдилар. Ва ани маъқул кўрдилар.

Аммо Маҳинбонуға Ширинни ҳоли маълум эрди, бисёр танглиқға қолди. Ва яна Фарҳод ҳам ёдига тушуб, бисёр ноилож бўлуб оҳ торти. Охирула-мр ул паривашқа воқиани айди. Ул париваш айди:— Агар бундоғ ихтиёр қилсалар ўзумни ўзум ҳалок қилурман. Подшоҳлик бирла ишқ ва муҳаббатнинг на иши бор. Фарҳод бирла хурсанддурман. Фарҳод ҳам менинг висолим тамай бирла хурсандлик қилур. Андоғ бегуноҳ кишини нечук озурда қилурман ва мундоғ бадномни нечук бошимға олғайман. Ҳоло ҳам кўнгли қонғунча жамолимға тамошо қилмай, мунча бадном қилурлар. Ул манинг фироқимда даштбадашт, кўҳ-бакӯҳ, бошини тошларға уруб, оҳу фифон бирла юрур. Ман яна бировни ҳоҳиш қилсанам, ишқ йўлида нечук рано бўлур,—деб бисёр паришонлиқ бирла Маҳинбонуға айттики мани мундоғ ишға тарғиб қилғунча бир йўли ўлтуруб ташланглар — деб нолалар қилди.

Маҳинбонуға бу сўз ажаб таъсир қилди ва айди:— «Ман ҳам ҳоҳиш қилмайдурман, андоғ бўлса, бир навъ сулукат бирла элчини ёндуорли» деб Ширин қошидин чиқди. Тонгласи тамом аркони давлатни тузуб, элчига киши юборди. Элчини олиб келдилар. Элчига бисёр сулукатлар бирла, Хисравнинг мундоғ сўзини ўзига фаҳр ва мубоҳот билғондек шодмонлик бирла бисёр узрлар қўлуб¹ айдиким:— На яхши дебдурлар, биз нечук ҳоҳиш қилмасбиз, ниҳоят саодатдур. Ва лекин бир иши борки бу париваш бу дамғача эронлардек улғоймиш. Қуш қушламоқ, ов овламоқ ва анча сипоҳгарчилик бирла умри бу ерга етибдур. Мундоғ ишларни ҳоҳиш қилмас. Асло анга айтиб бўлмас. Баногоҳ киши айтса, ани ўлтуур. Бир-икки йил сабр қилсалар, андак ақлға келса, бизлар насиҳат қилсак, деб элчини эъзоз бирла ёндурудилар.

Элчи бориб бу сўзларни тамом Хисравга айтти. Хисрав айди:— Мандак кишини фаҳр ва мубоҳот билмай давлат ва саодат билиб қабул қилмай баҳона қилурму?— деб бисёр ғазабнок бўлуб, яна элчи юборди.

¹ Қўлуб — истаб, тилаб.

Ул элчи ҳам аввалги сўзни айтиб келди. Хисрав айди:—«Бориб, вилоятлари бирла тамом торож қилиб, есир олсам нечук қилур»,—деб ғазаб бирла черик йикғоли буюрди. Икки-уч кунда беҳисоб черик йифилди. Ушбу черик Арман вилоятига равон бўлди. Неча кунда, қатъи биёбон қилиб Арман вилоятига етти.

Аммо Маҳинбону кўнглида Хисрав лашкар тортиб келурини билиб, шаҳарини беркитиб, черик йифиб, захира жамъ қилиб туруб эрди.

Бу аснода қум ва тупроқдин зиёдроқдин зиёдроқ лашкар бирла Хисрав келиб шаҳарни тошифа тушти. Маҳинбону бирла Ширин ҳам шаҳарни маҳкам ороста килдилар. Бу воқиани Фарҳодға ҳам хабар қилиб, олиб келдилар. Шаҳарни тошида бир төғ бор эрди, Фарҳод анда макон тутмиш эрди.

Охирула-мр, Хисравнинг черики шаҳарни қуршаб олдилар. Хисрав шаҳарни иҳота қилиб, Фарҳод тарафиға келди. Йироқдин Фарҳодни кўруб, юракиға Фарҳодни ҳайбатидин дарз кетти.

Қўрқуб айдики:— «Ҳар ерда бўлса, мани душманим шул бўлғай. Аввал душманни йўқ қиласай», деб ўн минг совут пўш муборизлардин йигирмасини буюрдики, бориб шул одамни тирик тутуб келинглар. Булар Фарҳод тарафиға равон бўлдилар. Фарҳод билдики, неча кишилар буён келадур, дарҳол бир төғни устига чиқиб, наъра тортиб айдики:— Мандурман оташи муҳаббатга гирифтор бўлғон, ишқ даштида санғи машаққатни бошиға ёғдурғон, ғам кунжида макон тузгон, дарду алам бирла тавъамон бўлғон. Манга яқин келмангларки бе ажал ҳалок бўлурсиз. Бошингларга мандек санғи машаққат ёғар. Агар бовар қимласанглар, дубулғаларинг бирла туғларинг шаддасини тамошо қилинглар, деб бир тош бирла андоғ үрдики, дубулғалари бирла туғлари шаддаси ерга юмаланиб тушти.

Фарҳодни бу ишиға Хисрав бошлиқ барча халойиқ ҳайрон бўлди.

Фарҳод яна айди:— Агар мендек бегуноҳга қасд қилсанглар, сипоҳларингни ўз қўлинглар бирла қирасизлар. Дубулғаларни учурғонимни бош учурмоқға далил қил. Лашкарингга жабр қилма. Қелғон йўлингға ёниб борғил. Ва яна сўз улки лофи ишқ урарсан, мундоғ черик йифиб париваш кўнглини паришон қилурсан, бу нечук расми ошиқлиқ бўлғай?— деб Хисравни бисёр танг қилди.

Хисрав ночор паришонлиқ бирла ҳаймасиға тушди. Бисёр ғамгин ўлтурди. Бузург Уммед деб бир вазири бор эрти, кириб келди ва айди:— Тоғ халқи мундоғ лоғ урарлар, лекин мунча черикға кор құлурму? Ва яна девоналар ҳар нағы сүз айттар, киши ани сүз ўрнида әшитмас. Қайғурмағайлар. Аммо бу шаҳар бисёр маҳкамдур, бир йил жанг қылса ҳам олурнинг иложи йўқ. Мундоғ шаҳарни сиздек подшоҳ бир зўр бирла олғай эрдингиз, аммо мұяссар бўлмас. Мунга тадбир бирла иш қылғаймиз, деб Хисравға таскин берди ва айди: яна элчи киргузгаймиз. Маҳинбонуға нечук номусдурки Фарҳоддек бенажод бирла Шириндек асолат гавҳари пок ошиқ-маъшуқ бўлғай. Ва яна баъзида ҳаммажлис бўладур, мандин нима камлик топадур? Фарҳоддин нима фазилат кўрубдур?— деб элчи киргуди. Элчи кириб бу сўзларни Маҳинбонуға сўзлади. Маҳинбону яна илгариги жавобини берди. Элчи ёниб чиқиб, Хисравға сўзлади. Хисрав бисёр ғазабнок бўлди. Асбоби жангни муҳайё қилиб, табли жанг қоқтилар. Сафларни ороста қилдилар.

Аммо шаҳар тарафидин Фарҳоддин бўлак киши ўқ отмайдур. Фарҳод тош отиб, ҳеч кимни яқин келтурмайдур. Хисрав яна ғамнок бўлуб, ёниб тўшти. Анча маслаҳат қилиб ҳеч илож топмадилар.

Бу аснода бир ҳаромзода догоули бор эрди, панд ва фирибда шайтон шогирд эрди. Хисравға келиб айди:— Муни тадбирини ман құлурман. Хисрав айди. Сан тадбир қылсанг бўйинг баробари зар берурман. Бу ҳаромзода айди:— Ҳийла бирла банд құлурман,— аммо олиб келомасман. Хисрав айди:— Сан банд қылғил, ман киши қўшарман, бир ерда яшунуб, турғай. Сан банд қилиб, аларни қичқирғил, деб ғарқ кўк темур кийган икки юз кишини буюрди. Алар оҳиста бориб, бир ерда пинҳон бўлдилар.

Бу ҳаромзода бир хушбўй гулға доруи беҳуш солиб олди. Ўзини ошиқлар суратида қилиб беҳудона оҳу фифонлар бирла Фарҳод тарафиға равон бўлди. Фарҳодға яқин бориб фарёд вовайло бирла синасиға уруб намоён бўлди. Фарҳодға муни мундоғ афғонлари таъсир қилди. Ўзидек шўрида ҳол кўруб, муни аҳволини сўрди. Бу айди:— Ман бир паривашға ошиқ бўлуб, гоҳи аниңг висоли майдин нўш қилур эрдим. Бу вақтда Хисрав деган бир золим пайдо бўлуб, бу шаҳарни қамаб олди. Мани шайдо қилғон париваш шаҳарда қолди. Мани бечора таш-

қарида қолдим. Ҳоло шаҳарга борсам, Ҳисравни тилчиси деб уруб қовлайдур ва агар Ҳисрав қошиға борсам, ул золим ҳам қовлайдур. Бу бечоралик бирла маҳбубум ёдида юурман, деб бир оҳ торти ва кўзларидин ёшлар оқузди.

Фарҳодға бу ҳол таъсир қилиб, бир оҳ тортиб беҳуд бўлди. Дарҳол бу ҳаромзода Фарҳодға доруий беҳуш искатиб, беркиниб турғон халқға хабар қилди.

Бу аснода Шопур юқорида бир тоғ камарида ётиб эрди, ёмон туш кўриб уйғонди. Дарҳол Фарҳод тарафиға назар қилиб бу ҳаромзодани кўрдики, Фарҳодни беҳуш қилибдур ва яна ул ҳалойиқни кўрдики, ҳар ённдин югурушуб келадурлар. Ночор бўлуб бир тошни қўлиға олиб ул ҳаромзодани бошиға чунон урдики, мияси қатиғ-дек тўкулди. Ул ҳалойиқлар келиб, Фарҳодни маҳкам банд қилиб, Ҳисрав тарафиға олиб жўнадилар...

*Фарҳодни ул хайл Ҳисрав қошиға еткўргони ва Ҳисрав
Фарҳодни бошидан оёғигача салосил ва ағлол ҳукмин
сурғони ва Бузург Уммедин ҳикмат бирла ул бандни му-
қайяд қилгони ва девона димоғиға дафъ дору қилиб,
ҳуши кетургони ва муҳаббат юзидан анга сўз қотгони ва
Ҳисравнинг савол шишаларин жавоб хоралари бирла
үшотқони ва унинг бу навъ қатиғ санғборонидин Ҳис-
равни кўнглидаги саволоти шишадек синиб, аниг қат-
лиға озим бўлғони, ул муҳлиқ сўzlари ҳимояти бирла
қатлдин халос бўлғони*

М а с на в и й:

Бу беҳудлур йўлининг ҳушманди,
Бўлуб бу навъ маъни нақшбанди:
Ки чун Фарҳодни ул хайли чолок,
Шаҳ олиға етурдилар тарабнок.
Бўлуб Ҳисрав ул ишдин шодмона,
Ато айлаб аларға хисравона
Деди мажнунға солинглар оғир банд,
Ики илкин қилиб банд узра пайванд.
Мажониндек муқайяд бўлди ҳосил
Бари аъзосин ағлолу салосил.
Буюрдиким ҳақим ўлуб ҳам оғуш,
Кетурди нотавоннинг мағзига ҳуш.
Кўзин чун очти ул мажнуни беҳуд,

Ки бўлмиш эрди мажнундек муқайяд.
Ўзин кўрди ажойиб ҳол ичинда,
Салосил қайдида ағлол ичинда,
Бошида хисравона боргоҳи,
Туруб атрофида хайли сипоҳи.
Тўрида боргаҳнинг бир буюк таҳт,
Анинг устида бир шоҳи жувон баҳт.
Оёғи остида таҳти Каёни,
Боши устида тоҷи хисравони.
Таажҷуб бирла онинг сори боқиб,
Бошини ирготиб, илгини қоқиб.
Яқин билди чу бўлди фикрат андеш,
Ки не феъл айламиш ҷархи жафокеш.
Ўзин солмай хидеви ғайрат ойин,
Қўпуб ўлтурди солиб қошиға чин.
Адаб бирла ҳаё расмин қилиб фош,
Бурун индуруди мажлис аҳлиға бош.
Чу даъби йўқ эди сўрмай демак сўз,
Оғиз сўздин тикиб, тикди қуий кўз.
Шукуҳидин етиб Хисравға тағиیر,
Қилиб ишқи ўти қўнглига таъсир.
Унутти айламакни қатл бедод.
Анга боқиб такаллум қилди бунёд:
Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?
Деди: мажнун ватандин қайда огоҳ?
Деди: недур санга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.
Деди: бу ишдин бўлмас касб рўзи.
Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.
Дедиким: ишқ ўтидан де фасона!
Деди: қуймай киши топмас нишона!
Дедиким: қуймагингни айла маълум.
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум.
Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст.
Деди: бу ишқдин инкор қилғил.
Деди: бу сўздин истиғфор қилғил.
Деди: ошиқға не иш кўп қилур зўр?
Деди: фурқат куни ишқи бало шўр.
Деди: ишқ аҳлиниг недур ҳаёти?
Деди: васл ичра жонон илтифоти.
Дедиким: дилбарингни де сифотин!
Деди: тил ғайратидин тутмам отин!

Дедиким: ишқиға кўнглунг ўрундур?
Деди: кўнглумда жондек ёшурундуру.
Деди: васлига борсен орзуманд?
Деди: борман хаёли бирла курсанд!
Деди: нўши лабидин топқай эл баҳр,
Деди: ул нўшидин эл қисмидур заҳр.
Деди: жонингни олса лаъли ёди?
Дедиким: ушбуудур жоним муроди!
Деди: кўксунгни гар чок этса бебок?
Деди: кўксум тутай ҳам айла деб чок.
Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.
Дедиким: ишқдин йўқ жуз зиён буд.
Деди: бу келди савдо аҳлиға суд!
Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур.
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур!
Деди: ол ганж, қўй меҳрин ниҳони,
Деди: туфроқға бермам кимиёни.
Деди: жонингға ҳижрон кинакашдур,
Деди: чун васли ёр уммиди хушдур.
Дедиким: шаҳга бўлма ширкат андеш!
Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!
Деди: жонингға бу ишдин алам бор.
Деди: ишқ ичра жондин кимга ғам бор?!
Деди: кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: бечора, кеч бу мултамасдин!
Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум.
Деди: ишқ ила мақсадумга етгум.
Деди: бу ишда йўқ сендин йироқ қатл!
Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.
Нечаким бўлди мушкил сўз хитоби.
Басе осон анга етти жавоби.
Чу Хисрав кўрди бу янглиғ таҳаввур,
Такаллум айламак сочқон киби дур.
Бир ўт тушти ичига бехудона,
Ки оташгоҳдек чекти забона.
Ки мендек шаҳга мундоғ разли дуни,
Оёғдин бошқа банд ичра забуни,
Хаётининг ниҳолиға синиб шоҳ,
Жавоб айтур на сўрсам бўйла густоҳ,
Сиёсат қилгулуқдур бу фидойи,
Ки ҳар бир тоғ ила води гадойи.
Яна кўргузмагай бехавфу даҳшат,

Салотин хизматида сўзга журъат
Ғазаб бирла буюрди шоҳи ғаддор,
Ки урдилар ҳисор олинда бир дор.
Кейин боғлаб оёғу қўлларин руст,
Бориб чекмаклик они дор уза чуст.
Чекилгач ўйлаким абри баҳорон,
Улус қилмоғлиқ они тирборон.
Неча кун турмоқ ушбу ҳол бирла,
Қўруб ҳалқ они бу аҳвол бирла.

Аммо Хисрав шаҳзода Фарҳоднинг бу ранг жавоб айткони бисёр асар қилиб айдики: — Мундоғ кишини бетаъхир дорға осиб, тирборон қилмоқдан ўзга иш йўқ. Подшоҳларга мундоғ ноҳамвон сўз айтқонни жазоси ушбуудур, деб дорға буюрди. Дарҳол шаҳар олдида бир дор тайёр қилдилар. Хисрав миғазабларға: — Олиб бориб дорға осинглар! — деб буюрди. Подшоҳларға шарик бўлғоннинг жазоси ушбуудур, деб тирборон қилинглар деди. Аммо бир неча кун анда турсун, андин олиб, тамом аъзосини ўтға куйдуруб, кулини кўкга совурунглар. Токи ўзгаларға ибрат бўлсун! — деб амр қилди.

Фарҳод бу сўзни эшишиб бисёр ҳушвақт бўлуб айдики: — Сан манга ғазаб билан бу ишларни айтурсан. Аммо манинг муродим ишқ даштида ўлмоқ эрди, сан мусассар қилдинг. Ўтға куйдурмакни амр қилдинг, мен ҳамиша куярман, бир йўли қутқарсанг на яхшидур, — деб бисёр шодмонлиқ қилди. Ва яна айдики: — Манга нечук фахр ва мубоҳотдурки, халойиқлар эшиктайлар, бир фақир ғамдин ишқ даштида оташи меҳнатга гирифтөр бўлғон ва ранжу мاشаққатда тоғдек бадани долдек бўлғон ва мундоғ зору забун бўлғонда бир улуғ подшоҳ ҳаддан ортуғроқ черик йиғиб келган, манга шарик бўлурму деб жанг қилғон, бисёр баҳодирларини буюргон. Агар ман сабр қилмасам ул куни дубулғаларни урғон, бошларини ҳам урар эрдим. Мунча заифлик бирла шунча ишларни қилдим. Подшоҳ неча беҳад черик бирла бир заифқа кучи етмай, макр ва ҳийла бирла беҳуш қилиб бошидин оёғигача бандға тортиб, қошиға келтурғон. Мундоғ ғазаб бирла иноятлар қилғон. Бу бечора анча жавоблар берган. Подшоҳга маъқул бўлуб қатлға ҳукм қилғон. Боракаллоҳ, подшоҳларда мундоғ шужоат бирла адолат бўлғай! Эй дариғ, кошки ман мундоғ дард — меҳнатга мубтало бўлмасдин таҳт-маснадимда сипоҳларим бирла

бўлғай эрдим. Мундоғ шужоатлиқ подшоҳ бирла тақобул бўлғай эрдим. Ҳаддин зиёда черикин бир-бир нобуд қилиб, сипоҳгарчиликни тартиб бериб, йигитлик кўрсатиб, шужоатни мундоғ подшоҳларға таълим берур эрдим,— деб подшоҳга бисёр таъналар қилди.

Ва яна айдики:— Ман ҳар кунда юз минг ўлар эрдим. Агар сан бир ўлдуруш бирла қутқорсанг нечук армондур. Аммо бир паришонлиғим ҳам бор. Сабаб улки, бу воқиалар Хитой тарафига етиб, хоконға эши билса, хокон бу жигар порасини ғурбат ичра дарду меҳнатға мубтало бўлғонда мундоғ ишлар бошиға тушганин эшишиб, тамом оламни черикга тўлғозиб, бу ерларға келса, асло анинг қўлидин жондор қутулмас. Ман учун қанча мусулмонлар несту нобуд бўлуб, ноҳақ ўлур,— деб сўзини тамом қилди.

Хисрав ғазаб бирла дорға буюрди. Фарҳодни дорға олиб бордилар. Шаҳар ҳалқи Фарҳодға бисёр афсус еб, Маҳинбону бирла Ширин бехабар, йиғлашдилар. Хисравни чеरиклари ҳам мундоғ қобил диловар кишининг ўлушшиға анча афсус қилиб назора қилур эрдилар. Фарҳодни дорға тортар вақтда Бузург Уммид вазири дарҳол подшоҳ қошиға келиб оҳиста айдики: «Бу кишини бегуноҳлиги зоҳир бўладур. Мундоғ девонани ўлдурмоқ беўрундуру. Чароки девонада ақл бўлмас, унинг ақли бўлса, мундоғ қаттиқ жавоб айтurmу? Агар бу девонани ақли бўлса, ўлумдин қўрқар эрди. Бу асло назарға келтурмайдур ва муни маҳкам ерда банд қилғаймиз, неча вақт анда кишилар қўйғаймиз. Агар ақлиға келса, анга боқиб иш қилғаймиз. Кишини ўлдурмак осондур, тиргизмак мушкүлдур», деб арз қилди.

Бу сўз подшоҳга маъқул бўлуб, бир тоғда деворланган маҳкам қўргон бор эрди, ани қўргони Салосил дер эрдилар. Барча гуноҳкорларни анга юборур эрдилар. Хисрав Фарҳодни ул қўргонға юборди. Беш юз баҳодур киши қўшти. Ва айтди:— Маҳкам банд қилиб, ул қўргонда сақланглар, агар қочурсанглар, барингларни қатли ом қилурман.

Эрса Фарҳодни ул қўргонға олиб келиб бир неча кун маҳкам банд бирла сақладилар. Фарғодға Суқрот бир дуо ўргатиб эрди, ул дуонинг хосияти ул эрдики, ҳар қанча маҳкам банд ичра бўлса, ани ўқуса бандлар кушуда бўлур эрди. Ҳарқандай маҳкам дарвозага ўқуса, очилур эрди. Фарҳодға ҳижрон зўр қилди. Бу бандлар бир-

ла ўрнидан тураолмиди. Охирул-амр ул дуони ўқуб эрди, бандлар күшода бўлди. Оҳиста қўпуб дарвозага келди. Дарвозага қараб ўқуб эрди, очилди, ташқари чиқти. Даشت-бадашт, биёбон-бабиёбон нола ва зори бирла сайр қилди, эрса субҳ бўлди. Яна кириб қўргонда банд ичра оҳу-фифонлар бирла бўлди. Неча кун бу тариқа бирла ўтти.

Нигаҳбонлар кириб, бу асрорни маълум қилдилар. Фарҳоднинг дарду сўзи буларга таъсир қилиб, кўнгуллари эриб сув бўлди. Булар Фарҳодга айдилар:— «На сабабдин банддин халос бўлуб, яна ўз ихтиёргиз бирла бандга тушарсиз? Мундоғ фазилатлиғ кишини бандга солмоқ нечук бешармликдур,— деб барча бандларини олиб қўйдилар ва яна айдилар:— Агар хоҳласангиз бориб кўнглингиз тилагандек осуда бўлунг. Сиз учун Хисрав ҳарна қилса, бизларни қилсунки, бизлар жонимизни сиза фидо қилдук. Бизларни худоға тобшуруб, кўнглингиз тилафон ерға боринг. Бизлар сиздек кишини кўрган эмасмиз.

Фарҳод бир оҳ тортти ва айди:— Ман бошимдаги ўлумни нечук сизларга раво кўргайман. Ман учун сизларга озор етмасин. Сизлар бегуноҳ жон фидо қилгай-сизлар. Ман нечук сизларни шарманда қилурман. Хисрав ҳарна қилса мани қилсун,— деб ҳеч ерга борурни ихтиёр қилмади. Аммо Фарҳодни мундоғ сўzlари буларга таъсир қилиб, офарин қилдилар. Фарҳод неча кун ўз ихтиёри бирла юрур эрди. Гоҳи булар қошиға келур эрди. Ва гоҳи тоғларда оҳу фифон бирла сайр қилур эрди. Ва гоҳи шерлар бирла улфат олишур эрди ва гоҳи ўзга жониворларга сўз қотур эрди ва гоҳи арз-ҳолини ваҳши-жониворларга айтур эрди ва гоҳи ой била кунга сўз қотур эрди. Барча ваҳши-жониворлар Фарҳодга ошнолик қилур эрдилар. Бу тариқа бирла тоғларда юрур эрди. Ҳижрон ғамидин ҳайрон ва фироқ аламидин саргардон эрди. Ногоҳ отashi иштиёқ ва тирборони фироқ ғалаба қилди. Дард ва сўзи ҳаддин ошди. Маҳбубин ёдида бехудона нола ва зори қилиб йиғласа жониворларга таъсир қилиб йиғлашур эрдилар. Тоғлар ларзаға келур эрди. Бошининг зарбидин тоғлар парча-парча бўлур эрди.

Бу аснода Хисравга Фарҳодни банддин күшода бўлуб, ўз ҳолича юргони эшитилди. Хисрав нигаҳбонларга ғазаб қилур маҳалда Фарҳодни аҳволотини таҳқиқ қилди. Хисрав Фарҳодни ўзлугича күшода бўлуб, қўргон

атрофида макон тутуб, йироқ бормай юргонини билиб, кўнглиға таскин бўлуб, эшитмасликға солди.

Ва бу аснода шаҳар ичра **Маҳинбону** бирла барча халойиқ Фарҳодни дорға кетуруб, яна олиб ёнғонларини кўруб туруб эрдилар. Бу вақтгача Фарҳодни ўлганини ётирик борини ҳеч хабар олмаб эрдилар. Аммо Фарҳодни подшоҳзодалиғи маълум бўлуб эрди. Барча халойиқ Фарҳод учун бисёр паришон эрдилар. Фарҳоддин тириклик умиди узулди. Фарҳодни фироқида барча халқ мотамдор эрдилар.

Аммо Фарҳод Хисравни қўлида мундоғ бандға тушганини Ширин эшитмаб эрди ва шаҳар тошида қолди деб билур эрди. Аммо Фарҳодни ишқида бисёр зор забун бўлуб эрди. Ногоҳ бир куни дард ва мұхаббат тўла ғалаба қилиб, ноchor бўлуб тамошо учун равоқиға чиқти. Ул равоқда, гул узориға борон ёқондек ёшлари равон бўлди. Дарду сўз бирла ўлтуруб эрди. Ногоҳ қулоғига бир ҳазин овоз келди, қулоқ солди. Ул маҳалда ҳофизлар Фарҳодни яхши тавсиф қилиб, Хисравдек золимға гирифтор бўлғонини қўшуб қўшуқға олиб эрдилар. Ҳар маҳаллада дарду сўз била айтур эрдилар. Ширин тамом эшитти. Фарҳодни Хисрав қўлиға асир тушганини тамом билди. Бир оҳ тортиб фарёд ва нола бирла ўзини ерға уруб, беҳуд бўлуб йиқилди.

Маҳинбонуға хабар қилдилар. Маҳинбону кириб Ширинни бу ҳолда кўруб, бисёр паришон бўлди. Ширинни бошини қучоғига олиб ўлтурди. Ширин бир кеча-кундузда ҳушиға келди. Қўзини очиб Маҳинбонуни кўрди. Яна йиғлаб, оҳ тортиб беҳуш бўлди. Неча соатда ҳушиға келди. Илондек тўлғониб, бу ҳолда ётар эрдики, Шопур салом қилиб, кириб келди. Булар кўруб, Фарҳодни кўргандек бўлуб, бисёр шодмон бўлдилар. Ширинга ҳам хили қувват пайдо бўлуб, туруб ўлтурди.

Бу вақтлардек Шопур Фарҳоддин айрилиб, Фарҳодни фироқида шаҳарға кириб, бир гўшада ётиб эрди. Фарҳоддин асло хабар топмади. Охириул-амр Фарҳодни иштиёқи ғалаба қилди. Оҳиста ўрнидин турди. Ҳар нечук бўлса, бир хабар олай, Фарҳод ўлукми ё тирикму?—деб шаҳардин чиқиб, Хисрав тарафига равон бўлди. Тун ярим бирла лашкар орасиға кириб, анча жустжў қилди. Асло бир хабар топмади. Охириул-амр Хисравнинг ўрдасиға бориб, бир ерда беркиниб ўлтирди. Бу аснода Фарҳодни банддин халос бўлуб, ўз ҳолича юргони ўр-

даға әшигилмиш әрди. Үрдани ҳар тарафида ани сўзла-шур әрдилар. Шопур тамом әшитуб, Фарҳодни тирикли-гини маълум қилиб, бу хабарни Маҳинбону бирла Ши-ринға етқурай деб, хайр-бод қилғоли келдим, деди.

Маҳинбону бирла Шириң бисёр шодмон бўлуб, янгидин жон топтилар. Шопурни бисёр эъзоз ва икромлар қилиб, хўб келибсиз, Фарҳодға бир оз сўз айтиб юборали, деб ўлтурғуздилар. Шириң дарҳол қўпуб хилватға кирди, арз ҳолини нома қилиб, Шопурнинг қўлиға берди. Шопур номани қўлиға олиб, Фарҳод тарафиға равон бўлди. Қеча-кундуз биёбонлар кезиб, Фарҳодни қошиға борди. Фарҳод бир тоғда бехудона ётиб әрди. Шопур Фарҳодни бошини қучоғиға олиб ўлтурди. Бу аснода Фарҳод ҳушиға келиб, кўзини очти. Дарҳол Шопурни кўруб, бисёр шодмон бўлуб ўрнидин турди. Шопур бирла кўрушуб, оҳу фиғонлар бирла йиғлаштилар. Шопур номани олиб, Фарҳодға берди. Фарҳод номани ўқуб, бениҳоят хурсанд бўлди...





КИРОМИЙ





C

айд Музаффар Хўжа Киромийнинг биографияси ва ижоди ҳали тўла ўрганилган эмас. Хоразм шоирларидан Нишотий ўзининг «Ҳусну дил» номли достонининг 10-бобида бу асарни ёзишда Киромийдан илҳомланганини айтиб ўтади. «Ҳусну дил» 1778 йилда ёзилган. Хоразмда 1791 йилда тузилган бир баёзга Киромийнинг иккита мухаммаси киритилган. Демак бу вақтларда Киромий отоқли шоир бўлган.

Киромий ўз даврининг маданий савияси юксак ва талантли шоирларидан эди.

Нишотийдан бошқа Мунис ҳам ўзининг машҳур шеърларидан бирида Низомий, Жомий, Навоий каби устодлари қаторида Киромийни ҳам ҳурмат билан эслайди. Шубҳасиз, Киромий ўтмишдаги форс ва ўзбек адабиётини чуқур билган. У ўз ижодида Навоий изидан борган, Навоий ижодининг Хоразм меҳнаткашлари, олим, шоирлари орасида тарқалишида катта хизмат кўргазган, Нишотий Равнак, Роқим, Мунис каби талантли шоирлар ижодига йўл очиб берган.

Биз бу ерда Киромийнинг Навоий ғазалларига боғлаган бирмунча мухаммасларини келтирамиз. Бу шеърлар УзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондидаги 7054 рақамили қўл ёзма баёздан олинди.





0

МУХАММАСЛАР

Либ аввал назарда ақлу ҳушимни тамом айлаб,
Не ҳосил қилдинг, эй бедард, зулму кин мудом айлаб,
Мени ранжур олур сиҳнат лабингдин шод ком айлаб,
Ўлукни тиргузур лаълинг масиҳосо калом айлаб,
Такаллум чошнисин шарбати юҳийл-изом айлаб,

Санойиъдин бири келмай вужуда, эй малак симо,
Адам кунжида эрди бору йўқ дунё ва мофиҳо,
Қилурда сурати покингни устоди қадар пайдо,
Азалда лаълинга сайд эткали кўнглум қушин гўё,
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб,

Фаройиб зеб коши тоқ ила кохи эрур ҳизре,
Муфарраш анда ҳарбири санглохи эрур хизре,
Қуруқ қақшал шажаралар жавфи суроҳи эрур ҳизре,
Чаманда тозаликдин ҳар қуруқ шохи эрур хизре.
Магарким ўтмиш андин оби ҳайвоним хиром айлаб,

Раводур нуқтаи мавҳум демак оғзинг эъломин,
Очилмайдур неча наззора қилсан кулгу ҳангомин,
Қолур ҳайратға кўрса улки аллома қўюб номин,
Агар ҳарф ўлса мудғам ваҳки холинг нуқта идғомин,
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.

Хароб ўлмакдин ўзга чора йўқдурким келиб қаршу,
Жафо новаклариға айладинг жону дилим қобу,
Недин тушди қаро кун бошинга деб сўрма, эй маҳрў,
Не бўлғай рўзгорим тийра бўлмайким, очиб гесу,
Қаро шомимни муҳдик айладинг, субҳимни шом айлаб.

Агар уқбода роҳат истасанг нафсингга бўлғил зид,
Саҳарлар йиғлабон элдин ниҳон бўл тангриға обид,
Амалнинг яхшиси улдур риёға бўлмағай оид,
Чу ҳақ даргоҳидин мардуд этар найларсан, эй зоҳид,
Қабули халқ учун ортуқи тоат илтизом айлаб.

Жаҳолат тойирин афғон чекиб ҳуркутди фақр аҳди,
Кўнгулни хонумондин оҳ уруб совутди фақр аҳли,
Назар қил, матлабига етгуча қон ютди фақр аҳли,
Ёшингни дона, бағрингни сув қилким тутди фақр аҳли,
Ҳидоят қушларин бу донау сув бирла ром айлаб.

Ҳабодур ортмас рўзи киши ҳар неча саъй этсун,
Не ҳосил меҳнат ила жамъ қилмоқ сим ила олтун,
Киромий, қил қаноат не муқадддар бўлса чекман ун,
Навоий, кунда чун бир қурси мақсум ортмас нечун,
Фалакдек бўлма танг саргашта тун, кун эҳтимом
айлаб.



* * *

Будур ул ойнинг одати, солур бошимга кулфати,
Ўтмай замони фурсати, текгуси жонға шиддати,
Ақлимни олиб фикрати, күнглумга еткай роҳати,
Фош этии гоҳе рифқати, кўз қони томғон ҳайъати,
Ким кўз қаросин фурқати, қон бирла айлабдур бадал.

Эй дилбари гулгун қабо, васлингдин ўзга муддао
Йўқтур манга субҳу масо, қилди рақиб юз минғ
жадо, Мен зорни сендин жудо, ҳижрон ўти жоним аро,
Доғи фироқ, эй дилрабо, андоқ кўзум қилди қаро,
Ким кўз қаросидек манга, матлуб эрур доғи ажал.

Сархүш майи рангин ила, сар то қадам тазийн ила,
От секретиб ойин ила, чиқдинг қошиңгда чин ила,
Роҳинғда мен таҳсин ила, қилдим дуо омин ила,
Сен фурқат истаб кин ила, мен ер ўпуб тамкин ила,
Қатл ахлиға таскин ила, қилмоқ намоз эрур ҳиял.

Фурқат шарори ногаҳон, ёқти таним бермай амон.
Қилдим басе оҳу фифон, мамлу унимдин осмон,
Дардим нучук айлай ниҳон, элдин мени беҳонумон,
Ҳажринг ўтидин ҳар замон, андоғ куяр озурда жон,
Ким соғинур бори жинон, дўзахга кирса филмасал.

Пандим эшит, эй нозанин, не гул қолур, не ёсмин,
Айлаб ажал бир кун камин, тортар бошингға
тиғи кин,
Не важҳ, ила бўлмай ҳазин, охир кетар ҳар моу тин,
Юз йилға умр ўлсун қарин, бир дам кўрар аҳли
яқин,
Бас недур эй хилватнишин мунча санга тули амал.

Гулзор аро ул нўшлаб, базм айламакка рўзу шаб,
Айёми гул бўлди сабаб, ҳамроҳ неча олий насад,
Ваҳм айлама, чекма тааб, ишрат, Қиромий, қил талаб,
Вуслат замони бўлажак, соқи қадаҳ тут лаб-балаб,
Мутриб, тузат савти тараб, ўткар, Навоий, бир
ғазал..

* * *

Тузуб асбоби шоҳи беадад аҳли хидам чекти,
Жаҳони тира узра нурдин хони карам чекти,
Кечакини дафъ эткали тифи дудам чекти,
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам
чекти.

Шиоий хат била кўҳсор уза олтун алам чекти,

Таолалло ёйиб оғоқ аро хуршед ёғдусин,
Мусаффо айлади кўкнинг муқарнас тоқи минусин,
Берид зийнат супурди ер юзидин тун қоронгисин,
Қазо фарроши чекти субҳнинг симин супургисин,
Музаҳҳаб парларин андоқки товуси ҳарам чекти.

Ясад устоди қудрат бесутун бу чарх таъмирин,
Қавокибдин ул айвон ичра қоқти қубба тасвири,
Не тил бирла қиласи мингдин бири тавсифи
таъбири.

Китоба сунъ килки сураи вашшамс тафсири,
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.

Сабуҳи май чекарга риндлар гулшанда ўлтурди,
Муножот аҳли масжид ичра ёраб ҳалқасин қурди,
Алоло солди куффор аҳлию ноқус чолдурди,
Муаззин Каъба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳангি санам чекти.

Қилиб бошдин қадам ушшоқлар азми висол этти,
Қўруб ўтрусида маъшуқлар арзи жамол этти,

Ўқуб мубҳам иборатларни шоирлар хаёл этти,
Маоний аҳли гоҳе нуқта узра қилу қол этти,
Муғанний хайли гоҳе нағма узра зеру бам чекти.

Шаби ҳижронда минг ғам юз қўюб бир-биридин
собиқ,
Тонг отғунча фифон тортиб, ситамдин ошиқи содик,
Нигори лаъли ёдидин кўруб жон бермагин лойиқ,
Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамға ким ошиқ,
Бу муҳлиқ шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Шафақдин тўн кийиб илгига олиб дамбадам тифин,
Чекибдур қаҳр ила қатл этгали чархи дажам тифин,
Урар ҳар бегуноҳ кўксига раҳм этмай алам тифин,
Замона кулди, ул ғофилға ким даврон ситам тифин,
Анга урмоқни англаб, ўзгага тифи ситам чекти.

Адам мулкига раҳтинг чек, бақосиз умрни англаб,
Қўнгул уз қасру жоҳингдин биносиз умрни англаб,
Кечурмас даҳр бир соат жафосиз умрни англаб,
Хушо улким мунингдек чоғ вафосиз умрни англаб,
Сабуҳи жомини аҳбоб бирла дамбадам чекти.

Қаю ошиқ топарға матлабин пур иштиёқ ўлса,
Суруру айшу роҳат кўнгли мулкидин йироқ ўлса,
Фифони боиси бир моҳталъат симсоқ ўлса,
Агар кўнглида бир гул ҳажридин хори фироқ ўлса,
Баҳона йиғламоқға бир неча жоми алам чекти.

Не хуш бўлғай фалак они вафо бирла тузуб улфат,
Дегай ноҳида рост ушшоқ қил туз чанг ила
сухбат,

Гадое кулбасига келса шоҳи чун очиб талъат,
Агар худ васл иқболи мұяссар бўлса бир соат,
Фаридун тахти узра базм тузди, жоми жам чекти.

Юрутса жоми жамни ноз ила ул қошлиари пайваст,
Асири кўнглудин ҳажр оташин бир соғар эткай паст,
Мунингдек давлат иқболи кишига берган эрмас даст,
Бўлуб матлуб рухсорига маҳв жомидин сармаст,
Юзин туфроқға қўйди, бошини оллиға ҳам чекти.

Анингдек базмни ҳақ асрасун бегона кўздинким,
Сабуҳи май ичиб, бурқа олиб фархунда юздин ким,
Кўруб они тани титраб, тили ҳам қолди сўздин ким,
Не давлатдурки бу ҳолатда андоқ борди ўздин ким,
Бақо иқлимидин тахтини то мулки адам чекти.

Киромий, бандасига раҳмати довар насиб ўлғай,
Шафоатҳоҳи маҳшар арсасида ул ҳабиб ўлғай,
Талаб йўлидоғи бекасча не сабру шикиб ўлғай,
Навоий, шояд ул раҳравға бу мақсад насиб ўлғай,
Ким ул дашти фано қатъ этгали йиллар қадам чекти.





НИШОТИЙ





Ҳ

ози Мұҳаммадниәз Нишотий Киромий билан за-
мондош бўлган кучли, талантли Хоразм шоирларидандир.
Нишотийнинг ҳозир бизга маълум бўлган асарлари
1778 йилда ёзилган «Ҳусну дил» достони ва XIX асрда
Хоразмда тузилган кўп баёзлардаги ғазал, мухаммас,
мусаддаслариdir. Улар Нишотийнинг ўз даврида анча
етук шоир бўлганини кўрсатади. Нишотий ҳам Киромий
ва Мунисларга ўхшаш адабиётда Навоий, айниқса Лут-
фий, Отоийлар традициясини давом қилдирган шоирдир.
Ўз асарларида у тилининг соддалиги, ғазалларининг ра-
вонлиги билан ажralиб туради.

Нишотийнинг муҳим асари, шубҳасиз, унинг «Ҳусну
дил» достонидир. Нишотий бу достонида ўз биография-
сига оид бирмунча нарсалар айтади. Унинг айтишича,
Хоразм хонлиги тахтини жуда ёмон бир киши эгалла-
гандан сўнг, юртда кину нифоқ, фисқу фужур кўпайиб
кетган, натижада у, чиқиб кетишга, Бухорога бориб
яашашга мажбур бўлган. Асарда унинг ўз элига бўлган
муҳаббати, бу элни ташлаб кетишга мажбур бўлгани,
мусофиричлик алами бир мунча ҳаяжон билан берилган.

Рум подшосининг Фуод номли ўғли бўлади, у бир
китобда «Оби ҳаёт» ҳақида маълумот кўриб, шуни то-
пиш дардига тушади. Китобда «Оби ҳаёт»нинг макони
кўрсатилмаган. «Оби ҳаёт»ни ахтаришда шаҳзоданинг
табиби ва ходими Назар чексиз ғайрат кўрсатади. У кўп
масофалар юриб, жуда кўп қийинчиликларни енгиб
«Оби ҳаёт» сақланган ишқ подшоси мамлакатининг қизи
Ҳусн билан учрашади. Ҳусн ғойибона шаҳзода Фуодга

ошиқ бўлган экан. Достон Фуод билан Ҳуснинг тўйи билан тугайди.

Нишотий айтишича, «Ҳусну дил» қиссасининг юони, араб тилларида насрда ёзилган сюжети бўлган, у, шу асосда назм билан достон яратган. «Ҳусну дил»да унинг қадимий сюжетига қарамасдан, Нишотийнинг ўз замонига танқидий қараши, «ҳаёт ҳақида чуқур фикрлари» баён қилинган. Яна бир хусусияти — кўп воқиалар, қарашлар чанг, даф каби музика асбоблари, куйлари, ақл, ваҳм, сабр, хаёл, ишқ каби абстракт маъноларни ифодаловчи сўзлар орқали аллегорик тарзда берилади. Достонда киши ақли кучининг бениҳоялиги, ақл, ғайрат билан киши ҳар қандай орзуга эришиши мүмкинлиги ғояси илгари суриласди.

Бу ердаги ғазаллар ва достондан келтирилган парчалар ЎзССР Фанлар академияси Адабиёт музеидаги Нишотийнинг 156 рақамлик қўл ёзма девонидан олинди. «Ҳусну дил»нинг яна бир қўл ёзма нусхаси ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти китоб фондида сақланади.





“

«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Сабр, нечук балодур бошимға шоми ҳижрон,
Не дардига ниҳоят, не меҳнатиға поён.

Не сабру, не қарорим, не ҳушу ихтиёrim,
Не ёру, не диёрим, не жон манга, не жонон.

Ҳар кунда бошқа ғавғо, ҳар тунда ўзга савдо,
Не манзилу, не маъво, йўқтур маконим имкон.

Меҳнатға даври пурған кўнглимни қилди маъман,
Бошимни этти маскан, ғам лашкариға даврон,

Кўзимда ашки ҳасрат, кўнглимда хори ғурбат,
Бошимға тушди қулфат, андоқ ёғорки борон.

То солди ул суманбар жону дилимға ахгар,
Оҳимни қилди сар-сар ашкимни этти тўфон.

Пинҳон назардин ул моҳ, не мунису не ҳамроҳ,
Дил сўзим оташин оҳ, ҳамсуҳбатимдур афғон.

Ортиб балоу шиддат, юз мунча бўлса меҳнат,
Не ғам етурса накҳат ул зулфи анбарафшон.

Тортиб фифони ғулғул, ҳажрингда мисли булбул,
Сенсиз кўзимга, эй гул, мужгони нишу пайкон.

Лаълинг шаҳиди, эй дил, бўлмас кафанға мойил,
Бас жисм узра ҳоил рангин кафан қизил қон.

Очонда доли зулфинг, еткач шамоли зулфинг,
Қилди хаёли зулфинг торожи дину имон.

Зулм этти чархи золим, қилди фузун малолим,
Кўп мушкил ўлди ҳолим, ёраб, сан айла осон.

Лутф айлабон бир они, боғил буён ниҳони,
Бўлсун Нишотий жони бошинга садқа, эй жон.

* * *

Биҳамдиллоҗки, жононим мени масти нигоҳ этти,
Кўзим бөгин ниҳоли қоматига жилвагоҳ этти.

Үтуб ҳар ёнға юз минг шевау нозу адс бирла,
Гаҳе кўргузди рухсорин, гаҳе илкин паноҳ этти.

Юз узра донаи холин намудар айлобон қушдек,
Кўнгулни мубталон ҳалқаи зулфи сиёҳ этти.

Қуёшдек орази узра чу тўқти зулфи мушкинин,
Қорартиб рўзгорим, ҳоли зоримни табоҳ этти.

Паризоди эрам, ё ҳур деб тавсифи рухсорин,
Жунундин телба кўнглум деди ҳазён иштибоҳ этти,

Ажаб эрмас дамодам бўлса завқи сажда кўнглумға,
Азал наққоши ул ой қоши ёсин саждагоҳ этти.

Гадои хокисори хўблар гар бўлса тонг эрмас,
Ул ойни лутфи иззу ҳусн элиға қиблагоҳ этти.

Кулуб юз ноз ила ҳардам чиқиб қасридин ул маҳваш,
Ҳамиша кору борим нолау афғону оҳ этти.

Дилоромим ҳарими ноздин чиқғаҷ адс бирла,
Нишотий кўнглини айшу тарабдин ийдгоҳ этти.

* * *

Ераб, на хуш кун эрди сўрмақға арзи ҳолим,
Юз ишва бирла келди ул мушкбў ғазолим.

Олди ниқоби гулгун гул юздин ул паризод,
Кўргузди чеҳраи ол, дафъ айлади малолим.

Ҳар бир куним эди ой, ҳар ой эрди бир йил,
Ул зулфу юзни кўргач хуш бўлди моҳу солим.

Дедимки: шоми ҳижрон тул эрди ҳам қоронғу,
Дедики: кўзунг ойдин топтинг бу тун висолим,

Кўрсатти юз назокат ул бел ила оғиздин.
Бору йўқим фидоси ҳам садқа қийлу қолим.

Ул қошу кўз, қаду зулф эрмиш ниҳоли раъно,
Дарк айла яхши эй ақл десам ани ниҳолим.

Ёндаштуруб жамолин меҳри фалакга деди:
Инсоф қил, Нишотий, ул меҳр рў жамолим.

* * *

Тушда лаълин кўрдим ул ойнинг тўла кулгу била,
То қиёмат субҳи ёраб, қўй мани уйқу била.

Шодлиғ ашкин оқизған кўзга суртуб оразин,
Дарду ғам гардин аритди кўзларимдин сув била,

Оташин жаннат гулидек очилиб кўргузди юз,
Эмди ҳаргиз юз кўрушкум йўқ қаро қайфу била.

Гавҳари ашкимни манъ айларга лаълин тишлади,
Зийнатафзо бўлди лаъли жонфизо инжу била.

Оғзима рухсор кўзгусин тутар заъфим кўруб,
То ҳаётимдин нафас фаҳм айлагай кўзгу била.

Тийра ҳижрон шоми ичра бўлди нурони кўзим,
То қаро суйин супурди вусмалиғ абру била.

Сиймиёдин ёки зоҳир бўлди юз турлик хаёл,
Ёки ҳамхў ўлдим охир наргиси жоду била.

Қилди ул кўзнинг қароси заҳри ҳижрондин халос,
Қайда позаҳр ўлғуси бу навъ ҳар оҳу била.

Орази минусида гулзори ҳуснин кўргали,
Йўқ Нишотийдек ишим бу гунбази мину била.

МУХАММАС

Бўлди хоки тан қуюн ул сарви ҳуш рафтурсиз,
Бўлмағай оламда мендек бахти бархурдорсиз,
Бир қуруғон нахлдек ким бўлса баргу борсиз,
Навбаҳор айёми бўлмишман диёру ёрсиз,
Булбул ўлғандек ҳазон фасли гулу гулзорсиз.

Оҳ вовайлоки нега топмайин сўзу гудоз,
Қумрилар хайлиғадур маскан ниҳоли сарви ноз,
Гоҳ шамъ ўти била парвона бордур сарфароз,
Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағма соз,
Ваҳки ман-ман гунгу лол ул сарви гулрухсорсиз.

Нўш ишрат, неш меҳнат бирла бордур тавъамон,
Ким баҳори васлға охир фироқ ўлди ҳазон,
Вой ким бу дард қилди ғунчай кўнглумни қон,
Топмадим гулранг жоми бе кумор, эй боғбон,
Ваҳки бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Орази гар бўлмаса түшсун гулистонимға ўт,
Гулшани кўйидин айру боғи ризвонимға ўт,
Ғунчай боғи жинондур доғи пинҳонимға ўт,
Равза ашжори ўтундур гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бу янглиғ дами дилдорсиз.

Эйки кирдинг роҳи ишқа боқмағайсан соғу сўл,
Яъни ҳарбир булҳавасдек сунмагил ҳар сори қўл,
Кир Нишотийдек харобот ичра шоду, фориғ ўл,
Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадға йўл.
Вақтингизни ҳуш тутунг, эй жамъ, ким хумморсиз.

МУСАДДАС

Ваҳ неча ақлу хирад тӯпроқиға паст бўлай,
Хайли ножинс била ҳамдаму ҳамдаст бўлай,
Борайин дайри муғон аҳлиға пайваст бўлай,
Топибон нашъаи май шери забардаст бўлай,
Тобакай риштаи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг, аҳбобки, лояқил ўлай, маст бўлай,

* * *

Ходии роҳи мурод ўлмас экан ҳар гумроҳ,
Бўлғуча савмааи зоҳид аро олий жоҳ,
Бўлайнин пири хароботға хоки даргоҳ,
Ичиб илкидин анинг бўлмай ўзимдин огоҳ,
Тобакай риштаи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг аҳбобки лояқил ўлай, маст бўлай.

Пок ичиб дайри муғон ичра бўлай маству яланг,
Ўйнайин баҳри майи ноб аро андоқки наҳанг,
Лутф жомидин агар этса карам соқийи шанг,
Сумурай ўйлаки қочсун кўрубон ном ила нанг,
Тобакай риштаи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг аҳбобки, лояқил ўлай, маст бўлай.

Хуша келтургали ҳардам манга афсун қилманг,
Демангиз панду менинг дардими афзун қилманг,
Деманг афсонау афсун, манга қонун қилманг,
Ташналабман мени жуз май била мамнун қилманг,
Тобакай риштаи дониш била побаст бўлай,
Қўйинг аҳбобки лояқил ўлай, маст бўлай.

Айланг, эй ақлу хирад, ўзга тараф узра хиром,
Кунжи майхона аро ман дағи айлаб ором,
Қутулуб бир йўли сиздин бўлайн масти мудом,
Қочинг, эй ор ила номус, кетинг нанг ила ном,
Тобакай риштай дониш била побаст бўлай,
Қўйинг аҳбобки лояқил ўлай, маст бўлай.

Дўстлар панд бу ким, жом ила май нўш қилинг,
Ўзни билмасдек ичиб, шому саҳар жўш қилинг,
Зуҳду тақви била тоатни фаромуш қилинг,
Берибон жоми лаболаб мани мадҳуш қилинг,
Тобакай риштай дониш била побаст бўлай,
Қўйинг аҳбобки лояқил ўлай, маст бўлай.

Ақл неши била бошдин аёқ озор ўлдим,
Ҳуш эли таънасидин ваҳки дилафкор ўлдим,
Сабр зиндонида донишға гирифтор ўлдим,
Борчадин зор Нишотий каби безор ўлдим,
Тобакай риштай дониш била побаст бўлай,
Қўйинг аҳбобки лояқил ўлай, маст бўлай.

«ҲУСНУ ДИЛ» ДОСТОНИДАН

Бор эди Хоразм диёри ерим,
Андин эди яхши, ёмон гавҳарим,

Дема они бор эди жаннат мисол,
Етмагуси васфиға ваҳму хаёл.

Тўби ўлуб боғида ҳар бир ниҳол,
Обу ҳавоси эди жаннат мисол.

Ғоблари қалбидаги бор эрди боғ,
Тоғлари сийнасида лола доғ.

Телбиратиб ақли кули гул иси,
Ҳар соридин лолау сунбул иси.

Қушлар анга тойири қудсий бўлуб,
Эл била ҳар қайси инг унси бўлуб.

Чашмалари ҳар бири чун салсабил,
Эрди гиёҳи хуш анга занжабил.

Ер анга мушкину, ҳаво мушкбор,
Ёзу қиши анда ҳамиша баҳор.

Ҳар тикани айламайин жустужў,
Гулларидин ранг олур эрди бўй.

Наҳридин онинг оқар эрди гулоб,
Ранги чу насрин, иси мушкноб.

Гулшанаро кўрганида ҳар гули,
«Ҳозиҳи жаннот», деди булбули.

Сарв ўлубон сарбасар ашжор анга,
Қумри ўқуб таҳтиҳаланҳор анга.

Ҳар қушиға ўзгача бир гуфтгў,
Зоҳир эди ҳар саридин юз ғулў.

Баҳру суви умр каби хушгувор,
Тутмас эди умрдек ул ҳам қарор.

Андин анга от эди оби равон,
Бор эди ул руҳи равондин нишон,

Чашмалари софию, шофи эди,
Ҳар бири юз ғамға талофий эди.

Нахллари борча зул-акмом ҳам,
Сабзалари дағи накуном ҳам,

Қимки тавон эткали таъриф ани,
Мумкин эмас этмаки тавсиф ани.

Қасри фараҳбахш чу қасри висол,
Зеб аро андоққи саройи хаёл.

Үйларининг васфида этмай хурӯш,
Үй әгаси сўзига тут гўши ҳуш.

Халқи анинг борчаси ишратфизо,
Хулқу ҳушу, нутқи дағи дилкушо.

Илм әлининг васфи жаҳондин фузун,
Ҳарна гумон айласанг ондин фузун.

Ҳар бири дарёи балоғат шиор,
Сийналари тўла дури шоҳвор,

Ким бўла олғай олара муставий,
Деса худо андаки «ҳал ястави».

Шайхлари масжиду маъвосида,
Бўйи риё йўқ эди бўрёсида.

Борчалари фонийи мутлақ эди,
Сўзлари бошдин аёни ҳақ эди.

Шеър эли ишрат кунидек дилпазир,
Қофиясанж эрди, дағи нуктагир.

Ҳар бири кўхи малоҳат асар,
Сўз чоги дарёни фасоҳат дурар.

Нутқлари нозику рангин хаёл,
Табълари боғи эрамдин мисол,

Аҳли сахо соили сойил эди,
Борча савол аҳлиға мойил эди.

Бозил алар истамайин симу зар,
Илки сочиб симу зар, оғзи гуҳар.

Разм эли борча бор эдилар, далер
Беша аро ўйлаки, фурранда шер.

Борчаси соҳибзафари разм эди,
Негаки мулк онлара Хоразм эди.

Бу боридин эрди чу васфи зиёд,
Аммо анга хушхат эди, хушсавод.

Қайдоки бир нахли саёдат эди,
Эл бошиға тожи саодат эди.

Яхшилари рутбаси ҳаддин фузун,
Эрди ёмон эл дағи хору забун.

Анда бирор бирла бўлуб улфатим,
Кечача кундуз эди ҳамсуҳабтим.

Қайси биравким ул эди комкор,
Аҳли вилоятда завил-иқтидор...

Базмию размида эдим улфати,
Мансиз эмас эрди анинг суҳбати.

Андин ажаб билма манга эътибор,
Мехрға йўқ заррасидин чунки ор.

Гарчи эди олам аро ул қуёш,
Зарралигим эрди менинг доғи фош.

Бўйла эди онинг ила нисбатим,
Мундин эди, ёзу қиши улфатим.

Чархи дани ногаҳ ўлуб бад мизож,
Дун элиға берди камоли ривож.

Кимки шақийваш, ани қилди баланд,
Кимки сайд айлади хору нажанд.

Қилғали ул хайлни соҳиб ривож,
Қўйди бироннинг боши устига тож.

Сурсам агар шикваси сори қалам,
Яхши эмас шиквалиғ ўлмак рақам.

Улки анга тобиъ эрур инсу жон,
Фийбат эрур дейди зинодин ёмон.

Молики амлок ўлуб ул бож ўлуб,
Бизга иложи анинг ихроҳ ўлуб.

Неча қилиб анинг ила жаҳду жид,
Лек бизинг баҳтимиз ўлмай мумид.

Чиқмоқи фикр айлабон икки рафиқ,
Ул деди: ғурбат сори бошла тариқ.

Мен дағи амриға қилиб инқиёд,
Йўлға тушуб изладим ўзга савод.

Гар кишига лашкар эса бешумор,
Лекин анга бўймаса иқбол ёр,

Бўлғуси ул лашкар анинг душмани,
Баҳт чу йўқ жавашан ўлур мадфани,

Хуллас ўлуб мулку ватандин жудо,
Солдим ўзим ғурбати шиддат аро.

Токи Бухоро сари қўйдум қадам,
Оҳи бу хори аро бўлдим адам.

Гарчи эрур манзили дилкаш басе,
Лек мусофириға әмас хуш басе,

Чунки сафар сурати бордур сақар,
Яхши әмас дўзах ўтида мақар.

Ғурбат эрур борча қатигдин қатиғ,
Лек нетай баҳтға бўлмай сатиғ.

Бахти сотиб қисмати бўлмас бузуб,
Авло эрур шукр демаклик тузуб.

Не манга матьвоу не манзил аён,
Ваҳ на дедим турғали қайдा макон.

Туъма учун шому саҳар нолишим,
Тифл каби бармоғи сўрмоқ ишим.

Дийдаи дилким анга бино эрур.
Деди мусофири кал-аъмо¹ эрур.

Гарчи улуснинг ҳаду поёни йўқ,
Тонимоғим бирини микони йўқ.

Дард ўзи шаҳд агар заҳр эрур,
Бадр қавокиб аро анвар эрур.

Уз еридин қилса алар интиқол,
Иккиси ҳам ўлғуси пажмурда ҳол.

Минг ҳунари этса ғариб ўлғай айб,
Охирида баҳрасидур чунки райб.

Кимга рафиқ ўлмаса жамъ, эй амир,
Бўлғуси албатта паришон фақир.

Қимки қилур бу сафарим фикратин,
Билгуси ул меҳнатину шиддатин.

Қай бир алам васфини таҳрир этай,
Ёки қаю дардини тақрир этай,

Баҳрда сув ўрниға бўлса мидод,
Сафҳаи афлок уза ёёсанг савод,

¹ Кал-аъмо — кўрдек.

Бу қурубон қолмағай аниг бири,
Лек ёзилмай яна мингдин бири.

Хожат эмас васфини қилмоқ тавил,
Сўзнинг эрур яхшиси чунким қалил.

Беҳад эди ғурбат аро кулфатим,
Дамбадам афзунроқ эди шиддатим.

Йўқ эди ҳолим сўрадурғон рафиқ,
Файри ҳамул ёри рафиқи шафиқ,

Бир кун этиб фикр ила диққат басе,
Деди: эмас яхши бу фафлат басе,

Гарчи ўтар умр бу меҳнат била,
Ёзу қиши ранжу суубат била.

Лекин ўлур ҳар куни кундин ҳисоб,
Ҳар туни ҳам бўлғуси тундин ҳисоб.

Мушкилинг ар ўтмаги осон эмас,
Умр vale турмоғи имкон эмас.

Турмак анга ўйлаки кўхи бало,
Ўтмак анга ўйлаки тийри қазо.

Англадинг эмди муни қилма ҳаял,
Бирнима қил умрға бўлсун бадал.

Токи сенинг бирла бизинг отимиз,
Қолғай агарчи йўқтур зотимиз.

Аҳли сухан ким эдилар нуктасанж,
Топти алар ранж чекиб, мулки ганж.

Сен қилибон бизга фидо мулку мол,
Нукта адосида аён қил мақол.

Мард элиға ўзгача ойин керак.
Қавлиға феълиға таҳсин керак.

Сен дағи бу лоф ила борсан қарин,
Жонингадур барча тамаъ бирла кин.

Сўзни бу янглиғ этибон ул адо,
Сўзлагали етти чу навбат манго.

Рифқ ила бу лутфи дил афрузидин,
Ажэ ила бу иозик адо сўзидин.

Тушти димоғимға таҳайор басе,
Синам аро сўзу таҳассур басе,

Не они рад қилғали топдим вусул,
Не ани тавъян қўнгул этти қабул,

Чунки манга йўқ эди тобу тавон,
Сўзим эл оллида қилурға аён.

Суст табиат әдиму жаҳл асар,
Топмас әдим ўздину сўздин хабар.

Шеър әлидин улки муқаддам эди,
Ҳар бири бир баҳри муаззам эди.

Даври балофат қилиб онлар ниҳон,
Мавжи фасоҳат этар эрди аён

Борча эди Мусийи мўъжиз низом,
Сомирий осо бори соҳир калом.

Дема алар васфини шоир эди,
Мусо эди, йўқ эса соҳир эди.*

Не манга ул зоҳиру не бу аён,
Ваҳ на дедим йўқ манга сўздин нишон.

Ёва бўлуб сўзлаганим сарбасар,
Қайдаки айб ўлса мангодур ҳунар.

Фисқ ила исён бўлубон ҳамдамим,
Журму гунаҳ мунисиму маҳрамим.

Умр ўтуруб ғафлат ила сарбасар,
Ҳар не десанг бор әдим андин батар.

Чунки сўз айтурға манга ул хитоб
Этти даги истади мендин жавоб.

Лол этиб эрди мени ушбу савол,
Жон уйига тушти бу янглиғ хаёл.

Гарчи оқизди мени баҳри фужур,
Тутса нетонг илгими лутфи ғафур.

Раҳматидин чунки эмон ноумид,
Кесмагум алтофидин асло умид.

Қўнглум аро кечди мунунгдек хаёл,
Ҳайрат ила гарчи тилим эрди лол.

Дедим: аё мушфиқу ёру рафиқ,
Бошла манга эмди бир андоқ тариқ.

Бўлсун анга аҳли жаҳон юрмаган,
Балки ани билмагану кўрмаган,

Эмди сўзинг дуррини рад қилмадим,
Лек қаю сўз ёзарим билмадим.

Ҳарне мукаррар эса ул хўб йўқ,
Аҳли назар оллида марғуб йўқ.

Деди: бу сўз ақлу хираддин эмас,
Аҳли хирад сўзини мундоқ демас.

Сол назаринг лавҳи муаллоғача,
Айла ҳисобин алифинг ёғача.

Кўрки ўтуз ҳарфдин ул кам эрур.
Бошдин аёқ сафҳаи одам эрур.

Сўзлади онинг била ул номдор,
Андин эрур борчаға ул ёдгор.

Уткали одам бари оғоқ аро,
Сўз бу эрур ушбу қуҳан тоқ аро.

Борму каломе эл аро бўлмағай,
Ҳарфи таҳажжидин анга бўлмағай.

Асрү мукаррар экан ушбу ҳуруф,
Санки чу такрорға топтинг вуқуф,

Бас санга ким деди мунга қойил ўл,
Бошқа ҳуруф истагали мойил ўл.

Андин эрур борча каломи малиҳ,
Еки на сўз эл аро бўлсун қабиҳ.

Дема бу сўзни даги қилма хаёл,
Билки эрур ушбу хаёли маҳол.

Ҳар киши ўз табъича иншо қилур,
Тоза сўзи эл аро пайдо қилур.

Аҳли сухан чунки эрур кимиё,
Тупроқи зар янглиғ этар хуш намо.

Гарчи санга йўқ эса андоқ тавон,
Бори маломат ўқиға бўл нишон.

Кўрмаса эл сўзинги таҳсин учун,
Кўргай ани нафӣ ила нафрин учун.

Бўйла равишни даги бил муғтанам,
Сафҳа саводи сари чекгил қалам.

Хўш дедиму амиға қилдим шурувъ,
Сўз қопуси сариға этдим ружуъ.

Ёраб, ўшул арши муалло ҳақи,
Махзани сўз гунбази хазро ҳақи,

Қилғил иноят манга лавҳи яқин,
Айла сўзум лутғ ила курси нишин.

Соқи, олиб кел майи бегаш манга,
Балки дебон нағмаи дилкаш манга,

Ани ичиб, муни қилиб истимоъ,
То қилайин базми сўз ичра самоъ.

*Достон ёзишида кимлардан илҳомланганлиги ва
мақсадлари ҳақида*

Улки эрур назм эли сардафтари,
Аҳли сухан афсарининг гавҳари.

Тўрт киши бордуурон онлар аён,
Ҳар биридин ҳайрон эрур баҳру кон.

Сўз танида бордур аносир булар,
Кимки сўз айтур анга носир булар.

Бирда ниҳон маҳзани асрори ҳақ,
Бирда аён матлаи аввори ҳақ.

Сўз бирига түхфатул-аҳрор эрур,
Тил бирига ҳайратул-аброр эрур.

Ул бирисин шайхи Низомий дегил,
Мамлакату мулк низоми, дегил.

Бу биридур Хисрави олий жаноб,
Торами назм узра мунир офтоб.

Ул бириси ҳазрати Жомий эрур,
Даҳр элининг пок каломи эрур.

Яна бири булбули дастон саро,
Яъни Навоий эрур ул хушнаво.

Ўзга эрур донишу фарҳанг анга,
Етти фалакдур ети авранг анга.

Етти ақолим узадур моҳ ул,
Етти қалам аҳлиғадур шоҳ ул.

Гулшани сўз топғали зеби вужуд,
Чеккан эмас булбуле андоқ суруд.

Буржи камол узра эрур офтоб,
Авжи мақол узра муалло жаноб.

Ўзга сухан аҳли эрур чун суҳо,
Чиқса қуёш бўлғусидур бебаҳо.

Тўрт китоб айлади ул тўрт чироғ,
Ваҳ на китоб, они дегил чорбог.

Аҳли назар кўргусидур бегумон,
Тўртавининг зиннида саккиз жинон.

Гулларининг зинати ҳаддиян фузун,
Сарв ёсиҳи анда ададдин фузун.

Сарв неким ҳар шажари хуш самар,
Тўбийи ризвондек эди жилвагар.

Ҳар алифи нахли эди дилситон,
Ҳолар ўшул боғ аро ғунча нишон.

Жимлари сунбули парчин эди,
Маъни анга бошдин аёқ чин эди.

Қофлари бор эди жаннат мисол,
Сақфиға чиқмас каби ваҳму, хаёл.

Борчасининг жавғи тўла ҳури айн,
Кўргай ани кимдаки бор нур айн.

Сатрлари жўйи жинондуру яқин,
Назми равон анда чу мои майн.

Маъни эрур ҳур ила фильмон анга,
Хўрдаи маъни даги дилдон анга.

Мимлари чашмасидур салсабил,
Сатр ила хатдур анга дарёи Нил.

Ҳар ариғи шаҳди назокат тўла,
Чашмасида оби латофат тўла.

Ҳарнеки кўнглунг аро матлуб ўлуб,
Ҳозир ўлуб анда бори хўб ўлуб.

Неки сакиз уғмоғ аро бор наҳон,
Тўрт гулистон аро топғуңг аён.

Тўрт гулистонки эди хуш гулоб,
Ҳар бирига зоҳир эди беш боб

Манга даги бир кун ўлуб баҳт ёр,
Бўйла гулистон аро тушти гузор.

Сайр этибон гулшану гулзор аро,
Роҳат этиб накҳати азҳор аро.

Баҳравар эрдим гулу гулзоридин,
Бўй топибон накҳати азҳоридин.

Етмай анинг зийнатиға фикратим,
Ортар эди ҳайрат уза ҳайратим.

Зоҳир эди чунки ададсиз гули,
Ҳар бирида нағма саро булбули.

Гарчи фузун бор эди ҳайрат манга.
Юзланибон ўзгача ҳолат манга.

Кўнглум аро кечди мунингдек хаёл,
Мен ҳам этай гулшани жаннат мисол,

Гуллар экай анда юрак қонидин,
Булбул этай нолау афғонидин.

Сарв хиёбонин этай мадди оҳ,
Сунбул анинг дудига бордур сиёҳ.

Манзари кўздин қилиб анга қусур,
Маънию рангидин этай анда ҳур.

Бўйла эди жон аро юз, минг хаёл,
Бошдин аёқ эрди хаёли маҳол.

Жон қушиға лек дедим мен ғариф,
Чуғз сену бордур алар андалиб,

Чуғз не журъат била чеккай наво,
Андаки булбул эса дастон саро...

Тўрт китоб андаки мазкур эрур,
Хамсалиғ оти била машҳур эрур.

Ҳар бирининг аввалида бир китоб,
Бор эди ким андин эди фатҳи боб.

Бирин оти «Махзани асрори» шавқ,
Ул бириси «Матлаи анвори» шавқ,

Яна бири «Туҳфатул-аҳрор» эди,
Бири анинг «Ҳайратул-аброр» эди.

Мен дағи онларға демаклик жавоб
Истабон эттим бу сўзи иртикоб,

Гарчи эрур «Ҳусну дил» ушбу савод,
Дилнинг оти мунда қўюбман Фуод.

Ансаб эди исм бўлурға яқин,
Бўлғуси бу фаҳм элига дилнишин.

Ушбу бадал қилди муни иштимол,
Ҳожат эмас бу сўз уза қийлу қол.

Гарчи демак сўз манга йўқ эрди ҳад,
Дегум ани етса гар андин мадад.

Сўз дегали балки эмон восита,
Топғусидур сўзум анга робита.

Най каби ҳар сўзни ул этса баён,
Қилғум эрур эл аро ани аён.

Ёраб, этиб лутфинг ила фатҳи боб,
Айла дуосини анинг мустажоб.

Онинг ила топти бу сўз ибтидо,
Лутфу иноят била қил интиҳо,

Соқи, олиб кел манга бир жоми ғам,
Қисматима ғамни ёзибтур қалам,

Бер манга неким бор эса сарнавишт,
Ҳаддим эмас демак ани хўбу зишт,





АМИР





A

мир — (Амирий) тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархон 1787 йилда туғилиб, 1810 йилда Қўқон хонлигига хон кўтарилигандан. Унинг хонлик даврида Қўқон хонлигининг мавқеи бир қадар кучайган. Умархон ўз саройига кўп шоир, санъаткор, олим ва бошқаларни йиққан ва ўзи ҳам шеър ёзиш билан жиддий шуғулланган. Лекин у шуҳратпараст хонлардан бўлиб, темурийларга тақлид қиласар ва кўп бачканаликларга ҳам йўл қўяр эди. Амир шеърлари айрим жиҳатдан маълум талант билан ёзилган бўлса ҳам, аммо у ўзи феодал ҳукмдори бўлиб, феодал-сарой адабиёти тематикаси доирасида ўралишиб қолган эди.

У 1822 йилда Қўқонда вафот қилди. Ундан ўзбекча ва тоҷикча бир девон қолган. Бу девон Тошкентда (1905) ва Истамбулда (1882) нашр этилган. Унинг шеърлари баёзларда ҳам кўп учрайди.





«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

K

ўнгул лаъли таманноси ила қон ўлди ўхшайдур,
Кўзум ойинадек ҳуснига ҳайрон ўлди ўхшайдур.

Кўруб ошуфта, ҳоли зорими аҳбоб айтурлар,
Гирифтори каманди зулфи жонон ўлди ўхшайдур.

Уқунг захмини пинҳон айладим жисм ичра жон
бирла,
Кўнгул ганжинасида доғи сомон ўлди ўхшайдур.

Баногўшида гўшовезини гавҳар эмас билдим,
Шараф буржида юлдуз дурри ғалтон ўлди
ўхшайдур.

Кўнгул аффонидин шўри қиёмат ошкор ўлди,
Асири гардиши ул чаҳми фаттон ўлди ўхшайдур.

Фано омода бўлди жисми зорим ишқ даштида,
Кўзум ёши оқиб ер узра тўфон ўлди ўхшайдур.

Эрур равшан зумуррад мавжаси лаъли хушоб узра,
Лабидин сабзай хатти намоён ўлди ўхшайдур.

Кўзум ганжинасидин дурфишонлиғ ройгон кетди,
Сиришки шашқаторим вақфи домон ўлди ўхшайдур,

Чиқибдур корвон хатти матои ҳусн илгида,
Бу мазмун бирла нархи бўса арzon ўлди ўхшайдур.

Амир ашъорина бўлди мусаллам гавҳарағшонлиғ,
Ҳаво парвардаи ул лаъли хандон ўлди ўхшайдур.

* * *

Боғ ичра сарв тарзи хиромингга бандадур,
Хуршеди чарх моҳи тамомингга бандадур,

Лаълинг такаллумики фасоҳатда дур сочар,
Гул ғунчаси рамузи каломингга бандадур.

Олдингда шохи гул эгилиб юз ниёз ила,
Эй навниҳоли ноз саломингга бандадур.

Ишқингни соғари мани саргашта айлади,
Даври сипеҳр соғари жомингга бандадур.

Бошингдин айланиб, сари кўюнгдин ўргулай,
Кўнглум қуши кабутари бомингга бандадур.

Васлингни муждаси манга етти фироқ аро,
Жону кўнгул хужаста паймингга бандадур.

Ром ўлди кўзларингни ғазоли жунунима,
Яъни бу шер вахшийи ромингга бандадур,

Ҳар чанд Амири мамлакати иззу нозман,
Кўнглум қаманди ҳалқаи домингга бандадур.

* * *

Кўрди нозанинлардин тугмаи гирибонлар,
Тўкти мардуми чашмим қатра-қатра маржонлар.

Сенда кўп латофат бор, ҳар бирини кўрганда,
Кўзларим тўкуб ёшин, солди шўру тўфонлар.

Кўймадинг қадам кўзга, сўрмадинг кўнгул
дардин,
Кўз била кўнглум ичра қолди неча армонлар.

Ёр кўргани келмиш, ғам тунида кулбамға,
Анжум ила, эй гардун, равшан эт чароғонлар.

Чиқти кўк уза нолам, инжитиб Масиҳони,
Лек санга, эй золим, етмади бу афғонлар.

Ёр ғайр ила бода нўш этар шабистонда,
Менда қолмади тоқат эмди, эй мусулмонлар.

Рух тойири зулфунг ҳамларида банд бўлмуш,
Шона чекма бепарво, хаста бўлмасун жонлар.

Кавсарим шаробингдур, жаннатим эрур васлиинг,
Нақд сансан, эй соҳий, нася ҳуру филмонлар.

Қошларинг хаёлидур кўнгул ичра, эй соҳир,
Бир кўнгул ажаб бўлмиш, икки ёға қурбонлар.

Разми ҳалқаи зулфунг шарҳ этар Амир андоқ,
Эшлиб қилур таҳсин зуфунун сухандонлар.

* * *

То кўзунг ошиқлара нозу итоб устиндадур,
Айни хур shedi латофатдурки тоб устиндадур.

Сарв қаддинг шўхликдин бир замон сокин эрмас,
Ул алиф янглиғки доим изтироб устиндадур.

Икки-уч холингмидур майгун лабингнинг устида,
Ё магар ул нуқталардурким, шароб устиндадур.

Пора-пора кўнглум авроқин паришон қилди ёр,
Баски ул бебок оёғи бу китоб устиндадур.

Оразинг лавҳида ул икки муқаввас қошларинг
Ҳар тараф бир мад эрурким, офтоб устиндадур

Оташин рухсоралар кўнглумни юз доғ этдилар,
Мунча кофи кийна бир куйган кабоб устиндадур.

Печи зулфунг тоб келтурмай юзунгни тобига,
Ўт аро тушган илондек печу тоб устиндадур.

Лаълида май соғарин гулгун кўруб сўрдум, Амир,
Ваҳ не зебо лола барги лаъли ноб устиндадур.

* * *

Лаб уюф тақаллумга, зулғунгни паришон қил,
Қанд қийматин синдур, нархи анбар арzon қил.

Хусн шоҳисан, жоню, бу ҳазин гадоларға.
Кўз учи ила боқиб хайр бирла эҳсон қил.

Ишқ динига мункир бўлса ошиқи худбин,
Эй санам, лиқо кўрсат, габрни мусулмон қил.

Иҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқий,
Бир қадаҳ била они зуҳдидин пушаймон қил.

Истасанг кўнгулларни ғамза ёйига партоб,
Қошлинг ҳилолини моҳи ийди қурбон қил.

Шўхчашми навхатсан, ноз даштида сайр эт,
Гарди хоки пойингни сурмаи ғазолон қил,

Ёр лаълидин ҳарфе айладим, Амир, ишо,
Эй кўнгул, бу гавҳарни жон ичинда пинҳон қил.

* * *

Қошинга тегузмагил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни,

Бутхоналар ичра ҳеч тарсо
Бир кўрмади сен каби санамни.

Ошиқларинга тараҳҳум этгил,
Кўп айлама жабр ила ситамни.

Нақши қадаминг мұяссар ўлса
Найлай бу жаҳонда жоми жамни.

Кўнглум қуши тойири ҳариминг,
Сайд этма кабутари қарамни.

То беватан ўлмасун кўнгуллар,
Зулфунгдин аюрма печу ҳамни.

Йўлунгда ғубори роҳ бўлдум,
Бошимга етурмадинг қадамни.

Сен ёрдин ўзга кимга дерман
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бир кося шароби арғувоний
Помол қилур ҳужуми ғамни.

Иқлими вафо Амиридурсан,
Эй шоҳ, бу гадоға қили қарамни.

ЛУТФИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кўрдум юзингни тоқат ила сабр манда йўқ,
Гул ғунчасида лабларинг оллида ханда йўқ,
Сендек нигори сийм бадан ҳеч қанда йўқ,
Нордек янгоқларинг киби шамъ анжуманда йўқ,
Сарви қадинг менгиз не санубар чаманда йўқ.

Ҳажр илгидагарчи ситам кўрмишам вале,
Бўлмиш висол дарди сари ишқ сандали,
Сабру қарор қолмади ҳуснунгни кўргали,
Сенсиз чаманда, ёр, очилмас кўнгул гули,
Нозу карашма, сарву гулу ёсуманда йўқ.

Эй нозанин, мени ситаминг айлади ҳалок,
Кимдурки, йўқ фироқинг аро зору дарднок,
Мен ҳам ғамингда сийнами чок айласам не бок,
Юзунгни гул чу кўрмади кўнглагин этти чок,
Юсуфни иси, ореки, ҳар пираҳанда йўқ.

Сен шоҳи ҳусн эрурсану мен бенаво фақир,
Лутфингдин ўзга йўқ бу ситамкашға дастгир,
Эй офтоби машриқи дил, вей маҳи мунир,
Ҳардам жамолинг ортару ҳуснунгга йўқ назир,
Меҳру вафо, дарифки, эй умр, санда йўқ.

Эй офтоб талъату, вей орази қамар,
Ким партави жамолинг эрур барқ ё шарап,
Қўпдур манга юзунгни тамошосида хатар.
Жоним чиқар жамолингга қилганда бир назар,
Дардоки, боқғали яна бир жон баданда йўқ.

Гул узра шабнам инжусидур ё юзунг тери,
Бордур Амир васфида они сўз айтури,
Йўқтур маҳалли бахс, эрур офарин бари,
Гишиңг дурини Лутфий сифат қилғоли бери,
Бир дурри қиймате сўзи янглиғ Аданда йўқ.

НАВОИЙ РАЗАЛИГА МУХАММАС

Бошим ўлсун поймол ар тарки савдо айласа,
Хира бўлсун кўз жамолингдин табарро айласа.
Жонга ўт тушсун агар ўзга таманно айласа,
Кўнглум ўртансун агар ғайрига парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Ишқ даштида қуюн янглиғ жунун тамҳид ўлай,
Бу жиҳатдин зарра осо маҳрами хурshed ўлай,
Фурқатингдин нечаким зинданний жовид ўлай,
Ўзгалар васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Сендин ўзга ёр пайдо айласа чиқсун кўзум,
Ғайр дийдорин таманно айласа чиқсун кўзум,
Гар pari рухсорига во айласа чиқсун кўзум,
Ўзгалар ҳуснин тамошо айласа чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснунг тамошо айласа.

Неча васфинг боғида тўти мисол ўлсун тилим,
Лаъли нобинг шарҳида ширин мақол ўлсун тилим,
Ўзгалар ҳарфини иншо қилса нол ўлсун тилим,
Ғайр зикрин ошқоро қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Маҳвашеким жилваси барқу юзи бир шуъладур,
Ўт солур лаъли кўнгул ичра, сўзи бир шуъладур,
Ишқ оламсўз эрур, аммо ўзи бир шуъладур,
Рашқдин жонимға ҳар нарғис кўзи бир шуъладур,
Бор аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Рұҳпарвар лаълидин тонг йўқ, ўлукни қилса ҳай,
Сўз чоғи қилмиш тараашшуҳ қатра-қатра оби май,
Ҳусн тобида топилмиш бу назокат бирла шай,
Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

То мени девона қилди ул паризод, эй ҳабиб,
Ишқ аро расволигимға таъналар айлар рақиб,
Телбалик дардина тушдум васлидин излаб насиб,
Келтурунг дафъи жунунимға парихон, ё табиб,
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Ҳар кишиким айласа меҳру вафо изҳорини,
Тан ғубори бирла тарҳ этгай фано деворини,
Бир нафасда айлагай барбод йўқу борини,
Субҳдек бир дамки гардун қўймағай осорини,
Токи аҳли сидқ кўнгли меҳрин ишо айласа.

Деб Амир аҳли фусуну кайд бўлма нечаким,
Волаю мафтуни Амру Зайд бўлма нечаким,
Боқма дунё шоҳидига, қайд бўлма нечаким,
Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бало даштида ғамхори менингдек зор ўландан сўр,
Мұҳаббат рамзини Мажнун каби афгор ўландан
сўр,
Мазоқи лаъли нобин ишқ аро хуммор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқу шавқин ташнайи дийдор ўландан сўр.

Кўнгул мажнунинг ўлди ишқ журми бирла ўлдирма,
Банимдек мубталодин жавр таркини раво кўрма,
Рақиби рўсияҳ бирла dame ўлтурмаву дурма.
Лабинг сиррин чекиб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Мұҳаббат шевасинда ақл тадбири эрур ботил,
Биравким ишқ аро мажнун ўлди-ўлди ул оқил,
Банимким йигламоқдин манъим айлар зоҳиди
жоҳил,
Кўзи ёшлиуларин ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Қавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Таманно қилди хатти оразингни бу чаманлардин,
Бу гул шавқида булбул ошиён қилди тиканлардин,
Ғуури ҳусн ила қилма тағофул беватанлардин.
Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеккан-
лардии,
Хабарсиз мастрлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Ғамингдин ҳажр аро бир зарра янглиғ бўлди
тимсолим,
Эрурсен дилраболар ичра ҳам бераҳму ҳам золим,
Етиб савдойи зулфингдин паришон ўлмаға ҳолим,
Ғамингдин шамъдек ёндим, сабодин сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Малоҳатлик юзингдур офтоби авжи иқболим,
Маломат тошлари бирла ушалди бу пару болим,
Белинг бирла даҳонинг ёди эрди қийл ила қолим,
Хароби жоми ишқам наргиси мастинг билур ҳалим,
Ҳаробот аҳлини аҳволини хуммор ўландан сўр.

Сабо то қоматинг сарвини ҳарён айлади мойил,
Кўнгул Мажнундин ҳушу хирадни айлади зойил,
Амир, ишқимни кўргач, Хизр бўлди ажзига қойил,
Муҳаббат лаззатидин бехабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

ҒАЗАЛИ ТОЖИҚИИ

Ҳар кас хабар аз фазлу ҳунар дошта бошад,
Сар бар хати таслим агар дошта бошад,

Ҳарфе ки зи дил сар занад аз ҳасрати лаълаш
Шак нест агар шаҳду шакар дашта бошад.

Равшан бувад аз нусхай нақши пари товус,
Зоеъ нашавад ҳарки ҳунар дошта бошад.

Фафлати дилам афсурд ба парвоз на омад
Мурғе ки сари худ таҳи пар дошта бошад,

Аз суҳбати абнойи замон гир канора,
Суде надиҳад онки зарап дошта бошад.

Шаҳду маю матлаб ҳамаги дархӯри ком аст,
Каз дил сўйи мақсад сафар дошта бошад.

Холи рухи зебо ба гирифтории ҳуснат,
Чун мардумаки дида назар дошта бошад.

Зоҳид, нашави қобили даргоҳи Амирий,
Ҳар чанд дуойи ту асар дошта бошад.





ФАЗЛИЙ





«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Гул юзунгда зулфунгни боғ аро намоён қил,
Лола бирла сунбулни доғ этиб паришон қил.

Лолагун қабо жайбинг тугмасин очиб гоҳе,
Гул яқосини чок эт, гунча бағрини қон қил.

Давлати висолингга шукр этмаганларни,
Фам ўтиға доғ айлаб, мубталойи ҳижрон қил.

Соқиё, юзунг акси қилди бодани гулгун,
Лола ранг соғар тут базмни гулистон қил.

Эй кўнгул харобингга келса ёшурун дарди,
Воқиф ўлмасун мардум кўз уйида меҳмон қил.

Ошиқи талабгоринг мардларни шоҳидур,
Бўсаи даҳонингдин назри шоҳи мардан қил.

Фазлиё, Умар султон даргаҳига йўл топсанг,
Кўзларингга туфроғин сурмаи Сулаймон қил.

* * *

Гул чоғи хушдур қилиб сайри гулистон ўйнамоқ,
Ер ила гулшанда сармасту хиромон ўйнамоқ.

Ер лаъли бирла ўйнаб бўлмас, эй шайдо кўнгул,
Бас дегил инсоф ила осонмудур жон ўйнамоқ.

Турфа саркашдур саманди ноз сурма тунд ани,
Ким анга одат эрур қилғонда жавлон ўйнамоқ.

Ҳалқаи зулфунгга чиндур кўнгул ўйнаб берганим.
Йўқса ишқ ойинида бордурму ёлғон ўйнамоқ,

Бок эмас гар тарқаса ашким юзум атрофина,
Ёшларға расмдур ҳарён паришон ўйнамоқ.

Келди ёдинг кўнглума ашким югорди ҳар тараф,
Тифлға одат эрур келганда меҳмон ўйнамоқ.

Эй кўнгул, вайроналиғлар бирла хуш тут хотирин,
Гар сенинг бирла тилар ул тифли нодон ўйнамоқ.

Ишқ осондур ва лек жон ўйнамоқ душвор эрур.
Булҳавас ҳам ўйнар эрди бўлса осон ўйнамоқ

Ўйнағил Фазлий вафо нардин қуруб жон нақдими
Гар тилар бўлса санингла табъи жонон ўйнамоқ.

* * *

Соқиё, сенсиз манга бўлди бу оқшом ком талх,
Дамбадам лаълинг хуморидин ичарман жом талх,

Наргисинг айлар нигоҳи тунд, лаълинг заҳрханд,
Ваҳ надиндур бу чаманда пиставу бодом талх.

Зулфу симин соиду майгун лабинг ҳижронида,
Бода йўқким қон ютарман субҳдин то шом талх.

Заҳри ғам ютмак лабинг ҳажрида одатдур манга,
Ким эмас маҳмурларга бодаи гулфом талх.

Ҳажр оғусидин икроҳ этмазам лаълинг тилаб,
Неча май талх ўлса билмас они май ошом талх.

Сарва кўргузма қадингни, гулға арз этма жамол,
Қилма гулшан айшини, эй сарви гуландом, талх.

Нашъаи саҳбо каби Фазлий гувородур манга,
Гарчи бордур ёр ширин лаълидин дашном талх,

* * *

Эй ёабо, кел боғ аро кўрган тамошодин гапур,
Сарв ила гулдин дема, ул сарви раънодин гапур.

Пиставу бодомдин дам урмагил, эй боғбон,
Ул лаби хандондин айтиб, чашми шаҳлодин гапур.

Топсанг, эй шайдо кўнгул, ногаҳ ани қўйиға йўл,
Ул пари олида бу Мажнуни расводин гапур.

Ёр зулфидин гириҳ очмоқ ҳунардур, эй насим,
Нуктадонлар ичра бу мушкил муаммодин гапур.

Зуҳд таърифини қил зоҳидға бўлсанг ҳамнишин,
Риндлар базмида соғар бирла минодин гапур.

Худнамоликдин мукаддардур кўнгул, эй майфуруш,
Урма дам ойинадин, жоми мусаффодин гапур.

Эй мударрис, ишқ дарсини рамузидур дақиқ,
Мухтасар қил ушбу сўзни «Шарҳи мулло»дин гапур.

Сўзла эй Фазлий, Умар султон шукуҳи адлидин,
Мен қачон айдим Скандағ бирла Дородин гапур.

* * *

Шамъ боши ёна келди ёна тоб устиндадур,
Бу жиҳатдиндурки «шин» доим шабоб устиндадур.

Онча ул бемор кўз ҳажрида логар бўлди тан,
Бошим анда нуқтаидурки хароб устиндадур.

Меҳри рухсор устида пайваста қошингдур сенинг,
Эл гумон айларки «мадде» офтоб устиндадур.

Кўзга қўйғайму қадам деб бир кун ул чобук сувор,
Эгма қаддим рокиби дойим рикоб устиндадур.

Сарвдек яктосен, эй шамшод қадлар сарвари,
Қоматингдур ул «алиф» ким интихоб устиндадур.

Терлаган рухсоринг узра лолагун бурқаъмудур.
Ё тароват бирла гул барги гулоб устиндадур.

Кўзлари мақтулини Фазлийга теъдод этгали,
Қоши ул «ҳе» саргаҳидурким ҳисоб устиндадур.

* * *

Биравким ул гули раъно висолини хаёл этмиш,
Сариф айлаб юзини ашк селобини ол этмиш.

Тараб шамъини равшан айлаб ул ой чеҳра тобидин,
Кўзум мардумларини маҳрами базми висол этмиш.

Раво қил ҳожатин, айлар дуо, тунд ўлма, эҳсон қил,
Лабингдин ком истаб бўсае кўнглум суюл этмиш.

Гул андомеки раъно қад била ҳар дам хиром этгач,
Чаманда сарву гулни соя янглиғ поймол этмиш.

Юзунгдин қатра-қатра хай тароват шикор этгач,
Ҳаё гул шабнамини ғарқи баҳри инфиол этмиш.

Қўруб гул барги рухсорингни шаҳди каломингни,
Таҳайюр булбулу тўтини гулшан ичра лол этмиш.

Юзин кўрмакка кўз муштоқ, ҳожатманд эди
кўнглум,
Надур важҳи букун ойинаким арзи жамол этмиш.

Манга сен анбару сунбул исин эй бод, келтурма,
Насими накҳати зулфи мени ошифта ҳол этмиш.

Тополмас муддао Фазлий хаёлидин ҳалал ҳаргиз,
Нединким хизмати Кайхисрави соҳиб жамол этмиш.

* * *

Ул пари пайкарки мажнунман ани савдосидин,
Бир боқиб ҳолимни сўрмас, ўлдум истиғносидин.

Ҳар неча маҳкам эди сабрим биносида асос,
Қолмади обод ҳижрон хайлини яғмосидин.

Қсшлари ёйига қурбон эрди кўнглум ногаҳон,
Ғамза пайкони қадалди нарғиси шаҳлосидин.

Ёр азми гулшан этди борди кейнидан рақиб,
Умр боргандек шитоб айлаб ўлум орқосидин.

Хўблар меҳрини тарк эт, дема, эй носих, манга,
Телба ўлғайму парилар ишқини даъвосидин.

Даҳр боғи бевафодур, не учун, эй андалиб,
Кўнгул узмассен бу гулшанинг гули раъносидин.

Шайҳ зуҳдидин малул эрдим хушо, пири муғон,
Май била қутқорди ул иблисни васвосидин.

* * *

Кўнгул доғин дедим ишқ ибтилосидин нишондур бу,
Кўзум айдики мандин сачраган бир қатра қондур
бу.

Танимда кўр ўқунг заҳмини кўп қилма таажжубким,
Эрур ул дард тоғи ғам қушиға ошиёндур бу.

Қадалган новакингни чекма кўксум заҳмидин
ўлмай,
Нединким нотавон жисмим аро руҳи равондур бу.

Хужми хат ғуборин лаълидин сўрдум, кулиб айди
Бадахшон мулкига келган хитоий корвондур бу.

Дедим зулфунг на юздин оразингда печутоб айлар,
Деди ўт шуъласида изтироб этган илондур бу.

Ғамингда бу сариғ рухсор ила андоғ заиф ўлдум,
Гумон айлар мени кўрган киши бир пар сомондур
бу.

Дегай аҳбобларға ўқугон лавҳи мазоримни,
Шаҳиди новаки бир дилбари абрю камондур бу.

Агар ғам лашкаридин бўлса мақсудинг амон
топмоқ,
Ҳаробат ичра манзил айлаким дорул-омондур бу.

Ғуур этма насаб пироясига, ҳосил эт маъни,
На суд андин дегайларким фалон ибни фалондур бу.

Хирад аҳли жунув кўйида аҳволимни кўрганда,
Демишлар ошиқи девонаи ҳусни фалондур бу.

Таарруз айлама эй муддай Фазлий каломиға,
Радифи шоҳбайти хисрави соҳибқирондур бу.

* * *

Чиқти тун киш бўркини эгри қўюб қош устина,
Шамъдек ўтлар туташти шавқидин бош устина.

Гар тазаллум зоҳир этсам солма чин қош
устина,
Сурма гавҳар мавжидек тифи ғазаб бош устина.

Икки золим қошларинг бош эндуруб қатлим
учун,
Рўбарў ўлтурдилар бир ерга кенгош устина.

Баски гулгун тўн кийиб рахш узра жавлон
айдадинг,
Қон ўлуб чиқти жигар парголаси ёш устина.

Кўзни ҳуснунг хонидин ўз ёши қилди бенасиб,
Бўлса бетолиъ ятим бурни қонар ош устина,

Нотавон кўнглумда ғамлардур санамлар
жавридин,
Қўйдилар юз тоғни бир дона ҳашхош устина.

Тира дилларга жамолинг тобидин юз хирагиқ,
Жавр ўлур хуршед партав солса хуффош устина

Ер қаттиғ кўнгли ашкимдин мулойим бўлмади,
Суд қилмас ҳар неча ёмғур ёғар тош устина.

Шаҳсувориким эрур кўк тоқидин курси анга,
Саҳл ҳимматдур агар ўлтурса Кўктош устина.

Шоҳлардур хирмани эҳсонидин уммидвор,
Оре ҳар ерда гадолар ғавр этар жош устина.

То абад бўлғай мухаллад давлати Султон Умар,
Соя солди раъфати Фазлийи қаллош устина,





ФОЗИЙ





F

озийнинг асл номи Фози Муҳаммад бўлиб, Қўқон атрофидаги қишлоқлардан бирида XVIII асрнинг II ярмида туғилган деб тахмин қилинади. У Қўқон адабий муҳитидаги шоирларнинг юқори авлодига мансубдир. Фазлий Фозийнинг шоир Акмал (Махмурнинг отаси) билан яқин дўст бўлганини айтади.

Фозий шеърлари ўзининг самимияти ва равонлиги билан ажralиб туради. У буюк Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг таъсири остида ёэди. Шоирнинг тўртта қўлёзма девони бизгача етиб келган. Улардан утаси УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида, бири СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланади.

Шоир Фозий тахминан 1818 йил атрофида Қўқонда вафот этган деб гумон қилинади.





«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Й қуёш, субҳи узоринг бирла мағрур ўлмағил,
Бир нафасда шом ўлур, албатта масрур ўлмағил.

Тингла пандим, эй кўнгул, бўлма вафосизларға ёр,
Вора-вора зору, кундин-кунга ранжур ўлмағил.

Бўлма коми нафс учун ҳар сифланинг олдида паст,
Обрўсизлик юкин чекмакка маздур ўлмағил.

Масти иқбол ўлма, идбори била оғритма бош,
Тотмағил бу бодани, зинҳор маҳмур ўлмағил.

Шамъ янглиғ маҳфил оро бўлмағил, куймак ишинг,
То мұяссардур жаҳон аҳлиға манзур ўлмағил.

Доға қўй олмосдин марҳам, vale миннат била
Мубталойи дарди бедармони кофур ўлмағил.

Ғозиё, нўш айла меҳнат жомидин заҳроби ғам,
Бенавоий шарбати чинию фағфур ўлмағил.

* * *

Соқиё, бўлди гул айёми кетургил саҳбо,
Ким ҳаво муътадилу гулшан эрур руҳфизо.

Ғунча хандону чаман сабзу, булут қатрафишон
Базм асбобини туз булбул ўла нағма саро.

Бўлса бир дилбари майхорая, бир гўшаи боғ,
Бенгзамаз ҳур ила фирмавс, худо шоҳид анго.

Мундин ортуқ на эмиш ҳашмати давлат анга ким,
Ула бир мутрибу, бир жоми, лабо-лаб мино.

Кўз юмуб, маст бўлуб ноз ила ул маҳваш,
Турки ашъор ўқуб, чолса қўбуз вовайло.

Бода ичмақдин ўшал ким, бу маҳал тавба қилур,
Бехабар ғулдуур, одам эмасдир асло.

Фозийни маст кўруб ёри била зоҳид ҳам
Айлади майға гарав субҳау дастору ридо.

* * *

Тараҳұм айламаз ҳолимға ул шұхи паризодим,
Неча құлмен десам ҳаргиз инонмаз сарви озодим.

Менга хурсандлығ мүмкін әмасдур айламиш гүё
Қазо меъмори ғам туфроғидин таъмири бунёдим.

Қиё боқмай тутуб ағёр илкин сарви ноз ўтти
Тағофул машрабим, золим табиат, қадди
шамшодим,

Ажабдурким аниң берәхм күнглиға асар қилмаз,
Фалак миноларини айлади симоб фарёдим.

Манга, эй дўстлар, таклифи сайри гулситон этманг,
Очилмаз сайри гулзори эрамда табъи ношодим.

Чекиб тифи жафо эл қонин ичмакдур иши доим,
Худобезор, коғиркеши шаҳрошиби жаллодим.

Күнгүл мулкини хайли ноз илан яғмо қилур ҳардам
Қиёмат бехабар девона душман дўст бедодим.

Қаролиқ бирла ўтти рўзгорим зулғидин доим,
Мунаввар бўлмади шамъи руҳидин зулматободим.

Мени, эй Фозий, бу ноқис шайхларга йўқтур ихлосим,
Муҳаббат муршидим, дарду аламдур хатти
иршодим

* * *

Манга рафъи ғам этмаз сайри саҳро; гашти гулшан ҳам,
Кўруб аҳволи зорим дўст ҳайрон ўлди, душман ҳам.

На деб ошиқлиқ эттинг тингламай пандимни, эй кўнгул,
Ўзунг олам аро шарманда бўлдинг, оқибат ман ҳам.

Табибо, тийра кўнглум захмидин ол марҳамингниким,
Қаронғу бўлса уй даркордур ночор равзан ҳам.

Кўруб аҳволи зоримни, рақибо, кулма холимға,
Сенингдек мен эдим, бўлғил илоҳи ман каби сан ҳам.

Қутулдим дўстларнинг пандидин, ағёр таънидин,
Биҳамдиллаҳ ғамингдин кетди жон орқасидин тан ҳам.

Қошида муддаи маҳзуз сен маҳрум, эй Фозий,
Мунунгдек юрганингдин яхшидуру албатта ўлган ҳам.

МУСТАЗОД

Жонимға қилур ҳардам ўшал турки дилозор.
Минг жавру жафони,
Билмаз магар ул маҳвashi бедоду ситамгар
Ойини вафони.

Ҳар сирри хафиким ўла ифшо эда ҳалқа
Холи лаби лаълинг,
Эй шоҳи жаҳон, айламағил маҳрами асрор
Бу юзи қарони.

Қошина чекиб ўсма, олиб илгина ханжар
Келди ғазаб олуд
Ул шўх менинг қатлима, эй воҳиди қаҳҳор,
Қайтар бу балони.

Не лутф ила манга даво қилди, не марҳам,
Бераҳм табибим,
Кўрди мени ишқида ажаб бекасу бемор,
Кўксимда ярони.

Юз панд ила қайтиб эди ишқ йўлидин,
Бу ғамзада кўнглум,
Кўргач юзини бўлди тақи зору гирифттор
Ул ҳурлиқони.

Сармаст агар кўрса бути бодакашимни
Ҳарғиз анга шак йўқ,
Дарҳол эдар майға гарав зоҳиди беор,
Тасбиҳу ридони.

Ишқида бўлуб зор, ўлар ҳолата еттим
Ул моҳвашимни,
Тенгри учун, эй боди сабо, айла хабардор
Еткур бу дуони.

Лахти жигару луқмаи андуҳ дамодам
Ҳар кечаю ҳар кун
Үлдум ғам ила, ҳеч санга қилмадим изҳор
Чўх бил бу ғизони.
Ҳолини кўруб гоҳ тараҳҳум била ёд эт
Ранжури ғамингдур,
Бу Ғозийи бечораға зулм айлама зинҳор,
Ёд айла худони.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

То ёр кўйина мен девона етмишам,
Бир муфлисамки давлати хоқона етмишам,
Бир ташнаамки чашмаи ҳайвона етмишам,
Жонлар вериб сенинг каби жонона етмишам,
Раҳм айлаким етанча санга жона етмишам.

Жонимға минг жафо эдан ҳардам сипеҳри дун,
Минойи айшу ишратими этти вожгун,
Меҳнат юкини чекди алиф қаддим ўлди нун,
Шукронай висолинга жон верди тан бугун,
Чўх дард чекмишамки бу дармона етмишам.

Билдимки чарх толиби аслу-наасаб дагил,
Аффону нолишим ҳама дам бесабаб дагил,
Кўнглум ҳамиша мойили завқу — тараб дагил,
Жону дилим муродина еттим ажаб дагил,
Бир бандаамки даргоҳи султона етмишам.

Соқийи даҳр, ичурди банга заҳри ғам эзиб,
Кул бўлди меҳнатинг ўтидин пайкарим қизиб,
Дутти ғамингни жон ҳама аҳбобдин безиб,
Мўри муҳаққарамки саросима чўл кезиб,
Ногоҳ боргоҳи Сулаймона етмишам.

Ҳажринг туконларидин эрур гулшани таним,
Кел сайри боғ айлагил, эй рашки гулшаним,
Гулхан кулидур эмди менинг жоҳу масканим,
Бир булбуламка гулшан ўлубдур нишиманим,
Ё тўтиямки бир шакаристона етмишам.

То котиби қазо қалами қилди одими,
Этти зиёда ишқ элина эътиқодими,
Райҳон хатинг айлади равшан саводими,
Даври фалак мұяссар әдібдур муродими,
Гүёки толиби гуҳарам—кона етмишам.

Йўх шоми мотамимға бугун субҳдам падид,
Боғланди айш қобуси пайдо әмас калид,
Фозий бўлурму ҳеч шақи жаҳд ила саид,
Мискин Фузулиямки санга дутмишам умид,
Ё бир камина қатраи уммона етмишам.

М У Х А М М А С

Боғ аро юзланки то гулчехра раъноланмасун,
Сабзасин помол қил, раъноси зеболанмасун,
Ноз этиб зулфинг дағи сунбул мутарроланмасун,
Оразинг кўрсат кўнгул, гулшан тамошоланмасун,
Қоматингға жилваи тўби таманноланмасун.

Дину имон нақди торож айламакдур мазҳабү,
Қатли ом этмак эрур (тарсоларингни) матлаби,
Не сабабдин яхшилиқ нутқи Масиҳо мансаби,
Бир нафасда юз ўлукка жон берар лаъли лаби,
Эй қуёш, бергил хабар Исо масиҳоланмасун.

Бир алифдур қоматинг, эй сийм тан, жон ичраким,
Қон ичар ёқут лаълинг, ҳажридин кон ичраким,
Тишларингдин йўқтур онча баҳри уммон ичраким,
Оч юзингни бир табассум қил гулистон ичраким,
Гул юзингу ғунча оғзини бирла даъволанмасун.

Лабларинг эъжозидур аҳбоба руҳ оmezлиқ,
Хатту холингни шиори мушку анбаррезлиқ
Кўзларингни шеваси найрангу сеҳр ангезлиқ
Эй пари, қилғил такаллум бирла шаккарrezлиқ
То ани тўти кўруб, олдингда гўёланмасун.

Эй кийик кўзлу, шакар сўзлу, қуёш юзлу нигор,
Бўлса минг жоним мени қилсан тасаддуқ жонивор,
Ёшуруб лутфин, ғазаб расмини айлар ошкор,

Мақсадинг гар қатлим эрса айла пинҳон зинҳор,
Зоҳир этма бу карам то халқ ғавғоланмасун.

Ер сўрди ҳоли зори ошиқи жонбозини...
Фош эти чўх жафо айлаб муҳаббат розини,
Қўйида, эй ишқ, ончун беқарор эт Ғозини,
Ҳажр даштида қуюн янглиғ шикеболанмасун.





ГУЛХАНИЙ





M

уҳаммад Шариф Гулханий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида, асосан, Фарғона водийсини ўз ичига олган Қўқон хонлигида яшаган. Гулханий шаҳарнинг оддий табақасидан бўлиб, ёшлигига шаҳар ҳамомига ўт ёқувчи бўлиб хизмат қиласди, сўнгра сарбозликка олинган эди. Умр бўйи муҳтожликда яшаган Гулханий ҳамиша халқ манфаатини кўзлаган. Бу ҳол унинг ижодида тўла акс этади.

Гулханийнинг бизга маълум адабий мероси «Зарбул-масал» («Япалоққуш ҳикояси») номли бир проза асардан ва бир неча шеърдан иборат.

«Зарбул-масал» халқ эртаклари таҳлитида ёзилган мукаммал сюжетли ўткир сатирик асардир. Гулханий ўзининг бу асарида халқнинг мазмундор мақолларидан, ҳикматли сўзларидан ва қочириқ гапларидан мөҳирлик билан фойдаланади. У, феодал ҳукмдорлар ва уларнинг лаганбардорларини, сарой аҳли ва мусулмон руҳонийлари кирдикорларини мажоз ўйли билан ўткир сатира остига олади.

Гулханийнинг иккинчи таҳаллуси Журъатdir. У ўзбек ва тожик тилида ғазаллар ва ҳажвиялар ёзди. Бироқ, унинг бу асарлари бизгача тугал етиб келмаган. Гулханий ҳақида маълумот берувчи ягона манба Фазлийнинг «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасидир.

Қўйида келтирилган Гулханийнинг асари ўзбек адабий прозасининг яхши намуналаридан биридир.



«З А Р Б У Л-М А С А Л» (Япалоққүш ҳикояси)

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, илгариги айёми нофаржомда Фарғона иқлимида Кайқубод отлиғ подшодин қолган бир эски шаҳристон бор эрди. Анда бир Бойўғли деган ватан тутмуш эрди. Аммо они ҳавоси хуш ва боди дилқаш. Сабза, раёҳин, аввоъ гуллар, чечаклар касратидин, қўрғон баҳор чоғда товуснинг парлариdek турланиб, мунаққаш кўринур эрди. Ва анинг ёнинда бир ёғочлик ерда Япалоққүш маскани, ота-бобосидин қолғон жойи бор эрди. Аммо Бойўғлиниг бир қизи бор эрдики меҳри ховарий юзига банда эрди.

Оразидин шамсу қамардур хижил,
Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил,
Ҳосили умри эди ул бойни,
Оти Гунашбону ўшал ойни.

Ул қиз офтоби оламтобдек ҳар хомни пиширур, ҳеч маҳлуқ ани кундузи кўрмоқға чораси йўқ эрди ва ул қиз юзини яширур эрди. То баҳаддиди аломати бўлуғ зоҳир бўлуб, тиши чиқиб кўзи сузулиб, овози бузулуб онасининг тўғри сўзлаганига эгри сўзлай бошлади. Онаси қабзланиб айдиким:

— Эй болам, кўнглунгиз эр тилар ўхшар, ошуқманг.
«Ошуқғон қиз эрга борса, ёрчимас»...

Анда Қиз итоб қилиб айтдиким: «Эй она, сиз бизга сабр ва таҳаммул сори йўл кўрсатурсиз, мени оладурган йигитни ҳам отаси айтурки: ...«Бош омон бўлса, бўрк топилур».

Булар бу сўз устида эрдиларким, Япалоқ Кўрқушни имлаб олиб, ёнида ўтқузуб айдики:

Зонки дар оғоқ з барноу пир,
Ҳечкас аз жуфт надорад гузир¹.

Бизни қурратулъ-айнимиз эр етибдур, ерда муносиб маслаҳат қилоли. Бойўғлининг бир чиройлик қизи бор эмиш. Бизни тарафдин совчи бўлуб боринг. Ҳарқанча қалин бўлса топилур.

Анда Кўрқуш айди:—«Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чочилур» деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзининг бурчидин чиқар: «Минг чордевор қизимнинг қалини» деб. Ҳоло подшоҳимиз ҳазрат сайид Үмархон амирул-муслимин аҳд ва замонларида олам маъмур ва раоё масрур. Ҳар нечук аёлманлар тасбиҳи маржондин уйрулур — бир бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким айтмишлар: «Ёлғон масал турмас», «уют — ўлумдин қагтиғ». Яна айтмишлар: «Эрман ёғочини эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани»...

Анда Япалоққуш айди: «Мен сизни билимлик ва маънидин боҳабар киши фаҳмлаб эрдим, «карнай мисдин, балғам исдин» бўлурини билмас экансиз. «Кўртутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас».

Анда Кўрқуш айди: Мен хотун олмоқ таманносин гарқоби эмасман, нечукким айтмишлар. Байт:

Дала тузни сув олса, қўнгур гознинг тўшидин,
Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидин.

Анда Япалоққуш айди: «Бурноғилар масалидурки, «битар ишнинг бошиға — яхши келур қошиға». Яна бири булки, «бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур».

Анда Кўрқуш айтди: «Бўл! Оғиз бўлма, оёқ бўл», эшитмадингмуки, «оёқ югуруги ошқа, оғиз югуруги башқа». Сен ким, Бойўғлининг эшигига киши юбормоқ ким. Ҳеч билмасмусанки, «Тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла».

Анда Япалоққуш айди: «Бизнинг нима камлигимиз бор...»

¹ Мазмуни: дунёда бўлган ёш ва қарининг жуфтсиз бўлиши (уйланмаслиги) мумкин эмас.

Кўрқуш айди: Еорликдан мақтама, айтмишлар, «Ўзини мақтафони, ўлумнинг қоровули». Сенинг аҳволинг оламга маълумдир. «Ойни этак бирла яшурса бўлурму», «Чумчуқ семирса, ботмон бўлурму», «Ола кўзанак ола бўлса ҳам, арслон бўлмас», «Ола тўғоноқ олғур бўлса ҳам, аҳволи маълум».

Анда Япалоқ айди: Сен бизни фақир-нотавон кўрдингму? Мундин бехабар ўхшарсанки, «Чўпни хор тутсанг, кўзга тушар». Бор, мен бирла сўзлашгунча, Бой-ўғли бирла сўзлашгил.

Анда Кўрқуш айди: «Эй Япалоқ, куёв бўлур ўғлингнинг отини айтгил».

Анда Япалоқкуш айди: «Ўғлимнинг номуборак оти Кулонкирсултондир».

Анда Кўрқуш айди: «Мундоғ фаҳм ва хирад манзидин ўтмаган кишиларни кўрган эмасман. Эчкунинг оти Абдукарим бўлурга сўз керак. Бурунгилар анинг учун «эби билан сўзлаганинг қурбони бўл», деган эканлар. Кулонкирсултон от қўймоқ сенинг ҳаддингму? Бу от — Ҳумо, Уқоб, Қарчиғай, Баҳрин, Лочин, Итолгу қушларининг салотинидурлар, аларга муносиб от турур.

Анда Япалоқ айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурки, «Яхши нафас, ярим мол», бари боламнинг асбоби кулонкирлиги минқори билан чангалидан маълум ва равшан эмасдурму?»

Анда Кўрқуш айтди: Рост айтурсан. «Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур. Отаси урмас қўнғузни, боласи ураг тўнғузни» деган сўзга ишонма. Лекин «Ҳалво деган бирла оғиз чучумас».

Такя бар жойи бузургон натавон зад бағазоф,
Магар асбоби бузурги ҳама омода кунди¹.

Сенинг бу сўзинг қарчиғалик дағдағаси куланг бошига тушуб, дуррож шикорин ихтиёр қилиб, ўзи балчиқка ботиб қолганига ўхшар. Ори, ҳаддин ҳар кишиким ошса, жазоси шундоқ бўлур. Бу сўзнинг тафсилини

¹ Мазмуни: Улуғлар жойига суюниб, беҳуда мақтама, Аввал улуғлиқнинг ҳамма шартларини тайёрла.

«Силсилатуз-заҳаб»¹ дин топ. Бурунғилар масалидурки, «Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзингни бил», «Намангон-шаҳри вайрон, оти улуғ, суфраси қуруғ», «Ўйда чакса уни йўқ, том бошида қўш танур», «Сичқон сиғмас инига, ғалбир боғлар думига»— деган иборат сенга содиқ келур.

Анда Япалоққуш айтди: «Эй Кўр, бас куланг қарчиға ишини қилурман деб, балчиққа ботиб ўлганини менга ҳикоят қилурсан, мен ҳам бино ва нобино ҳикоятини билурманки, нобино бино сўзини қўлоқға олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақдириб ҳалок бўлди. Сенга гапирсам, бу муҳим хайр кечга қолур. Бу ҳикоятнинг баёни воқиасини истасанг, «Калила ва Димна»²дин топ».

Анда Кўрқуш аиди:—Эй бесабр. Бу ҳадис маънисидин бехабармусанки «таанни раҳмондин ва таажжул шайтондин». Сен ўз яроғингни қилгунча, сабр қилсанг, хўбдур. Сабрни яхшилар андоғ таъриф қилмишлар:

Сабр билан баста эшикдур кушод,
Сабр билан топди эронлар мурод.
Сабр сенинг дардингга дармон бўлур,
Сабр билан хор гулистон бўлур...

Ва айтмишларким байт:

Сабр қилсанг ғўрадин ҳалво битар,
Бесабрлар ўз оғидин йитар.

Анда Япалоққуш айдиким: «Ори балоға сабр, қазоға рози бўлмоқдин ўзга чорам йўқ. Лекин сабрнинг жойи билан ҳузн ва андуҳдин бўлак нимарсаси йўқ. Сабр қилиб, яхши иш қўлдин кетса, ўхшамас...»

Анда Кўрқуш аиди: «Ёмонға ўлум, муҳим хайр ишға юборур киши бу навъ бўлурму... Эшитган эмасмусанким: яхшилар айтибдурларким. «Ширин-ширин сўзласанг илон инидан чиқар, аччиғ-аччиғ сўзласанг мусулмон диндин чиқар». Сенинг бу ношойиста сўзингга бормасман. Тожикни бир масали борки: «Зўри беҳуда миён мешика-над»³.

¹ «Силсилатуз-заҳаб»— машҳур тожик шоири Абдураҳмон Жомийнинг достонидир

² «Калила ва Димна» машҳур масаллар тўпламидир.

³ Мазмуни: «Беҳуда зўр уриш бел синдиради».

Анда Япалоққуш айди: Сен маннои лилхайир ўхшарсан, сендин совуқ ҳасад иси келур.

Анда Кўрқуш айди: «Мен совуқ ҳасад қариндоши эмасман, сени хўб билурманким: «Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуйилмас» дерлар. «Ҳаромзоданинг қўйруғи бир тутам». Менга кўп юз келтурсанг, нечукким қадимги яхшилардин бир масал қолибдур: «Яхшилиқ қил сувга сол, сув билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур». Аввал бориб Кулонкирсултон жамолини кўруб, анинг совуқ сўзини эшитиб, сўнгра борсам керак» деб Кулонкирсултон хизматига равона бўлди. Ярим фарсах йўл борганда, шул аснода бир Ҳудҳуд йўлуқти, саломлашиб айдики: «Қайси ошёни баланддин парвоз қилдинг?» Анна Кўрқуш айди:

«Бизнинг парвозимиз маълумдир».

Анда Ҳудҳуд айди: «Эй Кўр, мен муаммодин бехабарман, тўғри сўзинг бўлса, сўзла. Мофиз-замиринг менга баён қил».

Анда Кўрқуш айди: «Мен Япалоқ биби совчисидурман, Бойўғлининг қизига хосткорликка борурман».

Анда Ҳудҳуд айди: «Япалоқнинг ниҳояти бехирадлигини эмди билдим. Ҳар ойина ўз жинсидин, япалоқлар қуруғондек сени юборурму... Магар сен Ҳаким Содиқ ҳикоятидин бехабар ўхшарсан. Кўрқуш айди: «Ҳикоят қил».

Ҳудҳуд айди: «Бир ҳаким бир гулистони руҳ афзоға доҳил бўлди, кўрдиким бир шоҳ узасида бир кабутар илиа зоғ ўлтурубдур. Иккиси ваҳшат била бир-бирасиға қарап, шул аснода бир рустоий азбарои қасди паранда камон бирла мунтазир эди. Зоғ дараҳтдин рустоий тўғрисиға бориб тушди. Зоғдин рустоий ўқин отиб ўткарди. Қушиға ем қилди. Агар зоғ ўз жинси бирла далада ё жойи раҳобада ё эски хирмонларда юрса эди ўқ заҳмини еб қушиға ем бўлмас эди. Сенга совчи бўлмоқ недур... Сенинг сирка тиларга лаб-лунжинг йўқ экани маълум ва машҳурдур ва яна қўлидин келмас ишга урунган, најжорлик қилғон маймунга ўхшаш расво бўлма»...

Кўрқуш айди: «Ҳикоят қил».

Ҳудҳуд айди:

«Бор эди Қашмир навоҳида тоғ,
Боги эрам рашкидин кўксида доғ.

Анда иморатға яроғлиқ яғоч,
Етти қулоч, бўйи ўн икки қулоч.

Бор эди кўп неъмати алвонлари,
Хурраму маъмур эди ҳайвонлари,

Зулф каби сунбули хушбўлари,
Роҳатижон эрди оқар сувлари.

Уйдин улуғроқ эди бир гулбуни,
Анда ватан тутмиш эди маймуни.

Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан,
Ўқур эди қиссаи ҳуббул-ватан¹.

Бир куни нажжори хирадманди фард
Кўнгли яғоч йўқлиғидин қилди дард.

Борди ўшал тоқға мавқуф эди,
Эзгу яғочлар онга маъруф эди.

Шаҳарнинг зиндонидин озод ўлуб,
Тоғнинг Ширинига Фарҳод ўлуб.

Сонур эди ўзини төғ Хисрави
Тоғни ўқуб Деҳлавийи маънави,

Элина навқиссаларин қистари,
Расм эди нажжор яғоч истари.

Эгди у дил гўшасининг пардасин,
Белга суқуб теша билан арасин.

Бориб анга кесди яғоч решасин,
Қўйди ўшал ер унутуб тешасин.

Ўзга ера бордию кесди яғоч,
Ермоғини қилди магар ул илож.

Болта била бир учини ёрди ул,
Пона қўйиб, теша сари борди ул

¹ Бу сатрнинг маъноси: Ватанин севиш ҳикоясини ўқур эди.

Тушти бандоғ әнга маймун күзи,
Оқибу доно санаб, ул дам ўзи.

Айди: «Улус ичра бу бир қасбдур,
Қасбни бошина кийиш наасдур.

Кийса гар арзир эмиш әлга ҳунар,
Беҳунар әлни дедилар риши хар¹.

Мен даҳи нажжорлиқни ўрганай,
Болаларим барчасига ўргатай».

Жаҳд қилиб турди равон борғали,
Яъни яғоч қолмишини ёргали...

Минди яғоч устига нажжордек,
Косиби пуркардан пуркордек.

Кетди ҳунар шавқи била ғуссаси,
Тушди яғоч айрисига думчаси.

Балки недин бўлди тутулмоқлиғи,
Мумкин эмас ўлди қутулмоқлиғи.

Одамининг жинсида йўқ қиссанси,
Қолди аниг думчасининг ҳиссанси.

Билгилки, маймун нажжорлиқ қиласман деб, қўлға тушиб, эртадин кечгача калтак бирла уруб, ўйнатиб, ба-лоға гирифтор бўлгандек, сен ҳам муҳим хайр ишини биткаролмай, мулло Исо авлиё бирла Абдураҳмон офтобачидек ҳалқнинг лаънат сўзидин чиқмай юрма. Ёмон иснод сендин қолур».

Кўрқуш айди: «Мен ҳали бу ишда ҳаммолликга резом йўқ, лекин тақдир билур.

Одами кўп ҳилаю тадбир этар,
Лек ишининг охири тақдир этар.

Сен теванинг бўтаси онаси бирла мунозара қилғонидин бехабар ўхшарсан».

Ҳудҳуд айди: «Ҳикоят қил».

¹ Риши хар — эшак соқоли демакдир.

Ҳўрқуш айди:

«Бор эди Фарғонада бир сорбон,
Теваси бор эрди — туғди ногаҳон.

Аҳлу иёли анинг бас эрди чўқ,
Озуқадин кулбасида нарса йўқ.

Ҳосили дунё эди бир теваси,
Эмадиган орқасида бўтаси.

Бир куни ул тевасини қўмлади,
Ортадиган юкларини жўмлади.

Юки оғир эрдию ҳам йўл йироқ,
Үртади тайлоқни нори фироқ.

Фасли тамуз эрди, ҳаво кўп иснғ,
Йўлда темур сингари қумлар қизиқ.

Оч ўтина куйди, анодин жудо,
Модарининг меҳрида эрди адо.

Жаҳд ила етмай аносин кенидин
Қўмда куярди, ғами ул сийнадин.

Онда оғир юкни ўшал сарбон,
Йўлда чўкурди тузатай деб равон.

Бўтаси бориб эди орқасидин,
Ёнди ҳароратлар яғмосидин.

Юзланиб айди:— Ҳало бераҳм онам,
Кўйдию, ёнди тутошти танам.

Аста-аста юрсанг, бўлғай на ғам,
Сийна сутингдин эмайнин дам-бадам.

Айди онаси боласиға боқиб,
Кўзларининг ёшларни сувдек оқиб:

Кўрки, бурундуқ кишининг қўлида,
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида,

Менда агар зарра каби ихтиёр
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор.

Бурунфилар масалидурким: «Қизни ким сўймас, қи-
мизни ким ичмас», «Карнайчидин нима кетар. Бир пуф».

Анда Ҳудҳуд аиди: «Ори, амонат сўзга амин бўлмоқ
яхшилар шеваси турур. Сен дахи кулни ўз кумсчинг
устига тортма ва баҳодир дурадгордек тешани ўз та-
рафингга чопма.

Монандай арпа бош дар илми маош,
Гоҳе сўйи худ мекашу гоҳе мепош.¹

Монанди арпа бўл, ду жонибға камоҳаққуҳу тушуб
сўзлашгил...» деб видоълашиб кетди.

Алқисса Кўрқуш Кулонкирсултон боргоҳига равона
бўлуб, сарманзилға етди. Кўрдиким, ажаб шаън-шав-
катлик боргоҳи бор эканки, савсан кўп тил бирлан
анинг васфидин ожиз ва ҳар турлук муарриф таърифи
шаънида ножиз:

Кўрди тикилган эди бир боргоҳ,
Боргоҳи хисрави анжум сипоҳ.
Кунгираси кўкка тегиб ўрдалар,
Хаймау хиргоҳу саропардалар.
Бир неча қушлар била ҳамроз ўлуб,
Булбулу қумри била дамсоз ўлуб.
Нағмаи қонунлигини соз этиб,
Даъвийи фиръавнилиғ оғоз этиб.

Кўрқуш бу асоси болоқиёсни кўруб, боргоҳ дарвоза-
сидин «Салом, ҳай-ҳай» овозининг савлатидин киролмай
ўлтуруб қолди. Кулонкирсултон хизматида бир Куйку-
нак отлиғ қуллари ҳозир эрди. Кулонкирсултоннинг
Кўрқушга назари тушуб, Куйкунакка буюрдиким, «Бо-
риб ғуломгардишда ўлтурғон одамдин хабар ол. Мух-
тоҷ, мустамандму, ё оч ва яланочликдин келдиму. Са-
зовори хайр бўлса, мунда олиб кел»..

Анда Куйкунак илгари қадам қўюб, Кўрқуш олдига
келиб айдиким: «Эй бобо, қайси ошёни баланддин пар-
воз қилдингиз».

¹ Таржимаси: Тирикчилик илмida арпа сингари бўл. Баъзан
(қипиқни) ўз томонингга торт, баъзан соч,

Анда Кўрқуш Кўйкунакнинг тақаббураона сўзини англаб айтди: «Эй болам, сен сўрғувчи бўлғунча, мен жавоб бергувчи бўлғунча, иккимиз ҳам ғойиб бўлсак яхшидур».

Анда Кўйкунак айди: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қолиб сўзлар» дегандек, яъни бизни аркони давлат аросида кичкина кўрдингизму. «Кичкина деманг бизни, кўтариб урармиз сизни» ёинки «Кўйкунак ўз ерида ғоз олур ҳам ўрдак»... «Ўзингни эр билсанг, бирорни шер бил».

Кўрқуш анинг худдонолигини англаб айтди: «Эй болам, сен онасига ўргатган қизга ўхшарсан. Ё отасига ўргатган ўғулга ўхшарсан. Бурунfilaр масалидурким: «Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялар». «Меҳмон бўлсам, таъзим қилсанг лозим эрди». Нечукким айтмишлар:

Байт:

«Ғам ҳушум этконда бе сомонлигим ўртар мени,
Мезбон хижлат чекар ҳар неча меҳмондур таниш

Ҷорокаллоҳ! Меҳмонни сийламоқни сендин ўргандим»,
деди.

Анда Кулонкир меҳмонга озор берганини англаб, Кўйкунакни жеркиб, қўзидин андоғ нари солдиким, қайта кўрмаклик номумкин бўлди. Бас Кўрқушни имлаб олиб, ёнида жой бериб, айдиким: «Эй бобо, хуш келибсиз. Маъзур тутунг, ўзингиздек кишилар дебурларки: «Танимасни сийламас».

Анда Кўрқуш сўзга дарафтод бўлди. Ва айдики: «Улуғнинг боргоҳида аҳли дониш ва хирадманди боҳуш ҳар қанча кўп бўлса ҳам, оз бўлур. Хусусан, подшоҳи одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқдур. Аввал, олимни боамалки, подшонинг охиратлик асбобини анга кўргазса Иккинчи, вазири соҳиб раъи, подшонинг дунёлик яроғини тараддутида бўлса. Учинчи, Муншийи рост навис қаламзани нигоҳдир ва шамширзан. Ҳоло бу турган ошхўр жомадарронлар таом емоққа ҳозир, маслиҳатга ақли қосир. Қадим бузург машоҳийлардин бизга бир масал қолибдурки: «Эсинг борида этагингни ёп», ёинки: «Яхши билан юрдинг — етдинг муродга, ёмон билан юрдинг — қолдинг ўётга», ёинки: «Ёмонга ёндашсангиз балоси юқар, қозонга ёндашсангиз қароси юқар»... Биз «Кўй кўрмаган бўлсак ҳам қий кўрган эдук...»

«Ғу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳарким бу тоифадан мурувват тилабдур, гўё тол ёғочдин зардолу тилабдур...».

Кўрқушнинг сўзи Кулонкирсултонға боди сабуҳидек таъсир этти ва насойиҳнинг абири жони комига турктоз этти. Баҳаддеки вужуди вайронаси маъмур бўлуб, ободонлиқға юзланди, Кулонкирсултоннинг илгариги меҳмонидин қолғон оши бор эрди, ани Кўрқушнинг олдига қўйди, айди: «Оз ошга имдод йўқ».

Анда Кўрқуш айди:

«Қарам на эрди баҳиллик сўзин дединг, эй шоҳ,
Оз ошни бергунча мундин зиёда ўту олов».

Анда .Кулонкирсултон айтди:

«Аз қарам нест баҳили кардан,
Хон ниҳодан таом хўрдан беҳ»¹.

«Оз ошим ғавфосиз бошим» деб ёлғуз иноят қилинг».

Анда Кўрқуш айди: «Ош эгаси билан тотлифи».

Кулонкирсултон «Хўб бўлур, ошга деганда қуруқ калла югуур», деб қўл узатаберди. Бир емоғлиқ қилдиким, табақ тубига тушди. Кўрқуш ҳар қанча тараддуд қилди, ошни табақ тагида топмади.

Анда Кўрқуш айди: «Каломи мажид таржимаси турурки, «Енглар, ичинглар, исроф қилманглар». Бу нечук ош емоғлиқдур?».

Анда Кулонкирсултон айтди:

«Бизнинг шаънимизда исроф эмас, мунда оз олиб, охиратда ҳисобини кўп берганча, мунда бир олиб, анда жавоб берсан яхшидур. Турунг, муҳим хайрға тааммул қилманг», деб жавоб берди.

Алқисса, Кўрқуш жид ва жадал бирла Бойўғли сарманзилига равона бўлуб, қатъи манозил ва тайи мароҳил қилуб, муддао девориға боши ва истидъо ҳадафига мурод ўқи тегди. Замондин сўнг Бойўғли Кўрқуш келганидин огоҳ бўлуб, анинг олдига чиқиб, «Ҳайра мақдам бирраъси вал-айн² хуш келибсиз, сафо келибсиз» деб таъзим ва тавозуъ бирла кўрушуб, бир-бирининг юзини чўқишиб, Бойўғли Кўрқушни уясига қўндуурди ва

¹ Баҳиллик қилиш қарамдан эмас, дастурхон, қўйгач, таом емоқ яхшидур.

² Қадамлари бош устига, кўз устига.

олдига моҳазар қўйди. Кўрқуш сўзламасдан бурун таомға тушаберди.

Бойўғли айди: «Таом емакда сўзлаб емак суннатур ҳайвондек хомуш таом емак, озода мардум шевасидан эрмас».

Анда Кўрқуш айди: «Сўзлашмасдин ўзга чора йўқ. Лекин илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Аввал таом, сўнгра калом», «Айрон тилаб келсанг, чеҳакингни яшурма»— андоғ воқиф ва огоҳ бўлингизким, сизнинг толии гардунингиз саодат партавлик, мастуралик садафидин пайдо бўлган, Кўлонкирсултонга муносиб, Гунашбону исмлиқ нозпарвар маҳлиқ қизингиз бор эмиш. Япалоқнинг боласи Кулонкирсултонга муносиб кўриб, совчи бўлиб келдим. Сиз бир ширин жавоб беринг. Англаб бориб тараддуд қиласди», деди.

Анда Бойўғли айди: «Ори, боланинг бўйи етибдур. Узидин сўраб жавоб берсам керак», деб, туруб, қизининг олдига кирди:

«Эй болам, Япалоқ бибининг боласи Кулонкирсултон ҳавоҳоҳ бўлуб, совчи юбормиш, на жавоб берурсан?».

Анда Гунашбону ойим, нечукким рўзгор қизларининг аълолари, «Сукут — аломати ризо» дегандек, бошини қуий солиб, ўлтурди. Бойўғли қизнинг майлини билиб айдики: «Бу болиганинг кўнгли эр тилар ўхшар» дегач, қиз тилга келиб айди: «Эй бемаъни чол, соқолингдин уёл. Хомуш турмоқлик жавоби бўйла бўлурму? Хайр ишига мутакаллим бўлғоннинг хитоби бўйла бўлурму?...»

Анда Бойўғли айди: «Эй бошинг кесилгур, англағон эмасмусан —«ўлтирган қиз, ўрин топар».

Анда Гунашбону ойим айди: «Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор», «Кечки экиннинг хатари бор» ва яна айтибдурларким: «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмасдур».

Анда Бойўғли билдиким, «Тадбирнинг енги блан тақдирни яшуриб бўлмас». Ўрнидин туруб Кўрқуш олдиғачиқди.

Кўрқуш айди: «Бўримисиз, тулки?».

Анда Бойўғли айди: «Бу дафъа боринг, дахи бир жавоб олурсиз, илгари ўтган яхшилардин бир масал қолибдур: «Ёлғуз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса, донғи чиқмас» ва яна «От олсанг, уюнг бирла кенгаш»—

дебдурлар. Мен ҳам қариндош уруғимни йиғиб, машварат айлаб, анга яраша сизға жавоб берсам керак», деди.

Анда Кўрқуш айди: «Хайр ишиға истихора ҳожат эмас».

Нечукким Хожа Ҳофиз Шерозий айтибдурларки:

Даркори хайр ҳожати ҳеч истихора нест¹.

Анда Бойўғли айди: «Боламнинг ихтиёри қўлида дур».

Анда Кўрқуш айди: «Андоғ бўлса, бир чучук жавоб беринг. Англаб бориб жавоб берай» деди.

Анда Бойўғли айди:

- «Дар ҳама кор машварат бояд,
Кори bemashvarat naqku noyad»²

Кўрқуш айди: «Машварат бағоят яхшидур. Донишлик бирла қилмоқ керак, боргоҳи ақл ва донишдиндур. Хирад сарчашмасидин кўр эл изоси анга машҳур. Оқ юруб кекирган, оғзи бирла ишини битирған, гоҳ бечоралиққа иқрор, гоҳ ўзини Таҳматан³ олувчи баҳодири жаррор, муфт топилганда ошар, ичи пўк, кўзи лўқ нодонларга Умар — иёр, донишмандлар сафида нақши девор, элга маълум ва машҳур Муҳаммад Содиқ заргарнинг ўғли паришон рўзгорға кенгашиб, бизни аро йўлда қўйманг».

Анда Бойўғли айди: «Фаросат оёқи оқсоқ, тевадек егани шўра ва янтоқ, илгари ўтган сўзнинг бирини минг қилиб сўзларга тоқ оёғидин осилган сутқоқ қушга ўҳашаш Жалил бўқоқ ошпаздек бош аҳмоқ эмасман. «Кўпга кенгаш, ўз билганингни қил» дебдурлар».

Алқисса, Кўрқуш бу навиди фараҳ афзони эшитиб, хурсанд бўлуб, Япалоқ биби манзилига равона бўлди. Ва анинг сарманзилиға етти. Бойўғлининг ончаким, муҳум хайрга рағбати бор эрди, баён қилди.

Алқисса, Япалаққушнинг бир қарға дўсти бор эрди: Шўранул қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаромзодан таррор ўғри мишиқ, ҳариф айёр, солор давлат-

¹ Яхши ишни бажариш учун фол очиб ўтиришнинг кераги йўқ.

² Мазмуни: Ҳар бир ишда, маслаҳат лозим, маслаҳатсиз иш яхши эмас.

³ Қаҳрамон Рустамнинг лақаби,

манделар аснофида мумсики беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини қўйниға урган, тумшуғи Зокирбой кафшбурушнинг тумшуғиға ўхшар экан. Ўшал диёрда Малик Шоҳинки қушларнинг шоҳлиғи анга мансуб эрди ва Кулонкирсултон анга дангалнишин паҳлавон эрди, Шўранулни Малик Шоҳин жанобиға севинчига чоптурди. Манзил ва мароҳил тай қилиб, Шўранул Малик Шоҳин боргоҳига келиб, таъзим ва тавозиъ бирла салом қилиб, Япалоқнинг руқъасини узатди. Малик Шоҳин нома мазмунин англаб, бир замон таваққуф айлаб айдикӣ: «Эл ёмони мангит, қуш ёмони анфит» дегандек сани юбормаса, бўлмасмуди».

Анда Шўранул айди: «Сарнавишти аҳли маъни чун қалам бошад сиёҳ»¹.

Эй подшоҳи олампаноҳ, ўзлари маъни фойдасидин бебаҳра эканлар. Сизга сурати ёмон бўлса, маънини куллий берса ҳам хуш келмас экан. Андоғ бўлса: Сўфи Қўчқордек бўлса нодон, ҳақ сўз анинг олдида ёлғон, эрта-кеч қўлида тасбих, вирди анинг харза фасиҳ, суратдан ҳеч ками йўқ ва маъни бежо кетса ғами йўқ; ва гоҳо кампирлардек энгашкан, сочбоғи ер супурган ва тоқясини чаккасига осган: «Оларда ҳисоби тўқиз, берурда саноги ўттуз». «Тўғри сўзга тўғоноқ», изо ва кулфатға ёвуқроқ, макр ва ҳийлада шайтондин муфсидроқ, кўрунмоққа юзсиз, сўзи тузысиз, ёз — совуқ-қишида иссиқ, шарорат пешаликда Ҳомондин шадидроқ, курк товуқдек сувга пишарға ўнгроқ, одамизод орасида Сайд Азимжон манзур бўлса, мен андин аҳмоқроқму», деди.

Малик Шоҳин айди: «Баракалло, ўз айбин билган марддур» деди.

Малики Шоҳиннинг Кордон отлиғ хазиначиси бор эрди. Анга буюрдиким: «Бизнинг жонибдин Султон Кулонкир дангалнишинимга тўйнинг асбобини муҳайё қилиб бер».

Алқисса, Кордон камари ҳимматини ғаравдек неча ердин боғлади. Сўнгра замоне тафаккурга бориб, айдиким: «Авлороқ улким, аввал ўзим бориб Бойўғлига учрасам; ҳарна тилаган қалини тараффудида бўлсам; ўз қулогим бирла эшитсан, анга яраша тўй тараффуди-

¹ «Илм аҳлининг баҳти қалам сингари қора».

да бўлсам. Харжи исроф бўлмоғудек бўлсун», деб борурга азм қилди.

Кордоннинг жойидин Бойўғлининг маскани узоқ эрди. Балки муддати сафар эрди. Сафар яроғини бекам-кўст қилмоқ керак, агарчи дебдурлар, байт:

«Таваккалту алаллоҳ»ни деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер.

Ва яна бурунғилар дебдурлар: «Тўйға борсанг, тўйиб бор, тўрқа тўнинг кийиб бор», уйдин ғамланиб чиқмоқ керак. Бойўғлининг уйи бўлса, сичқон суюгидин бошқа нимарса бўлиши зохир ва маълум эмасдур.

Алқисса, Кордоннинг ўзига сафар ва ҳазарда ҳамроуз ва ҳама атвори писандида ва ҳаракатлари мақбул, отасидин қолғон Турумтойи тез парвози, сўз келганда жилов сақламай рўбарў этгувчиси бор эрди. Бозорга чиқдилар. Эрта кун кеч бўлди, офтоб пешин жойифа етти.

Анда Турумтой айди:— Эй тўрам, сизни кирдорингизни одамизод орасинда Холбоқи мискарга ўҳшатурман. Кордон айтди:— Эй, аҳмоқ, бу нима деганинг. Турумтой айтди:— Андоғ эшитканим борки, одамизод фарзандидин Холбоқи мискар деган бир кўкнори бор эрди, номозшом вақтида бирорни меҳмонхонасига таом устида ҳозир келибдур. Мардумлар суфрани қуршаб ўлтурур эрдилар, шу вақтда азон овози келди. Кишилар айдилар:— Аввал намоз ўқуб, сўнгра таом тановул қилоли. Ҳар ким намоз ўқумаса таом емасун, дедилар. Ҳолбуки мискар намоз учун ер ўпкани йўқ эрди. Ўрнидин туруб, таҳорат қилиб, намоз ўқуб, сўнгра нафсини маломат қилиб, даржанг бўлуб айтур эрдиким:— Эй тош кемургур нафс, мени кўкнори ҳолига боқмай қўлимга совуқ сувни сазовор этиб, рангимни каҳрабодин ўткариб, охир мани намозхон айладинг. Сиз анга ўхшабсиз. «Сазовори нафсингизни битказинг, ё сulton амрини. «Икки суюклик бир кўнгилга сифмас» дебдурлар. Ва яна яхшилар дебдурларким: «Икки кема тутган қолди ғарқоб ичинда, чиқмас ул денгиздин бир кема тутмагунча».

Анда Кордон айди: «Эй беадаб щум, хўжангга насиҳат қилғудек бўлдингму. Қадимги яхшилар дебдурларким «ятим ўғил сақласанг оғзи-бурнинг қон этар, ятим қўзи сақласанг оғзи бурнинг мой этар». «Эма

билган қўзилар икки онани эмар, эмабилмас қўзилар ўз онасини эмолмас», камина ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман ва ҳам султон амрини...»

Анда Турумтой айди: «Тақсир, хато қилдим. «Оғиз ошга етганда бурни қонаган мен бўлдим».

Алғараз Турумтой айдики: «Эй хожам, мен Ёдгор пўстиндўздин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар».

Анда Кордон айди ...«бу сўзларга Ёдгор пўстиндўз-нинг нима дахли бор турур. Мунинг тафсилини баён қил».

Анда Турумтой айди: «Одамизод орасида Ёдгор бу-лотқи деган бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўткарур сўфи от қўюб ва гоҳо соҳиб донишманди рўзгор олиб, дер эрдиким: «Ўн ёшимда Ҳазрат Нўҳ аллайҳиссаломни оби азобда қолғон кемаларини ясада яғоч тутуб эрдим. Ва айтур эрдиким: «Ўн беш ёшимда Ҳазрат Иброҳим аллайҳиссаломни Намуруд алайҳиллаъна манжанаққа солиб ўтға отарда бир поясини тутганмай» дер эрди. Ва гоҳо дер эрдиким: «Иигирма беш ёшимда Хўжа Аҳмад Ясавийнинг марқадларини қилурда лойташиб, хишт берган мен эрдим». Ул вақтда ўлтурган жўралари айтур эрдиким: «Эй Ёдгор ака, рост сўзлагин» десалар: «Муҳаммадқули Баҳодирдин бўлакни билсам, худо урсун», дер эрди. Мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар». Ва яна айтди: «Эй тўрам, бу сўзга ҳам қулоқ солингки, Ёдгорнинг пўстин тикканин кўрсангиз, чокидин бармоқ ўтар, ҳаридор ушлаб кўриб дер эрдики: «Бу қандоғ тикиш?» Ул жавобида: «Мушт ўтмаса яхши тикиш», дер эрди. Мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар. Андоғ бўлса ҳам ўз қулларига интиқом ярашмас, афв қилғудекдур», деб бўюн сунди.

Кордон айди: «Сунган бўйинни қилич кесмас» деб дурлар, гуноҳингни ўтдим. Сенинг ҳолингга мулоҳаза қилсам, кам сафарликдин бу сўзларни айтдинг. Сафарда кўп тажрибалар ҳосил бўлур. Магар сен «Қалила ва Димна» дин бехабар ўхшарсанки, Бозанда ва Навозанда қиссаларини сенга баён айлай».

Турумтой айди: «Тўрам, баён қилинг».

Кордон айди: «Илгари айёмда икки кабутар бор эрди, бирини Бозанда, бирини Навозанда дер эрдилар. Кеча-кундуз бир ошъёнада дамсоз ва бир кошонада ҳамроҳ эрдилар. Бир куни Навозанда Бозанданинг юзи-

га боқди: осори малолат-андуҳ пешонасидан мутолаа қилди. Айди: «Эй кўзумнинг нури ва эй маҳзун кўнглимининг сурори, замиринг кўзгуси хира, юзинг шиоитири, айёми нофаржомдин нелар кўрдунг ва нелар тегди?»

Анда Бозанда айди: «Қадимғилар сўзибурки: «Арzon кира шаҳардин овора қилур». Ҳеч зод ва роҳила менда йўқ. Сафар қилмоқ дағдағаси бошимға тушубдур. Жон тўтиси тан қафасидин парвоз қилур».

Навозанда айдики: «Ҳайҳот, бу хом тарбузни қўлтуғингга олмаки, бу хаёли фосиддур. Дунё арусилик оразинг қизартиб, кўнгул ичинда чекканни чиқоргил... Эй ёри азиз, сафар қилмоқ икки ҳолатдин ташқари эмас: бири ватанда авқоти кечмасдин ва яна бири — изо ва йҳонатдин сафар қилурлар».

Бозанда айди: «Қадимғи яхшилардин бу сўз қолибдур:

Ҳар кимки сафар қилса, писандида бўлур,
Хуршед каби зиёни ҳар дига бўлур
Оlamda нимарса йўқ сувдин тотлиғ,
Бир ерда мақом этса агар ганда бўлур.

Осмонки ҳамиша сафарда, шамс ва қамар ва савобит ва ситораси сафардадур. Ерки ҳамиша соҳиб сабр ва сукундур, поймоли ҳар аҳли дундур. Гардун била кўкка боқ ва фикр эт. Кўк сурати бирла ер нечукдур. Бу икки олами боло ва асфалнинг орасида кўп фарқ содир бўлур. Дараҳт бўстон ичра таҳаммул қилмаса эди, жафойи арра ва болта изосини кўрмас эрди».

Навозанда айди: «Дараҳтни ўзга жойга ўрнатсалар, кўкармас».

Анда Бозанда айди: «Бадахшонда лаъл маъданидур ва Яманда ақиқ конидур... Ақиқ Ямандадур ва лаъл Бадахшонда; ҳар иккиси то сафар ранжини чекмагунча, лаъл ва ақиқ нақшидин ва ранг тароватидин қолибдур, дерлар».

Анда Навозанда айдики: «Сафарга кўп ҳарис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда бўлса, сақар бўлур. Сафарда рафиқ керак... Яхши рафиқ бирла сафар қилсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шаковат. Даилидор: нечукким, сангпушт бирла чаён ҳамроҳ бўлғондек».

Анда Бозанда айди: «Қандоғ эрди. Сўзлагил».

Навозанда айди: «Андоғ эшитганим борки, сангпушт

Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор бир чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо сангпушт бафоят фаросатлик эрди. То баҳоддеки кўп сафарларда юруб, кўп тажрибалар ҳосил қилган эрди. Аммо чаёнга инон-ихтиёрин бериб, бодиялар қатъ этуб, манозил ва мароҳил тай қилиб юурур эрди. Ушал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар. Андин ўтар иложини топмадилар... Охируламр, сангпушт мурод ҳадафиға мақрун бўлуб, шиноварлик бирла муддао истидосининг соҳилиға ўзини олди. Фоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ орқасиға боқти, кўрдики, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори-қуян юрубдур. Сангпушт айтдики: «Эй биродар, сабаб надур ки бўён ўтмайсиз».

Чаён айди: «Қўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутунг». Сангпушт кўнглида айтдики: «Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қиласам, унча хўб эмас. Авло улдурки, ўткариб қўйсам. Қадимий яхшилар масалидурким: «Яхшилиқ қил сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур».

Алқисса, сангпушт чўлғочини қўлиға олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилиға олди. Айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўткарғали ўғрадим. Менинг устимма мин. Бежо ҳаракат қиласки, ўз жонингга жабр қилурсан».

Анда чаён айтди: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб сангпуштнинг орқасиға минди. Дарёға тушуб оқдилар. Замондин сўнг чаён тебранаберди. Сангпуштга айди: «Букун майдонингни васиъ топдим. Бурунғи яхшилар «Эшак ўюни қирқ йилда»,— дебдурлар. Букун пўлод найзамни якжурма қалқонингға озмойиш қилай дерман».

Сангпушт айтди:

«Сенинг бу хор сифат найзайи bemажолинг менинг бу якжурма қалқонимга нима кор қилсин».

Анда чаён айди: «Билганинг йўқмуким, ақрабнинг муддаоси неш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур, хоҳ душман орқасина».

Ҳаркими одати нечук бўлғай,
Беиродат зуҳур этар андин.
Тошдин неш аёри йўқ ақраб,
Гарчи мундоқ демак ажаб сендин.

Сангпушт айди: «Яхшилардин бир масал қолибдурким: «Ишонмағил дўстингга, сомон тиқар пўстингга», «Ошнангдин топ» дегандек, дўстум, сув узра хасдек юрмоқ токай. Бу баҳри амиқ жавоҳирларин тамоша қилмоқ керак» деб, ғаввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва чаён жон бермоқда қолди, бу масални анинг учун келтурубдурларким «Асилини хатоси бўлмас, ножинсни ошноси бўлмас», «бўйнида иллати борни оёғи қалтирайдур». Бу сўзни ниҳояти узоқдур, лекин мақсад қўлдин кетар» сўз мақсудига келдук.

Алқисса, Кордон бирла Турумтой сафар анжомини муҳайё қилиб, жўнайбердилар. Қатъи манозил ва мароҳил тай қилиб, Қубод шаҳрига еттилар. Бойўғли ошёниға келиб қўндилар. Бойўғли буларнинг келганидин боҳабар бўлиб, олдилариға чиқиб: «Хайра мақдам бирраъси валъайн, хуш келибсизлар» деб гарди роҳларини қоқиб, меҳмонхонасиға палослар солиб, чироғлар ёқиб, аларни қўндурууб, ўчоққа ўтун қалайбөшлади. Ул чоғда ҳаво эътидоли ўтиб, қиши замҳаририй совуқ эди. Совуқ касратидин ҳарчанд «пуф-пуф» қилди, ёнмади... Бойўғли айди: «Кўринг, қарилиғимнинг боши, эсим йўқдин ўтни ёқолмадим».

Анда Кордон айди: «Эшитганим борки, «Шайхнинг ҳунари бўлмаса, ҳонакоҳ танг» ва яна яхшилардин бир масал қолибдурки, «Қаловин топса қор ёнар, қаловин топмаса, қоқшол ўтун ҳам ёнмас». Ўт ёқарни билмайсиз, бизга қандай муомала қилурсиз». Бойўғли айди: «Тожикнинг бир масали борки: «Ёреки аҳласт, кори ўсаҳласт».¹

Андин сўнг Бойўғли базм асбобини тузуб, руд, уд, даф, най, барбат, қонун: навозанда, созанда жамъ айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутти. Муғланнийлар созларининг қулоғига гўшмол учун қўл солиб, тоблайбердилар. Бир-икав нақора орқасиға, дарра бирла қоҳил намозни урган раисдек, урабердилар ва ўтға даф орқасини ўғрини орқасин тоблагондек тоблай бердилар. Алқисса, нағма навосини фалакка еткурабошлилар. Кордон Бойўғлиға боқиб айди: «Сиз била бир парда ичинда наво қиласи ва беларда сўзлашмайлук».

¹ Маъноси: Дўстлар аҳил бўлса, иши осон бўлади.

Бойўғли айди: «Рост айтурсиз, яхшилар сўзидурким: «Сўзни айтгил уқсанга, жонни жонга суқсанга». Мазалиқ сўзга ҳар қанча қулоқ солса бўлур. Андоғ айтибдурларким:

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз».

Кордон айтди: «Биз камина Малик Шоҳиннинг ҳалқа багушларидин¹ бўлурмиз. Бизга андоқ билиндиким, Гунашбону ойимни Япалоқ биби боласи Кулонкирсултонга берибсиз. Ҳарна тилаган қалинни ўз қулогим бирла англағали келдим, тоинки харжи исроф бўлмағудек бўлсин. Эмди на буюурсиз?» деди.

Бойўғли айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурким, «Қўйнидин тўкулса қўнжиға» дебдурлар. Ўз қариндошларимдин киши чиқар. Япалоқ боласи куёвга ҳожат эмас... кўпак боласига на деб берайин».

Анда Кордон айди: «Эр тилаган ерда азиз» ва яна айтибдурларки: «Қизни ошиқифа бер»...

Бойўғли айди: «Олтуннинг битган ерда қадри бор» ва «Чангаль ўз жойида кун кўрар...»

Кордон айди: «Сен илгари ўтган одамларнинг кирдорин қилолмассен... Ҳоло сен ҳозирни кўргил. Масалдурким: «Бугунги нақд ўпка эртаги қўйруқдин яхшидур». Ҳоло сен Япалоқ бибини кўпакдек дединг, қадимфи яхшилардин бир масал борки: «Эгасини сийлаган, итига сўнгак ташлар». Сен: «Қизим, сенга айтурман, келиним, сен эшит» қилдинг. Ашур йириқ қассобга ўхшаб йўлдин бир ойна топиб, ўзининг номуборак юзини кўруб, ойнани уруб анга неча айбларни қўюб дер эрдиким: «Яхши мато бўлса, йўл узасида турмас эди», деб ва айтур эрдиким: «На хорлик сенга зиштликдиндур ва зиштлик бадсириштликдиндур». Агар сенинг хирадинг дийдаси хира ва замиринг ойнаси тийра бўлмаса эрди, аввал ўз айбингга боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди».

Бойўғли айди: «Менга насиҳат ўргатгали келдингму? Сенинг насиҳатинг қулогимдин елдек ўтар, елдек чиқар».

Кордон айди: «Насиҳат қулоғинг (да) елдак турмас ўхшар. Эшон сўфи Оллоёрдин табаррук сўздурким:

Насиҳат тингламас дил сахти маҳжуб.

Кўкармас тошға, ёмғур ёғса ҳам кўп.

¹ Ҳалқа багуш — қулоққа тақилган ҳалқа демакдир; қул маъносида ишлатилади.

Бойўғли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар»— деғандек англафонинг йўқмуким, «Англамай сўзлаган, оғримай ўлар; чайнамай еганлар, кавшамай кетарлар».

Бу сўзни эшиитган замон Кордон хазиначининг ғазаб ўти иштиолланиб, вужуди найистонига ўт тушиб, тутуни гардунга хиром боғлади. Баҳаддеки, хижолат тери тўғон, балки ажус айёмининг қор ва ёмгури аниг чорасиға ҳайрон эрди. Айдиким: «Эй абушқа қуёш жамоли жилвасидин маҳрум ва эй туюрлар синфидин маржум... Яхшилардин бир масал қолибдурки: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар»... Мен сени Бойўғли деб эшитиб эрдим. Эшиганим кўргандек эмас экан. Мен меҳмон бўлсам, қилғон пешомадинг шулдурму?».

Бойўғли айди: «Мендин ўтти, маъзур тугунг. «Ит қилғонни, иторчи қилмас»— дебдурлар...

Мен хабардор ўлдимки, тевадин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар».

Кордон айди:— Сўзла!

Бойўғли айди: «Бир тулки йўлда кетиб, борур эрди. Зимистон эрди. Қор ва ёмғур беҳад ёғиб, кўчалар лой эрди. Анда бир тева лойға йиқилиб, ағнаб, шўнғиб, ҳар муйида ботқоқлар ёпушуб эрди. Ул тева сорбонға жавоби харгўш бериб, бир шўразор жазирага қочиб борур эрди. Ул тулкига дуч келди. Тулки саломлашиб, тевадин ҳол сўраб айди: «Эй бузургвор, ҳормасинлар, қайдин келурлар?»

Тева айди: «Ҳаммомдин келурман», деди.

Тулки айди: «Баракалло, рост айтурсиз, ҳама бошдин оёғингиз тару тоза ва покиза. Буни оёқларингиздин мулоҳаза қилдимким, гармоба сувини бошинг ва оёғини г била ишлатибсан, магар ҳаммомчи ўлган эканму ва ҳаммомни холи кўрдингму?» Яна Муҳаммад Холиқбойнинг боғида бир Сафарбой деган аҳмоқ боғбон бор эрди. Анинг боғида ўн беш тозанавниҳол ўрук дарахт бор эрди. Сафарбой тоза хуштаъм ўрукларнинг шохини кесиб ташлаб, аниг ўрниға аччиғ данак ўрук шохини пайванд қилур эрди. Ва яна ниҳолларни ҳўл шохини кесиб қуруқ шохини пайванд қилур эрди. Бу ақл ва фаросати бирла ўзини ҳама боғбонлардин доно олур эрди...»

Алқисса, Кордон айди: «Иш битгувчи маслаҳатни қил».

Бойўғли айди: «Менинг ҳам уруғларим бор, алар бирла маслаҳат қилиб жавоб берурман».

Кордон айди: «Хўб, лекин Хўқандаги икки Фаж ва
Каж бетамиздек қариндошинг бирла маслаҳат қилиб,
бизни оро йўлда қўймағил».

Бойўғли айди: «Ул икки Каж ва Фаж кимдур?

Баён қил!»

Кордон айди:

Ўзин гоҳ мулло слур, гоҳ тақи,
Ниёзча оғалиқ хуш аҳмақи.

Ҳамма ишга ёлғон сўзи дастгир,
Сўзин сарф этиб, қорнин айларди сер.

Олур гоҳ мулло ўзин, гоҳ амин,
Вале билмаган суҳбати хонабин.

Бирор олдига кирса, дер эрди: «Ҳой.
Чилим сол, буюртур палов, маллабой».

Бобоҷон Ашур чўлоқу Али бири,
Хўқанд мулкида аҳмақи нодири.

Ўзи кўр, равшан юурурди ажаб,
Кеча-кундуз жусту-жўйи талаб

Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди;
Бу иккиси шаҳр ичра кўп фаж эди.

Анда Бойўғли айди: «Сиз айтган Муҳаммад Амин
Хўжа муфтидурки, мудом ҳар ишда ўзидин бемаза ва
бефаҳм ва беидрокроқ одамга маслаҳат қилур эди. Хоҳ
форсий, хоҳ арабий, ҳар китобки битса, саҳв ва ғалат-
дин холи эмас эрди, бовужуди бу ҳам ноқислиги бирла
ўзини ҳамадин мулло ва донишманди рўзгор кўрар
эрди».

Анда Кордон айди: «Муҳаммад Амин Хўжа муфти-
нинг сифатин баён қил».

Бойўғли айди:

— Эди исми Муҳаммад Хўжа муфти анинг,
Хати хуш, баён айлайин мен анинг.

Эрур асли, насли қизилбош сақат;
Битарди китоб барчасини ғалат.

Кичик офтобани давот деб олиб,
Ажаб яхши деб, киссасига солиб,

Этиб кибру манлик шаробини нўш,
Қаламдони сандуқчай дугфуруш.

Яна Бойўғли айди: «Пешқадам кор озмо¹ қариндошларим бор. Алар бирла маслаҳат қилурман».

Анда Кордон айди: «Гўрга, қариндошингиз бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси бўлмаса; кор озмолар сўзиидур: «Қариндошинг келса, келсун, бўз халтаси келмасун»..

Бойўғли айди: «Сафол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас», «Қатъи силаи раҳм»² ёмондур.

Кордон айди: «Рост айтурсан. Кор озмолар дебдурким: «Қариндошим — қора қозоним»... Эй Бойқуш ҳоло сен «Кўрпангра қараб оёқ узат». Сен минг чордевордан дам урарсан. Ваҳоланки... Сайд Умархон даврида Фарғона иқлимида «ободлиғдин» ўзга жой йўқ... Даҳи тўқол эчку мунгуз тилаб — қулоғидин ва ё бир думсиз эшак дум иштиёқидин йўллар юруб — икки қулоғидин айрилғондек бўлма.».

Бойўғли айди: «Ҳикоят қил».

Кордон айди:

Будаст ҳареки дум набудаш
Рўзи ғами бедуми фузудаш.

Дар бодияҳо қадам ҳамезад,
Дум матлабию думе намезад.

Ногоҳ, ки рўзе ихтиёри,
Бигузашт миёни киштзори.

Деҳқон магараш зи дур медиҳ,
Баржасту варо ду гўш буррид.

Мискин харак орзуйи дум кард.
Ноёфта дум ду гўш гум кард³.

¹ Кор озмо — иш кўрган, тажрибали.

² Қатъи силаи раҳм — қариндош уруғнинг олдидан ўтмасдан, деган маънода.

³ Мазмуни: Бир думсиз эшак бор эди. У бир кун думининг ғамида йўлга чиқди; саҳроларни кезди, дум истаб, унга эришолмади. Иттифоқо бир кун йўл олиб, экинзорнинг ўртасига тушди. Деҳқон уни узоқдан кўриб қолди ва югуриб бориб. унинг икки қулоғини кесиб олди. Бечора эшак дум орзу қилиб, уни тополмади, қайтага икки қулоғидан ажралди.

Бундин қоли бир бузуқ чордеворнинг отини тутма. Тишинг синар. Эмди сен ҳам қуюшқондин ташқари чиқма, сұннат бажо келгудек иш қилиб жұната бер. Бир масалдурким: «Етим қызға елпуғуч чикора»— дегандек ҳоло сен ўзингнинг Қубод шаҳристонингни Кайқубоди санаб, бизни манзур этмадинг...»

Анда Бойқуш айди: «Парда ичинда бепарда сұзларни күп сұзлаштык, нағма ройгон кетти. Базмдин кейин ҳар қанча қонун навоз гапингиз бўлса, англаса бўлур».

Соқийи тум тароқлар пиёла сунабошлилар. Бода нашъаси Кордон бирла Бойўғли рангларига, токка сув юргургандек, югурди. Анда муғанийлар нағмаси таъсир қилиб, мевадор дарахтнинг боши яҳтон деб бир-бирига айттур сўзи:

Оlamанга келганда олмон бирла чўлпон бўл,
Беришингга келганда хўжа бирла мулло бўл.

Алқисса, замондин кейин базмлар туганиб, муғанийлар олганига қувониб, оройиш узулиб, маърака бузулиб, эл оёғи тиниб, ором учун этакдин оёқ, ёқадин бош чиқардилар.

Алғараз, Кордон айди: «Эй бойбобо, бизникини қабул қилинг, бизлар кетармиз, Кўрқуш келиб, мунозарани сендин элтур. «Эшак йўли қотқоқда эмас, ботқоқда маълум бўлур», деди.

Бойўғли айди: «Синаган ёв урушга яхши».

Анда Кордон айди: «Ёв кетган сўнг қилични (ерга) чоп».

Анда Турумтойки, Кордоннинг мулозими эрди, Бойқушнинг бунча фууриидин хафа эрди, Бойқушга Кўрқуш яхши айтган бир масални айди: «Ёмон отқа ёл битса ёнига тўрсиқ боғлатмас, ёмон эрга мол битса ёнига қушни қўндирилас». Турумтой бу сўзни айтиб эрди, Кордон айди:— «Иссиф жон истимасиз бўлмас». Эй Бойўғли, фарзандингни тозалик вақтида уясифа қўндириғил, нечукким, Амир Навоий дебдурлар:

Онаси била кунда эътиroz этган қиз,
Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз,
Қайин юрти билан куёвнинг уйини ҳуш
Кўрмакдин онаси била ноз этган қиз.

Анда Бойўғли дарқаҳр бўлуб айдиким: «Сен менинг қизимни ўзга хамрози бор дегандек қилдинг. «Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар» дегандек бу нима деганингдур.

Кордон айтди: Ажаб содда аҳмоқ экансан. Сенинг сўзингни Отабой аминдек бетамиз кишиникига ўхшатурманки, бозордин хотуниға кафш олибдур, бир бегона ҳол қассобға кўрсатубдур: «Бу кафш менинг хотунум оёғига лойиқ келурму» деб сўрабдур. Ул жавоб беридурки: «Мен сенинг хотунинг оёқини кўрганим йўқ». Ўзинг аввал аҳмақсан. Бар омади сўз ўтканларнинг сўзин изҳор қилиб ўтдим. Мен сенинг қизинг авторини билмасман. Масалдурки: «Эшагининг фели эгасига маълум».

Анда Бойўғли айди: «Ниёзча оғалиқ, Бобожон ва Мұхаммад Амин муфтики мазкур бўлди, бу уч аҳмақнинг маслаҳати бирла иш қилиб, оро йўлда қўйманг дерсан, менинг боболарим ҳазрати Сулаймон бирла мунозара қилғон кишиидур».

Кордон, айди: «Отадин дам урма, панд ерсан... Бир масал борки: «Ота сўраб нетарсан, эрнинг ўзи бўлгон сўнг, йўл сўраган номарддур, от устига минган сўнг». Ишни ўз ақлинг била қилиб бўлурму» деди.

Анда Кордон ноумид бўлуб, Кўрқушнинг ошёнасига қадам қўйди. Кўрқушнинг кўрган ҳамон қақшаб айди: «Ҳар ким кўр сўзига кирса, биз кўрган ҳақоратларни кўрар ва биз тортган машаққатларни чекар. Анда Кўрқуш айди:

Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,
Риёзат чекмагунча, ёр васлига етиб бўлмас.

Яна бир масал борки: «Эр бошиға иш тушса, ўтук чечмай сув кечар, от бошига иш тушса, сўлуқ бирла сув ичар». Ишларни биткариб келдингизларму».

Кордон айди: «Биздин баланд һимарса тилади, биз ожиз келдук».

Кўрқуш айди: «Бойўғли жавоби нима бўлди?»

Кордон айди: «Бойўғли айтурки, «Минг чордевор: токласигача хок ва нақш нигор қилинган ва ҳеч Бойўғли сояси тушмаган бўлса, унарман. Ва илло мундин бир чордевор кам бўлса, унамасман». Ул «Токча» деди, биз «Мўри» дедик, жўнайбердук».

Кўрқуш айди: «Сенинг исмингни Кордон қўюбдурлар. Ишни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экан-

сан. Кордон исмининг аксини қўйсалар керак эди. Мовароуннаҳрда Амир Умархон турган Ургут, Работ, Пўшагурбек, Хайробод булардин шаҳри Қубод рашик айлаб, адам сари юзланди. Сенек давлатли орқамда бўлганда эди, Бухоронинг ҳар туманидин минг чордеворни топиб, бирдин муҳим хайр ишни биткарур эрдим. Сенинг кордонлигинг кулол мўндида сув ичгандек экан ва ё «Бўзчи белбоқча ёлчимас» дегандек бўлди».

Анда Кордон айди: «Қуда бўлса, қул бўлса ҳам сўзлаш». «Қуда бўлдуқ, жудо бўлдуқ» деган сўзга йўқмиз».

Анда Кўрқуш айди: «Масалдурки: «Минг қарғаға бир кесак». Сенинг ўзинг анга ўхшарки, Эшон калла деган ҳофиз яхши кўрган дўпписини тез оқар сувга оқизибдур. Неча жаҳд билан ололмай, ноchor маҳрум бўлуб, айтур эрдиким: «Йўқолгони хўб бўлди. Бошимға тор келур эрди»— деб афсус ер эрди. Мушук илмоғдаги қўйруқни ололмай, «Пуф сассиф» дегандек сўзни қўй».

Алқисса, Кўрқуш айди: «Ҳар кимнинг ишиму улоқ овламоқ, мадрасага бориб, тупроқ яламоқ? Иш биткармоқни мендин кўрсунлар» деб, Қубод шаҳристонига рабона бўлди, Бойўғли уйига қўноқ бўлди. Кўрқуш Бойўғлини кўрган ҳамон томоғидин бўғуб, «Кўр тутганни қўймас», дегандек чўқуб айдиким: «Кўрушмасанг, отангни йиқит».

Бойўғли айди:— «Йиқилган курашга тўймас», куёв бўлсанг, қиз тайёр, эшитмоқча қулоқ бор. Сўрамоқ сендин, эшитмоқ мендин».

Кўрқуш айди: «Сенинг қулоғинг Мулла Сиддиқ котибининг қулоғидек сўз эшитмас».

Бойўғли айди: «Сенинг кўзинг мулла Асқарнинг кўзидек қадрдан ошнасини танимас. Эшитмадингмуким: «Бошга тушканни кўз кўрар» ва яна айтмишларки: «Хайр ишиға жарчи бўлсанг, малул бўлма». Аммо сенинг бошингға иш тушса, тортарға кўз йўқидин малулсан».

Кўрқуш айди: «Ботин кўз керак. Сенга ҳарза учун келган эмасман. Тилаган чордеворларингдин тўрт юзини кечфил. Олти юзиға жавоб берурсан».

Анда Бойўғли айди: «Минг чордевор соламан, тўрт юзини нимага кечай».

Кўрқуш кўрдиким, Абдураҳим судхўр боқол мумсикдек кўп хасисдур, агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ўттуз тишини синдирур. Айдиким: «Андоғ

бўлса, тўй лавозумотини тайёр қилғил. Пашибадин анқоғача барча қушларға киши чоптур, йифилсунлар. Аларнинг ҳузурида маҳр солай».

Алқисса, Япалоқ шаън ва шавкат бирла тўй олиб келди. Мажмуъ тўюрлар жамъ бўлдилар. Мисли анқо, ҳумо, уқоб, баҳрин, лочин, италгу бир тарафға; оққуш, тўғдоқ, турна, ғоз, ўрдак, кўғақуш, анфит, сурна, суқсур, чурк, қар, бўргут, лаклак бир тарафға ўлтириллашади. Булардин кичик қушлар мисли каклик, бедана, олатўғаноқ, қизилиштон, зарғалдоқ, кабутар, мусича, қалдирғоч, сағва Кулонкирсултонға куёв нўкар бўлуб, бир тарафға ўлтуриллашади.

Алқисса, Кўрқуш куёв жонибидин вакил бўлуб, кўкқарға, олақарға гувоҳ бўлуб, Куйкунак қиз жонибидин вакил бўлуб турдилла. Никоҳ хутбасин ҳазордастон¹ равшан фасиҳ тил бирла ўқимоқ бўлди. Кўрқуш Куйкунакка қараб айдиким: «Қизингнинг маҳрини баён қил».

Куйкунак айди: «Авомун-нос ичра машҳурдурким, «Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрур». Сизларга возиҳ ва лойиҳ эрурким, аммасининг маҳри минг чордевор эрди. Мунинг ҳам маҳри минг чордевор».

Анда Кўрқуш айди: «Фаргона мулкида чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдук. Агар Мовароуннахр тобиотидин хоҳласанг, ҳарқанча чордевор десанг берай, балки ҳашт девор солайин».

Куйкунак айди: «Така бўлсун, сути бўлсун», Кўрқуш «Хўп, маъқул,— деб овоз қўйиб айди:— Эй ҳозир ўлонлар, англатғучи бўлинглар, мен маҳр солай: аввал Ургут, Янги Работ, Эски Сабот, Пушофур, Мўғул, Чакан, Фируз, Нишопур, Шаҳристон, Сарой, Ҳильён, Иторчи, Чун, Манғит, Кенагас, Янги Ариф, Фончи, Гозон, Дара, Хўжа Тоҳир, Нажмиддин, Қизил Курғит, Бекобод, Хайробод. Эмди Гунашбону ойимнинг маҳри битдиму» деди.

Алқисса, Кўрқушнинг маҳр солишиға ва Куйкунак олишиға бирнечча қушлар ҳайрон қолиб, бир-бирларига айтушур эрдиларким: «Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ».

Куйкунак дарҳол туруб айдиким: «Баракалло, сизнинг жувонмардлигингизга. Маъракада бизни сўзлагу-

¹ Булбул.

дек ҳолимиз қолмади. Маҳр солишиңгизга ҳозир турган туорлар инсоф ва офарин қилдилар. Лекин Хайробод бизга мувофиқ тушмади».

Кўрқуш айди: «Сабаб недур?»

Куйкунак айди: «Дарёга ёвуқдур. Зероки, Бойўғли халқи сувдин эҳтиroz этарлар. Мунинг ўрнига Муғни солинг».

Кўрқуш айди: «Хўб бўлубдур. Шошманг. «Муғ» атвон — луғати бор. Луғати юқорида мазкур бўлган тошкандлик Муҳаммадхўжа Ҳожидек юруш йўлини йўқотиб, мумсиклар афъоли анга мақбул ва марғуб тушубдур. «Мўнглуғ» бўлурға оз қолибдур. Яна бир сафарлик ҳоли бор. Кеч кузгача ани солиб бермоққа мен кафил» деди.

Куйкунак ҳазордастон сари боқиб ишорат қилдиким «Хутба бошланг»... Андин кейин Гунашбону ойимни янгалар олиб, Кулонкирсултонга қўшдилар. Кулонкир султон, Гунашбону ойим иккилари муродларига етилар,





ҒАЗАЛЛАР

Г

ола кўксидек бағрим таҳ-батаҳ қаро қонлар
Ҳажр ибтилосидин найлай, эй мусулмонлар.

Ғамза ўқидин ҳар ён бош чиқардилар чандон,
Жисми нотавонимдин даста-даста пайконлар.

Бир дам айла мардумлиғ дийдам ичра манзил қил.
Дурру лаъл сочсунлар мақдамингга мижгонлар.

Ваъдалар қилиб эдинг, шод этай сани ғамдин,
Ушбу ғамда жон бердим қони аҳду паймонлар.

Сен нечук паридурсан, топмадим сўроғингни,
Кезмишам қуюн янглиғ водию биёбонлар.

Гулханийни қон тортди азми кўйи ёр этти,
Қатл этарга мижгонлар чекти тифи урёнлар.

* * *

Кўнгул озодадур, дунёга арзи эҳтиёж этмаз.
Тариқат солики бу йўлда майли издивож этмаз.

Дили вайронадин, жоно таваққу ўқилма доғингни,
Бузулган мулкдин, албаттаким, султон хирож этмаз,

Этокинг тутқоли кўнглумда андоғ тебрамак гўё,
Тутуб набзим табиби шаҳр, идроки мизож этмаз.

Раҳи ишқингда дарду доғи ҳижронинг матоимдур,
Қароқчи айламас торож онинг кимса бож этмаз.

Асири қоматинг гар соядек тупроққа ястанмиш,
Гадойи даргаҳинг ҳам орзуйи тахту тож этмаз.

Сен ўз динингни туз, зоҳид, мени кўп йўлдин озғурма,
Бу сурат шамъ ёндурудунг зиёси пур ривож этмаз.

Қаму бемора лаълидин шифо бермиш Масиҳ осо,
Надин ул шўх англаб, Гулханий, дардинг илож этмаз.

* * *

Терламиш май тобидин гулбарги рухсорин кўрунг,
Раҳзани дин ўлди тори зулфи зуннорин кўрунг.

Белу оғзидин нишон гар бир сари мё десалар,
Айларам инкору иқрор этмазам ворин кўрунг.

Ўз маконини тилар ҳар гаҳ қафасдин қочса қуш,
Эйки истарсиз кўнгулни зулфи ҳар торин кўрунг.

Ғамзаси жоним олур, новаклари бағрим тилар,
Золими бераҳм озор узра озорин кўрунг.

Соқиё, ҳажр илгига хуноба ютдим, Гулханий,
Ғайр ила базм ичра они жоми саршорин кўрунг.

* * *

Етмади Мажнунға мен кўрган балолардин бири,
Ҳажр водийси аро чеккан жафолардин бири.

Раҳм этиб, ҳолимни сўрмаслар кўрунг бедодлиғ,
Сийимбарлардин бири, гулгун қаболардин бири,

Доша изҳор айлади Фарҳод Ширин дардини,
Ишқ ойинида улдур беҳаёлардин бири.

Қошу кўзу холу зулфи бирла улфат тутма чўх,
Қилмасун расво сени юзи қаролардин бири.

Сенга, эй Мажнун, жунун илмида таслим айларам.
Сен расолардин бири, мен норасолардин бири.

Гулханий, тинмай дуо қилғил шаҳи волони сен,
Негаким ул подшоҳдур, сен гадолардин бири,





НОДИРА





Н

одиранинг асл номи Комила бўлиб, уни Моҳлар ойим деб ҳам атаганлар. Нодира ўзбекларнинг минг уруғидан бўлиб, унинг отаси Раҳмонқул оталиқ Андижоннинг йирик феодалларидан эди.

Нодиранинг гўзаллиги ва ақл-фаросати тегра ёққа маълум бўлган. Умархон унга уйлангач, Нодира аввал Марғилонга, сўнгра эса Қўқонга келади.

Нодира шеърларининг асосий мазмунини самимий муҳаббёт, вафодорлик, ҳижрон уқубатларидан шикоят ташкил этади. Нодира шеърлари ўзининг юксак бадиийлиги, образлилиги, оҳангдорлиги билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳам улар ҳалқ оғасида кенг ёйилган, музикага солиб кўйланган ва ҳозиғча энг севимили ҳалқ ашулалари сифатида концерт ғепертуарларида алоҳида ўрин эгаллаб келади.

1842 йили Қўқон хонлиги билан Бухоро хонлиги ўртасида давом этган кураш натижасида Бухоро лашкари Қўқонни эгаллайди. Бухоро амири Насруллонинг буйруғи билан Қўқон хони Муҳаммад Алихон ва унинг укаси Султон Муҳаммадхон (Нодиранинг ўғиллари) ва унинг (Муҳаммад Алихоннинг) кичик ёшли фарзанди Муҳаммад Аминхон дорга осиб ўлдирилади. Нодира ҳам қатл этилади.

Нодира девонининг ягона қўйл ёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади.

Ушбу тўпламга киритилган шеърлар ана шу девондан олинди.

Шоирнинг тожик тилида ёзган шеърлари алоҳида девонни ташкил этади. Бу девон ҳам шу институтдадир.



ГАЗАЛЛАР

✓

Г

иёу ҳирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмагум, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

Санамлар ишқина тоқат қилолмайин ночор
Ёшунди савмаага зуҳд ўлуб баҳонаи шайх.

Риёу зарқ тариқида ташнаком ўлур
Сароби баҳри хаёлоти бегиронаи шайх.

Хамуш этарман ани бир шарори оҳ била
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.

Кўнгуллар ўлди совуқ суҳбатидин афсурда,
Эрур чу боди хазон оҳи ошиқонаи шайх.

Берур ғуурур ила оройиши фашу дастор
Ки худнамолиғ эрур зеби корхонаи шайх.

Топилса Нодира бир шайхи орифи комил
Бошим ҳавосин этай назри остоонаи шайх.

* * *

Мени жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,
Қилурму хору хашак тоби шуълаи ғайрат.

Чекарда жон манга тақлид қилмасун Фарҳод,
Фироқ тогида беҳуда чекмасун кулфат.

Манга баробар эмас Қўҳкан билан Мажнун,
Аларда юз ғам эди, лек менда минг ҳасрат.

Жаҳонда бўйла ки бўлмишмен ишқ ойинаси
Манга зиёда бўлур ёр ҳуснидин ҳайрат.

Ғамимни заррасини тоғларга арз этсам,
Таҳаммул айламагай тоғ келтуруб тоқат.

Бу дарду ғамки ани нотавон кўнгул кўтарур
Муҳаббат аҳлиға юздин бири эрур оғат.

Ғамимни шарҳини юз минггидин бирини дедим,
Фалак ани кўтарурда хам айлади қомат.

Бу ғамни тоғ кўтармас эди, валек манга
Берид таҳаммулини қўйди жонима миннат.

Сипеҳр мартабай ишқни баланд кўруб,
Дедики, Нодирани ҳимматига юз раҳмат.

* * *

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат
Ифторда ёрсиз на лаззат.

Ёр айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Эл барча висол базмида шод,
То субҳ чекиб суруди ишрат.

Ҳар шом менга наволаи ғам
Ифтор қилурға бўлди қисмат.

Моҳи рамазонки, файзи чўқдур,
Мен хастага ёрсиз на роҳат.

Ҳар шом кўзумни ёши шамъим,
Хуни жигарим бажойи шарбат.

Ҳижрон ила рўза жавр этолмас
Гар ёр эса Нодира саломат,

* * *

Эй хушо, шиша аро обиҳаёти ҳукамо,
Ким они ҳар киши ким ичса бўлур хизрнамо,

Ҳукамо ишқ маризиға буюрмиш майи ноб,
Ҳажр дардиға демишлар бу муфарриҳни даво.

Бодадин айлама парҳез, дамодам қадаҳ ич,
Келди мазмум муҳаббат йўлида зуҳду риё,

Бўлди гул мавсими-ю, майкадалар жонибидин,
Муждаи айшу тараб еткурадур боди сабо.

Эй хуш, ул ринди май ошоми сияҳ маст мудом,
Жоми май илгига, олида сабуву мино.

Ғусса паймонасида хуни дил ошом айлар
Бодадин ҳар кишиким айлар эса истиғно,

Зоҳидо, гар десанг ишқ аҳлига расво бўлмай,
Демагил майкада авбошиға кўп чуну чаро.

Бода муштоқиға лутф айла қадаҳ тут соқий,
Йўқса Жамшедға ҳам айламади жом вафо.

Нодира жоми муҳаббатни лаболаб ичибон,
Мастлиқ бирла қиласай ишқ намозини адo.

* * *

Қел санга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо.
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон
фидо.

Лаъли лабинг фироқида хуни жигар ғизо менга,
Сарв қадинг ҳавосида жон этарам равон фидо.

Айшу-нишоти оғият дарду ғамингни садқаси.
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон фидо.

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга қўй қадам,
Ҳоки раҳингга айларам чашми гуҳарфишон фидо.

Гарчи менинг элимдадур, ҳосили мулки мамлакат,
Етса висолинг айларам барчаи ройигон фидо.

Йиғлама эмди, эй кўзим, тўкма юракни қонини,
Доғини тоза айладим, қониға бўлди қон фидо,

Нодираи ғазал саро назмини кўрса ногаҳон
Дурру жавоҳирин қилур фикриға баҳру қон фидо.

* * *

Ғунчадек оғзи аро ул лутфи гуфтори ажаб,
Сунъ илги йўқдин изҳор айлаган бори ажаб,

Олди кўнгул қушларин ҳар лаҳза мушкин турраси
Ёли шоҳиндуруки, сайд айларда таррори ажаб.

Баски мажнундур аниг ҳуснига гулшан гуллари,
Ғунчалардиндур чаман бўйнида тумори ажаб.

Айлади ошуфта табъимни паришон турраси,
Қилди бахтимни қаро холи ситамкори ажаб.

Кўзидин озурдамену қошидин озурдароқ,
Зор аҳволимға озор узра озори ажаб.

Ҳар қачонким ноз этиб чиқса майи гулфом ичиб,
Қси тўкар майдек дамодам чашми хуммори ажаб.

Ёр васли бирла одат айлаб эрдим, Нодира,
Андин айру менга бир дам сабр изҳори ажаб.

* * *

Тийрадур субҳи нашотим, соқиё, келтур шароб.
Шоми ҳижрон зулматида жоми майдур офтоб.

Моҳи тобон юзлугум, ҳар лаҳза ёд этсам сени,
Дуд бағримдин чиқар ўт ичра тушгандек кабоб.

Банд этиб зулфинг аро кўнглимни озод этганинг,
Қуи учургандек эрур боғлаб аёғига таноб.

Қошки оҳим насимидин таҳаррук айласа,
Ёрким рухсорига гул баргидин солмиш ишқоб.

Ҳажр ошуби балодурким, ани ташвишидин
Қатрай симоб янглиғ кўнглум айлар изтироб.

Шод эди ул шоҳи даврон васли бирла хотирим,
Айш давронига солди даври гардун инқилоб.

Бевафолардек сени ҳаргиз фаромуш айламас,
Нодира ёдингни айлар то дами явмул-ҳисоб.

* * *

Ғазаб бирла нигорим ўтди ёнимдин шитоб айлаб,
Юзин кўргунча ўлдурди мени ҳажри азоб айлаб.

Пари янглиғ назардин чеҳра пинҳон этти ул маҳваш,
Фироқу ҳажр жомидин мени маству хароб айлаб.

Қўнгул шодоб эрди журъан жоми висолидин,
Солиб ҳижрон ўтиға кетти, бағримни кабоб айлаб.

Муруватт айла, жоно, сендин айру тийрадур айшим,
Ёрут кулбамни бир тун оразингни офтоб айлаб.

Ичармен май дамодам ёр лаълини хуморидин
Мени майхонадин манъ этма, зоҳид, иҳтисоб айлаб.

Ҳисоб этмоққа чарх анжумларин бор эҳтимол анда,
Менинг доғи дилимни лек бўлмайдир ҳисоб айлаб.

Лабидин айру қон ютмоқ ишимдур борғил, эй соқи,
Манга беҳуда кулфат берма таклифи шароб айлаб.

Дариғо, кетти оҳир гавҳари мақсад илгимдин,
Топиб эрдим сени маҳбублардин интихоб айлаб.

Вафо сарлавҳи узра Нодира мавзун каломини
Ёзар таҳсини шеъри хисрави олий жаноб айлаб.

* * *

Сайд этди мени ул икки қуллоб,
Бўйнимда каманди зулфи пуртоб.

Қошини қиличиға бўюн сун,
Ошиққа будур тариқи одоб.

Гулхан кулида фароғат этган
Қилмас ҳаваси самури санжоб.

Гирдоб эрур кўзимни ёши,
Ошиқни ҳалок этар бу гирдоб.

Ором топарму чарх даври
Доим ҳаракат этар бу дўлоб.

Оlam элида вафо топилмас,
Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб.

Қондур жигарим лабидин айру
Келтур менга, соқиё, майи ноб.

Ушшоқ мисоли корвондур
Ул қофилада эрур вафо боб.

Ёш ўрнида, Нодира, кўзумдин
Ҳажрида оқар мудом хуноб.

* * *

Агар гулшанға кирса сарви гулрўим хиром айлаб,
Югургай сарву гул юз марҳабо бирла салом айлаб.

Хиромон келди ёру қомати таъзимиға бехуд
Ииқилдим соядек ерга тураға илтизом айлаб.

Қилурга кундузимни кеча хур shedи жамол узра
Паришон айлади гисуларин, субҳимни шом айлаб.

Сиҳиқадлар паноҳи, гулжабинлар подшоҳисан,
Чаманда сарвни озод этар қаддинг ғулом айлаб.

Хушо оқилки, айлаб яхшилиғ бунёдини маҳкам
Үтар бу дайри фонидин ўзини некном айлаб.

Масиҳ азми сафар айлаб қуёшға бўлди ҳамсоя,
Бўлур ҳиммат билә афлөк устида мақом айлаб.

Ғазоли умрким, ваҳшатдадур пайваста рам бирла,
Бўлурму юз минг афсун бирла бу ваҳшийни ром айлаб.

Кўнгул сайд этгани омода қилмиш ишқ сайёди,
Парирўлар каманди ҳалқаи зулфини дом айлаб.

Қалам таҳрир этарда найшакардин бўлса тонг эрмас,
Лабинг васфини айлар Нодира ширин калом айлаб.

* * *

На гул сайр айла, на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.

Узору қадду рафтордингни кўрсат,
Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмурдурмен жоми май тут,
Карам қил, соқиё, дафъи хумор эт.

Аналҳақ можаросин айладинг фош,
Кел, эй Мансур, истиқболи дор эт.

Дури ашку ақиқу хуни дилни
Келур ёринг аёғига нисор эт.

Куюб, эй Нодира, олам элига
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

* * *

Эй сабо, рози дилимни бехабар ёримға айт,
Дардлиғ кўнглумни аҳволини дилдоримға айт.

Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарҳ этиб бу можарони лоларухсоримға айт.

Фурқат ичра тушти савдойи Зулайҳо бошима,
Қиммати Юсуф баҳо топти харидоримға айт.

Лутф этиб сўрса мени ҳолимни ул номеҳрибон,
Ўлди ҳижронингда деб, ёри вафодоримға айт.

Сендин айру талх ком этти дебон заҳри фироқ,
Ёшурун дардимни ул лаъли шакарборимға айт.

Юз салом айдим, на бўлғай бир йўли ул ҳам деса
Бу саломимни ўшал ошуфтаи зоримға айт.

Нодира сенсиз тириклиқдин на роҳат кўрди деб,
Ул ҳумоюн толеи фарҳунда атворимға айт.

* * *

Рафиқо, менга бир дам дўстлуғ расмини изҳор эт,
Ки мен бордим ўзимдин ёр агар келса хабардор эт.

Қачон ишқ аҳлиниң ўлтурмоғини ихтиёр этсанг,
Жафо тифи билан аввал мени бағримни ағфор эт,

Ҳақорат бирла, эй соқий, боқар майхона аҳлиға
Сунуб бир жом май зоҳидни анда нақши девор эт.

Мени ҳолимға йиғлар дашту саҳроларда ваҳшийлар,
Агар кўйига борсанг, эй сабо, ёримға изҳор эт.

Эрур пири муғондин бу башорат турғил, эй соқий,
Лаболаб жом ила зоҳидни даъвосини бекор эт.

Қадинг раъно, ниҳоли сарвдур, жоно, хиром айлаб,
Чаман гулгаштида товусқа [сен] таълими рафтор эт.

Юмулмас кўзларим, эй моҳи тобон, иштиёқингдин,
Чиқиб ер остидин муштоқларға арзи дийдор эт.

Зулайҳо муштариждур ганжи гавҳар бирла васлиға,
Жаҳон аҳлини Юсуфдек жамолингға харидор эт.

Гули савсан очилди бенаволиғ қилма, эй булбул,
Чаманда Нодира ашъори бирла нолай зор эт,

МУҲАББАТ

* * *

Эй зулфи сиёҳи ту шабистони муҳаббат,
Анвори жамолат маҳи тобони муҳаббат,

Бе ҳарфи хушат зиндаги нест ба дилҳо,
Жононии лаъли лаби ту жони муҳаббат,

Дил хун шуду жон доғ шуду ҳоли сияҳ ҳам,
Аз дasti ту дasti ман домони муҳаббат.

Бошад рухи ту маъданни раънойи хўбий,
Бошад дили ғам парвари ман кони муҳаббат.

Афғани ғами, оҳи жафоу ситами доғ
Инаст ба даврони ту сомони муҳаббат.

Охир адаби ишқ ба саҳройи жунун зад,
Бишкаст жафоҳойи ту паймони муҳаббат.

То заҳми жигар сухтагонро ситам орад,
Жуз лаъли лабат нест намакдони муҳаббат.

То чанд куни хоки мазаллат ба сари мо,
Эй жони муҳаббат машкан шаъни муҳаббат.

Хоҳи ситаму зулм намо, хоҳи иноят,
Макнуна¹ бувад бандайи фармони муҳаббат.

¹ Нодира тожикча шеърларини Макнуна тахаллуси билан ёзган.





ҲОҲ





M

, аъдалихон Умархон ўғли 1808 йилда Қўқонда туғилган Унинг онаси машҳур шоира Нодирадир. Маъдалихон ёшлигидан бошлаб Умархон саройининг дабдабали мұхитида тарбияланди. Айш-ишрат мажлислариға, адабий ўтиришларга қатнашиб ўсди. Бу адабий мажлислар унга жиддий таъсир қолдирған ва ёш Маъдалихонни «мажнун сифат», шоир табиат тарбияланишига сабабчи бўлган эди.

Маъдалихон отаси ўлгач, унинг ўрнига 1822 йилда хон кўтарилиди ва 21 йил хонлик қилди.

Унинг даврида қурилиш, ариқ қазиш ишлари ва маданий-адабий ишлар давом этди. Қўқондаги бир катта мадраса ва Ҳонариқ номли канал Маъдалихоннинг номи билан боғланган. Маъдалининг қилган ишлари орасида кишининг диққатини ўзига тортадиган бир жиҳат, унинг руҳонийлар билан чиқишлоғанидир. Маъдалихондан илгари Қўқон хонлигига хўжалар, сайидлар, умуман руҳонийларнинг роли жуда катта эди. Ҳонликнинг сиёсати шу гуруҳнинг қўлида бўлиб, Умархон даврида улар айниқса авж олган, ҳукуматнинг турли мансабларини ўз қўлларига олган эдилар. Маъдалихон мана шу гуруҳга қарши сиёсат тутди. Уларнинг кўпларини мансабдангина эмас, мамлакатдан ҳам қувди. Бу қувилганлар Бухорога тўпландилар. У ерда Маъдалихонга қарши «Маъдали ўз ўғай оналаридан бирини хотинликка олган. Бу коғирдан Фарғонани қутқариш керак», деб ташвиқот олиб бордилар ва фитна ўюштирдилар. Шу асосда Бухоро хони Амир Насруллога ариза бердилар, Халқ ўртасида Нас-

рулло қассоб деб ном чиқарган бу хон шу қутқуларни баҳона қилиб Фарғонага ҳужум қилди. Маъдалихон атрофидагилар қочабошладилар. Натижада Маъдалихон енгилиб, Амир Насруллонинг қўлига тушди. Укаси, ўғли, онаси Нодиралар билан бирликда 1842 йилда ўлдирилди.

Маъдалихон ўз замонасининг яхши шоирларидан ҳисобланар эди. У, шеърда Хон тахаллусини ишлатар эди. Ундан бир кичик девон қолган ва шеърларининг бир қисми турли баёзларда босилган. Хон бундан бошқа яна Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» ига ўхшатиб «Лайли ва Мажнун» номли бир достон ёза бошлаган бўлса ҳам, тамомлай олмаган. Умуман, Хон Фузулий шеърларининг қаттиқ таъсири остида ёзар эди.





D

ФАЗАЛЛАР

ирилур зор таним лаъли дурахшонингдин,
Очилур уқдаи дил ғунчай хандонингдин.

Чарх овжина бироқдим адами шуълаи оҳ,
Дун кеча ҳасрати ул сарви хиромонингдин.

Верирам истадигинг жон эса, йўх имкони,
Подшоҳим, банга чихмак сени фармонингдин.

Зарра-зарра шарари чарха чиқан анжумдур,
Ўда ёққож таними оташи ҳижронингдин.

Қатра-қатра сочилур қон гежалар чашмимдин,
Руҳи гулгунунг ила зулфи паришонингдин.

Гежа ўлдуқча фалак ера бироқса гунашин
На ажаб шаъшаъи меҳри дурафшонингдин.

Бир ёлон сўз ила чўх инжима, эй моҳлиқо,
Ишқ мулкини мусаххар эдажак Хонингдин.

* * *

Қасб айламадим гарди раҳи симбаримдин
Бир зарра дагил суд баним чашми таримдин.

Нарм этмади қотти дилинин сочилан ашким,
Афсус баним тоша соташқон гуҳаримдин.

Ул золими огоҳ сонур ҳолима кўнглум
Бечора хабардор дагил бехабаримдин.

Бинг булбули хомуш эдарам ўлмаса ваҳмим
Ким инжила гулрух санамим нолаларимдин.

Оҳим ўди меҳрингда сурайёя эришди,
Эй моҳ, соқин чарха буроҳан шарапимдин.

Хоннинг дили пурхунина раҳм ила муурур эт,
Гездуқда сабо ул юзи гулбарги таримдин,

* * *

Оҳқим дўқди фалак қоними мижгонимдин,
Қилмади бок дамодам дўкулан қонимдин.

Мавжи тӯфони бало бошима дўндуруди фалак
То жудо этди ҳазин жоними жононимдин.

Кўнглими сели бало бирла хароб этди сипеҳр,
Бўлур обод ғубори дили вайронимдин.

Кечалар ғунча каби кўнглими қон боғладуғи,
Субҳлар зоҳир ўлуб чоки гирибонимдин.

Оҳқим ҳажр туни қочди дилим ҳасратидин,
Соя ҳам кетди фироқинг кечаси ёнимдин.

Шамъ узун тил била ёнмиш, негаким зулми ўди
Ҳаддим эрмас демага ғуссаи пинҳонимдин.

Эй кўнгул, сонмаки зоил бўлур ошуфталиғим
Жамъ қил хотиринги ҳоли паришонимдин.

Субҳ-ла дидаи гирёнима раҳм айла, сабо,
Бир хабар бер менга ул ғунчай хандонимдин.

Хон каби маҳвашим шамъи руҳин ёд эдарам,
Ёнажакдур фалак оҳи дили сўзонимдин.

* * *

Ойру душдим яна ул ғунчай хандонимдин,
Нўла гар тинмаса эл нолаю афғонимдин.

Дамбадам орази ёди ила ашким гуҳари
Қатра-қатра сочилик дидай гирёнимдин.

Кетди алдин хами зулфию паришон ўлдум,
Воқиф ўлмаз баним аҳволи паришонимдин.

Рўзгорим қорадур зулфи киби ул моҳинг
То қадам чекти баним кулбай иҳзонимдин.

Эй сабо, куйина гар душса гузоринг ногоҳ
Веракўр бир хабар ул сарви хиромонимдин.

Бош чекар шуълаи оҳим шараги гардуна,
Ҳазар этмазми фалак оташи сўзонимдин.

Жисми зорим ўда ёндириди ғами пинҳони,
Оҳим огоҳ эмас ул ғами пинҳонимдин.

Яшуруб ер юзини сийми сиришким гуҳари,
Неча йилдурки кетиб сиймбарим ёнимдин.

Нўла Хонинг киби гар узсам илик жонимдин
Гардиши чарх айирди бани жононимдин.

МУХАММАС

Паричеҳралар кўп жафо қилдилар,
Ғаму дард билан мубтало қилдилар,
Муҳаббат била ошна қилдилар,
Мени рўзгорим қаро қилдилар,
Жафокорлардур, жафокорлар.

Алар ишқида хастаю зормен,
Қаро кўзлари бирла bemormen,
Жафо тиғидин бағри афгормен,
На зулм этсалар жонима, ёрмен,
Дилозорлардур, дилозорлар.

Шаҳи мулки Ҳомун қилурлар мени,
Бу дашт ичра Мажнун қилурлар мени,
Сиришкимни Жайҳун қилурлар мени,
Кўзим ёши гулгун қилурлар мени,
Ситамкорлардур, ситамкорлар.

Чу мен қоши ёларни қурбониям,
Гирифтори зинданни ҳижрониям,
Бу қотиллари асру ҳайрониям,
Алар куштай тифи паррониям,
Бу хунхорлардур, бу хунхорлар.

Қадим ҳамлиги қошлари ёсидин,
Хароб ўлмағим чашми шаҳлосидин,
Кўзим қони лаъли тамошосидин,
Жунуним ўшал зулф савдосидин,
Нигунсорлардир, нигунсорлар,

Кўзингдур менга фитна барпо қиласан,
Бошим узра юз шўру ғавғо қиласан,
Мени олам аҳлиға расво қиласан,
Кўнгул маҳзани ичра яғмо қиласан,
Бу айёллардур, бу айёллар.

Чаманда хиром айламиш ул пари,
Қилиб жилва андоқки кабки дари,
Юз устида гул баргидин чодари,
Боши узра солмиш қизил меъжари,
Гули норлардур, гули норлар.

Ажойиб ки бу бир неча дилрабо,
Демасларки бу шоҳ эрур, ё гадо,
Агарчанд хони замонам, банго,
Ҳама элдин ортиқ қилурлар жафо,
Ажаб ёрлардур, ажаб ёрлар.



НОДИР





«ҲАФТ ГУЛШАН»

(Умархон вафотидан кейин Нодирага багишилаб ёзилган)

M

ҳикоят

усофири хомайи мушкин шамома,
Жаҳон лавҳига мундоғ ёзди нома:
Бор эрди Рум аро бир хишт резе,
Бисотида топилмай бир пашезе.
Жаҳон гулзори ичра ўтти ноком,
Тирикликдин узулди меваси ҳом.
Анинг бир ўғли бор эрди аламлиқ,
Кечиб умри жафо уйида ғамлиқ.
Тани оғат қушиға эрди дона,
Ҳаводис ўқиға кўнгли нишона.
Атодин қолмади мерос амвол,
Анга жуз қолаби фарсуда аҳвол,
Ғам аҳли хотири янглиғ бузулғон,
Анинг тўрт гўшаси ҳар ён узулғон.
Бу ҳасратдин кўзини об айлаб,
Кўнгул гулзорини хуноб айлаб.
Аносиға деди ул босаодат:
— Неча кунлар манга берсанг ижозат,
Сафар айлаб, бошим олиб кетойин,
Ўзум ҳар ён юрубон сайд этойин,
Сафарнинг меҳнати аъзони ранжи,
Эрур хори ватан кўнгул шиканжи.
Аноси манъи учун қилди ибром,
Ани кўнгил қуши топмоди ором.
Ҳавоий сайд ани бошиға тушуб,
Бориб савдо эли бирла кўрушуб.
Неча ой юрди савдогар била йўл,
Тамошо айлабон кўп дашт ила чўл.

Ҳама сурди Адан мулкига маҳмил,
Қилиб савдо эли бир ерға манзил.
Аларға ул макон эрди муайян,
Зару зевар била топғон музайян.
Назар қилмай бирор ул бенавоға,
Ҳама машғул ўлуб байъу широға.
Ғаму меҳнат ўзиға ёри айлаб,
Кўзин ёшин юзига жори айлаб.
Бориб вайронида топти ором,
Сариф юз, қон ёш ила субҳдин шом.
Қелибон корвони кишвари жуъ,
Ҳаё савдогарини қилди мамнӯъ.
Қаро тун кўз чироги хира қилди,
Кўнгул ойинасини тира қилди.
Ўшал дам ихтиёр этти гадолиғ,
Қилиб ҳар тун бу янглиғ бенаволиғ,
Қазодин бор эди ул ерда бир бой,
Анинг қизи эди гўё тўлун ой,
Не ой ул, офтоби ховаридек,
Ики лаб ики гул барги таридек.
Эди бошдин аёғ ганижи илоҳи,
Ики аждар, ики зулфи сиёҳи.
Қилиб бир хоине анга хиёнат,
Тушуб эрди ўшал ганж узра офат.
Ушотиб эрди ул маҳкам тилисмин,
Уруб хат барги гулға ёзған исмин.
Эди ул бир ғани ўғлиға тазвиж,
Экав моли баробар ила тадриж.
Ўтиб бир йил аларнинг рўзгори,
Уруш эрди жамии кору бори,
Мувофиқ ишлари эрди мухолиф,
Мубаддал амният мулкиға хониф.
Садоқат риштаси ул дам узулди,
Ани сарриштаи уйи бузулди.
Йигит ул нозанинға қаҳр айлаб,
Маишат шарбатини заҳр айлаб,
Қилибон ул замони уч талоқ ул,
Ғазабдин ўртага солди фироқ ул.
Ўшал сайёди беидроки мағрур,
Ўшандоқ қушни кўлдин айлади дур.
Учуб қўнди атосин хонасиға,
Таваллуд айлаган кошонасиға.
Муаттар айлади ул ерки бўйи,

Ки тўлди бахту давлат бирла уйи.
Неча кун ўтди ул уй ичра муддат,
Шариат ойи бирла чиқти иддат.
Фазойил ҳалқи айлаб раҳнамолик,
Ки то эткай экави ошнолик.
Келиш, бориш ароди бўлди кам, кам,
Ки ақд ила узуқ то бўлса маҳкам.
Иложин топмадилар аҳли такмил,
Шариат ҳукми бирла ғайри таҳлил.
Киши то қилмаса они ҳалола,
Ки тушгай маъсият бирла вубола.
Бу сирдин айладилар барча кенгаш,
Халойиқ ичра ногаҳ бўлмағай фош.
Агар шаҳр элидин бўлса мароми,
Қилур беобрў номусу номи.
Бу дамда топтилар хиштрэзода,
Ким олғай мол, пулдин истифода.
Фарибу муфлису зору гадодур,
Бу ерда молу пулга ошнодур.
Шариат ҳукми бирла ушбу муфлис,
Бўлур бону била бир кеча мунис.
Талоқ айлаб кетар ул аввали субҳ,
Бу иш номус элиға бўлмағай қубҳ.
Олиб келди шабистонига мухбир,
Эшникда турдилар бирнечча ҳозир.
Назар қилди, кўрунди бир париваш,
Кўнгилни офати, бераҳми саркаш.
Анингдек кўрмаган ҳаргиз тушида,
Гаҳе беҳуш эди, гоҳе ҳушида.
Бўлуб маҳкам анинг бошдин аёғи,
Ики зулфи бўлуб банду тузоги.
Висол ичра они кўйдурди ҳажри,
Ки ширин жонидин тўйдурди ҳажри,
Тушуб кўнглига онинг буду асли,
Бўлубон талх анда ёр васли,
Танин ўртади жонининг сафири,
Бўлуб эрди анинг зору асири.
Неча тадбир ила ул зори ноком,
Ўшал қушни ўзига айлади ром.
Каманди ҳийла бирла банд қилди,
Аёғин бандига пайванд қилди.
Деди:— Эй, гул узори моҳи оғоқ,
Ки ишқ ичра юроким айладинг тоқ.

На кўрдунг ул қадимғи бевафодин,
Кўнгил уйинда жуз жавру жафодин.
Узук йипға улоқдур раҳнамуни,
Ва лекин ўртада қолғай тугуни.
Сен эй дур, қимматингни мен билурман,
Нисоринг жавҳари жоним қилурман.
Юзунгни бир кўруб бўлдум гирифтор,
Манингдек йўқ санга ҳаргиз харидор,
Ёрут кўзумни шамъи хона янглиғ,
Куюбман васл аро парвона янглиғ.
Сен эй жоним, мани бечора қилма,
Эшикларда басе овора қилма.
Пари пайкар этиб бу сўзни таҳқиқ,
Тасаввур айладио қилди тасдиқ.
Ародা аҳду паймон бўлди маҳкам,
Гадо бўлди бу ишдин шоду хуррам.
Чу қилди бу қора тун зони парвоз.
Баланд этти хуруси субҳ овоз.
Нигоҳбон уйқудин бедор этти,
Маишат мастини ҳушёр этти.
Деди:— Эй меҳмонким қолма йўлдин,
Гадолиқ шевасини берма қўлдин.
Бу молу тангани айла захира,
Ўзунгни тўйдуруб нону фатира.
Бу элнинг обрўси то тўкулмай,
Либоси нангу номуси сўкулмай,
Талоқ айла будам зебо санамни,
Иироқ кишвар сари қўйғил қадамни.
Ким ул маҳзуни дарди бедаволиқ.
Қоқиб ул ерда кўси беҳаёлиқ.
Деди:— Не деб маним уйим бузарсиз,
Тазаввуж ақдини қайдин узарсиз?
Шариат бирла истиҳком топган,
Бу ишдин жону дил ором топган.
Ҳама ҳайрон гадонинг ишлариға.
Тафаккур илгин элтиб тищлариға.
Тонг отди, кун ёруди, ушбу мазкур
Маҳалла халқи ичра бўлди машҳур.
Қилибон машварат элнинг тамоми,
Йиғилиб келди барча хосу оми,
Шариат ҳукмини андеша айлаб,
Дедилар яхшилиғин пеша айлаб:
Эшикларда юрган бир гадосен,

Фақиру муфлису бас бенавосен.
Ғани эрур басе қизнинг атоси,
Неча Ҳотам эрур онинг гадоси,
Анинг қизи билан ҳамкуф¹ эмассан.
Анинг бирла баробарман демассан.
Тамом ўлди анга бозийи шатранж,
Яқиндур мот ўлғай ул сухан санж.
Ҳам ул дам қоматин озод айлаб.
Аларға ҳилае бунёд айлаб.
Деди:— Гар айласангиз сўзни бовар,
Баён айлай ўз аҳволимни яксар.
Анинг сўзи аларға бўлди маъқул,
Баён айларға ул дам бўлди машғул.
Деди:— Эрдим ўғул ман комронға,
Эди ул бошчи барча корвонға.
Анинг моли жаҳон мулкини туткан,
Ким онинг шуҳрати оламини туткан.
Атомни неча ўғли бор эрди,
Кечакундуз атомға ёр эрди.
Манга ул барчадин меҳри зиёда,
Алурдим мол, пулдин истифода.
Тун, оқшом базмаро ишратда эрдим,
Саломат мулкида роҳатда эрдим.
Мулозим, ходими заррин камарлар,
Мусоҳиб гул узори симбарлар.
Ҳавойи сайри олам тушти бошқа,
Солиб туфроқ, ўзум роҳатлик ошқа.
Атомдин олдим ушбу ишга рухсат,
Дилу жони била берди ижозат.
Неча тева, неча оту неча фил,
Аларга юклатиб ажноси бе қил.
Неча қулни манга ҳамроҳ этти,
Мени ул дам аларға шоҳ этти.
Неча савдоғар ила йўлға туштук.
Туну кун дашту саҳрова юруштук.
Қароқчи тегди бизларга қазодин,
Фалак титради фарёди наводин.
Тижорат аҳлини урён айладилар,
Халойиқларни гирён айладилар.
Қумошу мол ўшал дам топти торож,
Келиб эрдим буён очу яланғоч.

¹ Ҳамкуф — ҳамжинс, тенгқур.

Кишидин кўрмадим ҳеч ошнолиқ,
Бу ишдин айладим охир гадолиқ.
Умид ул ким атом топса хабарлар,
Юборгай манга оту симу зарлар.
Адан ҳалқи эшитиб бўлди ҳайрон,
Анинг ҳолига бўлди кўнгли вайрон.
Дедилар: — Комрон фарзанди бўлсанг,
Анинг тан риштасин пайванди бўлсанг,
Санга бўлсун муборак ушбу бону,
Ки айш айла анга зону базону.
Агар такзиб бўлса ушбу атвор,
Жудо қилмоқ эрур сандин сазовор.
Бу янглиғ шарт ила ул эл била бой,
Ки муҳлат айладилар анга бир ой,
Бу ранг ила аларни айлади гўл,
Ки ҳарқайси уйига туттилар йўл.
Даме ким, тотса жоми шодмондин,
Эрур беҳроқ умри жовидондин.
Висол ичра куну тун қилмади фарқ,
Анинг ҳусниға бўлди он қадар фарқ.
Утадур барқ янглиғ шодмонлиқ,
Кўрунурким ниҳоятсиз ёмонлиқ.
Дам ўтмай бўлди бир кам ўттуз озод,
Етишти бир замони вақти миод.
Тушуб эрди кўнгилга ҳажр ваҳми,
Бўлуб зойил аниг идроқ, фаҳми,
Ки ҳижрон кечаси эмди ёвуши,
Ғаму кулфат ўти бағриға тушти.
Бузулди кўнгли они, бўлди музтар.
Деди, эй подшоҳи ҳайий акбар,
Бу дардимға даво қилғучи сансан,
Ки ҳожотим раво қилғучи сансан.
Сени лутфингдин ўзга йўқ мададгор,
Эрур маълум санга ушбу асрор.
Ҳазин овоз бирла йиғлар эрди,
Худойиға муножот айлар эрди.
Қазодин ул Аданнинг подшоҳи,
Ниҳоятсиз эди хайлу сипоҳи.
Адолат мулкининг сultonи эрди,
Саховат кишварининг хони эрди.
Ки ҳар тун суратин тағиyr айлаб,
Юрурди кеча бу тазвир айлаб.
Бу янглиғ ҳол ила ул соҳиб асрор,

Бўлур эрди вилоятдин хабардор.
Дуогў ким эрур, бадҳоҳ кимдур,
Ки фосиқ ким эрур, огоҳ кимдур,
Нечук эл золим эрур, қайси мазлум,
Бўлур эрди бу ишлар анга маълум,
Берурди зулм аҳлига мукофот,
Топиб андин тазаллум аҳли ҳожот,
Бу янглиғ шевани ўзига одат
Қилиб билур эди навъни ибодат.
Бу тун ҳам подшоҳға сайд эрди,
Ани қасди бу ишдин хайр эрди.
Гадонинг байтул-аҳzonига етти,
Навоу оҳу афлонига етти.
Даранг айлаб, ҳамон дам айлади гўш,
Қилиб таъсир анга бўлди бехуш.
Келиб ҳушиға ул жонибға боқиб,
Буёнға чорлади эшикни қоқиб.
Йигит чиқтию айлади мулоқот,
Икави бир-бирини сўрдилар от.
Шоҳ онинг ҳолатини сўрди бир-бир,
Йигит аввалдин-охир этти тақрир.
Ки шаҳни ҳолати бўлди дигаргун,
Юраги бўлди пора, кўзлари хун.
Деди: мен ҳам мусо фирмани сенингдек,
Сани дардинг эрур гўё менингдек.
Дебон даргоҳиға ёнди шаҳаншоҳ,
Бўлубон ул йигит ҳолидин огоҳ.
Ким ул сulton эконин билгани йўқ,
Хаёлиға бу сурат келгани йўқ.
Кириб ўлтурди меҳнатхонасида,
Ғаму ҳасрат била кошонасида.
Чу тун зулматларин қилмоқ учун гум,
Фалак таҳтиға чиқти шоҳи анжум.
Жаҳон аҳлиға партавдин зару сим,
Қарам айлаб баробар қилди таҳсим.
Адан шоҳи бу янглиғ минди таҳтин,
Ёйиб олдиға зарбафт ила раҳтин.
Қўлиға бебаҳо дурларни олди,
Барисин жамъ этиб раҳтиға солди,
Бирорни чорлади ул хизматиға,
Ани шод этти нозу неъматиға.
Анга кўп ваъдалар бунёд қилди,
Кўнгил вайронасин обод қилди.

Вале эрмас эди бу шаҳр элидин,
Киши фаҳм айламас савту тилидин.
Бу асрор ичра они маҳрам айлаб,
Вале оғзини кўп мустаҳкам айлаб.
Деди: бу хизматим шойиста қилғил,
Тахиммул айлабон оҳиста қилғил.
Бир отға раҳту борин танг ойлаб,
Анга топшурди бу найранг айлаб.
Сўрай, сўрай фалон бой уйифа ет,
Күёвини топиб, анга бу ранг эт.
Ўпуб илгин мулоқот айлагил саҳт,
Ато айлаб анга бу от ила раҳт.
Атосифа ўзингни ходим айла.
Бу хизматни ўзингга лозим айла.
Ёниб, қайтиб мени олдимға келғил.
Фаросат айлаю, бу сўзни билғил.
Қабул айлаб ўшал дам йўлға тушти,
Топибон ул йигит бирла кўрушти,
Кўруб, йиғлаб кўзини ёш айлаб,
Шаҳ айғон сўзларини фош айлаб.
Атонг айди саломи бениҳоят,
Мулозимлорина беҳадду ғоят.
Деди: фарзандима айла тамаллуқ,
Жамиин молу пул андин тасаддуқ.
Сенинг ҳажрингда кўзи хира бўлди,
Кўнгул миръоти бул дам тира бўлди.
Эшиттиким, олибсан мунда хотун,
Аларни кўнгли бўлди анда маҳзун.
Бу эл сендин қилибдур мунда номус,
Халойиқлар этибдур анда афсус.
Юборди от ила бу раҳти борин,
Кечургай ишрат ила рўзгорин.
Бу найранг айлади, бўлди равона,
Йигит олдиға келди аҳли хона.
Бўлубон жону дил бирла харидор,
Ҳама эл бирла айлаб узри бисёр,
Йигит бу шеваға айлаб тафаккур,
Топибон ҳар замон ҳоли тағайюр,
Иккичи кун яна султони ховар.
Уруж этти мақоми таҳти ахзар.
Жаҳонға фарш этиб заррин тўшакни,
Мунаввар айлади сақфи фалакни.
Сарир узра миниб шоҳи карам кеш,

Фалақ мавкиб, малак хў, хайр андеш.
Бирони чорлади доғи бу мастиур,
Атосини тилидин ёзди маншур,
Эрур мактуб ёлғон фойибидин,
Келибдур комронни жонибидин.
Ани мазмуни ул ким эй шаҳаншоҳ,
Бўлунг фарзандим аҳволидин огоҳ.
Мени ўлтурди фарзандим фироқи
Эрур монеъ манга йўлни йироқи.
Муҳиббо, ошнолиқ ҳурматидин,
Ки фарзанду отолиқ ҳурматидин.
Кечакундуз ани базмингра хос эт,
Жафою жавру меҳнатдин халос эт.
Анга берди бу ҳижрон руқъасини,
Аён айлаб йигитни буқъасини.
Маҳалла аҳли ичра илкиға бер,
Китобатни баёнин айла тақрир.
Олиб келғил йигитни ҳазратимға,
Мушарраф айла жоҳу ҳашматимға.
Расул аиди келиб шаҳнинг паёмин,
Мубайян айлади сўзни тамомин.
Анга ҳамроҳ ўлуб қизнинг атоси,
Келиб шаҳ хизматига иккалоси.
Йигитни чорлабон олдиға олиб,
Тараҳҳум илгини бўйниға солиб,
Этиб жавру жафосига таассуф.
Қилур эрди анга ҳардам талаттуф.
Зару хилъат ила айлаб сарафроз,
Эвиға қиз атосин ёндуруб боз.
Ҳамул дам подшоҳи босаховат,
Йигит бирла қилиб ул ерда хилват,
Баён этти ҳама қилғонларини,
Анинг аҳволини билғонларини.
Деди: бўлсун бу сир эл ичра пинҳон,
Ки то топилмағай айшингга нуқсон.
Қарамдин айби узра парда ёпти,
Саховатдин ани кўнглини топти.
Қилибон барча асрорига маҳрам,
Бўлубон базми хосига мукаррам,
Фано бўлғунча шоҳи комгори,
Кечурди ушбу янглиғ рўзгори.
Кима бўлса агар давлат мұяссар,
Бу янглиғ бўлғуси бечорапарвар.

Илоҳи айла оямни мукаррам,
Ики фарзанди бирла шоду ҳуррам.
Аларнинг умрини айла зиёда,
Ҳама баста ишин қилғил күшода.
Ҳамул султон каби мискиннавоз эт,
Аларнинг тифини душман гудоз эт.
Икав бўлсин қуёш янглиғ жаҳонгир,
Жаҳон йўқ балки мулки осмон гир.
Аларнинг зотини тутғил саломат,
Замона шиддатидин келса офат.
Жаҳон гулзори ичра комрон эт.
Барини давлатидин шодмон эт.
Аларға тушмасун ҳижрон балоси,
Омон бўлсун икавининг аноси.
Илоҳи сўзларимни дил псанд эт,
Карам бирла атодин баҳраманд эт.





МАҲЗУНА





M

аҳзуна XIX асрнинг I ярмида Қўқон адабий муҳитида етишган шоиралардандир. Унинг биографиясига оид маълумотлар ва девони ҳозиргача топилган эмас. Аммо «Мажмуатуш-шуаро»да келтирилган Маҳзуна ва Фазлий ўртасидаги мушоира шоиранинг бадиий камолоти ва талантини кўрсатиб туради.





D

МУХАММАС

ўстлар, бир ҳусни беҳамтоя ошиқ бўлмишам,
Хур пайкар бир малак сиймоя ошиқ бўлмишам,
Нутқи ширин, лаъли руҳ афзоя ошиқ бўлмишам,
Ғамзаси қотил, кўзи шаҳлоя ошиқ бўлмишам,
Ҳусн элинин шоҳи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.

Кўрган эрмас ўйла бир маҳвашни чашми рўзгор,
Хулқи ширин, гулбадан, рашки чаман, насринузор,
Ноз ойину тағофул пеша, истиғношиор,
Илтифот этмас агар юз жон толиб қилсан нисор,
Бир ситамгар шўхи бепарвоя ошиқ бўлмишам.

Оразин очқач қуёш анворини айлар адам,
Жон ғизолига берур ваҳши кўзи таълими рам,
Лабларини олдида қанду асалдур мисли сам,
Зулфу қадду оразидин мунфаил боғи эрам,
Кишвари ҳусн ичра бир яктоя ошиқ бўлмишам.

Қошлиари бир-бирга пайванд, икки мушкини ҳилол,
Кўзлари юз марғзориға ики ваҳши ғизол,
Қомати боғи мурод ичра янги битган ниҳол,
Оллоҳ-оллоҳ, ким кўрубдур бу латофатлу жамол,
Ҳусн аро бир мисли нопайдоя ошиқ бўлмишам.

Ушбу ҳайрат бирла кўрган нахл кадди жилвагар,
Бовар этмас гар улус берса шаҳодат деб башар,
Орази андоқ мусаффоким, қилиб бўлмас назар,
Бадри рухсорин кўруб бўлди хижолат бу қамар,
Рашки Юсуф бир бути зебоя ошиқ бўлмишам.

Маҳвashi ҳурилиқо, гулгунқабо, гулпираҳан,
Қоши истиғно ҳилоли, гамзаси лашкаршикан,
Ғунчай хандондур оғзи, тишлари дурри Адан,
Бўлмади бир дам жамолидин ёруғ байтул-ҳазан,
Токи ул моҳи жаҳонпироя ошиқ бўлмишам.

Эй мани Маҳзун, мусофири маломат бесабаб,
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар ғазаб,
Жуз ризойи дўст ишқ аҳлига не бўлғай талаб,
Чиққали исломдин зуннор боғлаб йўқ ажаб,
Манки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

ФАЗЛИЙ ВА МАҲЗУНА ЎРТАСИДАГИ МУШОАРА

Ф а з л и й

Юз офарин сўзингга лубби любоб кўрмай,
Арзи жамол этарму ойина об кўрмай.

М а ҳ з у н а

Кимдин чиқар бу сўзлар бағрии кабоб кўрмай,
Ганж ўлмағай мұяссар ҳолин хароб кўрмай.

Ф а з л и й

Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб,
Маъни арусини бас, мен бениқоб кўрмай.

М а ҳ з у н а

Йўқ айби сўзларимни, гар бўлмаса муаддаб,
Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Ф а з л и й

Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона,
Кайфият ўлди зоҳир жоми шароб кўрмай.

М а ҳ з у н а

Бир важҳ буки табъим хом асрамиш замона,
Чархи сипеҳрдин ул ҳеч печутоб кўрмай.

Ф а з л и й

Мундоғки нуктадонсен, ким эрди устодинг
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай,

Маҳзунा

Кўп наҳрлар йиғилса дарёйи пурдур ўлғай,
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Фазлий

Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни қўйма маҳзун,
То кетмайин Намангон сендин жавоб кўрмай.

Маҳзунा

Байтул ҳазан ичинда узлат тутуб бу Маҳзун
Фазли илоҳидир бу, йўқса китоб кўрмай.





УВАЙСИЙ





Ш

оира Увайсий XIX асрнинг I ярмида Қўқон шаҳрида яшаган ва ижод этган шоиралардан биридир. Унинг асл номи Жаҳон Отин бўлиб, марғилонлик бир шоирнинг қизи бўлганини ҳикоя қиласидилар.

Увайсийнинг мукаммал қўйл ёзма девони мавжуддир. Бу девоннинг ягона нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади.

Увайсий хотин-қизлар ҳуқуқи поймол этилган, уларнинг инсоний фазилатлари камситилган бир шароитда, феодал деспотизмининг бўғиқ муҳитида яшади ва ижод этди. Шунинг учун ҳам унинг айрим шеърларида маъюслик, умидсизлик, дунёдан чекиниш оҳанглари асосий ўринни эгаллади. Аммо булар билан бир қаторда шоирнинг девонида анчагина гўзал ва нафис лирик лавҳалар ҳам учрайди.

Увайсийнинг шеърларидан ташқари «Карбалонома» достони ва «Воқиоти Мұҳаммад Алихон» сарлавҳали тугалланмаган шеърий ҳикояси ҳам биззагача етиб келган. «Карбалонома» достонида шоира халқпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик гояларини ташвиқ этади. Бу достон литографик усулда нашр этилгандир.

Увайсийнинг лирик шеърлари ва «Карбалонома» достони унинг ўз бадиий маҳорати, истедодини тинмай такомиллаштирган ва натижада ўз замонасининг етук шоирларидан бири бўлиб етишганидан дарак бериб туради.

Увайсий шеърлари халқ орасида кенг тарқалган ва ҳанузгача турли куйларга солиниб куйланиб келинади.



ҒАЗАЛЛАР

З

абонингни кетургил, эй шакарлаб тўти, гуфтора,
Нечукким марҳамат бўлсун неча мендек дилафкора.

Нигоҳинг ташлағил лутғ айлабон, эй шўхи бепарво,
Йўлунгда интизор ўлғон мани бул ошиқи зора.

Мани «лоядхулу» деб маҳрум этма, боғбон аҳли,
Азал деҳқони бағрим қонини тўкканди гулзора.

Элимда ёш ила жон хориж ўлғум икки оламдин
Кўруб қаллочлик кўрсатма зулмингни харидора.

Бағир қоним эди саҳрова буткан лолаи рангин,
Биҳамдиллаҳ, не соат кун эди санчилди дастора.

Хабардор ўл, ҳаробот аҳли ичра, соқийи даврон,
Паёпай тут аёғинг ташналаб ўлган бу хуммора.

Муяссар ўлмаса гар тоқи абру саждагоҳингдин,
На ҳосил сенга, зоҳид, ташлағил бўйнунгни зуннора.

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,
Үгурма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора,

* * *

Бўлдум дучор кўнгли қаттиғ, бағри тошқа,
Эй аҳли дил, кўнгулни берингким синошқа,

Меҳрим чунонки собит эрур хулқу хўйига,
Билмон на бўлди, ёримиудур меҳри бошқа.

Қелди муҳаббатинг, қуийи туштум, юзум тубан,
Ҳарким йиқилса тўймади ҳаргиз курошқа.

Васлингда мен ўзумни йўқотсан ажаб эмас,
Моҳ ёндашарда йўқ асари ул қуёшқа.

Кўз қийруғи била боқасен эътиroz аро,
Жоним фидо қачон бўлур ушбу қарошқа..

Эл гуфтугўйи остида хору залилмен,
Ҳаргиз, тараддуд этмадим илми маошқа.

Чарха дутар нуфуси масиҳинг берурға жон
Истар кўзунгки қатлими, қолдим талошқа.

Ҳуснингда фарзу, суннат бажо этибдурман,
Кўзга муҳаббат эттиму ҳам сажда қошқа,

Зоҳид, табоҳ ҳолима сен этма сарзаниш,
Махлуқ билмағай не келурини бошқа.

Вайси жаҳондин ўтти муродига етмайин,
Тўймоқ русум йўқтур қорин суйған ошқа.

* * *

Қимдуур ишқини, жоно, ошкор этмаз сенга,
Қимдуур кўздин жигар қонин нисор этмаз сенга.

Қимдуур шавқинг аро тарки насиҳат этмаган,
Қимдуур носиҳга душман ўзни ёр этмаз сенга.

Қимдуур фаҳму фаросатда Аёз ўлмак тилар,
Қимдуур доим умиди эътибор этмаз сенга.

Қўрса ногаҳ барҳам этмакда навоий ишвани,
Қимдуур эшкингда қуллуқ ихтиёр этмаз сенга.

Қилса Мажнун нечани ул Лайлийи кўзгу сафо,
Қимдуур эй нур кўзни интизор этмаз сенга.

Остонангга бошим қўйдум, кўтармоқ йўқ умид.
Вайси бечоранг вуболи ҳеч кор этмаз сенга.

* * *

Ваҳм қил, жонон, жунун тоши бу ағғонимдадур.
Ҳам яна ишқим шарори оҳи сўзонимдадур...

Истама таржиҳ истиғнони, сен ҳар кимсадин,
Нозу истиғно ўшал кокул паришонимдадур.

Айласам фосид хаёли бўлғали сахронишин,
Дард ила меҳнат, алам, ғам байтул-иҳzonимдадур.

Эй дило, сен шукр зикрини тилингдин қўймагил,
Бул адолатлиқ, ғарибпарварли султонимдадур.

Бурда-бурда бағрими шишлаб хаёли новакинг
Ишқ ўти ҳижрон қиличи бағри бирёнимдадур.

Ишқ бўркин кийдиму, кирдим яна майхонаға,
Кўрдум ул барг афсарин умри пушаймонимдадур.

Чайқама оғзинг маломат шаҳдида, нодида халқ,
Юз туман тўфон суйи бу чашми гирёнимдадур.

Вайси вайрон ўлса эл обод, мунда сабр қил,
Анда таъмирингни туфроғи бу вайронимдадур.

* * *

Дилимни истасанг, дилбар, хаёлинг бирла ҳар соат,
Хаёлим истасанг, субҳи висолинг бирла ҳар соат.

Қишига ишқ тегса ношикиболиғни касб этгай,
Бале хомушлиғ расми фиолинг бирла ҳар соат.

Юзунгдин гул, лабингдин хизр, нутқингдин
шакарларким,
Ки бир ҳинду бача ул юзда холинг бирла ҳар соат.

Сени топса киши қадри тунини топса тонг эрмас
Саводи кокулинг нури жамолинг бирла ҳар соат.

Ёзибдур ҳарфи номим аввалин фаҳм айла, эй маҳбуб,
Азални котиби абу ҳилолинг бирла ҳар соат.

Увайсий ёдию фикру хаёли кечаву кундуз
Дудоғинг ичраким ҳайвон зулолинг бирла ҳар соат,

* * *

Санамим, муҳаббатинг ўтидии тўла бөр эди ҳазарим
менинг.
Қайу кунда жо этиб эркин ул кўнгул ичра йўқ хабарим
менинг.

Дема ҳар каломинг аро гуҳар билаолмағай ани қадрини.
Садафингни батнида музмар эт ки сен, эй сўзи гуҳарим
менинг.

На бўлур тараҳҳум айласант лабинг орзусидин ҳар
саҳар,
Дил ариғидин ики чашмага оқа бошлади жигарим
менинг.

Нетай офтобни, бу толеим ки тулувъ этмади, ҳасрато,
Чу муруват айнида боқмадинг ҳама зер эрур забарим
менинг.

Ситами эрур кўзума адаб рўйи ўлгуси дилима талаб.
Бири сад савобдин фузун ки хатое лаб шакарим менинг.

Ажаб ўлмағай ўларам вафони йўлида марқади мажнуна,
Ки фироқ даштида йиғладим тушуб эрдигим гузарим
менинг.

Букун учрамиш нетайин, ул ой бу фалакда ғайр
саҳобиға,
Умид уз кўнгил, манга эрур ки бу шом ила саҳарим
менинг.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Мен хастай зорингни бирор айламадинг ёд,
Султон сену ҳоким сену мен кимга қиласай дод,
Умримни камолини ғаминг айлади барбод,
Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод.
Булбул каби ҳажрингда ишим нолау фарёд.

Дил ўлмаса илгимда шаробим тўкулурму,
Афсус менгаким тўкулан коса тўлурму,
Сайёд эли қайд айламай озод бўлурму,
Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму,
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд.

Эл билмади мени мажнуни мумтоз рамузин,
Кўрса киши ваҳм этгуси дарбоз рамузин,
Сарф айламадинг мен била дамсоз рамузин,
Ул мактаб ароким ўқудинг ноз рамузин,
Гўёки вафо илмин ўқутмуш эди устод.

Муҳтоҷ әрурмен туну кун аҳли сафоға,
Шояд яди покин кўтарур бўлса дуоға,
Раҳм этмади мен булбули шўрида навоға,
Ашкимни кўруб тез бўлур майли жафоға,
Ори, ўтимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Топти бу кўнгул зарраи Лайли хабаридин,
Қон бўлди хўроким мени Мажнун ҳунаридин,
Фарҳод қутулди ўлубон дардисаридин,
Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳарнечаки тоғ бағрини заҳм айлади Фарҳод.

Оташга сазовор экан ким санга мақруғ,
Озорингга ожиз келибон ҳоли дигаргун,
Бир боқмаға мавқуф неча [қоны] дўкулгун
Ўлукни киши дағн эта олмас, vale ҳар кун.
Юз тиф қилур дағн кўзунг қилғали жаллод.

Захмим мени зоҳир эмасдур бадан ичра,
Изҳор агар ўлса эрур пийраҳан ичра,
Булбул на фиғон айламасун бу тикан ичра,
Гул япроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Ким журъаи май ичмаса мастоналиғ этса,
Бир чуғздек обод аро вайроналиғ этса,
Вайс эгри қўюб бўркини мардоналиғ этса,
Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамиким бўлса ани ёри паризод.





MAXMUR





M

Махмур XIX аср I ярмида Қўқон адабий груҳида ташкил топган демократик йўналишдаги адабиётнинг кўзга кўринган вакилларидан биридир. У ўзбек адабиёти тарихида сатиранинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди.

Махмурнинг 1950 йилда Қўқонда топилган шеърлар тўплами асосан қозилар, бойлар, хон амалдарлари номига ёзилган аччиқ ҳажвий шеърлардан ташкил топгандир.

Шоирнинг туғилган вақти таҳминан XVIII асрнинг охириги чорагига тўғри келади. Унинг отаси Мулла Шер Акмал Қўқон шаҳри атрофидаги Бойтуман қишлоғидан бўлиб, ўз даврининг таниқли шоирларидан бири бўлган. «Туҳфатул-аҳбоб фи Тазкиро тил-асҳоб» антологиясининг автори Қори Раҳматулло Бухорий Возеҳнинг ха-бар беришича, Акмалнинг икки девони мавжуд бўлиб, улардан бири ўзбек тилидаги шеърларидан, иккинчиси эса тожик тилидаги шеърларидан иборатdir.

Махмурнинг асл номи Маҳмуддир. У Қўқондаги мадрасалардан бирида таҳсил қиласди. Отасининг вафотидан сўнг сарбозлик хизматида бўлгани унинг айrim шеърларидан маълум бўлиб туради.

Махмур ўзининг «Ҳапалак» шеърида хонлар ва беклар зулми остида ёзилган меҳнаткаш деҳқонларнинг нақадар оғир ва машаққатли ҳаёт кечирганларини реал ифодалар билан тасвирлади. Шунингдек, бирнечча ҳажвий шеърларда пораҳўр қозилар, тириқ ва ғирром бойлар, очкўз амалдорларнинг ифлос башараларини раҳмизлилар билан очиб ташлаб, уларнинг шармандасини чи-

қарди. Унинг халқ ўртасида «Олим золим» деб ном чиқарган Қўқон хони амир Олимхоннинг (вафоти 1811) ўлимига ёзган тарих — шеъри айниқса диққатга сазовордир. Бу шерида шоир Олимхоннинг ўлимига «Золим мардуд» («Рад этилган золим») деб тарих тушурди. Вафоти тахминан 1845 йиллар атрофига тўғри келади.

Махмурнинг лирик шеърлари бизга тўла ҳолатда маълум эмас. Унинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган айрим ғазаллари ва Ҳофизнинг «Агар он турки Шерозий бадаст орад дили моро» деб бошланадиган ғазалига боғлаган мухаммаси даврдан нолиш, оғир қисматидан шикоят мотивларидан иборатdir.

Махмур шеърлари 1951 ва 1954 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан нашр этилган. Бу хрестоматияга киритилган шеърлар 1954 йилда нашр этилган «Махмур» китобидан олинган.





ШЕРЛАР

МУНОЖОТ ВА ДАРГОХИ ҚОЗИЮЛ-ДОЖОТ

(Хожатларни чиқарувчи қози даргоҳига муножот).

Амру наҳйинг роҳи ботил узра эрмиш ёдимиз,
Кечая кундуз сифотингдур бизи авродимиз,
Сендин, эй ҳаллоқ йўқдур нолау фарёдимиз,
Лек чархи кажравишини дастидиндур додимиз,
Сенки лутф айлаб анинг дастури даврон айладинг.

Хор қилдинг оқибат ҳар кимки эрди аржуманд,
Паст этдинг соядек, нахлеки бўлди сарбаланд,
Барча феълинг носутуда, жумла васфинг нописанд,
Юсуфи Мисрини айлаб чоҳи зиндан ичра банд,
Пири канъон манзилини байтул-аҳзон айладинг.

Қайси бир зулминг этай теъдод, эй гардуни дун,
Ким сенинг бедоду жавринг ҳадду ғоятдин бурун,
Беҳунар жоҳилга бердинг беадад дунёйи дун,
Жамъи доноларни қилдинг ҳолини зеру забун,
Зоғни аъло қилиб, тўтини нодон айладинг.

Сийналар маъмурасини селдек қилдинг хароб,
Аҳли дил бағрини ҳасрат ўтида этдинг кабоб.
Феълу атворинг муқаддар, гуфту гўйинг носавоб,
Лутфинг эрмас беғараз, инъоминг эрмас беҳисоб,
Тифлдек бўлдунг пушаймон кимга эҳсон айладинг.

То қалам чекти қазо лавҳи вужуди кун факон,
Келмади бир ростлиқ нақлингда, эй каж достон,
Мумтаҳандурсан ёмонлиғда на ҳожат имтиҳон,
Нахли идборинг уза мурғеки қўйди ошён,
Тухми анжум гардишидин сангборон айладинг.

**ДАР СИФАТИ ҚИШЛОҚИ ҲАПАЛАК
КИ БА МАХДУМ МАХМУР**

ТААЛЛУҚ ӘФТА

(*Махмур маҳдум алоқадор бўлган Ҳапалак қишлоғининг сифатида*)

Эй жаҳондори зафар, кавкабай даври фалак,
Гўш қил қиссаи қишлоқи хароби Ҳапалак.

Турфа қишлоқи ғазаб карда ки паррандалари,
Товуқи игначи-ю, ўрдагу ғози капалак.

Вору йўқ уйларини банда баён гар қилсам,
Бир катак, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.

Дема уй, балки заминкандур агар кирса киши,
Ҳар тараф бетига ургайлар аниг кўршапалак.

Ҳалқини кўрсанг агар ўласию, қоқу хароб,
Очликдин эгилиб қомати мисли камалак.

Ажириғ томирини ўғурида майда тууб,
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Гар таҳорат қиса қавми сув тополмай ночор,
Бетини қум била юб (кўзи)га сургай гувалак.

Эй фалак қадру адолат шийами мулку малак.
Марҳамат ҷоғида раҳм айла ба ҳоли Ҳапалак.

Қеча гўё эшитиб шуҳрати тилло пулинини,
Ҳапалак қўрқусидан учди мисоли капалак.

Ҳимматинг йўлида бир тепа каромат қилғил,
Капалак боз қўнуб жойига бўлгай Ҳапалак,

ТАЪРИФИ ВИЛОЯТИ ҚУРАМА ВА АЗ ДАВОНИ КАНДИР

ГУЗАШТАН

(*Қурама вилояти ва кандир довонидан ўтишнинг таърифи*)

Эй кўнгил, айлама минбаъд ҳавои Қурама,
Бўлмагил боз гирифтори жафойи Қурама,
Маҳв қил фикр замиридаги ройи Қурама,
Ганжи бодовар агар бўлса садои Қурама,
Борма зинҳор сўйи Ҳотами тойи Қурама.

Шарҳ айлай сифати ҳодисаи даҳри дигар,
Қиссан булъажабу ҳодисаи шаҳри дигар,
Дашту саҳрои дигар, баҳри дигар, наҳри дигар,
Обу оши ҳама заққуму суви заҳри дигар,
Арзу афлоки дигар, даври бинои Қурама.

Самадо, сахла дигар бора Кировчи йўлидин,
Солма ёдимга ани дашти қиёмат чўлидин,
Талхком айлама лутфинг била аччиқ қўлидин,
Шиквагар то бўмайин қуми Қарақчи чўлидин,
Бир юриб йўлида минг сўкма сарои Қурама.

Турфа шаҳрики анинг сарсари монанди самум,
Куйдиур шиддати сармоси халойиқни чу мум,
Ҳар тараф анда олиб хайли бало, фавжи ҳужум,
Суви заҳробаи ғам, чашмалари айни зақум,
Ҳосилу маҳсули офоти бақои Қурама,

Ёзу қиши уру яланғоч нару модасидур,
Модазоди галаи хирс соғин подасидур,
Олти хуржинни олиб бўйнига озодасидур,
Сар-сари од дами субҳни шаббодасидур,
Дема тўфонки насими зурафойи Қурама.

Менки юрдим Қурама ичра босиб қору қиров,
Кўрмадим анда башар синфини файр аз хару гов,
Бойини чинний жононаси дур эски ликов,
Жоми жамшедиси дур бийларини кухна сувов,
Қоли минг йилгиси мирзойи қабоий Қурама.

Мавзиэким бўса моҳияти исми Қурама,
Қурусун оти онинг, исмини мендин сўрама,
Бир кўруб бори дигар, ёнига ҳарғиз йўлама,
Йўласанг ташна бўлуб йўлида андин сулама,
Тўла қатрони жаҳнам ҳама сойи Қурама.

Оқибат чарх налар солмади бошимга мени,
Қилди сарсон само заррада бошимга мени,
Осмон устида тош айланга бошимга мени,
Солди туз ўрнига қум, кўк уза ошимга мени,
Бу сазо бирла жазо азми ҳавоий Қурама.

Дея кўрма Қурама, хўб ани, ҳокими хўб,
Хўблар топмаса Қандир ани йўлида чўкуб,
Берса Эшонқули юз йилқини олдига суруб,
Арзимас, тоати ҳар ранжига, ҳуррам бўма кўп,
Фил масал берса агар дема ҳавоий Қурама.

Тоқи айвонки ани қуллаи қандир дерлар,
Осмон остида кўталча сифат қир дерлар,
Устини ҳалқ қараб, остида пир-пир дерлар,
Тоқлар жумла бу Қандир олида ер дерлар,
Манзари марги муаллақ ба самойи Қурама.

Тоқи шоҳинийи қандир дема Мири ғазаби,
Бўлди бу ҳужжат илан офати дунё сабаби,
Бўлмасун нега муни марги ҳалойиқ талаби,
Ҳасаби мири ғазаб, мири ажалдур насаби,
Модари фавжи бало ҳодиса зойи Қурама.

Қимки Қандирдин ошиб ер юзига боз келар,
Баҳудо шаҳри фанодин ба бақо соз келар,
Токи ҳифзи самади олдида мумтоз келар,
Ёмагар лашкари қудсий анга ҳамроҳ келар,
Чунки миъроҳи қазодур бу қуроий Қурама.

Чархи еттинчики Қандирни фурумоясидур,
Саъди акбар фалаки минбари шаш поясидур,
Осмони қамари соясининг соясидур,
Одам ўлдурмоқ ани робитай доясидур,
Қилма умрингни ҳабо баҳри финойи Қурама.

Жазм қилсанг, анга чиқмоқни жаҳондин кечадур,
Үлтуруб устида аввал кафанингни бича кўр,
Йўлда қанча сув агар бўлса ани сен ича кўр..

Бормау, кўрма дуюм бора қаройи Қурама.

Субҳ Қандирда насимики, ўтар ул саҳари,
Ул насими саҳарий, дема самуми саҳарий,
Совуғи заҳри сақар, иссиғи дўзах шарари,
Турфа тоғеки, басе одама шоён зарари,
Қуллаи қийри қадар баҳри фазойи Қурама.

Чиллау қишида ким ул ким қиса Қандирда юруш,
Айлагай ул киши бешак жули астарни бадўш,
Олғай андин асари шиддати ғармо дилу туш,
Ул замон дўзах агар бўлса қилғар дар оғуш.
Мисли маҳбуби пари талъати моҳи Қурама.

Фарқи Қандирда гаҳиким мен эдим бо дили чок,
Топмайин тушгани бу ҳоли табоҳ ҳийла — ҳалок,
Келди олдимғаки, ул фахри ҳама хилқати хок,
Абду Қодир насаби асл абан анжади пок,
То Кировчи бўлиб ул роҳ намойи Қурама.

Токи бордим бу равиш ҳолки мақсадга қарин,
Юз надомат била юз фавжи гаромат ба камин,
Тани Мажнуни алам, қомати монанди нигин,
Тушубон васли жалолатга йироқ ғамга яқин,
Шукр кўрдим басиҳаг ҳукми равоийи Қурама.

Лиллаҳилҳамдки Махмур саропо юрдум,
Боши Авлуқ, оёғи шаҳр ҳаёни кўрдум,
Неча кун ҳокимини олдида якто юрдум,
Борича давлати айёмни боҳам сўрдум,
Шунча бас, қилма дуюм бора ҳавоийи Қурама.

АВСОФИ ҚОЗИ МУҲАММАД РАЖАБ АВЖ
(*Қози Муҳаммад Ражаб Авж сифатлари*)

Бу мажмуи солори воло ҳасаб,
Сазовори қози Муҳаммад Ражаб.

Эрур Андижон анга асли ватан,
Вале ҳолиё Янги Қўрғонда тан.

Қаротепанинг қозийи акбари,
Бўлуб қовму қишлоғининг раҳбари.

Абан ан жадин Андижон шаҳридин,
Эрур Янги Қўрғон макони макин.

Агар қозини изласанг қайдадур,
Қаротепа, ё Янги Қўрғондадур.

Ажаб қозийи, қоҳили, жоҳиле,
Бўлуб омилик илмига комиле.

Анинг кўксини чок қилсанг, ҳама,
Филу ғашини пок қилсанг ҳама

Адамдур алиф анда кўп излама,
Бу нархарни қози дебон сизлама.

Лақаб ҳофиз, Авж оти анинг,
Ҳайуло сувар шакли зоти анинг.

Магар келди Мозандорондин бу дев,
Жаҳон рангидин қўрқуб, айлар ғирев.

Ҳасаб Ож ибни Ануғдин эрур,
Ҳасаб ғул ё асли муғдин эрур.

Чиқиб ар-ари қилди чандон узун,
Бўлур сақфи гардунға қилсанг сутун.

Қесиб бир шитолангни ҳам икки йўл,
Равон айла Жайҳуну Сайҳунга пул.

Терибдурким оғоқдин паттани,
Йиғиб кўчадин лакпурис латтани.

Қийим паттани жамъу пайванд этиб,
Ани устидин латтани банд этиб.

Қилиб тул дасторини юз қулоч,
Вале эскилиқдин эди минг умоч.

Даме гар бузулса бу дастори зор,
Тузатмоққа солгай анга мардикор.

Буриб жумла дарвозани салласи,
Эшикларни вайрон қиласар калласи.

Жаҳон ичра бу қозийи девранг,
Эрур мазҳабу миллати ревуранг.

Тузар ўзини гоҳи зуҳҳоддек,
Қиласар шаклини мисли уббоддек,

Гаҳи марди муллойи олим ўзи,
Гаҳи боби раддул-мазолим ўзи.

Гаҳи пешвойи сияҳномалар,
Гаҳи дохили базму ҳангомалар.

Юарар гоҳи дар сурати шайху шоб,
Гаҳи зуфунун шакли закки жаноб,

Гаҳи толиби базлау ҳарзагўй,
Гаҳи нозими назми берангугу бўй.

РАЗАЛИ ҚОЗИ МУҲАММАД РАЖАБ АВЖ ДАР БОРАИ ҲУД

(*Қози Муҳаммад Ражаб Авжнинг ўзи тўғрисидаги ғазали*).

Келгил, эй аҳбоб, аввал тарзи рафторимни кўр,
Баъд даври гумбази дастор давворимни кўр.

Қимки дасторимни кўрса ўрни[дин] қўрқуб (турап),
Бетаҳорат айлаган оламни мурдоримни кўр.

Гоҳким бошимга саллам ўлмаса, ул дам қараб,
Расму роҳи, тўҳмату шалтоқ кирдоримни кўр.

Қозиликда жамъ қилган пулни савдо айласам.
Асфаласофил деган даврида бозоримни кўр.

То адамдин азми дунё айладим юзвой ким,
Қўймадим оламда бир кун нафси қаҳдоримни кўр.

Бошланур боши сабоҳи уйқудин то ним шом
Олти эшик, етти тешик, нону нондоримни кўр.

Бир магармажманки юз минг аждаҳо гар учраса,
Айларам бир луқма деви жуи ашроримни кўр.

Гарчи мен қилдим тахаллус Авж ёлғондур ҳама,
Халқнинг остида қолган баҳти жабборимни кўр.

А В С О Ф И Ҳ О Ж И Н И ё З

(Ҳожи Ниёз сифатлари)

Учинчи эрур ҳожийи [бад бурут],
Бўлур етти бошлиқ юҳо, икки пут.

Тутар ўзини ҳожийи Макка ҳам,
Борибман дегай Маккага якка ҳам.

Нишонида йўқ зарраи файзи ҳаж,
Ани ҳожи десанг эрур бул хараж.

Гумонимга ҳаж қилмаган бўлса ул,
Тариқи ҳарам билмаган бўлса ул.

Қиган бўлса мақбули ҳақ бўлмаган,
Дуоси ижобат қарин бўлмаган.

Магар йўлда ул жиннийи рўсиёх,
Сотиб ҳажни харж айлаган ул бароҳ.

Зи бас лода, маъжунийи бадкайфдур,
Анга яхши мадҳу сано ҳайфдир.

Олиб неча пулни пайи нафси рев,
Зихи макру майдонгу афсуни дев.

Кўрунг меваи ризқ исботини,
Билинг доми тазвири авқотини.

Гаҳи ҳожийи фавжи фарзоналар,
Гаҳи жиннийи жамъи девоналар,

Гаҳи миришаб, гаҳ сипоҳи булур,
Гаҳи осилар рӯсиёҳи будур.

Гаҳи дохили садри аҳли сулук,
Гаҳи қобили базми тожул-мулук.

Гаҳи амри айёру, гаҳ дороули,
Гаҳи навбаҳори, гаҳи омули.

Гаҳи соҳиби ганжи асрор ҳам,
Гаҳи толиби шеъру ашъор ҳам.

. Йиғиб неча кун хотири каъбидин,
Туғуб бу ғазал мочаи табъидин.

ФАЗАЛИ ҲОЖИ НИЭЗ

(Ҳожи Ниэзниң ғазали)

Даври фалакда, дўстлар, сарсари танги роҳ ўзим,
Гирди жаҳонни чарх уруб, сайқали меҳру моҳ ўзим.

Баски пиёда йўл юруб, яхши-ёмонни кўп кўруб,
Маккада неча йил юруб фазлахўри илоҳ ўзим.

Ўзими сода ҳам десам, жинний лода ҳам десам,
[Кетима] хода ҳам есам ҳожийи қиблагоҳ ўзим.

Даври жаҳонда қолмади мен қилмаган гуноҳи бад,
Хоси замона аҳлида осийи рўсиёҳ ўзим.

Ҳожийи [бадбурут] десанг, бўзахўри ўфут десанг,
Олтию тўрт ғўрт десанг, рост ўзим, гувоҳ ўзим.

Поча талош каллалар зиллакаши маҳаллалар,
Ўғрий эски саллалар шом ўзим, пагоҳ ўзим.

Ҳажни сотай йўлда деб, ўлмайин йўлда-чўлда деб,
Менга киройи қўлда деб, муътарифи гуноҳ ўзим.

Журм десанг қабат-қабат, фисқ десанг сабат-сабат,
Наҳс десанг намат-намат, сўфийи хонақоҳ ўзим.

Шукрки мунча ҳол илан, хотири пур малол илан,
Нағси саки вубол илан, тозайи шайҳу шоҳ ўзим.

Барча вужудим [бесубут], жисмими бори етти пут,
Абу жадим сафу сафут, бе шаку иштибоҳ ўзим.

Менки тамаъга бандаман, ҳалқи жаҳонда гандаман,
Нарса тиларга рандаман, хоҳ ўзим, ноҳоҳ ўзим.

Субҳидами силаб юруб, ҳимматим олти [ман] қурут,
Ўстига етти тўрба тут, луқмакхўри пагоҳ ўзим.

Шоҳи жаҳонпаноҳга, довари додҳоҳга,
Хони зафарсипоҳга чокари хайрҳоҳ ўзим.

Гоҳи Хўқанд миришаб, гоҳи ҳарамда ҳақталаб,
Гоҳ кулухи мустаҳаб бўлъажаби гиёҳ ўзим.

Хатми ғазални айлаган, белни хатога бойлаган,
Оши каварни пойлаган ҳофизи садргоҳ ўзим.

[Бесўбути] ягонаман, тантанаи замонаман,
Жиннийи жовидонаман, масхара дастгоҳ ўзим.

ДАР СИФАГИ ҲАКИМ ТУРОБИИ ҲАЗОР ҲАЛТА БУДИР

Биҳамдиллаҳ табиби шаҳру Буқроти ҳалойиқман,
Ажалдин ҳам бани одамни ўлдурмоққа фойиқман,

Табиби шаҳр номи ойда бир бемор ўлдурса,
Вале мен кунда юз бемор ўлдурмоққа ҳозиқман.

Мени бадбаҳт то зарбул-масал бўлдум табибликда,
Жаҳон ворича акнун кўп ҳақоратларга лойиқман.

Ҳакими шаҳр деб, олдимга ҳар ким келди ўлдурдим,
Тариқи ростим шулдурки, жаллоди ҳалойиқман.

Эрур кўп ноҳақ [ишлар] гарданимга тавқи лаънат ким,
Жаҳаннам садрига бу журм илан сардори собиқман.

Адамдин то келибман даври оламда хисолим шул,
Мусулмонларга ҳосидман, мунофиққа мувофиқман.

ДАР СИФАТИ ҲАКИМ ТУРОБИЙИ ҲАЗОР ҲАЛТА

(Ҳаким Туробий ҳазор ҳалта сифатида)

Бешинчи табиби Туробий эрур,
Саломига лаънат жавоби эрур.

Ажаб бир ҳакими шақоват сиришт,
Мақомига дўзах эрур сарнавишт.

Кезар дашту саҳро касал истабон,
Ажал орқасидин юрап қистабон,

Жаҳон ичра ул жоҳили нобакор,
Ажал илгин олганга келди дучор.

Ёзиб олдига икки минг ҳалтани,
Йиғиб эски юз лак тугун латтани.

Терибдур дўконига тўқсон тувак,
Солиб ҳар тувак ичра ўн уч сумак.

Қимиким тувакдин талаб қилса нўш,
Берур нўш дору дебон маргимуш.

Эрур ранги қиши чилласидин совуқ,
Ҳақоратга бопу сўкарга ёвуқ.

Анга бори зиллат тўшатсанг савоб,
Юзига таҳорат ушатсанг савоб.

Қўрарман они гоҳ дўконида,
Туруб икки шайтон ани ёнида.

Келар олдига кимки дору сўраб,
Ба аҳволи ранжури дарду тааб.

Берар заҳрни нўш дору дебон,
Ани ўлдуруб беажал шул замон.

Жаҳсон ىчра бул абраҳи пур фусус,
Қилур ўзини сонийи Жолинус.

Юарар гоҳ ҳикмат усулида ул,
Гаҳи муддаи шеър йўлида ул.

Тариқи ҳазоқат билан ул жаҳул,
Топиб бу ғазални зи роҳи усул.





МУЖРИМ ОБИД





Ш

оир Мужрим XVIII асрнинг бошларида Бухорода яшаган. Унинг яшаган даврида Бухоро хонлигига Амир Шоҳмурод (1784—1802), кейин унинг ўғли Амир Ҳайдар (1802—1826) ҳукмрон эдилар. Бу хонлар замонида ва булардан кейин Бухоро иқтисодий-маданий томонидан жуда орқага кетади. Диний таассуб, гадойлик, қаландарлик авж олади. Бу хонларнинг маданий савиялари жуда тубан бўлиб, ҳатто ўзлари ҳам қаландарлик билан шуғулланадилар. Санъат ва адабиётга ҳеч аҳамият бермайдилар. Бу хонлар феодал системасини мустаҳкамлаш мақсадида ўзларига асарлар бағишилган шоирларга гадойчилик, қаландарлик қилишни тавсия қиласидилар. Илғор шоирларни таъқиб қиласидилар, жазоладилар.

Талантли шоир бўлган Мужрим ҳам бу хонлардан ҳечқандай илтифот кўрмайди. Мужрим Амир Ҳайдарга бағишилаб бир қасида тақдим қилганида хон унга ёрдам бериш ўрнига шоирликдан воз кецишни, қаландарлик қилишни маслаҳат беради. Бироқ, Мужрим хон маслаҳати билан бормади. Камбағаллик, муҳтоҷлик ичида бўлса ҳам севган ижодий ишини давом эттирди. У ўзининг турмуши ҳақида шундай дейди:

Рўзгор аҳли ичра хор ўлдим,
Адвани аҳли рўзгор ўлдим.
Дар дедим манга учради девор,
Гул бошимға тақилди бўлди хор.
Бир қуруқ чўпи бед бўлмишман,

Ҳаммадин ноумид бўлмишман,
Эмди манда на орзу, на ҳавас,
Ғайри тупроқ уза кўмилмак бас.

Умрини оғир моддий қийинчиликлар ичida ўтказган
бу шоирнинг асарларида ўз тақдиридан нолиш, замо-
насидаги аҳволлардан шикоят мотивлари жуда кучли-
дир. Мужрим Бухорода вафот этган.





«ДЕВОН»ДАН ФАЗАЛЛАР

З

амона ҳар кима бир тарз рўзгор қилур.
Биравни восили давлат, биравни хор қилур.
Биравни қўлиға берур мадори мулки жаҳон,
Биравни то дам ўтгунча бемадор қилур.
Биравни ғам била, қайфу билан адо айлар,
Биравни ишрати оламға пойидор қилур.
Биравни дийдаи биносидин жудо айлаб,
Тамоми умрин асокашга интизор қилур.
Биравга сийму зар беҳисоб рўзи этар,
Биравни бир пул учун йўл юзида зор қилур.
Висол бирла йил ўтса замонча кўринмас,
Бирор замонгина ҳижронни йил шумор қилур.
Фалакдин ҳар нечаким дарду ғам нузул айлар,
Юрогим ичра келиб, жо тутуб диёр қилур...
Биравни кўнглида кибру ғуур, завқу ҳузур,
Биравни кўйи ғариблиқда хоксор қилур.
Кўнгулки жазбаи ишқ ўқига нишона эрур,
Чу дард текса қачон бир замон қарор қилур..
Бу дайдарда киши бир-бидрин айрила тушса,
Шароби васл нафас этмайин хумор қилур.
Биравга меҳри фулус жаҳонга шатта урап,
Ғарибу ғамзадалар кўнглини шикор қилур.,
Биравки кўнглига ишқ ўтидин шарора тушар,
Жунун бошиға тушарга нечук қарор қилур.
Чунончи аҳли муҳаббат йўлуқса бир-бирига,
Ҳикояти ғаму афсонаси, барор қилур.
Чу ошно ҳамага беғараз эрур Мужрим,
Анинг учун ҳамани ҳолис эътибор қилур.

* * *

Гулистон ичра кирсам ҳолима сарву суман йиғлар,
Қилур булбул фифону иолалар бирла чаман йиғлар.

Эшитсалар мани бошимга тушган мунча савдони,
Биёбонларда Мажнун, тоғ ичинда Кўҳкан йиғлар,

Осилди ишқ түғёни билан Мансур дор узра,
Аналҳақ наъра тортиб, чўбайи дору расан йиғлар.

Юрак қон бўлмағунча дидадин хуноба йўқ жори,
Бирорга текмаса бир дарди бедармон қачон йиғлар,

Менинг ишқим ҳадиси тушса гар маҳфил аросиға,
Куяр парвона-ю, мотамда шамъи анжуман йиғлар.

Бу ҳасрат бирла охир даҳри фонидин гузар қилсанам,
Ўқуб ғамномаи ҳажримни ҳар бир марду зан йиғлар.

* * *

Охир ул бедодгар қасди мени жонимдадур,
Еки, тифин тез этарга муддао қонимдадур.

Кўчинг эй мардумки бир тун бўлмағайсиз ғарқи хуё,
Мунча селоби балоким чашми гирёнимдадур.

Ерга тушган шуъласига тоқати наззора йўқ,
Ул ҳароратким манинг хуршеди тобонимдадур.

Софинурман кош Мажнун бўлса эрди улфатим,
Хурматим тутмас хирад аҳлики, давронимдадур.

Хоҳ сотсун, хоҳ қўйсун, хоҳ озод айласун,
Бандаи фармонидурман ҳукм султонимдадур.

Ҳар кима дарду алам даркор, келсун манда бор,
Чуғзи олий ҳимматам, бу ганж вайронимдадур.

Кўнглум афгор ўлғанин андин ҳалойиқ фаҳм этар,
Ким хароши доғ кашфи оҳу афғонимдадур.

Тифллар девонадур деб, олдилар тегра тўшим,
Неча тифли ашк кўрким ёна мижгонимдадур.

Эсдин озғон, телба бўлғон, чарх урғон, бағри доғ,
Ҳалқ ҳар тил била ёд айлар менинг шонимдадур.

Ҳар ким ўз ҳолига олам ёна ўз нафсиға банд,
Ҳеч ким билмас на ҳасратлар менинг жонимдадур,

Тил шикоятға туриб, ўз ҳолима солмай назар,
Нафсима боқсамки, ул ҳам банди нуқсонимдадур,

Мужрим англаб ҳалқи олам кўрдилар кўзга ҳақир,
Билмадилар хосиятлар банду зиндонимдадур,

* * *

Кўнглумни ҳирсу нафсу ҳаво хона қилдилар.
Ақлимни олдилар, мени девона қилдилар.

Душман сўзумни айди ёмон, дўст кўрди хуш,
Миннат аларға тил била афсона қилдилар.

Мардумки, кўзу қошдек эди яхши ошно,
Не топтилар базмдаки, бегона қилдилар.

Ул шамъи базм партавидин жонға тушти ўт,
Гўё мени мушобиҳи парвона қилдилар.

Кофири кўзи, қароқчи қоши, ўғри кифриги,
Мунча ситамии қайси мусулмона қилдилар.

Ул кўй итлари сориға айладим гузар,
Шодамки, хулқу хўйи муҳиббона қилдилар.

Онларки, тўла бошлари мағзи хирад эди,
Ҳар шод, ғамни қисмати пешона қилдилар.

Сандин ҳам ўтти илгари Мужрим шумори кўп,
Андин хабар етишмади оё на қилдилар.

* * *

Ҳар сўзда ҳар биравга не ширин нукоти бор,
Бол томди оғзидинки тилинда наботи бор.

Тасхир бўлмаған киши қолмас бу даҳр аро.
Ул шўхнинг бу навъда гар илтифоти бор.

Васлини истаган ўзидин қатъ этар ҳаёт,
Андин кечар биравни, керакли ҳаёти бор.

Шоҳини кўнглум этмади парвоз — боли йўқ,
Ҳар қушға [ким] боқарман учарға қаноти бор.

Ишқ аҳлининг дўконида йўқтур матои сабр,
Ошиқ йўқ улки, қавлану феълан саботи бор.

Шарҳи ғаминг руқумиға девони хотирим,
Мижгон қалам, қора ёшу кўздин давоти бор.

Халқи замона таънайи Мужримлигинг қилур,
Огоҳ йўқки, ҳақдин умиди нажоти бор.

* * *

Сенингдек ёрдин бегона бўлмоқ бор экан охир,
Муқими кунжи ҳасратхона бўлмоқ бор экан охир.

Фалотун табълар бирла ўзумни тенг билур эрдим,
На билдим, бехирад, девона бўлмоқ бор экан охир.

Умид бирла тузуб эрдим ҳисори ошнолигни,
Бу таъмиримға ҳам вайрона бўлмоқ бор экан охир.

Ғами ишқингни, жоно, ҳар неча элдин ниҳон тутдум,
Халойиқ оғзида афсона бўлмоқ бор экан охир.

Қочайдим ўт дегандин, ўтмас эрдим жони шириндин,
Жамолинг шамъиға парвона бўлмоқ бор экан охир.

Қўзум мағрури васл эрдиму кўнглумда ҳаво ўзга,
Нигоҳи ошно бегона бўлмоқ бор экан охир.

Бўлуб Мужкrim ва лекин каж ёзилғон хатти пешони,
Мукаллаф жониби зиндана бўлмоқ бор экан охир.

* * *

Эшиздим ул пари ағёр бирла ошно бўлмиш,
Мени кўзумга бу равшан жаҳон шоми қаро бўлмиш.

Кўзум оқу қароси дўстлар бўлмас харидорим,
Магар бозори меҳр ичра матоим кам баҳо бўлмиш.

Жаҳондин шавкат оти қатъу кулли муртабиъ бўлди,
Ки бу бечораға аҳбоб кўп номеҳрибон бўлмиш.

Ҳужуми ҳасрату ғамдин силинди ҳосили жисмим,
Қамоли заъф кўрким пўст бирла устихон бўлмиш.

Қарибсан ҳам кўнгулни завқи дунёдин кўтармассан,
Надер Мужрим демай халқи жаҳон ишинг хато бўлмиш.

* * *

Дариғ айланмади чархи фалак бир кун маромимға,
Тазарви баҳт илинмай, ром бўлмай ўтти домимға.

Яқосиға қўлум етмай, чолиб домонидин тутмай,
Фалак не қилғанимға айланибдур интиқомимға.

Қорангы рўзгорам балки хорам, жони афгорам,
Ажаб йўқтур агар табдил топса субҳ шомимға.

Бу кунларким жаҳонни бузғудекдур шиддати оҳим,
Қуёш қўрқуб киролмас мунча тўфонлиғ мақомимға.

Уюм атрофини селоби ашким қилди дарёе,
Эшик масдуддур, эй ғам, букун келма саломимға.

Нуқуди умр ҳалқи даҳр савдосиға сарф ўлди,
Қизиқ бозор сард ўлди ҳама савдоий хомимға.

Не обидлиғда масрурам, на Мужримлиғда маҳжурам,
Чу толеъ ёр йўқ, миқдор йўқдур мунча номимға.

* * *

Гулистон интизоринг, сарв қадингни хиромон қил,
Қаро зулфингни оч, сунбул димогини паришон қил.

Чекар булбул фифон, гул ғунча айлар пираҳан пора,
Букун мен нола айлай, сен доти чоки гирибон қил.

Май ич, маҳбуб қуч, мутраб билан чу бегам ўлтурғил,
Оёғинг қўйма зинҳор илгидин ўлгунча даврон қил.

Қизориб чиқти гардундин қуёш меҳринг сўрогинда,
Такаллув бартараф хур shedi рухсорингни тобон қил.

Бошингга ҳар нечук савдо кетурса даҳр ошуви,
Ҳарос этма қўлингдин келса, айшингни ду чандон қил,

Сени қўндургали қилдим муҳайё жон аро жойинг,
Бузуқ кошонамизга бир кеча ўзунгни меҳмон қил.

Самандингни жиловин сақла Мужрим додхоҳингдур,
Десун арзини хоҳи дора чеку хоҳи зиндан қил.

* * *

На хушдур ҳар кишиға ишқ ўтдин асар бўлса,
Самуми оҳ бирла йўқ таажжуб баҳравар бўлса.

Кўзи хуноб ила тўлған, чироийи заъфарон бўлғон,
Муҳаббат бирла қон ютқан эранлардин назар бўлса.

Фанғ майхонасидин нўш айлаб ҳар киши жоме,
Кўрарлар нашъаи дилҳоҳ, кимнинг ҳалқи тар бўлса,

Хуш ул риндеки молу мулки олам кўзга илмайдур,
Қаро туфроқча билмас, олдида анбуҳ зар бўлса.

Муҳаббат кўнглунг ичра бўлса, қобил ҳамдамиңг улдур,
Юроки дардизни дема ҳамдам гар падар бўлса.

Аlam майдонида разм айла Обид, ҳимматинг кенғ тут,
На дерсан эл қулоқиға эшиитмак бирла кар бўлса,

* * *

Айғил манга кўнглим недур асрори ниҳонинг
Лол ўлди магар ҳажрида гўё бу забонинг.

Ақлим сенинг ақлингдуру ҳушим сени ҳушиңг,
Жисмим сени жисмингдуру жоним сени жонинг.

Сен подшоҳи мулки тану қалъаи жонсан,
Илгим, оёғим иккаласи тахти равонинг.

Бир маслаҳатим айғилу йўлимға равон қил,
Шоядки қабули ҳақ эса ушбу равонинг.

Шодим борида шодсан, ғам била ғамда,
Жоним мени жоним эди қўйнимда маконинг.

Эй булбули табъим на ҳаводур бу чаманда,
Беҳуда эрур нолау фарёду фифонинг.

Обидни балоларға гирифтор қилибсан,
Айғил манга кўнглум недур асрори ниҳонинг.

* * *

Не тараф азм айласам олдимда истиқбол ғам,
Боқмай ўтсам ҳам келур, соя каби дунбол ғам.

Қеча ҳамболину кундуз ҳамдами ёри сафар,
Ҳар қаён борсам анисим мунча моҳу сол ғам.

Эй масиҳим бир замон бошимға еткургил қадам,
Үлгали еттим, манга кўргузди бу аҳвол ғам.

Эй хуш ўл ринди харботики бир соғар била,
Осмон емрулса келмас кўнглига мисқол ғам.

Ҳамдиллаҳ, ишқ аро соҳиб ривожи даҳр ман,
Дард бахту толеим идбордур, иқбол ғам.

Соқиё, май берки тавба эшикин масдуд этай,
Тобакай қилсун мани маҳжурни помол ғам.

Гоҳи Обидлиғ отим бирла қилиб қўнглимни шод,
Гоҳи Мужрим деб ёзиб, ўзимга ҳасби ҳол ғам.

* * *

Бу кеча кошонам узра ёр меҳмон келмади.
Қолибим беруҳ қолди, лутф этиб жон келмади.

Посишаб нолам эшишиб, бўлди булбуллар хамуш,
Не учун ушбу саҳар овози афғон келмади.

Ваъдаси ёлғон эди ё манъ қилди гайрани,
Яъни ул бебок табъи қавли ялғон келмади.

Чашмаи чашмим мурури ашқдин қолди қуруб,
Ул тасалли баҳш ашки чашми гирён келмади.

Бошими гардун сари еткурмади файзи қадам,
Оллоҳ, оллоҳ, қомати сарви хиромон келмади.

Қўп соғингандин кўзумда қолмади бир зарра нур,
Партави зулматзудойи моҳи тобон келмади.

Бу масалдур, Обидо, халқ ичраким, қайси ятим;
Оғзи тегди ошға-ю, бурнидин қачон қон келмади.

* * *

Тонг отди чиқма уйдин ҳар тарафға қилма наззора,
Мабодо бўлмағай ою қуёшнинг пардаси пора.

Юзунғаҳалқи олам кўз солурға орзу айлар,
Таваҳҳум улки яксон бермагайлар жон якбора.

Лабингдин ғунча кулмак истару наргис нигоҳингдин,
Тараҳҳум айла помол ўлмасун гул кирма гулзорা.

Фидойи илтифотинг бир бўлак бағри адолардур,
Фақиру бенавову мубталову зору бечора.

Бирор дафъя сени кўрган айирмас кўз жамолингдин,
Қиё боқмас агар хуршед бўлсун ўзга рухсора.

Сен ул покиза атвору мақоли бебаҳодурсан,
Харидоринг бўлуб Юсуфни кўрким кирди бозора.

Қарош ҳолимға, эй дилдор, гоҳи марҳамат бирла,
Мени Обид сенинг йўлингда саргардону овора.

* * *

Ажаб баҳти ёмонман, яхшилар ичра гузорим йўқ,
Бўлубман ғарқи баҳри дард умиди канорим йўқ.

Харобу нотавону абтар ўлди кишвари кўнглум,
Тараҳҳум бирла обод айлагай ул шаҳсуворим йўқ.

Қолибман тангнойи зулмат обод ичра найларман,
Замони хуш кечургундак ёруғлиқ рўзгорим йўқ.

Қаёнға юзланай, аҳволи зорим кимга шарҳ айлай,
На ҳолинг бор, нечуксан дегудек бир дўстдорим йўқ.

Мени мужрим қилибдур шоҳи иқлим, ҳасад кўнглум.
На ким амр айласа қилмоқдин ўзга ихтиёrim йўқ.

Майи васлин тилаб саргарми жоми ҳажри бўлмишман,
Ажал паймонасидин ўзга бир дафъи хуморим йўқ.

Кўнгулнинг дастидин охир жаҳон овораси бўлдум,
Ба сони зарра бир ерда туролмасман, қарорим йўқ.

На бир Мужрим бўлуб аҳли гуноҳ олдиға йўл топдим,
На бир Обид экан деб ҳам жаҳонға эътиборим йўқ.

* * *

Сансиз, эй маҳваш, кўнгул сайри гулистон истамас,
Балки жисми нотавоним роҳати жон истамас.

Шаҳди жондин ҳам сучукдур ҳар тақаллум қилғонинг,
Лаззати лаълингни кўрган оби ҳайвон истамас.

Итларинг меҳмоним ўлса пора бағрим туъмаси,
Телба кўнглум мундин ўзга яхши меҳмон истамас.

Иззу жоҳи Миср ила меҳри Зулайҳо манъ этар,
Юсуф этмас ёд Яъқубини канъон истамас.

Қоши ёдур, кифрики ўқ, кўзлари жон олғучи,
Дам-бадам юз қон тўкар, қон аҳли товон истамас.

Ғунчаға солмас назар, оғзингдин ўлғай баҳравар,
Оразинг бепарда кўрганлар гулистон истамас.

Бу не қадду бу не қомат, бу нечук тарзи хиром,
Бир тамошо айлаган сарви хиромон истамас.

Ҳилвати жон кечалар шамъи жамолингдин ёруғ,
Онча мустағни зиёи моҳи тобон истамас.

Мужрим ўлмиш ишқ файзи бирла дарёйи алам,
Лангари табъи расодур ваҳми тўфон истамас.

* * *

Нахли қади ороста сарви чаманимсан,
Гулрези сухан, тўтийи шаккар шиканимсан.

Монанди садаф қўйнума жо қилғали кўнглум,
Азбаски қадам туфроғи дурри аданимсан.

Кўнглум санга вобаставу жоним санга сар,
Султони саропардаи иқлими танимсан.

Пайдойи жаҳон ҳосили умрум санга масруф,
Бир сарви чаман зебу маҳи сим танимсан.

Кўнглумни олур ҷоқда азиз оқибатим хор,
Хуш дилбари, жон парвару пур макру фанимсан.

Жон исиму сендин келадур ҳаста машома,
Кўз машъалиға Юсуфи гул пираҳанимсан.

Мужрим санга кўз пардасини қиллираҳандоз,
Кел, кел букун, эй шуълайи байтул-ҳазанимсан.

ИАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Олами фонийда кулфатсиз маконе топмадим,
Файри андиҳу ғаму эҳу фифоне топмадим,
Бир аниси шоду ғам ширин забоне топмадим,
Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Даҳр аро ёлғуз ўзумдек хоксоре кўрмадим,
Бекасу беёру бегамхору хоре кўрмадим,
Бир ҳазони ноумиди навбаҳоре кўрмадим,
Ғам била жонимга еттим, ғамгусоре кўрмадим,
Ҳажр ила дилсўхта бўлдум, дилситоне топмадим.

Ким кўрубдур мен киби расвойи даврон бағри қон,
Волау шайдо эрур ақлим ани кўрган замон,
Сарф бўлди хизматида гарчи жони нотавон,
Ишқ зро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камон обруда тузлукдин нишоне топмадим.

Оҳи дард олудим учун равнақи ишқим аён,
Субҳи иқболим эрур идбор шомига ниҳон,
Борму йўқ гулзори олам ичра мандек боғбон,
Кўнглум ичра сарв ўқдур ғунча пайкоң, гул тикон,
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне топмадим.

Фаҳмиға лойиқ амал қилғучи олим кўрмадим,
Қўрдум, аммо табъини бир сўзда солим кўрмадим,
Эй кўнгул! сендин ба жуз ранжи мулоийм кўрмадим,
Ҳусн мулки ячра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

* * *

Токи ҳар девони таҳрир айлади ғам қиссасин,
Дарж қилди дафтари кўнглида боби ғуссасин,
Гарчи кўрмай қолмишам ушшоқ жисми жуссасин,
Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз сўзумдин булъажаброқ достоне топмадим.

Обиди саргаштаи маҳжур доғи анжуман,
Бир дуогўйи ҳақири сокини байтул-ҳазан,
Етмасун аёёрдин дилдор кўнглига сухан,
Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи ман,
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим,

МАСНАВИЯ

Арзи аҳволи бу фақиру ҳазин,
Бажаноби муҳибби ибрат бин.
Яъни мен бор эдим муҳаққари дун,
Хоксори кам эътибори забун.
Давлати волидайни пушту паноҳ,
Ҳам йигитлик ғуури ҳодийи роҳ.
Ҳаваси жоҳу манзилу маъво,
Тушти бошимға яна кўп савдо.
Ринд ахлиға рафту омад деб,
Монеъ элни кўруб хушомад деб,
Қанда бир базм бўлса ҳозир эдим,
Кўп тамошо кўрарга нозир эдим,
Ҳама эл сухбатимға толиб эди,
Орзулар кўнгулга ғолиб эди.
Иzzатим, ҳурматим фузуноқ эди,
Ҳар тараф борғали йўлим оқ эди.
Бандадин эҳтиёж йўқ эрди,
Кўнглимиз бу сабабга тўқ эрди.
Кунда кўп меҳмон кузатмак ила,
Бирин олиб, бирин узатмак ила.
Қанда бўлса муҳаббат аҳли-ю, доғ,
Айлар эрди бу нотавонни сўроғ.
Мен ҳам онлар била бўлуб хурсанд,
На ғами ую, на зану фарзанд.
Мутааддид ҳақирхона қилиб,
Меҳмон келгали баҳона қилиб,
Йўллари узра интизор эдим,
Эл оросида эътибор эдим.

Умр бори бу йўлда бўлди адо,
Эмди ўтган кунимга вовайло.
Қарилиғ қирқ ёш мобаъди,
Наҳсликдур бу йўл, ул саъди,
Бўлди фарзандлар бариси кабир.
Манга бўлди бу муқтазойи замир,
Ким алар соясида бўлсан пир,
Ўла турғонда қилғуси тавфир.
Жоним осоиши алар биладур,
Шомнинг зийнати саҳар биладур.
Яъни фарзандлар мулозим эрур,
Хизматим барчасига лозим эрур.
Бўлушурлар ўларгача манга ёр,
Ҳар на амр айласам эрур тайёр,
Фалату беҳаво деб эканман,
Сўзларим кўп хато деб эканман,
Ҳайф молу манол беҳуда сарғ,
Ки ани айлагай зиён ила ҳарғ,
Ману жоним билур на ўтти манга,
Осмондин на жавр етти манга.
Икки ўғилу беш киз бариси,
Ҳар бири бўлдилар бир уй эгаси.
Ҳар ким ўз рўзгори бирла хуш,
Кўхна вайронада мену бойқуш.
Кўрдиларким атода йўқ дирҳам.
Рафту омадни қилдилар барҳам.
Волидалари бевафо бўлди,
Бизга бўлди, наким жафо бўлди.
Ушбу қарридин этмадилар ёд,
Анинг учун мену кўнгул ношод.
Неча манзумани савод этсам,
Мен анингла кўнгулни шод этсам.
Эйки, фарзанд деб йигарсан мол,
Санга ҳам бор бу сифатлик ҳол.
Берса фарзандингга худойим зар,
Сендин ар қолмаса ҳам анга етар.
Ул ҳам ул бир эгани маҳлуқи,
Анга маълум эрур бору йўқи.
Берса неким ҳазойини тўлалур,
Дема ҳарж ўлғон ила кам бўладур.
Ўзунгга масриф айла борингни,
Хуш кечур умру рўзгорингни.
Бўла олсанг мужаррад ўл, эй ёр,

Қадхудо бўлмағил басад зинҳор.
Қадхудолиққа мубтало бўлма,
Хотун учраса ошно бўлма.
Гар чидай билмасанг, билиб қил ишинг,
Бўлмағил хору зор ёзу қишинг.
Умр ёшдин ўтар, ҳавас дилдин,
Оёғинг ҳеч узулмагай гилдин.
Кору боринг эрур пушаймонлиғ,
Бори суду зиён паришонлиғ.
Кўр мени холими-ю, ибрат ол,
Мендин ўтган на эрса ёдинига сол.
Менда ҳам бор эди бу хил кирдор,
Охири оқибат бу бўлди кор.
Рўзгор аҳли ичра хор ўлдум,
Адвани аҳли рўзгор ўлдум.
Манга йўқ ғамгусору шафқатлиқ.
Аҳли авлоддин муравватлиқ.
Дегай отам қошида бор бўлай,
Ғаму шоди етишса ёр бўлай.
Бир қуруқ чўби бед бўлмишман,
Ҳамади ноумед бўлмишман.
Эмди манда на орзу, на ҳавас,
Ғайри туфроғ узра кўмилмагу бас.
Эмди бу сўзни ихтисор қиласай,
Нафъи йўқ, юз ёзай, ҳазор қиласай,
Хатм этай ончи ҳасби ҳолимни,
Ғазалиётими, мақолимни.





МУНИС





Ш

ермуҳаммад Мунис Хоразм ҳонлигига сув бош-
қарувчи — мироб оиласида туғилди, унинг ота-боболари
қадимдан шу ишни бажариб келганлар. Муниснинг яқин-
лари унинг ўқиши ва тарбиясига катта аҳамият берали-
лар. Мунис мактаб ва мадрасада замонасига яраша таҳ-
сил кўради.

Мунис ёш чоғиданоқ адабиёт, санъат ва тарих билан
қизикиб, ўзбек, форс, озарбайжон классикларини чуқур
ўрганган ва ўзи ҳам ижод қилмоққа бошлаган. Мунис
дастлаб кичик лирик шеърлар ёзib ўқувчилар ўргасида
обрў қозонади. Мунис хон саройи девонхонасига хизмат-
га тортилади, бир мунча вақт ўтгандан сўнг миробликка
тайинланади. Мунис мироблик билан бирга ижодий
ишини ва ўз билимини оширишни давом эттиради. За-
монасининг илфор кишиси бўлиб етишади.

Мунис ҳам ўз ижодида ўзидан илгари ўтган ўзбек
классик шоирлари, айниқса Навоий традициясининг да-
вомчисидир. Унинг лирикасида ўз даврининг ҳаёти ва у
яшаган давр кишилари илфор табақасининг ҳис-туйғула-
ри ўз ифодасини топди.

Хон, беклар зулми, хурофот, жаҳолат ҳукум сурган
феодализм шароитида ҳалқни маърифатга чақирди, кенг
меҳнаткаш табақа аҳволини осонлаштириш устида ўйла-
ди. Шубҳасиз, унинг қарашлари чегараланган эди.

Мунис яхши ҳаттот, музикашунос, тарихчи ҳам эди
Унинг Хоразм тарихига оид «Фирдавсул-иқбол» номли
катта асари бор. Мирхонднинг «Равзатус-сафо» номли
асарини ўзбекчага таржима қила бошлади.

Унинг шеърлари ўзи ҳаёт вақтидаёқ девон ҳолига келтирилиб, кейинчалик тош босмада нашр этилган. Айрим шеърлари ўзи ўлгандан сўнг ҳам Тошкентда чиққан «Баёз» ва тўпламларда босилиб турган.





B

«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Олийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манга.

Хотиримға Хисравидин ҳар замон шўре етиб,
Банда давроннинг бори ширин каломидур манга.

Пир Анзорий сўзидин чошни нутқим топиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳъийл-изомидур манга.

Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагаҳ аҳли тасаввунинг мақомидур манга.

Юзума Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,
Доим андин атр парвар жон машомидур манга.

Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб фирдавсдек,
Гоҳ Хоқоний футуҳининг паёмидур манга.

Гоҳ табъим Аинварий нури била равшан бўлуб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манга.

Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъайи,
Ҳосил аҳли ишқнинг шўри тамомидур манга.

Нусхай таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра-номаи иқбол томидур манга.

Қилса ҳосид даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомидур манга.

Тонг эмас Мұнис агар бўлсам кироми қадрким,
Устоди ҳоҳиру ботин Киромийдур манга.

* * *

Шамшод қоматингға бўлуб банда боғда,
Айлар топуқ ҳамиша туруб бир аёғда.

Кўюнгдин айру нохуни ғам йиртадур юзин,
Гулга агарчи бўлди ватан, саҳни боғда.

Парвона ўзни ўтга солур ихтиёrsиз,
Гўёки кўрди партави ҳуснинг чароғда.

Сен ўртада қуёш сену маҳбублар нужум,
Нур айлар иқтибос туруб сўлу соғда.

Ҳажрингда бедимоғлик этсам на айбким,
Гисуий мушкборинг иси йўқ димоғда.

Ҳар кимниким кўрармен, эрур жустужў иши,
Бу олам ичра бир киши йўқдур фароғда.

Мажнуну Кўҳкан етаолмас ғуборима,
Ҳар нечаким алар югуур дашту тоғда.

Васлинг ҳарими ичра эрур оламу валек
Бир кимса йўқки бўлмағай андин сўроғда.

Дарёйи ишқ қаъриғадур ғарқ, дур каби,
Мунисни демангизки, қолибдур қироғда.

* * *

Истадинг эй дил, кўзин жонинг керакмасму санга?
Куфри зулфин севдинг имонинг керакмасму санга?

Дарду ғам сели била буздунг кўнгул кошонасин,
Эй малоҳат ганжи, вайронинг керакмасму санга?

Жамъ этиб ўтлуг кўнгулларни муқайяд айладинг,
Ҳалқайи зулфи паришонинг керакмасму санга?

Тири ғамзанг муддаи кўнглиға зойиъ қилмаким,
Ул ҳадафдур, хора пайконинг керакмасму санга?

Сарсари оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез,
Машъали хуршеди раҳшонинг керакмасму санга?

Бизки беш кун меҳмонмиз, эй фалак қасринг аро,
Инжитурсен бизни, меҳмонинг керакмасму санга?

Эй гул, айларсан жафо хорин уруб Мунисга жавр,
Андалиби дилкаш илҳонинг керакмасму санга?

* * *

Иҳтиёр этғали ағёрни ул ёр манга,
Рашқдин ҳардам ўлур тоза бу озор манга.

Ўзгаларга қилиб ул шўх вафолар зоҳир,
Мени кўргач, қиладур зулмни изҳор манга.

Баски, бедод манга етти дамодам ондин,
Жон низор ўлди, кўнгул хаста, бадан зор анга.

Гарчи ул қотил урад ўзгага тифи бедод,
Лек анинг ғайратидин жон бўлур афгор манга.

Кўр вафоким тутарам жонима андин миннат,
Ҳар жафоким қилур ул шўхи ситамкор манга.

Қундузум кеча каби бўлса қоронғу, не ажаб,
Ки сочин очтию кўргазмади рухсор манга.

Байтул-иҳzonни ёвуқдурки бошимға йиқғай,
Бўйлаким сел оқизур дидай хунбор манга.

Ҳар киши ҳимматига лойиқ эрур матлуби,
Бўлсун, эй шайх, сенга ҳуру худо ёр манга.

Ёр кўйиғаки, ағёрға бор бор анда,
Мунисо, бор дединг ул хайл аро, не бор манга.

* * *

Эй кўнгул, фарёд қил гар ҳажр бедод айласа,
Топилур фарёдрас, ҳар кимки фарёд айласа.

Сайд бўлмай қолмак имкон йўқ кўнгуллар қушлари,
Дом зулфин, дона холин, кўзни сайёд айласа,

Умрлардур қайди ҳажрида гирифтор ўлмишам,
Асрү миннотдормен бир лаҳза озод айласа,

Мунча меҳнатларки чекдим хотирамдин маҳв ўлур,
Меҳр ила бир дам ул ой мен зорни шод айласа,

Ишқ одобига олим бўлғай эрди Кўҳкан,
Ўзни шогирду мени ўзига устод айласа.

Қил тажарруд сайриким руҳониятдин дам урап,
Ул чаман сори гузар ҳар сарви озод айласа.

Чархи мину бирла ўйнар нотавон Мунис мудом,
Бир қадаҳ май бирла гар ул муғбача ёд айласа.

* * *

Кулбам сари жононим келмасму экан оё,
Ҳажрида ёмон ҳолим билмасму экан оё?

Сўрмаққа борур ёрим ошиқлари аҳволин,
Деб ул мани ҳам ошиқ келмасму экан оё?

Ҳажрида қолиб йиллар олмас хабаре мандин,
Олида киши ёдим қилмасму экан оё?

Сўргай эди ҳолимни ошиқларидин билса,
Гар билса доғи кўзга илмасму экан оё?

Ханжар чекиб эл бағрин тилмакдин этар эҳсон,
Бағримни манинг ёраб тилмасму экан оё?

Баским тўладур ўшдин кўзни оча олмасмен,
Бир лутғ илиги они силмасму экан оё?

Гулзори висолиға Мунис ета олмас ҳеч,
Айлаб талабин елдик елмасму экан оё?

* * *

Қилурлар бир-бирининг суҳбатин гарчи ҳавас аҳбоб,
Эмаслар лек даврон гардишидин даст рас аҳбоб.

Фалак мундоқки нокомлиғ зоҳир қилур ҳар дам,
Эмаслар ҳеч фориғ ғам чекардин бир нафас аҳбоб.

Муҳаббат расмидин огоҳ этиб, миннат тутуб бергил,
Агар жон нақдими сендин қилурлар мултамас аҳбоб,

Замона аҳлининг манзуридур чун моли жамият,
Қачон топгай манингдек бир ғарив ҳеч кас аҳбоб.

Эрурман ўйла бекаским борурға боғласам маҳмил,
Тополмас айламакка нола андоқкии жарос аҳбоб.

Тутай кимдин умиди марҳаматким ёқғали жоним,
Урарлар оташ аъдоу солурлар хору хас аҳбоб.

Десанг аъдо шикасти давлатимға топмасунлар даст.
Йиғ атрофингға, эй шаҳ, адл бирла пешу пас аҳбоб,

Шакар янглиғ жаҳон аҳлиға ширин комлиғ еткур,
Хужум этсун десанг устунгда андоқким магас аҳбоб.

Эрур бир гул ҳавоси бирла Мунис кўнгли бол афшон,
Нечук сақларлар айлаб они маҳбуси қафас аҳбоб.

* * *

Меҳр ҳар кимдинки уммедин этдим ўлдим ноумед,
Нечун узмай олам аҳлидин мени шайдо умед.

Ўзгалар ҳар неки уммедин этти етти комига,
Менда етмак қайда, қилмоқ доғи йўқ қатъю умед.

Икки зид бир ерда жамъ ўлмак эрур амри маҳол,
Кел, жаҳондин ё тамиъ уз, эхиратдин ё умед.

Ҳар ким ўз жинсин бу бозор ичра айлар арзи кас,
Шайхдин зуҳд истау, соқидин эт саҳбо умед.

Гўша тутма бош олиб кетким фароғ асбобини,
Қилмас эрмиш ихтилоти халқдин доно умед.

Одамидин бўлмади мавжуд жуз жавру жафо,
Тутмағил бу жинсдин меҳру вафо асло умед.

Мунисо, не бахту толиъдур манга ким бўлмади,
Ёрдин бир илтифот изҳор қилдим ё умед.

* * *

Санга жаҳонда агар бўлмаса зару дур ганж,
Кўнгулда фақр ғамин айлағил тасаввур ганж.

Жаҳон хазойини манзурим ўлмаса тонг йўқ,
Ки фақр элига эмас мужиби тафохур ганж.

Узунгга ранж бериб ганж истамак недур,
Ки элга нафъ етурмас бажуз таҳассур ганж.

Ҳақорат ила тўни йиртуқ элга қилма назар,
Харобададур алар бари сарбасар пур ганж.

Атойи ганж ила нокасни сарфароз этма,
Ки сифла ҳолига кўп еткуурур тағайюр ганж.

Чу дасти холи ила борғунг охир этмас суд,
Юрутмак урдуви жоҳинг аро юз уштур ганж.

Жамоат аҳлиға қил ганжрезлик, эй шоҳ,
Қилур аларға фузун журъати таҳаввур ганж.

Далирлик сабаби давлату жалолат эрур,
Нисор этарлар агар бор эсанг баҳодир ганж.

Дуойи давлати хоразмшоҳ қил, Мунис,
Ки файъ адли била рашки равзадур Урганж.

* * *

Фунчалар очилдию, кўнглум очилмайдур ҳануз,
Булбулосо хотирим гул майли қилмайдур ҳануз.

Заъф аро ушшоқға ибрат бўлубмен оҳким,
Кўзга аҳволи низарим ёр илмайдур ҳануз.

Ваъдаи васл айлаб эрди, айлади, таъхир кўп,
Е ибо қилдию, ё ёдига келмайдур ҳануз.

Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун, кун даме,
Дилбаримча жавр ойинини билмайдур ҳануз.

Ерни ашким фарқ этиб, зўр этти оҳим сарсари,
Недин эркандур фалак тоқи йиқилмайдур ҳануз.

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсам нетонг,
Сажда қилмоқлиқға бошим бир эгилмайдур ҳануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталик,
Панд қилмангким жунунидин айилмайдур ҳануз.

* * *

Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз,
Сиз ичиб саҳбо мани хунхори ҳасрат қилмангиз.

Гар муюссар бўлса бир маҳбуб ила базми нишот,
Менсизин суҳбат тузарга майлу рағбат қилмангиз.

Тўпсангиз базми висоли, анда ёд этмай мени,
Зор кўнглумни асири доғи фурқат қилмангиз.

Мен каби йўқдур арода бир киши маҳмури айш,
Қимсага мендин зиёда бода шафқат қилмангиз.

Фақр мазмуни басе мубҳамдур, ай аҳли сулук,
Кечмайин жондин анга беҳуда диққат қилмангиз.

Аҳли дониш бирла ҳардам айлангиз базми китоб,
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.

Дўст улдурким ёмон кун юз эвурмас дўстдин,
Мунис аҳволин кўруб тарки муҳаббат қилмангиз.

* * *

Қилмоқ изҳори такаббур, недур эй бандай ожиз.
Фитратингға назар эт, бўлма ҳадингдин мутажовиз.

Шафқат илги била ожиз фуқаро бошини сила,
Зўрлиғлар била инжитма алар кўнглини ҳаргиз.

Ҳокими шаръсен, ўлмоқ недурур мойили ришват,
Қайси мазҳабдадур ул ҳукмким шариат била жоиз.

Қил ҳазар тийри дуойи бадидин аҳли дуонинг,
Офат аҳли инод ўлди русул хайлиға муъжиз.

Бергил инсофки занжири уқубат бўла олғай,
Буки салғутға берурлар эгириб ришта ажойиз.

Қилма гулғом улус қонидан илгингники гулгун,
Қилмағай ранг мукофот ила жайбингни бу қирмиз,

Бўл кичиклик била собит тиласанг амн ҳисорин,
Ким кирап дойираларға бу сифат бирла марокиз.

Истасанг бўлмақинг абнойи замон ичра муazzаз,
Бўл ҳақир элга мажолисдау хилватда муazzиз.

Ихтилоти аҳли жаҳон неку бадиға қила олмас,
Бу жаҳон неку бадиға киши гар бўлса мумайиз.

Айла таътили ҳавоу ўқуғил масъалаи ишқ,
Бўлса ҳақни қўюбон мабҳаси ботилға мужаввиз.

Фазл бир давлати пояндадурур шукрки, Мунис,
Бўлди ҳақ фазлидин ул давлати пояндаға фойиз.

* * *

Басе ғам боридин чекмиш оғирни,
Яғир қилмиш ҳазин кўнглум бағирни.

Фалак ғам юкларин солганда элга,
Яғирнимга менинг қўймиш оғирни.

Билурсен ғам юкин кўп чекканимни
Яғирним устида кўрсанг яғирни.

Итинг кўрсам манга унс айласун деб,
Берурман гаҳ кўнгулни, гаҳ бағирни.

Рақиб олдингда бўлмоқдин ҳазин мен
Тиларман кўрмасам ул бўлмағирни.

Замон аҳлиға бўлмиш шиква ойин,
Нетонг севсам агар гунгу сагирни.

Нажоте истасанг Мунисға ғамдин
Аёқчи тут анга ҳардам чоғирни,

* * *

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлуб,
Уламою фузало бўлса сазовари алам.

Шуаро деса ҳижо йўқса хушомад доим
Рўзгорини фалқат била айлаб барҳам.

Фуқаро ўткара олмай баҳузур авқотин
Қўйса ҳар сори жало марҳаласи сори қадам.

Ким мукаррамдур аларким эдилар дун ҳиммат,
Топибон жоҳилу нодон шарафи нозу ниам,

Ҳам эрур кунд табиатлар эл ичра мумтоз,
Хиссат оролиғ ила айлабон изҳори карам.

Ҳам эрур омили маҳсус авон бирла авом,
Чекиб эл моли учун зулм ила тифи ситам.

* * *

Давлатинг боридадурлар борча олам ошно,
Қайтғоч давлат жаҳонда топилур кам ошно.

Үйла бекаслик мени маҳзунға топмиш дастким,
Бир киши йўқдур манга жуз кулфату ғам ошно.

Баски даврон хоҳиши бегоналиғ солмақғадур,
Бир-бирига бўла олмас икки ҳамдам ошно.

Кимки бўлди ошно бот айлади бегоналиғ,
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.

Гар вафо бўлса бирида бўлғай эрди, қўрмадим,
Бўлдилар ҳар нечаким авлоди одам ошно,

Ҳажр ранжидин ўларга етмишамким кўрсалар,
Ҳолима тутғай азо бегона, мотам ошно.

Ишқ аро ул навъ эрур ваҳшат мени мажнунғаким,
Ўзгани демай бўла олмас кўнгул ҳам ошно.

Дард чекмак, ашқ тўқмак ишқ элига хосдур,
Ҳар кўнгулга дард, ҳар кўзга эмас нам ошно.

Мунисо, даврон ғами бегона бўлсанг тонг эмас,
Ким санга бўлмиш буюқ донишвар Акрам ошно,

* * *

Фамингдин эрур ўтлуғ оҳим расо,
Ки онинг бўлур шўъласи чархсо,

Кўнгул ўтининг ўйла дуди чиқар,
Ки бўлмиш манга тийра субҳу масо.

Тирикликда худ масканимдур қопунг,
Агар ўлсам анда мазорим ясо.

Малул ўлмишам, муғбача, бода тут
Ичай ҳар неча бор эсам порсо.

Агар эр эсанг қўп жаҳонгир бўл.
Уй ичра ўтурма, нечукким нисо.

Эмас яхшилиқ, яхшиликка карам,
Карим эрсанг аҳсан ило ман асо.

Вафо хорхоридин ўтким, бу гул
Жаҳон боғида бутмамиш, Мунисо!

* * *

Истасанг сайдир учун, эй дилбари зебо саҳро,
Кўнглума келки эрур турфа мусаффо саҳро.

Етти саҳроға мағар файзи баҳсри ҳуснунг;
Ки эрур бори эрамдек чаман оро саҳро.

Келу саҳроға хиром айла баҳор осоким,
Кўкариб сабзалар ўлсун тарабағзо саҳро.

Сайдир саҳро кетарур занги кӯдурат дилдин,
Мундин аксар эди, маъвойи Масиҳо саҳро.

Ул қадар шўри жунун воқиъ ўлур кўнглума ким,
Вусъати бирла бўла олмас анга жо саҳро.

Гоҳ тор ичрау гаҳ шаҳрдадур ошубим,
Мани мажнуннинг эмас, манзили танҳо саҳро.

Доғлиғ кўнглум ўлуб қон тўқилур қўёлардин,
Кўр не янглиғ очадур лолайи ҳамро саҳро.

Үтти Мажнун каби кўп телбараган ишқ эли, лек
Топмади мен каби бир бодия паймо саҳро.

Оҳи тоғларни йиқар, ашки иморатларни,
Ер юзин охир этар Муниси шайдо саҳро,

* * *

Ютубон бу замонда қон шуаро,
Назм этар гавҳари фиғон шуаро.
Ерга хуршеддек солур даврон,
Қилсалар сайри осмон шуаро.
Дўйстлар лутфидин қилур маҳжур,
Баски бор душмани замон шуаро.
Юз хушомад била гадолиғ этиб,
Топа олмас емакка нон шуаро.
Давлат асроридин эрур ғофил,
Ҳар неча эрса нуктадон шуаро.
Бўлуб ифлосдин зарурат ила,
Хиссат аҳлиға мадҳон шуаро.
Шеъри янглиғ кезар маҳофил аро,
Қилғали дарди дил аён шуаро.
Гўиё рўзгор аносидин
Туғди кулфатда тавъамон шуаро.
Дардманду жафокаш элга қилур,
Назм ила дардини баён шуаро.
Аҳли давлатга бўлса ҳам маддоҳ,
Топмас иқболдин нишон шуаро.
Ғуссадин ўлгай эрди, топмас эса,
Шеъридек ёри ҳамзабон шуаро.
Баски даврон эрур ҳунар душман,
Қўрадур фазлидин зиён шуаро.
Мизбонлиғ қилурға йўқ нимаси,
Бўлса Мунисға меҳмон шуаро.

* * *

Чаманлар сайриға келгилки фасли новбаҳор ўлмиш,
Риёзи хулд янглиғ төғу саҳро лолазор ўлмиш.

Май ичкан хўблар рухсоридин гуллар очиб олам,
Ўланг сувлар лабида ул сифатким хатти ёр ўлмиш.

Паривашлар каби гуллар қилиб гулшан аро жилва,
Алар шавқида булбул ун чекиб девонавор ўлмиш.

Муносиб эрмас уйда айламак оромким фирмавс,
Назоҳат важҳида саҳро юзидин шармсor ўлмиш.

Тамошо қилки ошиқлар кўзи янглиғ бўлуб ҳар ён,
Аёқига хиромон сарвларнинг дур нисор ўлмиш.

Назар қил раҳмат осоригаким ҳар ён қуруғ ашжор,
Очиб гуллар, чиқориб сарвлар хузрат шиор ўлмиш.

Ҳаво Исо дамидек руҳпарвар гул нишот афзо,
Хушо улким чу Мунис гашт этардин комгор ўлмиш.

* * *

Рўза бисёр мени танг этмиш,
Баданим суст, аёғим ланг этмиш.

Табъима ҳардам оғирлиқ етуруб,
Қоғ тоғи била ҳамсанг этмиш.

Янги ой шавқи таним зор айлаб,
Қоматим ийд ғами чанг этмиш.

Заъф уйдин чиқоримға қўймас,
Ҳар қадамни неча фарсанг этмиш.

Бода махмурлиғидин рўза,
Мени ўлтургали оҳанг этмиш.

Пур жило май била соқийки хумор
Табъим ойинасини занг этмиш.

Маст этиб қил мададе Мунисға,
Ки сипоҳи ғам ила жанг этмиш.

* * *

Гар топай десанг қаноат махзанидин интифоъ,
Уз тамаъ оламдину ҳосил қил андин инқитоъ.
Мутриби хуш лаҗжа тузгач хуш тараннум бирла
Руд,
Эй хуло, завқ аҳликим беихтиёр этгай самоъ.
Эйки дерсен дўст розин махфи асрой жон аро,
Қилма маҳрам ҳам кўнгулким «жовазал иснайни
шоъ».
Чун қуёшдек оқибат киргунг қаро тўпроқға хор,
Не асиғ қилмақлиқ авжи иззат узра иртифоъ.
Дастгоҳи фақрға қилма назар таҳқир ила,
Ким ҳақиқатда йўқ эски шолча заррин хилоъ.
Faflatiningdin айла ашъё сайридин касрат зуҳур,
Айни ваҳдатдур гаҳ-гаҳ огаҳлиқға топсанг иттилоъ.
Чун қарилиғ етти жозим бўл кетарга базмдин,
Қадди ҳамдур шоҳиди ишратға оғуши видоъ.
Эйки кирдинг ишқ бозорига юз савдо била,
Ғам била шод ўлки, ғамдин ўзга йўқ хушроқ матоъ.
Дайр аро бўл баҳравар ринд аҳли нўшо нўшидин,
Тутма Мунис шайхлар пандиға гўши истимоъ.

* * *

Яҳши кунимда ҳар киши ким қилди ёрлиғ,
Дўнгач замона айлади душман шиорлиғ.

Атфол этакка тош йигингизким, мени букун,
Девоналиқға еткурадур беқарорлиғ.

Нақди ғаминг кўнгулда ниҳон эрди ганждек,
Синдури бу тилисмци беихтиёрлиғ.

Итлар азизроқ кўрунур халқ ёнида,
Мендинки кўюнг ичра чекарман бу хорлиғ.

Сувдек эриб оқармен этарда ғамимни шарҳ,
Е тоқат айлай олмону, ё шармсорлиғ.

Зулфингни ораз узра кўрарман нечукки абр,
Мен-мен ёруқ жаҳонда қаро рўзгорлиғ.

Мен гарча сухбатингға эман лойиқ этма рад,
Бу гулшан ичра гул ул эрур бўлса хорлиғ.

Эй мутриб ўлди ҳалқаи нағманғға жон асир,
Созингға ёр зулфидин олдингму торлиғ.

Мунисни ғам етурди ҳалокатға, эй масиҳ,
Мақтулинга Dame қилакўр ғамгусорлиғ.

* * *

Керакмас жон манга жонондин айру,
Киши нетсун бадани жондин айру.
Лабидур чашмаи ҳайвон, эмас хизр,
Тирик ул чашмаи ҳайвондин айру.
Эрур равшан анинг ҳуснида они,
Ки кўнглум шод бўлмас ондин айру.
Нигорим боргали кўнглум бузулди,
Ки вайрон мулк ўлур султондин айру.
Булоғда ер пари тутғондек эрмас,
Хаёли диди гирёндин айру.
Вуҳуш ўлған каби Мажнунға дамсоз,
Ғами эрмас бу саргардондин айру.
Недин васлиға еткурмас мени ким,
Эмас гул булбули ноладин айру,
Эмасман ишқидин айруки бўлмас.
Самандар отоши сўзондин айру.
Кўнгул қўйингдин айру беноводур,
Наво булбулда йўқ бўстондин айру.
На нашъа ҳосил айлар шайхи нодон,
Шароби соғари ирфондин айру.
Ёлиқтилар жаҳон аҳли, ва лекин,
Дами Мунис эмас афғондин айру.

* * *

Қўонгда қилас десам гадолиғ,
Дерлар санга борму подшолиғ,

Тарк айладинг аҳли ошнони,
Бегонага айлаб ошнолиғ.

Ҳарна ситам ўлса қилғил, эй чарх,
Солма ароға vale жудолиғ.

Ботинда риёдур этса зоҳид,
Зоҳирда агарчи порсолиғ.

Мунис нега нукта кўп сурарсен.
Кам бўлса, матоъ ўлур баҳолиғ.

РУБОИИЛАР

Шоҳо, фуқароки муниси ғамдурлар,
Бедор дилу кўзлари пурнамдурлар,
Зинҳор аларни қўйилмағил озурда,
Оташдаму барҳамзани оламдурлар.

*

Ангаким масти жоми давлатдур,
Қон ичарда фақирлардин не хабар?
Ори уйқуга борған англамағай
Уйқусизларға ҳарне бўлса агар,

*

Сабот истасанг мулк бунёдига,
Адолат била ет үлус додига,
Адолатдин ўлди эл осойиши,
Эл осойиши мулк оройиши.

*

Бу қишки ёрур ер юзи кўзгу музидин,
Бир васфини ақл этолмас юзидин,
Иссиф кунидин шаммаи изҳор этсам,
Совуқроқ эрур зоҳиди нодон юзидин.

*

Тутма бадгў бирла суҳбатким, ёмон сўз заҳридин
Ниши занбур каби ҳар дам берур озорлар,
Ким яқинроқ борса итга ҳурмоғидин инжитур,
Балки тишлаб жисмин афгор, тўнин мурдорлар,

*

Эмас мард — турғонни йиқса киши,
Агар келса қўлдин, йиқилғонни турғуз,
Шуруинг ўлса на ишга туз айла ниятинг аввал,
Бори амални ҳабо бил, агар туз ўлмаса ният,



ЖОНИЙ





Ж

онийнинг номи Мулла Қурбон бўлиб, унинг яшаган ва ижод этган вақти XVIII асрнинг охирги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. У Бухорда яшади ва ижод этди. Сайфий деган шоир Жонийнинг вафотига бағишлаб ёзган тарих — марсиясида:

Хирад пири деди уйқумга тарих айлағил Сайфий,
Дедим минг икки юз эллик бошида Жони жон кетди.

деб ёзади. Демак Жоний 1250 (1834) йилда вафот этган. Бизга маълум бўлган тазкираларда Жоний биографиясига оид маълумотлар учрамайди. Аммо шоирнинг мукаммал девонидан икки нусхаси бизгача етиб келган. Улар ҳозир ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. (Инв. № 125, инв № 7483) Ушбу тўпламга киритилган Жоний шеърлари тахминан 1833/1834 йилларда кўчириб ёзилган девонидан (инв. № 125) олингандир,





«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

III

урди бўстон сайрига сарви хиромон силкиниб,
Қилди пояндоз гул баргин гулистон силкиниб.

Кулгусидин гул сочиб, қизлар билан нозин кўруб,
Панжасида зарларин гул қилди эҳсон силкиниб.

Зулф бирлан ўйнабон атридин анбар тўkkанин,
Сунбул они кўрди-ю, бўлди паришон силкиниб.

Фунча гуфтория кўруб чирманди хазро пардаға,
Сарв рафторин эшитиб, қолди ҳайрон силкиниб.

Ҳар ким ўз гулрўйига маҳв эрди, Жоний, бил они
Гул юзин кўрди-ю, булбул қилди афғон силкиниб.

* * *

Йиглатди кўзларимни ажаб лабларинг қулуб,
Важдим бу эрди шамъи жамолингдин ўргулуб.

Ҳар қайси бошқа-бошқа тилар садқа бўлмагин
Қошу кўзингта жону кўнгул ақл олдуруб.

Васлинг тириклигим сабаби субҳу шом, бас,
Бошинг учунки борма менинг кўнглими узуб.

Таъбир қилдим ой юзинга мунзави калаф,
Ружсоринг узра хатти муанбарни туш кўруб,

Бир кўрмак иштиёқидин эй навбаҳори ҳусн,
Тунларни ўткуур йўлинг устида ўлтуруб.

Сен шод сайд ичинда паричеҳралар била,
Мен хаста доғ бир гўшада зор телмуруб.

Жоний, ниҳояти талабинг кўйи туфроғи
Жон берса оз эмастур оёғингга бош қўюб.

* * *

Санга бир кун дедим, эй маҳжабин, шомимни маҳтоб эт,
Сен айдинг йифламоқдин ашки олинг бодаи ноб эт.

Мен онга навҳа қилдим ҳолима бир келмадинг ҳаргиз,
Гулоб урмай, кўзум мардумларин дерсенки симоб эт.

Сариф руҳсор уза гулгун сиришким ҳолатин қўргил,
Гулистон ичра раъно қоматингдин гулни бетоб эт.

Хатинг савдосида гул оразингдин бехабар сонма,
Нигоҳ тифи била гул ғунчадек кўнглимни сероб эт.

Юраклар пора-пора, таҳ-батаҳ қондур жигар, Жоний,
Чаманда сийна очиб, гул яқо чокини ноёб эт.

* * *

Маломатлар етишти санга, эй жон, мен ёмондин кўп.
Нечаким менга етти сарзаниш аҳли замондин кўп.

Агар булбул чаман саҳнида юз йил навҳа тортаркан
Эмастур бир нафас мен бенаво чеккан фигондин кўп.

Итинг бирла менинг шаънимда сонсиз можаролардур,
Басо, Фарҳоду Мажнун әлга қилган достондин кўп.

Жамолингдин кўзум боғида бир наврас гул очилмиш.
Шукуҳи жилваси юз гулшану минг гўлситондин кўп.

Сари кўйингда танҳо мен киби зору ҳазин йўқтур,
Агарчандеки сенда ўртаган бехонумондин кўп.

Қадинг сарвини истаб бир гулистон ичра кўз солдим,
Анга монанд кўзга кирмади сарви равондин кўп.

Адамдур, беебодур Жонийи мискин, афокаллоҳ,
Жаҳон ичра баҳосин қилмағил аҳли замондин кўп.

* * *

Тун оқшом оразингдин тўлун ой кўрдим хаёл ичра,
Ўзимдан бордим ул ғоятда бўлдим ўзга ҳол ичра,

На раъно сарвқад давринг гули рухсори зебидин.
Чаман аҳлини маҳви ранг айлабдур камол ичра.

Хушо, гулзөр аро гулгун узори нарғис олтуни,
Ики заррин ғазола турфароқdir ҳусни ол ичра.

Малоҳат боғидур ҳуснинг, навокат сенدادур ёри,
Пари пайкар санамлар ходим ўлмишлар жамоличра.

Менинг коми дилимға заҳри ҳажринг шаҳди роҳатдур,
Бу лаззатни киши топмас юриб юз йил висол ичра.

Не давлатдур менга дилдор ёди бирла жон бермак,
Не мушкул иш эрур оҳсиз малолидур малол ичра.

Фано бўлмай етишмас белу оғзинг сайрига Жоний
Саропо умр бори сарф ўлмиш қийлу қол ичра;

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Боғи жаннат гулшани ҳуснингга руҳафзо эмас,
Нахли тўби қоматингдек сарв гардунсо эмас,
Не деб олам ичра хаттинг рашикидин савдо эмас,
Сунбулин Лайли очибдур ел абир осо эмас,
Доғини Мажнун қонатмиш лолаи ҳумро эмас.

Баҳри ҳайрат ичра Вомиқ туздинг, эй Узро узор,
Гулда Лайли аксидур, булбулда Мажнундин шиор.
Бир тараф Ширин ҳадиси, бир тараф Фарҳоди зор.
Наастаран кўзгусида бир сори мен, бир сори ёр.
Чеҳра аксин кўргузубдур ул гули раъно эмас.

Савсани тўн бирла сабзи хат муносибдур анга.
Нилуфарга хол юзида мазҳари нурул-ҳудо,
Мунча зебу зийнат ила сарви қаддидин адо,
Гулга ўхшатган каби ёримни гўё боғ аро,
Музтариб кўнглум қушидур булбули шайдо эмас.

Гўйё шамсу қамардур ҳусн шаҳристонида.
Кўрмадим ул ҳурваш шабхуни ризвон ёнида,
Гулжабинлар ҳасратидин бош қўйуб осто нида,
Гулни сарв узра хаёл этдим кўнгул бўстонида.
Рост айтиб сарви гулрўйим киби зебо эмас...

Ул ситамгардин кўнгул ҳифзига қилдим эҳтиёт,
Ҳар касу нокас била беҳуда қилмай инхирот.
Мутриби гулчехра илҳони-ла туздим инбисот.
Доим афғонимда булбул ноласидин йўқ нишот.
Ул ҳам андуҳзо эмас, бул ҳам нишот афзо эмас.

Новаки мужгон этиб ул шўх чўқ гўстоғ аро,
Қолди кўнглум захми пайконидин асру доғ аро,
Хизр бўлсун йўқ иложи кирмайин туфроғ аро,
Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўҳларким, боғ аро,
Сиз киби бултурги гуллардин бири пайдо эмас,

Қошларининг эгмасидин аксур қавси қузаҳ,
Ёй агар булдур жаҳон ичра савод этмас шабаҳ,
Жоний ўз гулчехраси эҳсонидин топмиш фараҳ.
Менга гулруҳ соқи-ю, булбулга гул тутти қадаҳ,
Мастдур улким, Навоийдек вале расво эмас,

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Завқиминг вори ўшал тожи сазовора фидо,
Шавқиминг шуҳраси бошинг уза зар тора фидо,
Қўнглуминг маҳзани гул орази гулнора фидо,
Жониминг жавҳари ул лаъли гуҳарбора фидо,
Умриминг ҳосили ул шеваи рафтора фидо.

Қанд дерлар сўзинги, йўхса малоҳат кони,
Рамзидин гул тўкилур, дур гуҳари эҳсони,
Қўзларим ул ики меҳроби яшил ҳайрони,
Дард чекмиш бошим ул чашми сияҳ қурбони,
Тоб кўрмиш таним ул турраи таррора фидо.

Сарв дерлар қадинга аслида жаннат шажари,
Гуллари руҳи равон, инсу малакдур самари,
Юзларим лолалари шабнами сони саҳари,
Кўзларимдин тўкулан қатраи ашким гуҳари,
Лабларингдин сочилан луълуи шаҳвора фидо.

Юзинга садқа чаман сайрида гул соралари,
Бенгзатурлар дахи насрин киби бечоралари,
Кўзларим оқида мардум деялар қоралари,
Чок кўксумда ўлан қонлу жигарпоралари,
Маст чашмингда ўлан ғамзай хунхора фидо.

Кўзларинг ўқи ўтуб кўксима бал жонимдин,
Қатра қонлар тўкула хар сари мўжгонимдин,
Бехабар бўлдум ўшал этдуги пайконимдин,
Пора-пора дили мажруҳи паришонимдин,
Сари кўйингда киран ҳар ита бир пора фидо.

Манга даст берса висолинг унин ошуртордим,
Кирпиким найза қилиб душманингни туртордим,
Шукрлиллаҳки кўйинг ҳокина кўз суртормидим,
Жону дил қайдини чекмакдин ўзум қуртормидим
Жонни жононима қилдим, дили дилдора фидо.

Тонг дагил булбул агар тутса гулистонни азиз,
Дўгулуб гули ҳумро қилса бу бўстонни азиз,
Жоний, ҳоқонлар аро беклади султонни азиз,
Эй Фузулий, нўла гар сахлар эсанг жонни азиз,
Вақт ўла ким ўла бир шўхи ситамгора фидо.

РУБОИЛАР

Зулф эмас рухсори жонон узра умридур дароз,
Ул жиҳатдин ҳасратидин кўрмайин жон берсам оз.
Қокилинг торига банд ўлди кўнгул не важҳдин,
Улса ул нисбат била саргашталикда сарфароз.

*

Қоматинг сарвinda кўрдим икки гулшанвор гул,
Икки гулгун оразинг аксиму, ё дастор гул.
Лаъл гул барги жабин, гулнор рухсору зақан.
Ҳар бирин ёлғон эмас айтилса юз харвор гул.

*

Ой талъати моҳ ёна кўрдим.
Faфлатда эдим уёна кўрдим.
Лутф этдингу бошим узра келдинг,
Шукрки юзунгни қона кўрдим,





ХОЗИК





Ж

унайдулло Исломшайх ўғли Ҳозиқ асли Ҳирот шаҳаридандир. Унинг туғулган йили тахминан XVIII асрнинг охириги чорагига тўғри келади. Жунайдулло 1800 йилларда Ҳиротдан Үрта Осиёга келди. Бухорода, Қўқонда, Хоразмда адабий ҳаётда фаол қатнашади. У фақат шоир бўлибгина қолмасдан истедодли табиб ҳам эди.

Ҳозиқ XIX асрнинг I ярмида яшаган ва ижод этган шоирларнинг пешқадамларидан бири бўлган. Унинг шеърларида феодал даврининг мудҳишлигидан, олим кишиларнинг оғир қисматга мубтало эканидан норозилик овозлари барака эштилиб туради. У зулм, ҳақсизлик, адолатсизликка нафрат ўқиди. Инсонпарварлик ғояларини қизғин равишда ташвиқ этади. Аммо Ҳозиқ ана шу ғояларни амалга оширувчи адолатли шоҳ бўлишига ишонар эди. Шунинг учун ҳам у Бухоро амири Насрулло номига бир шеър ёзиб, уни халққа меҳрибон бўлишга, бөхуда урушлар, қон тўкилишларга йўл қўймасликка чақиради. Бу чақириқ Насруллонинг шоирга ашадди душман бўлиб қолишига сабаб бўлди.

1842 йили Бухоро билан Қўқон ўртасида уруш бўлиб, у Бухоро амири Насруллонинг ғалабаси билан тугалланади. Бухоро лашкари Қўқонда қаттиқ талон ўтказади. Насруллонинг буйруғи билан кўплаб бегуноҳ кишилар, жумладан шоира Нодира ҳам ўлдирилади. Халқ қони ариқ бўлиб оқади. Ҳозиқ бу ваҳшиёна ҳодисалардан қаттиқ таъсирланган эди. Амир Насрулло

Бухорога қайтар экан йўлда Жунайдулло Ҳозиқни ўз олдига чақириб, унга эришилган ғалаба шаънига бир фард ўқишини буюрди. Шунда шоир барча аркони давлат ва лашкар ҳузурида амирнинг бетига тик қараб туриб қўйидаги шеърни ўқийди:

Буриди бар қади худ аз маломат
Либосе то ба домони қиёмат.

Таржима: Сен қаддингга лаънатлардан шундай либос тикиб кийдингки, у устингда то қиёматгача қолади.

Шундан бир оз вақт ўтгач ҳозиқ амир томонидан ўлдирилди.

Ҳозиқнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган шеърларидан ташкил топган қўл ёзма девони СССР Фанлар академиясининг Ленинград бўлимида сақланади. Унинг тожик тилида ёзилган шеърларининг кичик бир тўплами Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида мавжуддир. Ҳозиқ машҳур шарқ афсонаси асосида «Юсуф Зулайҳо» достонини яратган эди. Тожик тилида ёзилган бу достоннинг еттита қўл ёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу достон Ҳиндистонда ва Тошкентда нашр этилган. Ҳозиқнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган айрим шеърлари кўп қўл ёзма баёз ва тўпламларда ҳам учрайди.

Ҳозиқ инсонпарварлик, ҳалқпарварлик ғояларини ташвиқ этган, зулм, истибоддга қатъий равишда норозилик билдирган жасур шоирлардандир. Ҳозиқнинг гўзал лирик шеърлари унинг инсон қалбининг ҳаяжонлари, нозик кечинмаларини маҳорат билан тасвирланган сўз устаси эканидан далолат бериб туради. Шунинг учун ҳам Ҳозиқни ҳақли равишда XIX аср I ярмида яшаган ва ижод этган ўзбек ва тожик адабиётининг отокли арбобларидан бири деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ўшбу тўпламга киритилган шеърлар Ҳозиқнинг СССР Фанлар академиясининг Ленинград бўлимида сақланмоқда бўлган қўл ёзма девонидан олинган.





D

ҒАЗАЛЛАР

ИМОҒИМ иллатин, бағримни дөғин май илож этмаз,
Кавокиб гардишидиндур бу ғам вазъин мизож этмаз.

Дема тожи эрур шаҳнинг ғам ўди бошина чихмиш,
Бу маъни жонига ким равшан ўлса тахту тож этмаз.

Намозу рўзадин бағрин ўлан ошиқлари сўрма,
Нечукким подшоҳ вайрон ўлан ерни хирож этмаз.

Фано аҳлиға хавфи ворму шайтон бирла тангридин,
Ки ўғри муфлиси торож қилмас, шоҳ бож этмаз.

Кел, эй Ҳозиқ, бу дунёни талоқ эт, кимса эр ўлса
Эр ўлуб бу талиқа-ла бисоти издивож этмаз.

* * *

Муҳаббат меҳнатин билған киши роҳат писанд этмас,
Ачиқ май истаган маҳмур табъи майли қанд этмас.

Бу шайдо кўнглими чун боғлади зуннори зулфи-ла,
Киши девонани занжир ила бу навъ банд этмас.

Асое нотавон кўнглумга берди қоматинг шавқи
Бу янглиғ нола журъат йўқса мандек дардманд этмас.

Сену жавсар эилолию, мену онинг лабин завқи
Нетай, эй зоҳид, андин ўзга сув кўнглум писанд этмас.

Қел, э, носеҳ эшият пандим ўзинг, дезона бўлмишмен,
Нечунким билмадинг девоналарга суд панд этмас.

Табассум гар лабидин кўз тутарсен, йиғлағил, Ҳозиқ,
Булут оқузмагунча ёшини гул нўшханд этмас.

* * *

Юзунг күргач күролмам, тоқате ашким ҳужуминда,
Нечукким тоб қылмас меҳрдин гардун нужуминда.

Хәлинг бирла сенсиз дүш ширинком бўлмишдим,
Магарким васл тарёки эди хижрон самуминда.

Сенинг ҳуснинг киби зулфинг ила наззора кўрган йўқ,
На кокил шом зангинда, на ораз субҳ руминда.

Нечукким субҳидам ранги қуёшнинг панжасин ўмиш,
Сарафroz эт, сабо, туфроғини ёрим қудуминда.

Ачиқ-сучук сўзи била ёримдин эмин бўлмоғим
душвор,
Эрур нўшиға ниш андоқки бўлмиш шаҳд мўминда,

Лаби лаълинг тишиңг ила сўзунгнинг обу рангидич Сочар жавҳар тануринда, терар гавҳар нузуминда.

Эрүр күргаң замон бермоқ ошиқларға ҳам вожиб, Кон ичмак гар ҳалол ўлмиш паривашлар русуминда.

Мұҳаббат шуъласидин бўлмағай юз доги дунёнинг
Кани бир шамъ рух мунда, қани бир лолабў мунда.

Нетонг эрмиш агар Ҳозиқни килкидин шакар томса, Чу йўқ васфи хатингдин ўзга мазмуне руқуминда.

* * *

Ваҳ надиндурким бу янглиғ анбарафшон этти ел,
Ё саҳар чоғи эсиб зулфин паришон этти ел.

Деди боғ ичра ул оғзи ғунчанинг сўзин магар
Ким уруб гул ўтиға бу ранг домон этти ел.

Ўйла зулфи ёдидин оҳим муаттарким бу навъ,
Қўрмадим деб сайр этиб юз сунбулистон этти ел.

Васлининг пайғомини келтурди лаълидин яна,
Ғунчадек кўнглумға ул сўздин бериб жон этти ел.

Терлаған ҳуснин кўруб ул сарв қошидин келур,
Йўқса нечун шабнам ашкии бирла гирён этти ел.

Боғ ароки сарвинозимни гулин сўрдум гаҳе
Сунбулин топдим исин андин чу ҳар ён этти ел.

Мавж урур Ҳозиқ яна ашким ани пайғомидин,
Гўиё бу баҳрни қилмоққа тўфон этти ел.

МУХАММАС

Эйки, холинг лаълинг узрамай била тарёк эмиш.
Хай, жамолингки қуёшни чашмасидин пок эмиш,
Пайкаринг ойдин катон кўнглакда ойдинроқ эмиш,
Сарви раъно қаддидин раъно қадинг чолок эмиш,
Оташин гулдин гули рухсоринг оташнок эмиш.

Мен каби ушшоқ ичинда хастау ғамнок эмас,
Ишқ асрорин не билрай ул ки кўнгли пок эмас,
Билмаса афёр агар ошиқни ҳолин бок эмас,
Улки айтур кўнглакинг ул ой ғамидин чок эмас,
Англамайдур не гам ул ғофилки кўксим чок эмиш.

Май ичиб гулдек қизартти чеҳраи тобонини,
Равшан этти тийра кўнглум кулбай вайронини,
Жон берур деманг олур ошиқларини жонини,
Бир надин усрук чиқиб тўкли улусни қонини,
Аҳли дил, қочингки ул чобук ажаб бебок эмиш.

Ёрими Узроу Шириндек демак йўқтур тилим,
Мен киму ишқ ичра Вомиқ қайсию Фарҳод ким,
Гар Навоий деса дебдур бўйла Ҳозиқ дема ким,
Тушда Мажнунни ҳазину зор кўрдим англадим,
Ким бир ой ҳажрида ул ҳам мен каби ғамнок эмиш.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бошима солмиш не савдолар муҳаббат меҳнати,
Бош-оёғим шамъдек ёндуруди ул ой фурқати,
Улсам осон бўлур эрди ҳажрнинг бу кулфати.
Жонға чун дермен на эркин куймағунг кайфияти,
Дерки боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.

Чун маразнинг шиддати кўйдурди жоним рўзу шаб,
Тоқату тобимни кундин-кунга олди тобу таб,
Ғам ўтининг ҳиддатидин дамба-дам айлаб ғазаб,
Жисмдан сўрсамки бу заъфингга не эрди сабаб,
Дер анга бўлди сабаб ўтлуг бағирнинг ҳирқати.

Билмадимким, қайси ғам хирмандин ўт тушти менга,
Жайбдин тармашти ё домандин ўт тушти менга,
Топмадимким қайси бир гулхандин ўт тушти менга,
Чун бағирдин сўрдум, айтур тандин ўт тушти менга,
Ким бағирга шуъла солди ишқ барқи офати.

Хаста жонга чун итоб эттимки, эй ҳоли табоҳ,
Мунча жисмим куйдурурсен кеча-кундуз солу моҳ,
Деди, кўнглумдин менинг ҳам рўзгоримдур сиёҳ,
Кўнглума қилсан ғазаб айтурки, кўздиндур гуноҳ.
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг туҳмати.

Билмадимки қайси узвим бирла қилсан можаро,
Ким менинг жонимни куйдирмиш бу янглиғ ғам аро,
Дарди ҳижрон шиддатидин ҳар нафас мен бенаво,
Кўзга чун дерменки, эй тар домани юзи қаро,
Сендин ўлмиш хаста кўнглумнинг балоу меҳнати.

Бўлмасанг гар сен ул ой руҳсорига ойинавор,
Мунча кўнглум бўлмас эрди шавқ ўтидин беқарор.
Равшан ўлдиким менинг жонимга сен урдунг шарор,
Йиғлаб айтур кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр,
Ким кўринди ногаҳон бир шўх маҳваш талъати.

Ҳозиқ, охир кўз бу сўзни чин деди, ўлгунча куй,
Бир-бираға ҳар бири сен-сен деди, ўлгунча куй,
Ўртадин ишқ офати мен-мен деди, ўлгунча куй,
Эй Навоий, барча ўз узрич деди, ўлгунча куй,
Ким санга ишқ ўти ўқ эрмиш азалнинг қисмати.





ШАВКИЙ





XIX аср шоирларидан Шавқийнинг нисбатан мукам-
мал девони ЎзССР Фанлар академиясининг Шарқшу-
нослик институтида сақланади (инв. 1407).

Бу қўл ёзма девони анча яхши сақланган, бир хил
хат билан ёзилган, унда Шавқийнинг 4000 мисраъга
яқин ўзбек ва тожик тилларида ёзилган лирик шеърла-
ри бор. Бу тўпламга киритилган асарлар ана шу девон-
дан олинди.

Шавқий биографияси ҳақида бундан бошқа маълу-
мотимиз ҳозирча йўқ.





ҒАЗАЛЛАР

Унсаҳар жавлон ила оламни кездурган сабо.
Ерни пайғомини ёриға еткурган сабо.

Субҳ вақтида табоҳи ғунчадин очиб гириҳ,
Булбули бедилни минг афғона келтурган сабо.

Ҳажр дардидин бўлан ранжурларни ҳар саҳар
Бўйи зулфи ёрдин бир лаҳза тиргузган сабо.

Шўр ила булбул фигондин нағма айлаб зеру бам,
Шавқидин сарву суманин рақс қилдурган сабо.

Арғувони лолау насрин юрокин чок этиб,
Савсан узра жомаи мотами кийдурган сабо.

Шамъи рухсоридин ул парвонани айлаб жудо,
Бенаво айлаб фано мулкига еткурган сабо.

Шавқиё, ёр истасанг ҳар түн сабоҳ бедор бўл,
Бир нафас ушшоқлар корини еткурган сабо.

* * *

То келибмен олами фониға аз мулки адам,
Топмадим жуз ҳасрат узра ҳасрату ғам узра ғам.

Ер савдосию, ҳижрон дардию жаври рақиб
Солди бошимға туман дарду алам узра алам.

Қоши ёси бирла киприклар ўқи новаклари
Айлади мажруҳ сийнамни қалам узра қалам.

Ул киби сайёд домидин қутулмас ҳеч сайд,
Бўлса доми ҳалқа узра ҳалқау хам узра хам.

Келса ҳаргоҳ хотиримға ул парирў жилваси,
Кўзларимдин тинмағай ашким суйи нам узра нам.

Куйдуурсан, дилбаро жонимни ҳажрингдин яна,
Сийнаи дор узра этма кўп ситам узра ситам.

Даргаҳингда бевасила бир галодурмен ҳақири,
Шоҳи олам бир назар сендин карам узра карам.

Носиҳо, пандингни зойиъ айлама ушшоқ аро,
Жуз ҳикоёти нигор ул қавм эрмишлар ажам.

Шавқиё, ҳар на жафо кўрсанг фалакдин сабр қил,
Ишқ эли лойи қорилмишлар бало бирлан баҳам.

* * *

Дўстлар, ҳечким менингдек зору ҳайрон ўлмасун
Бир пари савдосидин бесабру сомон ўлмасун.

Дамбадам Юсуфваши ҳижронидин қон йиғлабон,
Кулбай аҳзон аро чун пири Канъон ўлмасун.

Соз этиб шўри адоло кўчау бозор аро
Мен каби саргаштаи расвои даврон ўлмасун.

Хобгоҳи дўзаку, болину бистар оташин,
Шарбати заҳри зақуму, тұъмаси қон ўлмасун.

Найлайин, эй ҳурващ, сенсиз жаҳон ишратларин?
Сен бўлуб, бу даҳр ҳаргиз роҳати жон ўлмасун,

Ваъдаи дийдор эди ишқ аҳлини найранг этиб,
Сен каби маккор вазъи сустпаймон ўлмасун.

Зумраи ушшоқ аро мен янгли бир зору залил
Хуш гирифтари хами зулфи паришон ўлмасун.

Бир бути номеҳрибон тийри ғамидин мен каби
Жисми бемори саросар захми пайкон ўлмасун,

Қўзларидин тинмайин бир соате селоби ашқ,
Шавқий янглиғ бир ғариби кўнгли вайрон ўлмасун.

* * *

На ерда бўлсам, эй дилбар, кўнгул ичра хаёлингдур.
Юракда доғу дардинг тил уза зикри жамолингдур.

Шиои офтобу моҳи нав дийдамға равшан йўқ,
Шаби дайжура солған гесуюи мушкин мисолингдур.

Эмас тор узра унган лолау сунбул фироқингда,
Куюбон доғи дардингдин асири хатту холингдур.

Дедим ўлдим, аё дилбар, ғамингдин сўрмадинг ҳолим,
Кулуб айди менинг ишқимда ўлмоғлиқ камолингдур.

Яна айдим надур мақсад санга ошиқни куйдурмоқ,
Дедиким боргоҳимға етурға парру болингдур.

Яна айдим, на суд, эй жон, менинг оҳу фифонимдин:
Деди, даргоҳима хуш келғучи ширин мақолингдур.

Дедим, эй бедили зорам, манга кимхобу атласдин
Юз ончи хўброқ илгингга солғон эски шолингдур.

Дедим, эй бедили раъно, йўлунгда Шавқийи мискин
Агар юз минг жафо кўрсам манга мақсад висолингдур.

* * *

Бир шўх ҳавосида кўп зору паришонмен.
Топмай асаре андин саргаштау хайронмен.

Саҳройи фироқида Мажнун киби саргардон,
Лайли ғамидин доим пур нолау афғонмен.

Гулзори жамолидин термай гули мақсуде,
Чун булбули ошуфта бо нағмаи алвонмен.

Эй шўхи парипайкар, шабу рўз сўроғингда
Фарёду фифон бирла чун қумрийи нолонмен.

Юсуфваше ҳажридин ҳар шому сабо йиғлаб,
Яъқуб наби янглиғ дар қулбай аҳзонмен.

Авбошие ваҳмидин ҳолимни тутуб пинҳон,
Гул ғунчасидек доим бағрим тўлаи қонмен.

Бу ҳалқи замон бирлан тутмай нафасе улфат,
Чун чуғз саросима дар гўшиа вайронмен.

Бу Шавқийи овора топмай даме ғамхора
Дар ҳасрати маҳпора бисёр пур армонмен.

* * *

Фурқатингким, эй ниgoro, хаста жоним ўртади.
Жон на бўлғай мулки пайдоу ниҳоним ўратди.

Ҳар саҳар афғон чекар бўлсам фироқинг жавридин
Дил на бўлғай танда мағзу устухоним ўртади.

Сенсизин қўйсам қадам масжид сари вақти намоз,
Қошларинг меҳроби ёдидин равоним ўртади.

Гирдибоди бенаводек соате топмам қарор,
Найлайн бу жон бир оз нотавоним ўртади.

Шамъи рухсоринг фироқидин аё, эй сиймтан
Чун пари парвона жисмим ичра қоним ўртади.

Лоладин сўрдум надур дашт ичра бағринг ичра
доғ,
Айди жисмим ҳажр ўтида куйди, жоним ўртади.

Шавқиё, қилма шикоят ёрдин даври азал,
Айлабон минг шева халлоқи жаҳоним ўртади.

* * *

Жамолинг фурқатидин, дилрабо, кўп зор йиғлармен,
Гаҳе дар масжиду таҳ кўчау бозор йиғлармен.

Ало, эй Лайлий олам, сенинг ёдинг билан доим
Жунун саҳросида ошуфта мажнуунвор йиғлармен

Басони гирдибоде дашту ҳомун ичра саргардон
Бошимға гул сочиб болойи санги хор йиғлармен.

Муҳаббат лашкари шамшири ғам тезлаб манга етти,
Қолибон ёлғузин бечора дил афкор йиғлармен.

Бўлубмен бесару сомон, ўз аҳволимға ҳайронман,
Гаҳе дар хонақаҳ, гаҳ бар дари хаммор йиғлармен.

Кўнгулни дардини бир соате ёзмоққа маҳрам йўқ,
Иложим топмайин бағрим куюб, бисёр йиғлармен.

Жаҳондин ўтти бу Шавқий висолинг орзу айлаб,
Қиёмат даштида бо ҳазрати жаббор йиғлармен.

МАРСИЯ

Алвидо, эй дўстлар, ул ёрдин бўлдум жудо.
Сарв қадлиғ лолаи рухсордин бўлдум жудо.
Боғи гул ичра гули беҳордин бўлдум жудо.
Булбули шўридаман гулзордин бўлдум жудо.
Баҳри ҳусн ичра дури шаҳвордин бўлдум жудо.
Хуш хиромон, шўхи ширинкордин бўлдум жудо:

Кетди қўлдин ногаҳ ул гулдастаи боғи Эрам,
Айрилиб андин бошимға тушти юз ғам узра ғам,
Оқти кўздин тинмайин ашким сўйи нам узра нам,
Тилди бағрим ханжари ҳижрон қалам узра қалам.
Қўксум узра доғ узра доғу алам узра алам,
Боғ узра ул гули беҳордин бўлдум жудо.

Топмадим ҳаргиз иложин ончи тадбир айладим,
Бўлмади мақсад ҳосил ончи тавфир айладим,
Кўп фифону нолау кўп оҳи шабгиғ айладим,
Ё магар ҳақ неъмати шукрида тақсир айладим,
Ё эгам ҳукмига ноҳақ тарки тавқир айладим,
Ногаҳон андоғ пари рухсордин бўлдум жудо.

Ҳажр дарди қилди қон бағримин ғамдин лахт-лахт
Ҳечким йўқдир жаҳон аҳлида мендек шўрбахт,
Мен ғарибу бенавоға эрди гўё тожу тахт,
Қолдим эмди қиссаи мушкилга бўлди кори сахт,
Боғласа беҳроқ бу мискин олами боқига раҳт,
Хуш такаллум тўтийи гуфтордин бўлдум жудо .



ОГАҲИЙ





M

уҳаммад Ризо Эрниёз ўғли Огаҳий Хива шаҳрига яқин Қиёт қишлоғида мироб оиласида туғилди.

Огаҳий машҳур ўзбек шоири Мунис Хоразмийнинг жияни ва шогирдидир. Огаҳий ёшлиқдан дуруст тарбия кўрди, таълим олди. Илм фан ва айниқса адабиёт ва тарих билан қизиқиб, ўз мутолиаси натижасида даврининг билимлик илгор кишиси бўлди. Мунис ва бошқа Хоразм шоирлари билан доим ҳамсұҳбат бўлиб ва улардан ўрганиб, Огаҳий тахаллусида шеърлар ёзмокка бошлади. У дастлаб хон саройига мирзо бўлиб хизматга киради, Мунис вафотидан сўнг мироб бўлиб тайинланади.

Огаҳий бу хизматда узоқ ишламади, тезда уни ташлаб, ўз қишлоғига кетди ва у ерда ижодий меҳнат билан шуғулланди ва ўша ерда вафот этди.

Огаҳий оммага маърифат тарқатиб ва хон, бекларни адолатли бўлишга ундан, кенг омма аҳволини енгиллатишни ўйлайди. Ҳаракатлари фойдасиз бўлганини кўрган Огаҳий замонасидан ҳасратга тушади. Гир атрофни ўраб олган феодализм ахлоқи, фисқи-фасодига қарши чуқур ёлғизлик туйғуси, ифодаси Огаҳий лирикаси учун айниқса характерлидир.

Огаҳий ўз даврининг олимни, мутафаккири ва талантли шоири эди. Унинг чуқур билимдонлиги, илгор дунёқарashi ўз давридаги илгор кишиларга катта таъсир қилди. Огаҳий ҳали ҳаёт вақтида унинг гўзал ғазаллари халқ ҳофизлари ижросида севилиб куйланар, халқа тарқалар эди. Огаҳий жуда кўп шоирлар ижодига, зўр таъсир кўрсатди.

Огаҳийнинг қўшни халқлар олим ва шоирларининг нодир асрларининг таржимони сифатидаги хизмати ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Огаҳий 20 дан ортиқ илмий, тарихий, бадиий асарларни ўзбекчага таржима қилган. Булар ичида Низомийнинг «Ҳафт пайкар»и, Саъдийнинг «Гулистан»и, Жомийнинг «Баҳористон»и, «Юсуф-Зулайҳо»си, Хисрав ва Ҳилолий асарлари бор.

Огаҳий Хоразм тарихига оид тарихий асарлар ҳам ёзган. Уларда у XIX аср Хива хроникасини акс этдириган. 1959 йили Ўзбекистон илмий жамоатчилиги отоқли шоир ва тарихчи олим Огаҳий туғулганига 150 йил тўлишини тантанали равишда нишонлади.





«Д Е В О Н» Д А Н

ФАЗАЛЛАР

Бугун, эй дўстлар, ҳолим ҳароб ўлғанга йиғларман,
Ки яъни дарду доғим беҳисоб ўлғанга йиғларман,
Бориб аҳбоб бир-бир, ман қолиб бир гӯшада ялғуз,
Ишим маҳбус қушдек изтироб ўлғанга йиғларман.
Боқиб атрофга бир ҳамдам ўлғудек киши топмай,
Таҳассур ўтиға бағрим кабоб ўлғанга йиғларман.
Ётиб бир гӯшада танҳо, ботиб ғам ичра сар топо
Малолат ашкидин ҷашмим пуроб ўлғанга йиғларман.
Қўруб ҳолим жабинида малолу кулфат осорин,
Қилиб нафрат иш элга ижтиоб ўлғанга йиғларман.
Тамуғдек тира қулбам ичра кўргач шум шаклини
Улусга қочғали мендин шитоб ўлғанга йиғларман.
Қарилиғ зъфию бекаслигим дарду балосидин,
Ишим чекмак кеча, кундуз азоб ўлғанга йиғларман.
Бу водийда бўлуб дарё талаб, бир қатра сув топмай,
Насибим оқибат муҳлик сароб ўлғанга йиғларман.
Ўтуб авқоти умрим фикри фосид бирла сар то сар,
Ҳануз ул ишга менда иртиқоб ўлғанга йиғларман.
Адо қилмай ҳузури дил билан бир кун намозимни,
Сазовори уқубат, ҳам итоб ўлғанга йиғларман.
Сўз ичра Оғаҳий булбулдек айлаб хуш адолиглар,
Маконим чуғзлек доим ҳароб ўлғанга йиғларман.

* * *

Билмон не дарду ғамга эрур мубтало кўнгул,
Ким ўт ураг фифонидин афлок аро кўнгул.
Саршори ком бўлғон улус ҳолини кўруб
Баҳри таассуф ичра ботар доимо кўнгул.
Ҳар лаҳза юз тафаккур ила беқарор ўлуб,
Мажнун мисол зўр ила йирттар яқо кўнгул
Мен ҳар нечаки ёлборибон сабр қил десам,
Солмай қулоқ, ситезалар айлар манго кўнгул
Ҳар ерда бўлса дард ила ғам ахтариб топиб,
Бошимға келтуруб ўгадур борҳо кўнгул.
Етмай муродига туну кун жустужў қилиб,
Беҳуда чеккуси неча ранжу ано кўнгул.
Дардиға чора топмоқ учун судрабон мени,
Юз минг эшикка элтибон этди гадо кўнгул.
Беобрў бўлмади ёлғуз ўзи онинг
Қилди мени ҳам эл аро юзи қаро кўнгул.
Манъ аиласам агар ман онинг изтиробини,
Дашном этиб манга етирур кўп изо кўнгул.
Мен рози эрдим олам аро борча ҳолға,
Ваҳ найлайнинки бермагусидур ризо кўнгул.
Боис кўнгуллур Огаҳий ҳоли харобима,
Эй кош, халқ қилмағай эрди худо кўнгул.

* * *

Бошимда ғам юки, найлаб тура олғум аёғ узра,
Ки тоқат айлаёлмас бу оғир юк тушса тоғ узра.

Ғам ичра танг бўлғон ғунчадек кўнглум оча олмас,
Очиlsa боғ аро гул, сайраса булбул будоғ узра

Эмас гирён кўзумда кўзлари шаклу хаёликим,
Кийиклардурки сув истаб келибдурлар булоғ узра,

Юзин кўргач бошига эвуурлар жон ила кўнглум,
Ики парвонадекким айланур тинмай чароғ узра,

Агар обиҳаёт узра тиларсан Хизрни кўрмақ
Тамошо айлагил хаттин ҳамул ширин дудоғ узра.

Жамоли борининг бодомига қасд этган ўғридуру,
Хам ўлмиш буки мушкин қоши ул дилкаш қапоғ узра,

Бало шаҳрида ишқ аҳли аро андоқ ғаний дурмен
Ки жамъ ўлғон дирамдур доғлар кўнглумда доғ узра,

Карам аҳли дирам аҳли дирамга сочса тонг йўқким,
Масалдур ёғ агар томса, томар, албатта ёғ узра,

Оқарди чун бошинг уз Огаҳий ўздин умидингким,
Хазон етган нишонидур қиров гар тушса боғ узра.

* * *

Кел, эй маҳзун кўнгул, хўй эт, ғаму андуҳу қулфатға,
Талабгор ўлма ҳаргиз инбисоту айшу ишратға.

Нединким чархи қажрав гардишидин етмади ҳаргиз.
Қилиб юз саъю қўшиш рост равлар кому роҳатға,

Ҳасосат аҳлининг комини гардун айлобон ҳосил,
Етургай доимо нокомлиғлар аҳли ҳимматға.

Зуҳалдек тийра диллар иззат авжида мақом айлаб,
Қуёшдек соғ диллар туштилар хоки мазаллатға.

Тараб базми аро бекорлар доим қилиб ишрат,
Ҳамиша хизмат аҳли мубталодур ранжу меҳнатға.

Аларким беҳунардур дам-бадам хилъат кийиб қат-қат,
Ҳунар аҳли vale мухтождур бир кўҳна кисватға.

Чу топдинг, эй кўнгул, гардуни дун ҳолидин огаҳлиғ,
Бериб орқо ҳунарга бўлмоғил мағрур хизматга.

Ҳасад бирла нифоқу бухл ила хиссатни касб этмай,
Тилаб иззат замона аҳли ичра қолмо заҳматға..

* * *

Гар бўса қилсам тонгэмас ул лаъли хандондин тамаъ,
Кимроҳати жон этгуси эл шаккаристондин тамаъ.

Қўйига киргач, истарам лаъли ким иймон эли,
Қилғуси кавсар шарбатин фирдавси ризвондин тамаъ.

Ул ҳусн шоҳи лутфидин ком истасам айб этмаким,
Ҳожатраволиғдур гадо аҳлиға султондин тамаъ,

Лаъли ачиғ сўзлар била олғуси жоним ҳар нафас,
Гарчи эмас хосияти заҳр обиҳайвондин тамаъ.

Топмон муруватдин асар истаб мусулмонлар аро,
Ваҳ найлаб они айлагум ул номусулмондин тамаъ.

Ишқида жон бермакдурур ишқ аҳли жонон мақсади,
Васлида жон топмоқдурур ошиқға жонондин тамаъ.

Маҳрумлиқдин жонингга ниши жафо урмай десанг,
Нўши вафони қилмоғил абнойи даврондин тамаъ.

Раҳбарлик умид айлама, эй дил, риёни шайхдин,
Йўқтур ҳидоят айламак одамға шайтондин тамаъ.

Таҳсин умидин сўзда ҳар нодондин этма, Огаҳий,
Сўз қадрини билмакни қил шоҳи сухандондин тамаъ.

* * *

Ул малак сиймоки барча илм бўлмиш ёд анга,
Рўзу шаб дарси сабақ тақоридур мұтод анга,

Сарфу наҳву мантиқ ичра токи саъй этти аён,
Сибвайх руҳи қилур таҳсин ҳам имдод анга.

Қилғали илми калому ҳикмат ашколини ҳал,
Ҳаддин афзунроқ берибдур тенгри истеъдод анга.

Насб этарга хаймаи илм эрди андоқ жидду жаҳд,
Ким мадад еткурдилар ақтоб била автод анга.

Гўйиё илм лаззатидин кўп топибдур баҳраким,
Ҳар каломи рамзидин ҳайратдадур устод анга.

Илм ила, ёраб, қил онинг рутбасин андоқ баланд,
Ким бори олимлар ўлсун тобеу мунқод анга.

Илм андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса ики олам бўлур обод анга.

Қасби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Икки олам обруйи бўлғуси барбод анга.

Илмдин бебаҳра эл ҳолини билмак истасанг,
Оғаҳийнинг зор ҳолин билгил истишҳод анга.

* * *

Чу тутти, соқиё ишқинг тўла аёғ манга,
Шароби шавқинг ила гарм эрур димоғ манга.

Очилғуси баданим боғида гули роҳат,
Мұхаббатинг ўтидин гар етушса доғ манга,

Сенинг била гар эсам боғ эрур манга дўзах,
Валек дўзах ўлур сандин айру боғ манга.

Ғаминг тунида манга ҳеч тийралик етмас,
Ки анда шуълаи оҳим эрур чароғ манга.

Висолинг оҳулари ром эса манга тонг йўқ,
Ки икки кўздур ики мавжлиғ булоғ манга.

Юзунг хаёлида боғи биҳишт ўлур бешак,
Йўлунгда манзил агар бўлса дашту тоғ манга.

Ҳарими кўюнгга етсам агар йироқ эрмас,
Ки ажзим ўлди йўлунгда қави улоғ манга.

Даме жаҳон ғамидин фориғ ўлмадим ёраб,
Тараҳҳум айлабон ондин етур фароғ манга.

Боқиб улус юзиға ҳашв сўз эшитмоқдин,
Ҳамиша кўру кар этгил кўзы қулоғ манга,

Мудом бехуд этиб бодаи хаёлингдин,
Ҳазин кўнгулни бирор лаҳза қўйма соғ манга.

Қулуңгман Оғаҳийдек бўлмишам вале фартут,
Тараҳҳум этсанг агар эмди яхши чоғ манга.

* * *

Бизга тараҳҳум айланг, эй, дилбари сийм соқимиз,
Ҳадидин ошти асрү кўп шиддати иштиёқимиз.

Ғам туни фикрида қолиб йўқ хўру хобимиз, даме
Тонг эмас ушбу важҳ ила бўлса бузуқ сиёқимиз.

Бешаку бегумон фалак фили белини синдуур,
Ҳодисай замонидин етса еган таёқимиз.

Бодаи илтифотингиз нашъасининг хуморида,
Бошимиз осилиб ошоқ, ер супурур қабоқимиз.

Тоқату сабримиз агар қолмас эса ажаб эмас,
Ҳаддин ўтубдур миҳан ўтиға эҳтироқимиз.

Бизга равомудур фалак мунча ситамлар этмаги.
Ким бу саройи кўҳнада бир-икки тун қўноқимиз,

Толеу бахт гумлиғи айлади бизни ғамга жуфт,
Йўқса фунуну фазл аро арсаи даҳр тоқимиз.

Маҳрига бергали дирам топмайин умримиз ўтуб,
Айшу тараб арусидин холи эрур қучоқимиз.

Огаҳий ёлқитибдуур бизни фифон чекиб кўнгул,
Комига етмагунча ул тинмоғуси қулоқимиз,

* * *

Боғу баҳор аро нетонг бўлмаса гар қароримиз,
Ким сари кўйингиз эрур боғимизу баҳоримиз.

Сарв ила лолаға назар айламасак ажаб әмас,
Ким юзу қаддингиз дурур сарв ила лолазоримиз.

Орази олингиз уза зулфи сиёҳингиз эрур,
Боғи муродимиз аро сунбули мушкборимиз.

Нетти ёрутсангиз даме субҳи висолингиз била,
Қилди қаро фироқингиз кечаси рўзгоримиз..

Соғари базми васлингиз нашъасининг хуморида
Ерга йиқилди ўйлаким хоки тани назоримиз.

Тортамиз интизорингиз шому сабоҳ негаким,
Даҳр аро сиздин ўзга йўқ ёrimизу нигоримиз.

Ҳарна жафоки қилсангиз тортамиз Огаҳий каби,
Ким анга мониъ ўлғудек йўқтурур иқтидоримиз.

ТАНГА

Ул не дилбарким тани симин ўлуб,
Бадр янглиғ сурату симосидур.

Хат бутуб икки юзида сарбасар,
Зийнат афзойи рухи зебосидур.

Жуссаси тирноғ юзи янглиғ кичик,
Лек улуғлар ишқининг расвосидур.

Васлини истаб жаҳон бозорида,
Оlam аҳли бошида савдосидур.

Ҳам фақиру ҳам ғани девонаси,
Ҳам қарию ҳам йигит шайдосидур.

Топса бир адно висолин ногаҳон,
Эътибор ичра улус аълосидур.

Етса ҳар аълоға гар ҳажри онинг,
Жумла адно халқнинг адносидур.

Топмаса гар илтифотин ҳар киши,
Хордур, гарчи жаҳон доносидур.

* * *

Рўза айлаб мени басе дилтанг,
Бошим оғир, аёғим этти ланг,
Қочуруб кун бакун кўзумдин нур,
Ўчуруб дам-бадам юзумдин ранг.
Бузубон ҳайъати сиёқимни
Тоб берди танимга ўйлаки чанг.
Расми ноаҳллик қилиб зоҳир,
Шишайи ишратимға урди санг,
Айш базми майи хумори била
Тилим алкан, қулоғим этти гаранг.
Чошибон ақлим ўлмишам мабҳут,
Маҳв ўлуб фаҳму донишу фарҳанг,
Қўтара олмоғум қабогимни
Кишидекким, ҳамиша чеккай банг.
Не баданда мажол этарга шитоб,
Не кўнгулда ҳаёл этарга даранг.
Эмди, эй дўстлар, умид этманг
Мендин осори ҳушу ному нанг.
Эмас эрди бурунғи ранжим оз,
Қилмиш устиға рўза ҳам оҳанг.
Огаҳий, билма рўзадин ёлғуз
Қарилиғ ҳам сени қилибдур танг.

* * *

Даврондин агар, эй дил, етса санга бир роҳат,
Чекмакка муҳайё бўл юз кулфату минг меҳнат,

Гар даҳр элидин олсанг ўлмакка этиб бир нон,
Бир лаҳза қутулмассан ўлгунча чекиб миннат.

Юз ваъда била хизмат, ҳар кунда буюргайлар,
Ер тутмас агар қилсанг, ҳар ваъдага юз хизмат,

Бу турфаки юз хизмат бутгаргали жон чексанг,
Ҳар хизмат учун кўргунг, ҳар лаҳзада минг туҳмат.

Ҳар дамда агар сўздин юз дурру гуҳар чоссанг,
Бир кўҳна хазаф чоғлиғ топмас эл аро қиймат.

Гар киприк ила қозсанг, юз тоза қудуқ андин
Сероби мурод ўлмак кўргузмагуси сурат.

Гўёки сени тангри меҳнат учун этмиш халк,
Йўқса санга ҳам элдек бермасму эди давлат.

Гар халқ жафосидин осудолиғ истарсан,
Тут дайри фано ичра бир тўша аро хилват,

Ё Огаҳий янглиғ тут шоҳ даргохида маскан,
Даҳр аҳли жафосидин то кўрмагасен оғат.

* * *

Ёзарда ёрга хат илгима олсам агар коғаз,
Фиғонким кўз ёшим турмай, оқиб бўлғуси тар коғаз,

Битарга шарҳи ҳолимни бу коғазлар вафо қилмас,
Ети афлок авроқи анга бўлса магар коғаз.

Езиб рози дилим жон пардасиға айларам ирсол,
Ки эрмасдур муносиб дилбарим олдиға ҳар коғаз.

Кабутар болиға номамни банд эткумки, оламда
Манга элтарга йўқ бир маҳрами соҳиб хабар коғаз,

Агар токи кабутар элтибон коғазни арз этса,
Олурму қўлға оё ул нигори симбар коғаз.

Агар илгиға олса, коғазимни илтифот айлаб,
Очиб қўл бирла солғойму саводига назар коғаз.

Назар айлаб, ўқуб маълум қилғоч борча мазмунин,
Жавобида юбаргайму манга беҳжат асар коғаз.

Агар коғаз юборса, ногаҳон ул хуш лутф айлаб,
Топиб ушшоқ аро шаҳлиқ, қилурман тожи сар коғаз.

Бу давлат шукрин этгил Огаҳийким назм дурридин,
Санга бўлмиш музайян айламак доим ҳунар коғаз.

* * *

Не ажаб шикаста кўнгул иши туну кун фифон ила
ноладур
Ки на ғам тошики, фалак отар анга лаҳза-лаҳза
ҳаволадур,
Дема ул пари юзини қилибдур иҳота ҳалқаи зулфиким,
Фалаки латофат уза анинг бириси қамар бири, ҳоладур,
Юзум узра хатти сиришкидин ғами ишқим элга аён
ўлур,
Негаким бу маънийи мубҳам ул муни шарҳ этарга
рисоладур.
Ғами ишқида ҳақир англама дуди оҳим ила қон ёшим,
Бири ер юзи уза ғозиню, бири кўк бошиға кулоладур,
Ғами даҳрдин етибон изо мени хаста айлади, соқиё,
Қарам айлағилки, даво анга майи ноб тўла пиёладур.
Жуҳалоға бўлса забун, нетонғ фузалоки суфраи
чархдин,
Анга туъма қанду нишолау манга луқма тузсиз
атоладур,
Тилама ривож ила қадр фазлу фатонатингға жаҳон аро,
Ки бу чаҳорсуда касод ушбу матоъ бирла бу коладиур.
Тамаъ элдин этмайин, эй гадо, кетур ул ғани сари
илтижо,
Ки қуёш фатири самот базлида бир камина наволадур.
Топиб ўйла ришва русуми маҳкамай шариат аро шуюъ
Ки нуқуди муддан аҳлининг талафи қабули қаболадур.
Бу на савлату бу на дабдаба, бу на шавкату бу на
кавкаба,
Ки раҳил кўсини тонгла ушбу замона отинга чоладур,
Нетонғ Оғаҳий назар айламас эса боғ сари нигорининг
Сочи сунбулу, кўзи нарғису, лаби ғунчай юзи лоладур.

* * *

Даҳр қасриким ҳақиқатда куҳан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур,

Сақфида ер сарбасар андин ёғар гарди хатар,
Амнятдин йўқ асар ваҳ не ажаб кошонадиур

Фитна афвожи аниңг сокинлари қасди учун,
Тортибон анда жафо тифин мудом айлонадур

Анда ҳар шамъики равшан бўлғусидур кечалар
Қаврулуб ўз ёғиға бошдин-аёғи ёнадур.

Шуълаи ҳирмон аро чургангусидур оқибат,
Анда роҳат шамъиға ҳар жон қуши парвонадур.

Они ғафлатдин қаю қушким нишиман айлади,
Ҳасрат ашкидин анга билгилки обу донадур.

Ким онинг аҳдиға бўлди ошно истаб вағо,
Тортибон турлук жағолар жонидин бегонадур.

Таркини онинг кишиким билди роҳат мүжиби,
Оlam аҳли ичра они англаким фарзонадур.

Қомиға етган киши тонг йўқ жаҳондин топмасанг,
Ким бу олам Оғаҳий бир куҳна ҳасратхонадур,

Эй кўнгул одам хаёл айлаб дема нодонға сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонға сўз,
Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қимат баҳо,
Они ҳор этма, дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонға сўз
Ваҳ на янглиғ билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини,
Ким топор ҳаз этса ул кунжоруа сомонға сўз
Сўзни мафҳум айламак нофаҳмға мушкилидуур,
Ким бўлуб сўз аҳли бағри қону, ботғай қонға сўз.
Сандил жоҳилға тонг йўқ сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонға сўз.
Ҳар хасосат шеваға сўзингни зайдъ қилмоғил,
Сўз демак гар истасанг дей соҳиби эҳсонға сўз.
Билмаган ўз қадрини, не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак нодони беирфонға сўз.
Аҳмак аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилғай зарар, охир чекиб ҳар ёнға сўз,
Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидғаким,
Одами маъқул эта олғай қачон шайтонға сўз.
Раҳм этиб сўз ҳолиға жоҳилға они демагил,
Ким бўлуб безор ондин келгуси афғонға сўз,
Олам ичра борча ишдин қаттиғу душвордур,
Огаҳий маъқул қилмоқ беҳаё нодонға сўз.

* * *

Қўюбман то тааллуқ маҳбаси ичра қадам ёлғуз,
Чекарман ҳар нафас ғам шаҳнасидин минг ситам,
ёлғуз,

На бор бир ёри ғамхорим, на дилдори вафодорим,
Етушса даҳрдин чеккум агар юз бор ғам ёлғуз.
Ғами бекаслик андоқ еттиким ифрат ила ҳар тун,
Тўкардин ашк кўзда қолмади бир қатра нам ёлғуз.
Замони айтишиб ҳолимни йўқ мунглашгудек ҳамдам,
Ура олмон, ичим дард ўтидин гар ёнса, дам ёлғуз.
Қишим йўқ олғали хуни дият қатл этсалар ногоҳ,
Қиши мен янглиғ ўлған топилур оламда кам ёлғуз.
На сўрғунг ушбу меҳнатхонада ёлғуз киши ҳолин,
Ки бўлғай заҳр коми ичра ичса жоми жам ёлғуз,
Бари илму ҳунар ичра эса ҳар нечаким доно,
Замон аҳли аро бўлмас замоне муҳтарам ёлғуз.
Жаҳон бозори ичра нақд андоқ бўлғуси зойиб,
Ки тутмас бир пул ўрнин харж қиласа минг дирам
ёлғуз.

Эл ичра обрў топмоқ тилаб сарф этса амволин,
Бўлур беобрўлиқ бирла элга муттаҳам ёлғуз.
Агар бу эрса ёлғуэлик ғамиким мен чекибдурман,
Илоҳо бўлмасун олам аро куфр аҳли ҳам ёлғуз.
Тааллуқ таркин айлаб эмди тутғил ўзни осуда,
Қаҷонға тегру чеккунг Огаҳий мунча алам ёлғуз.

Дўстлар бу маҳфилда бу кеча нигорим йўқ,
Айб қилмангиз бўлса сабр ила қарорим йўқ.

Хотирим бўлуб чаҳзун, не ажаб хомуш ўлсам,
Булбули эруруманким, боғ ила баҳорим йўқ.

Манъ қилма, эй носиҳ ишқ аро жунунимни,
Олди бир пари ақлим, қўлда ихтиёrim йўқ.

Орез манга ёrim гул юзини бир қўрмак,
Оlam ичра кўнглумда ўзга хорхорим йўқ.

Оҳим ўти куйдурса сарву гулни тонг эрмас,
Ким бу лаҳза олдимда сарви гул узорим йўқ.

Кўйидин даме чиқмай, эй рақиб, минг сўксанг,
Чунки бўлмишам ошиқ, бўлди нангурим йўқ,

Бенаво кўнгул комин кимдин истарам, ё раб,
Ким нигори дилжўю марҳамат шиорим йўқ.

Шукрким, эрур қадрим фақр эли аро олий,
Аҳли жоҳ оллида гарча эътиборим йўқ.

Огаҳий мени гар шаҳ лутфи қилмаса побаст,
Ушбу ғамкада ичра бир нафас турорим йўқ.

* * *

Мажнун кўнгулнинг ишқ аро гар ёғса юз тош устина,
Дер шод ўлуб ҳар тошға келсанг агар бош устина,
Ул дилрабонинг оташин руҳсори мушкин қош ила
Бир шамъи базм оро дурурким етти минқош устина,
Ҳар кимки бўлса бебасар ул юз зиёсидин қочар,
Ул навъким тушгай қуёш анвори хуффош устина.
Ишқ ичра гар содиқ эсанг, шод ўл ғаму меҳнат била,
Бошиңға келса юз бало чин солмагил қош устина.
Зоҳид соқолида сўзуб май муғбача дардини кўр,
Оҳор каби ким жавлаҳа тўлтурди гирвош устина.
Хуноб ичар вақтимда хуш келдинг, кўнгулким, халқ
аро

Яхши масалдурким, келур яхши киши ош устина,
Иқболу иззат аҳлиниңг киргай қаториға қачон,
Киймак била дебоу ҳаз арзолу авбош устина.
Лекин ҳақиқатда эрур иқболу иззат лойиқи
Фақр ичра кийган эски шол озода қаллош устина.
Бўлма гунаҳ дашти аро навмидлиқ лаб ташнаси,
Ким афв ёфи ичра сув амвож етар рош устина,
Руҳим бўлуб нафс илгига урён либоси файдин,
Бор ул ўлукдекким аниңг қасд этти наббош устина.
Қилма ҳавас, эй Огаҳий эмди йигитлик айшини,
Ким етти умринг муддати эллик ети ёш устина.

* * *

Ваҳки афзун ўлди андоқ ҳадди имкондин совуқ,
Ким жаҳондур чеҳраи зуҳҳоди нодондин совуқ.

Кўрмамушдур ҳеч ким фасли баҳор ўлғон чоғи,
Бўйла қаттиғ гардиши гардуни гардондин совуқ,

Қилди таъсир ўт мизожига бурудат ўйлаким,
Бўлди оташдан жаҳон аҳлиға яхдондин совуқ,

Ушбу авқот ичра ҳар лаҳза мени bemorғa,
Жаврин афзун этти ўзга аҳли даврондин совуқ,

Ким касал бирла қарилиғ оз эмас эрди манга,
Ҳам етушди бир тарафдин фоқа бир ёндин совуқ.

Гарчи ётдим неча пўстун бурканиб бир гўшада,
Онда ҳам топди мани, турмай ўтуб андин совуқ.

Оғаҳийға не ўту не луқма бордуғ, не либос,
Ҳоли гар будур ани айирғуси жондин совуқ.

* * *

Юзунг очким қуёш садқанг бўлуб бошингдин айлансун,
Янги ой юз тавоузъ кўргазуб қошингдин айлансун.

Агарчи лаълиу ёқут эл замирифа муфарриҳдур
Ҳаёт афзо ики лаъли гуҳар пошингдин айлансун.

Тану жоним ҳадаф айлаб, ўқу тош отсанг, эй чобук,
Бири ўқингдин эврулсун, бири тошингдин айлансун.

Рақибинг гар эрур ҳасмим, они йўлдош этиб келсанг,
Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин айлансун.

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ жамолингдин,
Ки ўн саккиз минг олам ўн сакиз ёшингдин айлансун.

Боқиб кўз учидин пинҳону фош этдинг тағофуллар,
Йўқу борим ҳамул пинҳон ила фошингдин айлансун.

Неча қаллош эсам ҳам ағниё оллида бош эгмон,
Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансун.

Чу бергунг нон ила ош, эй сахий, сидқ аҳлига бергил,
Риёу кизб аҳли нонингу ошингдин айлансун,

Ул ой кўнглиға қилди Огаҳий оҳу ёшинг таъсир,
Бори жоним оҳ ила ёшингдин айлансун,

* * *

Ишрат майин аҳбоб тараб бирла ичинг сиз,
Биз бодай ғам неча тааб бирла ичармиз,

Бизга ғам аро чехра эрур ўйлаки заъфар,
Сиз айш ила айланг юзингиз ўйлаки қирмиз,

Бу дардки жонимда эрур, кўнглум очилмас,
Гарчи десангиз кўнглум учун неча сизу биз.

Фикр ичра яра қилди тизим устини манглай,
Ҳам қилди қаро манглайим устини ботиб тиз.

Ҳолимни не билсун туну кун фикр ила ғамда,
Ул хайлки умрида эрур фикр ила ғамсиз.

Жоним қулоқин кесса алам тифи агар минг,
Бедард улус оллида кесканча эмас киз,

Чун Огаҳийни алдади бу даҳр аруси,
Билдимки экан даллаи муҳтола ҳамул қиз.

* * *

Ҳаётим боиси ширин тилидин бир такаллумдур,
Нишотим маужиби рангин лабидин бир табассумдур.
Ўлумдин ман гадони ишқ дарди ичра қутқорган,
Ҳамул ҳусн аҳли шоҳи зоҳир этган бир тараҳҳумдур.
Қўзим ёшин кўруб ҳижронда тонг йўқ келса кулбамға,
Ки раҳравнинг далили кеча манзил сори анжумдур.
Ўлар ҳолатда топдим тоза жон мутриб навосидин,
Тилимда бу жиҳатдин шукри ҳақ дойим тараннумдур.
Хату холинг хаёли кирмаса кўз кўр ўлур бешак,
Ки кўзнинг эътибори мужиби мужгону, мардумдур,
Деса сўз муддаи ҳар бобдин солма қулоқ ҳаргиз,
Ки умрида анинг билган иши макру ташаъумдур.
На сўрғунг зоҳид аҳволинки онинг фикрию зикри
Такаббурдур, тафаръундур, таҳашшумдур, тааззумдур.
Танаъум аҳли бўлмак истасанг, қил сидқ ила хизмат,
Аларким қилди хизмат сидқ ила аҳли танаъумдур.
Улусфа олам ичра ҳосил этмак нон эмас осон,
Ки боис чиқғали фирдавсдин одамға гандумдур.
Эр эрсанг тут баробар чархнинг лутфу жафосини,
Йўқ эрса, доимо элга ишинг арзи тазаллумдур.
Агарчи хушдил ўлмиш Огаҳий анвои лутфингдин,
Бале кўнглида онинг макри ҳосиддин таваҳҳумдур.

* * *

Эй жони ғамгин муждаким бу кеча жононинг келур,
Ғунча даҳону гулбадан сарви хиромонинг келур,

Меҳру вафо расмин тузуб, жавру жафо таврин бузуб,
Ширин табассум кўргузуб, лаъли дурафшонинг келур.

Хинги саодат маркаби, себи латофат ғабғаби,
Боғи малоҳатда лаби, гулбарги хандонинг келур.

Англаб ғамида мотаминг, бўлмақға бутун ҳамдаминг,
Ёрутғали шоми ғаминг, шамъи шабистонинг келур.

Дарди дилингни сўрғали, сориғ юзингни кўргали,
Дамсоз ўлуб ўлтурғали, ёри қадрдонинг келур.

Гар дардидин ўлсанг, неғам ким бу кеча айлаб қарам,
Ширин лаби жонбахш дам, исойи давронинг келур.

Бору йўқунгни шоду хуш оллида қилғил пешкаш
Ким ул азизи мисраваш, иззатли султонинг келур,

Ииллар ўтуб, ул симбар, олмас эди сандин хабар,
Гўё бу тун айлаб асар, кўнглига афғонинг келур.

Жисминг қилиб хоки раҳи, жон ичра ер бер Оғаҳий,
Ким бу кеча хўблар шаҳи бўлмоқға меҳмонинг келур.

НАВОИЙГА МУХАММАС

Не бўла олдим ғами уқбо саранжоми била,
Не фараҳ топдим жаҳон саҳбойи гулфоми била,
Иш манга туку кун улус таъзиму икроми била,
Ваҳки умрим бўлди зойиъ борча эл коми била,
Бодаи ноб ўрниға хуноба ошоми била.

Эй кўнгул қил борча комингни худодин мултамас,
Истасанг роҳат замона аҳлидин пайванд кес.
Комрон ўлмақ тилаб, шаҳ хизматин қилма ҳавас,
Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким арзимас,
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоқфа бирав коми била.

Фақр элига кулбаси мулки жаҳондин яхшиким,
Анда эски бўрё тахти каёндин яхши ким,
Тинчлик бирла атола нўши жондин яхши ким,
Заҳрни ўз коми бирла ичса андин яхши ким,
Обиҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Қадни ҳар тун ҳам қилиб тенгри рукуиға эгил,
Оч саҳарлар оҳ уруб, афгон чекиб зикриға тил,
Айшу ишрат жойи эрмастур бу олам англағил,
Эй кўнгул эл субҳи айши сори боқма, хўй қил
Фардлиғ вайронида меҳнат қаро шоми била.

* * *

Ҳар кишиким фақр пиридин эрур иршодлиғ,
Гүшае ичра ирик мошоб ила мұтодлиғ,
Етмагай ҳаргиз анга шаҳ хильатидин шодлиғ,
Қүшға юнг маскан аро хүшроқ дуур озодлиғ,
Бұлғанидин банд аро сайёд ипак доми била.

Аҳли дунёким әрурлар одамилиқдин йироқ,
Пешаси озору миннат, одати кину нифоқ,
Хүшинг ўлса бу сўзимга сидқ ила тутғил қулоқ,
Бўлмак итлар мунъими тан туъма айлаб яхшироқ,
Танни қилғунча семуз нокаслар инъоми била,

Ораз ўлди зард, тарқ эт гулжабинлар суҳбатин,
Қомат ўлди ҳам унитғил сарв қадлар қоматин,
Оғаҳийдек тинмайин ахтарма дунё ишратин,
Эй Навоий, ҳузн ила ўткар қарилиғ меҳнатин,
Ким йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

МУСАДДАС

(Таржизъбанд)

Неча даврон ситамидин ер уза паст бўлай,
Оҳу ашку аламу дард ила ҳамдаст бўлай,
Истарам эмдики ринд аҳлига вобаст бўлай,
Жоми май нашъасидин зўри забардаст бўлай,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё бер манга пур жомки сармаст бўлай.

Токи ақлу хираду ҳуш ила дучор ўлдим,
Фаму дарду алам илгига гирифтотр ўлдим,
Бўлмадим шод даме туну кун зор ўлдим,
Боридин эмди мани ғамзада безор ўлдим,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга пур жомки сармаст бўлай.

Шиддати жаври фалак ўйла низор этти мени,
Ким алам базмида ғам чангига тор этти мени,
Ҳар нафас неча туман нолага ёр этти мени,
Заҳмаи кулфат ила ожизи зор этти мени,
Тобакай даҳр ғами кайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга пур жомки сармаст бўлай

Жонни дайр ичар ғами даҳрдин озод этайин,
Дили вайринни чағир дурдидин обод этайин,
Донишу фаҳму хирад борини барбод этайин,
Бу тариқ ила ўзимни нафасе шод этайин,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга пур жомки сармаст бўлай

Эй хушо, риндки етмас анга даврон ситами,
Иироқ ўлмиш танидин санги ҳаводис алами,
Илмас онинг назарига бу жаҳон бешу ками,
Балки тенг оллидадур даҳр вужуду адами,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай.
Соқиё, бер манга пур жомки сармаст бўлай.

Утди умрим туну кун ранжу алам фикри била,
Фоқаю фақр аро юз меҳнату ғам фикри била,
Тамай марҳамати аҳли карам фикри била,
Сийму зар ҳирсию динору дирам фикри била,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай.
Соқё, бер манга пур жомки сармаст бўлай.

Хонақаҳ ичра тилаб файз чу тутдим манзил,
Кўрмадим анда даме ушбу муродим ҳосил,
Келди ҳушёрлиғ ичра манга юз минг мушкил,
Оғаҳийдек тиларам эмди хирадни зойил,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай.
Соқиё, бер манга пур жомки сармаст бўлай.

РУБОНИ ВА ҚИТЪАЛАР

Масжидда намоз ўқуб мудом, эй зоҳид,
Гар топмас эсанг муроду ком, эй зоҳид,
Ихлос била кириб харобот ичра
Соқий қўлидан ич тўла жом, эй зоҳид.

*

То кажлик ила кирди фалак давронға,
Доно ҳама нон гадосидур нодонға.
Тузлук била айланса эди гар гардун,
Нодон юзи тушмагай эди бир нонға.

*

Эй кўнгул кимса ким сени севмас,
Қоч онинг теграсиға айланма.
Ки насиҳат қилурда ўтганлар.
Дедилар: «севмаганга сўйканма».

*

Бари олам элининг шуму бадбахти ул одамдур,
Ки бухлу хиссату кибру ҳасад андин бўлур вақиъ
Агар жамъ айласа юз ганж хиссат бирла Қорундек
Яна эл молини айлар тамаъ, бўлмай анга қониъ.
Узи худ бермагай умрида бир муҳтоҷға бир нон,
Берур элга дағи бўлғай камоли саъй ила мониъ
Анингдек шумнинг дийдорини кўрмаслик авлодир,
Ки онинг шомати кўрган кишини ҳам қилур зойиъ.

* * *

Биё дар кулбаам, э муғбача ҳангоми ид омад,
Ки аз пири муғон бомайкашे барман навид омад,

Барўям баста буд абвоби ишратҳо, рухат бинамо,
Ки ҳар қуфли тараб аз дидани рўят калид омад,

Бавасл ором деҳ якдам ки аз боди ҳазони ҳажр,
Тани зору заифам музтариб чун барги бед омад.

Фифонам аз фалак бигузашт дар шоми ғамат, э моҳ,
Ба гўши марҳамат акнун туро вақти шунид омад.

Тараҳҳумҳо намуда аз майи власлат бидиҳ комам,
Ки чун кайфияти ҳолам туро индам падид омад.

Зи рўйи зарду аз мўйи сафид э дил чи кор ояд,
Сабаб босуҳбати хўбон зари сурху сафид омад.

Магардон аз ҳузурат бе ҳусули муддао имшаб,
Ки нақди илтифоти Огаҳи карда умид омад.





МИРИЙ





M

уҳаммад Очилдимурод Нематулло ўғли XIX асрнинг охирида Каттақўрғонда ўтган талантли шоир.

Мирийнинг девони охирига ёзилган хотимасига қарангандо у Каттақўрғоннинг Эшонмазори деган жойидан бўлади. Мирий жуда ёшлиқдан илм-фан, адабиётга ҳаваслик бўлади. У 14 ёшида ўзбек тилида бир мунча ғазал ёзиб, Бухоролик Мавлоно Қози Абдуазиз деган бир кишига кўрсатади, у киши ғазалларни ўқиб ажабга қолади ва у ғазалларни машҳур бир шоир шеърларига ўхшатади. Абдуазиз ўзи ҳам шоир бўлиб, бир байт-ғазал билан бу ғазаллар авторига Мирий деб тахаллус қўяди, шундан бошлаб Мирий шу тахаллусда ўзбекча ва тоҷикча шеърлар ёзган.

Мирий ўз ижодида ўзбек классик шоирлари, жумладан, Навоийга эргашган, унинг традицияларини давом этдириган, шунингдек, айрим ғазалларида замонасидағи текинхўр шайх ва мансабдорларнинг қилмишларини кучли танқид остига олган. Бу жиҳатдан унинг «Дар эътизор» шеъри жуда характерли, бунда Мирий қозиларнинг тўла образини беради, ҳолбуки анча вақт ўзи ҳам қози бўлган.

ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти китоб фондида Мирийнинг ўзи томонидан 1892—93 йилларда тузилган қўл ёзма девони сақланади. Бу девонда унинг ўзбекча, тоҷикча шеърлари ва таржималари тўпланган,





ШЕЪРЛАР

ҒАЗАЛ ДАР ЭЎТИЗОР

M

ени юзи қорани қозилиғда кўп қўйманг,
Ажалсиз элни бўғуб, тифсиз улус сўйманг.
Юзум қаросидин эл кўнглини қаро айлаб,
Кўзумни ўйди бу ғам, эл кўзини кўп ўйманг.
Ўзумни куч била урдим оловға куйдурдим,
Бу ўтни ёлқуни бирлан яна си[з]лар куйманг.
Туюбман оҳ бу янглиғ ҳаёти ҳарза аро,
Бу шумлуғумда си[з]лар худ ҳаётдин тўйманг.
Бу зишт хўюм ўрус кўрса айлагай номус,
Ки фитратимдин эрур шармсор ҳинду фаранг.
Қазо бисотида минг карру фар била тақа-туқ,
Фириб бобида шайтон ҳам ўлмағай ҳамсанг.
Кўнгул қуёшини муҳрона муҳри тийра қилиб,
Юзум қаро худ эмас муҳр жабҳасиға қаранг.
Гаранг айлаб, улус ҳукм ҷоғи нақд истаб,
Ясаб ўзумни чу муҳрона тегди қўлға гаранг.
Ғани мурофиасини сўрарда юз тадбир,
Фақир оғзини очғач қўюб отин данг-данг.
Ғани муроди учун бенавоға очиғ-очиғ
Деб они ханги эшак носазоу бефарҳанг.
Қўюб мулозими тадбирдону чобук ҳуш,
Ғарив ҳолини гаҳ телба деб, гаҳи калфанг.
Сиёсат ила гаҳе қўрқутуб, гаҳе алдаб,
Фириб ҳалтасидин лаҳза-лаҳза юз найранг.
Гаҳе авоҳина пайғомидин қулоғига савт,
Гаҳе навозишу эҳсонлар ичра илиб анг.
Неча бу хастани юз қиймалаб нечук саллох,
Бу нотавон деб онча ёлборурки қиймаламанг.

Олурға накд тилаб хизматона, муҳрона,
Ғаниға деб анга лозим буларни сиз берманг.
Қаранг юзум қаросиға, қаро юзумга боқинг,
Ғани бу нашъа била маству мен дод диҳи банг.
Тараҳҳум айламайин ҳоли нотавонларға,
Тазаллумини эшитмай бошиға юз харсанг.
На шамъи илм кўнгулдин кўторди зулмати жаҳл,
На айни илм қўёши била фуруғ оҳанг.
Етишти муҳлати умрим яқинлигин билдим,
Саодат оламидин мен баид юз фарсанг.
Рақиб таънасидин танда тийр боронлар,
Сиз, эй ҳабиб яралиғ танимни тирналаманг.
Кўтарди бошини муфсид фасоди ҳаддин кўп,
Фасоналиғ рақамини ўқурда ўпкаламанг.
Бошимға сояи шаръи шарифинг эт жорид,
Агарчи ваҳдати зотингға йўқ раво кўлаганг.
Қазони арсасида филтанлар ожиздур,
Ўзумни лутфунгга топшурмишам чу Мирий ланг.

* * *

Йиғорға халқни қилмиш ўзин тамошо шайх,
Ридога чўлганиб этмиш ўзини расво шайх.
Толарға халқни молин тили тиловатда,
Тиларға халқдин этмиш раво мусалло шайх.
Хуми кепаксизу ҳайвони шохсизни йиғиб,
Сулук ҳодиса расм этти турфа пайдо шайх.
Боши чу чатри карамдин насибсизмудурур,
Кўтарди бош уза чатри балони гўё шайх.
Мурид этиб неча авбошларни лўливш.
Алар чу ёлборур усрук тилида лоло шайх.
Тилида шукри бузуқ, қалби ширк этар изҳор,
Нечукки нахват ила худнамоу худро шайх.
Гаҳе ясад ўзини Боязиди Бастомий,
Гаҳе Жунайди замонлиғ қилиб таманно шайх.
Замон-замон бориб ўздин сулук важдини деб,
Нафс-нафс кетиб ўздин солиб алоло шайх.
Муриди жоҳил ани кўргач, очилиб оғзи;
Жаҳд хумори қилиб масти ҳуш ягмо шайх.
Ўзини ташлар аёғиға бехуд йиқилиб,
Қизу ўғул била хилватда мажлисоро шайх.
Дегай қул ўғлиму андоғ қизим канизакдур,
Бу фитна кимга дейин, қилди фитна барпо шайх.
Мурид атаб отини гоҳ зер ўқуб, гаҳ зам,
Бошини хам қилибон фитна боши боло шайх.
Гуруҳи ғул аро мағрур деви мардумхўр,
Ғурури фитна аро тутмуш ўзни доно шайх.
Паноҳи лутфунгга, ёраб, ўзумни топшурдум,
Бу йўл бидоятида қилмагай бу даъво шайх.
Фалакка еткурубон маъсиятни мизонин,
Ки таън тошиға Мирийни тутти танҳо шайх.

* * *

Воў бир шўхи ситамгар бевафодин доғмен,
Бевафо бедодгар бир маҳлиқодин доғмен.
Бўлмасун худ шиква изҳори ниёзу ажз эрур,
Нолалар айлаб десам, сен дилрабодин доғмен.
Ғам юки қилмиш алиф қаддим камон янглиғ дуто,
Тонг эмас десам, париваш қоши ёдин доғмен.
Асрайолмой жаҳд ила юзи қаро кўнгул нетай,
Жонға юз ғам солди ул юзи қародин доғмен.
Гар жафо душмандин ўлса жонға худ душмандур
ул,
Оҳким мен зор ҳардам ошнодин доғмен.
Тиш тўкулди, лаззати неъмат ҳам ўлди бартараф,
Нафсдин озурдау зўр иштиҳодин доғмен.
Жоҳил ҳар иш айласа жаҳлиға ҳамл имкони бор,
Масканат қасрида шайхи порсодин доғмен.
Гар қазо қилмиш насибим худ қазоға чора йўқ,
Бу қазо шукрида мен ҳукми қазодин доғмен.
Ағниёни қиласа дунёлиғда улдур даст рас,
Тугма тўнлиқ, сурма кўзлик бенаводин доғмен.
Савми фарзи ҳақни савми қарзға айлаб бадал,
Қурси маҳни қарз ўқуб, жинси дағодин доғмен.
Турфа расми тозалар ҳалқ ичра бўлмиш ошкор,
Тугма таҳсин баҳъя чин рангин қабодин доғмен.
Фўта зар, заррин камар, гулгун бедов, олтун жилов,
Қисса холи, ҳалқ молига балодин доғмен.
Қайси доғим сенга айтай тушти доғ устига доғ,
Гаҳ вафосиз ёрдин, гоҳо жафодин доғмен.
Менда дунёлиғ ниҳоятсиз эрур камёб хор,
Ганжлар омода қилған ағниёдин доғмен.
Мирий ўз ҳаддингни бил мен доғ сендин ҳар неча,
Туҳмат истаб дема чархи бевафодин доғмен.

* * *

Жунун айласам айб айламанг жамолини кўргач,
Нетонг тутошса кўнгул юзда хатту холини кўргач.

Сарири ҳуснида маҳбублар эмас сенга монанд,
Узор сафҳасида хол эрур мисолини кўргач.

Хаёли бирла ҳазин хотирим эрур хурсанд,
Биҳишт васлича бордур онинг хаёлини кўргач.

Фироқ даштида ёди висоли бергай жон,
Не навъ шарҳ этайин ногаҳон висолини кўргач.

Қошини кўрсаму қурбони жон не тонг қилсан,
Тавофи каъбани топдим буким: ҳилолини кўргач.

Дедимки, холиму эркин узоринг устида жоно,
Дедики, нуқтаи жонинг дурур камолини кўргач.

Қўлунгда тиғ недур қош қиличи етмасму,
Ки Мирий бошидур илгингда хуш бу ҳолини кўргач.

* * *

Турфа савдолар бошимға солди ул шамшод қад,
Шод қаддимни букуб паст этти сарв озод қад.

Эй насиҳат хайли, қотманг ўзни ушшоқ аҳлиға,
Бош кўтарди фитналар чиқмишму ул бедод қад.

Хўбуғда ончо қад кўрсатти бедод онча бор.
Дод ани бедодидин афғон солай деб дод қад.

Булъажаб ўн тўрт ёши турфа савдо бошида,
Етти ахтар етти ерға бермиш йистеъдод қад.

Йўқ оғиздин айлагач ширин лабин изҳорини,
Боғ гуллар очти тоғ устида кон Фарҳод қад.

Ҳусни Лайлисиға истаб халқни жонин асир,
Хажр Мажнунини солди қилғоли обод қад.

Ул сиҳи қад боғи шавқида наво булбуллари,
Кўп наволар топти Мирий ондин айлар ёд қад.

* * *

Мени айларга ул ой вола, зулфидин таноб этмиш,
Чу қилгач воласи гул юзға кокулдин ниқоб этмиш,
Юзин нурига кўз ёшимни тўксам айб қилмангким,
Тўкар ёш туш чоғи наzzора ҳар ким офтоб этмиш.
Рақиб оти ситам пайконидек бағримни қон айлар,
На муҳлиқ дард ул ой суҳбат тутуб майли шароб
этмиш.

Жафолар бирла тийдим жонға изҳори эмас мумкин
Ниҳони дарду доғинг узв-узвимни кабоб этмиш.
Муборакбод эттинг, ошиқға ўлмаклик муборакдур,
Муборакномайи қатлимни ул олижаноб этмиш,
Очилди хома, сочти ашқ бошидин оёғ айлаб,
Ул ой шарҳи жамолим қил дебон ногаҳ хитоб этмиш,
Лабинг ширин, қадинг насрин, юзинг раъно, кўзинг
шаҳло,
Кўнгүл Фарҳодини ғам тоғида бехўрду хоб этмиш,
Чаманким боғбонсиз гуллари равнақ қачон топғай,
Қизилдур лола рухсори ониким, гул ҳисоб этмиш.
Олурда хома нозук панжаси нозук хаёл этгач,
Таҳайюр бармоғини Моний тишлаб изтироб этмиш,
Неча Беҳзод ул ойни сурати зебосини тортар,
Ўзини сурати девордек маству ҳароб этмиш,
Ўзори мусҳафи устида кўз солди очиб гўё,
Ҳамоно хомайи Мирийга байте интихоб этмиш.

* * *

Ул ойким зулфининг ҳар торига юз хаста банд этмиш,
Қуёш юзлук санамлар вола айлаб мустаманд этмиш,

Бўлунг эй аҳли дил воқифким ул ҳусн аҳлининг шоҳи,
Қўзиким шўҳроқдур, шўхлиқ расмин писанд этмиш.

Оёғинг туфроғини истарам, ўпкамга заҳрам йўқ,
Бу гулшан ичра токим сарв қаддинг сар баланд этмиш.

Не дей фаттон кўзунгдин бенасиб этти кўз уйқудин,
Не дей мижгон ўқунгдин қон ёшимдин баҳраманд этмиш

Десам ўлдум, кулар, ўлтур десам дер тонгла ўлтургум,
Baфосиз ваъдага афсона айлаб ришханд этмиш.

Йиқилсам йўлиға солмас назар, солмас назардин ҳам,
Йироқроқдин ёмон ҳолимга боқиб нўшханд этмиш.

Навосиз нола, афғонсиз фиғондин Мирий жон бергум;
Бу ғунглуг нотавон жоним ғами хижрон лаванд этмиш.

* * *

Ҳолим табиб англагач авқ бедаво демиш,
Бедард дилрабо ғамига мубтало демиш.

Бедард дилрабо ғамидин тўқса қон кўзунг,
Қон демагил, сулуки ризо тўтиё демиш.

Жиссимға новакинг етушурда фифон чекар,
Ул новакингни шавқида жон марҳабо демиш.

Ё қилди қоматимни десам сарв қоматинг
Қошимға садқа ё қадинг ул қоши ё демиш.

Жоду кўзунгни фитнасидур жонға юз бало,
Десам, кўзумни киприки юз минг бало демиш.

Олди қарорим оқу қаро холу оразинг,
Ори парига учрагон оқу қаро демиш,

Мирийни шавқ даштида қилғил сағонасин,
Бу даштни ўзига магар Қарбало демиш.

* * *

Биё аз қомати сарват музайян соз гулшанро,
Зи шамъи орази худ нур фарсо кун нишиманро.

Вале дар қайди ҳости доштам сўят равон гардам,
Биё бахшам бапо андозият акин ҳамин танро.

Тағофул хўйий чашми ту таълими адаб дорад,
Ба абруйи ҳилол омухт таслими хамиданро.

Барўйи бемисоли шўхийи ҳуснаш намоён шуд,
Фигон зўй булбулон во кард оғуши тапиданро.

Набуд ори шунидан ҳамчу дидан шухрати ҳуснаш,
Чунон пур соҳт олам кард чун дидан шуниданро.

Башўхӣ як табассум кард олам соҳт мажнунаш,
Баҳусни Лайлийи ҳости жаҳон бардошт шеванро,

Мани Мири наям огаҳки созам шарҳи ҳусни ў
Балоги норасидан сина месӯзад расиданро.





МАҶДАН





О

дина Мұхаммад ўғли Маъдан 1788 йилда Поп районининг Панжфоз қишлоғида туғилди. Болалик вақтларда чўпонлик қилиб, сўнгра дәҳқончилик билан кун кечирди. Маъдан ўз даврининг талантли ва таниқли шомрларидан эди. Ўнинг шуҳрати Кўқонга ҳам ёйилган бўлсада, саройга келишдан бош тортган. Мұхаммад Алихон ўз саройига таклиф этганида «Шаҳарга ўзим сифсам ҳам оҳу фифоним сиғмайди» деб у таклифни рад этган.

Маъданнинг шеърлар тўплами ҳали топилган эмас. Ушбу ғазаллар «Гулистон» журналининг 1939 йилда чиққан 11 нчи сонидан олинди.





ҒАЗАЛЛАР

Ятлиқмен улусга ошкор әтмакка чорам йўқ,
Ҳарими васл аро ағёр маҳрам, мен йироғ узра.

Қуруб мажлис сунарда давр оёғин бор умидимким,
Ўлай базм аҳлининг хайлинда мен ҳам чинчалоғ узра.

Наиминг кўплигидин кўнглума заррод йўқ, ваҳким,
Эмас мумкин ўчурмоқ гар қалин ўт тушса ёғ узра.

Етар жисмимға ҳар дам чархдин юз минг туман оғат
Мен андоқ хорлиқдин — хор, ул айшу фароғ узра.

Мени бисмил этарда сўймади оллоҳу акбар деб
Ки билмон етмади бир қатраи қоним пичоғ узра.

Етиб ёшим, букуб қаддим, йигитлик мотамин туттум,
Қарилик ҳолидин илкимни топшурдум таёғ узра.

Жаҳон зулмотига жаҳд айла, эй Маъдан, мурод истаб
Скандар сувсаб ўлмиш оби ҳайвон деб булоғ узра.

* * *

Нечук мазҳабдасенким, шамъи ҳуснинг ёна рақс этмиш,
Ки тарсозодалар ул шамъ уза парвона рақс этмиш.

Менинг шўри жунунимдур, сенинг ё жазбай ишқинг,
Қуёш бирлан ҳилол ул гумбази гардона рақс этмиш.

На ялғиз мен сенинг майгун лабинг суйдум ҳикоётин,
На деса дерки орифлар анинг жўёна рақс этмиш.

Юзунг кўрмасда йўқ дайр аҳлидин шўри жунунлар-
(ким),
Зуҳурингдин алололар этиб бутхона рақс этмиш.

Эмас бир зарра кофир кўзларинг эл қатлидин фориғ,
Қараш ҳар қанчаким бераҳмдур мастона рақс этмиш.

Ўлай деб ҳодиминг, Маъдан, ҳарими соқи ёстонғаҷ,
Фалак илкиндаги ул соғари паймона рақс этмиш.

* * *

Қариган чоғда тушти бошима Мажнун алолоси,
Мени эл таън (айларким) бўлубсен ишқ шайдоси.

Кўруб беудлиғим, эй дўстлар, (ҳаргиз) савол этманг,
Улус оворисимен сўрмангизлар ишқ савдоси.

Сабоға арза тутдим дуди оҳим ихтилот айлаб,
Ки шояд раҳм қилғай англағач номамни фаҳвоси.

Менинг юз пора кўнглум шона янглиғ чок ўлур ҳар дам
Эшигтгач тоғ елидин совғайи зулфи мутарроси.

Танам қонимға булғаб Бесутун тоғида ёстондим,
Менга кўрсатмадилар жаддаи Мажнунни саҳроси.

Кўнгулга тоза-тоза доғ тўлди сарв қадлардин,
Табиби ишқдин сўр фикр маълужин мудовоси.

Қарилиқда май ичмак рафъи исёни шабоб этмак,
Жавоз эрмасмукин, эй муфтилар, Маъданни фатвоси.

* * *

Бода тут, соқий, раҳи майхона кўргузгил менга.
Барқи истиғнои ишрат ёна кўргузгил менга.

Чарҳдин ком истамак эрмас бани одамга қурб,
Ёна дарси ишқдин афсона кўргузгил менга.

Водийи ҳижронга чеккан ранжидин бўлмам малул,
Суҳбати чўғз истарам вайрона кўргузгил менга.

То нузул бўлдим қадаҳдин дайр аро бўлдум хумор,
Соқиё, раҳм айлагил, паймона кўргузгил менга.

Қатраи ашкимни тўфони жунунсўз айлагил,
Маърифат дарёсидин дурдона кўргузгил менга.

Шоми ҳижрон узра кўнглум зоҳири эрмиш хамуш,
Шаҳсувори субҳдин уйғона кўргузгил менга.

Ҳар қачон базм аҳлидин қатъи таалуқ айларам,
Бори ғамдин соғари риндана кўргузгил менга.

Ишқдур, Маъдан, рафиқим вақти ғам туғёнида,
Пайкарим урёни ғам парвона кўргузгил менга.





КОМИЛ ХОРАЗМИЙ





XIX

аср иккинчи ярмида Хоразмда етишган кучли шоирлардан бири Комил Хоразмийдир. Унинг номи Ни- ёзмуҳаммад бўлиб, Комил тахаллусидир. Комил Хива мактаб ва мадрасаларида таълим олди. Адабиёт ва санъатга катта ҳавас қўйиб, форс, араб тилларини яхши ўрганди. Ўз замонасидаги олдинги олим ва шоирларнинг суҳбатларида иштирок қилди, ўтган меросни қунт билан ўқиди ва тез кунда ўзи ҳам ижод этмакка бошлади. Комил шоир, талантли компазитор, яхши хаттот ва наққош ҳам эди.

Бу талантли кишининг истеъдоди хон саройига маълум бўлиб, саройга ишга тортилди, саройда аввал хаттот, кейинчалик мирзобоши бўлиб ишлади.

Комилнинг шеърлари девон ҳолида тўпланиб, тош босмада босилган.

Комил «Хоразм нотаси» деб аталган чизиқларни каашф этиб, бунга ўзбек классик куйларини кўчирди, Комил айрим адабий асарларни форсчадан ўзбекчага таржима қилиш ишлари билан ҳам шуғулланді.

Комилнинг қуйидаги ғазаллари ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги қўл ёзма девонидан олинди.





«ДЕВОН»ДАН

ФАЗАЛЛАР

Ўлмаса гардуни сифла дўсти гар дун, эй кўнгул,
Нега дунни шод этар, донони маҳзун, эй кўнгул,
Чун фалак нодон навозу хасми донодур они,
Дониш иқлимида бўлсанг гар Фалотун, эй кўнгул
Иzzат ила неъмат авжида бўлур олий мақом,
Ҳар ким ўлса каж нечукким айн ила нун, эй кўнгул.
Зойил этмак истасанг ўздин мазаллат қониъ ўл,
Олмас ул чиркингни мундин ўзга собун, эй кўнгул.
Жавҳари жон ул матоъ эрмаски сотқун олғасен,
Не асиф гар ҳосил этсанг ганжи Қорун, эй кўнгул.
Оцил эрсанг кибру нахват қилма иззу жоҳинга,
Бўлди истикборидин иблис малъун, эй кўнгул.
Эмин ўлма кайдидин ёру биродарман дебон,
Не жафолар қилмади Юсуфға Шамъун, эй кўнгул.
Даҳрнинг пасту баландидин десанг эмин бўлай,
Қўйма илкингдин замоне жоми гулгун, эй кўнгул.
Топти шоҳи нуктадан алтофидин сўз аҳли қадр,
Зоҳир эткил эмди бикри софи мазмун, эй кўнгул.
Бу гулистондин бақо бўйини истаб, бўлмағил
Лола баргидек саропо дофу дилхун, эй кўнгул.
Комил эрсанг одат айла сабр ила хомушлиғ.
Гар бор эрса ҳар сўзунг бир дурри макнун, эй кўнгул.

* * *

Эй кўнгул зинҳор қилма аҳли даврондин тамаъ.
Бор эса бу хаста жисмингға агар жондин тамаъ.

Чунки йўқ эрмиш жаҳон аҳлида холис дўстлиғ,
Кимки ондин яхшироқ йўқ айлама ондин тамаъ.

Даҳри дундин кўрмагунг жуз ҳасрати нокомлиғ,
Гавҳари мақсадни қилма бу уммондин тамаъ.

Солим ўлмоқнинг сипеҳр осибидин имкони йўқ,
Қилма ҳаргиз оғият кунжин бу вайрондан тамаъ.

Кўзлари жаллодидин қилмоқ мурувват орзу,
Аҳли иймон айлагандек кофиристондин тамаъ.

Истайн не навъ жоним роҳатин мужгонидин,
Қилғому мажруҳ марҳам тифи урёндин тамаъ.

Шарбати лаъли ҳавосин истамаклик бодадин,
Айламак жонбахшлиғ жуз обиҳайвондин тамаъ.

Хони васлиға рақибидин ионат истамак,
Айлаган янгилиғ гадо илкидағи нондин тамаъ.

Олам ичра гар бўлай десанг азиzu аржуманд,
Айлама Комил киби жуз зилли субҳондин тамаъ.

* * *

Бухл элига демагил, эй зубдаи даврон сўзинг,
Ҳайф этар қадрини билмас сифлаи нодон сўзинг.

Гарчи сўздек гавҳари қиймат баҳо йўқ даҳр аро,
Бор аларнинг қошида хар муҳрадин арzon сўзинг.

Улки қилмайдур маони баҳриға ғаввослик,
Кўрмагай минжуқча гар бўлса дури ғалтон сўзинг.

Паст фитратларға дунё моли учун тутма кўз,
Бир қаро пул бобида мушкил қилур осон сўзинг.

Бухл зангини қиро олмас темурдек кўнглидин,
Гар итиклик ичра бўлса ўйлаким суҳон сўзинг.

Гар сўзингдин бир нимарса ўнмаса бу дунёда,
Тингламаслар охиратда берса ҳам имон сўзинг.

Илтимос этма олардин бир кўмакни зинҳор,
Синдурур гар берса ҳам ўлган баданға жон сўзинг.

Дониш аҳли қошида ҳар бири бир лаъли хушоб,
Лек оларға бордурур лаъл ўлса ҳам пайкон сўзинг.

Топмасанг сўз лаззатидин огаҳу Комил киши,
Сақлагил бўлғунча кўнглунг пардасида қон сўзинг,

* * *

Ютубон бу замонда қон фузало,
Кулфат ўқиғадур нишон фузало.

Қалам ила китобдин ўзга,
Топмағай ёри ҳамзабон фузало.

Қатнабон сифлалар эшигига,
Топмас ўлтурғали макон фузало.

Жуҳало зумраси келиб ғолиб,
Бўлди мағлубу нотавон фузало.

Сўзни фаҳм этгали киши топмай,
Не осиғ бўлса нуктадон фузало.

Қимга кўрсатса биргина беҳбуд,
Топар ўтруда минг зиён фузало.

Жуҳалоға қилиб мулозимлик,
Топмадилар емакка нон фузалс.

Майи гулранг ўрниға тайёр,
Кўзлари соғрида қон фузало.

* * *

Бўлубон жолиси авранги жаҳолат жуҳало,
Урдилар оламаро кўси ҳукумат жуҳало.

Нўш этиб ришва майин етмай улус додига,
Билмадилар dame ойини адолат жуҳало.

Бўлубон ҳомии арбоби фасоду сариқа,
Жамъ қилдилар ўкуш давлату сарват жуҳало.

Уламоға бериб ижройи шариатда шикаст,
Бердилар жоҳили нодонға ҳимоят жуҳало.

Қилиб ўз ройича иш амри ҳукуматга мудом,
Қилдилар тарк баси фарз ила суннат жуҳало.

Арзу дод амрида аҳкоми шариатни қўюб,
Юрутуб ўрниға қавлияти одат жуҳало.

Бўлуб ўз бошлириға феъли мусаллат, ё раб,
Бўлмағай боиси манкуби вилоят жуҳало.

Қомило тутса нетонг вартай заллатда мақом,
Топдилар маснади иззатда садорат жуҳало.

* * *

Эмас кишига бу дунёда мулку мол камол,
Ҳусули илму ҳунар келди безавол камол.

Улумдин шарафи охират эмас ёлғуз,
Ки мунда ҳам сабаби иззату жалол камол.

Мурод маърифатуллоҳдур тааллумдин,
Эмас мубоҳасау жанг ила жидол камол.

Қамол маъниси таҳсили илми ҳол дуур,
На ҳосил айлагуси маҳзи қийлу-қол камол.

Замиринг айла мусаффо кадардин ойинадек,
Десангки жилвагар этсун анга жамол камол.

Бўлурму шўра замин обу донадин хуррам,
Хabis табъға топмак басе маҳол камол.

Қамол бергусидур сўзга шуҳрату таъсир,
Бу қушға қилғали парвоз паррубол камол.

Ниҳоли бебори саркашдуур авомуннос,
Не суд топмаса маъниға иттисол камол.

Кўруб ғазалда Баёний мусаддасин Комил,
Дедики бергай анга ҳаййи лоязол камол,

* * *

Ийд ўлди олам аҳлиға юзланди ибтиҳож,
Шаҳ тораки муборакидин қадр топти тож.

Май тарқи бирла ринд эли гирёну зор эди,
Атфолдекки йиғлар анга кессалар сужож.

Жоми сабуҳидин топибон куввати тамом,
Рӯза риёзати била бир заъфлиғ мизож

Ўткарди рўзани ебон аҳлиғино шакар,
Бечоралар саҳарлику ифтари бир кулож.

Атфоли ағниё олиб ийданага тилло,
Қашшоқлар боласи дирам топмай олди кож.

Аҳли карам сахосидин умид айлабон,
Ийдонадур баҳонаи арбоби эҳтиёж.

Шоҳи либослар кийибон барча хослар,
Маълум бўлса ким синуқу ким эрур рувож.

Ераб, шаҳим ҳукуматини мустадом тут,
Авранги адл узра мақом айла тахту тож.

Комилча бўлмағай шуаро мадҳинга фасиҳ
Булбул киби наво қила олурму сору сож.

* * *

Тафаъул айлар эдинг, эй кўнгул, қилиб ният,
Ки рафъ бўлғуси деб тоза йилда наҳсият.

Чу қилмас ахтари баҳтим сафар манозилға,
Иқомат этти магар буржи наҳсада ният.

Муҳаррам ўлди ҳаром ўлди элга кулфату ғам,
Валек бир манга юзланмади рафоҳият.

Жаҳони буқаламун ҳодисоти фикридин,
Етушмади бу паришон кўнгулга жамъият.

Анингдек ўлмишам ушбу диёрда бекас,
Ки қатл қилсалар олмоқға йўқ кишим дият.

Йироқ тут жуҳало ихтилотидин ўзни,
Ки ўтга ёқмоқ ўлубдур ёвуқни хосият.

Тамаъни тарқ эту чиқ гўшай қаноат аро,
Санга йўқ ўзга жаҳон ичра жойи амният.

Тамом қилдинг этиб банда хизматин, умринг,
Ҳам айлагил гоҳе маъбудинга убудият.

Тут ўзни пасту кичик борча ҳалқдин Комил,
АЗим оғат эрур нахвату иноният.

* * *

Юзу холинг ғамидин гар эмастур нотавон лола,
Недин бўлмиш ҳамиша сийна дофу бафри қон лола.

Хижолатманди холу оразинг эрмас эса нечун,
Қўюб гулшанни дашту тоғ аро тутмиш макон лола.

Бўйлди қонға ғамзанг тирборонидин ул гўё,
Қочиб Кўҳсор форин англамиш дориламон лола.

Туну кун давр этиб ҳеч кўрмадилар дашту гулшанда,
Юзингда сабъяи сайёра сирла осмон лола.

Очибму боғ аро устида гуллар сарв ё шамшод,
Бошиға қистирубму ёки ул сори равон лола.

Қадам қўй сарвнинг боши уза, эй шўх, гулшанда,
Ки то билсун сени бир хисрави олий макон лола.

Чаманда хизмат учун бир аёқда тик туруб шамшод,
Тутар йўлингда наргисдин қўлида шамъдан лола.

Кўнгул доғини кўрсатмак кўзунгга мумкин эрмастур,
Агар кўрмак тилассан бордуур андин нишон лола.

Ани ҳеч гулга ташбиҳ айламас Комил киши мундин,
Бирин бош узра қўйсанг исми зот айлар аён лола.

* * *

Не суд очилса гул, ўлса баҳор ғурбат аро.
Менгаки бўлмаса ёру диёр ғурбат аро.

Очилмади чаманистон ҳавосидин қўнглум,
Кўзимга гул эрур андоқки, хор ғурбат аро,

Фироқ даштида бир мушқбуғизол истаб,
Кўзимни қилди чу дом интизор ғурбат аро.

Йироқ тушкали аҳбоб сухбати майдин,
Нишот жомиға бўлдим хумор ғурбат аро.

Чаманда гулдек аҳиббо ватан аро хандон,
Чу лола бағрим эрур доғдор ғурбат аро.

Ватанда кўзима чангаситонча йўқ Маҳмуд,
Аёз боғида тутдим қарор ғурбат аро.

Чиқай ватан садафидин дема гуҳар янглиғ,
Агарчи бўлса сенга эътибор ғурбат аро.

Ниҳон эт ўзни ватан қофи ичра анқодек,
Сенга йўқ ўлса мурод иштиҳор ғурбат аро.

Ватанда сокин ўлуб сайр эт олами боло,
Сафарни айламагил ихтиёр, ғурбат аро.

Топ эмди Хевақ ила Паҳлавони Комил эсанг,
Дема Бухори шариfy Мазор ғурбат аро.

* * *

Жон бахш лаълинг устида ул хол ҳиндулармудур,
Е чашмаи ҳайвон уза зоги сияҳ мўлармудур?
Боғи жамолинг саҳнида ўйнар кўзинг мардумлари,
Ехуд Хутан гулзорида сайр эткан оҳулармудур?
Сунбул эрурму сарвға чирмошиб ўскан боғ аро,
Ехуд ҷўлашған қаддинга шабранг гисулармудур.
Хатти муанбарму эрур ҷоҳи занахдон даврида,
Е салсабил атрофида райҳони хушбўлармудур?
Шаҳло кўзинг атрофида кирпикларингму, йўқ эса,
Қурғон кийиклар сайдига сайёд мўндулармудур?
Ғамзанг мижанг новакларин отмоққадур икки камон,
Е кўзларингнинг устида пайваста абрўлармудур?
Зоҳир арақларму эрур, гулбарги ҳандонинг уза,
Е лаъл хотам даврида сероб луълулармудур?
Ғамзанг ҳадангин ҳар тараф отсанг тегар ман
зоринга,
Жону кўнглум ёхудки ул ўқларга қопулармудур,
Ҳайрони дидоринг бўлуб турмуш қошингда хўблар,
Йўқ эрса қўйғон ўтруда машшота кўзгулармудур?
Тортор риёйи шайхлар масжидда жаҳр айлаб фифон,
Е кўкка боқиб кўчада ҳар кеча ит увлармудур?
Комил қошиға келдиму барча рақиби ҳиласоз,
Е шери ғуррон оллида бир неча тулкулармудур?

* * *

Эй дурри ноби ишқингга жонлар хазиналар,
Мижгони новак афконинг омочи синалар,
Етмас кўнгул фифони муалло жанобинга
Ҳар неча оҳидин ясаса анга зиналар.
Ишқ аҳли бўлса гар менга тобиъ ажаб эмас,
Хусн аҳли келди сенга гуломи каминалар.
Мингдин бириси мумкин эмас сабт бўлмаки.
Хуснунг баёнида неча ёздим сафиналар.
Ушшоқ бахтини қора ёзғандан килки сунъ,
Холу хат ила қошу кўзунгдур қариналар.
Кўнглум муҳаббатингни ажаб қилса хоксор,
Ободлик ҳаробага бермас дафиналар.
Боқ, сўзга, боқма қойили яхши, ёмониға,
Май зарфи гоҳ кўза гаҳе обгиналар...
Кўюнг гадоси хирқайи пашминаси уза,
Товус парлариға қилур ноз биналар,
Ул ким замири покдур ойинадек мудом,
Етмас анга кудурати арбоби киналар.
Нетсун бу баҳру кон дуру лаълини Комилинг,
Эй дурри ноби ишқинга жонлар хазиналар.

* * *

Ваҳки, кўзларим гиръён қилди лаъли хандонлар,
Жамъ қўймади кўнглум кокули паришонлар.
Боғу, фунча сайдидин бўлдим эмди мустағни,
Очти гул хадангингдин кўнглум ичра пайконлар.
Орази арақнокинг кўрди чун чаман ичра,
Гуллар ўлди шабнамдек барча чашми ҳайронлар.
Токи ғамзау нозинг кўз уйин мақом этти.
Ташқарида мижгонлар бордуур нигаҳбонлар.
Ишқ сўзи дардидин нола қилма кўп, эй дил,
Бўлмасунлар озурда бу азиз меҳмонлар.
Қайси холу оразнинг доғидур чаманларким,
Лола доғу гулларга чок эрур грибонлар.
Чини остинингдур, мавжи жавҳари шамшир,
Йифнама бу зорингни қатл этарга домонлар.
Бу шаҳодат иқболин ким топар экан ёраб,
Нози олди мижгондин қўлға тифи уръёнлар.
Қимки, ҳусни шоҳига бегунаҳ, гунаҳкор ул
Анга зулф эрур занжир, чоҳ эрур занахдонлар,
Ҳусни кўзгуси бордур мазҳари жамолулло,
Манъ ишқим этманглар эй гуруҳи нодонлар.
Комило шаҳаншоҳинг назми гавҳар афшонин,
Кўрса банда бўлғайлар Фазлию Умархонлар,

* * *

Кулмадинг бир то мени юз қатла гирён қилмадинг,
Тутмадинг бир жом то кўнглум тўла қон қилмадинг.
Хотирим даврон ғамидин қилмадинг бир лаҳза жамъ,
То мени бир йилғача зору паришон қилмадинг.
Хаста кўнглум таҳ-батаҳ қон қилмағунча ғунчадек,
Очилиб мажлисда рухсоринг гулафшон қилмадинг.
Мен тағафга қилмадинг ҳаргиз ҳатодин бир нигоҳ,
То рақибимға боқиб юз лутфу эҳсон қилмадинг.
Айладинг меҳру вафо бобида қайси ваъдалар,
Ким яна ул аҳду паймандин пушаймон қилмадинг.
Отмадинг қаҳру итобинг новакин ағёрға,
То маломат ўқига кўксимни қалқон қилмадинг.
Қилмағунча хони васлингдин бу зоринг бе насиб,
Ўзгани бу хони ихсон узра меҳмон қилмадинг.
Эгнима кийдурмадинг лутфу иноят хилъатин,
То либоси оғиятдин жисмим уръён қилмадинг.
Қайси бир уммидким, лутфингдин этдим оқибат,
Ул умидим ҳосилини яъсу ҳирмон қилмадинг.
Эй ситамгар, қайси бедилға бериб васлингда жой,
Сўнгра они мубталойи доги ҳижрон қилмадинг.
Қилмағунча хонумонимни қаро ҳижрон аро,
Кулбам ичра оразинг шамъи шабистон қилмадинг.
Дониш аҳлиға қаю қилмишларинг дей, эй фалак,
Қай бирин ул зумранинг мағлуб нодон қилмадинг.
Сирри ишқинг неча пинҳон тутди элдин, эй пари,
Қўймадинг Комилни то расвойи даврон қилмадинг.

* * *

Гар олса илгига ул моҳ танбур,
Чекар ўтлуғ кўнгулдек оҳ танбур.

Қилур мутриб вашимнинг фурқатида,
Дамодам нолай жонкоҳ танбур.

Ғамингда нола айларда туну кун,
Менгадур ҳамдаму ҳамроҳ танбур.

Бўлурман ғам сақилидин сабукбор,
Аён қилса гар ишқуллоҳ танбур.

Жаҳонда сознинг анвои кўпдур,
Вале истар гадоу шоҳ танбур.

Бўлур ушшоқ эй мутриб асиринг,
Олиб соз айласанг дугоҳ танбур,

Қилур сайри мақомот ул жиҳатдин
Эрур Комилға хотирхоҳ танбур.

МУНИСРА МУХАММАС

Дардоки, йўқ жаҳон элида шармсорлиғ,
Кўрганлар иззатимни манга берди хорлиғ,
Эркан абас замон элидин дўстдорлиғ,
Яхши кунумда ҳар кишиким қилди ёрлиғ,
Дўнгач замона айлади душман шиорлиғ.

Улким эди вужуди вафо маъданни буқун,
Душманға лутф, зулм мангадур фани буқун,
Дерким рақиб сонида кўрман сени буқун,
Атфол этакка тош йиғингизким мани буқун,
Девоналиқға еткурадур беқарорлиғ.

Ҳар кимса ўз нигори висоли замонида,
Иzzат майини нўш этар ишрат маконида,
Фарёдким бўлолмадим афёр сонида,
Итлар азизороқ кўрунур халқ ёнида.
Мендинки кўйинг ичра чекарман бу хорлиғ.

Борсен агарчи давр элиға фойиқ, этма рад,
Ушшоқ аро билиб мени ҳам содиқ, этма рад,
Кўргач юзунгни бўлдум агар ошиқ, этма рад,
Мен гарчи суҳбатингға эмон лойиқ, этма рад,
Бу гулшан ичра гул ул эрур бўлса хорлиғ.

Ушшоқни қилурға чу қилдинг фифону асир,
Нағманғға бўлди борча эшитмак ҳамон асир,
Не навъ бўлмайин мени бехонумон асир,

Эй мутриб, ўлди ҳалқаи нағманғға жон асир,
Созингға ёр зулфидин олдингму торлиғ.

Сен сен сарири ҳусн уза шаҳиншаш, эй масиҳ,
Гар хўблар кавокиб эса, сен маҳ, эй масиҳ,
Комилға қўйинг ўлғали манзилгаҳ, эй масиҳ,
Мунисни ғам етурди ҳалокатға, эй масиҳ,
Мақтулинга даме қиласакўр ғамгусорлиғ.

МАСНАВИИ ДИГАР

(Қисқартириб олинди).

Шеър кўп вақт кам баҳо эрди,
Шуаро бахти ҳам қаро эрди.
Лиллаҳилҳамду вассаноки бу дам,
Жўш уруб сизга баҳри жуду карам.
Сажъи бир тангадин баҳо бўлди,
Шуаро кисаси тўло бўлди.
Сўзни гавҳар демишлар ўтканлар,
Фазл дўконини юрутканлар.
Бу замонда гуҳар жуган бўлмиш,¹
Дурни сотмоқ жуганга фан бўлмиш.
Ё жавоҳир шунос эмасму алар,
Танимаслар жуган била гавҳар.
Ё ғалат дебдуурлар аҳли салаф,
Ё жуган бордуур гуҳарға ҳалаф
Еки лафзи қадимда дерлар,
Жугари отини алар гавҳар.
Улки огоҳларнинг оғаҳидур.
Фаҳму дониш сипеҳрнинг маҳидур.
Сўзи ортуқдуур гуҳардъян ҳам,
Фазлу донишда олам ичра алам.
Сўзни ҳар неча қилса бозори,
Бордур оламда бир қаридори.
Минг балоғат била сўз айлаб адo,
Қилур они жугон била савдо,
Ул доғи ушр ё закотдуур,
Анга инъому базл оғ дурур.

¹ Жуғон — Қўқон жўхари маъносида,

Мани бечорау ғарибу ҳақир,
Ки сўзум ичра зарра йўқ таъсир.

Сўз десам ким анга қулоқ солур.
Ким ани ёки бир жуганға олур.

Мен не янглир сўз айлайин ишио,
Сўз дуриға бу навъ бўлса баҳо.

Сўзума ҳеч киши жугон бермас,
Берсалар ҳам самон ёмон бермас.

ҚИТЪА

Ҳар неча бало етса чекиб бош букма,
Таъжил яқосига бошингни суқма,

Амроз, алам шиддатидин ҳовлиқма,
Топғунг яна, Комило шифо, ошуқма,

Ҳар кимса айласа ошуқмасни хаёл,
Яфроғни йифак қилур, чечак баргини бол.



МУНДАРИЖА

Институтдан	5
Бобир	
„Девон“дан	11
„Бобирнома“дан	53
Муҳаммад Солиҳ	
„Шайбонийнома“дан	101
Убайдий	
„Девон“дан	143
Азизий	
Разал	169
Бақоий	
Разал	173
Мажлисий	
„Қиссаи Сайфулмулук“дан	178
Пошохожа	
„Мифтоҳул-адл“дан	230
„Гулзор“дан	247
Турди	
Шеърлар	282
Машраб	
„Девон“дан	305
Салоҳий	
„Гул-булбул“дан	341
Хувайдо	
Шеърлар	355
51—1050	

Умар Боқий

„Фарҳод ва Ширин“дан	412
Киромий	
Навоийга мухаммаслар	435
Нишотий	
„Девон“дан	447
„Хусну Дил“ достонидан	455
Амир	
„Девон“дан	472
Фазлий	
„Девон“дан	487
Фозий	
„Девон“дан	502
Гулханий	
„Зарбул-масал“	516
Ғазаллар	544
Нодира	
Ғазаллар	552
Хон	
Ғазаллар	571
Нодир	
„Ҳафт гулшан“дан	579
Маҳзуна	
Шеърлар	592
Увайсий	
Ғазаллар	600
Махмур	
Шеърлар	613
Мужрим Обид	
„Девон“дан	633
Мунис Хоразмий	
„Девон“дан	659
802	

Жоний	
„Девон“дан	688
Хозиц	
Ғазаллар	703
Шавқий	
Ғазаллар	714
Оғаҳий	
“Девон“дан	727
Мирий	
Шеърлар	760
Маъдан	
Ғазаллар	774
Комил Хоразмий	
„Девон“дан	782

На узбекском языке
«УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА» В 4-Х ТОМАХ.
ТОМ III

Гослитиздат УзССР—1959—Ташкент

Рассом *A. Ошайко*
Рассом редактори *Г. Осталенко*
Тех. редактор *Л. Ильина*
Корректорлар *Н. Содиков, Э. Миробидов*

* * *

Босмахонага берилди 11/VII 1959 й. Босишига рухсат этилди 3/X 1959 й. Формати
 $84 \times 108^{1/3}$ босма л. 25,126 шартли босма л. 41,21, нашр л. 24,95 индекс к/л
тираж 25 000. УзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий кўча-
си, 30. Шартнома 253—58

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси,
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1959 й. Заказ 1050. Баҳоси 8 с. 25 т.